

2021K9
329



МАНБАШУНОСЛИК

— ДАРСЛИК —

Неъматулло Насруллаев



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ

МАНБАШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

(дарслик)

«Akademnashr» nashriyoti

MAJBURIY NUSXA



Тошкент

«NAVRO'Z» нашриёти

2020

УЎК 754.24.627
КБК 81(Ў)
Н-16

930.2

Насруллаев, Н.
Манбашунослик асослари [Матн] : дарслик / Н. Насруллаев. - Тошкент:
Navro'z, 2020. - 448 б.

УЎК 754.24.627
КБК 81(Ў)

Мазкур дарсликда манбашуносликнинг умумий тушунчалари, фаннинг амалий ва назарий масалалари, атамалар ва уларни қўллаш, ёзма китоблар тузиш амалиёти, ўрта аср Мовароуннаҳр тарихи, Марказий Осиёда ёзилган тарихий манбашуносликка оид асарлар ҳамда уларнинг муаллифлари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, китобда Шарқ оламининг ёзма манбалари, матн тарихи ва уларнинг таҳлили, манбаларни танлаш, оммалашган тарихий асарларга оид бошқа масалалар тадқиқ этилган. Дарсликнинг илова қисмидан машҳур ўрта аср тарихнавис олимларининг асарлари ҳақида мухтасар маълумотлар ва баъзи изоҳталаб сўзлар учун глоссарийлар ўрин олган.

Ушбу дарслик Шарқ оламининг тарихий манбашунослиги, матншунослиги, тарихшунослиги, ислом тарихи ихтисосликлари бўйича таълим олаётган бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда Мовароуннаҳр ва унга қўшни мамлакатлар тарихи билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчи:

Н.Насруллаев
тарих фанлари номзоди

Масъул муҳаррир:

Д.Юсупова
тарих фанлари доктори, академик

Такризчилар:

О.Бўриев
тарих фанлари доктори

Р.Зоҳидов
филология фанлари доктори, профессор

А.Ҳасанов
тарих фанлари доктори,

Ҳ.Лутфиллаев
тарих фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 8 июндаги № 3174-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-602-557

© Н.Насруллаев. 2020 й.
© "Navro'z" нашриёти. 2020 й.

КИРИШ

Мовароуннахрда етишган олимлар бутун мусулмон дунёсининг ижтимоий, маданий ва маърифий ҳаётига мунтазам таъсир ўтказиб, ўз ноёб ёзма асарлари билан танила олдилар. Бугунги кунда уларни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш шахснинг маънавий баркамоллигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Одатда, мана шу асарларга мурожат этилса, унинг фақат матнларини ўқиб-ўрганиш билан чекланилади. Лекин Шарқ тилларини мустаҳкам ўзлаштирган тадқиқотчи ушбу ёзма асарларни ўқий олишидан ташқари, тайёргарлик жараёни, мавзусининг долзарблиги, муаллифи, унинг услуби ва матндаги ўзига хосликлар билан яхши таниш бўлиши керак. Мана шу жиҳатларини мукамал билган илм кишиси ёзма матларни фақат назарий эмас, балки унинг ички ва ташқи омилларидан иборат амалий томонларидан ҳам хабардор бўлади.

Бу ўринда қадим қўлёзмалар маънавий меросимизнинг моддий асоси бўлгани учун, уларни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг мавжуд экани, халқни доим маънан етуклигига далолат қилади. Аждодларининг илмий-маънавий меросидан ибрат олмайдиган ҳар қандай халқ, ўтмиши, бугуни ва эртанги кунини йўқотиши мумкин.

Бугун ўзбек халқи мустақил тараққиёт йўлини танлаб, жаҳон ҳамжамиятига ўзининг бой тарихи, туганмас маънавий хазиналари билан танилаётган экан, бу жараёнда ҳар бир соҳа вакили мутахассислик малакасини атрофлича эгаллаб олиши талаб этилади. Зеро, ўз тараққиётимиз учун курашаётган эканмиз, барча соҳа вакиллари каби манба-шунослар олдида ҳам маънавий меросимизга оид ихтисо-

слик йўналишларида кенг фундаментал тадқиқотлар олиб бориш вазифаси туради.

Албатта манбаларни ўрганмасдан тарихни мукаммал ўрганиб бўлмайди. Айниқса, илк ўрта ва ўрта асрларга оид манбалар тарихнинг кам ўрганилган ва муаммолари етарли даражада илмий асосланмаган даврлари бўлиб қолмоқда. Бу каби масалаларни ҳал этиш қатор ижтимоий-гуманитар фанлар орқали амалган оширилмоқда. Мана шулар орасида манбашунослик фани муҳим ўрин тутати. Лекин бу фаннинг назарий ва амалий вазифалари ҳали атрофлича тадқиқ этилмаган ва бу борада махсус китоб, қўлланма ҳамда дарсликларни ҳам етарли деб бўлмайди.

Юқоридаги саволларга жавоб топиш учун бирламчи манбаларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя. Бу каби маълумотларни биз ёзма ёдгорликлар, қўлёзма асарлар ва уларнинг замонавий нашри, қолаверса, турли манбаларнинг муқаддима, хотима, колофон қисмида шунингдек, соҳа мутахассисларининг илмий тадқиқотларида учратамиз ва улардан ўрганамиз.

“Манбашунослик асослари” номли ушбу дарслик қўлланмада масаланинг ана шу жиҳатларига атрофлича эътибор қаратилади. Албатта, манбалар билан боғлиқ тарихни ўрганиш ва ўргатиш деганда, фақат ёзма манбаларда мавжуд маълумотлар тўғрисидаги билим ва тушунчаларни шунчаки механик тарзда бакалавр ва магистрларга етказишни тушунмаслик керак. Балки, бунда анъанавий ва замонавий педагогик усулларнинг энг қулай ҳамда самарали воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Таалабаларга манбалар тўғрисида тушунча, билим ва улардан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш билан бирга, тарихимиз тўғрисида мустақил фикр юритишга ўргатишимиз ҳам тушуниш даркор. Бунинг учун ёзма манбалардан фойдаланишнинг илмий ва методик асосларини ишлаб

чиқиш ва амалиётга тавсия этиш манбашунос ва тарихнавис олимларнинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу масала жуда кенг қамровли бўлиб, ёзма манбаларни тадқиқ этишнинг илмий методик асосларини чуқур ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Ушбу дарсликда тарихий манбашуносликнинг муҳим назарий ва амалий жиҳатлари қамраб олинган. Унда илк ўрта асрлардан XX асрларгача ёзилган муҳим тарихий воқеа-ҳодисалар акс эттирилган манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида сўз боради. Энг зарур ва муҳим маълумотлар тўғрисида хронологик тартибда мухтасар библиографик эслатмалар ҳам келтирилади.

Бу асарларга оид билимларни кенгайтириш учун мустақил топшириқлар ҳам берилади. Мақсад келтирилган маълумотлар асосида талабаларда араб, форс ва туркий тилларда ёзилган тарихий манбалар хусусидаги умумий тасаввурни шакллантириш ва уларни мустақил фикрлашга ўргатишдир.

1. МАНБАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ: ИЛМИЙ АМАЛИЙ ҲАМДА НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ

Режа:

1. Манбашуносликка кириш
2. Манбашуносликнинг вазифалари
3. Амалий-назарий манбашунослик
4. Манбашуносликнинг бугунги кундаги аҳамияти

Таянч сўз ва иборалар: манба, моддий, этнографик, қўлёзма, фонд, матн, машаққатли меҳнат, манбаларни қидириб топиш, йиғиш, тартибга солиш, сақлаш, илмий-амалий фойдаланиш, фольклор, ёзма ёдгорлик, тарихий ва адабий манбашунослик вазифаси, ёрдамчи нусха, ижодий маҳсул, палеография, тарихий-филологик, матншунослик, мутахассислар тайёрлаш, фаннинг аҳамияти.

1. Манбашуносликка кириш

Манбашунослик фани нима учун керак? Манбашунослик фани ўтмишда ёзилган манбаларни мустақил идрок этиш малакасини ҳосил қилиш учун ўрганилади. Албатта, тарихий аҳамиятга молик манбаларни ўрганишда муайян бир давр ёки турли мазмундаги маълумотларга дуч келинади. Эндиги, масала уларни қай йўсинда талқин қилишдан иборат бўлиши керак.

Манбашунослик фани – Шарқ қўлёзма фондларида сақланаётган минглаб китобларни ўрганиш билан боғлиқ бўлиб, соҳа мутахассислари орасида барқарорлашган, ил-

мий-амалий йўлга қўйилган ёки таянч сифатида махсус ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар орқали ўрганилади. Кўп сонли китоблар орасидан зарур манба ё асар матнини излаб топиш ёки қандай китоблар мавжудлигидан воқиф бўлиш масалаларини соҳа мутахассислари, яъни манбашуносларнинг машаққатли меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Манбашунослик фани тарих илмининг асосий ва муҳим соҳаларидан бири бўлиб, турли (моддий, этнографик, ёзма ва бошқа) манбаларни ўрганиш ҳамда улардан илмий фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганади. Фанда билимнинг бу соҳасини “манбашунослик” деб аталади.

Манба нима – маълум бир халқ маънавий маданиятининг барча соҳаларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган қўлёзма асарлар, ҳужжатлар ва битиклар мажмуидир.

Манбашунослик – ёзма манбаларни қидириб топиш, йиғиш, тартибга солиш, уларни сақлаш, илмий-амалий фойдаланиш усуллари ва бошқа шу каби қатор жиҳатларни ўргатувчи фандир. Демак, манбашунослик манбаларини йиғиш, тартибга солиш ва кейинги илмий истеъфодага тайёрлаш билан шуғулланувчи соҳа ҳамдир.

Манбашунослик масалалари ўқув фани сифатида юртимизнинг таълим тизимида эндигина ўқитилиб келинмоқда. Шу вақтгача бу соҳада фаолият юритиб келаётган мутахассислар ўзларининг мустақил ишлари, илмий ва амалий изланишлари туфайлигина муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Бу ютуқлар натижаси ўлароқ фан соҳасида аста-секин юксалиш сезилмоқда.

Манбашунослик фани ижтимоий фан соҳаси сифатида шартли равишда икки хил турга бўлинади:

1. Тарихий манбашунослик
2. Адабий манбашунослик.

Ушбу қўлланмада тарихий манбашуносликка оид масалаларни ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Тарихий манбашунослик деганда нимани тушунамиз? Тарихий манба деганда узоқ ўтмишдан бошлаб, жамиятнинг маълум босқичдаги кечмишини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликлар тушунилади.

Моддий ёдгорликларга шаҳарлар, қасрлар, қалъалар харобалари, масжид-мадрасалар, уй-рўзғор буюмлари, шунингдек, қадимий обидалар, атиқалар, манзилгоҳлар, мазорлар ва бошқалар кирази.

Маънавий ёдгорликлар деганда – қадимги ёзувлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, афсоналар, дostonлар, ёзма ёдгорликлар – битик, қўлёзма китоб, хат-ҳужжатлар ва архив материаллари тушунилади.

Умуман олганда, тарихий манба ижтимоий фаолият натижасида пайдо бўлиб, унинг хусусиятларини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликлардан иборат.

Тарихий манбашунослик – маълум бир халқнинг яшаган тарихи жараёнида яратилган барча ёзма манбаларни қамраб олади. Унга кўра, манбада маълум ҳудудда муайян вақт орасида ижтимоий, иқтисодий, давлатчилик, маъмурий ва бошқа кўринишдаги масалалар у ёки бу даражада ўз аксини топади. Бундай мазмунга эга манбалар ҳудудий жиҳатдан умумий тарих (жаҳон тарихи) ва Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Туркия, Афғонистон, Европа давлатларининг тарихига оид бўлиб бу каби тарихий манбалар қаторига археология, тарихий география, топография ва унинг ёрдамчи соҳалари шунингдек, мемуар ва саёҳатнома жанри бўйича ёзилган асарлар ҳам кирази.

Тарихий манбашуносликка оид асарлар хронологик жиҳатдан IX аср охири ва XX аср бошларигача ёзилиб, аксари араб, форс-тожик ва туркий тилларда битилган. Бу манбалар орасида қатор соҳаларга оид қўёзмалар бугун-

ги кунда дунёнинг турли Шарқ ёзма асарлари сақланувчи фондлардан жой олган.

Ҳозиргача Мовароуннаҳр тарихига оид манбаларнинг кўпчилиги аниқланган. Жумладан, илк ўрта ва ўрта асрлар тарихини ёритиб берувчи ибн Асам Куфий (ваф.924)нинг “Китаб ал-футухот” Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий(839/923)нинг “Тарихи Табарий”, Наср Муҳаммад ибн Абдужаббор ал-Утбий (962/1036)нинг “Тарихи Яминий”, Нуриддин Лутфуллоҳ Хофиз Аbru (ваф.1431)нинг “Зубдат ат-таворих”, Масъуд Кўхистоний (ваф.1590)нинг “Тарихи Абулхайрхон” каби ва бошқа асарларда Одам алайҳиссаломдан бошлаб, то муаллифнинг ўзи яшаган даврларгача бўлган тарихий воқеа-ҳодисалар ўз аксини топган.

Адабий манбашунослик – бир халқнинг адабиёти тарихи жараёнида яратилган ёзма манбалардир. Бу манбалар турли ёзув ва тилларда ёки таржималардан иборат бўлишидан қатъий назар, ўша халқ адабиётининг асл манбалари ҳисобланади. Ўзбек халқининг муайян даврдаги ҳаёти, тили, маданияти ва урф-одатлари ҳақида маълумот берувчи оғзаки ёхуд ёзма адабиёт намуналари адабий манбашуносликнинг намуналари ҳисобланади.

Адабий манбалар маълум бир манбанинг пайдо бўлиши ва ривожлишида ўзига хос тарихий аҳамият касб этиб, келажак авлодларга мерос бўлиб қолади. Мана шундай адабий манбалар қаторига Ўрхун-Энасой битиклари, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний”, “Хамса”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобунома” каби ва бошқа асарлар нодир адабий манбаларимиз сифатида қадрланади ҳамда адабий манбашунослигимиз ёдгорлиги сифатида эъзозланади. Ўз ўрнида, адабий манбалар ҳам икки қисмга бўлинади:

Аввалгиси, ёзма адабий манбалар бўлиб, унга ёзма адабиётнинг барча турдаги асарлари киради.

Иккинчиси, халқ оғзаки ижоди – фольклорга оид асарлардир. Ҳар бир халқнинг адабий мероси ва тарихи шу халқнинг босиб ўтган ижтимоий-сиёсий тараққиёти билан басма-бас мустаҳкам боғланган ҳолда ўрганилади ва таҳлил этилади. Ҳар бир халқ у катта кичиклигидан қатъий назар, ўзининг илғор адабий манбаси билан жаҳон маданиятига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

2. Манбашуносликнинг вазифаси

Манбалар устида олиб бориладиган барча тадқиқотлар манбашунослик фанининг вазифаларини белгилаб беради. Манбашуносликка кўра, тарихнинг ҳамма даврларида яратилган ёзма манбаларини, алоҳида тарихнавис ёки муаллифи номаълум асарларнинг яратилган давридан бошлаб, то ҳозиргача кўчирилган қўлёзмаларини, босма ҳолда чоп этилган нусхаларини илмий-танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқиш соҳасидаги ҳамма жараёнларни тушунамиз.

Манбашунослик фанининг вазифалари тарихий манбаларни қидириб топиш, уларни рўйхатга олиш, туркумлаш, атрофлича илмий тадқиқ этиш, манбада ўз аксини топган ёки баён этилган воқеалар, келтирилган фактларнинг тўғрилигини аниқлаш, манбанинг тарих фанлари тараққиётини ўрганишдаги аҳамиятига баҳо беришдан иборат.

Фаннинг вазифалари қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда юқорида берилган таърифларга асосланади:

- Турли ҳолатларда сақланаётган манбаларни излаб топилади;
- Улар бир жойга тўпланади;
- Тартибга солинади;
- Қайд дафтарларда рўйхат этиб борилади;

- Соҳа, фан ёки предметлар бўйича ажратилади;
- Таъмирга мухтожлари таъмирланади;
- Намунали сақлаш чора тадбирлари кўрилади;
- Улардан илмий фойдаланиш учун маълумотлар тўпланади;
- Тадқиқот олиб борувчиларга имкониятлар яратилади;
- Картатека, каталог ва электрон шаклар бўйича фиҳристарга олинади;
- Илмий жамоатчилик ва оммага етказиш чоралари ишлаб чиқилади.

Манбашунослик муайян мавзуга бағишланган манбаларни тўплаш ва тартибга солишдан бошланиб, яратилган ва кўчирила бошлаган вақтига қараб тасниф этилади. Шу жараёнда ўрганилаётган манбанинг қўлёзма нусхалари орасидан энг ноёб, қимматли ва саводли кўчирилгани алоҳида ажратиб олинади ҳамда нусхани мукаммал, илмий монографик тавсифдан ўтказилади. Бошқа нусхалар ҳам иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлса-да ёрдамчи нусхалар вазифасини ўтайди. Алоҳида ажратиб олинган нусхалар неча аср давомида ва қанча котиблар томонидан кўчирилганлиги эътиборга олинади. Ҳар бир нусхада юз берган жиддий ўзгаришлар тарихийлик жиҳатдан ўрганилади ва унга баҳо берилади. Мазкур асарга муаллифдан кейин давлат арбоблари, олимлар, тарихнавислар, тарих фани мухлислари, умуман олганда илм аҳлларининг қандай муносабатда бўлганликлари ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Манбашунослик жиҳатидан ўрганилаётган ҳар бир ёзма манба ўз даврининг ижодий маҳсули ҳисобланади, шунинг учун унда юқорида таъкидланган барча тарихий ижтимоий ҳодисалар маълум даражада ўз аксини топиши керак. Шу билан бирга қўлёзма кимнинг фармони ва кимнинг илти-

моси билан қаерда кўчирилганлиги, қандай кутубхонага аталганлиги, котибнинг билим савияси ҳам қўлёзмада у ёки бу даражада акс этади.

3. Амалий-назарий манбашунослик

Амалий манбашунослик қадимги даврлардан бошлаб то шу кунгача маълум даражада тажриба тўплади. Кўплаб ёзма ёдгорликларнинг энг асосийлари асл нусхада факсимилеси, танқидий матни, таржима ва изоҳли таржимаси амалга оширилиб, уларни чоп этишга эришилди. Турли қўлёзма фондлари, кутубхона ва музей, шахсий мажмуалардаги ёзма ёдгорликлар тавсифи фихрист каталогларда эълон қилиниб, уларда амалга оширилган манбашунослик соҳасидаги тадқиқот натижалари умумлаштирилди.

Манбаларни ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар, тажрибалар умумлаштирилиб, келгусида амалга оширилажак тадқиқотлар учун энг қулай ва истиқболли тадқиқ метод ва усуллари аниқлаб ва ишлаб чиқиб, энг замонавийлари ва самарадорлиларини амалиётга қўллашни тавсия этиш зарур.

Ҳозирда замонавий компьютерлар орқали ёзма манбаларни тадқиқ этиш имкониятидан фойдаланишнинг айна вақтидир. Бу ўринда интеллектуал талаба ва педагог интернет хизматидан бемалол фойдалана олиши талаб этилади.

Умуман олганда, назарий ва амалий манбашунослик бири-бирини тўлдиради, бири иккинчиси учун асосий тадқиқот йўналиши ва услубларини белгиласа, иккинчиси биринчиси учун фактик материал тўплашга асос бўлиб хизмат қилувчи далилларни йиғади.

Амалий манбашунослик назарий билим ва тажриба асосида унинг конкрет, муайян соҳаси, бўлими, даври масаласи ёки бирор манбаси юзасидан амалий, практик тадқиқот олиб боради, архив, музей, кутубхона ва шахсий

мажмуаларда мавжуд ёзма манбаларнинг энг зарурини илмий муомалага киритиб, кенг жамоатчиликнинг маънавий мулкига айлантиради.

Назарий манбашуносликда энг зарур тарихий манбаларни аниқлаш, танлаш ва уни илмий таҳлил қилиш ҳар қандай катта-кичик тадқиқотнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Танланган мавзунинг илмий-назарий жиҳатдан тўғри ҳал этилиши кўпинча тадқиқотнинг асосини ташкил этувчи манбанинг сифат ва салмоғига, яъни мукамаллигига ҳамда фактик материалга бойлигига боғлиқ.

Назарий манбашунослик дейилганда қўлёзма китоб ёхуд ҳужжат битилган варақнинг ўлчами, қоғози, варақлар сони, муқоваси, матн ўлчами, хати, сиёҳи, хаттоти, асар номи, муаллифи, китобат тарихи, жойи каби маълумотлар илмий назарий жиҳатдан ўрганилади. Шунингдек, асарнинг ёзилиши сабаблари, кўчирилган жойи ва ўша вақтдаги тараққиёт омили, ижтимоий-сиёсий муҳитни ҳам инобатга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу маълумотларни аниқламай туриб, асарда баён этилган воқеа-ҳодисалар ҳақида тўғри ва тўла тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Масаланинг бу жиҳатлари инобатга олинмас экан, ўша манба хусусида назарий хулоса чиқаришнинг ўзи ҳам амри маҳол.

Бир қарашда қўлёзма китобларнинг муаллифи, асар номи, ёзилган вақти ва жойини аниқлаш қийин. Чунки, қадимги қўлёзмаларда бугунги кун китобларидаги каби муқованинг ўзидаёқ асар номи, муаллифнинг исми, китоб бошланиши ва охиридаги каби зарурий маълумотлар келтирилмаган. Баъзи ҳолларда асарнинг охириги хотимасида кўчирилган вақти, жойи ва котиб номи қайд этилади, холос.

Юқоридаги каби маълумотлар келтирилмаган тақдирда, асарнинг матни, ёзилиши, китобат тарихи, қоғози, хати, тили ва услубига қараб тахминан аниқланади. Бундай

маълумотларни аниқлаш тадқиқотчидан катта назарий тажриба ва юксак малакани талаб қилади. Бу анча қийин ва масъулиятли иш ҳисобланади. Бундай масалаларни му- тахассислар бир неча ёзма манбаларни солиштириш ва қиёслаш асосида ҳал қилишлари мумкин.

Асар муаллифи ва шахсини аниқлаш қўлёзма китобни илмий таҳлил этишда катта аҳамиятга эга. Бу асарнинг яратилиш тарихи ва ёзилишига сабаб бўлган ижтимо- ий-сиёсий муҳитни аниқлаб олиш учун ҳам зарур.

Одатдаги, қадимги қўлёзма асарларда муаллифнинг исми маълум ва кўзга ташланадиган жойда, масалан, асар- нинг боши ёки охирида қайд этилмайди. Баъзан, бу каби маълумот муқаддима қисмида ёки асар ўртасида, воқеалар баёни орасида бирон масала юзасидан тилга олинади. Кўп ҳолларда эса муаллиф ўзининг ҳақиқий исмини айтмай, “фақир ҳақир”, “ожиз ва хоксор”, “бу ғариб банда” деб аташ билангина кифояланади. Бундай ҳолларда асар ва- рақма-варақ, сатрма-сатр, алоҳида эътибор ва синчковлик билан ўрганилиши лозим. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, асарнинг бирон ўрнида муаллиф ўзи, отаси ёки яқинлари ҳақида бир-икки жумла орқали хабар беради ёки баён эти- лаётган воқеага ўзининг муносабатини (масалан, “Абдул- лахон тахтга ўтирган вақтда камина Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад 33 ёшда эдим”) билдиради. Шунинг учун муаллиф шахси ва унинг дунёқарашини аниқлашда асар- нинг умумий ғоявий йўналишини тўғри белгилаб олиш учун муҳимдир.

Манбаларни ички белгиларига қараб таҳлил этиш де- ганда қўлёзма асарнинг таркиби ва мазмунини таҳлил қилиш, тушунтириш, ғоявий-сиёсий савияси ва илмий қийматини аниқлаш масалалари англашилади.

Қўлёзма асарнинг илмий қийматини унда нималар баён этилганлиги, воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг холис муно-

сабати, келтирилган далил ва маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда олдинга сурилган фикр ва ғоялар орқали белгиладилар.

Тарихий асарнинг асл нусха, ҳақиқий бўлиши ёки компилятив, яъни бошқалар маълумотларини териб ёки айнан келтириши, тўла ва ноқислиги, қисқалиги, воқеаларнинг қай тарзда баён этилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Илмий тадқиқотларда оригинал ва мўътабар қўлёзмаларга таяниб иш олиб бориш ҳар бир далил ва маълумот, рақамлар энг ишончли, нодир, бирламчи манбалардан олинди керак. Бошқалар китобида келтирилган маълумотлардан сақланиш лозим.

Ўтмиш тарихда ёзилган асарларнинг муаллифлари кўпинча ўзлари келтираётган далиллардан тўғри хулоса чиқармайдилар, фикрларида ноаниқлик, чалкашлик ва қарама-қаршилиқ ҳам учрайди. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки улар яшаб ижод этган муҳитнинг ўзи зиддиятларга тўла.

Ёзма манбаларда қарама-қарши фикрлар билан бир қаторда ҳолисона мулоҳазалар ҳам учрайди. Бундай пайтларда муаллиф кўпинча ўз фикр-мулоҳазаларини пардозли иборалар ва истиорали сўзлар орасига яширади.

4. Манбашуносликнинг бугунги кундаги аҳамияти

Тарихимиз жуда бой, унда битилган ёзма ёдгорликларнинг кўплигига қарамай, маданий меросимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини намоиш эта оладиган мукамал дарслик ва қўлланмаларга ҳали эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам юртимизда манбашунослик соҳасида олиб борилган деярли уч минг йилдан зиёд давр ичида тўпланган тажрибалар ҳали-ҳануз умумлаштирилгани йўқ.

Манбашунослик фан сифатида тарих ва филология фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, палеография – қадимги қўлёзмаларнинг ёзуви, ташқи белгиларини замон ва макон жиҳатдан ўрганувчи тарихий-филологик ҳамда манбалар матнини илмий танқидий ўрганиш ва нашр этиш билан шуғулланувчи – матншунослик (текстология) каби фанлар ҳам унинг ёрдамчи соҳалари ҳисобланади. Шундай экан, бу фанларни умумлаштириб комплекс тадқиқ этиш ва уларни бир-бири билан узвий боғлиқликда ўрганиш манбашунослик фанининг илмий аҳамиятини янада оширади.

Бугунги кун манбашунослик таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш бу соҳа предметини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳосил бўлган назарий асосларни тизимлаштириш, унинг принцип ва категорияларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Албатта, бу йўналишда ишлар аллақачон бошланиб, ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Манба деб нимага айтилади?
2. Манбашунослик нима учун ўрганилади?
3. Манбашунослик қандай фанлар қаторига киради?
4. Манбалар – тури, тузилиши, мазуни ва ҳажмига кўра нечага бўлинади?
5. Адабий манбалар – деганда нимани тушунаси?
6. Тарихий манбаларга қандай таъриф берасиз?
7. Фаннинг объекти ва предмети нималардан иборат?
8. Манбашунослик фанининг мақсади ҳақида гапириб беринг?
9. Фаннинг вазифалари қаторига нималар киради?

10. Бугунги кун манбашунослиги ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
11. Амалий манбашунослик деб нимага айтилади?
12. Назарий манбашунослик қандай материалларга асосланади?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Манбашунослик фан сифатида.
2. Манбашуносликнинг ёрдамчи соҳалари таҳлили.
3. IX-XII асрларда туркий тилида ёзилган адабий манбалар.
4. XIII-XIV асрларда ёзилган тарихий манбалар.
5. Амалий манбашуносликнинг тарихий босқичлари.
6. Назарий манбашуносликка оид материаллар таҳлили.
7. Манбашуносликнинг бугунги кундаги аҳамияти.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абдумажид Мадраимов. Гавҳар Фузаилова. Манбашунослик. – Т.: “Фан”, 2007. – 294 б.
2. Маҳмуд Ҳасаний. Алимулло Ҳабибуллаев. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент, 2012. – 135 б.
3. Муҳаммаджон Ҳакимов. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т.: “Davr Pres”, 2013. – 495 б.
4. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 112 б.

II. МАНБАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА СОҶА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ЎРНИ. АМАЛИЙ ИШ, ТАЖРИБА ВА АНЪАНАВИЙЛИК

Режа:

1. Манбаларни ўрганишда маҳаллий олимларнинг ёндашувлари
2. Манбаларни илмий ўрганиш ва ўргатишдаги масалалар таҳлили
3. Шарқ манбаларини аниқлаш ва илмий тадқиқотга тортиш
4. Манбаларга дастлабки ишлов бериш: туркумлаш ва соҳаларга ажратиш

Таянч сўз ва иборалар: Шарқ қўлёзмалари, тошбосма китоблар, ёзма манба, тасниф этиш, тадқиқот олиб бориш, Шарқшунослик қўлёзмалар институти, Д.Ю.Юсупова, М.Ҳасаний, Ҳ.Н.Бобобеков, Б.А.Аҳмедов, Р.П.Жалилова, А.Ҳабибуллаев, А.А.Мадраимов, ўқиш малакаси, оддийликдан мураккаблиликка, доимий машқлар, сайқал бериш, тежамкорлик, луғат ўзлаштириш, манбаларини аниқлаш, илмий тадқиқотга тортиш, ишлов бериш, туркумлаш, соҳаларга ажратиш.

1. Манбаларни ўрганишда маҳаллий олимларнинг ёндашувлари

Шарқ қўлёзма матнларни ўзбек тилига изох, шарҳ ва луғатлари билан таржима қилиш, нашр этиб оммалаштириш ишлари маънавий меросни ўрганишда муҳим ўрин

тутади. Бунда Шарқ қўлёзмаларининг илмий-тавсифий каталогларини тузиш бирламчи вазифалар қаторида туради. Шу мақсаддан келиб чиқиб ёзма манбанинг хоҳ қўлёзма бўлсин, хоҳ тошбосма китоб бўлсин, дастлаб унинг илмий тавсифини яратиш лозим бўлади. Қўлёзма ва тошбосма китобларнинг каталогларини яратиш минтақамиз билан боғлиқ ҳар қандай ёзма манбаларни излаб топиш, уларни қўлга киритиш, давлат хазинасига айлантириш, тартибга солиш, тасниф этиш ва устида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун хизмат қилади.

Тавсифлаш ишлари маълум тартиб-қоидалар асосида олиб борилиши шарт. Унда қўлёзма ва тошбосмаларнинг ички ва ташқи омилларига қараб кодикологик таҳлил этилади ва мазмунига қараб фан ёки соҳаларга бўлинади. Қатор мавжуд каталоглар асосида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалари институти олимлари ҳам қўлёзма манбаларни дастлабки илмий ўрганиш ва тавсифга олиш усуллариини ишлаб чиққанлар. Бу усулга Д.Ю. Юсупова ва Р.П.Жалиловалар томонидан тартиб берилган. Унда манбанинг қуйидагича тавсифи берилган: сарлавҳа сифатида асар номи асл нусхада ва унинг таржимаси, қўлёзманинг хазинадаги тартиб рақами ва ушбу каталогдаги рақами келтирилган. Сўнгра асар муаллифи номи билан асосий тавсиф бошланади. Ундан кейин муаллиф тўғрисида (имкон даражасида тўлиқ), асар мазмунининг таркиби ва қисқача баёни (аннотацияси) келтирилади. Тавсиф ихчам кодикологик маълумотлар жумладан, хати, қоғози, зийнати, хаттот номи, қўлёзманинг китобат тарихи, нуқсонни, варақлари сони, ўлчами ва адабиётлар (библиография) номларини келтириш билан тугалланади.

М. Ҳасанийнинг “Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фихристлаш” номли рисоласида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институти фонди

тажрибасини умумлаштириб, магистрантларга тушунтиришга ҳаракат кўпроқ эътибор қаратилган.

Булардан ташқари ёзма манбаларни тавсифлашнинг қомусий ёки энциклопедик усули ҳам мавжуд. Биз унинг намунасини “Ўзбекистон энциклопедияси” ва “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” саҳифаларида кўришимиз мумкин. Манбашунос олим Ҳ.Н.Бобобеков ўз маърузаларида қомус усулидан ва улардаги ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган.

Мустақилликнинг илк даврида манбашуносликка оид Б.А.Аҳмедовнинг “Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари” ва “Ўзбекистон тарихи манбалари” асарлари чоп этилган. Олим манбаларнинг ёзилган тилларига қараб ва яна ҳуқуқий ҳужжатлар, ёзишмалар, география ва космографияга оид асарлар, биографик, мемуар асарлар, сайёҳлар, элчиларнинг эсдаликлари каби манбаларнинг ҳам мавжудлигини қайд этади. Б.А.Аҳмедов ёзма тарихий манбаларни икки турга бўлади: Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар ва бошқалар). Ушбу асарларда ёзма манбалар алоҳида эмас, балки муаллиф номи остида келтирилган. Бундан ташқари, тарихчи ҳар бир тарихий даврга қисқача таъриф берган. Мазкур дарсликларнинг ижобий хусусияти сифатида уларда далилий маълумотлар кўплиги ва ўта илмийлигини қайд этиш лозим. Фақат уларда материаллар академик нашрлар каби жойлаштирилган ва дарс ўтиш хусусиятлари инобатга олинмаган.

А.Ҳабибуллаевнинг “Адабий манбашунослик ва матншунослик” қўлланмаси ва А.А.Мадраимов тузган “Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси”да ёзма манбалар тўғрисида озми-кўпми талабаларга маълумотлар бериш ва дарс жараёнлари эътиборга олинган. Чунончи, А.Ҳабибуллаев қўлланмасида адабий манбашуносликка катта

эътибор берилган. Унда дарс қуйидаги тартибда тузилган: 1. Мавзу номи. 2. Адабиётлар. 3. Дарс мазмунининг қисқа изоҳи. Сўнгра дарснинг мазмун баёни, алоҳида атамалар ва охирида саволлар берилган.

А.А.Мадраимов тузган маърузалар матнида дарс жараёнининг тартиби қуйидагича: 1. Мавзу номи. 2. Дарс режаси. 3. Асосий тушунчалар. 4. Дарснинг муфассал мазмуни. 5. Материални мустаҳкамлаш учун саволлар ва охирида адабиётлар рўйхати берилган.

Юқорида келтирилган каталог ва дарсликлардан ташқари қўлёзма ва тошбосма китоб тўғрисида ҳамда Шарқ манбашунослигига оид тўплам ёки китоблар ҳам мавжуд бўлиб, уларда келтирилган ёзма манбаларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор берилмаган. Лекин, уларда энг муҳимлари тўғрисида матн орасида маълумотлар мавжуд бўлиб, манбаларнинг умумий хусусиятлари тадқиқ этилади. Зикр этилган дарслик, қўлланма, махсус адабиётларнинг барчасида ўзига хос фойдали маълумотлар мавжудлигини тан оламиз. Лекин, уларнинг биронтасини илмий-методик жиҳатдан талабаларга манбалар тўғрисида маълумот бериш учун мукамал намуна деб бўлмайди.

Мавжуд илмий адабиётларнинг таҳлили ва тўпланган тажрибалар асосида ёзма манбалар тўғрисидаги техник маълумотлар ва асар мазмуни талабаларга комплекс тарзда тушунтиришнинг энг самарали ва илмий-методик асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Талабаларга манба тўғрисида комплекс тарзда маълумот бериш керак. Бу эса ёзма манбанинг кодикологик маълумотлари жумладан, муаллиф ва унинг яшаган даври, асар таркиби ва мазмуни таҳлили, унинг тарихнавислигини тушунтиришдан иборатдир. Дарснинг ўзига хос хусусиятлари сифатида унинг режаси, мавзуга оид асосий тушунчаларни изоҳлаш ва қўшимча кўргазмаларни қўроллардан фойдаланишни қайд

этиш мумкин. Ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотларни тушунтиришнинг энг маъқул ва самаралиси илмий методологик услубдир.

2. Манбаларни илмий ўрганиш ва ўргатишдаги масалалар таҳлили

Ҳар бир асарнинг мазмуни муаллиф ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ёритилган бўлади. Манбадаги асар мазмунини ёритиш жуда муҳим ва масъулиятли иш бўлиб, китоб билан тўла танишиб чиқишни тақзо этади. Педагог-мутахасис ёзма манбалардаги асарнинг бой мазмунини талабаларга ихчам ва лўнда тарзда баён этиши зарур. Бунда у ёзма манбалар тўғрисидаги мавжуд тавсиф-каталоглар ҳамда энциклопедик маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Умумий тарихга оид асарларнинг аксариятида воқеалар баёни ўз хусусиятига кўра икки хил бўлиши мумкин:

а) Бошқа тарихчилар томонидан баён этилган воқеалар зикрини муаллиф ихчам ҳолда ёки айнан келтиради. Асарнинг бу қисмини компиляция, яъни ўзлаштирма деб аталади. Компиляция сўзи инглизча compile-тузмоқ маъносини англатади.

б) Муаллифнинг шахсан ўзи маълумот йиғиб воқеаларни баён этган қисми – оригинал, янги қисм деб аталади.

Ҳозирда манбаларни илмий ўрганиш ва ўргатишдаги тўпланган тажрибалар юртимизда азал-азалдан давом этиб келаётган анъанавий классик услублардан фойдаланишда яхши натижаларга эришилганини тасдиқ этмоқда. Бу ҳолат аксарият соҳа мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам маълум бўлмоқда. Шунга биноан қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтишни лозим топдик.

Ўқиш малакаси. Ҳар бир қўлёмани тўғри ва равои ўқиш учун котибнинг ёзув услуби билан боғлиқ хусусиятларни ҳам ўрганиб чиқиш керак. Чунки котиблар кўчириш жараёнида араб хатининг бошқа-бошқа турларига хос ёзувларни ишга солишган. Натижада, настаълиқ хати шикаста, сулс, насх, риқоъ каби хат турларига хос ёзув белгиларини ҳам муайян даражада ўзига сингдирган.

Маълумки, араб ёзувининг босма шакли насх хатига ўхшаш бир чизикда изчил босилади. Ёзма шаклда эса маълум принцип кўринмайди. Унда баъзи ҳарфлар, сўзлар сатр чизигидан тушириб ёзилса, айримлари сатр чизигида қайд этилади. Баъзи қўлёмаларда ҳарф нуқталари ноқулай қўйиб кетилади. Ўша нуқтанинг қайси ҳарфга тегишли эканлигини мазмуни орқалигина билиш мумкин бўлади. Баъзан эса икки ҳарф учун бир нуқта қўйилади. Бундай ҳолда биз ўша нуқтани икки ҳарфга ҳам қўйиб ўқишимиз лозим. Хуллас, араб имлосини ўқишда зукколик ва топқирлик жуда зарур.

Энди, бевосита қўлёмза ўқиш кўникмасини шакллантириш қандай амалга оширилиши керак деган, саволга жавоб бершга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун талаба Қозон босмадан ташқари, Тошкент тошбосма (литографик) нусхалари, қўлёмза асарларга хос ёзув қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Масалан, Қозон ва Тошкент босма китоблари ёзув жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради. Қозон босма китоблари кўпроқ типографик усулда, Тошкентда нашр этилган китоблар эса тошбосма усулида чоп этилгани билан ажралиб туради. Шу эътибордан араб ёзуви асосидаги эски ўзбек имлосини чинакам маънода ўзлаштириш ғоят мураккаб жараён, у ўқувчидан тинимсиз ўқиш, машқ ва ёзишни талаб этади. Қўлёмза китобларни ўқиш учун эса кишида етарли малака, савия ва бой тажриба

бўлиши керак. Қуйида уларни шартли равишда шундай бандларга ажратиш мумкин:

Оддийликдан мураккаблиликка қараб интилинади;

Бу тамойилга кўра, ўрганувчида ўқиш ва ёзиш анъанаси аста-аста ошириб борилиши назарда тутилади. Шу тариқа ўқувчилар ўтмиш даврдан мерос бўлиб қолган, уста хаттотлар томонидан кўчирилган қўлёзмаларни ўқиш ва ўрганишга чоғланадилар.

Ўқиш ва ёзишда доимий машқлар кўзда тутилади;

Унга кўра ўқувчига осон бўлишлиги учун китоб, дарс-сабоқ тартибидан фойдаланилади. Ҳар бир янги мавзу охирида ўтилган дарсни мустаҳкамлаш мақсадида машқлар бажариб борилади. Машқлар содда матнлардан ҳикоятлар кўчириш, тасвирий санъат, архитектура, бадиий рассомчилик ва ҳоказо йўналишдаги машқлар бўлиши мумкин.

Ҳар бир ҳарфга ўзгача сайқал бера олиш кўникмаси;

Машҳур хаттотлар ўз ёзувларининг чиройли ва жозибador бўлиши учун ҳарфларга ўзларича сайқал беришга интилганлар. Бу эса, ёзувнинг хусусан, ундаги ҳарфларни турлича ёзилишига сабаб бўлган. Бу ҳолат ўқувчида турли хатларни ўқий олиш, ҳам ёза билиш кўникмасини кучайтиришга сабаб бўлади. Шунинг учун бизгача етиб келган қўлёзма ва тошбосма нусхалар орасида катта тафовут бор.

Тежамкорликни бирламчи деб билиш;

Ёзиш ва ўқиш санъатини ўзлаштиришда иқтисод қилиш, яъни тежамкорликни асло назардан қочирмаслик лозим. Чунончи, қўлёзма шаклидан кўчиришдан тошбосма усулига кўчишнинг асосий мақсади ҳам тежамкорликка йўналтирилган эди.

Нотаниш сўзларнинг луғатини доим ўзлаштириб бориш;

Зеро, ўтмишдан қолган илмий-маънавий меросни ўрганишда луғат бойлигининг хизмати беқиёс. Чунки, араб ёзу-

вига асосланган турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг луғатлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, аввалда истеъмолда бўлиб, кейинчалик тилнинг шаклланиб, ўсиб бориши сабаб, уларни ўз вақтида ўзлаштириш талаб этилади. Булар орасида, араб, форс-тожик, уйғур, татар, қадим туркий ва ҳоказо тилидаги сўзлар салмоқли қисмни ташкил этади. Бу тиллар ижтимоий-иқтисодий, шароит ва маънавий зарурат тақозосига кўра, арабча, форсча сўз ва иборалар халқ тилига сингиб кетган.

Улар рўйхатини яна кўплаб маълумотлар келтириш билан давом эттириш мумкин. Чунки, бу услублар ўтган аждодларимизнинг тажриба синовларидан ўтиб, илм олиш ва таълим беришда юксак марраларни эгаллай олган.

3. Шарқ манбаларини аниқлаш ва илмий тадқиқотга тортиш

Манбашуносликда бирор мавзуни тадқиқ этиш бир эмас, балки бир неча манбалар тури – расмий ҳужжатлар, солномалар, гео-космографик, агиографик ва биографик асарларга боғлиқ. Агар улардаги маълумотлар қиёсий таҳлил этилса, тадқиқот савияси ошиб, хулоса ва умумлашмалар асосли бўлиб, илмий аҳамияти ортади.

Тадқиқот учун ёзма манбаларнинг қайси бири асосий ва қайсилари ёрдамчи бўлиши танланган мавзунинг характери га боғлиқ. Масалан, иқтисодий-ижтимоий масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар асосий манба вазифасини ўтайдиган бўлса, сиёсий-маданий ҳаётни ёритиб беришда солномалар - тарихий асарлар ва биографик тазкиралар ҳамда адабий-бадий асарлар етакчилик қилади. Лекин шунга қарамай, илмий тадқиқот олиб боришда фақат биргина манба билан қифояланиб қолмай, имкон қадар бошқа иккинчи даражали манбаларга мурожаат этиш, уларни ҳам тадқиқотга жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Манбашунос олимларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият тарихий асарлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид қимматли маълумотларга бой бўлади. Расмий ҳужжатларда ва биографик асарларда эса сиёсий тарихга оид қимматли фактларни, тарихий асарда қайд этилмайдиган маълумотларни учратиш мумкин.

Манбашуносликка оид илмий ишда турли типдаги манбаларга асосланиш, тадқиқ этилаётган мавзуга оид барча асарларни ишга жалб этиш бўлажак илмий ишнинг қиймати ва аҳамиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Манбашунослик маънавий маданиятнинг бирор соҳасига нисбатан қўлланилар экан, унга кўра ёзма манбалар тuzилиши мазмуни ва ҳажми ўлароқ тўрт турга бўлиниб, адабий манбалар, тарихий манбалар, илмий манбалар ҳамда ҳужжатлар тарзида ишлатилади. Юқорида биз тарихий ва адабий манбалар ҳақида гаплашган эдик. Қуйида илмий манбалар билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратамиз.

Илмий манбалар – бу турдаги манбалар фан, билим, техника каби ва бошқа илмий аҳамият касб этган маълумотлар мажмуасини ўз ичига олади. Замонавий олимлар бу турдаги манбалар қаторига илми адаб (адабиёт, филология), илми масоҳат (геодезия), илми наботот (ботаника), илми ҳайъат (астрономия), илми ҳайвонот (зоология), илми ҳикмат (фалсафа, физика, механика) каби илмларни ҳам қўшмоқдалар.

4. Манбаларга дастлабки ишлов бериш: туркумлаш ва соҳаларга ажратиш

Манбашунослик дастлаб муайян мавзуга бағишланган манбаларни тўплаш, тартибга солиш ва унга ишлов беришдан бошланади. Улар даставвал, ёзилган ва кўчирилган вақтига қараб тасниф этилади. Бу жараёнда ўрганилаётган

манбанинг энг ноёб ва қимматли қўлёзма нусхалари ва саводли кўчирилган нусхалари ажратиб олинади кейин уларни илмий монографик тартибдан ўтказилади. Бошқа нусхалар ҳам иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлса-да, ёрдамчи нусхалар вазифасини ўтайди. Алоҳида ажратиб олинган нусхалар неча аср давомида ва қанча котиблар томонидан кўчирилгани эътиборга олинади. Ҳар бир нусхада юз берган жиддий ўзгаришлар тарихий жихатдан ўрганилади.

Шарқ ёзма манбаларни туркумлашнинг ягона аниқ бир қоидаси ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Баъзи манбашунослар қўлёзмаларни мазмуни ва асарда қайси масала баён этилганига қараб туркумлашни лозим топсалар, бошқа бир гуруҳ асарнинг келиб чиқишига, яъни қаерда ва қачон ёзилганлигига қараб туркумлашни маъқул кўрадилар. Яна бир гуруҳ олимлар расмий ҳужжатлар, тарихий, гео-космографик ва биографик асарлар каби турларга бўлиб ўрганишни тавсия қиладилар. Манбаларни автограф, яъни муаллифнинг ўз қўли билан ёзилганлигига ёки кўчирилган нусха эканлигига қараб туркумлаш ҳоллари ҳам учрайди.

Ҳозирги пайтда тарихчи манбашунослар манбалар устида ишлашнинг фақат биттасига, яъни уларнинг турларига қараб тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Чунки бошқа тадқиқот йўллари ёзма манбани чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш вазифаларига тўла жавоб бермайди.

Биринчидан, тарихий манбалар ичида фақат тўлиқ бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий масалага бағишланган асар деярли йўқ.

Тил бўйича манбаларни ўрганиш мумкин, лекин бирор мавзуга оид манбаларни ўрганганда, фақат бир ёки икки тилда яратилган асарлар билан кифояланиш тадқиқот иши илмий қийматини пасайтириши табиий.

Мана шуларни инобатга олганда, тарихий манбаларни турларига ва қайси давр воқеаларини акс эттирганлигига қараб туркумлаш мақсадга мувофиқ. Яқин ўтган аср мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўқитилган дарсликлар айни мана шу қоидага асосланган эди.

Масалан таниқли тарихнавис олим Бўрибой Аҳмедов Ўзбекистон тарихи (ўрта асрлар) манбаларини (ёзма манбаларни) қуйидаги уч турга бўлиб ўрганишни тавсия қилган:

- Ашёвий манбалар, яъни археологик қазилмаларда топилган ашёлар;
- Расмий ҳужжатлар;
- Тарихий, геокосмографик ҳамда биографик асарлар.

Ушбу туркумда қайд этилган археологик ёки ашёвий, яъни қадимда аجدодларимиз турмуш тарзи ва ижтимоий фаолиятини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи манбалар, асосан археология фани томонидан ўрганилади ва биз учун қўшимча ёки ёрдамчи далил сифатида тадқиқотларга жалб этилиши мумкин.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Манбаларни ўрганишда орттирилган тажрибалар ҳақида нималарни биласиз?
2. Манбаларни ўрганишда маҳаллий олимларимиз қандай тажрибаларни ишга солмоқдалар?
3. Тарихнавис олима Дилором Юсупова илмий тавсифий тажрибаси қандай вазифаларга асосланган эди?
4. Тарихшунос олим А.Мадраимов томонидан тузилган маърузалар матнида дарс жараёни қандай тартибланган?
5. Манбаларни ўқиш малакасини қандай услубларда ривожлантириш мумкин?

6. Ўқиш ва ёзиш малакасини шакллантиришда тежамкорлик нима учун кераклиги ҳақида маълумот беринг?

7. Бирор мавзунинг тадқиқ этишда қайси манба турларига суяниб иш қўрилса ишнинг савияси янада ортади?

8. Ёзма манбалар тузилиши, мазмуни, соҳаси ва ҳажмига кўра неча турга бўлинади?

9. Илмий манбалар деб қайси манбаларга айтамыз?

10. Манбаларга дастлабки ишлов бериш деганда нима-ларни тушунасиш?

11. Манбаларни туркумлаш қандай амалга оширилади?

12. Манбаларни соҳаларга ажратишда унинг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш зарур бўлади?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Манбаларни ўрганишда анъанавий услублар.

2. Ёзма манбаларни ўрганишда маҳаллий олимларнинг ёндашувлари.

3. Манбаларни илмий ўрганиш ва ўргатишда аждодлар тажрибаси.

4. Шарқ манбаларини илмий тадқиқотга тортиш масаласи.

5. Манбаларга дастлабки ишлов бериш малакаси.

6. Манбаларни туркумлаш усуллари ҳақида.

7. Манбаларни соҳаларга ажратишда эътиборли жиҳатлар.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

2. Маҳмуд Ҳасаний. Алимулло Ҳабибуллаев. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент, 2012. – 135 б.
3. Муҳаммаджон Ҳакимов. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т.: “Davr Pres”, 2013. – 495 б.
4. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 112 б.
5. Бобохонов А.Ҳ. Асрдан ошган зий масканлари. – Т.: “O‘zbekiston”, 2011. – Б. 117-118.
6. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.
7. Носир Муҳаммад. Турон давлатлар йилномаси. – Т.: “Meriyus” нашриёти, 2010. – 128 б.
8. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.
9. Ўктам Мавлонов. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: “Akademiya” нашриёти, 2008. – 432 б.

III. МАНБАЛАРНИ АНИҚЛАШ, ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ВА СОҲАЛАР БЎЙИЧА ТУРКУМЛАШДА ЁЗУВ НАМУНАЛАРИ

Режа:

1. Манбаларни аниқлашда ёзувнинг илк намуналари ва уларнинг аҳамияти
2. Милоддан аввалги қароргоҳларда оромий ёзуви
3. Ўрта Осиёда кенг тарқалган илк ёзувлар таҳлили
4. Ёзувнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида турлича қарашлар

Таянч сўз ва иборалар: ёзув намуналари, битик, қабртош, қоятош, китоб, Қўйқирилган қалъа, Тупроқ қалъа, Тўққалъа, Миздакхон, Якка Порсон, ёзув битиклари, ёзувнинг график белгилари, настаълиқ, ёзув тараққиёти, қўл ёзувининг аҳамияти, оромий ёзуви, ҳарф-товуш ёзув, хоразмий ёзуви, сўғд ёзуви, авесто ёзуви, моний ёзуви, паҳлавий ёзуви, бохтар ёзуви, ўрхун-энасой ёзуви, эски уйғур ёзуви, ёзув бўйича турлича қарашлар.

1. Манбаларни аниқлашда ёзувнинг илк намуналари ва уларнинг аҳамияти

Ёзув тил замирида вужудга келган, кўриб ёки ўқиб идрок қилинадиган ва кишилар ўртасида алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган муайян белгилар тизимидан иборатдир. Ёзув мутахассисларининг гувоҳлик беришларича, у бундан қарийб тўрт-беш минг йил аввал пайдо бўлган. Жамият тараққий этиши билан муайян масофадаги

кишилар бир-бири билан ўзаро алоқа қилишларига, оғзаки билимлари, ҳаётий тажрибалари ва бошқа ахборотларни қайд этиш, уларни сақлаб қолишга жуда катта эҳтиёж сезишган. Ана шуларнинг барчаси бевосита ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келган. Қадимдан ёзувнинг қайд этилган намуналарини шартли равишда тўртга ажратиш мумкин.

1. Ёзув – битик тарзида ишлатилади. Улар кўпроқ Ўрта Осиё халқларининг қадимги ёзувларига нисбатан қўлланади. Бундай матн (битик)ларнинг айримлари ҳажман катта бўлиб, маълум бир адабий, тарихий асар ёки лавҳани ташкил қилади. Масалан, Култегин битиги, Билга хоқон битиги, Қорабалғасун битиги, Сўғд битиги, Уйғур битиги, Ўрхун-энасой каби ва бошқалар.

2. Қадимги ёзувлар қабртош ва қоятошларга, турли ёғочлар, дарахт пўстлоқлари, папируслар, пиширилган лой ва маъдандан ишланган буюмларга ёзилган. Уларнинг деярли барчаси моддий ашёларга ўйиб ёзилган матнлардир.

3. Китоб. Унинг пайдо бўлиши ва такомиллашиши ёзув ҳамда ёзув воситаси бўлган қоғознинг такомиллашиши билан узвий боғлиқ. Ёзув воситаси сифатида қоғознинг кашф этилиши китобат тарихида янги даврни очиб берди.

4. Хат-ҳужжат. Бунга барча турдаги расмий аҳамиятга эга хат ва ҳужжатлар киради. Хат деганда бирор ёзув учун қабул қилинган ҳарфий белгилар мажмуи тушунилади. Масалан: араб хати, юнон хати, сўғд, ўрхун-энасой хатлари каби. Ҳужжат деганда, ҳозирги тил таъбири билан айтганда, давлат идоралари ва жисмоний шахсларнинг қози олдида ёки ўзлари маълум гувоҳлар шохидлигида тузилган ҳар-қандай гувоҳномалар – ҳужжатдир.

Истеъмолда ёзув битикларининг ўзгариб бориши – энг қадимги битиклар “Култегин”, “Билга хоқон”, “Тўньюқ”, “Унгин”, “Мочин чур”, “Кули чур” кабилар билан боғлиқ. VIII асрга мансуб мазкур ёднома битикларининг барчаси-

да битик санаси кўрсатилган. Бу ёдномалар қабрларга қўйилган улкан тошларга, қояларга, ясситошларга, олтин ва кумуш идишларга, ёғоч ҳамда тангаларга ёзилган. Айрим битиклар бир ёки бир неча сўздан ё бир қатор иборадан ташкил топган бўлса, айримлари 70-80 қаторгача ҳам боради. Юқорида номлари келтирилган ёдномаларнинг энг йириклари ўз жойларидан силжиган эмас. Кичик ҳажмдагилари эса, тарихий экспанат сифатида дунёнинг турли музейларида сақланади. Жумладан, уларни Россия фанлар академиясига қарашли музейда, Красноярск шаҳар музейида, Санк-Петербургдаги Давлат Эрмитажи ва тарихий, палеографик ва археологик ашёвий моддалар сақланувчи фондларда учратиш мумкин.

Жамиятнинг тарихий тараққиёти билан биргаликда ёзувнинг график белгилари (тасвирий шакллари) ҳам, ёзиш усуллари ва услублари ҳам ривожланиб боради. Бунда ёзув турлари ҳам салмоқли ўрин тутати. Лекин улар орасида Шарқда қадимдан бери ишлатилиб келинадиган насх, кўфий, сулс, маъқалий, риқоъ, тавқеъ, шикаста, таълиқ ва настаълиқ ёзув турларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Улардан кўфий ва сулс хатлари бошқаларига қараганда ўқилиши ва ёзилиши жиҳатидан бир мунча мураккаб. Уларни биз иморатлар, меъморчилик ёдгорликлари пештоқлари, қабр тошларида учратамиз.

Настаълиқ ёзуви ёзув турлари ичида ўқилиши ва ёзилиши энг осонлиги билан ажралиб туради. Настаълиқ “насх” ва “таълиқ” хатларининг ўзаро бирикувидан вужудга келган ёзув туридир. Бу ёзувнинг қулайликлари ва ҳудудий кенг ёйилиши жиҳатидан юқори ўринда туради. Бизгача етиб келган ёзма манбаларнинг аксарияти мана шу ёзув турида битилган. Бунга Ўрта Осиёда араб ёзувининг бир минг тўрт юз йиллик тарихини мисол қилиб кўрсатишнинг ўзи етади.

Машҳур шоиру уламолар, муарриху, мутаржим, тилшуносларимиздан: Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Бобур ва Огаҳийлардан тортиб, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонларнинг энг яхши бадиият дурдоналаригача, Беруний, Жувайний, Муҳаммад Наршахий, Рашидиддин Вотвот, Насавий, Байҳакий каби муаррихлар яратган ўлкамиз тарихига оид мумтоз асарларнинг барчаси араб ёзувида битилган. Булардан ташқари, тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, кимё, илми нужум, жуғрофия каби фанлар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи манбалар ҳам ана шу ёзувда сақланиб қолган. Буларнинг барчаси биздан, хусусан, ўша соҳалар тарихи бўйича шуғулланувчилардан араб ёзувини мукаммал ўрганишни тақозо этади. Чунки халқимизнинг кўп асрлик маънавияти, руҳий олами, ижодкорлик салоҳияти ана шу ёзувда акс этган.

Шундай экан, ўз халқи тарихини, ўтмиш адабиётини билиш, уни чуқурроқ идрок қилиш истагида бўлган ҳар бир ўқувчи араб алифбоси ва у асосидаги эски ўзбек имлосидан бохабар бўлиши, мазкур ёзувнинг ўзига хос нозик жиҳатларини обдон ўрганган бўлиши керак.

Ўрта Осиёда ёзув бўйича кўплаб хаттотлик мактабларининг вужудга келиши, араб ёзувининг манзарали (зийнатли) услубларининг пайдо бўлиши, хат таълими ва санъати бўйича машҳур назариётчиларнинг етишиб чиқишини таъминлаб берди. Араб ёзувининг оддий ҳарфий белгилари бора-бора юксак санъат асари даражасига кўтарилди. Инсоният ёзуви тараққий эттиришда фақат қўл меҳнатига қараб қолмади, балки бу соҳада секин-аста техник кашфиётларни ҳам юзага чиқара бошлади. Аввалда қўлёзма, тошбосма, михбосма, стенограмма (тез хат), машинкада ёзишдан, ҳозирда техника ва технологияларга асосланган электрон тизимлардан унумли фойдаланган ҳолда ёзиш

усуллари шунингдек, матбаа ишларидан кенг қўламли меҳнат турлари ривож топмоқда.

Ёзув тараққиётидаги энг сўнги босқич – ҳарф товуш ёзуви бўлиб, у энг қулай ва ихчам ёзув ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, бугунгача ёзувнинг 400 га яқин тури аниқланган. Лекин ҳамма ёзувнинг тараққиёти ва унинг келиб чиқиши тўлиқ ўрганилмаган. Ҳар бир ёзув тизими жонли бўлиб, доим ўзгариб, ривожланиб борган. Ёзув тизимининг ўрганилиши натижасида, фақат айрим ёзувларнинг тўла сири очилди.

Бугунги кунда асосан ёшлар ва айрим катталаримиз ҳам чиройли ёзишга деярли аҳамият бермай қўйдилар. Бизнингча, бу ёзув таълимига етарлича аҳамият берилмай, унинг таъсирили усуллари кенг қўлланилмаётгандек туюлмоқда. Баъзиларнинг қўл ёзувларини ўқиш қийин, ҳарфлари жуда беўхшов. Аслида биз жонли ёзув деб атайдиган, тез ёзганда ҳам чиройли ва аниқлигини йўқотмайдиган ёзувларни ўрганиш учун кичик ёшдан бошлаб то олий ўқув юртларига қадар ёзув таълимига аҳамият беришимиз керак эди.

Бугун компьютерлар пайдо бўлган бўлса-да, ҳалигача қўл ёзувининг аҳамиятини йўққа чиқара олмаган. Чунки асосий расмий ҳужжатлар қўл ёзувида сақланиб қолмоқда. Замонавий ёзув тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, ёзувнинг хунук, ўқилиши қийин ва нотўғри ёзилган бўлишлиги миллионлаб сўмларнинг йўқотилишига олиб келади. Тушунарсиз ёзув сабаб тижоратга оид рақмларда хато қилинади, манзиллар тўғри ўқилмай қолади, қанча вақтлар йўқотилади, хизмат кўрсатишлар кечикади, қоғоз ва сиёҳлар исроф бўлишини гапирмаса ҳам бўлади. Бу каби салбий ҳолатларга жиддий қараган ва ундан келиб чиқиш мумкин бўлган зарарларни тўғри англаган баъзи муассасалар бирор ходимни ишга қабул қилишда биринчи галда

чиройли ёза оладиганларини бошқалардан афзал кўрадилар. Буни жуда тўғри йўл деб ҳисоблаш мумкин. Яхши ёзмаслик зарарини шахсий фаолиятимизда ҳам учратиб турамиз. Кичик қайдларимиз ва ёзувларимизни баъзан ўзимиз ҳам ўқий олмаймиз. Номлар, иборалар ва рақамларда адашамиз. Хуллас, чиройли ёзув ёзув соҳибига доим фойда келтиради.

Демак, ёзув – инсон тафаккури яратган маънавий бойликларни асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга етказувчи бебаҳо восита. У инсоннинг энг олий кашфиётларидан бири. Тарихдан маълумки, юксак маънавият, бой маданиятга эга ҳар бир халқнинг ўз ёзуви бўлган. Зеро, дунё халқларининг сўзлашув тиллари каби ёзувлари ҳам ўзига хос. Афсуски, ижтимоий-сиёсий шароит, моддий-маънавий вазият тақозосига кўра, айрим халқларнинг ёзуви, ҳатто тили ҳам унутилиб кетган. Бунга уруш ва низолар, кескин суръатда олиб борилган сиёсий тазйиқ ва тадбирлар ҳам сабаб бўлган. Истеъмолда йўқ тил ҳам, ёзув ҳам, шубҳасизки, таназзулга юз тутди.

Манбашунос илмий тадқиқот изланишларини олиб борар экан, нафақат турли хилдаги матн ва ёзма ёдгорликларга, балки тасвир, белги, герб, танга, муҳр, қурол, жиҳоз, кийим, меъморчилик ёдгорликлари ва бошқа манбаларга дуч келиши табиий. Шунинг учун бу каби моддий ва маънавий ашёларнинг алоҳида элементларини, назарий ва амалий жиҳатларини, ўзига яраша сир-асрорларини, илмий-тадқиқот олиб бориш усулларини тухта ўзлаштириши лозим бўлади.

2. Милоддан аввалги қароргоҳларда оромий ёзуви

Ўрта Осиё тарихида ёзув милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида вужудга келди. Мазкур ҳудудда

қўлланилган ёзувларнинг деярли барчаси ҳарф-товуш ёзув тури гуруҳига мансуб. Милоддан аввалги VI-IV асрларда оромий ёзуви ва форсий миххат (қад.араб хатининг форс хаттотлари томонидан ўзлаштирилган кўриниши) қўлланила бошлади. Милоддан аввалги IV-асрдан милодий VIII асргача Ўрта Осиё халқлари хоразм, сўғд, авесто, моний, пахлавий, бохтар, ўрхун-энасой, эски уйғур ва бошқа ёзувлардан кенг фойдаландилар. VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб араб ёзуви Ўрта Осиё халқларининг асосий миллий ёзуви бўлиб қолди.

Оромий ёзуви – бу ёзув тури фақат ундош товушларни ифодаловчи 22 ҳарфдан ташкил топган алифболи ёзув. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида финикий (канъон) ёзувидан ажралиб чиқиб, ғарбий самий қабилалар – оромийлар томонидан қўлланила бошлади. Оромий ёзувининг қадимги ёдгорликлари – китобалар милоддан аввалги IX асрга мансуб бўлиб, Суриянинг ши-молидан топилган. Кейинроқ оромий ёзувини бошқа со-мий халқлари – яҳудийлар, сурёнийлар, бобулийлар ва бо-шқалар қабул қилдилар. Милоддан аввалги IV-III асрларда мазкур ёзув бир неча тармоқларга – яҳудий мурабба (ква-драт) ёзуви, пальмирий ёзуви, набатий ёзувларига бўлиниб кетди. Оромий ёзуви икки дарё оралиги (Месопотамия) да қадимдан қўлланилиб келган миххатнинг ўрнини тўла эгаллайди.

Қадимги Эронда – Ахмонийлар давлатида оромий тили ва ёзуви қадимги форс миххати билан бир қаторда давлар-нинг иккинчи тили ва ёзуви бўлиб қолган эди. Ахмоний-ларнинг пойтахти – Тахти Жамшид (Порсполис)дан оро-мий тили ва хатида битилган 500 дан зиёд гил тахтачалар топилган. Милодий тарихнинг биринчи минг йиллигидан Ўрта ва Марказий Осиёда амалда қўлланилган бир қатор ёзувлар – хоразм, авесто, сўғд, парфиёний, пахлавий, сурё-

ний, моний, уйғур ва бошқалар оромий ёзуви асосида шаклланди. Бу шаклланиш милoddан аввалги IV-III асрлардан бошланди (хоразм ёзувининг илк намуналари шундан далолат беради). Мазкур ёзувларнинг айримлари милoddнинг VIII-IX асрларигача фаол қўлланилди. Улар орасидаги уйғур ёзуви эса XV аср охирларигача истеъмолда бўлди. Оромий тармоғига мансуб юқоридаги қатор ёзувлар, асосан, ўрта давр эрон тилларининг матнларини битишга хизмат қилди. Улардан сўғд ва моний ёзувлари қисман туркий тил матнларига мослаштирилди. Уйғур ёзувида эса қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек тили ёдноmaları маълум даражада сақланиб қолди. Соф оромий тили ва ёзувида битилган матнлар Ўзбекистон ҳудуди, умуман, Ўрта Осиёдан ҳозиргача топилгани йўқ.

Хоразмий ёзуви – қадимги Хоразм ҳудудида яшаган хоразмийлар деб аталган халқ қўллаган оромий тармоғига мансуб ҳарф-товушли ёзув. У ерда яшаган халқ “хоразмий” деб аталган қадимги тилда сўзлашган. Хоразмий ёзуви ана шу тилдаги матнларни ёзиш учун қўлланган. Оромий тармоғига мансуб ҳарф-товушли хоразмий ёзуви узоғи билан IX асрнинг бошларигача амалда бўлди. Оромий алифбосига асосланган хоразмий ёзувида 19 та ҳарф белги бўлган. Оромий тармоғидаги барча алифболар каби бу ёзув тури ҳам ўнгдан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. Арабларнинг Ўрта Осиёни забт этиши ва ислом динининг тарқалиши билан оромийча хоразмий ёзуви аста-секин истеъмолдан чиқа бошлади. Бу ёзувдаги матнлар асримизнинг ўттизинчи йиллари охиридан бошлаб қадимги Хоразм ҳудудида олиб борилган археологик қазилар натижасида қуйидаги ерлардан топила бошлади:

Қўйқирилган қалъа. Милoddан аввалги IV ва Милодий IV асрларга оид ёдгорлик. Ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳридан 22 чақирим шимоли-шарқда жойлаш-

ган. Қалъа ичида қаср, ибодатхона ва мақбараси бўлган. Ибодатхона ичидан сопол тобутлар, идиш-товоқлар, хум ва кўзачалар, сувдонлар топилган. Хум, сопол буюмлар ва уларнинг бўлакларига турли ёзувлар қайд этилган. Улар орасидаги ашёларнинг еттитасига ёзув битилган. Улар пиширилган сополга тушъ билан битилган. Бу ёзувлар, тарих археология ва тилшунослик фанлари далилларига асосланиб, хоразмий ёзувининг дастлабки намунаси – милoddан аввалги IV-III асрларга мансуб, деб ҳисобланмоқда.

Тупроққалъа. Милoddан аввалги I ва милодий VI асрларга оид қадимги шаҳар харобаси. Қорақалпоғистоннинг ҳозирги Беруний тумани ҳудудида милодий III-IV асрларда хоразмшоҳларнинг қароргоҳи жойлашган эди. Тупроққалъадаги емирилиб кетган икки қаватли саройнинг харобаларидан жуда кўп моддий маданият ашёлари, ҳайкаллар ва деворий расмлар очилди. Булар орасида бир гуруҳ ёзма манбалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ёғоч, қуритилган лой ва терига ёзилган. Уларнинг ҳаммаси 100 дан ортиқ ҳужжатлардан иборат. Бу ҳужжатлар бинонинг иккинчи қаватида сақланиб, ўзига хос бир бутун подшоҳ архивини ташкил этади. Уларнинг бир туркуми IV-VIII асрларда йиллик аҳоли жон боши рўйхатлари, яна бир туркуми ҳўжалик ҳужжатлари – тилхат, васиқа, сарой фойдасига натурал солиқ тўловлари ҳақидаги қайдлар бўлиб, Қадимий Хоразмда Африғийлар даврининг ижтимоий, иқтисодий муносабатлари ҳақида тарихий далиллар келтирилган. Тупроққалъадан топилган подшоҳ архиви милодий III-IV асрларга тааллуқли бўлиб, хоразмий ёзуви билан ёзилган. Бу ашёлар мукамал матнларга эга бўлган катта тўплам ҳисобланади.

Тўққалъа. Милoddан аввалги IV ва милодий III асрларга оид шаҳар қалъа ҳисобланади. Нукусдан 14 чақирим шимоли-ғарбда жойлашган. Тўққалъа ичидаги қабристондан

40 дан ортиқ ёзувли “оссуарий” (сопол тобут)лар топилган.

Миздакхон. Милоддан аввалги минг йилликнинг ўрталари. Қорақалпоғистоннинг Хўжайлий туманидаги қадимги шаҳар харобаси. Миздакхондаги қабристондан зардўштийларнинг ёзувли оссуарийлари топилган.

Якка Порсон. Милоднинг VIII асрига оид ёдгорлик мажмуаси. Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳри шарқи (Бургутқалъа чўллари)да хом ғиштдан қурилган мустаҳкам истехкомни қазилар вақтида қўлга киритилган топилмалар орасида иккита хоразм битиги жуда қимматлидир. Уларнинг бири терига ёзилган етти сатрнинг бошланғич қисми. Иккинчиси ёғочга ёзилиб, тўла бўлмаган уч сатрдан иборат. Бу ҳужжатлар милодий VIII асрга оид.

3. Ўрта Осиёда кенг тарқалган илк ёзувлар таҳлили

Ўрта Осиёда қўлланилган қадимий битиклар ҳозирда айрим – хроника ва тарихий манбалардагина сақланиб қолган. Улар қаторига, хоразм, сўғд (оромий), ўрхун-эна-сой ва уйғур ёзувларининг тарихий қисматини киритиш мумкин. Қуйида Ўрта Осиёда кенг тарқалган илк ёзувларнинг айримлари ҳақида манбашунослик таҳлилини юритишга ҳаракат қиламиз.

Сўғд ёзуви – ҳозирги ўзбек ва тожикларнинг аجدодларидан ҳисобланган сўғдлар (ёки сўғдийлар) деб аталган халқ қўллаган оромий тармоғига мансуб ҳарф-товушли ёзув. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзалари (ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудуди)да сўғд деган тарихий вилоят шаклланган. Сўғдлар ана шу вилоятда истиқомат қилиб, сўғдий ёзувлари ва тилларига эга бўлганлар. Милодий IV асрдан – Кушон подшоҳлиги инқирозидан

сўнг Сўғд вилояти милодий VI асрғача мазкур ҳудудда таркиб топган қатор давлатларга тобеъ бўлган. Уларнинг энг йириги Самарқанд ҳокимлиги (маркази – Афросиёб) эди. Ана шу даврларда юз берган турли ҳарбий нотинчликлар натижасида сўғдларнинг бир қисми Фарғона водийси, Еттисув атрофлари ва бошқа ҳудудларга кўчиб ўтганлар. Милоднинг VI-VII асрларига келиб сўғдлар Турк хоқонлигига бўйсунган. VIII аср бошларида Сўғдни араблар ўзларига табеъ этдилар.

Манбаларда сўғд алифбосида 25 ҳарф мавжудлиги қайд этилган. Бироқ турли минтақалардан топилган сўғд ёзуви ёдгорликларида ҳарфларнинг умумий сониди (20 дан 25 гача) фарқлар аниқланган. Сўғд ёзуви ҳарфлари фақат ундош товушларни ифода этган. Унли товушлар ёзувда акс этмаган. VII аср ўрталаридан сўғд ёзувининг хусниҳат услублари пайдо бўла бошлади. Сўғд ёзувининг энг қадимги нусхаси милоднинг бошларига оид бўлиб, Самарқанд яқинидаги “Тали Барзу” деган жойдан топилган. Мазкур ёзувнинг сўнги ёдгорлиги Қирғизистоннинг Талас водийсидан топилган.

Арабларнинг Ўрта Осиёни фатҳ қилиши сўғд ёзуви ва сўғд тилининг сўниб боришига сабаб бўлди. VIII аср ўрталаригача сўғд ёзуви араб тили ва ёзуви билан ёнма-ён, баробар ишлатилиб келинди. Бунга Панжакент ва Марвдан топилган ўқув қўлланмаларида сўғд ва араб ҳарфларининг баробар ишлатилиши икки ёзув ва тилда баробар хат савод чиқаришга ҳаракат қилинганлигидан дарак беради. Аммо бу интилиш узоққа бормади. VIII аср охирига келиб сўғд хатининг ўрнини батамом араб ёзуви эгаллади. Бироқ Марказий Осиёнинг араблар бориб етмаган айрим ҳудудларида сўғд хатидан фойдаланиш IX асрнинг биринчи ярмигача давом этиб турди. Бунга мисол қилиб Қорабалғасун шаҳрида турк хоқони ёрдамчисига ўрнатилган уч тилли (сўғд, туркий, хитой) битигини кўрсатиш мумкин.

Сўғд ёзуви ёдгорликлари XX аср давомида жаҳоннинг турли давлатларида тўпланди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда Лондон, Париж, Берлин, Санкт-Петербург қўлёзма ҳазиналарида сақланмоқда. Жумладан, Сўғд-буддий матнлари Париж миллий кутубхонасида, Сўғд-христиан ҳужжатлари Берлиндаги Немис Фанлар академиясида, Сўғд-маоний матнларнинг асосий қисми эса, Британия музейининг сўғд қўлёзмалари бўлимида сақланади. Муғ тоғидан топилган сўғд ҳужжатлари Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург Шарқшунослик институти хазинасида сақланади. Шунингдек, бу ерда рус олимлари ва дипломатлари томонидан Шарқий Туркистоннинг турли жойларидан қўлга киритилган айрим сўғд фрагментлари ҳам мавжуд. Сўғд ёзуви туширилган тангалар эса Санкт-Петербург Давлат эрмитажид ва Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланади. Бўғут ва Қорабалғасун қабртош битиклари Мўғулистонда ўз жойида турибди.

Авесто ёзуви – Зардуштийлик динининг муқаддас китоби, айнаи вақтда Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг энг қадимги адабий-тарихий ёдгорлиги “Авесто”ни битиш учун қўлланган ҳарф, товушли ёзув. Авесто ёзуви китобий паҳлавий (Ўрта форс) ёзуви асосида яратилган. Шу ҳарфлар замирида унлиларни билдирувчи 14 та, ундошларни билдирувчи 34 та белги мавжуд. Натижада 48 та белгига эга бўлган авесто алифбоси воситасида “Авесто” матни ифода этувчи ёзма нусхаси вужудга келган. Унинг ёзма шакли милоднинг III асрида Эронда – Сосонийлар сулоласининг дастлабки даврида яратилган. Бу иш Ардашер I (224-239) даврида бошланиб, Шопур I (239-272) даврида тугалланди. Авесто ёзуви “Авесто” китобидан бошқа бирорта манбани ёзиш ёки кўчириш учун татбиқ этилмаган. Авесто ёзуви ўнгдан чапга қараб ёзилади ва ўқилади.

Моний ёзуви – Оромий тармоғига мансуб ҳарф товушли ёзувлардан бири. Бу ёзув тури “монавий”, “монувий” баъзан Европача талаффуз билан “манихей” тарзида номланиб келинади. Кўп сонли манбаларда бу ёзувни моний динининг асосчиси, машҳур мусаввир Моний ибн Фатак (216-276) яратган дейилади. Абу Райҳон Беруний ҳам шу фикрни айтади. Баъзи манбаларда эса моний ёзуви III-IV асрларда моний динининг коҳинлари тарафидан қўлланилгани айтилади. Моний ёзуви ҳам бошқа кўпчилик ёзувлар сингари ўнгдан-чапга қараб ёзилади ва ўқилади. Бу ёзув ўрта форс (пахлавий), парфиёний, сўғд, қадимги туркий тилларидаги матнларни ёзиш учун ишлатилган. Моний ёзувидаги ёдгорликлар қайси тилда яратилган бўлмасин, уларнинг мазмунини деярли моний дини ақидаларини акс эттиради. Шунинг учун моний ёзувидаги ёдгорликлар яхлит равишда “моний дини адабиёти” деб юритилади.

Ёдгорликлари V асрдан бошлаб, VIII асрларгача кўчирилган. Улардан сақланиб қолган намуналар XX аср бошларида Шарқий Туркистон – Турон воҳасидан топилган. Эроний (пахлавий, парфиёний, сўғдий) тиллардаги матнлар нисбатан кўпроқни ташкил этади. Қадимги туркий матнлар бир мунча оз. Моний ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликларнинг тўла ва энг каттаси “Хуастуанифт” (монийларнинг ибодат китоби)дир. Бу ёзма ёдгорликнинг икки нусхасигина бизгача етиб келган. Уларнинг бири Берлинда иккинчиси Лондонда сақланади бу ёдгорликнинг яратилиши тахминан VII асрга мансуб бўлиб, қолган моний матнлари, асосан, парчалардан иборат (моний туркий парчаларининг бир қисми Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург Шарқшунослик институти хазинасида сақланади). Қадимги Туркий матнлар битилган моний ёзувида 23-27 та ҳарф бор.

Паҳлавий ёзуви – оромий ёзувининг тармоқларидан бири. Ҳарф товушли ёзув. Милодий III аср бошларида пайдо бўлган. Ундан ўрта форс (паҳлавий) тили матнларини ёзиш учун фойдаланилган. Паҳлавий ёзув турида дастлаб 22 белги бўлган. Бироқ кейинроқ шакли бир-бирига ўхшаш ҳарфлар бирлаштирилиб, белгилари сони 16 тага камайтирилган. Паҳлавий ёзувида узун унлиларга ишоралар қўйилади. Паҳлавий ёзуви ҳам ўнгдан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. Бу ёзувдаги манбалар нисбатан кўпроқ бўлиб, диний, адабий, ахлоқий мазмунларга эга. Паҳлавий ёзуви Эрон тарихининг Сосонийлар сулоласи даврида асосий давлат ёзуви ҳисобланган. Бу даврдаги ёзма ёдгорликлар ўрта давр Эрон тилларининг бошқаларига нисбатан кўпроқ етиб келган. Уларнинг аксари паҳлавий ёзувида битилган. Паҳлавий ёзув ёдгорликларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

Сосонийлар даврининг қоятошлардаги битиклари. Бу битиклар милодий III-IV асрларга оид уларни сосоний подшоҳларидан Ардашер (226-241), Шопур I (241-272), Нарсе (293-302), Шопур II (309-379) Шопур III (383-388)лар ёздирган. Битиклар паҳлавий, шунингдек, парфиёний хатлари ва тилларида ёнма-ён (параллел) ёзилган. Уларнинг айримларига юнон ёзуви ва тилида изоҳлар берилган. Битиклар ҳажман катта эмас. Улар асосан Эронда, қисман Ироқ ҳудудида (ўз жойида) сақланган.

Китобий паҳлавий адабиёт матнлари. Бу ёдномалар III-VII асарларда сосонийлар даврида яратилган. Булар асосан, зардуштийлик таълимотига оид бўлса-да, қисман дунёвий мазмундаги матнлар ҳам учрайди.

Паҳлавий папируслари. XIX аср охирларида Мисрнинг Фарюм вилоятидан топилган бу папируслар VII асрга мансуб. Паҳлавий папируслари маҳкамачилик ҳужжатларидан иборат.

Бохтар ёзуви – “Бақтрия ёзуви”, “Кушон ёзуви” ва баъзи илмий адабиётларда “Тохар ёзуви” номи билан ҳам юритилади. Бохтар ёзуви Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий вилояти Бохтария (Бақтрия)да қўлланилган. Унинг ҳудуди Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, Тожикистоннинг жанубий туманлари, туркменистоннинг шарқий қисми ва шимолий Афғонистон ерларига тўғри келади. Ўрта Осиё халқлари оромий ва ҳинд тармоғига мансуб алифболар билан бир қаторда юнон (грек) ёзуви асосида яратилган алифбодандир. Милоддан аввалги IV аср охири, аниқроғи, 329-325 йилларда Македония подшоҳси Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёни истило қилиши натижасида бу ерда қадим юнон маданиятининг айрим қўринишлари билан биргаликда юнон ёзуви ҳам тарқала бошлади. Юнон ёзувининг Ўрта Осиёдаги тараққиётини билишда тангалар ҳам қимматли манбадир. Ҳозиргача Ўзбекистон ҳудудида Искандар Зулқарнайн вафотидан кейин вужудга келган Салавкийлар, Грек-Бахтар давлатлари, Кушон подшоҳлиги даврида зарб қилинган, ёзувлари юнон алифбосида бўлган тангалар топилган. Юнон алифбоси акс этган дастлабки тангалар Салафкийлар даврида чиқарила бошланди.

Милоддан аввалги 293-280 йилларда Бахтариянинг шарқий қисмлари ноиби, Салавкнинг ўғли Антиох биринчи марта танга чиқаришга асос солди. Унинг тангалари юнон намуналари бўйича чиқарилиб, унда юнон тилидаги ёзув ва подшоҳнинг сурати акс этган эди. Бу тангаларнинг номи ва оғирлик ўлчовлари ҳам юнонча аталган. Грек-Бақтрия давлати зарб этган тангаларда ҳам Салавкийлар анъанаси давом эттирилган. Бироқ кейинчалик маҳаллий халқнинг анъаналарини ва маъбудаларини ҳам пулларда акс эттириш юнон тангаларининг қадрини бир мунча оширди. Бизгача Салавкийлар тангалари жуда оз миқдорда етиб келган. Лекин, Грек-Бақтрия тангалари салмоқли ўрин тутати. Чу-

нончи, ўша кумуш тангаларнинг бир дафинаси (100 данага яқин) Қашқадарё вилоятининг Китоб шахридан топилган.

Милоднинг бошларида Бахтарияда Кушонлар салтанати ҳам ўз тангаларини юнон тангаларига тақлидан зарб этдилар. Кейинчалик эса Бақтриянинг маҳаллий тили бохтар ёзувидаги тангаларни зарб этишга киришилди. Шунинг учун уларни бохтар ёзувининг илк ёдгорликлари деб айтиш мумкин. Бизгача Кушон тангаларининг бир қанча намуналари етиб келган. Айниқса, Сурхондарё вилоятидан улар кўплаб топилган. Ҳозиргача фанга маълум бўлган бохтар ёзувидаги иккита йирик ёдгорлик (битик) ҳам милоднинг биринчи асрига таълуққидир. Уларнинг бири 1957 йилда Шимолий Афғонистоннинг Бағлон вилоятида, Сурх-Кўтал деган жойда қазилш ишлари вақтида топилган. Битик 25 сатрдан иборат бўлиб, Сурх-Кўтал ибодатхонасининг қурилиши ҳақида хабар беради (ўз жойида). Бохтар ёзувидаги иккинчи ёдгорлик 1979 йилда Сурхондарё вилоятида Термиздан 18 чақирим нарида жойлашган “Айритом” харобасидан чиққан. Бу ёзув битиги ҳам милоднинг биринчи асрига оид бўлиб, ҳайкал пойидаги тоштахтага ўйилган 6 сатр матндан иборат. Ҳозирда у “Санъатшунослик” институтида сақланади. Шундай қилиб бохтар ёзуви қадимги юнон ёзуви асосида ривож топди. Юнон алифбосида 24 ҳарф бўлса, бохтар ёзуви мазкур 24 ҳарфга қўшимча “ш” товушини қўшимча қилиб, улар сонини 25 тага етказганлар. Бохтар ёзуви VIII аср бошларигача амалда бўлган.

Ўрхун-энасой ёзуви – қадимги туркий халқлар қўллаган энг асосий ёзувлардан бири. Бу ёзув ўрта асрларда Шарқ олимларига маълум бўлган “дулбарчин” ёзуви деб юритилган. Бу ҳақда Амир Темур саройида хизмат қилган машҳур тарихчи Ибн Арашоҳ ўзининг “Ажойиб ул-мақдур фи навойиби Таймур” (Темур фалокатларида ажойиб қисматлар) асарида маълумот беради. Кейинчалик дулбарчин ёзуви

ҳақдаги маълумотлар унитилган ва одамлар хотирасидан кўтарилган. Бу ёзувнинг намуналари XIX асрдан бошлаб турли манзиллардан топила бошланди. Ёзувлар қаердан топилган бўлса, ўша ернинг номи билан “Сибир ёзуви”, “Ўрхун ёзуви”, “Энасой ёзуви”, “Туркий рун(а) ёзуви” деб атала бошланди. “Рун(а)” сўзи немис тилида “сирли” деган маънони англатади. Туркий рун(а) деб аталишига сабаб, ўрхун ҳарфларининг қадимги герман халқларига мансуб руна деб аталган ёзувга ташқи жиҳатдан бир оз ўхшашлиги сабаб бўлган. Ҳозирги вақтда фанда бу ёзувнинг номи кўпроқ “ўрхун-энасой ёзуви”, “қадимги туркий ёзув” шаклида қабул қилинган. XIX асрдан бошлаб ҳозиргача аниқланган ўрхун-энасой ёзувида битилган катта-кичик ёдномалар сони 250 дан ошади. Улар мўғулистондан, Шарқий Туркистон (Турфон)дан, Сибир ва Урал бўйлари-дан, Ўрта Осиё (Талас водийси ва Ўш атрофлари)дан топилган. Ўрхун-энасой ёзувлари барча туркий халқларга тегишли бўлиб, уларнинг маданий мероси ҳисобланади.

4. Ёзувнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида турлича қарашлар

Ҳар бир миллат ва халқлар ўзининг ёзув ва хат тарихига эга. Айни вақтда, ўша ёзувлар миллат ва халқларнинг харақтерини ўзида акс эттирган бўлади. Бу йўналишда “графология” деган фан қўлланиб келинади. Ҳақиқатдан ҳам, ҳарфларига керакли шаклларни тўғри бера олган, ёзуви алифбосини мукаммал ишлаб чиққан, уни тўғри ва мақсадли қўллай олган ва шунингдек, унинг бошқа жиҳатларини ривожлантира олган миллат ва халқларнинг ёзувлари ҳам узоқ яшаган. Хусусан, Марказий Осиёда амалда бўлган ёзувларнинг кўпчилиги мана шу йўлларни босиб ўтган дейишга асосимиз бор. Буларни бугунги кун ёзув

мутахассисларининг бераётган илмий асосларидан ҳам билиб олиш мумкин. Албатта, улар турфа хиллик фикрлар бўлиб, бир-бирини асослайди ва шунинг билан бирга баъзи камчиликларини тўлдиради.

Биринчи фикр – эроншунослар томонидан айтилган назарияга асосланади: бу ёзувнинг алифбо тартибини ишлаб чиқишда анъанавий амалий тажрибалар ва график имкониятларидан кенг фойдаланилган. Қадимги турк ёзувида сўғд ёзувининг 16 ҳарфий белгиси турли ўзгаришлар билан қабул қилинган янги белгилардир. Сўғд ёзувидаги 16 белги асосида 29 туркий ҳарф белгилари ишлаб чиқилган. Қолган белгилар эса шартли равишда қабул қилинган. Шунга асосан, қадимги турк ёзувини ўша замон – VII аср бўсағасида туркий олимларнинг анжуманида кенгашиб, бир йўла кашф этилган ёзув, деб қараш мумкин.

Иккинчи фикр – туркийшунослар томонидан айтилган: қадимги турк ёзувининг ҳарфий белгилари қадимги туркий қабилаларнинг тамғалари асосида шаклланган. Бу олимларнинг фикрича, туркий ёзув VII асрлар атрофида эмас, балки ундан анча аввал шаклланган. Бунга далил қилиб улар Олмота шаҳри яқинидаги Иссиқ кўрғонидан топилган қадимги турк ёзуви ҳарфларига ўхшаш белгиларни далил қиладилар. Қадимшуносларнинг тасдиқлашларича, иссиқ кўрғонидаги топилмалар милoddан аввалги IV асрга мансуб. Шунга кўра қадимги турк ёзувининг илк намуналари ҳам милoddан аввалги IV асрга бориб тақалади, деган хулосага келганлар.

Ўрхун-энасой ёзуви ўнгдан чапга ва юқоридан пастга қараб ёзилади ва ўқилади. Матн юқоридан пастга қараб ёзилганда ҳам сатрлар ўнгдан чапга қараб ҳосил қилинади. Бу ёзувда 41 та ҳарф бор. Ҳарфлар кашф этилган вақтда қандай номлар берилгани ва қандай айтилгани етарлича ўрганилмаган. Олимлар ҳарфларнинг номини шарт-

ли равишда ҳозирги замон туркий тиллар фонетикасига мослаштириб айта оладилар, холос. Ҳамма ёзувларда бўлганидек, ўрхун-энасой ёзувида ҳам замон ва макон тақозоси билан айрим ҳарфлар ягона белги – шаклга эга бўлса, айрим ҳарфлар бир неча белги – шаклларга эга бўлиб қолган. Бунинг сабабини Ибн Арабшоҳ шундай изоҳлаган эди: “Ҳарфлар кўплигининг сабаби шундаки, улар (товушларнинг) қалин ва ингичкаларини, шунингдек, айиргичларини ҳам ҳарф ҳисоблайдилар, натижада қўшимча ҳарфлар пайдо бўлади”.

Ўрхун-энасой ёзувида товушлар ҳарфий ва шаклий тафовутларига қараб ўрхун, турфон ва энасой вариантларига эга. Буларнинг ичида энг қадимийси ўрхун вариантыдир. Ўрхун-энасой ёзувидаги 41 та ҳарфдан 4 таси қадимги туркий тилдаги 8 та унли товушни ифодалаган. Шундай бўлса-да айрим ҳолларда мазкур унлилар ёзувда ўз ифодасини топавермаган. Жумладан, “а” товуши сўз боши ва биринчи бўғинда доим ёзилмаган. Бошқа унлиларни ифодаловчи ҳарфлар бўғин тузилишига қараб ёзувда ўз аксини топган. 41 та ҳарфнинг қолган 37 таси ундош товушларни билдиради.

Ўрхун-энасой ёзувининг қўлланиш муддати қарийб 300 йилни қамраб олади. Энг қадимги ёднома VII асрнинг биринчи ярмида битилган. Энг сўнги йирик ёднома XX аср бошларида Турфондан топилган “Ирқ битиги” (Табирнома) бўлиб, IX аср охирларига мансуб. Бу ёдноманинг ўлчами 13х8,5 бўлиб, 104 иборат росмана китоб шаклига эга. Унинг мазмунига келсак, уларда туркий қабила ва улуғларининг номлари, яшаш жойлари, қўшни халқлар билан муносабатлари, ўтмиш тарихлари ҳақида қисқа-қисқа лавҳалар, душманларга қарши олиб борилган жанглар, халқ орасидан чиққан қаҳрамонлар, лашкарбошилар, давлатни бошқарган хонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шу нуқтаи назардан

туркий халқлар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётларида, қахрамонлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларининг ривожига қадим туркий битикларнинг аҳамияти катта. Сибирдаги туркий халқлар мазкур ёзувдан фойдаланишни XIII асргача давом эттирганлар. Ўрхун-энасой ёзуви фақат қадимги туркий тил (VII-IX) матнларини ёзиш учун қўлланилган. XX аср ўрталарида Ўзбекистондан ҳам ўрхун-энасой ёзувида 50 га яқин бир, икки ва уч ва қисқа жумлалардан ташкил топган битиклар топилган. Энг сўнги топилган битик Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Фарғонанинг Қува шаҳрида олиб борилган қазилмалар вақтида қўлга киритилди. Бундан маълум бўладики, ўрхун-энасой ёзуви ўз вақтида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам фаол истеъмолда бўлган.

Эски уйғур ёзуви – туркий адабий тили тарихининг XI-XIV юз йилликлари биринчи ярми тилшуносликда шундай деб юритилади. Бу даврда яратилган ёзма ёдгорликлар, хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарларидаги уйғурча мисоллар, адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳийбатул-ҳақойиқ” асари, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” каби ва бошқа ёдгорликлар туркий халқларнинг муштарак меросидир. Уларда туркий тилларнинг хусусан, уйғур тили ва ёзувининг тарихий тараққиёти ўз аксини топган. Уйғур ёзуви ва тили қадимги туркий тил (IV-X асрларда кўк турк, уйғур, чигатой, моний, браҳма, ёзувларида яратилган ёзма ёдгорликлар тили) билан уйғур ёзуви ва тили ўртасида кўприк вазифасини ўтаган. Бу даврда яратилган ёдгорликлар тилида қадимги туркий тилга хос грамматик хусусиятлар кенг тарқалиши билан бирга, тилнинг фонетик, лексик, грамматик қурилишида муайян ўзгариш юз берган. Уйғур ёзуви эски туркий тил ва ёзуви минтақада маҳаллий адабий тилнинг юзага келишига замин яратиб

берган. Уйғур ёзуви худди араб, сурёний (оромий ёзувнинг қадимий кўриниши милoddан аввалги II-I асрларда бутун Сурия бўйлаб кенг тарқалган) ёзувлари каби битилган.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Манбаларни аниқлашда унинг қайси жиҳатларига эътибор қилиш керак?
2. Ёзувнинг илк намуналари ҳақида нималарни биласиз?
3. Қадим ёзувларнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?
4. Ўрта Осиё халқлари ўз тарихида қайси ёзув турларидан фойдаланган?
5. Қадимий ёзувларнинг қандай турларини биласиз?
6. Ўрта Осиёда кенг тарқалган ёзма манбалар қайси?
7. Ёзувнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида нималарни биласиз?
8. Нима учун араб хатлари ичида настаълиқ хати кенг оммалашди?
9. Ёзув тараққиётининг ривожланиш босқичлари ҳақида маълумот беринг?
10. Илк ёзув намуналарини ҳозир қаерларда учратамиз?
11. “Битик”лар деганда нимани тушунасиз?
12. Моддий ёдгорликларга нималар киради?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Қорақалпоғистонда жойлашган милoddан аввалги ёдгорликлар.
2. Сўғд ёзуви ва унинг тарихнавислиги ҳақида.
3. Моний ёзуви амалда қўлланилган ҳудудлар.

4. Сосонийлар даври қоятошларидаги битиклар.
5. Ўрта Осиё халқларининг қадимий ёзувлари таҳлили.
6. Ўрхун-энасой ёзуви ҳақида.
7. Ёзув келиб чиқиши тарихи ҳақида турлича қарашлар.
8. Бохтар ёзуви ва унинг шаклланиши ҳақида.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 112 б.
2. Глухов А. Асрлар қаъридан. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 33-36.
3. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.
4. Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Ўз Р Тошкент Давлат Шарқшунослик институти. – Т.: “Нур полиграф”, 2009. – 354 б.
5. Муниров Қ. Хоразимда тарихнавислик. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – 192 б.
6. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.
7. Ўктам Мавлонов. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: “Akademiya” нашриёти, 2008. – 432 б.
8. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.
9. Носир Муҳаммад. Турон давлатлар йилномаси. – Т.: “Meriyus” нашриёти, 2010. – 128 б.
10. Бобохонов А.Х. Асрдан ошган зиё масканлари. – Т.: “O'zbekiston”, 2011. – Б. 117-118.

IV. ҚАДИМ ШАРҚ МАНБАЛАРНИ МАНБАШУНОСЛИК ЖИҲАТИДАН ТАВСИФ ЭТИШ: ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ ЁЗМА ВА БОСМА НУСХАЛАРИ

Режа:

1. Қуръони каримнинг китобат этиб йиғилиши
2. Рошидинлар даврида Қуръони каримнинг саҳифаларга жамланиши
3. Қуръони каримнинг қадимий ёзма нусхалари: тарқалиши ва трансформацияси
4. Қуръони каримнинг тошбосма нусхалари ҳақида

Таянч сўз ва иборалар: Қуръон, жамланиш тарихи, Жаброил (алайҳиссалом), Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Зайд ибн Собит, Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳум)лар, тавқифий, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Мусо ал-Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъд ибн Ос, Абдураҳмон ибн Ҳорис, Анас ибн Молик, Ҳузайфа ибн Ямон, Ҳафса (разияллоҳу анҳо), “Имом мусҳаф”, Муовия ибн Абу Суфён, Абул Асвад ад-Дувалий, Ҳажжож ибн Абу Юсуф, “Хатти Қуръоний”, Шарқшунослик институти, “Лангар Қуръони”, “Ҳамид Сулаймон”, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри, Олмониянинг Ҳамбург шаҳри, Италиянинг Венеция шаҳри.

1. Қуръони каримнинг китобат қилиб йиғилиши

Қуръони каримдан бошқа шахслар томонидан муқаддас деб саналган китоблар тарихи ўрганилса, уларни бизнинг

замонимизгача етиб келишида бир қанча ноаниқликларга дуч келинади. Масалан, яҳудийлар ва насоролар қўлидаги Таврот ва Инжил Аллоҳ таоло туширганидек, ўзгаришсиз, асл ҳолатда сақланмаган. Шунинг учун мусулмон киши Таврот ва Инжилдан бирор нарса эшитса, уни инкор ҳам, тасдиқ ҳам қилмайди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг кўрсатмаларига мувофиқ, сизлар ва бизларга нозил бўлган нарсага имон келтирамиз, дейди. Аллоҳ таоло Қуръони каримни нозил қилар экан, Қиёматга қадар сақлашни Ўз зиммасига олиб:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿٩﴾

Яъни: “Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз” (Ҳижр, 9), дейди.

Қуръони карим ва унинг китоб бўлиб жамланиш тарихи шубҳа туғдирувчи ҳар қандай иллатлардан мутлақ ҳолидир. У саҳиҳ – аниқ ривоятлар асосига қурилган. Қўлимиздаги Қуръони каримнинг бизгача ҳеч бир ўзгариш ва нуқсонсиз етиб келиши Аллоҳ таолонинг марҳамати ҳамда саҳобаларнинг заҳматли меҳнатлари маҳсулидир. Қуръони каримнинг китоб бўлиб жамланиши тарихи асосан уч босқичда кечган эди:

1. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Қуръони каримни саҳобаларга айтиб кўчиртиришлари.

2. Қуръони каримнинг ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) даврида саҳифаларга жамланиши.

Қуръони каримнинг ҳазрати Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) даврида тартибланиши.

Аллоҳ таоло Қуръони каримни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўтган барча пайғамбарларга туширилган китоб ва рисолатни олиб келган Жаброил (алайҳисса-

лом) воситасида йигирма уч йил давомида нозил қилди. Қуръони карим гоҳ бир оят, гоҳ яхлит бир неча оятлар ҳажмида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га гоҳ саҳобалар даврасида бўлганларида, гоҳ меҳробда турганларида, гоҳ ёлғизликларида, гоҳ отлиқ ҳолатларида, гоҳ ўринларида ётганларида нозил бўлар эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ваҳий нозил бўлиши билан котиблари Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу)ни чақиртириб, ёздириб қўяр эдилар. Бу ҳақда Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу)нинг ўзлари: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар ваҳий нозил бўлса, мени чақиртириб, тери бўлакларига ёздириб қўяр эдилар”, деганлар. Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) ваҳийни ёзиб юрган асосий котиб сифатида танилганлар. Убай ибн Каъб, Муовия ибн Абу Суфён, Ҳанзала ибн Рабиъ (розияллоҳу анҳум)лар ҳам ваҳий котиблари қаторида зикр қилинган. Шунингдек, Амр ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Абдуллоҳ ибн Арқам, Муғйра ибн Шуъба, Собит ибн Қайс (розияллоҳу анҳум)лар ҳам ваҳий котиблари қаторида зикр этилганлар. Бундан ташқари, Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳум)лар каби ёзишни билган бошқа саҳобалар ҳам ўзлари учун хурмо дарахтининг ёғочларига, териларга ёзиб олишган. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) сингиллари Фотиманинг олдида кирганларида, қўлларида Тоҳо сураси ёзилган тахта лавҳ бўлгани бунга далилдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар йили Рамазон ойида ўша пайтгача нозил бўлган сураларни Жаброил (алайҳиссалом)га, сўнгра Жаброил (алайҳиссалом) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бир марта ўқиб беришар эди. Вафот қилган йиллари икки марта ҳозирги биз билган тартибга мувофиқ ўқиб ўтказганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида ёзишни билган саҳобий Қуръони карим сураларини ўзига ёзиб олган бўлса-да, тартибланиб, яхлит китоб ҳолида тўпланмаган. Бу ҳақда: Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу): “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръони карим ёзма ҳолда тўпланмасдан вафот қилдилар”, деганлар. Шунинг учун Қуръони карим сураларининг жойлашув тартиби нозил бўлиш тартиби билан мувофиқ эмас. Қуръони каримнинг қайси сура ёки оятини қайси ўринга ёзиш Аллоҳ таолонинг ваҳийи билан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг кўрсатмаларига биноан амалга оширилган. Шу сабабдан биз Қуръони карим сураларининг жойлашув тартибини “тавқифий” - Аллоҳ таолонинг буйруғи билан бўлган, деб эътиқод қиламиз.

Демак, Қуръон – илоҳий китоб, Аллоҳнинг каломидир. У балоғат ва фасоҳатнинг юксак услубида нозил этилган. Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан пайғамбар алайҳиссаломга фаришта Жаброил воситасида етказилган. Қуръони карим нозил бўлиш даври қарийб йигирма уч йил давом этиб, унинг китобат жараёни Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин “хулафои рошидун”лар давридан бошланган. Бу муқаддас китоб Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлик чоғларида тарқоқ ёзув парчалари кўринишида бўлиб, фақат саҳобалар ва уни ёд олган кишилар қўлида сақланган. Чунки, ҳали оятларни йиғиб яхлит китоб ҳолига келтиришга унчалик эҳтиёж сезилмаган. У зот вафотларидан тахминан бир йил ўтгач, дастлаб бу масъулиятли ишни милодий 634 йил Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) га топиширилди. Зайд томонидан ёзиб тугалланган бу нусха дастлаб Абу Бакир Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) кейин ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) ва Ҳафса онамиз тасарруфларида сақланди.

2. Рошидинлар даврида Қуръони каримнинг саҳифаларга жамланиши

Ҳазрат Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) халифа этиб сайланганларидан сўнг, ўн иккинчи ҳижрий йилда пайғамбарлик даъвоси билан чиққан каззоб Мусайлама фитнаси юз берди. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) унга қарши жанг қилди. Бу уруш Солим ибн Маъқил (розияллоҳу анҳу)дек Қуръони каримни ёд билган етмиш нафар саҳобанинг шаҳид бўлиши билан ниҳоясига етди. Бундан қаттиқ ташвишга тушган Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) халифага уни ёзиб жамлашни маслаҳат бердилар. Аллоҳ таоло Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)ни Қуръони каримни жамлашга илҳомлантирди. Бу ҳақда Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилган: “Абу Бакр Ямома куни менга одам жўнатди, борсам, қаршисида Умар ибн Хаттоб бор экан. Абу Бакр: “Умар менга келиб, Ямома жангида кўп қорилар шаҳид бўлди. Қориларнинг шаҳид бўлишлари сабабли Қуръоннинг кўп қисми ёддан кўтарилиб кетишидан қўрқаман. Сиз Қуръонни жамлашга буйруқ беришингиз керак, деб ўйлайман”, деди. Мен Умарга: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилмаган ишни қандай қиламан?” десам у: “Аллоҳга қасамки, бу хайрли иш”, деб айтаверди, ҳатто менга бу иш маъқул туюлди. Мен Умарнинг фикрига қўшилдим. “Эй Зайд! Сизнинг лаёқатингиз ҳақида гумонимиз йўқ. Сиз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) га тушган ваҳийни ёзиб юрар эдингиз, энди Қуръонни кўчириб жамласангиз”, деди. Мен: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилмаган ишни қандай қиласиз?” дедим. Абу Бакр: “Аллоҳга қасамки, бу хайрли иш”, деб айтавериб охири кўндирди. Қуръонни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврида битилган тош тахтачалар, терилар, ёғочлар ва ёд олган кишилардан кўчириб

жамладим. Абу Бакрнинг вафотига қадар унинг олдида, сўнг Умар ибн Хаттобнинг олдида, сўнг Ҳафса онамизнинг олдиларида қолди”. Бу вақтда Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) 21 ёшда бўлганлар.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Умар ибн Хаттоб ва Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳум)ларни Қуръони каримни жамлашга буюриб, масжид дарвозаси олдида ўтиринглар, кимда-ким Аллоҳнинг оятларидан биронтасини икки гувоҳ билан олиб келса, уни ёзинглар, деди. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу): “Ким Қуръондан бирон оятни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ўрганган бўлса, икки гувоҳ билан олиб келсин”, деди. Шунга кўра, Убай ибн Каъб айтиб турди, Зайд ибн Собит эса келтирилган оятларни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан эшитганига ё бевосита ўрганганига гувоҳлик берадиган икки гувоҳ бўлсагина ёзиб олди. Шу тариқа Қуръони каримнинг Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) давридаги девон этилиши асосий икки манбага – Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳаётликларида кўчирилган ва саҳобалар хотираларида ёд сақланган асосга суянган ҳолда ниҳояланди. Бу нарса замонлар ўтиб, бирон кишида Қуръони каримга бирон нарса киритилган ёки олиб ташланган ёки ҳарфи ўзгартирилган, деган заррача гумон ёки шубҳа туғилишига ўрин қолдирмайди. Саҳобалар Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)нинг бу ишдан бениҳоят мамнун бўлишди. Ҳазрати Али (розияллоҳу анҳу): “Қуръон борасида Абу Бакр энг кўп ажрлидир. Абу Бакрга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, у Қуръонни жам қилдирган биринчи кишидир”, деганлар (Абу Довуд ривояти).

Ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)нинг вафотларидан сўнг Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) халифа бўлди. У кишининг даврларида ҳам Қуръони каримни ўрганишга эътибор янада ошди. Фатҳ этилган диёрлар ҳудуди янада кенгайди. Саҳобалар турли ўлка мусулмонларига Қуръони

каримни ўргатувчи устозлар бўлиб тарқалишди. Дамашқлик мусулмонлар орасида Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳу) қироати, куфалик мусулмонлар орасида Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) қироати, басралик мусулмонлар орасида Абу Мусо ал-Ашъарий (розияллоҳу анҳу) қироати тарқалди. Одамлар мазкур қироатлар бўйича таълим олдилар. Бу қироатлар баъзи ўринларда талаффуз жиҳатидан бошқа-бошқа, лекин маънодош калималар ишлатилгани билан бир-биридан фарқ қилар эди. Мусулмонларнинг кўпайиши билан қироатда ихтилофлар юзага кела бошлади. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) даврларида жамланган Қуръони карим суралари ҳозиргидек тартибда эмас эди. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) уларни тартиблаб, одамларни бир хил қироат остида жамлашни мақсад қилиб қўйган эди. Лекин у кишига бу иш насиб этмай шаҳид бўлди. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) вафотларидан кейин халифалик вазифаси Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу)га топширилди.

Қироатлар бўйича бошқа давлатларга жўнатилган масъул саҳобалар тиловат қилганда, бир-бирларидан ўзларига нотаниш қироатни эшитдилар. Бу нарса қироатда ўзаро ихтилофни пайдо қилди ва ҳатто ўз қироатини бошқаникдан афзал санаб, бир-бирини кофирга чиқаришгача боришди. Бу нохуш ҳолатдан хабар топган Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) саҳобалар билан машварат ўтказиб, барчани бир хил қироат остида жамлашга қарор қилди. Ора-мизда ким ёзувга моҳир деб сўраганларида, одамлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг котиблари Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу)ни кўрсатдилар. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу): “Саид ибн ал-Ос қироат қилиб турсин, Зайд ибн Собит ёзиб борсин”, дедилар. Қуръонни жамлаш шарафи яна Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу)га насиб бўлди. У киши Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу)

дан Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) даврларида жамланган Қуръони каримдан нусхалар кўчиришга буйруқ олдилар. Бу муҳим вазифа Қуръони каримни ҳамда араб тили ва ёзувини мукаммал билган, саҳобаларнинг юксак ишончларига сазовор бўлган тўрт йигитдан иборат ишчи гуруҳга топширилди. Сўнг Қуръонни тўлиқ ёд билган тўрт саҳоба – Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъд ибн Ос ва Абдурахмон ибн Ҳорис розияллоҳу анҳумлардан иборат ҳайъат тузилди. Уларнинг машаққатли саъй ҳаракатлари туфайли Қуръони каримнинг кийик терисига битилган дастлабки анборий ҳимярий ёзув турида кўчирилган нусхаси – мусҳаф вужудга келди. Бу хат Ҳижозда тарқалгани учун “ҳижозий хат”, деб ҳам аталади.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Ҳузайфа ибн Ямон Шом ва Ироқ лашкарлари билан Озарбайжон ва Арманистон ўлкаларини фатҳ этиш мақсадида ғазот қилиб юрар эди. Одамларнинг қироатдаги ихтилофлари Ҳузайфани ташвишга солди ва Усмоннинг олдига келиб: “Эй амирал мўминин! Бу умматни яҳуд ва насоролар сингари китобларида ихтилоф қилишларидан олдин сақлаб қолинг”, деди. Усмон Ҳафса (разияллоҳу анҳо) онамизга: “Бизга китобингизни бериб тулинг, биз уни кўчириб олиб, сизга яна қайтариб берамиз” деб одам жўнатди. Ҳафса (разияллоҳу анҳо) онамиз Китобни берди, Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) бошчилигида Абдурахмон ибн ал-Ҳорис, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн ал-Осни кўчиришга буюрди, улар бу ишни амалга оширишди. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу)нинг бу уч қурайший ёрдамчиларига: “Агар Зайд ибн Собит билан Қуръоннинг бирон оятида келиша олмасангиз, қурайш тилида ёзинг, чунки Қуръони карим уларнинг тилида нозил бўлган”, дедилар. Кўчириб бўлишгач, Усмон Ҳафса (разияллоҳу анҳо) она-

мизга саҳифаларни қайтариб берди. Ҳафса (разияллоҳу анҳо) онамиз вафот этганларидан кейин, уни ўша даврдаги Мадинанинг амири Марвон ибн ал-Ҳакам олиб, Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)нинг ижозати билан ёқиб юборди. Сўнг ҳар бир минтақага Қуръоннинг кўчирилган нусхаларидан жўнатиб, улардан бошқа Қуръонни ёки унинг бўлакларини ёқиб ташлашга буюрдилар” (Имом Бухорий ривояти).

Шундай қилиб, ислом динининг муқаддас китоби – Қуръони карим хулафои рошидинларнинг учинчиси Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) ташаббуслари билан китобат қилинди ва милодий 645 йилда ягона китоб ҳолига келтирилди. Кейинчалик бу нусха Қуръоннинг таянч нусхаси бўлиб қолди. Аксар ривоятларга кўра, Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) Қуръони карим олти нусхада кўчиртирилиб, ҳар бир нусхага бир қорини кўшиб ислом оламининг марказ шаҳарлари жўнатди. Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) Мадинага, Абдуллоҳ ибн Соиб Маккага, Абу Абдурахмон Суламий Кўфага, Омир ибн Қайс Басрага, Муғийра ибн Абу Шиҳоб Шомга юборилди. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) ўзларига бир дона мусҳаф олди. Бу нусха “Имом мусҳаф” деб номланган. Юборилган нусхалар кейинчалик шу шаҳарлар номи билан танилди. Масалан, Маккий, Маданий, Куфий Қуръон деб юритиш одат тусига кирди. Мана шу тариқа Қуръон ҳарфлари ёзув услубининг бир хиллиги ҳам сақланиб қолинди.

Замон ўтиши билан олиб борилган маслаҳатлардан сўнг, кишилар Қуръонни хато ўқимасликлари ва қироатида турли ихтилофларга тушмасликлари учун мусҳафга фатҳа, касра, замма аломатларини қўйиш керак деган фикрга тўхталинди. Муовия ибн Абу Суфён (розияллоҳу анҳу)нинг халифалик даврида Абул Асвад ад-Дувалий Қуръони каримга нуқта тарзида эъроб қўйган. Ҳажжож ибн Абу Юсуф даври-

да “бе, те, се” каби ҳарфларни ўзаро ажратиш учун нуқта қўйилиб, 30 порага бўлинган. Кейинчалик замон ўтиши билан бошқа аломатлар ҳам худди шундай эҳтиётлик ва аниқлик билан қўйиб чиқилди.

XI асрга қадар Қуръон ўша даврда кенг тарқалган “куфий” (қиррали ва бурчаксимон кўринишли) ёзув услубда китобат қилинар эди. Куфий ёзув билан бир қаторда ўзининг чиройи, ўқишга қулайлиги ва осон ўзлаштирилиши билан “сулс” (унга кўра хатнинг учдан бири ўрама, қолганлари тўғри ёзилади) ва “наسخ” (машҳур араб хаттотлари томонидан ихтиро қилинган классик ёзувнинг олти услубларидан бири) хатидаги нусхалари китобат этила бошлади. Насх хатида “нуқта”, “ҳаракат” каби белгилар қўйилгани учун ундан фойдаланувчилар сони тобора ортиб борди. Чунки унинг замирида хатни тўғри ёзиш ва тўғри ўқиш имконияти турарди. Кейинчалик Қуръони каримни китобат қилишда асосан насх хати мақбуллик даражасига кўтарилди. Бу хат туридан амалда кенг фойдаланиш Қуръон қўлёзма нусхаларининг янада кўпайишини таъминлаб берди. Шу сабабдан бўлса керак, насх хати X асрдан буён “Хатти Қуръоний” – Қуръон хати номи билан машҳур бўлди.

3. Қуръони каримнинг қадимий ёзма нусхалари: тарқалиши ва трансформацияси

Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбекларнинг қариб икки минг йиллик тарихи давомида ўтроқ аҳоли асосан сўғд, ўрхун-энасой, араб, форс, чиғатой, уйғур ва туркий ёзувларидан амалда кенг фойдаланиб келди. Айниқса, араб ва форс-тожик тилларидаги ёзув асрлар давомида юксак санъат даражасига кўтарилди. Хат турларининг шаклланишида ихтирочи қалам усталари – хаттотлар ижоди тақсинга лойиқ. Уларнинг заҳматли меҳнатлари сабаб,

қадимий қўлёзмаларнинг кўплари ҳозирги кунга қадар етиб келди. Бу мумтоз қўлёзма китобларни яратишда бир неча касб эгалари қатнашган. Жумладан, ҳар бир қўлёзма қоғозрез, хаттот, музахҳиб, лаввоҳ, унвон, сарлавҳа, мусаввир, саҳҳоф, котиб ва бошқаларнинг ижодий ҳамда амалий қўл меҳнати туфайли китоб ҳолатига келтирилган. Булар орасида сўзсиз Қуръони каримнинг қўлёзмалари ҳам кўплаб топилади. Қуръон карим қўлёзмалари қатор мусулмон мамлакатлари, шунингдек, Ўрта Осиё минтақасида ҳам XIX асрнинг охиригача қўлда кўчириб келинди. Кучли эҳтиёж туфайли тинмай қайта-қайта кўчирилиши сабаб, Қуръон каримнинг бир неча минглаб қўлёзма нусхалари сақланиб қолди. Уларни ер юзининг турли қўлёзма фондларида учратиш мумкин. Бугун уларнинг тақдири бутун жаҳон илмий жамоатчилигини қизиқтираётган масалалар қаторида туради. Шунинг учун ҳам Қуръони каримнинг устида янги-янги тадқиқотлар олиб борилиб, улар аниқ илмий хулосалар билан ўз тасдиғини топмоқда.

Ўрта Осиё тарихига назар солсак, илк ўрта аср давлатчилигидан то уч хонлиқлар давригача ўлка йирик маданий марказлар қаторида ривожланиб, илм-маърифатга тегишли ноёб дурдоналарни кўчириш юқори даражада тараққий этганини билиб оламиз. Албатта улар сарой, мадраса ва шахсий кутубхоналарда сақланиб, наслдан-наслга ўтиб бойиган. Бу кутубхоналарда замонасининг энг етук олимлари билан бир қаторда йирик хаттотлар, котиблар, наққошлар, рассомлар, қоғозфурушлар, саҳҳофлар ва шу каби соҳа мутахассислари жам бўлганлар. Мана шу зайдда минтақа халқлари асрлар давомида яратган ёзма ёдгорлиқлар тўпланган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, бу кутубхоналарга турли даврларда рўй берган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ҳам ўз таъсирини ўтказиб турган. Хусусан, Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти ўрнатилгач,

Ўзбекистондаги барча сарой, вақф, мадраса кутубхоналари, шунингдек, бир неча шахсий жамғармаларда мавжуд бўлган бебаҳо қўлёзма китоблар ҳукумат фармони билан бир ерга жамланган ва халқ мулки дея эътироф этилиб, Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тўпланган. Қуйида биз Қуръон қўлёзма ва тошбосмаларининг мазкур фондда сақланаётган қадимий нусхалари ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Қўлёзмалар фонди нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам қадим ёзма манбаларга бойлиги ва яхши сақланиши билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирда ундаги қўлёзмаларнинг умумий сони йигирма олти минг жилддан зиёд экани ўрганилиб, уларда юз мингдан ортиқ матнлар жамлангани аниқланган. Китоблар орасида албатта Қуръоннинг қўлёзмалари ҳам бор. Фондда Қуръони карим қўлёзмаларининг бир юз ўттиздан ортиқ нусхалари сақланиб келинмоқда¹. Ишимиз учун бу нусхалар орасидан ўттизга яқин энг қадимийлари манба вазифасини ўтади.

Фонддаги энг қадимий манба терига ёзилган Қуръони каримнинг бир саҳифаси бўлиб, халифа Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу даврида кўчирилгани ҳақида маълумотлар бор. Лекин нусханинг айнан қайси даврга оид хусусида турлича қарашлар мавжуд. Уни “Лангар Қуръони” ҳам дейилади. Чунки бу қўлёзманинг бир неча саҳифалик нусхалари Қашқадарё вилоятининг Қамашитумани Лангар қишлоғидаги “Лангар ота” ёки “Эски Лангар” мазорида сақланиб келган. Қуръони каримнинг Лангар ва бошқа қадим нусхалари ҳақида рус олими Резван Е.А. ҳам атрофлича тадқиқот олиб борган. Шарқшунослик институтида ўша саҳифалардан фақатгина бир варағи сақланиб келинмоқда. Варақларининг ўн учтаси Ўзбекистон

¹ Улар фонднинг “Асосий”, “Ҳамид Сулаймон”, “Дублет” ва “Спец” бўлимларига тегишли нусхалардир.

мусулмонлари идорасида, иккитаси Бухоро вилоятидаги Ибн Сино номидаги кутубхонада рўйхатга олинган. Ўша бир варақ учун маҳоратли таъмирловчи Маъруф Салимов томонидан махсус картондан қора рангли қаттиқ муқова ясалган. Муқова икки томони устки қисмида сариқ зархалли унвон мавжуд. Матн ҳимояси учун Шарқ қоғози билан икки ёнидан қўшимча босма тикилган. Саҳифанинг учки қисмлари таъмир кўрган. Намиққан жойлари ҳам бор. Ўлчами: 31x51 га тенг. Варақдаги қаторлар сони 30 тани ташкил этади. Қўлёзма “Оли Имрон” сурасининг 26 ояти ... *فَمَنْ جَآءَكَ ...* билан бошланиб, то61 ... *مَنْ تَشَاءُ وَ تَنْزَعُ* 61 оятигача бўлган қисмларни ўз ичига олган. Мусулмонлар идорасида сақланаётган нусхадан олинган кўчирма Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинасида ҳам сақланиб келинмоқда. Улар таниқли хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан 2004 йилда кўчирилган. Лангар Қуръони нафақат ўзбекистонлик балки хорижлик мутахассисларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Жумладан, М.Е. Массон, Франсуа Дореш, Ефим Резван ва бошқалар ана шулар қаторига киради.

Қуръони каримнинг яна бир қадимий қўлёзма матни IX асрга оид бўлиб, йирик куфий хатида кўчирилган. Бу ноёб нусханинг аввалги “Фотиҳа” ва “Бақара”нинг бир варағи ҳамда охиридаги учта қисқа суралар туширилгани сабаб, кейинчалик бу ўринлар тўлдириб қўйилган. Қолган варақлари тўлиқ бўлиб, яхши сақланган.

Бежирим лавҳа ва зийнатлар билан ишланган қатор нусхалар орасида инв.Р:5305 рақамли Қуръон қўлёзмаси котиб Абдулваҳҳоб қори томонидан, 513 варақ, 13 йўл, сулсда кўчирилган¹. Мазкур фондда сақланаётган зийнат-

¹ Шундай қўлёзма нусхаларнинг бир нечталари мазкур фонднинг инв.Р:11603, Р:722, Р:3573, Р:2833, Р:9900, Р:8733, Р:7899, Р:8925, Р:9244, Р:7609, Р:7943, Р:8047, Р:8075, Р:8118, Р:8086, Р:3962 рақамлари остида сақланади.

ли нусхаларнинг аксари минтақамиз ва унга қўшни ўлкаларда кўчирилган қадимий ва ноёб Қуръон қўлёзмалари ҳисобланади.

Фонддаги яна бир Қуръон қўлёзма матни майда насх хати билан кўчирилган. Пойгирлари тўлиқ. 13 сатр, 11х18 ўлчамга эга. Жами 389 varaқ, енгил таъмир кўрган. У ҳам бўлса, фақат айрим varaқларнинг очилиш бурчак қисмларидир. Афтидан, қўлёзма тинмай мутолаа қилинган кўринади. “Басмала”дан илгари сура ва унинг неча оят экани жадвал ичига олиниб, қизил сиёҳда ёзилган. Матнда тажвид қоидаларига тегишли ишоратлар мавжуд. Жумладан, чўзиб (мад), тебратиб (қалқала) ўқиш каби. Шунингдек, ҳар ўн оят тугаши билан ҳошияга “عشر” (ўн) деб ёзиб қўйилган. Бундан мурод Қуръони каримни кунига ўн оятдан ўзлаштириб бориш хусусида айтилган пайғамбар (а.с.)нинг таълимлари назарда тутилган бўлса керак. Қўлёзма ҳижрий 1093 йил котиб Ҳусайин ибн Иброҳим томонидан нафис насх хатида кўчирилган. Муқова унвонига “Саҳҳоф Қаламий Эшон” ёзуви туширилган.

Инв.Р:8900 рақамли қўлёзма муқовсининг сирти жигарранг чармдан ишланган, ички қисмига шарқона юрак кўринишли абру туширилган. Матн икки қора ва бир қизил рангли жадвалга олинган. Қўлёзмага кўра матн насх хати билан қара сиёҳда кўчирилган. Матн тагидан қизил рангли майда ёнбош настаълиқ хатида оятларнинг форс тилидаги маънолар таржимаси берилган. Ҳошиянинг айрим varaқларида, “Сабаби нузул”лар келтирилган. Пойгирли. 11 сатр, 14х24 ўлчамга эга. Жами 484 varaқ, яхши сақланган, фақат лабагисининг юқори қисмига чармдан енгил таъмир берилган.

Абдуфаттоҳ ибн Мусо котиб томонидан ҳижрий 1082 йилда кўчирилган навбатдаги инв.Р:5313 рақамли қўлёзманинг муқоваси жигарранг чармдан ясалиб, лабагиси

таъмир кўрган. Қўлёзмага конверт шаклда ажойиб ғилоф ишланган, халқаси ҳам бор. Насх хатидаги асосий матн жадвалга олинган. Сатрлар остидан матн учун форсий таржима берилган. Ҳошиядан форс тилидаги “Сабаби нузул” матни ўрин олган. Пойгирлари тўлиқ қўйилган ушбу қўлёзма 15x26 ўлчамда. Басмала сўзидан олдин сура номи ва қанча оятлиги рамка ичига олиб, кўк-сарик, қизил, қора ранглар билан безатиб кўчирилган.

Фондида сақланаётган Қуръон қўлёзмалари ўзининг қадимийлиги, хатининг нафислиги, чиройи, мукамаллиги ва яхши сақлангани билан бошқа фондлардан ажралиб туради. Лекин бу нусхаларнинг барчасида ҳам фақат Қуръон матни китобат этилмаган. Фонддаги Қуръон қўлёзмалари баъзида тўлиқ кўчирилмай, балки маълум сураларгина берилади¹. Қуръоннинг яна шундай қўлёзма нусхалари борки, уларда ҳам маънолар таржимаси, ҳам тафсирлари (биз учратган аксар тафсирлар мавлоно Ҳусайнийга тегишли) мавжуд². Нусхалар орасида “Сабаби нузул” матни билан

¹ Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди: Р:5990. Унда фақат “Анфол” сураси охиригача берилган. Р:3300 рақамли қўлёзмада эса, “Нур”дан “Қоф”гача бўлган суралар ўрин олган. Р:8395 рақамида сура “Марям”дан “Ғошия”га қадар кўчирилган. Р:9135 қўлёзмасида фақат сура “Каҳф”гача, Р:3299 да фақат “Аъроф”дан “Каҳф” қисмлар, шунингдек, Р:2008. “Бақара”дан “Моид”гача, Р:7297. “Ёсин”, “Фатҳ”, “Мулк”, “Наба”лар, Р:3269. “Оли Имрон” ва “Нисо”, Р:893/1 фақат “Бақара”, Р:752 унда 26 жузънинг ўзи, Р:580 олтинчи жузъдан ўн тўртинчи жузъгача, Р:2175 рақамли қўлёзмада сура “Фотиҳа”дан бошлаб кейинги саккиз суралар мана шулар жумласидан ҳисобланади. Яна шу каби суралар териб китобат этилган қўлёзмаларни келтиришимиз мумкин.

² Қўлёзмалар фондининг Р:4262, Р:5327, Р:7810, Р:2597, Р:6831, Р:2172, Р:581, Р:11921, Р:4153, Р:8343, Р:11029 каби ва бошқа инв. рақамларида таржимали ёқса тафсирли ёки ҳар иккиси мавжуд нусхалар сифатида сақланиб келинмоқда. Бу ўринда биз уларнинг баъзиларини келтирдик.

берилганлари ҳам салмоқли ўрин тутади¹. Қуръон қўлёзмалари орасида варақлари туширилган, тўлиқ кўчирилмаган, муқовасиз ва бошқа камчиликка эга бўлганлари ҳам мавжуд бўлса-да, лекин улар озчиликни ташкил этади². Изланишлар жараёнида ҳамёнга солиш учун қулай, муқовасига темирдан ишлов берилган, ҳадя учун бежирим ишланган, совға учун катта ҳажмда ясалган ва шу каби бошқа кўри-нишга эга Қуръон нусхаларига ҳам дуч келинди.

Фонддаги Қуръони карим қўлёзмалари Марказий Осиё худудида жойлашган қатор шаҳарларда, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Кеш, Насаф, Балх, Тошкент, Хўқанд каби ва бошқа уларга қўшни бўлган Қозон, Бомбай, Лоҳур, Афғонистон, Истамбул, Эрон, Миср ўлкаларида кўчирилгани маълум бўлди.

Котиб ва хаттотлар Қуръонни кўчиришда Шарқ, Европа ва Рус фабрика қоғозларидан фойдаланишни маъқул топганлар. Бу мамлакатларда ишланган қоғозлар ўзининг юқори сифат даражаси ва баҳоси билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам Қуръон матнини кўчиришда котиблар мана шундай қиммат қоғозларни ишлатганлар. Қуръон қўлёзмалари анъанага кўра қора сиёҳ билан ёзилган. Котиблар сураларни кўчиришда ўқувчи эътиборини тортиш, бутун диққатини матнга жалб этиш, унинг жозибадорлигини ошириш, Қуръонга нисбатан муҳаббатини уйғотиш мақсадида бошқа ранглар жумладан, тўқ ва оч қизил, оч яшил, кўк, сарик, тилла ранг каби ва бошқа қоришиқ рангларни ҳам қўллаганлар.

Қуръон қўлёзмалари асосан етуклик даражасига кўтарила олган моҳир котиб ва хаттотлар, беҳато хат соҳиблари, қолаверса Қуръон мухлислари ҳамда қорилар томони-

¹ Фондининг Р:8900, Р:5327, Р:4016, Р:7810 каби ва ҳкз.лар шулар жумласидан.

² Қўлёзмалар фондидаги Р:8984, Р:2023, Р:724, Р:7810, Р:3574, Р:3300, Р:10551, Р:2170 каби ва бошқалар шулар қаторига киради.

дангина кўчирилган. Албатта, котиблар фаолиятига назар ташласак, умрлари давомида бир неча юзлаб қўлёзма матнларни китобат этганларини кўришимиз мумкин. Лекин уларнинг барчаси ҳам Қуръон оятларни хатга кўчиришга ботина олмаган. Чунки илоҳий китобни хатга олиш соҳа вакилларидан ўта масъулиятни талаб қилади. Масаланинг яна бир жиҳати бор, бизларга маълумки қўлёзмаларга асосан бир неча асар матнлари китобат этилади. Улар ақида, фикҳ, калом, грамматика, умуман таълим тизимининг бошқа соҳаси ёки йўналишларига қатарилган бўлиши мумкин. Айнан бу каби қоида Қуръони карим китобатига хос эмас. Баъзи қўлёзмаларда, тафсир ва маънолар таржималари билан кўчирилганини ҳисобга олмасак аксарият қўлёзмаларда фақат Қуръон матнининг якка ўзи бир муқова остида тикилади.

Энди муқова ҳақида икки оғиз сўз. Қўлёзма санъатининг ноёб таркибий қисми бўлган муқовалар муқовасоз усталар томонидан ясалиб, улар қўлёзма китобларга охириги ишлов берувчилар ҳисобланади. Қўлёзмаларнинг бизгача етиб келишида муқовасозларнинг хизматлари беқиёс. Чунки уларнинг пишиқ ва мустаҳкам қўл меҳнатлари сабаб, аксар қўлёзмалар ҳанузгача ўз қимматини йўқотмаган. Бизгача етиб келишида ҳам улар меҳнатининг самараси яширилган. Чунки матннинг ички ва ташқи ҳимояси айнан муқовага боғлиқ.

Юқорида биз Шарқ қўлёзмалар маркази фонди мисолида Қуръони каримнинг бир қатор қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот ва баъзиларининг қисқача тавсифларини беришга ҳаракат қилдик. Аслида бундай ноёб маънавий бойлигимиз ҳисобланган қўлёзма матнларни республикамизнинг бошқа фондларида ҳам кўплаб учратишимиз мумкин. Жумладан, Қуръони карим қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон халқаро ислом академияси ман-

балар хазинасида ҳам мавжуд. Мазкур фондда Қуръони каримнинг жами йигирма олтита қўлёзмаси ва ўн тўрт тошбосма нусхаси сақланиб келинмоқда. Қўлёзма нусхалар асосан XVII аср биринчи ярми – XIX асрларга мансуб бўлиб, асосан Марказий Осиёлик хаттотлар томонидан насх хатида, Шарқ қоғозига кўчирилган. Хазинадаги Қуръон қўлёзма матнлари асосан якка ўзи китобат этилса-да¹, баъзан охиригача кўчирилмаган², фақат маълум сураларгина кўчирилган³, бошқа мантлар билан бир жилдда тикиб юборилган⁴. Масалан: 1048/1638 йилга оид инв.№№128 дан 135 гача бўлган тартиб рақамларида рўйхатга олинган нусхаларда Қуръон карим сураларининг жами саккиз (17,18,19,25,26,27,29,30) жузлари бир хил ўлчамда алоҳида-алоҳида китобат этилган.

Қуръони карим қўлёзма ва тошбосма нусхаларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси (кейинги ўринларда ЎМИ шаклида берамиз) қўлёзмалар фондини ҳам ишимизга жалб қилдик. Бу фонд ўзининг ноёб қўлёзма ва тошбосма китоблари билан кўпчилик мутахассисларнинг эътиборини тортди улгурган. Хазина нафақат Ўзбекистон балки хорижлик мутахассисларнинг ҳам эътиборини торта олган. Мазкур фондда Қуръони ка-

¹ Ўзбекистон халқаро ислом академияси манбалар хазинасининг инв.№151, 38, 222, 152, 150, 156, 154, 155, 169, 153, 246 каби тартиб рақамли қўлёзмалари ана шулар жумласидандир.

² Ўзбекистон халқаро ислом академияси манбалар хазинасидаги инв.№193-196 гача бўлган қўлёзмаларда фақат баъзи суралар берилган холос.

³ Ўзбекистон халқаро ислом академияси манбалар хазинаси. Инв.№149. Мазкур қўлёзма 1127/1788 йилда, жами 427 варақ насх хатида кўчирилган бўлиб, унда Қуръондан фақат 1-17 гача бўлган суралар ўрин олган.

⁴ Ўзбекистон халқаро ислом академияси манбалар хазинасидаги инв.№234 тартиб рақамли қўлёзмада “Аврод”, “Дуои хатми Қуръон”, “Фолнома” каби рисоалар билан бирга китобат этилган.

римнинг жами 350 дан ортиқ қўлёзма нусхаси сақланиб келинмоқда. Уларнинг юздан ортиғида фақат Қуръони каримнинг матни бўлса, қолган нусхалар маълум сура, жуз, ҳафтияк ҳамда бошқа асарлар билан бир жилдда китобат этилган нусхалардир. Қуръони каримнинг бу қўлёзмалари VIII асрдан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврий чегарани қамраб олиб, сулс, насх, райҳоний, ҳижозий, куфий ҳамда настаълиқ хатларида кўчирилган. Улардан ташқари Алишер Навоий Миллий кутубхонаси фонди¹, Мирзо Улугбек номидаги Миллий университет кутубхонаси, Алишер Навоий номли музей фонди, Имом ал-Бухорий Халқоро маркази фонди², Ғафур Ғулом номли Фарғона вилояти адабиёт музейи³ шунингдек, Бухоро вилоятидаги Ибн Сино номли универсал кутубхона, Бухоро Давлат музейи қўриқхонаси, Хоразмдаги Авесто боғи, Маъмун академияси, Ичон қалъа музейи фонди, Самарқанд Давлат университети фондиларида Қуръони карим нусхалари мавжуд бўлса-да, улар каталог шаклидаги китобларда ҳам эълон қилинмаган.

Албатта, Қуръон қўлёзмаларини атрофлича ўрганиш туфайли, қадимдан унинг матнини қўлда кўчириш бўйича

¹ Кутубхонада сақланиб келинаётган Шарқ манбаларининг каталоги ҳали нашр юзини кўрмаган. Лекин ходимлар берган маълумотларга кўра фондда Қуръони карим қўлёзмаси, “Ҳафтияк” ва жуз-жуз шаклида кўчирилган нусхалари тахминан ўнга яқинни, тошбосмаси эса ундан бир оз кўпроқни ташкил этади.

² Мазкур жамгармада Қуръони каримнинг 11 та XVII-XIX асрлар оралиғида тўлиқ кўчирилган, йигирма еттита турли жузлардан ташкил топган қўлёзма нусхалари сақланиб келинмоқда. Қуръоннинг тошбосма нусхаси фақат битта нусхада рўйхатга олинган.

³ Музейда XIX-XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳитига оид бўлган олтита кўргазмали заллар мавжуд бўлиб, унда рассомчилик, нашриёт, матбаа ишлари, каллиграфия тарихи ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. У ерда бир-неча қўлёзма ва тошбосма китоблар ҳам мавжуд. Лекин улар ўрганилмай ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

жиддий тадқиқотлар олиб борилгани, алоҳида йирик мактаблари шаклланигани, ажиб хат дурдоналари, ишлари услубининг санъат даражасига кўтарилганини ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги тасаввурларга эга бўлинади. Демак, Қуръони карим қўлёзма матнларини илмий ўрганишнинг аллақачон вақти келган.

4. Қуръони каримнинг тошбосма нусхалари ҳақида

Араб ёзувидаги қўлёзмаларни кўчириш VII асрдан то XIX асрнинг иккинчи яримигача, яъни тошбосма усулида китоб нашр қилингунга қадар давом этди. Замон ўзгариб, техник тараққиёт даври келганда, Қуръони каримни техник жиҳозлар воситасида чоп этиш масаласи кўндаланг бўлди. Уламолар дастлаб бу ишга рухсат бермадилар. Вақт ўтиши билан мусулмонлар ҳам китоб чоп этиш ишларини ўзлаштирдилар. Қуръони каримни кўплаб чоп этиш эҳтиёжи ортиб боргани сари уламолар керакли бўлган шартларни қўйиб, Қуръонни чоп этишга изн бердилар.

Қуръони карим илк бор милодий 1537 йили Италиянинг Венеция шаҳрида, милодий 1694 йили Олмониянинг Ҳамбург шаҳрида, мусулмонлар ҳомийлигида дастлаб 1787 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида чоп қилингани тарихий манбаларда қайд этилган.

Китоб чоп этиш жараёнини вужудга келтирувчи муҳим омил бу – литер (ҳарф) шакли, қолипнинг яратилиши ва уни босма ускуна ёрдамида бирор-бир предмет (қоғоз, мато, картон ва бошқа материал)га босиш орқали ҳарфлардан тайёрланган формадан нусха олишдир. Буни амалга ошириш учун аввало қолип (форма) ясалади ва ундаги шакл-ёзув босиш орқали қоғоз ёки матога бўёқ ёрдамида ўтказилади ёки кўчирилади.

XX аср бошларигача қўлда кўчириш давом этиб турса-да, босма китобларни чоп этиш қўлда кўчириш анъаналарини аста-секин сиқиб чиқарди. Натижада қўлёзма китоблар эҳтиёт қилиниб, ўрнига босма нашрлари кенг тарқалди. Афсуски, совет шарқшунослиги ва адабиётшунослигида Ислом ва Қуръоннинг келиб чиқиши, унинг Шарқ илм-фани ҳамда адабиётига таъсири ҳукмрон табақаларнинг сохта ғоялари замирида талқин этилиб, мазмуни бузиб кўрсатилди. Табиий ва илоҳий шарт-шароитларга асосланган жараён қотиб қолган уйдирма категориялар билан алмаштирилди¹. Изланишлар жараёнида маълум бўлдики айни XIX аср иккинчи ярмидан – XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда Қуръонни кўчириш ва тошбосма усулда чоп этиш аввалги асрларга қараганда анча сезиларли камайган. Хўш нима учун.

Биринчидан, бу давр китобат ишлари учун ўтиш йиллари бўлди. Яъни қўлда кўчиришдан босма усулга кириб бориш кузатилди. Албатта бу жараёнлар Марказий Осиёда Европадан анча кейин ривожланди. Ўлкага илк марта келтирилган босиш дастгоҳлари ҳам Россиядан олиб келинган бўлиб, келгунига қадар улар анча ишлатилиб яроқсиз ҳолга келиб қолган техникалар эди.

Иккинчидан, илм-аҳлларига, хусусан қотиб ва хаттотларга бўлган доимий тазйиқ ва кескин салбий муносабатларда кўринди. Бу айниқса, Қуръоннинг тошбосма нусхаларини кўпайтиришда яққол кўзга ташланди. Натижада хаттотлик мактаблари сони камайиб, устоз-шогирд анъаналари инқирозга юз тутди.

Учинчидан, Чор ҳукуматининг юртимизда диний адабиётларга ўрнатган цензураси сабабидан эди. Гарчи, баъзи одоб-ахлоққа оид китоблар, газета ва журналлар нашр

¹ Ҳамидулла Караматов. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: ЎЗР ФА “Фан”, 1993. – Б. 13-14.

этилса-да, Қуръони карим нусхаларини босиш ҳали-ҳануз мавҳумлигича қолдирилган эди.

Тўртинчидан, босма китобларни амалга оширишда ишлатиладиган матбаа учун керакли хом-ашёлар асосан Россиядан келтирилган. Ўлка матбаа саноати ҳеч муболағасиз ҳамма нарсага мухтож: қоғоз, бўёқ, ҳарф турлари, босма машина ва унинг усталари ҳамда матбаа иши мутахассислари бошқалар шулар жумласига кирган. Умуман олганда техник қурооллар борасида ҳам “тобей” бўлган. Яна бу каби сабаблар сон-санокларини кўплаб келтириш мумкин, лекин... энди бундан не наф.

Бу даврларга келиб Қуръони каримнинг замонавий кўринишдаги босма нусхалари юртимизга асосан хорижий араб мамлакатларидан кириб кела бошлади. Шундай бўлса-да маҳаллик китобатчилик урфига кўра юртимизда ўрта ва кейинги асрларда аввал қўлёзма кўчириш вақтлар ўтиб тошбасма шаклида китоб нашр этиш ривож топди. Аجدодларимиз мана шу нусхалар асосида замон талабидан келиб чиқиб бошқа нусхаларни шакллантирганлар. Ҳозирда биз бу тошбосма Қуръон нусхаларини Шарқ манбалари сақланувчи фондларда учратамиз.

Хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида Қуръони карим тошбосмаларининг жами юздан ортиқ нусхалари сақланади. Қуйида уларнинг айримлари билан таништиришга ҳаракат қиламиз. Улардан бири №14297 рақами остида рўйхатга олинган. 1879 йил, Истамбул наشري бўлиб, жами 715 бет. Барча саҳифалари тўлиқ. Таъмир этилмаган. Матн сариқ рангли жадвал ичига олиниб, сура номи ва унинг неча оят экани ҳам атрофи яшил рангдаги майда гулли жадвалда берилган. Унинг тагида йирик ҳарфлар билан “басмала” ёзилган. Барча оятлар думалоқ ўн икки баргли гул тамғаси билан ажратилган. Тажвид қоидаларига тегишли ишорат-

лар ҳам матн учун ишлатилган қора сиёҳда. Китобнинг ўнг саҳифаси бошида сура номи, чап томонида эса нечанчи жуз экани бериб борилган. Китоб колофон қисмида унинг хижрий 1297 йил зулқайда ойида чоп этилган. Китоб сўнгида матннинг фихрести мавжуд. Унга кўра, жуз ва сураларнинг қайси саҳифада жойлашгани жадвал ичига олиб рақамлар билан кўрсатилган. Муқоваси яшил рангли қаттиқ картондан ясалиб, у қўш лабагили конверт кўринишига эга.

Тарихий саҳифалардан маълумки, илм-маърифат ўчоқларидан бири Бухорода китобларга қизиқиш юқори бўлган. 1901 йил Когонда “Барановский тошбосмаси” ташкил топган. Бу литографияни 1903 йилда О. Левин, 1904-1913 йиллари Гайсинский ва Бендецкий, 1913 йилдан бошлаб матбаа хусусийлаштирилгунга қадар, яна Левин бошқарган¹. Навбатдаги нусха ҳам Истамбул қўлёзмаси асосида Бухорода хижрий 1334 йил “Левин” матбаасида тошбосма усулда чоп этилган. Нусха Қуръони каримнинг ҳусни хатда кўчирилган қўлёзмасидан фойдаланиб ишланган. Китоб Шарқшунослик институти фондининг “Ҳамид Сулаймон” бўлимига тегишли. Муқова таъмир кўриб, унинг устки қисмига кўк матодан жилд ясалган. Сура номлари қизил сиёҳ билан жадвал ичига олинган. Оятлар ораси сариқ думалоқ белги билан ажратилган. Айрим тажвидга оид қоидалар матн ичида қизил сиёҳ билан бериб борилган. Барча саҳифаларга ҳам рақам ҳам пойгир қўйилган. Унда “Анкабут” сурасининг “Тилкал амсалу назрибуҳа....” оятидан сўнги қисмигача шунингдек, “Рум” ва “Луқмон” суралари тўлиқ туширилган. Лекин, айни ўша ерлар Қуръоннинг “Абдурахмоний” нусхаси саҳифалари билан тўлдириб таъмир этилган. Бизнингча, бу тўлдириш

¹ Бобохонов А.Х. Асрдан ошган зиё масканлари. – Т.: “O‘zbekiston”, 2011. – Б. 102-108.

учун хизмат қилган нусха жиддий камчиликларга эга бўлган. Таъмирловчи уни Қуръон нусхаларининг туширилган саҳифаларини тўлдиришга махсус ажратиб қўйган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан таъмирловчи мутахассис китобнинг ҳар бир саҳифаларини синчковлик қўлдан ўтказгани маълум бўлади. Ҳа, ўз касбига масъулият билан ёндошувчи моҳир усталарга таҳсинлар айтиш керак. Яна шундай таъмир ҳолатини китоб бошида ҳам учратиш мумкин. Яъни “Абдурахмоний” нусхада “Фотиҳа” сураси туширилган ва бу камчилик “Қозон босма” кўринишидаги саҳифани ўша бетга елимлаш билан тўлиқ ҳолатга келтирилган.

Яна бир тошбосма ҳазрати Усмон услубига мувофиқ, 1287 йил чоп этилган бўлиб, сура номи ва унинг неча оятдан иборат экани жадвал ичида берилган. Китоб нашрига Нуъмон Муҳаммад Тошқандий хомийлик қилган. Китоб сўнгида икки муҳри мавжуд бўлиб, уларга ҳижрий 1288 йил санаси қўйилган.

Туркистон ўлкасида китобат нашри пайдо бўлганидан кейин хаттотлар айниқса, котиблар иши аввалгига нисбатан анча камайгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Шундай қилиб, уларнинг баъзилари ўз фаолиятларини матбаалар ҳузурида китобларни тошбосма учун ҳусни хатда кўчириб, тайёрлаб берувчи шахсларга айланди. Айримлари ўз анъаналарини давом эттириб, асосан буюртма ва ҳадялар учун тайёрланадиган матнларни кўчириш ишларида давом этдилар. Нашр имкониятларининг кенгайиб бориши ва дизайн такомиллашиб бориши натижасида қўлёзмаларга бўлган талаб ҳам ўз-ўзидан камайиб бориши кузатилди. Бундай тошбосма Қуръон нусхаларини ҳозирда шахсий жамғарма ва Шарқ манбалари сақланувчи фондларда учратишимиз мумкин. Биргина Шарқшунослик институти фондида Қуръони каримнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида чоп этилган қатор тошбосма нусха-

лари мавжуд. Улар орасида “Ўрта Осиё Қозоғистон мусулмонлари диний назорати” матбаасига хос бўлган нусхалар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Шунингдек, мазкур фондда Қуръон карим қўлёзмаларининг Қозон, Қоҳира, Миср, Истамбул, Дамашқ, Бомбай, Кашмир, Қувайт каби ва бошқа бир қатор хориж ўлкаларида нашрдан чиққан нусхалари ҳам етарлича топилади. Нусхалар орасида баъзилари замонавий нашрларга хос бўлиб, 1950-60 йиллар ва ундан кейин хазина учун совға сифатида тақдим қилинган. Улар ичида айниқса Қозон, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Эрон нашрлари Марказий Осиёда кенг тарқалганлиги аён бўлди.

Илмий изланишлар натижасида Қуръон карим қўлёзма нусхаларининг машҳур кўчирувчилари Абдурахимий Қуръон (Торобий Бухорий) асосида Бухоро нашри, Қори Абдувоҳидий котиб томонидан кўчирилган Абдувоҳидий Қуръони Тошкент нашри, Қори Абдумалик Қуръони, Қори Абдурахмон кўчирган ёки хомийлик қилган Қуръон каби тошбосма нусхалари чоп этилгани аниқланди. Номлари қайд этилган шахслар Қуръоннинг тошбосма нашрлари учун қайсидир маънода ўз ҳиссаларини қўшган шахслардир. Шунинг учун бу каби ҳолат уларнинг номлари билан сақланиб қолишига сабаб бўлган. Улар ҳақида ўрганиш ва бу борада атрофлича илмий тадқиқот олиб бориш масаласи ҳали ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб собиқ Совет Иттифоқ Миср, Сурия, Ироқ, Ливия, Жазоир, Яман каби араб давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтирди. Бунинг натижасида Иттифоқ мусулмонларининг ижтимоий ҳаётдаги тутган мавқеълари бир қадар ўсди. Масалан, 1968 йил бутун дунё мусулмонлари қатори Иттифоқ мусулмонлари ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга муқаддас китоб Қуръони карим нозил бўлганининг 1400 йиллигини кенг нишонладилар. Бу воқеа муносабати

билан қатор мусулмон мамлакатларида Қуръони каримнинг янги нашрлари амалга оширилди. Бизнинг диёримизда муфтий шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ташаббуслари билан Қуръони каримнинг катта ва кичик ҳажмдаги нашри амалга оширилди. Нашр учун машхур хаттот Мирза Ҳошим Хўжандий томонидан 1913 йилда насх хатида кўчирган Қуръони карим қўлёзма нусхаси асос қилиб олинган. Хўжандий кўчирган Қуръон тошбосма усулда чоп этилгач унинг қатор нусхалари сақланиб қолди ва бизларгача етиб келди. Ушбу нашрнинг охирида яъни “Дуо хатм ал-Қуръон” Хатми Қуръон дуосидан сўнг учта муҳр босилган. Унинг бири моҳир котибга, иккинчиси ўша давр қозисига, учинчиси ўша нусхани кўриб берган қорига тегишли. Муҳрларда котиб сифатида “Мирза Ҳошим Хўжандий”, қози ўлароқ “Муҳаммад Расул Хўжа Халаф Муҳаммад Хўжа”, қории мураттаб “Домла Муҳаммад Собир қори Тошқандий” номлари қайд этилган. Ушбу тошбосма хатининг чиройи, сифатининг юқорилиги, мукаммаллиги шунингдек, унда тажвид қоидаларининг акс эттирилиши ва уларга китоб сўнгида изоҳ берилиши, сураларнинг бетлар бўйича фихрести ҳамда хотиманинг мавжуд экани ушбу нашрнинг юксак савияда амалга оширилганига далилат қилади.

Хулоса сифатида шуларни айтишимиз мумкинки, Қуръони карим нозил қилинганидан бошлаб мусулмонларнинг муқаддас манбаси сифатида доим эъзозлаб келинади. Омма эҳтиёжи туфайли дастлаб қўлда кўчирилди ва кейинчалик тошбосма усулда оммавий чоп этила бошланди. Бирламчи қадимий нусхалар аввал ҳижозий ва куфий ёзувларида битилди. Қуръонни ўқиш ва ўқитишга бўлган чексиз муҳаббат сабаб, Қуръони карим қўлёзмалари тинмай кўчирилди, тошбосма нусхалари минг-минглаб жилдларда чоп этилди, қадрланди, асралди, авайланди.

Ҳозирда унинг бундай ноёб нусхалари бизгача етиб келиб, юртимизда фаолият олиб бораётган йирик Шарқ қўлёзма хазиналаридан жой олган.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Қуръони карим жамланиши тарихи неча босқичда кечган эди?
2. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ваҳий котиблари ким эди ва у саҳобий ҳақида нималарни биласиз?
3. Нима учун Қуръони карим сураларининг жойлашуви тартиби нозил бўлиш таритибга мувофиқ эмас эди?
4. “Хулафои рошидун”лар даврида Қуръон китобати қандай амалга оширилди?
5. Қироъатни тарғиб қилиш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилди?
6. Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳу) ҳақида маълумот беринг?
7. Қироатдаги ўзаро ихтилофлар қандай пайдо бўлган эди?
8. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) Қуръони каримни олти нусхада кўчиртириб тарқатишда нималарни мақсад қилган эди?
9. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида тўпланган Қуръони каримнинг қўлёзма нусхалари ҳақида нималарни биласиз?
10. Қуръони карим илк бор матбаа усулида қайси шаҳарда чоп қилинган эди?
11. Шарқшунослик институти хазинасида тўпланган Қуръони каримнинг тошбосма нусхалари ҳақида нималарни биласиз?
12. Қуръони карим кўчирилган қандай хат турларини биласиз?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Қуръон қўлёзма нусхаларининг машхур котиблари ҳақида (масалан: Абдурахмоний Қуръони)
2. Муовия ибн Абу Суфён (розияллоҳу анҳу)нинг халифалик даврида Қуръони карим кироати билан боғлиқ масалалар.
3. Қуръони карим нусхалари илк юборилган йирик шаҳар марказлари ҳақида.
4. Ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)нинг давлат бошқарувидаги ислохотлари (Қуръони карим мисолида).
5. Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу)нинг Қуръони карим жамланишидаги иштироки ҳақида.
6. Марказий Осиёда фаолият юритган матбааларида Қуръон нашри.
7. Ҳазрати Усмон (розияллоҳу анҳу) мусхафи тарихи ва унинг трансформацияси.
8. XIX аср иккинчи ярмидан – XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда Қуръонни кўчириш ва тошбосма усулда чоп этиш масаласи



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Тошкентдаги ҳазрат Усмон Мусхафи тарихи. Тузувчилар: А.Усмонов, М.Ғуломов. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2016. – 208 б.
2. Аҳмад Муҳаммад, Мубашшир Аҳмад. Ислом ҳозораси. – Тошкент: “Qaqnus Media” нашриёти, 2019. – 160 б.
3. Климович Л.И. Книга о Коране. – Москва: Политиздат, 1986. – 269 с.
4. Қуръоншуносликка оид илмлар. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – 214 б.

5. Караматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: “Фан” нашриёти, 1993. – 96 б.

6. Закои Қўнрапа. Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. Биринчи китоб. Макка даври. “Мовароуннахр” нашриёти, 1995. – 176 б.

7. Али-заде Айдын Ариф огли. Хроника мусульманских государств. – М.: УМАА, 2007. – 445 с.

8. Шамсиддин Бобохонов. Қуръони Карим. (30-пора). – Т.: Шарқ маънавий меросини ўрганиш академияси, 1991. – 64 б.

9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръон илмлари. – Т.: “Nihol-Nashr” нашриёти, 2013. – 504 б.

10. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.

V. ЁЗМА МАНБАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ИЛМИЙ ТАВСИФ ЭТИШДА МУҲИМ ОМИЛЛАР

Режа:

1. Қўлёзма китоб тайёрлаш ва уларни безашда шарқона услуб.
2. Манбаларнинг илмий тавсифи ҳақида умумий тушунчалар.
3. Араб алифбосига асосланган хат турлари ҳақида.
4. Ҳусни хатда кўчириш анъаналарининг шаклланиши.

Таянч сўз ва иборалар: Қуръони карим, китобат, қоғозрез, хаттот, музаҳҳиб, лаввоҳ, унвон, мусаввир, саҳ-ҳоф, абру, ҳуснихат, минатюра, махсус дафтар, бадиий китоб, тавсифий маълумот, кодикологик маълумот, сулс, насх, таълиқ (форсий настаълиқ), дийвоний, куфий, риқъа, муҳаққак, ижоза, туғро, мағрибий, райҳоний, тож, шикаста, риқъа хати, хат турлари: адабиёт, мусҳаф ва хаттотлар.

1. Қўлёзма китоб тайёрлаш ва уларни безашда шарқона услуб

Кўчириб ёзиш, кўчириб олиш, китобдан нусха кўчириш китобатнинг аввалги маъноси бўлса, бошқа бири илгари оғзаки равишда яшаб келган ёки айрим бўлаклари хатга олинган бўлса ҳам, деярли тарқоқ бўлган асарнинг матн-ларини узил-кесил, яхлит бир китоб ҳолида ёзма шаклга келтиришга тушунилади. Масалан, ислом динининг муқад-дас китоби – Қуръони карим хулафои рошидинларнинг

учинчиси бўлган халифа Усмон ибн Аффон розияллоху анху ташаббуслари билан китобат қилинди ва милодий 651 йилда ягона китоб ҳолига келтирилди. Бу нусха Қуръоннинг таянч нусхаси бўлиб қолди.

Шарқда китобатчилик иши қўлёзма яратиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олади. Бу ишда бир неча касб эгалари иштирок этади. Масалан: қоғозрез – қоғозлардан маълум ўлчамдаги варақлар тайёрлаб берган, хаттот – матнни кўчирган, музахҳиб – олтин суви бериладиган ўринларни афшонлаган, лаввоҳ – лавҳа, унвон, сарлавҳа ва жадвалларни зийнатлаган, мусаввир – белгилаб қўйилган саҳифаларга расм ишлаган, саҳҳоф қўлёзмаларни китоб ҳолига келтирган, мужаллид – китобга мато ёки чармдан жилд тиккан. Шундай қилиб китоб иши бир неча ҳунармандлар ҳамкорлигида ижодий ва амалий қўл меҳнати билан тайёрланган. XIV-XV асрладан бошлаб Ўрта Осиёнинг йирик маданий марказларида кўпроқ бадиий китоблар яратиш тараққий этди. Худди шу даврдан бошлаб, китобат иши санъат даражасига кўтарилди.

Қадимдан қўлёзмаларни безатиш санъати ўз даври ва матн мазмунига қараб турлича кечган. Айниқса, муқовасоз саҳҳофлар қўлёзмаларнинг устки қисмларини безатишга жуда катта эътибор берганлар. Чунки, у матн ҳимояси учун лозим бўлган бирламчи воситадир. Лекин шундай бўлса-да, китоб муқовачилигининг замонавий тарихи ҳақида ҳали махсус адабиётлар етишмайди. Масалан, 1799 йил Ибодуллоҳ ибн Султон Али Балхий тарафидан таълиф этилган “Силсила-йи олийа-йи ҳазрат-и Ҳожагон – Нақшбандия” асари қўлёзмаси учун лакланган, нақшли муқова тайёрланган. Қўлёзманинг ички безаклари ҳам шунга мос. Шайхлар номи айлана диаграммалар ичига зарҳал ва оқ бўёқ билан ёзилган. Ҳошияларига гулдор безаклар чизилган. Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик инс-

титутида бундай қўлёмаларни кўплаб учратиш мумкин. Қўлёмаларни тайёрлашда қадимдан унинг саҳифаларини безашда турфа ранглардан ҳам фойдаланилган. Кейинчалик эса унинг бир соҳа сифатида ривожланишига туртки бўлган. Қўлёмаларни безашдаги мана шундай услублардан бири – абрудир.

Абру – қоғозга ишлов бериш санъати ҳисобланади. Унга кўра, маълум бир кўриниш дастлаб сувда акс эттирилади, кейин у қоғоз ёки матога олинади. Соҳа вакиллари-нинг қайд этишича, абру санъатига оид энг қадимий расм ХІ асрга мансуб. Лекин у топилманинг юксак дид билан яратилганлиги, абру санъати ундан ҳам аввалроқ мавжуд бўлганига далолат қилади. Олимлар орасида унинг айнан қаерда ва қачон яратилганлиги ҳақида ҳозиргача турфа хиллик тортишмалар мавжуд. Баъзилар унинг ватани Ҳиндистонда десалар, баъзилари уни Бухорода, бошқалар эса, Эронда ривож топгани ва кейинчалик туркларда ҳам тарқалганини эътироф этадилар. Мутахассисларнинг умумлашган фикрларига кўра – абру айнан Шарқ ўлкаларига хос бўлган бадий санъат туридир. Абру – ранглар рақси бўлиб, улар ёнма-ён бир-бирини боғлаб ажойиб жиловларни гавдалантиради. Баъзида унинг – сувда чизилган расм экани ҳам қулоққа чалинади. «Абру»нинг қандай таржима қилинишидаги қарашлар ҳам турлича. Масалан: «ab-gu» сўзи (сув юзига) маъносини берса, чиғатойчада «ebre» сўзи (тўлқинсимон) дея таржима қилинади. Форслар эса, абрунинг фақат ўзларига хос эканлигини исботлашга уриниб, «ebri»нинг (булут) калимасидан олинганини қайд этадилар. Чунки, сувдаги ранглар бамисоли булутлар каби тусга киради. Абруни яна “булутлар қоғози”, “сузувчи қоғоз”, “рақсли бўёқлар”, “шамол ва булут”, “мрамор қоғозлар” деб ҳам юритилади.

Абру расмлари ўзига хос технологияда олиниб, бир қатор босқичлардан ўтади. Бу технология сирлари унинг усталари томонидан авлоддан-авлодга ўтиб келган. Абру тайёрлаш учун ишлатиладиган барча ашёлар фақат табиий бўлиши шарт қилинган. Абру расмини яратиш учун, фақатгина бир оз сув аралашмаси зарур бўлади. Бундай қоришма тайёрлаш учун сувга гевен нектарини қўшиш зарур бўлади. Сув билан бу ўсимлик қоришмаси тайёрлангандан кейин у тўғри тўртбурчак идишга солинада ва ўзи ишлатмоқчи бўлган табиий бўёқлар қўшиб борилади. Сувда бўёқлар унинг сиртига кўтарилиб, ўзаро ҳаракатланиб суза бошлайди. Абру устаси уни эҳтиёткорлик билан иш қуроли ёрдамида ўзи мақсад қилган расмни сувда чиза бошлайди. Чизма тайёр ҳолга келганида устига керакли ўлчамдаги қоғоз қўйилади ва бир-неча сонияларда қайта кўтариб олинади. Тайёр бўлган абру бир оз қуритилади. Ана шундан кейин абру тайёр ҳолга келади. Абру олиниши устида тадқиқот олиб борган мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, ўз тарихи давомида усталар томонидан қатор абрулар олинган бўлса-да, лекин уларнинг бири иккинчисини асло такрорлай олмаган. Айнан шу кузатувни аксар соҳа усталари тан оладилар.

Қаерда илк марта олинишига қарамай абру асосан туркларда ўзининг энг юқори босқичларига кўтарила олди. Ҳозирда бу давлат бетакрор абру олиш марказларидан бирига айланган. Турклар абрунинг асл ватани Ўзбекистон дея эътироф этмоқдалар. Ғарбда абру “турк қоғози” номини олган. Чунки бу санъат тури Европага XVI асрдан бошлаб Истамбул орқали кириб борган. XVII–XIX асрларга келиб эса, абручилик бу ерда анча ривож топди. Туркия абрусига мансуб қадимий нусха Истамбулда жойлашган Топкапи султон саройи музейида «Gay-i Çevgan» номли 1539 йилда ёзилган асарда абручиликка оид ноёб намуналар сақланиб

келинмоқда. Қўлёзмаларни безашдаги яна шундай услублардан бири – миниатюрадир.

Минатюралар қўлёзма муқовасининг ташқи ва ички қисмларига, шунингдек асар матни ва унда илгари сурилган маълумотларга қараб ишланган. Масалан биргина Низомий Ганжавийнинг “Хамса” асарига ишланган миниатюраларни олайлик. Маълумки, асарга “Махзан ал-асрор” (Сирлар хазинаси), “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Хафт пайкар” (Етти гўзал), “Ойнаи Искандар” (Искандар ойнаси) каби достонлар киритилган бўлиб, унга бир-бирини такроламайдиган йигирма етти дона нодир ва нафис миниатюралар ишланган (ЎзР ФА ШИ, инв.№662). Бундай нусхаларга бошқа фондларда ҳам кўплаб деч келинади.

Закариё ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Камуний ал-Қазвиний (1204-1283)нинг “Ажойиб ал-махлуқот ва ғаройиб ал-мавжудот” асарида (ЎзР ФА ШИ, инв.№3477) фаннинг космография, география, табиатшунослик ва бошқа соҳаларига оид жами бир юз етмиш тўртта жумладан, маъданлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, одам физиологияси, ер юзидаги қабилалар акс эттирилади.

Ғиёсиддин ибн Али Амирон ал-Ҳусайний ал-Исфажоний (XIII-XIV)нинг “Донишнамои жаҳон” (Жаҳонни билиш ҳақидаги китоб) асари тўрт бўлимдан иборат. Уларда борлиқнинг пайдо бўлиши, тузилиши, табиат ҳодисаларининг моҳияти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси одам анатомияси ҳақида сўз юритилиб, қатор юқори савияли миниатюралар чизилган.

2. Манбаларнинг илмий тавсифи ҳақида умумий тушунчалар

Манбаларни тавсифлаш деганда уни турларга ажратиш тушунилади. Масалан улар, илмлар бўйича таснифлаш,

соҳалар бўйича таснифлаш, манбалар бўйича, ёзилган, кўчирилган ёки нашр этилган йиллар бўйича, муаллифлари, котиби ва бошқа шу каби жиҳатларга кўра тавсифланиши мумкин. Қўлёзмалар сақланувчи фондга қўлёзма манбанинг келиб тушиши, ҳада этилиши ёки сотиб олинисидан кейин у дастлаб илмий ишловдан ўтказилади. Ашёвий манбалар соҳа мутахассислари томонидан биринчи марта ўрганишга киришилади ва ўша манба ҳақида ҳар томонлама маълумот тўпланади. Бунинг учун соҳа вакили ўзи учун махсус дафтар тутати ва қўлёзма манбага оид қуйидаги маълумотларни ёзиб боради:

- ☒ Асар номи
- ☒ Муаллифи
- ☒ Котиби
- ☒ Жойи
- ☒ Йили
- ☒ Неча жилд
- ☒ Тили
- ☒ Кимдан олингани
- ☒ Баҳоси
- ☒ Қўшимча қайдлар

Тавсифий маълумот ёки таҳлил деганда ёзма манба, унинг муаллифи номи ноёб қўлёзмалари тўғрисидаги маълумотларни баён этиш тушунилади. Бундай маълумотлар тавсифи бешдан тўққизгача бўлиши мумкин. (Бундан ортиқча маълумот талабани эътиборини чалғитади). Булар кодикологик ёки қўлёзма манба тўғрисидаги дастлабки маълумотлар ҳисобланади. Кодикология сўзи латинча *codex-кодексдан* олинган бўлиб, қўлёзма китобнинг ўзига хос хусусиятларини англатади.

Кодикологик маълумотлар асар номидан ташқари яна қуйидагилардан иборат:

- ☑ Муаллифнинг номи (хаёт йиллари);
- ☑ Асарнинг яратилган вақти;
- ☑ Қўлёзманинг тартиб рақами ва сақланаётган жойи;
- ☑ Энг қадимги қўлёзманинг яратилган вақти ва жойи;
- ☑ Қўлёзманинг varaқлар сони ва ўлчами.

Уларнинг айримларини Б.А.Аҳмедов манбанинг ташқи белгилари Қўлёзма муқоваси, қоғози ва хатидан ташқари асарнинг ёзилган вақти, жойи, муаллифи, ёзилиш сабаблари, асар ёзилган вақтдаги ижтимоий-сиёсий муҳит, деб тушунтиради. Булар ўз ўрнида қўлёзма асар тўғрисидаги энг ихчам кодикологик илмий тавсифий маълумотлар ҳисобланади.

Педагог ўрганилаётган манбанинг илмий аҳамиятидан келиб чиқиб, яна қуйидаги қўшимча тавсифий маълумотлар билан тўлдириш мумкин ва уларни қўлёзма асар тўғрисидаги батафсил маълумотлар деб юритилади. Улар қуйидагилар:

- ☑ Хаттотнинг номи ва хат тури;
- ☑ Қўлёзманинг кўчирилган жойи;
- ☑ Палеографик хусусиятлари (сиёҳи, қоғози ва қўлёзманинг ўзига хос хусусиятлари);
- ☑ Қўлёзма хотимаси-колофон.

Педагог-мутахасис ўз билим савиясига кўра ва ихтиёри билан бу маълумотларнинг барчаси ёки айримларини танлаб талабаларга тушунтириши мумкин. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бир манба, қўлёзма китоб, битик тўғрисида 60 дан зиёд техник, кодикологик маълумот мавжуд. Албатта, буларнинг аксарияти фақат соф илмий академик тадқиқотларда истеъфода этилади. Олий таълим тизимининг бакалаврият босқичи учун асар тўғрисидаги 9 та эслатилган кодикологик маълумотлар кифоя.

Манбаларни тавсифловчи қўлёзма ҳақида маълумот йиғар экан, бунда у бир қанча маълумотларга дуч келади.

Шундай экан у араб, фарс ва туркий ёзув ва тилларидан яхши бохабар бўлиши талаб этилади. Шунинг билан соҳа бўйича малака ҳам бирламчи ўринда туради.

Одатда китоб номи ва муаллифи асарнинг 1-5 ёки 10 varaқларигача бўлган ерларидан ўрин олган бўлади. Улар ҳақидаги маълумотларни топиш учун мана шу varaқларни диққат билан ўқиб чиқиш керак. Бироқ тавсифчи тажриба-сиз ёки янги иш бошлаган бўлса аср номи ва муаллифини аниқлай олмайди. Натижада, ашё дафтарига шартли ном қўйиб уни тикиб юборади. Бу билан тавсифчи ўзи билган ёки билмаган ҳолатда жуда катта чалкашликларга йўл қўяди.

Албатта бундай ҳолатларда, яъни юқоридаги тавсифлаш пунктларининг бирортаси ҳақида маълумот топа олмаган тақдирда ўша ерини бўш қолдириш ёки тажрибали му-тахассисга кўрсатиб билиб олиш лозим бўлади. Афсуслар бўлсинки, кунимизда бундай тавсифлаш вақтида ўтказиб юборилган қўпол хатоларга кўплаб дуч келмоқдамиз. Шунинг учун ёзув билан боғлиқ араб алифбосидаги ҳарфларнинг ёзилишига асосланиб, улар фақат ана шундай шаклда ифодаланади, деб ўйлаш унчалик тўғри эмас. Юқоридаги фикрларимизни араб ҳарфларининг ёзилишидаги темир қонун, муҳр маъносида тушунмаслик керак. Чунки асрлар давомида араб ҳарфлари сайқалланиб, турли усул ва шаклларда ёзилиб келинган. Турли аср ва жойларда кўчирилган қўлёзма манбаларни кузатсак, улардаги ёзув бир-биридан кескин фарқланиб туришининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто му-айян бир қўлёзмада ҳам айрим сўзлар турли шаклларда ёзилади. Бу эса араб ҳарфларини ёзишда маълум бир қо-идага риоя қилинмаслигини, ёзувда ҳарфлар ҳар бир хат-тотнинг ўз диди ва савиясига мувофиқ тарзда ўзгариши мумкинлигини англатади.

3. Араб алифбосига асосланган хат турлари ҳақида

Араб хати ўз чиройи, ёзилиш услуби, гўзаллиги ҳамда инсонларга қулайлиги билан бошқа миллатлар ёзувидан тубдан фарқ қилади. Араб хати қалами ҳам ўзига хос бўлиб, араб хатининг ҳар бир турида турли қаламлардан фойдаланилади. Хат турларининг ўзига хос шакллари, қоидалари ва турли-туман ёзилишлари мавжуд.

Араб хати “турлари жуда кўп хатлар” сирасига киради. Ҳарфларнинг шакллари, уларнинг ёзилиши турлари кенг ва кўп қирралидир. Айтиш жоизки, биргина куфий хатининг ўзи бошқа араб хатлари шаклларига қўшилиб 20 минг шаклга етгани мутахассислар томонидан аниқланган.

Араб оламида энг кўп тарқалган ва довруқ топган хатлар қуйидагилар: сулс, насх, таълиқ (настаълиқ, форсий), дийвоний, куфий, риқъа, муҳаққақ, ижоза, туғро, мағрибий, райҳоний, тож, шикаста ва бошқалардир. Бу хат турлари икки асосий қисмга яъни: асосий хатлар ва асосий хатлардан ҳосил бўлган, яъни асосий хатлар асосида тузилган хатлардир.

Асосий хатларнинг асли аввал пайдо бўлиб, ҳеч қандай бошқа хат шаклларидан ўзлаштирилмаган хатлардир. Бунда ўша хатнинг ёзилиш қоидалари, хатларнинг ягона (бир кўринишли) ёзилиш услублари ва шакллари ўзига хос бошқа хатлардан ўзлаштирилмаган бўлади.

Асосий хатлар сирасига: сулс, насх, таълиқ, дийвоний, куфий ва риқъа хатлари киради.

Сулс. Хат тури бошқа араб хатларидан ўзининг мураккаблиги, ҳарфларининг тузилиш жиҳати ва шакллари-нинг гўзаллиги билан ажралиб туради. Бу хат қоидалари бошқа хатлардан ўзининг жиддий ва мукамаллиги билан

фарқланади. Сулс хати “Хатлар онаси” деб ҳам юритилади. Хат III хижрий аср охирида пайдо бўлган. “Иброҳим Шажарий ўзининг ўткир қалами билан тумор варақли парчасига ёзишлик учун икки янги хатни ихтиро қилди, бирини “Сулс”, бошқасини “Сулусийн” хати деб номлади”. Сулс хати қоидаларига энг биринчи эътибор қаратган шахс Ибн Муқилла ҳисобланади. Ибн Муқилладан сўнг Ибн Баввоб куняси билан машҳур Али ибн Ҳилол сулс хати қоидаларига керакли бўлган қоидаларни қўшди. Улардан кейинги сулс хати билан машҳур бўлган хаттот Ёқут Муътасимийдир. Бу хаттотлардан сўнг сулс хатини давом эттирган ва шу хат билан шухрат топган хаттотлар фақатгина юқорида келган хаттотлар шогирдлари бўлиб қолди. Ҳозирда ҳам бу хат борасида ўрганиладиган бўлса, асл қоидалар Ибн Муқилла, Ибн Баввоб ва Ёқут Муътасимийларнинг шогирдлари ва бизга қолдирган маълумотларига мурожаат қилинади.

Сулс хати эгилувчан, юмшоқ қайишқоқ хат ҳисобланиб, хаттот бу орқали ҳарфларга шакл бериш ва чирой билан ёзишда кенг имконият мавжуд эканини ҳис этади. Сулс хати - “сулсу одий” ва “сулсу жалий” қисмларга бўлинади.

Сулсу оддий. Хат миқдор жиҳатидан 4 миллиметр ўлчамдаги ва сатрларда оддий бир хил ўлчамда ёзилади. Қуръони карим сураларининг бошларида, китобларнинг кириш қисмидаги лавҳаларда ҳам асосий хат сифатида ундан фойдаланилади.

Сулсу жалий. Хат миқдор жиҳатидан 8 миллиметр ўлчами ва асосан тухумсимон ва доира, сатрларида эса, ўта мураккаб шаклларда ёзилади. Бу хат тури ҳарфлар ва кўриниш мураккаблиги билан бошқа хатлардан ажралиб туради. Ундан Қуръоний лавҳалар ва мураккаб шаклларни ёзишликда фойдаланилади.

Насх хати. Хат насх номини олишидан аввал “бадиъ” номи билан машҳур бўлган. Ҳижрий V аср охирларида пайдо бўлган. Бу хат борасида машҳур хаттот Фавзий Солим Афибий: “Ушбу хат тури V ҳижрий аср охирида Шом шимолида эски кўринишдан янги икки кўринишга ўтди. Биринчи кўриниши “бадиъ хати” бўлиб, насх хати деб номланади ва бу тур Суриянинг шимолида вужудга келган. Бу хат орқали саҳифалар ёзилган. Иккинчи кўриниш “тумор хати ва унинг турлари”, - деб уни ўзининг “Нашъатул китаба ал-хоттийя” асарида келтиради.

Бу хатнинг қоидаларини дастлаб Ибн Муқилла тузиб чиққан. Яна бошқа бир хаттотлар жамоаси эса, “Бу насх хати куфий хатидан олинган”, деб таъкидлайдилар. Бошқа хаттотлар эса, бу насх хати билан номланишига сабаб сифатида “Қуръони каримдан насх” яъни, “кўчириш” сўзига урғу берадилар. Яҳё Салум Аббосий ўзининг “Араб хати тарихи ва турлари” китобида бу хат номи борасида маълумот келтирилади: “Аниқки, насх хати – мансух саҳифалар ва насх хати ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни бир бирига яқинлаштириш учун куфий хатидан келиб чиққан”.

Насх хатида бир теккис ёзиш имкони кенг бўлганини ўқиш ва ҳарфлардаги енгилликлар боис уни мулоҳим хатлар сирасига киритилади. Хат ҳарф ҳажмлари чегараланган ва қалам ҳажми кичиклиги нуқтаи назаридан ёзувда синтез ишлари олиб борилмайди.

Қуръони карим, ҳадиси шариф ҳамда халқ ичида кўп-лаб тарқалган китоблар ёзуви насх хатида эканига гувоҳ бўламиз. Насх хати атрофлича ўрганилиши лозим бўлган муҳим хатлардан ҳисобланади. Хат ўқилиш жиҳатидан жуда қулай, бироқ, ёзиш нуқтаи назаридан бироз қийин. Таъкидлаш жоизки, бу хат бошқа хатларга нисбатан кенг тарқалган.

Комил Салмон Жабурийнинг “Мавсуа ал-хотти ал-аробий, хотту ан-наسخ” асарида таъкидланишича, дастлаб насх хати “Ўта нафис хат” деб номланган. Тарихчи олимлар “Ибн Муқилла насх хатини Куфий хатидан пайдо қилган”, деб таъкидлайдилар. Бошқалари эса, “Ибн Муқилла Қуръони каримни кўчириш борасида кўп фаолият юритгани учун, бу хат насх (луғатда, кўчирмоқ) номини олган”, дейдилар.

Насх хати мулойим хатдардан бири деб эътибор қилинади. Чунки, бу хат ўз кўринишида ўта нозиклик мавжуд. Бу хатда ёзилган битикларни ўқиш бошқа хатларга нисбатан осон.

Насх хати асосан матба-нашриётларида оммабоп қўлланиб келинаётган хат турларидандир. Фавзий Солим Афикий ўзининг “Нашату ал-китаба ал-хоттиа” китобида: “Араб насх ҳарфлари Қуръони карим, Суннат (ҳадис) ва элатлар ўртасидаги дин борасида китобларнинг аксари ёзилишидаги энг кўп истеъмол қилинган ва бу хат тури ўқиш жиҳатидан осон ва ноаниқсиз ёзиладиган хат туридир”, - деб келтиради.

Комил Салмон ал-Жабурийнинг насх хати борасидаги “Мавсуату ал-хоттил аробийи” асарида: “Насх хати тилга олинар экан, аввало ҳарфлари айлана ёзиладиган хат турлари назарда тутилади. Бу хат тури “наسخ” деб аталишидан олдин “ал-бадийъ (хайратланарли, фасохатли, ажойиб)”, “ал-муқаввар (луғатда: ўйилган, қириб ташланган)”, “ал-муҳаққақ (аниқ, ишонарли)” номлари билан аталиб, шу номлари билан машҳур бўлган. Бу номларнинг берилиш айни шу хат асносида кўплаб мактублар, тижорат, байъат битиклари ва кўплаб қўлёзма соҳиблари хат услубларидан фойдаланиш сабабидандир.

Эгилувчан доирасимон хат бўлган насх хати дастлаб исломгача бўлган даврда қадимий қўлёзмаларда 568 милодий

йилга тегишли манбада топилган. Ислом дини тарқалиб, илм-маърифатга эътибор кучайиши натижасида ёзишга (китобот)га бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бориши бу хатда Мусхафлар битилиб, уни ўқишга бўлган эътибор сезиларли намоён бўлди. Рисолат давомида Зайд ибн Собит розияллоху анху ваҳий котиби Расулуллох (алайҳис салом)га нозил бўлаётган ваҳийларни “Муқаввар” (насх) хати орқали ёзар эди.

Хатшунос олимлар: “Хаттул лаййин” (насх) ва “Хаттул ябис” (куфий) хатлари ўзаро синоним, бир-бирига ўхшаш хат турларидир, деб таъкидлайдилар. Бошқалари эса: “Насх хати куфий хатидан олинган хат тури бўлиб, бу хатнинг асли куфий хатидир”, деб келтирадилар.

Насх хатида асосан кўп манбалар битилган аср аббосийлар даври бўлиб, хат 750-1258 йиллар давомида гуллаб яшнади. Аббосийлар халифалик даврида етарлича кўп-лаб илмларни ўз ичига олган китоблар шу асрда таржима қилинди, кўчирилди ва таълиф этилди. Аббосийлардан Маъмун халифалик даврида (813-833) ўзгача шакллар билан безатилиб, янги кўринишга эга бўлган насх хати “ал-муҳаққак” (аниқ, ишонарли) номи билан машҳур бўлди.

Таълиқ хати. Бу “форсий” хати деб ҳам номланади. Унинг бундай аталиши форс ўлкаларига нисбат берилиши билан боғлиқ. Ўша ерда кенг тарқалди ва ўрганилди. Бу хатдан V ҳижрий асрдан бери Форс, Афғонистон, Ҳинд ерларида кенг фойдаланиб келинади. Хатнинг дастлабки қоидаларини тузган хаттот Мир Али Султон Табризий бўлиб, сўнг унинг йўлини Имомуддин Шерозий ва Султон Машҳадийлар давом эттирганлар. Иёд Даврий: “Хат таълиқ ва настаълиқ деб номланади, кўп кишилар бу хат орқали ўз мактублари, рисоалари ва хатларини ёзди, фойдаланиш жараёнида насх ва таълиқ сўзлари кўп истеъмолда бўлгани учун вақтлар ўтган сари настаълиққа ўзгарди, икки сўз орасидаги “хо” ҳарфи хазф қилинди”, деб келтиради.

Таълиқ хатининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, ёзиш жараёнида ўнг тарафга мойилроқ қилиб ёзилади. Бошқа ёзувларда эса, аксинча чапга мойилроқ бўлади. Чапга мойил бўлиб ёзиладиган ҳарфлар сулс, девоний, риқъа, насхлардир. Таълиқ хатини пухта ўзлаштирмаган хаттотларга нисбатан “мукаммал хаттот” деб ном берилмаган.

Марказий Осиё меъморий ёдгорликларида ёзилган тарихий манбалар таълиқ хати асосида ёзилган бўлиб, хат кичик ҳажмда ёзиш имкони бўлганлиги ва кам ўрин эгаллаши асосий сабаб бўлган. Хаттот Даврийнинг таъкидлашича, таълиқ хатини яхши ўзлаштирмаганларга нисбатан “хаттот” деб эътироф этилмаган. Бошқа маълумотларда эса, сулс ёки таълиқ хатини ўзлаштирмаган хаттотларга “хаттот” деб нисбат берилганига гувоҳ бўламиз.

“Форсий – таълиқ хати ўз гўзаллиги, ҳарфларининг бир мунча чўзилишлиги, ўзига хос чиройи, ёзилганда равшанлиги ва мураккабсиз ёзилиши жиҳати билан бошқа хатлардан ажралиб туради. Хат барча фанлар ёзувида ишлатилади. Кўпинча, саҳифа, журнал, тижорат эълонлари ва шахсий ҳужжатлар унвон (сарлавҳа)лар зийнатлари учун ундан кенг фойдаланилган. Форс ўлкаларида бу хат тури жуда оммавий тарзда ривожланган. Таълиқ хати – настаълиқ, шикаста ва шикаста амийз хатларига бўлинади.

Настаълиқ хати. Эрон ва Афғонистонда кўп тарқалган хат тури. Аммо, Араб ўлкаларида эса, настаълиқ ва ушбу хат турларини бир хил “Форс хати” деб номлайдилар. Аслида эса, настаълиқ хати насх ва таълиқ хатлари ўртасини жамловчи, яъни икки хатнинг бирлашмасидир. Бу хат қоидаларини биринчи бўлиб тузиб чиққан хаттот Мир Али Султон Табризий (1370-1410, Эрон) ҳисобланади.

Шикаста хати. Бу хат қоидаси хос хат турлари сираси киради. Хат тури қоидаларини дастлаб хаттот Шафиъ тузиб чиққан. Хаттот Шафиъга нисбатан, “мутлоқ алиф”ни

зиёда қилиб, “Шафийъа” деб мурожат қилинган. Шикаста хат турида кўп фаолият олиб борган ва қоидаларини мукаммал даражада тузиб чиққан олим Дарвеш Абдумажид Толқоний бўлди. Хатнинг бошқа хатлардан фарқи шундаки, бу хат тури яширинли, сир-асрорли, махфий ва сеҳирли деб таъкидланган. Ҳақиқатдан ҳам бу хат турини ҳамма ҳам ўқий олмаган. Маълумотларда таъкидланишича, араб давлатларида бу хат турини ўқиб, ёзишни биладиган хаттотлар камёб бўлган. Хаттоки, бу хат ривожланган форс ўлкаларида ҳам хатни таълим олган ва кўп шуғулланган хаттотгина ўқиб маъно чиқара олиш имкони бўлган.

Шикаста амийз хати. Бу хат настаълиқ ва шикаста хатларининг аралашмаси сифатида ривожланган. Бу хат ҳам шикаста хати сингари сирли ва махфий ёзув турига киради. Бироқ, у сингари мураккаб эмас. Шикаста амийз хатини ҳам форс ўлкаларидаги илмли хаттотларгина ўқишга қодир бўлганлар. Бу мураккаб икки хат – шикаста ва шикаста амийз хатлари билан машҳур бўлган Қобуллик хаттот Довуд Ҳусайний томонидан камолига етказилган.

Дийвоний хати. Шакл ва ёзилиши жиҳатидан араб хатларининг энг гўзали сифатида эътироф этилган дийвоний хати ҳажм, доирасимон ёзилиш ва чиройи билан бошқа хатлардан батамом ажралиб туради. Бу хат риқъа хатига яқинроқ. Хат “Ҳумоюнӣ” деб ҳам номланган. Бу ном Усмонийлар ҳукумати Султон Ҳумоюн девонида юзага келганлиги ва айнан шу муҳитда машҳур бўлиб танилгани сабабидандир. Дийвоний хатининг яна бир номи “Султонӣ” бўлиб, Усмоний Султон девонига нисбат берилиши билан боғлиқ. Бу хат асосан Султонларнинг муҳим ёзув, битикларида фойдаланилгани учун ҳам унга султонӣ номи берилган.

Асосан расмий хатлар, медал ва кўкрак нишонларида ундан кенг фойдаланилган. Бу хатни дийвонӣ номини

олиши “Усмонийлар давлати девонхонасида расмий қарор, фармон ва буюруқлар китоби шу хат асосида ёзилгани учун”, деб таъкидланади. Усмонийлар давлати махфий ҳужжатларида ҳам шу ёзув асосий хат бўлган. Бу хат Султон Муҳаммад Фотиҳ Константинополь 1455 йилдаги фатҳидан сўнг расмий хат сифатида қабул қилинган. Бу хатнинг қоидаларини дастлаб хаттот Иброҳим Мунийф Туркий тузиб чиққан. Хатни ривожлантирган ва чиройли кўринишга сабабчи бўлган хаттот вазир Аҳмад Шаҳло Бошо ҳисобланади.

Дийвоний хати шакллар жиҳатидан бир-бирига ўхшаш икки мадраса вужудга келган ва мадрасаларнинг дийвоний хати ёзув услублари ҳар бирида икки хил қоида ҳукм сурган. Биринчи мадраса “Туркий мадраса” бўлиб, бу мадрасанинг асосчиси Муҳаммад Иззат Туркий. Бу мадрасанинг қоидаси ҳарфлари ўта яқин, улар ўртасида жойлар қолдирмасдан сиқиб ёзиш билан ажралди. Иккинчи мадраса эса, мисрий мадраса ҳисобланиб, асосчиси Мустафо Ғазлонбек. Бу мадрасанинг қоидаси асосан ҳарфлари узунроқ ва кенг жой ташлаб ёзишга эътибор қаратилади.

Дийвоний хати хатлар мажмуасида “Дийвоний жалий” ва “Туғро хати” ҳамда “Ҳумоюнӣ хати” ёки “Муқаддасий хати” деб, баъзида эса, “Малакий хати” деб ҳам номланган. Дийвоний хати икки йўл ва мадраса билан ривожланган. Битта ибора икки йўл ва турли шакллар билан ёзилган. Хат эгилувчан ва қайишқоқлиги билан ажралиб туради.

Дийвоний хати орқали подшоҳларнинг буйруқлари, инъом-ҳадялари ва фармонлари ёзиб борилган. Усмонийлар халифалиги даврида бу хат султонларнинг қасрларидаги махфий (ҳужжат ва бошқа керакли маълумот)ларни ёзишда қўлланилган. Бу хатни ўқишликка фақат хатни ёзган котиб ва хат усталаригина сазовор бўлган. Энг биринчи Иброҳим Муниф Константинополь фатҳидан сўнг бир неча

йиллар давомида хат қоидаларини тартиблаб, тизимлаб чиққан.

Дийвоний хати дийвоний жалий ва дийвоний жалий завроқий (қайиқлик) хатларига бўлинади:

Дийвоний жалий хати. Бу хатнинг жалий (ойдин, ошкоро) номини олишига сабаб бу усулда хат равшанлаштирилиб, аниқ ёзилган. Асосан султонлар фармонлари ва давлат маълумотлари битилган. Бу тур кўпгина ҳаракатлар билан битилган. Ўқилиши осон бўлиши учун бўш ўринларида шакллар бериб борилган. Тизимли ҳандасий (геометрик) шакллар ҳам берилган.

Дийвоний жалий завроқий (қайиқлик) хати. Хатнинг бу тури кема ва қайиқ шаклларда бўлиб, рассомчилик фанидан таъсирланган. Бу хатдан тилхат ва актларни ёзишда фойдаланилган. Хат асрлар давомида мукаммаллашиб, шакллар берилиб борилган. Ҳарфлари такомиллашиб, ўзига хос чирой билан битилган.

Дийвоний жалий хатининг дийвоний хатидан фарқ қиладиган жиҳати унинг қалам кенглиги бўлиб, унда хаттот икки қаламдан фойдаланган. Бир қалами билан ёзишликда, иккинчи қалам билан ёзилган матнга шакл беришда. Яна бир фарқли жиҳати, ҳарф шакллари ва сатрларининг тузилишидир.

Куфий хати. Араб юртларидаги машҳур хатлардан бири ҳисобланади. Бу хатга “араб хати санъатининг энг гўзали ва чиройи” деб таъриф берилган. Куфий хати масжид, минора, ёдгорлик, китоб ва асарлар муқовасига зийнат бериш учун ёзилган. Илк мусҳаф шариф куфий хатида битилган. Хат куфий номини олишига, Умар (р.а) халифалик даврида бино қилинган Куфа шаҳрида пайдо бўлгани кўрсатилади. Дастлаб “Куфа” номи хат жиҳатидан умуман истеъмолда бўлмаган. Ҳаттоки, бу хат номи ва ёзилиш қоидаларининг атамаси ҳеч ким томонидан қўлланилмаган ҳам. Бу хат

“овалсимон” шаклда ёзилгани учун ҳам куфий номи билан юритилган деган қарашлар ҳам бор.

Ножий Абу Ҳайён Тавҳидий “Рисолат ул-китаба” номли асарида: “Албатта, куфий хати 12 қоидадан иборат бўлиб, улар исломий, маккий, маданий, андалусий, шомий, ироқий, аббосий, бағдодий, машъабий, райхоний, муҳаррир ва мисрийдир”, деб келтиради. Бироқ бу хатлар ўртасидаги фарқ шакл нуктаи назаридан эмас балки, макон, яъни хаттотларнинг яшаган жойи борасидадир. Куфий хати “кўп турларга эга хат” сифатида эътибор қозонган.

Али Баддоҳнинг таъкидлашича: “Изланувчиларнинг бири куфий хатини ёзиш учун бошқа турлар қўшилиб изланадиган бўлса, 20 минг шаклларга етиши мумкинлигини айтади”. Кейинчалик бу хат буткул муомаладан чиқиб, қайта ўрганила бошланган. Юсуф Аҳмад Мисрий куфий хати қоидаларини мустаҳкамлади ва асосий таркибларини қайд этди. Кейинги хаттотлардан Юсуф Аҳмаднинг шогирди Муҳаммад Абдуқодир Абдуллоҳ “Миср хаттотлик санъати” мадрасасининг асосчи устози бўлиб, бу хаттот ҳам ўз маҳоратини бу хат илми бўйича кенг ёйди.

Куфий хати ёзилиш қоидалари, шакллари ва услубларининг турли туманлигига қараб бир неча турларга бўлинади: куфий басит, куфий муваррақ, куфий мудоффар, куфий ҳандасий, куфий муҳоммал, куфий мусилийлар. Хат билан шуғулланган тарихчи олимлар куфий хатини қиёсий жиҳатдан қуйидагича тақсимлайдилар:

1. Оддий (мураккаб бўлмаган) куфий хати. Бу хат ёзилишида унга кўп зийнат берилмайди ва ҳарф оралари бироз чўзилиб ёзилади. Куфий хатнинг оддий тури ҳижрий асрнинг I асридаёқ шарқ-у ғарбга маълум ва машҳур бўлиб кенг тарқалган. Бу хат орқали Қуддусдаги Қуббат ас-саҳро битиклари, Қоҳирадаги Нил ўлчагичларидаги битиклар, Тулуний масжиди битиклари ва Куфа ва Мисрдаги кўплаб мақбара битиклар ёзилган.

2. Барглар билан қопланган куфий хати. Дарахт баргларига ўхшаш безаб ёзиладиган хат тури. Ҳарфлар мустақил алоҳида-алоҳида тик қилиб ёзилиб, қўшилиб ёзилганда ҳарфлар зийнатлаб бироз чўзиброқ ёзилади. Бундай ёзув худди дарахт ва унинг барглари ўсишига қиёс қилинади. Бу хат тури дастлаб Мисрда ҳижрий II асрлардан пайдо бўла бошлаган. Унинг ривож ва тараққий этиши ҳам Миср бўлди. Унинг такомиллашуви ҳижрий III асрнинг ярмиларигача давом этди. Хат турининг тарқалишига яна бир сабаб, “Фотимийлар” давлатининг (909-1171) ҳукмронлик даврига тўғри келишидир.

Гуллар билан безатилиб ёзиладиган куфий хат. Бу хатнинг ёзилиш услуби бурама (спералсимон) шаклда бўлиб, гул ва унинг барглари шаклида зийнатлаб битилади. Ёзилиш жараёнида бўш ўринлар қолдирилмайди. Шунингдек, ҳарф ораларида гул ва ўсимликларга ўхшаш безаклар қўйиб тўлдирилади. Куфий хатининг бу тури Эрон, Ғазна ва Қоҳирадаги Султон Ҳасан мадрасасида қадимий намуналар мавжуд.

Ўрилган куфий хат. Бу хат турининг “кийдирилган”, “бир-бирига боғланган” деган номлари ҳам мавжуд. Бу хатнинг бошқа хат усулларида фарқи, унда бир ҳарфнинг ўзи шакл-шамойилда безаклар билан қўшилиши ёки икки ҳарфнинг ёнма-ён бир-бирига зийнат бериб чамбарчас боғланишидир. Бу ҳолат хатнинг жилвақорлигини янада ошириш учун хизмат қилади.

Хат тури ҳижрий V асрда юзага кела бошлаган. Намуналари ҳозирда Эрондаги 1021 йилларга тегишли қалъа битиклари, Тунисдаги 1028 йилларга тааллуқли Кирвон номли Жомеъ масжид ва унинг кутубхонасида сақланаётган битиклардан маълум. Эронда машҳур битик 1028 йилга тегишли “Бир-и-Оламдор” сағанасидаги ёзувлардир. Бу хат тури Мисрда ривож топиб, Қоҳирада Аббосий халифалари сағаналарида учрайди.

Хандаса (геометрик) куфий хати. Куфий хатларнинг бири ҳисобланиб, ундан жўп фойдаланилади. Асосан Эрон, Ироқ ва Миср масжидларида қўлланилган. Хат геометрик жиҳатдан 3,4, 5, 6, 7 ва 8 қиррали ҳамда айлана (доиравий) шаклда ҳам ёзилади.

Ҳижрий III асрнинг бошида куфий хати араб оламида асосий хат сифатида қабул қилинган. Шу даврларда Макка ва Мадина шаҳарларида куфий хати асосида Қуръони карим кўчирила бошланган. Кейинчалик омма орасида “Мусҳаф хати” ёки “Мусҳаф учун ажойиб хат” номларига эга бўлган. Бу хат тури мусҳаф ёзилишида оддийлик касб этиб, зийнатлаш унда мавжуд эмас. Мусҳаф ёзилган куфий хатига “Муҳаққиқ” хати деб ном берилган бўлиб, халифа Маъмун даврида бу хат туридан кенг фойдаланилган.

Машҳур мусҳаф хаттотлари – Ҳашном Басрий Форсий ва Маҳдий Куфийлар бўлиб, бу икки хаттот Хорун ар-рашид халифалиги даврида яшаган. Тарихшунос ибн Нудайм ал-Ироқий (ваф.1047) ўзининг “Фихрист” китобида бу икки хаттот ҳақида: “Бизнинг яшаш давримизгача бу икки хаттотдек хаттот чиқмади”, деб таъкидлайди. Умуман олганда, куфий хати мутахассиси хаттот Атийя Жабурий ўзининг “Ислом араб хати” асарида куфий хатнинг 33 тури мавжуд экани ҳақида маълумот бериб ўтган.

Риқъа хати. Бу хат тури ҳам аввалги хатларга ўхшаб ўзининг чиройи ва осон ёзилиши билан танилган. Бу хатда девон ҳужжатлари, қўлёзма кўчиришда кенг фойдаланилган. Риқъа хати усмонилар сулоласи даврида кенг тарқалган бўлиб, унинг қоидалари Султон Абдумажидхон Усманий (1280) муаллим Мумтозбек томонидан тузиб чиқилган. Бу хат тури ўз зийнати ва ўзига хос шакллари билан ажралиб туради. Риқъа хати бошқа хатлардан оммавий ва анъанавий ишлатилиши билан фарқланади. Араб мамлакатларида ҳозир ҳам риқъа хати кенг истеъмолда. Бу

хатда аниқ бир қоида, нуқталар ва ҳажмлар йўқ. Дастлаб, Мумтозбек риқъа хати қоидаларини ишлаб чиққан бўлса, хаттот Муҳаммад Иззат Туркий уни зийнатлаб кенг танилишига сабабчи бўлган.

Риқъа хати бошқа хатларга нисбатан бир оз тик ёзилади. Хат турига кўра, шакл бериш, безаш, жило бериш йўқ. Хат тури қисқа, қулай ва тушунарли ёзилгани учун ундан тижорат мақсадлари, эълонлар, журнал, газета, китоб ва расмий унвонларни ёзишда кенг фойдаланиб келинмоқда.

4. Хусни хатда кўчириш анъаналарининг шаклланиши

Хуснихат – бу ёзув иши билан шуғулланувчиларнинг чиройли хатда ёзиши, китобат қилишидир. Хуснихатга инсоният тарихида ёзувдан фойдалана бошланган илк даврдаёқ асос солинган. Дунёнинг турли минтақаларида ёзув маданиятининг тараққий этиб бориши билан хуснихат ҳам ривожланиб борди. Хаттотлар қайси ёзувдаги матнларни китобат этиш билан шуғуллансалар, ўша ёзув ҳарфий белгиларини, бир-бирига боғланишларини, муаносибликларини, ўлчам ва бичимларини чиройли қилиб ёзишга ҳаракат қилганлар. Натижада, ҳар бир ёзувнинг ўз хаттотлик услублари юзага келган. Худудимизда араб ёзувига қадар истеъмолда бўлган сўғд ва уйғур ёзувларининг ҳам хаттотлик услублари шаклланган эди.

Хуснихат ёзув маданиятининг юксалиши билан қоғознинг ихтиро қилиниши ва кўплаб миқторда ишлаб чиқилиши натижасида кенг қулоч ёзиб борди. Қоғознинг етарлича ишлаб чиқарилиши олим ва шоирлар, умуман ижодкорлар яратган асарлар нусхаларини кўпайтириш, мактаб ва мадраса дарсликларига бўлган талабларни ўз вақтида қондириш, кутубхоналар ташкил қилиш ва уларни китоб-

лар билан бойитиш, мамлакат миқёсида китоб савдосини ривожлантириш ҳамда китоб айрбошлашни яхши йўлга қўйишга имкониятлар яратди. Бу имкониятларни амалга оширишда эса хаттотларнинг ҳуснихатда кўчирган ишлари асосий вазифаларни бажарган эди.

Мовароуннаҳрда араб ёзувидаги ҳуснихат қарийб ўн икки асрлик тарихга эга. VIII аср ўрталаридан араб ёзуви Мовароуннаҳрнинг асосий давлат ёзувига айланганидан кейин маъмурий идораларда, маҳкамаларда ёзишмаларни олиб борувчи мирзолар, котиблар ишлай бошлади.

IX-X асрлардан эса Мовароуннаҳрнинг йирик маданий шаҳарларида адабий, илмий асарларни муттасил кўчириш билан шуғулланувчи ҳуснихат усталарининг марказлари таркиб топа бошлади. Хаттотлик ва ҳуснихатда кўчириш Ўрта аср Шарқининг ўзига хос кичик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланган. Уларнинг фаолияти Ўрта аср меҳнат тақсимотида алоҳида ўрин эгаллаган. Бу корхоналарда бир неча хаттотлар фаолият юритиб, ҳуснихатда ўз ижодларини намоён этганлар.

Хаттотлик қаерда ташкил этилганлиги ва кимнинг ҳомийлигида иш олиб боришига кўра бир-биридан фарқ қилган. Бундай корхоналар олий ҳукмдор – подшоҳларнинг саройларида, айрим мадраса ва вақф кутубхоналари ҳузурида, бозордаги китоб расталари қаторида ташкил этилган. Аксарият хаттотлар ўз уйларида ишлашни маъқул кўрганлар. Бундай хаттотлар асосан, буюртмачининг илтимосига мувофиқ ўзлари тавсия қилган асарларни кўчириб берганлар. Улар буютмачининг талабини бажариш билан бир қаторда ўз хоҳиш-ташаббуслари асосида халқ учун жуда зарур бўлган асарларни, омма орасида машҳур бўлган, кўп ўқиладиган китобларни доим тайёр ҳолда кўчириб ҳам қўйганлар ва тарқатганлар.

Саройдаги хаттотлик устахоналарида ҳам кўплаб хаттотлар меҳнат қилганлар. Уларга қоғоздан тортиб ҳамма

Хаттотлик рисоалари – араб ёзувидан фойдаланиб келаётган Хуросон ва Мовароуннаҳрда X асрдан бошлаб қатор рисоалар юзага келди. Бу рисоаларда хаттотнинг маданий ҳаётдаги ўрни, ўз касбига бўлган масъулияти, хат илми, санъатини эгаллаб бориш ва малака ҳосил қилишдаги вазифалари; араб тилининг асосий ва манзарали услубларини таъриф-тавсифлари, уларнинг турли минтақаларда ривожланиш босқичлари, ҳар бир хатнинг ўзига хос ҳарфий ифодалари, хат санъатининг гўзалликларини акс эттирувчи нозик қоидалар ва бошқа масалалар баён этилган. Хаттот рисолаи кўпинча умрининг охирида яратган. Бунда у хаттотлик фаолиятига якун ясаб, ўз иш тажрибаларини, хаттотликда эришган натижаларини баъзан шеър билан, баъзан наср билан ифодалайди. Айрим рисоалар муаллифнинг ўзи томонидан номланган. Айримлари махсус ном олмай шартли равишда “Рисолатул хат” ёки “Қавоидул хат” деб юритилади. X асрдан ҳозиргача яратилган хаттотлик рисоалари қуйидагилардан иборат: 908-909 йилларда Исҳоқ ибн Иброҳим тамимий томонидан ёзилган “Тухфайи вомиқ” рисоласи, Абу Али ибн Муқла (858-940) рисоласи, Али ибн Ҳасан ибн Баввоб (?-1022)нинг хат ҳақидаги “Қасидайи роия” рисоласи, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Тибий “Жомиъул маҳосини китобатул куттоб” рисоласи. Мир Али Табризий (1330-1405)нинг настаълиқ хати ҳақида шеърӣ услубда ёзилган рисоласи, Султон Али Машҳадӣ (1437-1520)нинг хат ва хаттотлик ҳақидаги шеърӣ рисоласи, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Мажнун ибн Камолиддин Рафиқӣ Ҳиравийнинг “Қавоидул хутут” рисоласи, Давеш Муҳаммад ибн Ёқуб Муҳаммаднинг “Фавоидул хутут” рисоласи, Шермуҳаммад Мунис (1778-1829)нинг ўзбек тилида шеърӣ йўл билан ёзилган “Саводи таълим” рисоласи, Муҳаммад Азим ибн Рўзи Муҳаммаднинг 1912

йилда тошкентда нашр этилган “Миръоти таълим” рисола-си, Исҳоқхон Тўра Иброт (1862-1937)нинг 1912 йил наман-ганда нашр эттирган “Жомеъул хутут” рисоласи, Муаллиф бу китобда дунёдаги кенг тарқалган ёзув турларининг 41 та машхурларидан намуналар келтиради.

Араб хати тарихи, услублари ва қоидалари ҳақида яратилган рисоалардан ташқари фақат хаттотлар ҳаёти ва фаолияти бўйича тузилган асарлар ҳам мавжуд. Улар рисо-ла усулида эмас балки, тазкира шаклида яратилган. Бундай тазкиралардан энг машҳури XIX асрда яшаган турк олими Ҳабибнинг “Хат ва хаттотийн” китобидир. Ҳабиб тазкира-си араб ёзувида шуҳрат қозонган ва турли хат услубларини ижод этган мингга яқин хаттотнинг ҳаёти ва фаолиятини ўз ичига олади. Мазкур хаттотлар VIII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача яшаб ижод этганлар. Уларнинг асосий қисми Араб ўлкалари, Эрон, Туркия хаттотларидир. Ҳабиб ўз таз-кирасига Ўрта Осиё хаттотларини киритмайди. Хаттотлар ҳақида яна шундай асарлардан бири Бухоронинг энг сўнги қози калони, нодир ва ноёб Шарқ қўлёзмаларининг муҳи-би, тарихчи, олим ва шоир Шарифжон Маҳдум Садр Зиё тузган “Тазкирайи хушнависон” дир. Шарифжон Маҳдум ўз тазкирасига Хирот ва Бухоро хаттотларини киритиш билан чекланган. XX асрнинг машҳур хаттоти Абдулқодир Муродий қарийб эллик йиллик ижодий фаолиятининг са-мараси сифатида яратган “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” номли асарини 1971 йилда Тошкентда нашр эттирди. Китобда Ўрта Осиёда араб хатининг тарихи ва юксак санъат даражасига кўтарилгани ҳақида илмий маъ-лумотлар келтирилган. Муаллиф мазкур минтақада шакл-ланган олти хаттотлик мактаблари ҳақида сўз юритиб, уч юздан ортиқ хаттотларнинг ҳаёти ва фаолияти, улар кўчирган қўлёзмалари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Шунингдек, 1991 йилда навоийшунос олим М.Ҳакимов-

нинг “Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар” номли рисоласи эълон қилинди. Рисолада XV-XX асрлар мобайнида Алишер Навоий асарларини китобат қилган юзга яқин хаттотлар ҳақида сўз юритилган.

Юқоридаги рисола ва тазкиралардан бошқа турли тарихий, илмий, адабий манбаларда ҳам хаттотлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилади. Алоҳида боблари хаттотларга бағишланган тарихий асарлар ҳам учрай туради. Адабий тазкираларда ҳам шоир-хаттотлар доим муносиб ўрин олиб келганлар. Чунончи, Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” номли тазкирасида XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот хаттотлик мактабида ижод этган хаттотлар фаолиятининг таъриф-тафсифига катта ўрин берган. Кейинги асрларда тузилган адабий тазкираларда ҳам тазкиранавислар машҳур ва санъаткор хаттотлар ҳақидаги маълумотларни киритишга имкон қадар ҳаракат қилганлар.

Хаттотлик қуроллари – ёзув ишида қўлланиладиган қоғоз, сиёҳ, давот, сихпар, лос, қамишқалам ёки савағич қалам, қаламқат, қаламтарош, қаламдон, мистар, таглик ва жузъгирдан иборат. Хаттот матнни муайян ўлчовда қирқиб, жадвал чизиб тайёрлаган қоғоз (варақ)ни таглик билан ўнг тиззаси устига қўйиб кўчирган. Кўчириб тайёрланган варақларни жузв-жузв ҳолида жузъгирга солиб тахлаб бораверган. Ўлчами катта китобларни кўчиришда хонтахтадан фойдаланилган. Асар ёки китоб охиригача кўчирилиб бўлгач, муқовалаш учун саҳҳоф устахонасига ўтказилган.

Ҳуснихатда кўчириш китоб нашр этиш тошбосма усули пайдо бўлгандан кейин ҳам давом этаверган. Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, Туркистон тошбосма матбаалари ҳузурида босиладиган китобларнинг матнини махсус қоғозга кўчириб тайёрлаб берувчи котиблар ишлайдиган алоҳида хаттотлик устахоналари ташкил қилинган. Қуйида

юртимиздаги энг ноёб Шарқ қўлёзмалар сақланувчи фонд-да мавжуд бўлган хаттотлик ва ҳуснихатга доир асарларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида хаттотлик санъати билан боғлиқ қатор қўлёзмалар сақланади. Мана шулардан бири инв.№2617 рақами остида сақланиб келинмоқда. Қўлёзма Дарвеш Муҳаммад инб Дўст Муҳаммад Бухорийнинг “Фавойид ал-хутут” (Хатларнинг фойдалар) асари бўлиб, у хаттотлик санъатининг назариясига бағишланган. Муаллифнинг касби ҳам хаттот бўлганлиги сабаб асар бу касб эгаларига дастурул амал бўла олади. У 1586 йил ёзиб тугатилган. Шундай қўлёзмалардан яна бири, Мавлоно Султон Али Машҳадийнинг “Дар қавоид-и хат” (Хат қоидалари) асаридир. У мазкур фонднинг инв.8528/XV тартиб рақамида рўйхатга олинган. Қўлёзмада хаттотликдан сабоқ бериш усуллари, сиёҳ турлари, бўёқлар, қалам тайёрлаш усуллари ва бошқалар ҳақида атрофлича маълумотлар олиш мумкин. Кейинги қўлёзма “Хат ва савод” деб номланиб, инв.3582/V рамида сақланади. “Расм ал-хат” номли рисоаларда эса, насх, сулс, настаълиқ, райҳоний, шикаста, нимшикаста каби хат турлари ҳақида маълумотлар берилади.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Шарқда китобатчилик иши қандай жараёнларни ўз ичига олган эди?
2. Абруга таъриф беринг ва унинг намуналари ҳақида маълумот келтиринг?
3. Минатюралар қўлёзмаларнинг қайси қисмларига ишланган?
4. Манбаларни тавсифлаш ва уларни турларга ажратиш деганда нимани тушунасиз?

5. Кодикологик маълумотларга қайси маълумот турлари киради?
6. Араб хати қандай хатлар сирасига киради?
7. Сулс хати қоидаларига энг биринчи эътибор қаратган шахс ким эди?
8. “Насх хати” деб юритилишидан аввал у қандай ном билан машҳур бўлган?
9. Таълиқ хати ва унинг тарқалган ҳудудлари ҳақида маълумот беринг?
10. Дийвоний хатидан қандай масқадларда фойдаланилган?
11. Инсоният тарихида ҳуснихатга қайси даврлардан бошлаб асос солинган?
12. Мадраса, вақф ва кутубхоналарда хаттотлик таъминотлари қандай йўлга қўйилган эди?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Ножий Абу Ҳайён Тавҳидий “Рисолат ул-китаба” номли асарида ҳақида.
2. Рикъа хати ва бу хатда ёзилган ёзма ёдгорликлар.
3. Мовароуннаҳрда араб ёзувиге асосланган ҳуснихатнинг шаклланиш босқичлари.
4. Ўрта Осиёда фаолият юритган хаттотлик мактаблари ҳақида.
5. Шарқ оламида битилган хаттотликка оид рисоалар таҳлили.
6. Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти фондида сақланаётган хаттотликка оид асарлар таҳлили.
7. Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида сақланаётган ҳуснихатга оид рисоалар.
8. Тошкент шаҳридаги зиёратгоҳларда меъморий ёзувларнинг акс эттирилиши.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Фавзий Солим Афибий. Китабату хат ал-аробий ва татоввуруху. – Қувайт: Дор ал-мактаба ал-ҳилал, 1980. – Б. 530.
2. Нохид Абдураззоқ Дафтар. Хотти ал-аробий. – Қоҳира: Дор ат-Турос, 1985. – Б. 153.
3. Маҳмуд Жалвий Муғрий. Мавсуат дийваний. – Қувайт: Аш-Шувайх, 1997. – Б. 99.
4. Комил Салмон Жабурий. Мавсуа ал-хотти ал-аробий, хотту ал-куфий. – Ливан, Байрут: Дор ал-мактаба ал-ҳилал, 1999. – Б. 25.
5. Ибн Нудайм. Фихрист. – Байрут: Кутуб ал-илмия, 2010. – Б. 45.
6. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. – 196 б.
7. Муҳаммаджон Ҳакимов. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент: “Davr press”, 2013. – Б. 377-388.
8. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.
9. Ўрта аср шарқ алломалари. Энциклопедияси. Таҳрир ҳайъати. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016. – 612 б.

VI. ШАРҚ ТИЛЛАРИДА ЁЗИЛГАН МАНБАШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАР ҲАҚИДА

Режа:

1. Араб тилида ёзилган дастлабки манбалар
2. Форс тилининг ислом дини манбаларини ётиришдаги ўрни
3. Туркий тилда яратилган асарлар ва уларнинг муаллифлари
4. Шарқ тилларида ёзилган манбаларнинг тарқалиши географиясига оид маълумотлар

Таянч сўз ва иборалар: Қуръон, араб тили, Хуросон, Мовароуннаҳр, илмий ва адабий тил, фан олимлари, ҳадислар тўплами, сийрат, форс-тожик тили, битиклар, Наршахий, «Бухоро тарихи», суғд, ўрхун-энасой, уйғур, чиғатой, форс, туркий ёзув, турк уруғ ва қабилалари, қадимги номлар, эски ўзбек тили, ёзма ёдгорликлар, илм-фан тараққиёти, тарих саҳифалари, Бағдод, Сомонийлар, Қорахонийлар, туркий тиллар тармоғи.

1. Араб тилида ёзилган дастлабки манбалар

Араб тилида ёзилган дастлабки асл манбалар сифатида “Қуръон”, Муҳаммад алайҳис саломнинг вафотларидан кейин иккинчи муқаддас манба бўлмиш “ҳадис”лар, учинчи ўринда турувчи “сийра”ларнинг (Муҳаммад алайҳис саломнинг ҳаёт йўллари) тўпланиши билан бошланди.

Ўрта Осиёга араблар VII аср ўрталарида, аниқроғи, милодий 651 йили Марв шаҳрини фатҳ қилганларида араб

ёзуви билан бирга кириб келдилар. Ҳижрий 81, милодий 701 йилда араб тили Ўрта Осиёда давлат тили деб эълон қилинди. Шундан кейин халифаликнинг таркибий қисми бўлган Хуросон ноиблигида (Ўрта Осиё халифалик таркибида шундай юритилар эди) хўжалик ва ҳисоб-китоб ишлари секин-аста араб тилида олиб борила бошланди.

VIII асрнинг ўрталарида араб тили Хуросон ва Мовароуннахрнинг ҳамма жойида маъмурий тил сифатида тарқалди. Араб халифалигининг мустаҳкамланиши ва исломнинг кенг ёйилиши билан араб тили фақат давлат бошқарув ишларида эмас, балки ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига ҳам кириб бораверди. Хуросон ва Мовароуннахрдаги маҳаллий мулкдорлар ҳам ўзларининг имтиёзли шарт-шароитларини сақлаб қолиш ва араб халифалигининг амалдорларига тенглашиш мақсадида араб тилини ўргандилар, хат-савод, ўқув ишларида, ёзув адабиётида араб тилини жорий қилишга интилдилар.

IX асрларга келиб Ўрта Осиёда араб тили илмий ва адабий тил даражасига кўтарилди. Ана шу даврда турли фан соҳалари бўйича етишган илоҳиёт олимлари, муфассирлар, фақиҳлар, риёзиюнлар, мунажжимлар, тилшунослар, тарихчилар, табиб ва бошқалар ўз асарларини араб тилида ёздилар. Буларга Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850), Аҳмад ас-Сарахсий (837/899), Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899/959), Сулаймон ал-Хаттобий (931/998), Абу Наср Муҳаммад Форобий (873/950), Аҳмад Фарғоний (ваф.861), Аҳмад Марвазий (ваф. 887), Ибн Наср Жайҳоний (ваф.942), Маҳмуд Қошгарий (XI аср), ас-Саолибий (961-1038), ат-Табарий (X аср), Ибн Хурдодбех (820-912), Ибн Руста (IX-X асрлар), ал-Истахрий (X аср) ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Энциклопедик олимлардан Абу Райҳон Беруний, унинг замондоши Ибн Сино ҳам ўзининг барча асарларини араб тилида тасниф этдилар.

VII-X асрларга келиб, бутун ислом олами тан олган ол- тита ҳадислар тўплами вужудга келди. Булар асосан марка- зий осиелик муҳаддислар, жумладан, Имом Бухорий, Имом Муслим, Термизий, Насоий, Абу Довуд, Имом Доримий ва Имом Можжа томонидан йиғилди.

Сийра туркумидаги асарлар аввалда ҳадислар ривоя- тининг бир қисми бўлган бўлса, кейинчалик муҳаддислар орасидан фақат ҳадис билан чекланмай тарих илмига ҳам алоҳида эътибор берувчи олимларнинг етишиб чиқиши натижасида Муҳаммад алайҳис саломнинг пайғамбарлик фаолиятларига оид турли мавзуларни қамраб олган алоҳи- да соҳа ривожланди.

Сийра илк ислом даврининг адабий жанри бўлиб, “ҳаёт йўли”, “турмуш тарзи” маъноларини билдириб, сийра “сунна” (одат) сўзи билан маънодошдир. Дастлабки сий- ра, ибн ал-Муқаффа (102-39/720-56) Эрон подшоҳлари та- рихини паҳлавий тилидан “Сийари мулки ажам” (Ажам шоҳи сийралари) номи остида ёзилганлиги манбалардан маълум. Кейинчалик шу йўналишда Авона ибн ал-Ҳаким (ваф. 147/764) “Сийрат Муовия ва бани Умаййа” (Муовия ва Бану Умаййа тарихи), имом Насавийнинг “Сийрату султон Жалол ад-Дин Манкбурни”, Софий ар-Раҳмон ал-Муборак- фурийнинг “Равзатул анвор фи сийрат ал-Набий ал-Мух- тор”, Абон ибн Абдулҳамид ал-Лоҳикий (ваф. 200/815) эса, “Сират Ардашер” ва “Сират Ануширавон” номли асарлар битган. Сийраларни ўзбек халқ оғзаки ижоди намунаси- даги “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби дostonларга қиёслаш мумкин.

Сийра услубида таълиф этилган китоблар

Сийратни ўрганишда исломни ўрганиш масаласи ту- ради. Муҳаммад алайҳис саломнинг ҳаётлари давомида У зотнинг сийратлари минглаб кишилар томонидан ўрга-

нилди. Вафотларидан кейин ҳам бу анъана давом этиб, У зоднинг ҳаётларини чексиз эҳтиёж билан ўрганиш ва гўзал ҳаёт тарзларини ўзлаштириш кўпчиликнинг иштиёқига айланди. Ислом тарихида биринчи яратилган китоблар ҳам айнан сийрат асарлар бўлган.

Муҳаммад алайҳис саломнинг ҳаётлари, пайғамбарлик фаолиятлари тарихини қамраб олган асарлар хижратнинг иккинчи йили “Мағозий ан-Набий”, “Мағозий Расулиллаҳ” (Пайғамбар алайҳис саломнинг ғазотлари) номларини олган. Манбаларда бу ном билан қатор асарлар учрайди. Жумладан, ибн Уқба (ваф.141/759), ибн Исҳоқ ал-Мутталибий (ваф.151/768), Абу Урва ал-Куфий (ваф.153/770), Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидий (ваф.207/823), Рашид Ризонинг “Саййидина Муҳаммад”, Асад Муҳаммад Саййид ас-Соғужийнинг “Саййидина Муҳаммад Расулуллоҳ ал-усва ал-ҳасана” асарларини келтириш мумкин. Шулардан, ибн Исҳоқнинг “ал-Мағозий”си ҳозирги кунгача Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирийнинг “ас-Сийра ан-набавийа” асари орқали етиб келган. Асар немис, инглиз, турк тилларга таржима қилинган. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси (2011 йил) ҳам бор. Мана ўн тўрт аср ҳам ўтибдики, сийратни ўрганиш орқали янги хулоса ва ютуқларга эришилмоқда. Аллоҳ таоло айтади: “Батаҳқиқ сизлар учун Аллоҳнинг Расулида гўзал ўрнак бор” (Аҳзоб, 21оят). Бу оят У зотнинг сийратларини ўрганишни тақозо этади.

Ўзбек тилида ҳам сийра туркумида ёзилган замонавий нашрларни учратиш мумкин. Жумладан, “Нурул яқин”, Нубувват ва рисолат (Ҳадис ва ҳаёт, 19), Закои Кўнрапаннинг “Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара”, Олтинхонтўранинг “Нурул басар”, Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий”, Аҳмад Лутфий Қозончининг “Саодат асри қиссалари”, доктор Рамазон Бутийнинг “Фикҳ ас-сийрат

ан-набавия” каби китоблар аллақачон омма қўлига етиб борган.

2. Форс тилининг ислом дини манбаларини ётиришдаги ўрни

IX-X асрларда араб тили Хуросон ва Мовароуннаҳрда дин, давлат, фан ва адабиёт тили сифатида муҳим роль ўйнаган бўлса ҳам, мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган қишлоқ ва шаҳар халқининг тил тараққиётига салбий таъсир ўтказа олмади. Маҳаллий аҳоли ўзининг тил анъаналарини сақлаб қолди ва кўплаб оғзаки ижод асарларини яратишни давом эттирди. Сомонийлар даврида форс-тожик тилининг аста-секин давлат тилига айланиши билан бу тилдаги адабиётнинг ҳам гуркираб ўсишига қулай шароит туғилди.

Бир оз кейинроқ X-XII асрларда эски туркий тилнинг узил-кесил шаклланиши билан бу тилдаги ёзма адабиёт ҳам юзага келдики, унинг шу даврдаги ёдгорликлари – Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ва Аҳмад Югнакий каби буюк ижодкорларнинг асарлари барча туркий халқлар учун муштарак илмий мерос сифатида қаралди.

Араб халифалиги қудратининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий заифлашуви аксинча маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши аста-секин марказий ҳукумат номигагина Бағдодда бўлиб, унинг ўлкалардаги ноиблари деярли мустақил давлатлар сифатида фаолият кўрсата бошладилар. Бу эса маданият, илм-фан соҳасига катта таъсир ўтказди.

Араб ёзувда битилган эпиграфик манбаларни ўрнига қараб диний панд-насихат мазмунидаги битикларга ва хотира (эсдалик учун ёзилган) каби меросларга ажратиш мумкин. Эсдалик учун ёзилган битикларга иморатларнинг пешдоқидаги ёзувлар ҳам киради. Бу битикларда асосан иморатнинг қуриб битказилган санаси, уни қуриш ташаб-

буси билан чиққан кишиларнинг ёки шу бинони қурган уста-меъморнинг номи ҳамда шу бинони қуриш билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисалар баён этилган. Бундан ташқари Ўрта Осиё ҳудудида жуда кўп эпитафиялар-мақбаралар ёки қабрларнинг устига битилган ёзувлар ҳам борки, уларни ўрганиш тарих фани учун жуда муҳим материаллар беради.

Эпиграфик ёдгорликлар Ўрта Осиёнинг барча шаҳар ва қишлоқларида топилади. Лекин уларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги жиҳатидан олдинги ўринларни Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз (Кеш), Термиз, Тошкент (Шош) каби шаҳарлар эгаллайди. Бундан ташқари жуда кўплаб эпиграфик ёдгорликлар Ахси, Чуст, Косон, Поп, Далварзинтепа, Қўхна Урганч каби ҳозирда шаҳар сифатида ўз қийматини пасайтирган ёки турли тарихий сабабларга кўра, харобага айланган аҳоли пунктларидан ҳам топилган.

Юқорида айтилганидек, диний мазмундаги битик ва панд-насихатга оид матнлар моддий ёдгорликларнинг барчасида мавжуд. Диний мазмундаги бундай матнлар асосан араб тилида битилган. Ёдгорликнинг бошқа қисмлари эса XIV-XV асрларда форсий тилда яратилган. Чунки форсий тил ўрта асрларда мусулмон ўлкалари зиёлий қатламнинг тили бўлиб хизмат қилган. Ҳар бир саводли киши форс тилини маълум даражада билиши талаб этилган. Айниқса шоирлар, мирзалар, ҳунарманд-усталар бу тилни жуда яхши эгаллаганлар. Шунинг учун айрим эпиграфик ёдгорликлар форсий тилда ҳам бунёд этилган. Масалан, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасида мавжуд ёзувларнинг кўпчилигини форсий матнлар ташкил этади.

Мусулмон шароитида кўпчилик арабий ва форсий битикларнинг ижодкорлари диний раҳнамолар ёки уларга яқин турган одамлардан иборат бўлган. Шунинг учун барча эпиграфик ёдгорликларда диний мафкура устун турган. Натижада улар қандай категорияга мансуб бўлмасин, ис-

лом динида энг кўп ишлатиладиган арабий ва қуръоний иборалар кўплаб ишлатилган.

Қабрлар устига қўйилган қайроқлар кўпи Ўш вилояти Янги Навкат қишлоғи қабристонида, Гулистон қишлоғидаги Шош Фозил мозорида, Ўзғандаги мақбараларда учрайди. Қирғизистоннинг турли жойларидан топилган бир неча қайроқлар ҳозир Бишкек, Ўш, Фарғона музейларида сақланмоқда.

Қайроқтошлар устидаги ёзувлар асосан араб тилида битилган. 20 га яқин қайроқтош бундан мустасно, улардаги матнлар форс тилида ёзилган. Туркий тилда ёзилган қайроқтошнинг ҳозиргача бир донаси аниқланган холос. Бу қайроқ Бурон шаҳарчасидан топилиб, ундаги матн араб ёзувига асосланган туркий тилда битилган. Унда «Имакчи (яъни новвой) Алининг ўғли Умар» деган ёзув ва 603 хижрий санаси ўйиб битилган. Шунингдек, бу қайроқда мучал йили ҳам кўрсатилган (бичин яъни маймун йили).

Қайроқтошлардаги ёзувлар бир хил эмас. Матнлар ҳажм ва мазмун жиҳатидан турлича бўлиб, айримларида мақтовлар, марҳумнинг ҳаётдаги қилган ишлари кўкларга кўтариб мақталган, бундай қайроқлардаги ёзув чиройли ва йирик ҳарфлар билан битилган ва улар кўпинча руҳонийлар мақбарасига мансуб шахслар ёки ҳукмронлар қабри устига ўрнатилган.

Номигагина халифаликка қарам мамлакатларда аввал оддий халқ орасида, аста-секин олимлар ва давлат аъёнлари ва раҳбарлари орасида араб тили билан форс ва туркий тиллардан фойдаланилиши натижасида араб тили фақат дин ва диний билимлар тилига айланди. Шеърят ва тарихда форсий туркий тиллар маълум мавқега эга бўлиб, уларда илмий, бадий ва тарихий асарлар яратилди, давлат ҳужжатлари юритила бошланди. Бора-бора форсий тил давлат тили даражасига кўтарилиб, бу тилда жуда кўп бадий ва тарихий асарлар яратилди.

Улардан бири Наршахий (899-959) бўлиб, тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарикдир. X асрда ижод қилган бухоролик йирик тарихчи сифатида машхур. Тарихчи Самъоний маълумотиغا қараганда Наршахий асли Бухоронинг Наршах (ҳоз. Вобкент) қишлоғидан. Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” номли машхур асарини 944 йили ёзиб тугаллаган.

“Бухоро тарихи” асарининг Наршахий ёзган араб тилидаги асл нусхаси сақланиб қолмаган. Асар 1128 йили фарғоналик (Кува шаҳридан) Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубавий тарафидан илк бор қисқартирилиб, форсий тилга таржима қилинган. Орадан тахминан 50 йил ўтгач, 1178 йили котиб Муҳаммад ибн Зуфар Ибн Умар томонидан «Бухоро тарихи» асари иккинчи марта таҳрир этилган.

“Бухоро тарихи” асарининг бизгача етиб келган нусхаларида 1178-1220 йилги воқеалар баёни китоб таркибига киритиб юборилган. Шу эътибордан Наршахийнинг асари учинчи марта номаълум муҳаррир томонидан тўлдирилган кўринади. “Бухоро тарихи” Мовароуннаҳрга арабларнинг кириб келиши, мазкур ҳудудда ислом динининг тарқатилиши ҳамда мамлакатнинг Сомонийлар ҳукмронлиги йилларидаги бошқаруви тарихини баён этган ноёб манбадир.

Асарнинг форсий матни 1892, 1894, 1904 ва 1939 йилларда Париж, Бухоро ва Техронда чоп этилган. Китоб рус, инглиз ва ўзбек тилларига (1897, 1954, 1966 йиллари) таржима қилинган.

3. Туркий тилда яратилган асарлар ва уларнинг муаллифлари

Бугунги кунда дунёда ёзувларнинг тўрт юзга яқин тури аниқланган бўлса-да, лекин ҳамма ёзувларнинг тараққиё-

ти ва тақдири турлича кечган. Аксарларининг хатто келиб чиқиши аниқланмаган. Маълумки ҳар-бир ёзув тизими жонли бўлиб, доим ўзгариб, такомиллашиб бориш натижасида ривож топади. Ёзув тизимини ўрганиш соҳасида тадқиқот ишларини олиб борилаётганига икки юз йилдан ошди. Шу аснода айрим ёзувларнинг сири тўла очилди, бошқалари эса ўз навбати кутмоқда.

Ҳар бир миллат ва халқлар ўзининг ёзув ва хат тарихига эга. Ўзбек халқи қарийб икки минг йиллик адабиёти тарих давомида суғд, ўрхун-энасой, уйғур, араб, чигатой, форс, туркий ёзувларидан кенг фойдаланиб келди. Ёзувни биладиганлар ҳамиша ўз даврининг ҳурматли шахслари бўлганлар. Туркий халқлар империяси даврига келиб, араб, форс, туркий ёзувлари камолот чўққисига етган бир даврга айланди. Олим, адиб ва шоирлар ўзбек тилида ижод қилиш билан бирга араб ва форс-тожик тилларида ҳам талайгина асарлар яратдилар. Ўзбек халқининг моҳир таржимонлари эса, бошқа халқлар адабиётининг энг намунали ёдгорликларини ўз она тилларига таржима қилдилар. Жумладан улар қаторига, “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна”, “Гулистон”, “Шоҳнома” ва бошқалар киради.

Қадимги даврларда туркий қабилалар Сибирдан Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудда, баъзилари ўтроқ, баъзилари кўчманчи ҳолда яшаганлар. Маҳмуд Қошғарий “Девону луғоти-т-турк” асарида шундай ёзади: “Ғарбда Рум чегарасида Шарқда Чин ичигача бўлган ҳудудда турк уруғ ва қабилалари шу тартибда жойлашган: печенег, қипчоқ, ўғуз, йемен, бошқирд, басмил, қайи, ябақу, татар, қирғиз, чигил, тўхси, яғмо, уғроқ, чарук, чўмул, уйғур, тангут, хитай”. Кейинги саҳифаларда у Ғарбдаги булғор ва сувар қабилаларини ҳам тилга олади. Мазкур ҳудудларда топилган қадимий қабрлар ва тошларга битилган ёзувлар ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди.

Туркий халқлар Шарқий ва ҳатто Ғарбий Европада, Кичик Осиё, Марказий Осиё ва Ғарбий Сибирда ҳам турли номлар билан бир неча минг йиллар давомида яшаб келганлар. Уларнинг этник тақибни ўзгармаган бўлса-да, турли даврларда мазкур туркий халқлар ва қабилаларнинг ҳукмрон мавқега эришуви натижасида умумий номлари ўзгариб турган. Шарқий Европа ва Кичик Осиё туркий халқлари тарихини ўрганган даниялик олим П.Ф.Сум XIX асрда шундай фикрга келган эди: “Туркларнинг умумий номи бир қабиланинг иккинчиси устидан ғолиб чиқишига боғлиқ равишда тез-тез ўзгариб турган. Скифлар, Сарматлар, Аланлар, Хунлар, Хазарлар, Узлар ёки Команлар, Татарлар – моҳиятан бир-бирининг ортидан келган умумий номлардир”.

“Девону луғоти-т-турк” асари ёзилганидан буён 1000 йил вақт ўтди. Аммо туркий халқлар ҳозир ҳам айнан ушбу асарда қайд этилган ҳудудларда яшамоқдалар. Энди улар кўпчилигининг номи ўзгарган. Қадимги номлардан фақат – татар, бошқирд, қирғиз, уйғур ва булғор атамаларигина сақланиб қолган. Кўпгина қabila ва уруғлар ҳозирги турк, озарбайжон, ўзбек, қозок, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа туркий халқлар таркибига кирган.

Дастлабки туркий ёзма манбалар милоднинг VI асридан вужудга кела бошлаган. Хитой манбаларида, эроний тиллардан сўғд, хоразмий ва паҳлавий тилларида ёзилган ёдномаларида ҳам қадим туркий сўзлар учрайди. Эски туркий тил VI-X асрларда кўк турк, уйғур, маоний, браҳма ёзувларида яратилган ёзма ёдгорликларда ўз аксини топган бўлса-да, бу тилга мансуб энг қадимий ёзма ёдгорликлар бизгача етиб келмаган. Милод бўсағасигача сақланиб қолганлари эса юнон-рим тарихчиларининг асарларида лотинча ва юнонча талаффуз билан сақланиб қолган. Шунинг учун эски туркий ёзуви ёки тилининг фо-

нетик ва грамматик меъёрлари ҳақида бирор фикр юритиб бўлмайди.

Эски туркий тил эски ўзбек адабий тилининг юзага келишига замин яратиб берди. Ўзбек адабий тили тарихининг XI-XIV юз йилликлари биринчи ярми тилшунослигида “Эски ўзбек тили” деб юритилади. Айниқса, Марказий Осиёда туркий халқ, қабила ва уруғларнинг йирик марказлашган давлати – Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши билан туркий тилнинг нуфузи анча ортди. Давлат маркази дастлаб, Қошғар (Ўрдакент) бўлиб, кейинчалик Ўзганд шахрига кўчган. Марказ шаҳарлари сифатида яна Шош, Сайрам, Болосоғун, Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарлари бўлган. Туркий халқлар сиёсий мавқеининг мустақамланиши, уларнинг тобора ўтроқлашиши, айниқса, шаҳар ҳаётида фаол иштирок этишлари туркий тиллар нуфузини янада оширишга хизмат қилди. Бунинг натижаси ўлароқ, жуда кўп туркий қабилаларнинг аралашувидан эски туркий тил вужудга кела бошлади. Бу тилни барча туркий қабилалар учун тушунарли бўлган адабий тилга айлантириш; туркий халқларнинг тил хусусиятлари, сўз қўллаш меъёрлари, луғат бойликларини ўрганиш ва шу асосда адабий тилнинг келажакдаги тараққиёт йўллари ишлаб чиқишда туркий адабиётнинг ёзма ёдгорликлари – қўлёзмалари муҳим ўрин тутди.

X-XII асрларда қатор туркий ёзма ёдгорликлар вужудга келди. Булар орасида айниқса, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Яссавийнинг “Девони Ҳикмат” ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳийбатул ҳақойиқ” каби буюк ижодкорларнинг асарлари барча туркий халқлар учун муштарак илмий мерос сифатида қаралди.

Туркий халқлар тили, адабиёти, фани тарихида биринчи туркийшунос номи билан юритилаётган Маҳмуд Қошғарий туркий халқларнинг тиллари билан жуда қизиққан

ва бу соҳани ўрганишга жиддий киришган. Шу мақсадда олим Хитойдан то Кичик Осиё (Рум)гача – туркий халқ, қабила ва уруғлар яшайдиган жойларни бирма-бир кезиб чиққан. У барча материалларни тўплаб олгач, Қошғарга қайтиб келган ва шу ерда “Девон”нини тузишга киришган. Маҳмуд Қошғарий бу ишини 1072 йилда бошлаб, 1077 йилда тугатган. Энг сўнги таҳрирни 1083 йилда тамомлаб, халифа ал-Муқтадийга тақдим этган.

XI асрнинг йирик туркий адабиётларидан яна бири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридир. У таниқли давлат арбоби, тарихчи, адабиётчи, тилшунос-шоир ва олим бўлиб, ундан бизгача ягона “Қутадғу билиг” достони етиб келган. Достон 1070 йил Баласоғунда ёзила бошлаб Қошғарда тугатилган. Кейн Қорахоний ҳукмдорларидан бўлган Тавғоч Буғра Қора хоқон Абу Али Ҳасан ибн Сулаймон Арслон Қорахоқонга тақдим қилади. Буғраҳон шоирни тақдирлаб, унга Хос Ҳожиб (эшик оғаси) унвонини беради.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да ўз даври учун зарур бўлган барча ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масалаларга тўхталиб ўтади, биринчи навбатда илм-маърифатнинг жарчиси, донишманди сифатида майдонга чиқади. Шунинг учун у кишиларни, давлат бошлиқларини илм олишга даъват қилади. Ўз асарини “Қутадғу билиг” (Саодатга йўлловчи билим) деб аташидан мақсад ҳам шудир.

XII асрда яратилган эски туркий адабиёт ёдгорлиги Аҳмад Югнакийнинг “Ҳийбатул ҳақойиқ” асаридир. Бироқ бу асарнинг ҳамма қўлёзмалари XV асрда китобат этилган. Шунинг учун уларни XII аср туркий қўлёзмаси сифатида таҳлил эта олмаймиз.

XII асрда яратилган эски туркий адабиётнинг яна бир ёзма ёдгорлиги Аҳмад Яссавийнинг “Девони Ҳикмат” асаридир. Девоннинг қадимий қўлёзмалари бизгача етиб келмаган. Фақат тўртта ҳикмат XV асрда кўчирилгани маълум,

холос. “Девони Ҳикмат”нинг қадимий қўлёзмалари XVII асрга мансуб. Лекин асарнинг XVIII ва XIX асрларда кўчирилган юзлаб қўлёзма нусхалари мавжуд.

XIII-XV асрларда 1233 йилда Волга бўйида Али Қули томонидан “Қиссайи Юсуф” достони яратилди. Шунингдек, уйғур ёзувида битилган бадий манбаларнинг энг йириги “Ўғузнама” достонидир. “Ўғузнама” туркий халқлар оғзаки ижодида энг қадимги қаҳрамонлик эпосларидан бири бўлиб, шахснинг ишонч-эътиқоди, дунёқараши, халқнинг расм-русмларини акс эттирган.

XIV асрда Хоразм ва Олтин Ўрдада бир неча туркий ёзма обидалар юзага келди. Бу даврнинг йирик ёзма ёдгорликларидан бири Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридир. Асар ўзбек адабиётининг ҳажм жиҳатидан анча катта ёдгорлиги ҳисобланади. Асар матнининг яратилган даврига яқин қўлёзмалари етиб келмаган. XV асрга оид икки қўлёзмаси – бири Голландияда, иккинчиси Британия музейида, XVI асрга оид қўлёзмаси Санкт-Петербург давлат кутубхонасида сақланади.

Шайх Шарифий 1313 йил Хоразмда “Муъинул мурид” (“Муриднинг ёрдамчиси”) номли асарини ёзди. Бу асар ислом ақидасининг шеърий йўл билан қилинган баёни бўлиб, унинг ягона нусхаси Туркиянинг Бурса шаҳридаги кутубхонада сақланади.

Али ибн Маҳмуд 1360 йилда “Наҳжул фародис” (“Жаннат йўллари”) номли асарини таълиф этди. Унинг нусхаси Туркиянинг Истанбул шаҳрида сақланади. Котиб ўзининг Хоразмий эканига ишора қилган.

Хусам Котибнинг “Китоби жумжума” асари 1368-1369 йилларда ёзилган. Бу асар форс-тожик шоири Фаридуддин Атторнинг “Жумжуманом” асарини қайта ишлаш асосида яратилган. Унда руҳ билан тананинг манзараси акс эттирилади.

XIV асрда Хоразмда таълиф этилган ёзма ёдгорликлардан яна бири “Муҳаббатнома”дир. Асарнинг икки қўлёзмаси сақланган бўлиб, бири уйғур ёзувида 1432 йилда кўчирилган. Иккинчиси араб ёзувида 1508-1509 йилларда китобат бўлган. Ҳар иккала нусха Британия музейида сақланади.

Шу даврнинг ёзма ёдгорликларидан яна бири Қутбнинг “Хисрав ва Ширин” достонидир. Бу асар 1340 йилда Сиғноқ шаҳрида яратилган. Асар Низомий Ганжавий “Ҳамса”сидаги достоннинг биринчи марта туркий тилга қилинган эркин таржимасидир. Унинг 1483 йил Искандария (Миср)да кўчирилган ягона қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасида сақланади.

XIV асрда баракали ижод қилган олимлардан яна бири Сайфи Саройидир. У ўзининг шеърлари, достонлари ва таржималари билан замондош туркийгўй адабий муҳит олимлари орасида сермахсул ижоди билан ажралиб туради.

Ўзбек тарихи ва адабиётида бу юксалиш XV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб янада самарали бўлди. Бу теурийларнинг илм-фан ишларига ҳомийлик ва ғамхўрлик қилишлари билан бевосита боғлиқдир. Бу асрнинг иккинчи ярмида туркий тилда битилган қўлёзмаларнинг мавзу жиҳатидан кенгайиб бориши, миқдорининг ортиши бу соҳада катта бурулиш бўлди. Бу ҳолат, биринчидан, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар ҳомийлиги ва раҳбарлигида Ҳирот хаттотлик санъати ва китобат ишининг тараққиёти билан алоқадор бўлса, иккинчидан, шахсан Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиётини юксак даражага кўтариш учун олиб борган кураши билан боғлиқ. Навоий ўзининг деярли барча асарларини ўзбек тилида ёзди. Айниқса, “Ҳамса”, “Ҳазойинул маоний” ва бошқа насрий асарлари ўзбек тили ва адабиёти тарихида сўнгмас ёзма манбалар бўлиб қолди.

Туркийда битилган бу каби асарларнинг қўлёзмалари ҳозирда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Душанбе, Ашхабод, Боку, Санкт-Петербург, Қозон, Истанбул, Анкара, Дехли, Ҳайдаробод, Техрон, Париж, Лондон, Қоҳира, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарлардаги кутубхона ва музейларда сақланмоқда.

4. Шарқ тилларида ёзилган манбаларнинг тарқалиши географиясига оид маълумотлар

Инсоният тафаккури ва ақл-заковати илм-фан ривожини ва тараққиётида улкан кашфиётларни юзага келтира олган юнон-рим маданияти IV-асрда инқирозга юз тутди. Бу даврга келиб илм-фан тараққиётидаги юксалиш нисбий тус олиб, қўлга киритилган ютуқлар ҳам аста-секин унутила бошлади. Бу эса, Европа учун катта инқироз ва йўқотиш палласи бошланганини билдирарди. Шунга қарамай, Эрон, Ўрта Осиё, Хитой ва Ҳиндистонда баъзи юнон олимлари ўз фаолиятини давом эттириб, илм-фаннинг араб мусулмон диёрларига кўчиб ўтишига замин яратдилар. Айниқса, Хулафои рошидинлар даврида Европа бўйлаб бошлаб берилган ислом фатҳлари бунга асосий сабаб бўлганини алоҳида эътироф этиш керак. Ислом байроғи остида араб лашкари ер юзининг шимол, Ғарб ва Шарқ томонида жойлашган турли мамлакатларга ҳарбий юришлари натижасида ўз ҳудудларини тобора кенгайтириб, халқлараро маданият ва алоқалар ривожига шароит яратиб бердилар.

Тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган Умавийлар халифалигининг давлат бошқаруви (661-750) йилларни ўз ичига олиб, Муовия ибн Абу Суфёндан то Марвон II Ҳиморларнинг ҳукмронлик даврига қадар жами ўн икки халифа томонидан идора этилди. Шулардан Муовия, Абдумалик ва Ҳишомлар сулоланинг машҳур халифалари бўлиб, ҳар бирлари Дамашқда узоқ вақт ҳукмронликни қўлда тутиб турдилар. Бироқ Марокашда 740 йил барбарлар, 742 йилда

хорижийлар қўзғолони Умавийлар давлати инқирозини тезлаштириб юборди. Натижада, 750 йилга келиб умавийлар халифалиги батамом тугатилди, давлат бошқаруви аббосийлар қўлга ўтди. Аббосийлар сулоласи беш юз йил ўз бошқарув сиёсати билан тарих сахнасидан тушмади. IX-асрга келиб араб халифалиги мустаҳкам оёққа туриб, халифалик пойтахти Бағдодга кўчирилди ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ислохотлар амалга оширилди. Натижада, пойтахтга турли давлатлардан илм аҳлининг келиб муқим фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилди. Қадим Шарқнинг бу даврда барча илм-фан соҳаларда яратган инқилобий ўзгаришлари “ренессанс” сифатида баҳоланиб келмоқда. Хусусан, машҳур инглиз олими Ж.Бернал ўзининг “Жамият тарихида фан” номли фундаментал тадқиқотида бу даврга катта баҳо бериб: “Европанинг аксарият қисми Рим империясининг таъназули келтириб чиқарган тартибсизликлардан қийналаётган вақтида мусулмон олами ёрқин тараққиёт даврини бошидан кечираётган эди”, деб қайд этиши ҳам бу даврга нисбатан ҳолис эътирофдир.

Бағдод халифалигининг собиқ ҳудудида ташкил топган энг йирик давлатлардан бири Сомонийлар давлати (819-999) эди. Унга Нух ибн Асад (819-842) асос солди. Бу давлат, айниқса X асрнинг биринчи ярмида Исмоил ибн Аҳмад давридан (892-907) бошлаб кучайди. Сомонийлар Мовароуннахр, Хуросон, Эрон, ҳозирги Афғонистоннинг катта қисми, шунингдек, Тошкент, Туркистон ва Испижоб (Сайрам) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар.

Сомонийлар йирик ер эгалари, нуфузли руҳонийлар ҳамда йирик савдогарларнинг кўмагига таяниб, тарқоқлик ва ички урушларга, Ила водийси ва Сирдарё бўйларида кўчиб юрган қорлуқларнинг хуружларига барҳам бердилар (893). Бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига йўл очди.

Бу сулола даврида марказий давлат бошқаруви бирмунча такомиллашди. Амир Давла бу сулолани ўнта муассасаси (девон): девони вазир (Бош маҳ-кама), девони муставфий (молия ишлари маҳкамаси), девони омид ул-мулк (иншо ва элчилик идораси), девони соҳиб шурут (амир гвардияси ишлари билан шуғулланувчи идора), девони соҳиб барид (почта ишлари маҳкамаси), девони мушриф (ўзига хос давлат хавфсизлиги идораси), девон ад-дия (амирнинг ер-мулкини бошқарувчи идора), девони мухтасиб (шариат ишлари маҳкамаси), девони вақф (вақф ишларини назорат қилувчи идора), девони қуззот (қозилик маҳкамаси) ёрдамида бошқарган. Лекин, давлатни бошқаришда турк амирларининг роли жуда катта бўлди. Сомонийлар даврида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди. Марказ шаҳарлардан Бухоро, Самарқанд, Марв, Балх, Ғазни, Ҳирот ва Тошкент каби Амир гвардияси турк ғуломларидан ташкил топган ва давлатни идора қилишда катта роль ўйнаган. Бу давлатнинг Ҳазар хоқовлиги, Булғор хонлиги, Русь ва Хитой билан иқтисодий-маданий алоқалари бирмунча ривож топди.

Бу давр илм-фан ва маданиятнинг ўрта аср шароитида бениҳоят ривожланган асри ҳисобланади. Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий сингари улкан шоирлар, Фаробий, Беруний, Ибн Синодек алломалар етишиб чиқдилар.

Х аср охирларига келиб маҳаллий тарқоқлик янада кучайди. Ҳамадон, Исфохон ва Райда Буваҳийлар, Табаристон ва Журжонда Зиёрийлар мустақилликка эришдилар. 962 йилда Сомонийларнинг Ғазнадаги ноиб Алптакин ҳам мустақиллик эълон қилди. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар, шунингдек, Чағониён ва Хоразм ҳам Сомонийларга итоат этишдан бош тортдилар.

Мамлакатда юз берган ижтимоий-сиёсий парокандаликдан Қорахонийлар усталик билан фойдаландилар. Улар

996 йили Зарафшоннинг шимолий тарафидаги барча ерларни, 999 йили эса Бухорони ишғол этиб, Сомонийлар ҳукмронлигига барҳам бердилар.

Қорахонийлар X асрнинг 90-йилларида Шарқий Туркистон, Етгисув ва Тяньшаннинг жанубий қисмида ташкил топган давлатга асос солган сулола 996-999 йиллари Наср ибн Али (ваф.1012 й.) бошчилигида бутун Мовароуннаҳрни эгаллади. Фақат сомонийлар лашкарбошиси Абу Иброҳим Исмоил (Мунтасир) 1001 йилгача қарахонийлар билан курашди, лекин улардан устун кела олмади.

Наср ибн Алидан кейин Мовароуннаҳрни Илигхон Али Такин (ваф.1034 й) идора қилди. 1025 йили Кошғар хони Қодирхон (Тамғочхон) билан Маҳмуд Ғазнавий (998-1030 йй.) биргаликда Мовароуннаҳр устига юриш бошладилар. Али Такин Бухоро ва Самарқандни қолдириб чўлга чекинишга мажбур бўлди. Иттифокчилар Мовароуннаҳрда ўз ҳарбий-сиёсий мавқеларини мустаҳкамлай олмасдан уни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

1032 йили Хоразм ҳукмдори Олтинтош (1017-1032) ҳам уриниб кўрди, лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди. Тарихий манбалар, масалан, Абулфазл Байҳақий берган маълумотларга қараганда, Али Тагиндан кейин Тахминан 1040 йилга қадар унинг ўғиллари ҳукмронлик қилдилар. Улардан кейин 1060 йилгача Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср ҳукм юритган.

Бу даврда Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (X аср), Маҳмуд Кошғарий (тахминан 1029-1038 йиллар орасида туғилган) каби забардаст олимлар, Унсурий, Амъоқ Бухорий, Сўзаний Самарқандий, Низомий Арузий Самарқандий, Юсуф Хос Хожиб Боласоғуний каби ажойиб шоирлар ва адиблар етишиб чиқдилар. Мамлакатда кўплаб масжид, Мадраса, карвонсаройлар, баланд миноралар ва бошқа монумент-

тал бино ва иншоотлар барпо этилди. Ҳазора туманидаги (Бухоро) Деггарон масжиди, ўша атрофдаги Работи Малик карвонсаройи (XI аср), Бухородаги масжиди калон (1127 йили қурилиб битказилган), Вобкентдаги минора (1198-1199- йиллари қурилган), Шоҳизинда ва Афросиёбдаги (Самарқанд) айрим бинолар, Хоразмдаги Бўроя қалъа, Ноиб қалъа ва Фаҳриддин Розий мақбараси (XII аср), шунингдек, ҳозирги Қирғизистон ва Туркманистон ўрнида қурилган бино ва иншоотлар шулар жумдасидандир.

Бу даврда махсус котиб ёки дабирликка қанча катта эътибор берилгани Низомий Арузий Самарқандийнинг “Тўрт мақола” асарида баён этилиб, айрим мактублар намуналари келтирилган. Мусулмон ҳуқуқшунослиги Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асарида кейинча ўзининг расмий тавсифини топди.

Араб тилида ижод этган юртимиз олимлари жумласига, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Саид Самъоний, Шаҳобуддин Муҳаммад Нисовий ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ал-Хоразмий томонидан яратилган Китоб ал-сурат ал-арз” (“Ер тасвири китоби”) асари юнон олими Птоломийнинг жуғрофияга оид китобини араб тилига таржима қилган ва уни ўзининг янги маълумотлари билан бойитган. Асарда Каспий денгизи ёки Хоразм ҳақида қимматли маълумотлар бор. Айниқса, Ўрта Осиё тарихига оид жуғрофий маълумотлар илмий аҳамият касб этган. Китобнинг 937 милодий, ҳижрий 428 йили кўчирилган мўътабар қўлёзмаси бизгача етиб келган бўлиб, унга турли хариталар ҳам илова қилинган. Ушбу мўътабар қўлёзма матни 1926 йили шарқшунос Ҳ.М.Мжик томонидан Лейпцигда нашр қилинган. Китобни ўзбек тилига А.Аҳмедов таржима қилиб, ўз илмий шарҳлари билан 1983 йили чоп этган.

Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия” (“Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида маҳаллий халқ-

нинг қадимий маданияти тўғрисидаги маълумотларида алоҳида қўзга ташланади. А.Хидиров илмий мақолаларида Беруний тарихий фаолиятининг аҳамиятли жиҳатларини кўрсатиб беради ва илмий таҳлил қилади. Муаллиф Абу Райҳон Берунийнинг ўрта аср Шарқ тарих илмидаги ўрни, у ёзиб қолдирган “Ал-осор-ул-боқия” ва “Ҳиндистон” номли тарихий асарларини Табарий, Наршахий, Утбий ва Бай-ҳақийнинг тарихий асарлари билан қиёслаб ўрганиш баъзи масалаларнинг мукаммал ечимини топишда муҳим ўрин тутишини таъкидлайди.

Форс тилидаги манбаларнинг хусусиятлари. Форс тилида битилган тарихий асарлар араб тилидаги йигирма саккиз ҳарфга тўрт ҳарф қўшилиши натижада форс ва туркий тил ёзуви вужудга келди. XIV асргача, асосан араб ёзувнинг мумтоз турларидан куфий, насх ва сулсдан фойдаланилган бўлса, XV асрдан бошлаб, янги настаълиқ ёзуви хаттот Мир Али Табризий томонидан ихтиро этилиб, истеъмолга киритилди. Бу ёзув бадий ва тарихий асарларда етакчи ўрин эгаллади. Аммо, тарихий асар матни ичида келган “Қуръони карим” оятлари, “ҳадиси шариф”лар анъанага биноан араб тилида, куфий, насх ва сулс ёзувларида барча ҳаракатлари кўрсатилган ҳолда ажратилиб битилар ва сўнгра уларга форсий ёки туркий тилда изох, тафсир келтирилар эди. Форс тилининг тарихий манбалар тилига айланиш даври ва тараққий этиши китобат санъатининг Мовароуннаҳр ва Хуросонда юксак даражада ривожланиш замонига тўғри келди.

Аксарият форс тилидаги тарихий асарлар олий сифатли қоғозга битилар, китоб турли ажойиб нақшлар ва мўъжаз расмлар билан зийнатланиб, сарой кутубхоналари ва аъёнлар учун яратилган мўътабар қўлёзмалар олтин ва кумуш сувлари, турли бўёқлар билан безатилиб, китобат санъатининг шох асарлари даражасидаги юксак санъат намуналарига айлантирилар эди.

Анъанавий тарихий асарлар, яъни умумий тарихга оид барча халқлар тарихини ўз ичига қамраб олувчи маҳобатли китоблар ўрнини аста-секин маълум давр ва бирон бир сулолалар тарихига бағишланган асарлар эгаллай бошлади.

Форс тилида битилган энг қадимги манбалардан бири Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари бўлса, Темурийлар даврида Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизи Аbru, Абдураззоқ Самарқандий, Муҳаммад Мирхонд, Ғиёсиддин Хондамир каби йирик муаррихлар бу тилда асарлар яратдилар. Сўнги форс тилида яратилган тарихий манбалардан бири сифатида адиб Аҳмад Донишнинг тарихий асарларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Форсий тилда битилган тарихий манбаларганинг ўзига хос хусусиятлардан бири матн орасида, шеърӣ лавҳаларнинг келтирилишидир. Бу шеърӣ лавҳалар тарихчининг ўз асари бўлиши ва у бошқаларнинг шеърӣ матнларидан ҳам бемалол фойдаланиши мумкин. Бу бадий шеърӣ лавҳаларда конкрет тарихий шахс номлари образ, тимсол сифатида кўп ишлатилишидир.

Форс тилида битилган айрим тарихий асарларда ўхшатиш, муболағалар кўп ишлатилиб, баён услуби ўта жимжимадор бўлади. Юртимиз ҳудудида форс тилида яратилган тарихий манбаларда ҳам арабий, ҳам туркий, айрим ҳолларда мўғул тили элементлари, сўзлар, иборалар, атамалар ва ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши табиӣ ҳол. Чунки, ўтмишда халқимиз зиёлилари учун бир неча тилни билиш ва уларни матнда қўллаш одатӣ ҳол эди.

Туркий қўлёзмаларнинг ҳудудӣ тарқалиши таҳлили.
XI-XIV асрларда яратилган туркий тилдаги асарлар ва уларнинг муаллифлар ҳақида сўз юритсак, бу даврларда яратилган ёзма ёдгорликлар, хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (XI), Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” (XI), Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақой-

ик” (XII) асари, Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” (XII), шунингдек, Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” (XII), шогирди Сулаймон Боқирғоний (ваф.1186) сингари олимларнинг ёзма ёдгорликлари туркий халқларнинг муштарак мероси сифатида тилга олинади. Уларда туркий тилларнинг тарихий тараққиёти ўз аксини топган. Шундай қилиб, ўзбек тили бир ярим минг йиллик тарихи давомида турли номлар билан аталиб келинди. VI-VIII асрларда яратилган ёдномаларда “турк” сўзи кўп марта тилга олинади. Қадим ёдгорликлардаги мазмунга қараганда, “турк” сўзи дастлаб сиёсий-ижтимоий маъно касб этиб, қабилалар уюшмасини англатган. Кейинчалик эса элат ва тил гуруҳининг номини билдирган.

Адабий, тарихий, илмий асарлар яратишда Алишер Навоий асос солган янгиликлар кейинги асрларда ўзбек адабиёти, фани ва маданиятида анъанага айланиб, бойиб бораверди. Ўзбек шоир ва адиблари адабиётнинг ранг-баранг шаклларида мустақил асарлар яратиб, маънавий меросимизга муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса, XVII-XIX асрларда юзлаб баёз ва мажмуаларнинг тузилиши, араб ва форс тилларидан ўнлаб асарларнинг ўзбек тилига ўгирилиши, йирик хаттотлик мактабларининг ташкил топиши қўлёзма манбаларнинг тобора кўпайиб боришида асосий омиллардан бўлди. Бу манбалар бўйича тузилган фихрестларда ўзбек, уйғур, туркман, озарбайжон, турк, татар ва бошқа туркий тиллардаги ёзма манбалар умум ном билан “туркий қўлёзмалар” деб юритилди. Улар асрлар мобайнида дунё китоб хазиналарида сақланиб келмоқда. Туркий қўлёзмалари кўпчиликини ташкил этадиган фондлар орасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қуқон, Душанбе, Ашхобод, Боку, Хайдарабод, Истанбул, Анқара, Дехли, Хайдарабод, Техрон, Париж, Лондон, Нью-Йорк, Қоҳира ва бошқа шаҳарлардаги кутубхоналар етакчилик қилади.

Ўзбеклар йирик туркий халқлардан бўлиб, ёзма тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ота-боболари Туркистон ҳудудининг асосий аҳолиси бўлган. Ўзбек тили олтой оиласининг туркий тиллар тармоғи жануби-шарқий ёки қарлуқ гуруҳига мансуб. Туркийшунос олимларнинг таснифига кўра, ҳозирги вақтда Осиё ва Оврупанинг турли минтақаларида 30 га яқин тил туркий тиллар тармоғига киради. Улар қуйидагилар:

Марказий Осиёда – ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур;

Кавказда – Озарбайжон, қўмик, қорачой-болқор, тухман, нуғай;

Урал ва Волга бўйида – татар, бошқирд, чуваш;

Сибирда – ёқут, тува олтой, хакас, сўлим, конгмажи, туфа, шор;

Литва, Украина ва Молдавияда – урум, гагауз, қрим, қараим;

Туркия ва Болқонда – турк, курт.

Ҳозирда бу тилларнинг айримларида миллионлар одамлар гаплашса, айримларида, чунончи, Сибирдаги туфа ва шор тилларида бор-йўғи 500-600 кишилар сўзлашади. Умуман, туркий тиллар тарқалиши бўйича дунёда тиллари орасида еттинчи ўринда туради. Охирги маълумотларга қараганда ҳозирда ер юзида 300 миллион киши туркий тилда сўзлашади.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Араб тилида ёзилган дастлабки асл манбалардан қайсиларини биласиз?

2. Сийра илк ислом даврининг адабий жанри экани ҳақида маълумот беринг?

3. Сийра услубида таълиф этилган араб тилидаги китоблар ҳақида сўзлаб беринг?

4. Ўзбек тилида ёзилган сийра туркумидаги асарлар номини айтинг?

5. Сомонийлар даврида форс-тожик тилининг давлат тилига айланиши қайси сабабларга қўра кечган эди?

6. Дастлабки туркий ёзма манбалар милоднинг қайси асридан вужудга кела бошлаган?

7. X-XII асрларда қайси йирик туркий ёзма ёдгорликлар вужудга келди?

8. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида қандай маълумотларга тўхталиб ўтган?

9. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳийбатул ҳақойиқ” асари ҳақида маълумот беринг?

10. Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асарида қандай масалалар кўтарилган?

11. Ўзбек тарихи ва адабиётида XV аср биринчи ярмининг юксалиш даври дея эътироф этилиши сабаби нимада эди?

12. Туркий тилда битилган ёзма асарларнинг қўлёзмалари ҳозирда қайси жаҳон фондларида мавжуд?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Араб тилида ёзилган дастлабки манбалар таҳлили
2. Ўрта Осиёда араб тилининг расмий тилга айланиши: сабаб ва оқибат.

3. Форс тилининг ислом манбаларини ётиришдаги ўрни

4. Сомонийлар даврида яратилган форс тилидаги манбалар

5. Туркий тилда яратилган илк асарлар ва уларнинг муаллифлари

6. XVIII-XX аср бошларида туркий тилда яратилган ёзма манбалар

7. Шарқ тилларида ёзилган манбаларнинг тарқалиш географияси



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулмалик ин Ҳишом ал-Маъофирий. Ас-Сира ан-Набавийя. Биринчи жилд 1-2. – Т.: “Sharq” нашриёти, 2011. – 616 б.

2. Абуғозий. Шажараий турк. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1992. – 192 б.

3. Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. – Т.: Фан нашриёти, 2007. – 271 б.

4. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

5. Ҳерман Вамберди. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 96 б.

6. Ибн ан-Надим. Ал-Фихрист. Қоҳира, 1348. – Б. 142.

7. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Таҳқиқ: Маҳмуд Иброҳим Зоир. Ат-Тарих ас-сағир. Ж.1. – Байрут: Дар ал-маърифат, 1986. – Б. 6.

8. *Хайруддин Зиркий. Аълам. Ж. 2. – Байрут: Дар ал-илм лил малайин, 1998. – Б. 131.*

9. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.

10. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.

11. Ўктам Мавлонов. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: “Akademiya” нашриёти, 2008. – 432 б.

VII. ШАРҚ МАНБАШУНОСЛИГИДА ИЛК ТАСНИФ ЭТИЛГАН МАНБАЛАР ҲАҚИДА

Режа:

1. Мовароуннаҳрда битилган тафсир илмига оид манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида
2. Манбашуносликда ҳадисга оид манбалар таҳлили
3. Фикҳий асарларнинг манбашуносликда тутган ўрни
4. Ҳанафийликка оид фатаво китобларининг манбашунослик таҳлили

Таянч сўз ва иборалар: илм-фан тараққий этган маскан, тафсир илми, дастлабки тафсирлар, “Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоиқ “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Фазоил ал-Қуръон”, “Тафсир ал-Қуръон”, Раъй-ижтиҳод, ривоят асосида шарҳ, тасаввуфий шарҳлаш, Мовароуннаҳр муфассирлари, тафсирларнинг ёзилиши сабаби, “маъсур тафсирлар”, “Таъвилот аҳлис-сунна”, диний-сиёсий оқимлар, тафсирга оид китоблар, ҳадис илми, якка пешқадами – имом Бухорий, дунё ҳофизлари, Мовароуннаҳр фақиҳлари, мўтабар фикҳий матнлар, ҳанафийликка оид аҳамиятли манбалар, фатво китоблари.

1. Мовароуннаҳрда битилган тафсир илмига оид манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида

Мовароуннаҳр қадимдан илм-фан тараққий этган масканлардан бири бўлган. Ислом дини кириб келгач, бу диёр-

дан дунё тан олган етук уламолар етишиб чикди. Айниқса, Қуръони каримни тафсир қилиб, халққа етказиш ва тушунтириш уламолар олдида турган вазифалардан бири бўлган эди. Шунинг учун, бошқа илмлар қатори бу илм доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилган.

Мовароуннаҳр тафсир илми ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга бўлди. Чунки, дастлабки даврда тафсир илми ҳадис ва фикҳ илмлари каби алоҳида тараққий этмай балки, бошқа илмлар таркибида ривожланиб боргани кўзатилади.

Мовароуннаҳрда тафсир ҳадис илмининг кириб келиши билан боғлиқ жараёндир. Чунки, Муҳаммад (алайҳис салом) ва саҳобийларнинг Қуръонга тўлиқ шарҳлари ҳадислар таркибида жамланган. Мовароуннаҳр фатҳ этилгандан сўнг, ислом илмлари асосан, Бухоро, Самарқанд, Шош, Насаф каби шаҳарларда ривожланди ва кенг тарқала бошлади.

Юқорида таъкидланганидик, тафсир илми ҳадислар таркибида бўлган ва муҳаддислар томонидан таълиф қилинган ҳадис тўпламларига киритилган. Маълумки, Қуръони каримни Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) кишиларга етказиб, тушуниш қийин бўлган жойларни ўзлари тушунтириб берганлар. Шунинг учун, Қуръоннинг дастлабки тафсирлари Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам)нинг ҳадисларида ўз аксини топган эди. Демак, илк тафсир китоблари сифатида ҳадис тўпламларини кўрсатиш мумкин. Бу борада VIII асрда тобийлардан таълим олган Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг тафсир соҳасидаги фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. У Ўрта Осиёда ўтган илк муҳаддис, муфассирлардан ҳисобланиб, Марвда яшаб ижод этган, отаси турк, онаси хоразмлик эди. Ёшлик даврида Имом Аъзам Абу Ҳанифага шогирд бўлди. Тафсир илми соҳасида етарлича фаолият олиб борди. Унинг

“Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоик” китоби илм аҳли орасида машҳур матнлардан саналади. Абдуллоҳ ибн Муборак биринчилардан бўлиб ҳадисларни китоб шаклига келтирган олимдир. Унинг юртимизда ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси юқори баҳоланади. Шунингдек, унинг “Тафсир” номли асар ёзганлиги ҳақидаги маълумотлар манбаларда зикр этилган. Лекин унинг тафсири бизнинг давримизгача етиб келмаган. Унинг китобига қилинган ишораларни “Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоик”, “ал-Бирр ва-с-сила” асарларидаги ҳадисларнинг баъзи Қуръон оятларига берилган шарҳларни кузатиш мумкин. Абдуллоҳ ибн Муборак оятлар шарҳига оид ҳадислар билан бир қаторда, саҳобий ва тобиийларнинг ҳам шарҳларини келтиради. Унинг бу нақллари кейинги давр олимлари асарларида истеъфода этилди.

Имом Доримий, Имом Бухорий ва Ҳаким Термизийларнинг тафсир борасидаги фаолиятлари ҳам юртимиз манбашунослиги учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг илмий меросида тафсир асарлари зикр этилса-да, бироқ давримизгача етиб келмаган.

Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадис тўпламида тафсирга оид боблар келтирилиб, уларда баъзи бир сураларнинг шарҳлари Муҳаммад (алайҳис салом)дан ривоят қилинган ҳолда келтирилган. Асарда “ат-Тафсир” номли алоҳида китоб (боб) келтирилган, ундаги боблар Қуръондаги суралар тартибига биноан тартибланган бўлиб, оятлар шарҳи ёритилган ҳадислар берилган. Унда Қуръондаги 358 та оятга шарҳ берилган, шунингдек, ҳадислардан ташқари, саҳобий ва тобиийларнинг Қуръонга шарҳлари ҳам киритилган. Баъзи сураларнинг шарҳига кўпроқ, баъзисига камроқ ҳадислар берилган. Ҳадислар орасида оятнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақидаги ривоятлар ҳам кўп қисмни ташкил этади. Имом Бухорий фақат

сахих ривоятларни жамлагани учун асарида Қуръоннинг ҳамма оятларига ҳам шарҳлар бермаган.

Имом Бухорий муҳаддис сифатида Имом Доримий ва Имом Термизийдан фарқли равишда оятларни шарҳлашда саҳобий ва тобиийларнинг сўзларидан фойдалангани сабабли уни Мовароуннаҳр тафсиршунослигига тамал тошини қўйган аллома дейиш мумкин.

Имом Доримий ҳам тафсиршуносликда ўзига хос ўринни эгаллайди. Унинг “Сунан” асарида “Фазоил ал-Қуръон” номли китоб (боб) бўлиб, у 35 кичик бобдан ташкил топган. Унда тафсир илмига алоқадор бўлган ривоятлар, баъзи сура ва оятларнинг фазилатлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Жумладан, биргина “қинтор” сўзининг маъноси бўйича бир нечта ривоятларни келтирган. У ривоятларни Муҳаммад (алайҳис салом) ёки саҳобийлардан санадлар билан келтиради. Бу эса олим илмий услубининг пухталигини кўрсатади.

Абу Исо ат-Термизий ҳам ўзининг “ал-Жомеъ ас-сахих” асарида “Китоб фазоил ал-Қуръон”, “Китоб ал-қироат” ва “Китоб тафсир ал-Қуръон” номли мавзуларни келтириб, унда тафсирга алоқадор ривоятларни баён қилган. Айниқса, асарнинг “Китоб тафсир ал-Қуръон” бобида Қуръоннинг барча суралари анъанавий тартибда “Фотиҳа (1)” сурасидан “ан-Нос(114)” сурасигача берилган ва уларнинг фазилатлари ҳақида Пайғамбар (алайҳис салом) ҳадисларидан келтирилган. Асар “Ўз раъйи билан тафсир қилувчи киши ҳақида ҳадислар” боби билан бошланади. Унда “Кимки ўз раъйи билан Қуръонни шарҳласа, демак хато қилибди” ҳадиси каби раъй билан шарҳлашдан қайтарувчи, сўнг сураларнинг фазилати ҳақидаги ҳадисларни келтирилади. Эътиборли жиҳати асарда “ан-Набаъ”, “ан-Нозиот”, “Ҳумаза”, “Одиёт”, “Фил”, “Аср” каби сураларнинг фазилатлари ҳақидаги ҳадислар берилмаган.

Абу Исо ат-Термизий тафсир қилишнинг ўта масъулиятли эканини таъкидлагани боис “Тафсир ал-Қуръон” эмаслиги ҳақидаги ҳадисларни биринчи бўлиб келтиради.

IX асргача муфассир сифатида танилган олимлар фаолятларга шарҳ берилган дейиш мумкин. Шунингдек, бошқа мусулмон мамлакатларидаги каби Мовароуннаҳрда ҳам ривоят асосида шарҳланди, тафсирга оид ривоятлар ҳадис тўпламларида алоҳида боб сифатида қайд этилди. Раъй-тўпламларида алоҳида бобда келтирилиши кейинги даврларда алоҳида илм сифатида шаклланиши учун пойдевор дислардан фарқли равишда саҳобий ва тобиийларнинг Қуръонни тасаввуфий шарҳлашга эътибори тафсир илмининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади.

X-XII асрларда Мовароуннаҳрда тафсир илми анча таракқий этгани кузатилади. Илгари ҳадислар таркибида бир боб сифатида зикр этиб берилган Қуръонга шарҳлар замон талабларига тўлиқ жавоб бермай қўйди. Мовароуннаҳр муфассирларининг (бошқа ўлкалар олимларининг ҳам) тафсиятнинг нозил бўлиш сабаблари, араб тилини билмаган, кишиларнинг Қуръон ояти ҳақида фақат ўз фикрларидан келиб чиқиб шарҳлашлари мумкин эмаслигини уқтириш-ларига кўра, оятларнинг бузиб шарҳланиши кўпайиб, ҳар бир фикр эгасининг ўз томонига шарҳларни оғдиришга ҳаракат қилганлари намоён бўлади. Абу-л-Лайсининг «ҳеч ким араб тилини, оятнинг нозил бўлиш сабабларини билмай тафсир қилиши мумкин эмас», деган фикри бу даврда ҳанафий мазҳаби олимларининг оятларни тафсир қилишга

Ўта эҳтиёткорона ёндашганлигини билдиради. Умуман, бу даврда Мовароуннахр ва Хуросон ўлкаларида тафсирларнинг ёзилиши асосан икки сабабга кўра амалга оширилди.

1. Мовароуннахрда турли оқим ва фирқаларнинг Қуръон оятларини ҳар хил ўринларидан ўз ақидаларига мос келувчиларини бузиб талқин этиб, далиллашлари натижасида Қуръоннинг бошидан охиригача шарҳлаш зарурати.

2. Қуръон тафсирига оид тарқоқ ҳолда бўлган ҳадислар, саҳобийлар ривоятлари, шарҳларни бир жойда жамлаш.

Бу иккиси бир-бирига боғлиқ сабаблар, чунки оятларни бузиб талқин этилиши оятнинг ҳақиқатда маъноси нима бўлиши лозимлигини келтириб чиқаради. Шунинг учун муфассирлар манбаларга асосланиб шарҳлашга эҳтиёж сездилар. Бу даврда бир нечта муфассир алломалар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг асарлари бизгача етиб келган. Ҳар бир муфассирнинг бу борадаги турлича услублари албатта диққатга сазовор. Бу даврда Самарқандда икки хил услуб кузатилади. Биринчиси, Абу-л-Лайснинг асосан ривоятлардан фойдаланиб Қуръонни шарҳлаши, иккинчиси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг тафсирга оид ривоятларни таҳлил этиб, ақидавий масалаларга алоҳида аҳамият қаратиши. Бу эса тафсир соҳасида Самарқанднинг ўзига хос жиҳатини кўрсатиб беради.

Қуръонни тўлиқ шарҳлаш даврига мансуб бизгача етиб келган илк манбалар сифатида – ат-Табарий, Имом ал-Мотуридий ва Абу-л-Лайс ас-Самарқандийларни зикр этиб ўтиш ўринли. Муаллифлар ўз шарҳларида мўътабар манбалар – Муҳаммад (алайҳис салом), саҳобий ва тобиийлар ривоятларидан кўп истеъфода этдилар, уларнинг ривоятларини силсилалари билан зикр этадилар. Бу турдаги тафсир асарлари “маъсур тафсирлар” деб аталади. Аз-Заҳабий ўзининг “ат-Тафсир ва-л-муфассирун” асарида шу туркумга мансуб бўлган асосий 8 та тафсир асарларини

келтириб ўтади. Лекин у Мотуридийнинг “Таъвилот аҳлис-сунна” асарини ўз тадқиқотида умуман зикр этмайди. Аслида ушбу тафсир асари нақл ва раъйдан истеъфода этиб яратилган. Уни маъсур тафсирлар ёки раъй-ижтиҳод билан яратилган тафсирлар туркумига киритиш мумкин эди.

Бу даврдан бошлаб тафсир мўътабар манбаларга асосланиш чегарасидан чиқиб кетмаган ҳолда ривоят қилувчилар силсилаларини қисқартириб, тўғридан-тўғри ривоят қилувчининг ўзи зикр этилиб, ривоятларини келтириш услуби тарқала бошлади. Яна муфассирлар ўзларидан илгари ўтган олимларнинг сўзларини айтган кишиларнинг исмларини зикр этмасдан ҳам келтира бошладилар. Шу тариқа тафсирларга турли ривоятлар кириб, саҳиҳ ривоятларнинг иллатли ривоятлар билан аралashi ҳоллари юзага келди. Луғат, наҳв, сарф илмларининг китоб ҳолига келтирилиши натижасида Қуръонни шарҳлаш ҳам кенгая бошлади. Фикҳ ва каломга оид масалалар ихтилофларни келтириб чиқарди. Исломий фирқалар мутаассибликка берилиб, кишиларни ўз ақидаларига чақира бошладилар. Айнан шу вақтда нақлий тафсирнинг ўрнини ақлий тафсир эгаллай бошлади. Лекин оятларнинг нозил бўлиш сабабларига алоқадор ривоятлар мўътабар манбалардан олинмишда давом этди.

Мотуридий тафсир ёзишда турли оқим ва фирқаларга раддиялар беришга кўпроқ асосланган бўлса, Абу-л-Лайс кўпроқ мўътабар манбаларга суянишга ҳаракат қилган, баъзи ўринларда диний-сиёсий оқимларга раддиялар ҳам беради. Мотуридий ақидавий масалаларни ечишда Қуръон бош манба бўлиб хизмат қилгани учун ҳам ундан кенг истеъфода этган.

Улрих Рудольф Мотуридий даври муфассирлари сифатида «Абу-л-Қосим ал-Каъбий¹ (ваф. 319/931), Муҳаммад

¹ Ал-Каъбий. Мўътазилий оқими олимларидан. Унинг тафсиридан

ибн Масъуд ал-Аёший¹ (ваф. 320/932), Абу-л-Лайс ас-Самарқандийларни кўрсатади. У Абу-л-Лайснинг тафсири ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Маълумки, Абу-л-Лайс ислом таълимоти масалаларига ғоят консерватив ёндашган. Шу боис, унинг асари Шарқнинг илк ҳанафий тафсириларини ўрганишда, айниқса, катта самаралар бериши мумкин»². Имом ал-Мотуридийнинг тафсири X асрдаги тафсир илми хусусиятларини ўзида мужассам этади. Юқорида зикр этилган муҳаддис алломаларнинг тафсирдаги услубларидан фарқли равишда у илк бора Қуръонни бошидан охиригача шарҳлаган ҳамда бунда таҳлилий услубни қўллаган. Яъни у Қуръон оятларига оид шарҳларни таҳлил этиб, оят шарҳига мос келадиганини ажратиб беради. Бунга туртки бўлган асосий сабаб унинг ақидавий фирқа ва оқимларнинг Қуръонни далил қилишларида суистеъмол қилишлари бўлган десак хато бўлмайди. Чунки, унинг тафсири ақидавий масалаларни кенгроқ шарҳлашга, оқимларни номма-ном келтириб уларнинг тушунчаларига раддия беришга қаратилади. Унинг тафсирини ўқиган киши Имом ал-Мотуридийнинг ақидавий масалалар шарҳларини жамлашга кўпроқ аҳамият берганлигини илғаб олади.

Ушбу даврда тафсир илми тараққий этиб, тўлиқ тафсир асарларининг юзага келиш даври бўлди. Олимлар ақида ва фикр масалаларида бу заминда тарқалган ҳанафий мазҳабини ҳимоя этишга киришдилар. Натижада, бу мазҳабга қарши турган турли диний-ақидавий оқимлар таъсири анча сусайиб борди.

Абу-л-Лайсдан кейинги давр – XI-XII асрларда Қуръон баъзи қисмлари етиб келган.

¹ Ал-Аёший шиа оқими оимларидан. Мотуридий даврида Самарқандда яшаган. Унинг тафсири қисман етиб келган ва Қумда нашр этилган.

² У. Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: 2001. – Б. 215-216.

онни шарҳлашда раъй-ижтиҳодни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Илгариги даврдан фарқли равишда оятларни шарҳлашда олимлар қатор ривоятларни келтирмай, балки айрим ҳоллардагина уларни келтира бошладилар. Бундан албатта, Қуръонни шарҳлашда бутунлай ривоятлардан истеъфода этилмай қолди, деган фикр келиб чиқмайди. Олимлар илгари зикр этилган ривоятларни қайтармай, оят шарҳини ривоятлар мазмунига зид бўлмаган балки мувофиқ келадиган тарзда ўз сўзлари билан шарҳлашга ўтдилар. Улар тафсир борасида олдинги асрда ёзилган Имом ал-Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли-с-сунна” асарини шарҳлашга эътибор қаратишларига кўра, ақидавий масалалар бўйича ихтилофлар кўпайган кўринади. Шунинг учун олимлар ақидага оид оятларни талқин этишда мустаҳкам ақидавий тизим бўлмиш мотуридийлик ақидасига таянганлар.

XI асрда Абу-л-Муъийн Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий (459-508/1067-1114)ни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг Имом Мотуридий таълимотини ривожлантиришдаги ҳиссаси улкан. У Қуръондаги ақидавий оятларни чуқур мазмунини тушунган ва талқин этган. Бу борада Алоуддин ас-Самарқандий ҳам тафсирга бағишланган асарининг кириш қисмида сўз юритиб, Имом ал-Мотуридий тафсирини ўзидан илгари устози Абу-л-Муъийн ан-Насафий шарҳлаганини зикр этади: “Бу китобни усул ва фуруъ илмларида ўз замонасида тенги йўқ Абу-л-Муъийн ан-Насафий шарҳлаб бериб, лойиқ ўринларда қийин сўзларни тушунтириб, мутлақларини ажратиб берганида...”. Демак, ақидавий масалаларни шарҳлаш жараёнида ан-Насафий Мотуридий услубига таянган ҳолда Қуръонни шарҳлаган. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, бу маълумот ан-Насафийнинг Қуръонни тўлиқ шарҳламагани, балки тушуниш қийин ўринларга эътибор берганини кўрсатиб беради.

Абу-л-Муъийн ан-Насафийдан кейин – XII асрда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (ваф. 537/1143), Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад ас-Самарқандийлар (ваф. 538/1144) Имом ал-Мотуридий тафсирига шарҳлар битиб тафсир китобларини ёзганлар. Бу даврда нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа ўлкаларда ҳам раъйга асосланиб тафсир асарлари ёзила бошланган эди.

Алоуддин ас-Самарқандий “Шарҳ таъвилот ал-Қуръон” номи билан танилган “Ат-Таъвилот ал-Мотуридия фий баён усул аҳлис-сунна ва усул ат-тавҳид” асари бу давр тафсир тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этувчи асарлардан ҳисобланади. У ўз устози ан-Насафий йўлидан бориб, Мотуридийнинг тафсирини шарҳлашга катта эътибор қаратди. Тафсирида Мотуридийнинг сўзларини шарҳлаши қаторида ўз фикрларини ҳам баён этган. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144) ҳам тафсир тарихида алоҳида ўрин тутди. У тафсир қилишда луғавий жиҳатга эътибор берди ва Қуръонни балоғий шарҳлашдаги ўрни такрорланмас бўлди.

Улардан кейинги даврда Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафий (ваф. 710/1311) тафсир соҳасида фаолият олиб борди. У ўз даврининг ақида, фикр, ҳадис, луғат соҳалари бўйича етук олими сифатида шуҳрат қозонган. Тафсирда бошқа муфассирлар каби ҳадисдан, саҳобий ва тобиийлар фикрлари билан бир қаторда ўзидан олдин ўтган муфассирлардан Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли-с-сунна”, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “ал-Кашшоф”, Алоуддин ас-Самарқандийнинг “Шарҳ ат-таъвилот” асарларидан истеъфода этган. Асар раъйга оид тафсир бўлиб, унда луғат имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Қуръон сўзлари маъноларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Бу даврда раъй билан тафсир қилиш муфассирнинг фикри Қуръон, суннатга, саҳобийларнинг сўзларига ҳилоф бўлмаган ҳолда амалга оширилган. Қуръон ва суннат, саҳобийлар сўзлари бўлмиш мўътабар манбаларга ҳилоф равишда раъй билан шарҳлашга барча давр олимлари қарши бўлганлар. Чунки, бунда маълум бир гуруҳлар, Қуръон оятларининг шарҳини ўз ғояларига мослаштиришга ҳаракат қилишлари мумкин.

Мовароуннаҳрда тафсиршунослик ўзига хос тарзда ривожланиб, турли даврларда ўша муҳит шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда бойитиб борилган. Илк даврларда тафсир ҳадиснинг ажралмай қисми сифатида ҳадис тўпламларида зикр этилиб, авлоддан-авлодга етказилган бўлса, X асрдан бошлаб, Қуръон тўлиқ шарҳланган асарлар битилди. XI-XII асрларда Қуръонни шарҳлашда раъй-ижтиҳод кенг ўрин эгаллади. Бу ҳолат Абу-л-Лайс тафсирда алоҳида ўрин тутади. Муаллиф шарҳлашда Қуръон оятларини манбаларга асосланиш, ақидавий масалалар ёндашувида эҳтиёткорлик, ҳанафий мазҳабини ҳимоя қилишда нақлга аҳамият қаратиш, турли фирқа ва оқимларга раддия бериш каби жиҳатлар Мовароуннаҳрда Қуръонни тўғри тушуниш ва талқин этиш бўйича дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Демак тафсир илми ҳижрий II – милодий VIII асрдан бошлаб алоҳида илм сифатида тараққий эта бошлади. Манбаларда тафсир бўйича илк китоб тасниф этган шахс сифатида Абдумалик ибн Журайж (ваф. 766) номи қайд этилади. Айни ўша даврларда Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Яҳё ибн Салом, Абу Бакр Найсабурий каби муфассирлар ҳам ижод этдилар. Бу муаллифлар ижоди туфайли тафсир илми ўзининг янги босқичига эриша бошлади.

Тафсир илми ривожда Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан муфассирлар ҳам алоҳида ўрин тутиб, бу соҳа рав-

нақиға беқиёс ҳисса қўша олдилар. Минтақадан етишиб чиққан даслабки муфассирлардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф.870) эди. Муфассир “Тафсири кабир” (Катта тафсир) номли китоб таълиф этган, лекин бу тафсир бизгача етиб келмаган.

Йирик муфассирлардан имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий (ваф.944) ҳам тафсир илми аҳлларидан ҳисобланади. Олим Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топган. Унинг асосий асарлари “Калом” илмига қаратилган. Шундай бўлса-да, у “Таъвилоти аҳли сунна” номли тафсирнинг муаллифи ҳисобланади.

Тафсир илми ривожига ўзининг машҳур “Баҳр ул-улум” асари билан ҳисса қўшган яна бир муфассир имом Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий (ваф.983) дир.

Имом Жоруллоҳ Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Замахшарий (ваф.1144) ўзининг “Кашшоф” номли тафсири билан ислом дунёсида кенг шuhrат топди.

Имом Фахруддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн Розий (ваф.1209) асли Рай шаҳридан бўлиб, умрининг асосий қисми Хоразмда кечган. Розийнинг “Мафотиҳ ул-ғойиб” номли тафсири Мовароуннаҳрда нусхалари кенг тарқалган тафсирлардан бири ҳисобланади.

Тафсир ва муфассирлар ҳақида сўз кетар эсан, Имом Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (ваф.1302) номини тилга олмасликнинг илоҳи йўқ. Аждодимиз ҳозирги Қарши шаҳрида таваллуд топган. Олим “Мадорик ут-танзил ва ҳақойиқ ут-таъвил” номли тафсир китоби муаллифидир. Муфассир бу асарини ёзишда Замахшарийнинг “Кашшоф” номли тафсиридан кенг фойдаланган.

Мазкур асарлардан ташқари Мовароуннахрда “Итқон”, “Тафсири Нуъмоний”, “Тафсири тибён”, “Тафсири Мавлоно Чархий”, “Тафсири Зоҳидий” номли бевосита тафсирга оид китоблар ҳам ёзган. Улар ўрта асрлардан то ҳозиргача Шарқ мамлакатларидаги ислом олий ўқув юртлари ва мадрасаларида дарслик вазифасини ўтаб келмоқда. Масалан, Ўрта Осиё мадрасаларида тафсир таълими асрлар давомида қуйидаги адабиётлар асосида амалга оширилган: Тафсир йўналишида тан олинган олти буюк муфассир олимларнинг асарлари, жумладан, Табарийнинг “Китоб жомеъ ал-баён фи тафсир ал-Қуръон”, Замахшарийнинг “Кашшоф ан-ҳақоик ат-танзил”, Розийнинг “Мифтоҳ ал-ғайб – Тафсири кабир”, Қози Байзовийнинг “Анвор ал-танзил ва асрор ат-таъвил”, “Тафсири Жалолайн”, Ибн Арабийнинг “Футуҳот ал-Маккия” кабилар бу соҳада илғор дастурлаштирилган. Уларга биз юқорида келтириб ўтган тафсир китоблари қўшимча ёрдамчи вазифасини ўтаб келган.

Булардан ташқари, юртимиз қўлёзмалари хазиналарида бошқа муаллифлар томонидан ёзилган тафсирларга ҳам дуч келинади. Улар баъзан маълум сураларга қаратилган бўлади. Бундай қўлёзмаларни биз асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институтида учратдик.

2. Манбашуносликда ҳадисга оид манбалар таҳлили

Милодий VII асрдан бошлаб ислом дини узоқ минтақаларга ҳам ёйилди. Ҳадис ровийларини аниқ билиш санадларини текшириш, улар ўртасидаги фарқларни аниқлаб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш, ҳадис матнини тўлиқ ўрганиш каби қатор масалаларни ҳал этилиши натижасида ҳадис илмлари пайдо бўлди. Унинг тараққиёти икки

даврий босқични босиб ўтди: биринчиси – Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобийлар ва катта тобеинлар даври бўлиб, унда ҳадисларни ёзиш расман йўлга қўйилмаган эди. Кейинчалик катта тобеинлар даврига келиб, улар расман кўчирила бошланди. Масалан, умавий халифаси Умар ибн Абдулазиз ҳадисларни кўчиришга дастлабкилардан бўлиб рухсат берган эди.

Иккинчи давр – тобеинлар ва таба тобеинлар даврини ўз ичига олиб, ҳадисларни тўплаш, уларни китобат этиш зарурати туғилди. Шундай қилиб милодий IX ҳадис илми анчагина раванқ топди ва содда тартибдаги ҳадис матнлари вужудга кела бошлади. Кейинчалик ҳадисларни ёзиш ривожланиб, янги услубда тасниф этилган ҳадис тўпламлари пайдо бўлди. Илк ҳадис тўпламлари қаторида дастлаб муснадлар вужудга келди. Муснад услубида ҳадис тўплашнинг биринчи бўлиб Абдуллоҳ ибн Мусо Абасий ибн Куфий (ваф. 828 й.) амалга оширган. Шунингдек, Ҳумайдий (ваф. 834 й.), Мусаддад ибн Масраҳад (ваф. 843 й.), Абд ибн Ҳумайд Кеший (ваф. 863 й.), Яъқуб ибн Шайба (ваф. 876 й.), Муҳаммад ибн Маҳдий (ваф. 886 й.), Бақий ибн Муҳаллад (ваф. 889 й.)лар ҳам муснадлар тасниф этганлар. Уларга эргашиб Имом Аҳмад ибн Ҳанбай узининг “Муснад” китобини ёзган. Бу асрда ҳадис илмида катта ютуқларга эришилгани боис бу муҳит “ҳадис илмининг олтин даври” деб юритилди.

Мовароуннаҳр минтақасида ҳадис илми билан боғлиқ таълимотларнинг кенг тарқалишида Имом Бухорий (810-870) ва Имом Муслим (821-875) каби муҳаддисларнинг хизмати катта бўлган. Муҳаддислар илк бор ишончли бўлган ҳадисларни жамлаб, “Саҳиҳ” номли тўпламлар тузишга муваффақ бўлганлар.

Улардан бири имом Бухорий, Туфайл ибн Зайд Насафий, Абу Муҳаммал ад-Доримий каби кўплаб Мовароун-

наҳрлик олимларга устозлик қилган Абу Абдуллоҳ ибн Салом ибн Фараж ал-Байкандий (ваф. 255/839) бўлиб, у ҳақда Аҳмад ибн Ҳусайм аш-Шоший шундай деган: “Хуросонда икки хазина бор. Бири Салом ибн Фараж ал-Байкандийда, иккинчиси Исҳоқ ибн Роҳавайҳда”. Заҳабийнинг таъкидлашича, Муҳаммад ибн Салом илм талабига қирқ минг ва илм тарқатиш учун қирқ минг дирҳам сарфлаган. У Хоразмда катта мавқега эга бўлган. У илм соҳаларининг турли йўналишлари бўйича бир неча китоблар тасниф этган. Шунингдек, у Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий билан яхши муносабатда бўлгани тадқиқотчилар томонидан қайд этилган.

Иккинчи машҳур шахс Мовароуннаҳр ҳадис илми имоми ва якка пешқадами – имом Бухорийнинг устози Ҳофиз, Мужаввид Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Ямон ал-Жуъфий ал-Муснадий (ваф. 229/843)дир. У Муҳаммад ибн Салом билан бирга фаолият юритган бўлиб, адолат ва сидқда тенгсиз бўлган. Учинчи бобоси ташаббуси билан имом Бухорийнинг иккинчи бобоси исломни қабул қилган. Юқоридаги икки муҳаддисдан олдин Бухорода ғунжор лақабли машҳур шайх Абу Аҳмад ибн Исо ибн Мусо ал-Бухорий (ваф. 186/802) ҳам самарали фаолият юритган. У Муҳаммад ибн Салом ва Исҳоқ ибн Ҳамза ал-Бухорийнинг устози саналади. Ҳокимнинг таъкидлашича, Абу Аҳмад ёши улғайганда ҳадис талаб қилишни бошлаганига қарамасдан ўз замонасининг имоми сифатида танилган.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (194-256/810-870) нинг учинчи бобоси Бардизбах зардуштий бўлган. Унинг ўғли Муғйра, яъни имом Бухорийнинг иккинчи бобоси Бухоро волийси Ямон Жуъфийнинг қўлида мусулмон бўлган. Шу тариқа имом Бухорийнинг нисбасига Жуъфий исми қўшилиб қолган. Чунки, ўша даврда маҳаллий аҳолидан бирортаси кимнинг қўлида мусулмон бўлса, ўша-

нинг мавлоси саналар ва насл-насабда мусулмон қилган одамнинг исми қўшилиб айтилар эди. Бу атама маҳаллий аҳоли орасида катта аҳамият касб этиб, улар ислом динини қабул қилишларига сабабчи бўлган инсон билан фахрланишар ва бу уларнинг обрў-эътиборини маълум даражада орттириб турган. Имом ал-Бухорий отаси ҳақида шундай эслайди: “Отам Исмоилнинг куняси Абул Ҳасан бўлган. Отам Ҳаммод ибн Зайдни кўрган, Ибн Муборакни ўз қўллари билан ушлаб кўришган ва имом Моликдан дарс эшитган”. Маълумки, Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас ал-Асбаҳий ал-Ҳумайрий (93-179/711-795), ҳижоз имоми ва тўрт сунний мазҳабнинг бири бўлиб, моликия мазҳаби асосчиси ҳисобланади. У табаъа тобеъийлардан бўлиб, улуғ тобеъий Нофеъдан ҳадис ривоят қилган, Нофеъ эса, Абдуллоҳ ибн Умардан ҳадис таълимини олган. Бу ҳақда имом Бухорий шундай ёзади: “Имом Моликнинг энг саҳиҳ исноди Нофеъдан, Нофеъ эса, ибн Умардан қилган ривоятидир”. Имом Молик “Ал-Муватто” номли ҳадислар тўплами муаллифидир.

Демак, Исмоил мол-давлати кўп тижоратчи бўлишига қарамасдан ўша даврнинг машҳур олимларидан таълим олган ва оиласида исломий таълим таҳсилида катта хизмат қилган. Ибн Ҳиббоннинг айтишича, у Ироқлик олимлардан ҳадис ривоят қилган. Лекин тижоратга кўп вақт ажратгани боис муҳаддис сифатида танилмаган. Исмоилнинг илмдан насибаси оз бўлса-да, имон ва тақвosi мустаҳкам, илм ва олимларга ҳурмати ниҳоятда баланд эди. Шу боис ўғли Муҳаммадга илм олиш учун барча шароитларни яратиб берган. Бу ўша даврда ислом таълимоти ва ҳадис илмларига халқ орасида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади. Шунингдек, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ўлкасида ҳалол-ҳаром тушунчаси ҳам халқнинг миллий қадриятига айланиб улгурганини кўрсатади. Буни Аҳмад

ибн Ҳафс ал-Бухорийнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин: “Мен имом Бухорийнинг отаси Исмоил ўлим тўшагида ётганида унинг ҳузурига кирдим. Исмоил: “Мол-давлатимга бир дирҳам ҳаром ҳам, бир дирҳам шубҳали нарса ҳам аралашганини билмайман”.

Бу даврга келиб, дунёда энг машҳур бўлган тўртта олимнинг иккитаси мовароуннаҳрлик бўлган: Дунёнинг ҳофизлари тўртта: Райда – Абу Зуръ, Нисобурда – Муслим, Самарқандда – Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий, Бухорода – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий”лар эди. Ҳадис ишига ўз умрларини бағишлаган икки муҳаддис – Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож етишиб чиқди. Улар юз минглаб ҳадисларни тўплаб, пухта ўзлаштириб, умумлаштирдилар ва тўпламларини туздилар. Бу тўпламга Саҳиҳ ал-Бухорий ва Саҳиҳ ал-Муслим номи билан аталадиган ҳадислар киритилган. Ҳар иккиси саҳиҳ ҳисобланиб, Қуръон қоидаларини шарҳлаб беришда асос сифатида қабул қилинади.

Ҳадис билан бир қаторда тафсир илми ҳам аста-секин ёйила бошлади. Буни Заҳҳок ибн Музоҳимнинг ўлкада олиб борган фаолиятларида ҳам кўриш мумкин. Кейинчалик Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий (ваф. 181-255/797-869 й.) Самарқандда бу вазифани давом эттирди. У Самарқандда бир муддат қозилик ҳам қилган. Заҳабийнинг ёзишича, у ўз даврида диёнат, ҳилм, ижтиҳод, ибодат, зуҳд ва тақводорликда зарбулмасал даражасига эришган. У Самарқандда ҳадис ва осор илмига асос солди ва ҳадисларни ҳимоя қилишда катта жонбозликлар кўрсатди. Шу билан бирга, у етук муфассир ва фақиҳ олим эди.

Ҳадис илмлари билан шуғулланган олимлар ҳадис тўпламларини тўрт даражага бўлганлар. Чунки ҳадис китобларини турли кишилар ҳар хил вақтларда таълиф этгани учун уларнинг савияси ҳам турлича эди. Шу нуқтаи назардан

муҳаддислар ҳадис тўпламларининг ишончлилик даражасини эътиборга олган ҳолда уларни қуйидаги табақаларга ажратганлар:

Биринчи табақа – Имом Бухорий ва Имом Муслимининг “Саҳиҳ”лари ва Имом Моликнинг “Муватто”си билан чекланади. Улар ҳадиснинг мутавотир, оҳод ва ҳасад намуналари бор.

Иккинчи табақа – имом Доримий, Имом Термизий ва Абу Довуднинг “Сунан”лари, Аҳмад ибн Ханбалнинг “Муснади”, Насоийнинг “Мужтабо”сидан иборат саҳиҳайн ва “Муватто” даражасига етмаган бир оз заиф ҳадислар киритилган тўпламлардир. Муҳаддислар юқоридаги бу икки табақага алоҳида эътибор қаратиб, улардан ақидавий ва фикҳий масалаларни ечишда фойдаланганлар.

Учинчи табақа – шозз (ишончли ровийнинг ўзидан кучлироғидан фарқли ривоят қилиши), мункар (заиф ровийнинг ишончли ривояти мункар ҳадисдир) ва музтариб (ровийда забтнинг йўқлиги боис рад этилган ҳадис тури) лардан иборат ҳадисларнинг заиф турлари кўп бўлган китоблар.

Тўртинчи табақа – бидъатчи ва ўз нафсига эргашган ҳамда адолатсиз муҳаддислар, тарихчилар, ваъзхонлар ва қиссачилар оғзиларида йиғилган шубҳали асарлар.

Ҳадис тўпламлари ўзининг номи ва мавзуларига қараб ақоид, ҳукмлар, риқоқ (нафосат)га оид ҳадислар, ейиш-ичиш, туриш-турмуш, сафар қилиш одоблари, шунингдек тафсир, тарих ва сийрат, фитналар, маноқиб (фазилатлар) ва масолиб (камчиликлар) кабиларга бўлинади. Уларни қуйидагича келтириш мумкин:

➤ Ақидавий масалаларга (“Тажвид илми”)га оид ҳадислар тўплами киради. Бу бўйича Абу Бакр ибн Ҳузайманинг “Китоб ат-тавҳид”, Байҳақийнинг “Китоб ал-асмо ва ас-ифот” каби асарлари мавжуд.

➤ “Сунан” йўналиши бўйича ёзилган ҳадислар “Таҳорат” бобидан “Васиятлар” бобигача фикҳий тартибда жамланади. Улар оид Имом Доримий, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насоий ва Имом ибн Можанинг асарлари мавжуд.

➤ “Риқоқ” ҳадислар жамланган “Сулук ва зуҳд” йўналишидаги тўпламлардир. Бу турга Имом Аҳмад ва Абдуллоҳ ибн Муборакнинг “Китоб аз-зуҳд” ва Ҳаким Термизийнинг “Новодир ал-усул фи аҳодис ар-расул” каби асарларни кiritиш мумкин.

➤ Одоб-ахлоққа оид ҳадис тўпламлари. Бу “Одоб илми” деб номланади. Ушбу мавзуда Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад” китоби тасниф этилган.

➤ Тафсирга алоқадор ҳадис тўпламлар. Улар “Тафсир илми” деб номланади. “Ибн Мардавайҳ тафсири”, “ад-Дайлабий тафсири”, “Ибн Жарир тафсири” уларга мисол бўлади.

➤ Тарих ва сийратга доир ҳадислар жамланган асарлар. Улар ўз навбатида иккига бўлинади: тарихга доир – осмон, ер, ҳайвонот олами, жин, шайтонлар, фаришталар, ўтган пайғамбарлар ва аввалги умматларнинг яратилиши ҳақидаги ҳадислар бўлиб, “Бадъ ал-халқ” деб номланади; сийратга доир – Пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг таваллудларидан то вафот этгунларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу мавзуда қатор китоблар тасниф этилган. Жумладан, “Ибн Исҳоқ сийрати”, “Ибн Ҳишом сийрати”, “Мулло Умар сийрати” каби.

➤ “Фитналар илми” деб номланган ҳадислар тўплами. Бу бўйича Наим ибн Ҳаммоднинг “Фитналар китоби” китоби мавжуд.

➤ “Маноқиб” ва “Масолиб” ҳақидаги ҳадислар. Улар бир сўз билан “Маноқиб илми” дейилади. Пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли оила-

лари, саҳобийлар, жаннат башорати берилганлар, Қурайш қабиласи, ансорлар, хулафои рошидин маноқиблари бўйича қатор китоблар ёзилган.

Юқорида тасниф этилган ҳадис тўпламлари қатъий қабул қилинмай, Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”лари ва Имом Термизийнинг “Сунан” асарлари деярли барча мавзуларга доир ҳадисларни жамлагани учун уларни “Жомий” ҳадис тўплами дейиш мумкин.

Шундай қилиб, асрлар давомида ҳадис илми тадрижий равишда ривожланиб борди. Бунда муҳаддисларнинг машаққат ва қийинчиликларга қарамай, ҳаётлари ва мол-мулкларини аямай, ҳадис тўплашга бахшида этганлари муносиб аҳамиятга эга. Ҳадисларнинг танқидий ўрганилиши, уларнинг ишончли ва ишончсизларидан ажратиб олинишига сабаб бўлди ва шу услублар орқали кунимизгача етиб келди. Мовароуннаҳрга ҳадис илмини араб олимлари олиб кирдилар. Улардан кейин бу ўлкада етишиб чиққан маҳаллий муҳаддислар, ҳадис илмининг умумий ривожланишига катта таъсир ўтказа олдилар.

3. Фикҳий асарларнинг манбашуносликда тутган ўрни

Шарқ манбашунослигида Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан фақиҳ ва олимлар салмоқли ўрин эгаллайди. Манбаларда ўлка олимларининг қадимдан ақлий ва фалсафий илмлар ривожига қўшган катта ҳиссалари кўзга ташланади. Усмонли турк олимлари тафсир, ҳадис ва адабиёт илмларини эгаллаш учун Сурия, Ироқ, Миср каби давлатларга борган бўлсалар, фикҳ, калом, фалсафа каби ақлий билимларни эгаллаш учун Насаф, Самарқанд, Бухорога келар эдилар. Ҳанафий мазҳабининг фикҳий асосини таш-

кил этган қатор мўътабар асарлар юртимиздан етишиб чиққан уламолар тарафидан битилган. Бу манбалар шариатнинг барча масалаларини қамраб олган асарлар сифатида мусулмон дунёсида шуҳрат топган. Мовароуннахрлик фақиҳларнинг ҳар бири ўз услуби, ўша давр шарт шароити ва ҳудудда тарқалган мазҳабига қараб, илм-маърифат йўлининг турли жабҳаларида намунали хизмат кўрсатдилар. Мутааххирин уламолар наздида тўртта мўътабар фикҳий матн китоблари мавжуд бўлиб, улар “Мухтасарул Қудурий”, “Виқоятур ривоя”, “Канзуд дақоик” ва “ал-Мухтор лил фатво”лардир. Бу илмий тилда “мутуни арбаа” номи билан ҳам юритилади. Баъзи олимлар “ал-Мухтор”нинг ўрнига “Мажмаул баҳрайн” асарини қўшганлар. “Мутуни салоса” дейилганда эса аввалги учтаси назарда тугилади¹.

1. “Мухтасарул Қудурий”. Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий Бағдодий (972-1037) асари бўлиб, матн ҳанафий мазҳабидаги фикҳий асарлар ичида энг эътиборлисидир. Ҳожи Халифа (1609-1657) айтишига қараганда, ҳанафийликда “Китоб” деб фикҳий манба айтилса, ушбу асар назарда тутилган бўлади. У таниқли фақиҳлар орасида шуҳрат қозонган, эътибор топган энг қулай матн китоби ҳисобланади. Унда ўн икки минг фикҳий масала ва унинг ечимлари зикр қилинган. “Мухтасарул Қудурий”нинг эътибори ва шуҳрати шу даражага етганки, уни вабо кунлари ўқиса, вабо йўқолади, деб табаррук санашган. Абу Али Шоший бундай деган: “Кимки ушбу “Мухтасарул Қудурий”ни ёд олса, асҳобларимизнинг энг афзалроғи бўлади. Ким “Мухтасарул Қудурий”ни тушунса, асҳобларимизнинг энг фаҳмлироғи бўлади”. “Мухтасарул Қудурий”нинг машҳурлиги ва эътибори сабабли унга жуда кўп шарҳлар, ҳошиялар битилган ҳатто матнлари назмга ҳам солинган.

¹ Абдулхай Лакнавий. “Муқаддимату умдатир риоя”. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – 10.

2. **“Ал-Виқоя”.** Ўрта аср фақиҳлари орасида “Садруш-шариа”лар оиласи ўзига хос мавқеъга эга бўлиб, ислом оламига ҳанафийликни ёйишга катта хизмат кўрсатган шажара вакиллари сифатида тилга олинади. Уларнинг аввалгиси ўз замонасининг етук фақиҳи саналган Садруш-шариа Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорийдир. Етук ҳанафий олимларидан бири. Унинг қатор асарлари орасида Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя”га битган шарҳи фикҳ борасида ёзилган бирламчи манбалар қаторида туради. Имом Маҳмуд ибн Садруш-шариа ўз ота-боболари каби замонасининг машҳур олимларидан бири сифатида танилиб, “Тож аш-Шариа” яъни (шариат тожи) кунясини олди. Кейинроқ унинг невараси Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Убайдуллоҳ Тож аш-Шариа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф.747/1349) “кичик тожуш шариа” лақабини олган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд дастлабки таълимни бобоси ва отасидан ўзлаштирди. Бобосининг “Виқоятур-ривоя” асарини пухта ёд олган Убайдуллоҳ баъзи илм аҳилларининг асарни ўзлаштиришда қийинчиликка дуч келаётганларини кўриб, асардаги энг зарур масалаларни қисқача баён этиб, бу шарҳни “Мухтасар ал-Виқоя” деб номлади. У замонасининг қатор илмларини пухта ўзлаштириб, айниқса фикҳ бобида тезда шуҳрат қозонди.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухоро шаҳрида туғулиб, ўша ерда вояга етган замонасининг машҳур олимларидан биридир. Унгача ва ундан кейинги авлодларининг барчалари шариат илми уламоларидан бўлиб танилдилар. Манбаларга кўра ибн Масъуднинг насаби Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларига бориб етади.

“Мухтасар ал-Виқоя” асари ҳақида. “Мухтасар ал-Виқоя” асарининг келиб чиқиши Имом Бурҳониддин

Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний (1123/1197)нинг машхур “Ҳидоя” номли асари билан боғлиқ. Ушбу асар ислом динидаги шарият аҳкомларига бағишланган. Асар Қуръон ва суннат ҳукмларига асосланган мусулмон қонуншунослиги ҳисобланган – фикҳ барча диний ибодатларни адо этишни, мусулмонлар ҳуқуқ ва бурчларини, уларнинг шахсий ҳаёт ва жамиятда амал қилишлари зарур бўлган низом-тартибларни аниқ ва равшан ифодалаб беради. Асар мукамаллиги, ҳанафий мазҳабининг бошқа фикҳий мазҳаблари билан қиёсий ўрганилиши натижасида ёзилгани ҳам унинг ўзига хослигини оширади. Айниқса, Мовароуннаҳр ҳудудида анча машхур бўлган бу асар қарийб саккиз асрдан буён мадрасаларда фикҳ илмидан дарслик сифатида ўқитилиб келинмоқда. “Мухтасар ал-Виқоя” асарида элликга яқин китоб ва турли масалаларга бағишланган фасллардан таркиб топган. Масалан бир китоб бир неча фаслларни ўз ичига олган бўлиб, унга кўра, дастлаб муаллиф томонидан мавзуга оид умумий масалалар баён этилади, сўнгра фаслларга тааллуқли масалалар ёритилади.

Асар икки жузъдан иборат бўлиб, аввалгиси ислом динининг рукнларидан таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж, шунингдек, никоҳ, мерос ва бошқа масала баёнларини қамраб олинган. Иккинчи жузъда қирққадан ортиқ шахс ва жамият ҳаётида доимий учраб турадиган амалий жиҳатлар акс эттирилади. Масалан, олди-сотди, ижара, ваколат, музораба, ширкат, вақф, жинойт ва муомалот ҳамда шу каби бошқа масалалар баёни ёзилган. Асар матни содда тилда берилган бўлиб, муҳим ўринларини осон таржима қилиш мумкинлиги билан эътиборли. Ундаги бу жиҳатлар муаллифнинг ҳар томонлама илмий салоҳиятга эга фақиҳ эканидан далолат беради. Муаллиф кези келган ўринларда ўша масала устида батафсил тўхталиб, сўзини эътиборли

манбаларга суянган ҳолда шарҳ ва изоҳлар билан тушунтиришга ҳаракат қилади.

Муаллифнинг қаламига мансуб бошқа асарлар. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ижоди жуда сермахсул ва баракали кечди. Олим фикҳ бобида “Ат-Танқийҳ” (Сўзни поклаш) асарини ёзиб, кейинчалик муаллифнинг ўзи бу асарига “Ат-тавзийҳ” номли шарҳ ёзди. “Ал-муқаддимотул арбаъа” (Тўрт муқаддима) номли асар бундан ташқари Ал-Вишоҳ”, “Таъдилул улум”, “Аш-Шурут вал-Маҳозир” каби асарлар ҳам Убайдуллоҳ ибн Масъуд қаламига мансуб.

“Мухтасар ал-Виқоя” асари Хоразмда икки марта таржима қилинган. Биринчиси, Домла Муҳаммад Салоҳ (XVII) нинг Хива хони Абулғози Баҳодирхон (1644/1663)га бағишлаб ёзилган форс тилидаги шарҳнинг таржимаси бўлиб, иккинчиси 1525 йилда Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) фармони билан Абдуллалий ибн Муҳаммад ибн Хусайн ал-Биржандий ал-Ҳанафий (ваф.935/1528) қаламига мансуб форс тилидаги шарҳ Домла Бекмуҳаммад Хоразмий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Мана шундай ўзбек тилидаги таржималардан яна бири муаллиф Мақсудхўжа Тошқандий томонидан “Мажмаъ ал-Мақсуд” номи билан 1912 йил нашр қилинган.

Омма эҳтиёжи сабаб асар матни котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, унинг кўплаб нодир қўлёзма нусхалари бугунгача сақланиб қолди. Ҳозирда биргина ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси “Мухтасар ал-Виқоя” асарининг бир неча юзлаб матн, шарҳ, хошия, таржима нусхалари мавжуд. “Мухтасар ал-Виқоя” тошбосмалари эса асосан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида чоп этилган. Жумладан, “Каменьский”, “Лахтин”, “Ильин” босмахоналарида босилган нусхалар Ўзбекистонда кенг тарқалган. Яна шундай матбаалардан бири XX аср бошларида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида фаолият кўрсатган “Ғулом Ҳасан Орифжонов”га тегишли.

“Мухтасар ал-Виқоя” тошбосма усулда “Туркистон ҳарбий округи”, “Петухов” матбааларида ҳам бир неча бор чоп этилиб, омма орасида кенг тарқалган. ЎзР ФА ШИ хазинасида, Истамбул ва Қозон шахрининг “Императорский”, “Воронов”, “Ака-ука Каримовлар”, “Қозон университети нашриёти”, “Ильминский” матбааларида чоп этилган нусхаларга кўплаб дуч келинади. Асарнинг тошбосма нусхалари асосан 1865-1916 йиллар оралиғига оид. Бу даврларда юқоридаги матбаалар қатори “Гейер”, “Канцелсон”, “Эдельман”, “Вилиер”, “Граевский” номли босмаҳоналар ҳам фаолият юритган. Лекин, уларда асосан рус тилидаги адабиётлар нашр этилган. Шунингдек, “Мухтасар ал-Виқоя” асари қўлёзма ва тошбосмаларни Ҳинд-мусулмон маданиятининг йирик марказлари – Бомбай, Канпур, Лакхнав, Лоҳур, шаҳарларида ҳам учрайди.

Мухтасар ал-Виқоянинг шарҳлари хусусида. Асар таълиф этилгандан бошлаб унга асрлар давомида қатор шарҳлар ёзиб келинди. Кунимизгача етиб келган манбаларни таҳлил қиладиган бўлсак, сўзсиз “Мухтасар ал-Виқоя” асари матнига кўплаб дуч келамиз. Матнга ёзилган шарҳлар ичида Шайх Тақийюддин Абул Аббос Аҳмаб ибн Муҳаммад аш-Шаманий (ваф.872)нинг “Камол ад-дирояфий шарҳ ан-Ниқоя”, Шайх Зайнуддин Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Абу Бакр ибн Айний шарҳи, Абдулвожид ибн Муҳаммад шарҳи, Алавуддин Али ибн Муҳаммад Мусанниф шарҳи, Қосим ибн Қутлуғбуға шарҳи, Илёс ар-Румий шарҳи, “Жомеъ ар-Румуз” номли Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний шарҳи, Абул Макорим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад шарҳи, Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий шарҳи, Мавлоно Нуриддин Али ибн Султон Қори Ҳиравий шарҳи каби ва бошқалар кенг тарқалган.

Ҳожи Халифага кўра, “Мухтасар ал-Виқоя” асарига ўндан ортиқ муаллифлар томонидан араб тилида турли

ҳажмдаги шарҳлар битилган. Улар жумласига қуйидагилар киради: Муҳаммад ибн Илёс ар-Румий (XV) асрда яшаб ўтган. Олим Ибн Масъуднинг қисқартмасига “Шарҳ ан-Ниқоя” номли йирик ҳажмда шарҳ ёзган. Али ал-Қорий (ваф.м1702) ҳам асар матнига шарҳ битган олимлардан. Яна шундай шарҳлардан бири Шамсиддин Муҳаммад ал-Куҳистоний (ваф.963/1556) томонидан ёзилган. Олим асли Хуросоннинг Кўҳистон вилоятида тугилган бўлиб, Убайдуллахон даврида (1487-1540) Бухорога келиб муқим яшаб кетган. Олимнинг бир қатор асарлари орасида айниқса, “Жомеъ ар-Румуз” (Рамзлар жамланмаси) номли асари асосан Мовароуннаҳр бўйлаб кенг тарқалди. Асар ҳанафийликка оид фикҳий масалаларни қамраб олиб, Тож аш-Шариъанинг қисқартмаси бўлган “Мухтасар ал-Виқоя” асарининг араб тилидаги шарҳидир. Шарҳ узоқ йиллар Ўрта Осиё ва унга қўшни давлатлар мадрасаларида ўқи-тилиб келинган.

Бундан ташқари, Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шаманий, Ибн ал-Айний ал-Ҳанафий, Абдулвоҳид ибн Муҳаммад, Абулмакорим ибн Абдулло ибн Муҳаммад, Нуриддин Абдурахмон ибн Амад ал-Жомий, Алоуддин Али ибн Муҳаммад, Ибн Қутлубуғо ал-Ҳанафий ва бошқа муаллифлар томонидан ҳам араб тилида шарҳлар битилган.

Асар матнига араб тили билан бир қаторда бир неча муаллифлар томонидан форс тилида ҳам бир-неча шарҳлар битилди. Улардан бири Абдулжамил ибн Маҳмуд ибн Маҳмуддир. Асарининг форс тилидаги шарҳлари орасида Самарқандлик ўз замонасининг машҳур олими Жалолуддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Гўрмирий қаламига мансуби кенг тарқалган. У даставвал арабий матнни таржима қилиб, кейинчалик Мавлоно Фаҳруддин Илёс таълиф қилган шарҳдан унумли истеъфода этиб, ўзининг мукаммал шарҳини яратган.

Туркий тилидаги шарҳлар. “Мухтасар ал-Виқоя” асарининг туркий тилидаги шарҳлари орасида олим Мақсуд-хўжа ибн Мансурхўжа томонидан “Мажмаул-Мақсуд” ёки “Мухтасар ал-Виқоя бит-туркий” номли шарҳ ўтган асарнинг бошларида амалга оширилган. Ушбу шарҳнинг ўзбек тилидаги нусхасининг биринчи жилди 1999 йил китобхонлар қўлига етиб борган.

Асарнинг таржимаси билан мунтазам тадқиқот олиб борган Шаҳобиддин ибн Абдулазиз “Мухтасар ал-Виқоя” асарининг туркий тилидаги таржимасини амалга оширган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу таржимани асос сифатида танлаб олиб филология фанлари номзодлари, доцент Рашид Зоҳидов ва Акрам Дехқоновлар туркий матннинг ўзбек тилидаги нашрини амалга оширганлар. Асарнинг яна татар шевасидаги бошқа таржима нусхалар ҳам учрайди. Улар асосан, 1889-1910 йиллар оралигида чоп этилган нусхалардир.

“Мухтасар ал-Виқоя” асарига ёзилган шарҳлардан кейинги ўринда унга битилган ҳошиялар туради. Улардан бири XV-асрда Шамсуддин Аҳмад ибн Ҳамза ибни Масъуд асарига катта ҳажмли ҳошия ёзган. Кейинчалик Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кирмоний унинг матнини турк тилда назмга солган. Амир Темур даврининг машҳур фақиҳи Саъдуддин Умар Тафтазонийнинг Масъуд номли шайхул ислом дея танилган ўғли ҳам “Муҳший ала шарҳи Виқоя” номли ҳошия битган.

3. “Канзуд дақоик”. Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (1232-1310) қаламига мансуб ушбу китобнинг тўлиқ номи “Канзуд дақоик фий илмил фуруъ” (“Фуруъ илмида нозик масалалар хазинаси”) бўлиб, фикҳий матн китоблари орасида ўзига хос ўринга эга. “Канзуд дақоик” муаллифнинг “Ал-Вофий фил фуруъ” (“Фуруъул фикҳ борасида вафо қилувчи”) аса-

ридан қисқартириб олинган матн бўлиб, муаллиф толиби илмларнинг кенг ва катта ҳажмли китобларни ўқишдан зерикашлари, инсон табиати қисқа битилган китобларга рағбатли эканлиги сабабли ушбу китобни ёзганини айтган. Шунингдек асарнинг қийин ва мушкул ўринлардан хоилигини, ҳамда унга “Фатво” ва “Воқеот” масалалари билан зийнат берганини қайд этган. “Канзуд дақоик”да бошқа фикҳий матн китобларида учрамайдиган мавзулар жумладан, фароизга оид масалалар ҳам бор. “Канзуд дақоик” асари асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилиб келинган. Шунинг учун унга ўнлаб шарҳ, ҳошиялар битилган. Бундай шарҳ ва ҳошияларнинг кўплиги бу асарнинг нақадар машҳурлиги ва ҳанафий мазҳабида мўътабар манба эканлигидан далолат беради. Унинг шарҳлари орасида “Табйинул ҳақоик” (“Ҳақиқатларни баён қилиш”), “Рамзул ҳақойик” (“Ҳақиқатлар рамзи”), “Баҳрур роик” (“Ширин денгиз”), “Наҳрул фоик” (“Тўла анҳор”) кабилар шуҳрат қозонган. “Канзуд дақоик” баъзи фикҳий асарларда қисқартирилиб, “Ал-Канз” деб юритилади.

4. **“Ал-Мухтор”**. Абул Фазл Мажидиддин Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Муслийнинг (1202-1284) “Ал-Мухтор фий фуруъил ҳанафия” (“Ҳанафийлик фурусидаги ихтиёр қилинган ривоятлар”) ёки “Ал-Мухтор лил фатво” (“Фатво учун ихтиёр қилинган ривоятлар”) номли асари. Муаллиф ўз асарини ўзи “Ал-Ихтиёр ли таълилил Мухтор” номи билан шарҳлаган. Матн тузишда фақат Абу Ҳанифа (рахматуллоҳ) нинг фикҳий қарашларини ихтиёр этгани сабабли шу номни танлаганини зикр қилади.

5. **“Мажмаъул баҳрайн”**. Тўлиқ номи “Мажмаъул баҳрайн ва мултақан наҳрайн фий фуруъил ҳанафия” (Ҳанафийлик фуруъсидаги икки анҳор учрашуви ва икки денгиз қўшиливи). Уни Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб ибн Саотий Бағдодий Баълабаккий Ҳанафий

(ваф.694/1294) ёзган. “Мажмаъул баҳрайн” Абул Ҳусайн Қудурийнинг (972-1037) “Мухтасар” ҳамда Абу Ҳафс Насафийнинг (1068-1142) “Манзума” асарлари асосида тартиб берилган ҳанафий мазҳабидаги мўътабар фикҳий матн китоби ҳисобланади. “Кашфуз зунун”да Ҳожи Халифа (1609-1657) унинг ғоят қисқалигидан ёд олиш осонлигини, мушкул ўринларини ечиш қулайлигини, қисқа сўзлар билан кенг маъноларни ифодалаганини ёзади ва унда ишлатилган ўзига хос бир услубни қуйидагича тушунтиради: “Муаллиф, агар имоми Аъзамнинг гапига унинг икки соҳиби хилоф қилганини билмоқчи бўлса, ривоятни жумлаи исмия билан, агар Абу Юсуф икки зотга хилоф қилган бўлса, ривоятни келаси замондаги жумлаи феълия билан, агар Муҳаммад икки зотга хилоф қилган бўлса, ўша ривоятни ўтган замондаги жумлаи феълия билан келтирган”. Содда мўъжаз, ёдлашга осон бўлганлиги учун унга аҳли илмлар катта эътибор бериб, унга ўнлаб шарҳлар ёзганлар. Муаллифнинг Фотима исмли қизи ундан илм ўрганиб, отасининг ушбу “Мажмаъул баҳрайн” асарига чиройли таълиқот (қўшимча изоҳлар) битган.

Энди, қуйида ҳанафий фикҳига оид энг аҳамиятли ҳисобланган манбаларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз:

“Ал-Кофий” (“Кифоя қилувчи”). Ҳоким аш-Шаҳид асари бўлиб, унда Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Зоҳирур ривоя китоблари” деб аталадиган олтита машҳур асаридаги ривоятлар тўпланган. Муаллиф Шайбонийнинг “Ал-Мабсут” асарини такрорий келтирилган масалалари кўплиги учун кам ўқиётганларини кўриб, такрорларини келтирмасдан мухтасар бир асар ёзишни кўзлаган. Шунинг учун ушбу асар “ҳанафий мазҳабининг асоси” деб ҳам аталади.

“Ал-Мунтақо” (“Тозаланган”). Ҳоким аш-Шаҳид асари бўлиб, “Зоҳирур ривоя”дан бошқа “наводир” масалалари-

ни ўзида жамлаган. Шу боис эътибор жиҳатидан Шайбонийнинг асарларидан кейинги ўринда туради.

“Ал-Мабсут” (Кенгайтирилган). Шамсул аимма Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (1009-1090) қаламига мансуб ушбу асар Ҳоким аш-Шаҳиднинг “Ал-Кофий” номли китобига ёзилган шарҳ ҳисобланади. 15 жилдли ушбу эътиборли китобни Шамсул аимма Сарахсий Ўзгандда, зиндонга тушган пайтда, олдига келиб турган шогирдларига айтиб туриб ёздирган. Китобнинг “Аш-Шурут” қисмига етганида зиндондан озод бўлган ва асарнинг қолган қисмини Фарғонада (477/1084) йилда ёзиб тугатган. Фикҳий манбаларда “Ал-Мабсут” асари мутлақ келганда “Мабсутус Сарахсий” тушунилади. Чунки, ҳанафий мазҳабида “Ал-Мабсут” номли асарлар кўп бўлиб, жумладан, Шайхул ислом Хохарзодага (ваф.483/1090), Шамсул аимма Ҳалвонийга (ваф.456/1063), Абул Уср Паздавийга (ваф.484/1091), Абул Юср Паздавийга (ваф.493/1099), Носируддин Самарқандийга (ваф.556/1160), Абу Лайс Самарқандийларга (ваф.393/1003) тегишлилари ҳам бор.

“Бадоеус саноеъ фий тартибиш шароеъ” (Шариат тартибидаги бадий санъатлар). Фикҳга оид ушбу машҳур асар муаллифи Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Маликул уламо Алоуддин Косонийдир. “Бадоеус саноеъ” Алоуддин Самарқандий (ваф.539/1145) ёзган “Тухфатул фуқаҳо”нинг асари шарҳидир. Абу Бакр Алоуддин Косоний 587/1191 йили ражаб ойида Ҳалабда вафот қилган. “Бадоеус саноеъ” да ҳар бир мавзуга оид ҳанафий мазҳаби мужтаҳидлари ва фақиҳларининг қарашлари зикр этилганидан сўнг, шофеъий ва моликий мазҳабининг фикҳий қарашлари ҳам айтиб ўтилади. Қувватли қараш таржиҳ этилганидан сўнг, ақлий ва нақлий далиллар келтирилади. Шу сабабли бўлса керак, бошқа мазҳабларда ҳам ҳанафийларнинг энг мўътабар фикҳий манбаси сифатида “Бадоеус саноеъ” эътироф қи-

линг. “Бадоеус саноеъ” илк бор 1909-1910 йили Қоҳирада VII жилд ҳолатида нашр этилган. Ушбу нашр асосидаги замонавий наشري 1974 ва 1982 йилларда такроран Байрутда чоп қилинган. 1974 йили асарда келтирилган ҳадислар таҳрижи билан Қоҳирада X жилд қилиб нашр этилган.

“Ал-Ҳидоя шарҳул бидоятил мубтадий” (“Бидоятул мубтадий шарҳи Ҳидоя”) Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123-1197) асари. “Ал-Ҳидоя” умумий ҳисобда 57 та китоб, 168 та боб ва 153 та фаслдан иборат. Асар ёзилингандан буён мадрасаларда ҳанафий мазҳаби фикҳидан асосий дарслик сифатида ўқитилгани, унинг фикҳ тарихи ривожидида муҳим аҳамияти борлигини билдиради. Шунинг учун унинг қўлёзма ва тошбосма нашрлари жуда кўп. Ўрта асрларда ҳанафий мазҳабида оид кўпгина асарлар унинг таъсирида ёзилган. “Ал-Ҳидоя”нинг юздан ортиқ шарҳ ва ҳошиялари мавжуд.

“Ал-Бинойя фий шарҳул ҳидоя” (“Ал-Ҳидоя”нинг шарҳида бино қилувчи). Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айнийнинг (1361-1451) 90 ёшга яқинлашиб қолганида “Ал-Ҳидоя”га шарҳ ёзган. Муаллиф ҳадисшунослик соҳасида “Саҳихул Бухорий”га “Умдатул қори” номи билан ёзган шарҳи билан танилган. “Ал-Бинойя” Лакнауда 1876 ҳижрий йили VI жилдда нашр этилган. 1980 йил эса Байрутда X жилд этиб қайта нашрдан чиққан.

“Фатҳул қадир” (“Қудратли ғалаба”). Камолиддин ибн Ҳумом Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Севосий Искандарий (1388-1457) асари. У “Ал-Ҳидоя”нинг машҳур ва эътиборли шарҳи ҳисобланади. Лекин муаллиф уни тугата олмаган, “Ваколат китоби”га келганда вафот этган. Уни Шамсиддин Аҳмад Қозизода (ваф. 988/1580) тамомига етказди ва ўзининг тўлдирмасини “Натоижул афкор фий кашфир румуз вал асрор” (“Сирлар ва рамзлар кашфида фикр натижалари”) деб номлайди.

“Табйинул ҳақоиқ” (“Ҳақиқатларни баён қилиш”). Абу Муҳаммад (Абу Умар) Фахриддин Усмон ибн Али ибн Муҳсин Зайлаий (ваф.743/1343) асари бўлиб, “Канзуд дақоиқ”қа ёзилган энг яхши шарҳлардан бири. “Табйинул ҳақоиқ” Лакнауда 1884, Қоҳирада 1885 ва Булоқда 1895-97 йилларда VI-VII жилдда нашр этилган.

“Ал-Баҳрур роиқ шарҳи канзид дақоиқ” (“Канзуд дақоиқ” шарҳидаги тоза-шаффоф денгиз). Зайниддин (Зайнул обидин) ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нужайм Мисрий (1519-1563) асари. Муаллиф китобини тугатишига умри етмаган. Унда ўзидан аввал битилган “Табйинул ҳақоиқ” асаридан унумли фойдаланган. Унинг тугалланмаган “Ижораи фосида” қисмидан бошлаб шогирди Муҳаммад ибн Ҳусайн Турий (ваф.1004/1595) давом эттирган. “Баҳрур ройиқ” ҳошиясида ибн Обидиннинг (1783-1836) “Минҳатул Холиқ” (Яратувчининг мукофоти) асари билан бирга 1893 йил хижрий йили Қоҳирада VIII жилд этиб нашр қилинган. Асар охирги марта 1997 йили Байрутда IX жилдда чоп этилган.

“Раддул мухтор алад дуррил мухтор” (“Дуррул мухтор”-га ҳайратланарли раддия). “Ибн Обидин ҳошияси” номи билан ҳам танилган ушбу асар муаллифи ибн Обидин куняси билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Абдурахим ибн Нажмиддин ибн Муҳаммад Салоҳиддин Димашқий (1783-1836) бўлиб, Муҳаммад ибн Али Ҳаскафийнинг (1616-1677) “Ад-Дуррул мухтор” (“Ихтиёр қилинган дур”) номли шарҳига ёзилган ҳошия ҳисобланади. Мазкур шарҳ эса, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Темуртошийнинг (1533-1595) “Танвирул абсор” (“Кўзларни нурлантириш”) номли фикҳий матн китобига битилган.

Ушбу ўринда уларнинг сонини кейинги даврларда ҳам кўплаб келтириш мумкин. Лекин биз юқорида уларнинг эътибор қозонган мўътабар манбаларни келтириб ўтдик

холос. Албатта, бу асарлар доирасида бир қатор замонавий илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Аксарияти Шарқ мусулмон мамлакатларида дарслик сифатида мадрасаларда ўқитилиб келинади.

4. Ҳанафийликка оид фатаво китобларининг манбашунослик таҳлили

Сунний мазҳабларнинг барчаси ўзининг фатво китобларига эга. Бу мазҳабларнинг аввали ҳисобланган ҳанафийликда фатво тўпламларини тузиш анча сермахсул кечган. Қолаверса, ўтган барча асрлар ўзининг фатво китобларига эга. Албатта, бу эҳтиёж сабабидан келиб чиқадиган омилдир. Чунки, бундай тўпламлар янгидан-янги, тез-тез содир бўлиб турадиган воқеа-ҳодисаларга жавоб тарзида ёзиладиган китоблардир. Ҳанафий мазҳабининг аксар уламулари ўзларининг фатво тўпламларига эга бўлган, дейиш мумкин. Қуйида уларнинг баъзи машҳурлари билан танишиб чиқамиз:

1. “Фатовойи Абул Лайс” (“Абу Лайс фатволари”). Абу Лайс Фақиҳ Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандийнинг (ваф.393/1003) фатволар тўплами. Муаллиф асар муқаддимасида ўнга яқин фақиҳларнинг номларини тилга олиб, ўзининг “Уюнул масоил” (“Масалалар булоғи”) ҳамда “Ан-Навозил” (“Бошга тушган нарсалар”) асарларидан уларнинг фатволаридан фойдаланганини баён этган. Муаллифнинг фикрича, воқеа-ҳодисалар тўхтамай содир бўлганидан доим фатволарга эҳтиёж тушади. Асар савол ва жавоб тарзида тузилган бўлиб, бундай савол тушди, унга мана бундай жавоб берилди, тарзида битилган. Шунингдек, асарда фатво бериш ва олиш одоблари, жоҳил ва бидъатчиларга раддиялар мавжуд. Асарга тарихий воқеалар ҳам илова қилинган бўлиб, жумладан ҳанафий олимларининг

номлари, уларнинг ҳаётидан лавҳалар, таваллуд ва вафот саналари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

2. “Назмул фикҳ” (“Фикҳ тартиби”). Абу Али Ҳасан ибн Яҳё ибн Али ибн Абдуллоҳ Зиндависатий Бухорий Мубтағий Ҳанафийнинг (ваф.400/1010) асари. Китоб мухтасар ҳолдаги фатаво тўплами бўлиб, фатволар тартибли, “фалон масала мана шунча”, “фалончи бу масаланинг шунча эканини айтган” тарзида рақам, сонлар билан баён этган. Масалан, таҳоратнинг суннатлари шунча, имомга эргашишнинг шартлари мунча, закот бундай одамга фарз бўлади тарзида тузилгани уни ўқиб осон тушуниш имконини беради. Афсуски, асар нашр этилмаган, Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси фондида тўпламнинг 1805-1806 йилларда кўчирилган нусхаси сақланмоқда.

3. “Хизонатул фатово” (“Фатволар хазинаси”). Фахруддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий (ваф.522/1128) асари бўлиб, у Заҳириддин Кабир Али ибн Абдулазиз Марғинонийнинг (ваф.506/1112) шогирди эканини асарининг “Закот китоби”да алоҳида тилга олган. Асар муқаддимасида муаллиф аввал ёзган “Мажмаъул фатово” асарини ҳамда ўзидан аввал ўтган фақиҳларнинг қарийб 20 га яқин фатволарини тилга олиб улардан самарали фойдаланганини зикр этган. Асар анъанага кўра, “Китобут таҳорат”дан бошланиб, “Китоб адабул муфтий” мавзуси билан тугаган.

4. “Фатовойи Валволижийя” (Валволижийнинг фатволари). Абу Фатҳ Абдуррашид ибн Абу Ҳанифа ибн Абдурраззоқ ибн Абдуллоҳ Валволижий (1075-1145) асари. Ҳусомиддин Садруш Шаҳидни (1090-1151) муқаддимада тилга олиб, унинг фатволаридан фойдалангани ва уни қайта ишлаб янги фатво тўпламини тузганини қайд этади.

5. “Хулосатул фатово” (“Фатволар хулосаси”). Ифтихориддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид Бухорий

(ваф.542/1148) асари. Муаллиф муқаддимада ўзининг “Хизонатул воқеот” (“Воқеалар хазинаси”) ҳамда “Китобун нисоб” асарлари асосида қисқартириб тузганини ёзади. Тўплам IV жилддан иборат бўлиб, биринчи жилдда олти-та, иккинчи ва учинчи жилдда учтадан, тўртинчи жилдда эса, ўттиз бешта китоб мавжуд. Китоб Ҳиндистонда нашр этилган.

6. “Ан-Нутаф фил фатово” (“Фатволар ҳақида қатрлар”). Шайхул Ислоҳ Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн Сўғдий (ваф.461/1069) асари. Матн қисқа иборалар билан тузилган. Унда ҳанафий фақиҳларининг фатволари нақл қилингани боис фатво тўпламлари қаторида саналади. Бу тўплам икки жилдда нашр этилган.

7. “Фатовойи Кубро” ва “Фатовойи суғро” (“Катта ва кичик фатволар”). Абу Муҳаммад Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Ҳусомуш Шаҳид Бухорий (1090-1141) тузган фатво тўплами. Мазкур икки фатаво тўпламлари замонавий нашрларига ҳали эга эмас. Асарни хоразмлик фақиҳ Жамол ал аимма Нажмиддин Юсуф ибн Аҳмад Хосий (ваф.634/1237) янада мухтасар этиб, қайта ишлаган.

8. “Фатовойи Сирожия” (“Сирожиддин фатволари”). Абул Ҳасан Сирожиддин Али ибн Усмон Ўший Мотуридий Фарғоний (ваф.575/1179) қаламига мансуб фатво тўплами. Тўпламда бошқа китобларда учрамайдиган масалалар қамраб олинган. Мазкур тўплам 53 та китобдан иборат бўлиб, ҳар бир китоб бир неча фасллардан таркиб топган. Тўпламнинг замонавий нашрлари мавжуд.

9. “Жавоҳирул фатово” (“Фатволар жавоҳири”). Рукниддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Абул Мафохир ибн Абдурашид инб Наср Кирмоний (ваф.577/1182) асари. Мазкур фатаво тўплами олти бобдан ташкил топиб, биринчи бобда устози Рукниддин Абу Фазл Абдурахмон ибн Муҳаммад

Кирмонийнинг (1064-1148), иккинчи бобда ўзига замондош қозиул қуззот Жалолиддин Мутахҳар ибн Хусайн ибн Саъд ибн Али ибн Бундор Яздий (ваф.591/1194), учинчи бобда Ато ибн Ҳамза Саъдий (XI), тўртинчи бобда Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий (XII), бешинчи бобда Маждуш Шариа Абу Муҳаммад Сулаймон ибн Ҳасан Кирмоний, олтинчи бобда мутааххирин уламоларнинг фатаволари ҳар бирининг номлари келтирилган ҳолда баён этилган. Мазкур тўплам ҳали нашр этилмаган. Уни темурийлар даврининг машҳур қозиларидан бири Ихтиёриддин ибн Ғиёсиддин Ҳиравий 1484 йилда китобат қилган ноёб қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси фондида сақланмоқда.

10. “Фатовойи Аттобийя” (“Аттобийнинг фатволари”). Тўплам “Жавомеъул фикҳ”, “Жомеъул фикҳ” номларида ҳам қўлланилади. Унинг муаллифи Зайниддин Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар Аттобий Бухорий (ваф.586/1190). Муаллиф муқаддимада ижтимоий ҳаётда содир бўладиган ва эҳтиёж тушадиган воқеа-ҳодисаларга оид масалаларни йиғишга ҳаракат қилганини баён этган. Унда 30 га яқин ҳанафий фақиҳларининг номини тилга олиб, уларнинг фатволаридан файдаланиш усуллари зикр этилган. Бу фатово тўплами ҳам ҳали нашр этилмаган.

11. “Фатовойи Қозихон” (“Қозихоннинг фатволари”). Уни манбаларда “Фатовойи Хония” ёки қисқача “ал-Хония” номлари билан ҳам зикр этилади. Тўплам муаллифи Фахриддин Қозихон Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Ўзгандийдир (ваф.592/1196). Асарнинг муқаддимасида фатво олиш одоблари, расм-русмлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Асар “Фатовойи Сирожия” ва “Фатовойи Омалгирия” фатво тўпламлари билан биргаликда нашр этилган.

12. “Фатовойи Динорий” (“Динорийнинг фатволари”). Абу Наср Алоуддин Абдукарим ибн Юсуф ибн Муҳаммад

ибн Аббос Динорий (1123-1197) асари бўлиб, Динор Астро-бод яқинидаги шаҳарча номига нисбатдир. Мазкур асар ҳанафий мазҳаб фикҳидаги энг қадимий форс тилида битилган фатво тўпламларидан биридир. Асарда муаллиф “Навозил” ва “Воқеот” масалаларини форс тилида жамлаганини ва унга “Ужубатул фатово” деб ном қўйганини қайд қилган.

13. “Фатовойи Темиртоший” (“Темуртошийнинг фатволари”). Абул Аббос Заҳириддин Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад Темуртоший Хоразмий (ваф.601/1205) асари. Бу фатово тўплами ҳали нашр этилмаган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси фондида сақланмоқда.

14. “Захиратул фатово” (“Фатволар захираси”). Бурҳониддин Садрул Ислом Бухорий (1156-1219) асари бўлиб, “Захиратул бурҳония фил фатво” номи билан ҳам юритилади. Асар катта ҳажмли “Муҳитул Бурҳоний” асарида қисқартириб, икки жилдда тузилган. Унда муаллиф наводир масалалар ва ундан кейинги эътиборли фатволарни тўплашга ҳаракат қилган. Асарнинг темурийлар даврида кўчирилган қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси фондида сақланмоқда.

15. “Татимматул фатово” (“Фатволар тугалланмаси”). Асар муаллифи Бурҳониддин Садрул ислом Маҳмуд Бухорий (1156-1219). Асар катта фикҳий китоблар тартиби бўйича шакллантирилган. Бу фатово тўплами ҳали нашр этилмаган.

16. “Фатовойи Заҳирия” (“Заҳириддиннинг фатволари”). Муаллиф Заҳириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Бухорий (ваф.619/1222). У Бухорода мухтасиблик қилган таниқли ҳанафий олимидир.

17. “Ятиматуд даҳр фий фатово аҳлил аср” (“Аср аҳолиснинг фатволарида замона яғонаси”). Алоуддин Абдурахим ибн Умар ибн Абдуллоҳ Таржумоний (ваф.645/1247)

асари. Мазкур фатово китоби 33 китобдан иборат бўлиб, савол-жавоб тарзида тузилган. Китобда муаллиф ўзидан аввалги фақиҳларнинг фатволаридан фойдалангани ҳақида маълумот бериб ўтади. Асар қисқача “Ятима”, “Ятима-тул фатово” ҳам дейилади.

18. “Фатовойи Таторхоний” (“Таторхоний фатоволари”). Фахриддин Олим ибн Аъло Ҳанафий (ваф.786/1384) асари бўлиб, Ферузшоҳ Туғлуқ (1351-1388) даврида унинг ташвиқоти билан амирларидан бири Таторхонга бағишланган.

19. “Фатовойи Баззозия” (“Баззознинг фатволари”). Муҳаммад ибн Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмий (ваф.827/1424) қаламига мансуб. Муаллиф уни 812/1409 йилда ёзиб тугатган, унда воқеот ва фатво жанрларида келтирилган масалаларнинг энг муҳимларини 52 та китобда жамлашга ҳаракат қилган.

20. “Фатовойи Шайбоний” (“Шайбонийнинг фатоволари”). Асар муаллифи Али ибн Муҳаммад Али ибн Али ибн Маҳдум Мухторий Кубровий Хоразмий (XVI аср) асари бўлиб, муаллиф уни Шайбонийхонга (1500-1510) бағишлаб 1496 йилларда ёза бошлаган. Ҳанафий фикҳига оид ушбу фатово асари араб тилида ёзилиб, жами 43 китобга бўлинган. Унинг қатор нусхалари кунимизгача етиб келган.

Булардан ташқари, Зайниддин ибн Нужайм Мисрий (1519-1563)нинг “Фатовойи Зайния” (“Зайниддиннинг фатволари”), Хайриддин ибн Аҳмад ибн Али Аюбий Рамлий (1585-1671)нинг “Фатовойи Хайрия” (“Хайрли фатволар”), Бобурийлар (1526-1858) сулоласи вакили Аврангзе Оламгир (1659-1707)нинг ташаббуси ва ҳомийлиги асосида бир гуруҳ салоҳиятли фақиҳлар томонидан тузилган “Фатовойи Оламгирия” (“Оламгирнинг фатоволари”), Ҳомид ибн Али ибн Иброҳим Имодий Дамашқий (1692-1757)нинг қаламига мансуб “Уқудуд дуррия ли танқиҳил Фатовойи

Ҳомидия” (“Ҳомиднинг фатволарини поклаш учун дурли маржон”) тўплами, Абдулҳай ибн Абдуҳалим Лакнавий (1847-1886)нинг “Мажмуатул фатово” (“Фатволар тўплами”) ва бошқа шу каби фатово жанрида ёзилган тўпламлар сонини кўплаб келтириш мумкин.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Мовароуннахрда тафсир илмининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беринг?
2. Мовароуннахр ва Хуросон ўлкаларида тафсирларнинг ёзилиши асосан икки сабабга кўра амалга оширилди, улар қайсилар эди?
3. Мотуридий тафсир ёзишда кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор қаратди?
4. Абу-л-Муъийн Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий илмий фаолияти ҳақида маълумот беринг?
5. Ҳадис ишга ўз умрини бағишлаган муҳаддис – Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий асарлари ҳақида сўзлаб беринг?
6. Имом Муслим ибн Ҳажжожнинг ҳадис илмига қўшган ҳиссаси қандай асарлари орқали сизга таниш?
7. Ҳанафий мутааххирин уламолар наздида тўртта мўътабар фикҳий матн китоблари қайси эди?
8. “Мухтасарул Қудурий” асарининг эътибори ва шуҳрати қайси жиҳатларига кўра эди?
9. “Мухтасар ал-Викоя” асари матнида қандай масалалар кўтарилган?
10. “Бадоеус саноеъ” асарининг услуби ҳақида маълумот беринг?
11. Қайси муаллифлар ўз фатво тўпламларига эга бўлдилар?
12. “Ҳизонатул фатово” (“Фатволар хазинаси”) тўплами ҳақида нималарни биласиз?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Имом Доримийнинг тафсиршуносликда ўзига хос ўрни
2. Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Насафий ҳаёти ва илмий маънавий мероси ҳақида
3. “Мухтасар ал-Виқоя” асари ва унинг шарҳлари
4. Ҳанафий фикҳига оид энг аҳамиятли манбалар таҳлили
5. Фахруддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий ҳаёти ва илмий маънавий мероси
6. Фахриддин Олим ибн Аъло Ҳанафийнинг “Фатовойи Таторхоний” асари ва унинг ўрганилиши
7. Манбашуносликда Абдулҳай ибн Абдулҳалим Лакнавийнинг илмий-маънавий фаолияти
8. “Жавоҳирул фатово” тўплами ва унинг ўзига хосликлари



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Имом ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Байрут. Дор ибн Касир, 1987. Ж. 4. – Б. 123-400.
2. Имом ад-Доримий. Сунан ад-Доримий. / Муҳаммад Абдлуазиз ал-Холидий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. Ж. 2. – Б. 320-351.
3. Имом Абу Исо ат-Термизий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1995. Ж. 5. – Б. 199-200.
4. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китоб ат-таъвилот» асари. тарих фанлари номзоди дисс.... Т.: 2003.
5. Ал-Мотуридий. Таъвилот аҳлис-сунна / Маждий Бо-саллум таҳрири остида. 10 жилдли. – Байрут, 2005.

6. У. Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: 2001. – Б. 215-216.

7. С. Оқилов. Абу-л-Муъийн ан-Насафий ва унинг Мотурдийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (Табсирату-л-адилла асари асосида). Дис... автореферат т.ф.н. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 28 б.

8. Ҳамидулла Аминов., Соатмурод Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2017. – 400 б.

9. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

10. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (3-ки-тоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – 144 б.

11. Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари. Муаллифлар жамоаси. Маъсул муҳаррир ва лойиҳа раҳбари т.ф.н. И.Усмонов. – Т.: “Movarounnahr” нашриёти, 2011. – Б. 6-24

VIII. МОВАРОУННАҲР ТАРИХИГА ОИД АРАБ ТИЛИДАГИ ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (VIII-IX асрлар)

Режа:

1. Муҳаммад ибн Исҳоқ
2. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Заҳабий
3. Абу Абдуллоҳ ибн Мусо Муҳаммад Хоразмий
4. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий

Таянч сўз ва иборалар: Ибн Исҳоқ, аббосийлар ҳукмронлиги, мағозий дарслари, Мадина олимлари, “ас-Сийра ан-набавийя”, ибн Шиҳоб аз-Зухрий, асар таржимаси, Имом Заҳабий, Заҳабийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, устозлари, “Сияру аъламин нубало” асари, Муҳаммад Хоразмий, Шарқнинг инқилобий ўзгаришлари, “Ал-Жабр вал-муқобала”, “Китоб ат-тарих”, Абу Исо Муҳаммад, “Китоб ал-жомеъ”, “Аш-Шамоил ал-Муҳаммадия” асари ҳақида, асарнинг қадимий қўлёмаси.

1. Муҳаммад ибн Исҳоқ

Ибн Исҳоқ яшаган давр: Ибн Исҳоқ баъзи саҳобаларни кўришга муваффақ бўлган. Жумладан, Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) билан учрашган. Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, ибн Можа ва Аҳмад ибн Ҳанбаллар Ибн Исҳоқдан ҳадислар ривоят қилганлар.

Ибн Исҳоқ аббосийлар ҳукмронликни қўлга киритгач, Мадинадан чиқиб Халифа Абу Жаъфар ал-Мансурнинг укаси, ал-Жазира волийси Аббос ибн Муҳаммаднинг ёнига

борди (142/760) ва ўша ерда беш йилга яқин ҳадис ривояти билан машғул бўлди. Шундан сўнг Куфа, кейин эса, Ҳийрага ўтди. Куфада эканида мағозий дарслари бўйича кўплаб шогирдлар орттирди. Шогирдлари орасида Абу Ҳанифанинг биринчи шогирди Абу Юсуф ҳам бор эди.

Ибн Исҳоқнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ясор ибн Хияр ал-Мутталибий ал-Қураший ал-Маданий 80/699 йили Мадинада таваллуд топди. Ибн Исҳоқ аббосий ҳукмдор Маҳдий билан Хуросон ва Райга бориб, бу ерларда ҳам ҳадис ривоятини давом эттирди. 146/763 йилда Бағдод шаҳри қурилгач, халифа ёнида бўлгани туфайли ўша ерга келиб ўрнашди. Бу ерда умрининг охиригача яна мағозий дарслари билан шуғулланиб, 151/768 йилда ўша ерда вафот этди ва кейинчалик Ҳорун ар-Рашиднинг онаси Хайзурон номи билан аталган қабристоннинг шарқий томонига, Абу Ҳанифа қабри ёнига дафн этилди.

Устози: Ибн Исҳоқ устозларининг аксарияти энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобаларнинг фарзандлари эди. Улардан энг машҳури Ибн Шихоб аз-Зухрий бўлган. Ибн Исҳоқ 115/733 йили (ёки бир икки йил кейинроқ бўлиши мумкин) Искандарияга бориб қатор олимлардан ҳадис ўрганиш асносида ҳадис матнларини устози Шихоб аз-Зухрий назаридан ҳам ўтказиб олар эди. Унинг бу иши ривоят борасидаги эътибор ва жиддийлигини кўрсатади.

Сийар соҳасида Ибн Исҳоқни машҳур олим сифатида эътироф этган Шихоб аз-Зухрий юқори илмий савияси ва бу борада Мадинада тўплаган кенг илми боис мақтов билан тилга олган, вақти-вақти билан мағозийга тегишли баъзи масалаларни ундан сўраб турган. Шихоб аз-Зухрий вафотидан сўнг унинг шогирдлари ҳам бир ҳадисда шубҳага тушсалар, Ибн Исҳоққа мурожаат қилар эдилар.

Муҳаддис олим: Ибн Исҳоқнинг отаси Исҳоқ, амакилари Мусо ва Абдурахмон ҳамда укалари Умар ва Абу Бакрлар

ҳам ҳадис ривояти билан шуғулланганлар. Ибн Исҳоқ дастлаб отаси ва амакилари бошлиқ кўплаб кишилардан ҳадис, сийар-мағозий, шеърят, айём ал-араб ва насаб ҳақидаги илмлардан таҳсил олди. Унга таълим берган Мадинанинг машҳур олимлари орасида Осим ибн Умар ибн Қатода, Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр, Язид ибн Румон, Абон ибн Усмон ибн Аффон, Муҳаммад ал-Боқир, Абу Салама ибн Абдурахмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Умарнинг мавлоси Нофеъ, Ато ибн Ясор, Абдурахмон ибн Асвад, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ва Ибн Шихоб аз-Зухрийлар бор. Ибн Исҳоқнинг аксари саҳобалар авлоди бўлган юзга яқин мадиналик ровийлардан ҳадис олгани айтилади¹.

Асарлари: Машҳур муаррих Ёқут ал-Ҳамавий Ибн Исҳоқнинг “Китоб ал-хулафо” (“Ахбор ал-хулафо, Тарих ал-хулафо”) номли бир асарининг ҳам мавжудлиги ҳақида маълумот бериб ўтган.

“Сийрат Ибн Исҳоқ” асари ҳақида: Ибн Исҳоқнинг ал-Мағозийси ҳозирги кунгача Ибн Ҳишомнинг “ас-Сийран-набавийа” асари орқали етиб келган. Ибн Исҳоқнинг энг муҳим асари бўлган “Китоб ал-мағозий (Сийрат Ибн Исҳоқ, ал-мубтадаъ ва-л-мабъас ва-л-мағозий)” тарихчи ҳали ҳаёт бўлганидаёқ катта шуҳрат қозонишга, олтмишга яқин ровий томонидан ривоят қилинишига ва кейинги авлоддан ҳар ўнта олимнинг биттадан нусхага эга бўлишига қарамасдан, ҳозиргача яхлит ҳолда етиб келмаган.

Ибн Исҳоқнинг ал-Мағозийси ўрганилиб чиқилганда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ва шахсиятларига оддий ҳодисадек қарамасдан, дунё ва инсоният тарихининг бир бўлаги, Одам алайҳиссаломдан бошлаб юборилган пайғамбарларнинг давоми ва охириги ҳалқаси сифатида ёндашганини ҳис қилади.

Ибн Исҳоқ баён этган мавзулар ҳадислар билан боғланиб, ўзининг шахсий қарашлари орқали ривоятлар тарзида

¹ Хатиб ал-Бағдодий. Бағдод тарихи. Ж.I. – Б. 214-218.

ҳам умумлаштирилган. Айниқса, аҳли китобларга тегишли хабарларда яҳудий, христиан ва мажусийлардан ривоят қилгани ва уларнинг исмларини санаб ўтиш ўрнига “Таврот аҳли”, “Илк китоб аҳлидан баъзи кишилар”, “ажамлардан сўз нақл этганлар” каби иборалардан фойдаланган. Бу турдаги хабар ва маълумотларни келтириши билан у ўз асарида илк марта “далоил ан-нубувва” (“пайғамбарлик далиллари”) мавзусига тўхталган тарихчи сифатида эътиборни торта олган.

Шарқ манбаларининг кўпида Ибн Исҳоқ бу шоҳ асари сабабли кейинги мағозий ва сийар тарихчиларнинг барчаси учун устози дея эътироф этилди. Кейинги давр бу соҳа олимларининг барчаси Ибн Исҳоққа шогирд деб қаралди. Жумладан, Ибн Саъд, ал-Азрақий, Балозурий, Табарий, Ибн Касир ва кўплаб бошқа тарихчилар ўз асарларида Ибн Исҳоқдан келган ривоятларга кенг ўрин берганлар.

Асарнинг манбалари: Абу Бакр Муҳаммад ибн Муслим ибн Абдуллоҳ ибн Шихоб Зухрий ал-Қураший (58/641–124/741) ўз даврининг етук олим ва муҳаддисларидан бўлиб, айниқса ғазоват ҳамда сийрат илмида ўтқир эди. Кўпчилик олимлар унинг сийрат китобини энг ишончли деб ҳисоблаганлар. Китобида у махлуқотларнинг яратилиши, ўтган пайғамбарлар тарихи, хусусан Муҳаммад алайҳис саломнинг пайғамбар этиб юборишлари ва ундан кейинги воқеа ва ҳодисалар, Макка ва Мадина даври шунингдек, хулафои рошидинлар ҳамда ўзи яшаган умавийлар даври ва сулоланинг давлат бошқаруви ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Афсуски, унинг асари бизларгача етиб келмаган. Ибн Исҳоқ ўзининг сийра китобида асосан Ибн Шихобнинг китобидан фойдаланган.

Замондошлари: Ҳадис ва сийар-мағозий соҳаларида Ибн Исҳоқнинг устози бўлган ибн Шихоб аз-Зухрий: “Мағозий илмини ўрганмоқчи бўлганлар Ибн Исҳоқга

мурожат этсин”, дер эди. Суфён ибн Уйайна: “Ибн Исҳоқ яшаб турган вақтгача Мадинада илм йўқ бўлмас”, деган. Имом Шофеъий эса: “Мағозийда чуқур илмга эга бўлмоқчи бўлган киши Муҳаммад Ибн Исҳоққа мурожат муҳтождир”, деб уни мадҳ этганлар. Ибн Саъд Ибн Исҳоқ асарининг номи “ал-Мағозий”, ўзини эса, “Соҳиб ал-мағозий” деб атади¹. Ибн Саъд илк бора мағозийни бир тўпламга йиғган ва бу соҳада китоб тасниф этган илк муаллиф сифатида Ибн Исҳоқ бўлганини таъкидлайди.

Ибн ан-Надим Ибн Исҳоқнинг асари ҳақида “Китоб ас-сийра ва-л-мубтадаъ ва-л-мағозий” дея сўз юритади².

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: Ибн Исҳоқнинг “Ал-Мағозий”си бўйича тўлиқ тадқиқот олиб борган Алфред Гиллаум ҳам энг аввало Ибн Ҳишомнинг асаридан жой олган матн билан Қаровиййин кутубхонасидаги қўлёзма нусхани, шунингдек Табарийнинг “Ат-Тарих” ва Азрақийнинг “Ахбор Макка”сидаги олинган хабар ва ривоятларни бир жойга тўплаб “The Life of Muhammad Transiation of Ishaq’s Sirat Rasul Allah” (Oxford, 1955) номи билан инглиз тилига таржима қилинган.

Абдуллатиф ат-Тийбавий ўз мақоласида бу таржиманинг хатоларини кўрсатиб берган, шунингдек, М.Эдвардс “The Life of Muhammad” номи билан Ибн Исҳоқнинг асарини қайта инглиз тилига (Лондон, 1964), Сезай Ўзел эса, “Siyer” (“Peygamber Tarihi”) номи остида турк тилига (Истанбул, 1988, 1991 й) ўгирган.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: Ибн Исҳоқ асарининг Қаровиййин (№202) ва Работ (№1712) кутубхоналари The Life of Muhammad Ибн Исҳоқ асарининг мавжуд сақланиб қолган нусхаларининг икки алоҳида нашри амалга оширилган:

¹ Ибн Саъд. Табақот. Ж.IV. – Б. 396.

² Ибн ан-Надим. Ал-Фихрист. Қоҳира, 1348. – Б. 142.

Муҳаммад Ҳамидуллоҳ. “Сийрат Ибн Исҳоқ ал-мусаммо би китоб ал-мубтадаъ ва-л-мубъас ва-л-мағозий” (Работ 1396/1976; Кўня 1401/1981).

Суҳайл Заккор. “Китаб ас-сийар ва-л-мағозий” (Дамашқ 1396/1976).

Ҳар икки нашрда Фосдаги Қаровийийин (№202) ва Работ (№1712) кутубхоналари ҳамда Дамашқдаги Дор ал-кутуб аз-зоҳириййада (мажмуа, №110, 158-174) сақланаётган учта камчиликлари мавжуд бўлган қўлёзма асос қилиб олинган.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Баъзи шарқшунослар Ибн Исҳоқнинг катта бобоси насроний бўлгани боис Инжил ва сурёний тилидан бохабарлиги ҳамда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан олдинги даврга тегишли тарих ва қиссаларни билишига ишора қилганлар. Бироқ тарихий манбаларда Ибн Исҳоқнинг Инжил ва Тавротни Мадинада ўқиб, сурёний тилини бир неча йиллик истиқомати давомида Мисрда ўргангани ва бу маданиятдан ўша ерда воқиф бўлгани айтилади.

Ибн Ҳишом Ибн Исҳоқ асарининг тадқиқотчиси сифатида: Абу Муҳаммад Абдумалик ибн Ҳишом ибн Аййуб ал-Ҳимйарий ал-Маофирий ал-Мисрий Басрада таваллуд топган. У дастлабки илмни ўз ватани Басрада олди. Кейинги фаолияти то умрининг охиригача (ваф.218/833) Мисрнинг Фустот шаҳрида давом этди.

Мисрда Имом Шофеъий билан араб тили шеъри ҳақида суҳбатлар қилган Ибн Ҳишом аввалига у билан кўришишни хоҳламаган, лекин кўришгандан кейин тилшунослик, шеърият ва насаб илми борасида унинг чуқур илм эгаси эканини билиб, уни доимо мақтов билан ёдга олган. Ўз ўрнида Имом Шофеъий ҳам Ибн Ҳишомнинг тилшунослик ва араб тили борасида етук олим эканини эътироф этган.

Ибн Ҳишом манбаларда тарих, ахбор, ансоб, шеър, тилшунос ва луғат олими сифатида шуҳрат топган. Ибн Исҳоқнинг “Мағозий” асарини матншунослик жиҳатидан тартибга келтирган Ибн Ҳишом мана шу асар билан тезда танилди. У Ибн Исҳоқдан ривоят қилган энг ишончли ровийлардан Зиёд ибн Абдуллоҳ ал-Баккоийнинг куфий-бағдодий деб машҳур бўлган нусхасини асос қилиб, уни мухтасар ҳолга келтирган ҳамда унга баъзи иловаларни ҳам қўшган. Вақт ўтиши билан асарнинг номи “Сийрат ибн Ҳишом”, “Таҳзибу ибн Ҳишом” деб аталди. Кифтий, Заҳабий, Ибн Касир, Ибн ал-Имод, Ибн Халликон ва Саҳовий каби тарихчилар бу асарни Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётларида доир энг ишончли ва энг яхши сийрат асари сифатида эътироф этганлар.

“Сийрат ибн Ҳишом” асарининг замонавий нашри илк бор 3 жилдда Мисрда 1843 йил амалга оширилган. Ғарб шарқшуноси Фердинанд Вустенфилд 1858-1860 йилларда мазкур асарни 3 жилдда нашр эттирган. Кейинги йилларда ҳам асарнинг кўплар тадқиқотли нашрлари босилиб чиққан. Жумладан, Маҳмуд Саййид Таҳтовий (I-III, Қоҳира, 1911); Мустафо ас-Саққо, Иброҳим ал-Абйорий, Абдулҳафиз Чалабий (I-IV, Қоҳира, 1936, 1955 йй); Муҳаммад Муҳиддин Абдулҳамид (I-IV, Қоҳира, 1937 й); Муҳаммад Халил Ҳаррос (II, IV, Қоҳира, 1971 й); Тоҳа Абдурауф Саъд (I-IV, Қоҳира, 1971й); Маҳмуд Фаҳмий ас-Саржоний (I-IV, Қоҳира, 1978 й); Умар Абдусалом Тадмурий (Байрут, 1987 й) ва Маждий Фатҳий ас-Саййиднинг (I-V, Тонто, 1995 й) нашрлари шулар қаторига киради.

Ас-Сийра ан-Набавийга ёзилган шарҳлардан кенг тарқалгани андалуслик муҳаддис Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ас-Суҳайлий (ваф. 581/1185) қаламига мансуб бўлиб, “ар-Равд ал-унуф фи шарҳ ас-Сийра ан-Набавийа ли-Ибн Ҳишам” номи билан Мисрда 1914 йил икки жилдда босилган.

Ас-Сийра ан-Набавиййа асари бугунга қадар қатор тилларга таржима ҳам қилинган. Жумладан, Рафиъуддин Исҳоқ ибн Муҳаммад Ҳамадоний томонидан форс тилига таржима қилиниб, Асғар Маҳдавий томонидан тадқиқ этилиб, Техронда 1982 йил нашр этилган. Турк тилига илк маротаба Айдинли Айюб ибн Халил томонидан (1578 йил 19 май) таржима этилиб, усмоний шахзодаси Мурод III га тақдим этилган. Шунингдек, Густав Вайл томонидан 1864 йил немис тилига; Абдужалил Сиддиқий ва Ғулом Расул Михр томонидан “Сийратун-набиййи камил” номи билан урду тилига таржима этилган.

Асарнинг рус тилидаги таржимаси фақатгина 2002 йилга келиб Москва шаҳрида Н.А.Гайнуллин томонидан амалга оширилди. Мухтасар шаклдаги ушбу таржима “Жизне-описание пророка Мухаммада” деб номланди.

Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси ҳурматли устозимиз, Академик Неъматулло Иброҳимов раҳбарлигида бир гуруҳ таржимонлар жумладан, Абдуҳаким Орипов, Акмалжон Икромжонов, Абдулҳамид Зайриев, Жаҳонгир Неъматов, Абдулвоҳид Аҳмадалиевлар иштирокида амалга оширилди. Ушбу нашр 2011 йил Тошкент шаҳрида, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида нашрдан чиқди¹.

2. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Аз-Заҳабий

Имом Заҳабий яшаган давр: Имом Заҳабий бутун ҳаёти давомида илм эшитиш, ундан манфаат олиш ва уни бошқаларга тарқатиш билан шуғулланди. Нафақат қироат ва ҳадис, балки бошқа илмлардан ҳам хабардор бўлган. Ўзлари зоҳид, тақводор, диёнатли инсон бўлиб, фақиҳлар-

¹ Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. “Ас-Сийра ан-Набавиййа”. Ж. I-II. – Т.: “Sharq”, 2011. – 616 б.

ни, тасаввуф аҳлини яқин тутган. Хижрий VIII асрнинг бошларига келиб имом Заҳабийнинг илмий фаолиятлари бошланди. Муаллафотлар ёзишга киришди. Энг кўп ёзган асарлари тарих, ҳадис тўғрисида эди. Заҳабий 703 йилдан 718 йилгача Дамашқ яқинидаги тинч, сокин Ғавта қишлоғининг масжидида имом-хатиблик қилиб, ҳадисдан дарс берди ва катта асарларини мана шу ерда битди. Устозлари Ибн Шариший Воилий вафотидан кейин 718 йилда “Умму Солиҳ” номли мадрасада таълим-тарбия ишлари билан машғул бўлди. 729 йилда “Зоҳирия” мадрасасининг ҳадис соҳасини бошқаришга киришди. Устозлари ва яқин дўстлари Бирзолий вафотидан кейин 739 йилдан “Нафисия” мадрасасига имомлик қилди.

Заҳабийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймоз ибн Абдуллоҳ аз-Заҳабий 673 йилнинг рабиул охир ойида Суриянинг Дамашқ шаҳрида дунёга келган. Болаликлари диндор ва илмли оила қучоғида ўтган. Боболари Қаймоз Тамим қавмига мансуб кишининг қўлида мусулмон бўлиб, Диёрбакирнинг машҳур Мийёфорикайн деган шаҳрида истиқомат қилиб, 661 йилда юз ёшдан ошиб вафот этган. Боболари Усмон Дамашққа кўчиб келиб, то 683 йил 70 ёшида вафот қилгунига қадар мана шу ерда яшаган. Унинг саводи у қадар баланд бўлмай, ҳунар кишиси сифатида мунтазам дурадгорлик билан шуғулланган. Лекин Имом Заҳабийнинг боболари невараларининг тарбиясига катта эътибор берганлар. Оталари Шаҳобиддин (641-697) дурадгорликни қўйиб, заргарлик билан машғул эди. Муаллиф кунясидаги “заҳабий” тахаллуси ҳам ана шундан келиб чиққан. Имом Заҳабийнинг болаликлари “Бисбис” номи билан танилган ҳуснихат соҳиби устоз Алоуддин Али ибн Муҳаммад Ҳалабийнинг қўлида ўтган. Тўрт йиллик мактаб таълимидан сўнг Шоғурдаги масжид имоми, диндор, камтарин, бола-

жон илмга муҳаббатли бўлган Масъуд ибн Абдуллоҳ Солиҳий (ваф.720)га шогирд тушиб, Қуръонни ёд олиб, уни қирқ мартта ёддан топшиганлар. Имом Заҳабийнинг бир қиз ва икки ўғил фарзандлари бўлиб, улар ҳам ўз замонасининг илмларини эгаллаган пешқадамлардан эдилар.

Умрлари охирида Имом Заҳабийнинг кўзлари кўрмай қолиб, муаррихлар унинг кўзига парда тушиб, тўрт йил кўрмай қолганларини айтишган. Буюк олим “Умму Солиҳ” мадрасасида 748 йил зулқаъда ойининг учинчисида душанба куни туннинг ярмида 75 ёшга кириб, бу оламдан кўз юмган. У кишининг қабрлари “Бобус сағир” қабристонидан жойлашган.

Устозлари: Ибн Абу Юср, Жамолиддин ибн Молик, Зуҳайр ибн Умар Заръийлардан ижозат хати олиб, Умар ибн Қаввос ва бошқалардан ҳадис эшитиб ривоят қилган олима аёл – аммалари Умму Муҳаммад Ситтул Аҳл бинти Усмон у кишига энага бўлганлар. Заҳабий аммаларидан ривоят қилганлар. Имом Заҳабий “Муъжами шуюх” китобларида тоғалари Али (туғ.658)дан ҳам ҳадис ривоят қилиб, “Ҳожи Абу Исмоил Али ибн Санжар ибн Абдуллоҳ Мавсий Дамашқий менинг тоғам бўлади”, деган. Ироқ олими Иззуддин Форусий (690 йили ҳаёт бўлганлар) Дамашққа келганида Имом Заҳабий ҳали ёш бўлишига қарамай у кишининг илм ҳалқаларида иштирок этган.

Ибн Ҳажар шайхлари Бадриддин Нобулисидан нақл қилган: “Имом биринчи бор 695 йил тўрт ойга, иккинчи марта 697 йили икки йилга Мисрга борган. Сафардан қайтиб, Дамашқнинг марказий масжидида устозлари Шамсиддин Ироқийдан кейин илм ҳалқасини бошқарганлар”.

Мисрда экани ва ундан кейинги йилларда замонларининг машҳур шайхлари адаб аҳлининг имоми, шайх “Ибн Наҳҳос” номи билан танилган Онзок Баҳроуддин Муҳаммад ибн Иброҳим (ваф.698)дан жуда кўп илмий дарслар олган.

Абул Маъолий Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад Абарқухий (ваф.701), шайхул ислом, мужтахид, қозилар қозиси “Ибн Дақиқ” номи билан танилган Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Али Қушайрий (ваф.702), аллома Шарафиддин Абдулмўмин ибн Ҳалаб Димётӣй (ваф.705), Абул Ҳажжож ибн Ҳасан Тамимий Қобисий Искандаронийлардан дарс олганлар.

Имом Заҳабий Қуръони каримнинг икки мутавотир қироати: Ҳафс ва Варш қироатларини замонанинг катта алломаси, қорилар раиси “Саҳнун” номи билан танилган Садриддин Абулқосим Абдурахмон ибн Абдуҳалим ибн Имрон (610-695)нинг қўлларида ўқиганлар.

Абул Маъолий Абарқухий ҳузурларида эканларида Ибн Ҳишомнинг Пайғамбар алайҳис салом сийратларига оид катта китобни етти кунда ўқиб чиққанлар. Яна замона шайхларидан Жамолиддин Абул Ҳажжож Юсуф ибн Абдурахмон Миззий Шофеъий (654-742) ҳамда Илмуддин Абу Муҳаммад Қосим ибн Муҳаммад Бирзолий (665-739) лардан катта манфаат олганлар. Заҳабийнинг ҳаётларида айниқса Бирзолийнинг таъсирлари катта эди. Чунки, у кишининг қалбларида ҳадисларга бўлган илм муҳаббатни уйғотган ва уларни шу йўлга йўналтирган олим айнан Бирзолий эдилар.

Тарихнавис олим: Имом Заҳабий ўн саккиз ёшга етганларида илм олишга қаттиқ киришганлар. Икки асосий йўналиш: қироат ва ҳадис бўйича таълим олишни бошлаганлар. Заҳабий илм талабида 666 йилда Миқдод Қийсийдан “Саҳиҳи Бухорий”ни эшитганлар. Йигирма ёшга етмай туриб, етти қироат билимдони бўлганлар. Қуръони каримни ўқиш, ёдлаш ва қироат илмига эътиборлари ниҳоятда жиддий бўлиб, қорилар шайхи Жамолиддин Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Довуд Асқалоний Дамашқий (ваф.692)га шогирд тушганлар. У зот “Фозилий” куняси билан машғур бўлганлар. Фозилий қироат илми пешқадамларидан бўл-

миш шайх Саховий (ваф.643)нинг шогирдларидан бўлган. Умрлари охирида ҳаж сафарини қилганлар.

Заҳабий ҳуснихат соҳиби ҳам бўлганлар, дасхатларидан баъзи намуналар бизнинг замонимизгача етиб келган.

“Сияру аъламин нубало” асари ҳақида: муаллифнинг бу асари номи ҳақида турли фикрлар мавжуд. Уни Салоҳиддин Сафадий ва Ибн Дақмоқ “Тарихун нубало”, Ибн Шокир Қуртубий “Тарихул уламоин нубало”, Тожиддин Субкий “Китабун нубало”, Ибн Носириддин, Ибн Ҳажар ва Саховий “Сиярун нубало” деб атаганлар. Китоб Султон Аҳмад III кутубхонасида №2910 рақами остида сақланаётган, муаллифнинг ўз қўли (дасхат) билан 739-743 йилларда ёзилган нусхасида “Сияру аъламин нубало” деб номланган. Бу маълумотга таяниб асарни мана шу ном билан айтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Имом Заҳабий ушбу китобларини “Тарихул ислом ва вафоятил машоҳийри вал аълам” асарида кейин ёзганлар.

Асарлари: Имом Заҳабийнинг илмий салоҳиятларини қолдирган элликдан зиёд китобларидан ҳам билиб олиш мумкин. Улар қаторига қуйидагилар киради:

1. “Ал-Арбаъун ал-булдония”.
2. “Туруқ аҳодийсин нузул”.
3. “Ал-кабоир”.
4. “Ма баъдал мавт”.
5. “Ҳуқуқул жор”.
6. “Фазоилул ҳаж ва афъолиҳи”.
7. “Ал-Либос”.
8. “Ал-Витр”.
9. “Тарихул ислом”.
10. “Дувалул ислом”.
11. “Сияру аъламин нубало”.
12. “Тазкиратул ҳуффаз”.
13. “Табақотул қурро”.

14. “Сийрату Умар ибн Абдулазиз”.

15. “Маноқибул Бухорий” ва бошқалар шулар қаторига киради¹.

Қатор олимлар у зотнинг асарлари устида неча асрлардан буён тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Заҳабий илмий изланишлари давомида бир неча китобларни мухтасар қилиб, изоҳ ва янги маълумотлар билан ҳам бойитган эди. Хусусан, ҳадис китобларининг баъзиларини қайта таҳрир қилиб, унинг даражасини баён қилди. Масалан: имом Байҳақий (ваф.458)нинг “Сунанул кубро” китобларидаги ҳадисларнинг санадларини чиқарган.

Имом Заҳабий Мисрда бўлганларида Ибн Зоҳирий номи билан машҳур шайх Жамолиддин Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳалабий (626-696)дан ҳадис эшитганлар. “Тарихул ислом” китобларида ёзганлар: “Мен Миср диёрида мана шу шайхдан дарс эшитдим. У кишини танладим ва китобларига суяндим”. Имом Заҳабий “Тарихул ислом” номли катта китобларини 714 йилда ёзиб тугатдилар.

Заҳабий ақида борасида ҳам нозик ёндашувчан олимлар сирасига кирган. Ақидага оид баъзи китобларни мухтасар ҳолга келтириб тасниф этиши баробарида ўзлари ҳам мустақил “Ал-кабаир ва баёнил маҳорим”, “Ал-Арбаъин фи сифоти Роббил ъаламийн”, “Ал-арш”, “Китабу масъалатул ваъийд” каби китоблар ёздилар.

Замондошлари: Салоҳ Сафдий, Тожиддин Субкий, Ҳусайний, Имомиддин Абул Фидо ибн Касирлар олимни “Заҳабий” дейишган. Замондошлари Заҳабийни бағрикент олим, масалага жиддий ёндашувчи, фикрини тўғри йўлга йўллай олган деб хотиралайди. “Агар унга бирор кишининг

¹ Сияру аъламин нубало / Имом Абу Абдуллоҳ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. – Т.: “Sharq”, 2015. – Б. 6-13. (ум.бети 480 саҳифа)

салбий жиҳатини айтсалар, албатта, унинг ижобий ҳислатларини ҳам зикр этарди. Ёмон гап эшитсалар ҳам, уни яхши маънога йўйишга ҳаракат қилардилар” дейдилар.

3. Абу Абдуллоҳ Ибн Мусо Муҳаммад Хоразмий

Муҳаммад ал-Хоразмий яшаган давр: Муҳаммад Хоразмий ижодий фаолияти дунёвий илм соҳаларининг ривожига ва юксалиши палласига тўғри келди. Олим Бағдодни Маъмун (813-833), Муътасим (833-841), Восик (841-847), Мутаваккил (847-861)лар бошқарган даврда ижод этди. Айниқса, маърифатпарвар халифа Маъмун даврида ижтимоий ҳаётда муайян эркинлик тамойиллари қарор топа бошлади. Халифа ўз обрўси ва қудратини кучайтириш мақсадида диний илмлар қаторида дунёвий илм-фан соҳаларига ҳам катта аҳамият қаратиб, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Айниқса, Хорун ар-Рашид асос солган “Байтул ҳикма” (Ҳикмат уйи) деб номланган Шарқда дастлабки фанлар академиясининг фаолият юритгани ҳам катта воқеа бўлди.

Халифалик илмий-маънавий ҳаётида Мовароуннахр ва Хуросон олимлари муҳим роль ўйнаган. Чунки, бу ўлкалар қадимдан Эрон, Ҳиндистон, Хитой ҳамда бошқа мамлакатлар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиб, илмий кашфиётларда қўлга киритилган ютуқлардан хабардор бўлганлар. Машҳур фан арбоби ва мутафаккир аллома Абу Абдуллоҳ ибн Мусо Муҳаммад Хоразмийнинг илмий фаолияти ва аниқ фанлар соҳасидаги эришган ютуқлари нафақат ўрта аср фани ва маданияти, балки бутун жаҳон илм-фанида катта ҳодиса сифатида баҳоланиши кишида фахр-ифтихор уйғотади.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Шарқнинг инқилобий ўзгариш ва уйғониш даврида

дунёга келган машҳур фан арбоби, математик, астроном, географ, геодез, медик, биолог, тарихчи, энциклопедик олим, атоқли мутафаккирларидан бири мовароуннаҳрлик Абу Абдуллоҳ ибн Мусо Муҳаммад Хоразмий (783-850) дир. Забардаст олим Хоразмда таваллуд топиб, дастлабки таҳсилни ватанида олади, араб, ҳинд, юнон-грек тилларини мустаҳкам ўрганди. Ўз давригача бўлган аниқ фанларнинг тараққиёти, янгиликлари ва тарихи билан яқиндан танишди. Унинг илмий фаолияти асосан халифаликнинг марказий шаҳри Бағдодда кечиб, олим у ерга боргунича фан арбоби сифатида аллақачон шаклланиб улгурган эди. Муҳаммад Хоразмийнинг илм-фанга тарихчи сифатида қўшган ҳиссаси математик ва астроном сифатида қўшган ҳиссасидан кам эмас. Муҳаммад Хоразмийнинг ёрқин ижоди ва илмий мероси ўтган асрлар давомида илмий билим, инсон ақл-заковати, ҳурфикрлилигини исботлаши ва инсониятга узоқ вақт хизмат қилиши баробарида, илмий тадқиқотлар учун асос ва замин вазифасини ўтайди. Юртдош алломанинг илм-фанга қўшган бемисл хизмати-ю эришган ютуқларини янада чуқурроқ ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш келгусида ёш тарихчи олимлар вазифаси бўлмоғи керак.

Дипломатик фаолияти: Муҳаммад Хоразмий фан тарихига мутафаккир сифатида ўз баҳосини бериб, олимлар тоифасини фаолиятига қараб уч гуруҳга ажратади: биринчи гуруҳ – бевосита табиатни ўрганиб, илмий ҳақиқатни аниқловчи олимлар; бу гуруҳ фанга янгиликлар олиб киради. Иккинчи гуруҳ илмий ютуқларни ташвиқ қиладилар, аввалгиларни ривожлантириб, бойитади ва уларга тузатишлар киритади. Учинчи гуруҳ эса, олдин ўтган олимларнинг камчилик ва хатоларини тузатиб, илмий анъаналарни тизимли давом эттиради.

Тарихнавис олим: Хоразмий тез орада халифа Маъмун ва ўз даврининг етук олимларининг диққат-эътиборини

Ўзига жалб этиш билан бир қаторда Бағдоддаги астрономик ва геодезик кузатишларга бевосита раҳбарлик қилди. Академияда дунёнинг турли бурчакларидан келган олимлар хизмат кўрсатиб, тадқиқотлар олиб борилган. Бу эса, илк ўрта аср шароитида ҳам бағрикенглик ва ҳурфикрлиликка кенг имкон яратилганидан далолат беради. Академия ўша даврга оид замонавий фан-техника, асбоб-ускуналар, расадхона, йирик кутубхона ва тажриба ўтказиш жойлари билан таъминланган. Бундан ташқари, академия қошида қўлёзмалар тўплаш, таржимашунослик йўлга қўйилиб, ҳинд, эрон ва юнон тилидаги турли фан соҳаларига оид асарлар араб тилига таржима қилинди. Фақат ўзга тилдаги асарлар таржимаси билан кифояланмай араб тилида ҳам оригинал асарлар яратилиб, шу вақтнинг ўзидаёқ бошқа хорижий тилларга ўтирилди. Жумладан, академия фаолияти давомида бўлажак фан арбобларини етиштириш ва тарбиялашга ҳам жиддий эътибор қаратилган эди. Аниқ фанлар бўйича устоз Холид ибн Абумалик Марваридий ўғли Муҳаммад, Аҳмад ва Ҳасан, невараси Умарларнинг олимлик даражасига етишларида мазкур академиянинг алоҳида ўрни бор. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Умар ибн Базиар, Мусо ибн Шокир ва бошқалар ушбу илм даргоҳида таълим олишдан ташқари устозлари фаолиятини давомчилари сифатида танилдилар.

Асарлари: Муҳаммад Хоразмийнинг йирик асарлари ҳам мана шу академияда фаолият олиб бориш даврида яратилди. Афсуски, аллома тасниф этган асарларнинг барчаси бизгача етиб келмаган. Улардан етиб келганлари ҳам фақат Европа тилларида амалга оширилган таржималар орқали сақланиб қолган. Жумладан, “Ал-Жабр ва-л-муқобала” (Тиклаш ва қиёслаш амаллари) асари Мусо Муҳаммад Хоразмийни дунёга танитиб, кейинчалик шу асарда баён этилган илмий қараш ва хулосалар “алгебра” номини олиб,

математика фанининг алоҳида бўлимига айланди. “Китоб фи ҳисоб ал-ҳинд” (“Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб”), Олимнинг яна бир машҳур китоби “Китоб сурат ал-арз” (Ернинг сурати китоби) ўша давр шаҳар ва тоғларнинг географик тафсилоти, орол, дарё, денгиз ҳамда океан ҳавзаларининг шакллари ҳақида қимматли ва бетакрор маълумотларни беради. Шунингдек, асарда астрономияга оид амалий ва назарий, хронологик, тригонометрик мавзулар қамраб олинган. Китоб фаннинг Шарқ ва Европада шаклланишида етакчи манба сифатида хизмат қилиб, катта эътибор қозонган. Бундан ташқари, Муҳаммад Хоразмийнинг “Зижи Хоразмий”, “Устурлоб ҳақида рисола”(сатҳларни ўлчаш), “Қуёш соатлари”, “Астролябиянинг таъсис этилиши ҳақида рисола”, “Мармар ҳақида китоб”, “Мусиқа”, “Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамлари”га оид қатор рисоалари ҳам унинг серқирра ижодкор ва қомусий олим бўлганининг исботидир.

“Китоб ат-тарих” асари ҳақида: “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”) эса, Аббосийлар халифалиги даврига бағишлангани билан эътиборли. Асардан фақат айрим парчалар замонимизгача етиб келган. Парчаларда араблар билан византияликлар ўртасида бўлиб ўтган юришлар; арабларнинг Эрон ва Ўрта Осиёга юришлари; халифалик билан хазарлар ўртасида бўлган муносабатлар; халифаликнинг ички аҳволи ҳақида фикр юритилади. Хоразмийнинг берган маълумотига кўра, бу йилларда аббосийлар анча фаоллашиб, катта ўзгаришларни амалга оширганлар. Асар 733 йилдан бошлаб халифалик тарихи йилма-йил, хронологик тартибда баён этилади. Асарнинг мазкур қисмлари Табарий (839-923)нинг “Китоб расулул мулк ва-л-хулафо” ва Ибн Асир (1160-1234)нинг “Тарихи фи-л-комил” асарларида учрайди.

Муҳаммад Хоразмийнинг тарих китобини Византияда битилган тарихий манбалар, масалан, Феофан (тах.760-

818)нинг (813) йили ёзган “Хронология” номли асари билан мазмунан яқин таълиф этилган дейиш мумкин. Чунки, бу икки асарда воқеа-ҳодисалар йилма-йил тарзида берилишдан ташқари ҳар иккисида илмий услубий муштараклик мавжуд. Демак, Хоразмий ҳам Феофан фойдаланган манбаларга таяниб, бевосита юнон тарихчиларининг асарларидан таъсирлангани сезилиб туради.

Замондошлари: Муҳаммад Хоразмий ижодий фаолиятининг энг сермахсул даври ўз ҳамюртлари Аҳмад ибн Касир Фарғоний (ваф.861), Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий (ваф.864), Абу Машъар Балхий (ваф.886), Абу Али ибн Раббан Табарий (ваф.855), Марв воҳасининг Марварид қишлоғидан чиққан Марваридийлар ҳамкорлигида бошланди.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Абу Абдуллоҳ ибн Мусо Муҳаммад Хоразмийнинг қолдирган илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш билан ҳозир бутун дунё илм аҳли тадқиқотлар олиб бормоқда. Бундай дейишга етарлича асосимиз ҳам бор. Муҳаммад Хоразмийнинг илмий мероси хорижий давлатларда Ю.Рушка, Г.Вилейтнер, Л.Роде, М.Симон, Р.Вибер, Э.Хонигман, Э.Видеман, И.Франк, Ф.Сезгин ва бошқалар томонидан ўрганилиб, махсус тадқиқотлар олиб борилган. Шўролар даврда фаолият олиб борган И.Ю.Крачковский, М.А.Салъе, Н.Д.Сергеева, Ю.Х.Копелевич, Г.П.Матвиевскаялар аллома ҳақида илмий тадқиқот олиб борганлар.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Алломанинг тарих асари асрлар оша Шарқ тарихнавислигида нодир манба сифатида юксак баҳоланиб келган. Шунга кўра, Муҳаммад Хоразмийнинг ўрта аср тарих фанига муайян асос солган дастлабки вакиллардан бири бўлган, дейишимизга ҳам асос беради. Ҳозирда Яқин ва Ўрта Шарқ тарихини ўрганишда Табарий билан ибн Асирнинг илмий хулоса ва маълумотларига

кўпроқ асосланиш одат тусига кирган бўлиб, Муҳаммад Хоразмийнинг илмий-тарихий хулосаси ва қимматли фикр-мулоҳазаларини улар қаторига қўйиш ва тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таниқли шарқшунос олим А.Аҳмедов мазкур тарих китобидан бизгача 144 та қисм етиб келгани ва унда милoddан олдинги 312 йиллардан то милoddнинг 828 йилларигача бўлган улкан давр қамраб олингани ва шу даврда тарих саҳнасида юз берган муҳим воқеалар ёритилганини қайд этади. Юртимиз тарихчиларидан Т.Қори-Ниёзий, М.Хайруллаев, А.Носиров, А.Аҳмедов, С.Сирожиддинов, О.Файзуллаев, А.Ирисов, И.Низомиддинов, А.Аъзамов, П.Г.Булгаков, А.Аҳмедов каби ва бошқалар томонидан етарлича ўрганилди ва мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин юксак эътибор туфайли ҳозирда ҳам тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

4, Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо Термизий

Исо Термизий яшаган давр: унинг яшаган вақти Ўрта аср мусулмон маданияти Аббосийлар ҳукмронлигининг ҳар жихатдан ривожланган даврига тўғри келди. Ислom дунёсига бошқа мамлакатларнинг самарали таъсири адабиёт, фалсафа, тарих, диний илmlар ва табиий фанларнинг гуллаб-яшнашига сабаб бўлди. Иқтисодиёт ва савдонинг кенг ривожи биринчи навбатда Эрон, Ироқ, Миср ва Мо-вароуннаҳрга ўхшаш қадимий, зич аҳоли истиқомат қилувчи мамлакатларда содир бўлди. Бу даврда халифалик ҳудудидан ташқаридаги вилоятлар – Шарқий Европанинг саҳройи ўлкалари, Узоқ Шарқ, Ҳиндистон ва Ҳабашистон билан савдо алоқалари ўрнатилди.

Исо Термизийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Абу Исонинг бобоси асли Марвлик бўлган. Термизга кўчириб келган ва бу ерда Абу Исо Термизий туғилган. Машҳур

аждодимизнинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (ваф.279/892)дир. Ёшлигидан илм ва ҳадисга қизиқиб, Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва бошқа жойларда таълим олган ва ислом обидалари билан танишган. Жуда кўп ҳадис имомлари ва билимдонларидан ҳадис тинглаб ёд олган ҳамда ёзиб олган. Умри охирида касалга чалиниб, бир қанча вақт кўр бўлиб қолган. Термиз шаҳрида ҳижрий йил ҳисоби бўйича 279 йили 70 ёшида вафот этган.

Тарихнавис олим: Имом Термизий жуда кўп таниқли устозлардан таълим олган. Улар орасида, Имом Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид ва бошқалар бор эди. Ундан таълим олган Такҳул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳаммод ибн Шокир, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва бошқалар номи кейинчалик ҳам омма эътиборидан қолмай келмоқда. Сийра жанрида ёзилган китобларининг Марказий Осиёда ҳам таълиф этилиши катта эътиборга молик ишлардандир. Уларнинг энг машҳури “Шамойл ал-Муҳаммадий” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”) китоби ҳисобланади. Ушбу мавзуда ёзилган асарлардан Термизий тасниф этган асарнинг фарқи, пайғамбар алайҳис салом фазилатларига доир барча ҳадисларнинг мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил тартибга келтирилиши ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф этилганидир.

“Асарлари” имом Термизийнинг “Китоб ал-жомеъ” (“Ҳадислар мажмуаси китоби”), “Китоб ал-илол” (“Иллатлар китоби”), “Китоби тарих”, “Китоб аш-шамойл ан-набавия” (“Пайғамбарлик аломатлари китоби”) ва бошқалар бизларгача етиб келган. Буларнинг ичида энг машҳури “ал-Жомеъ” асаридир. Бу олти та машҳур ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, китоб “Жомеъ ат-Термизий”, “Сунани Термизий” номлари билан ҳам юритилади. Унинг мусулмон дунёсида битилган юзлаб шарҳлари мавжуд.

“Аш-Шамоил ал-Муҳаммадия” асари ҳақида: Баъзи манбаларда ушбу асар “Аш-шамоил фи шамоил ан-набий саллоллоҳу алайҳи васаллам” номи билан ҳам келтирилади. Асар пайғамбар алайҳис саломнинг шахсий ҳаётлари, У зотнинг сурат ва сийратлари, ажойиб фазилат ва одобларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига жамлаган қимматли манбадир.

Асарнинг тузилиши: “Шамоил ал-Муҳаммадий” асарининг тузилиши ва “Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг жисми каримлари ҳақида ривоят қилинган ҳадиси шарифлар боби”дан ташкил топган. Умуман, асарни икки қисмга бўлиш мумкин: биринчи қисмга мансуб ҳадислар пайғамбар алайҳис саломнинг ташқи қиёфаларига қаратилган. Асарнинг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбар алайҳис саломнинг сийратлари – ички дунёси ва ахлоқий фазилатларини баён қилади.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: асар ёзилгандан бошлаб исломшунос олим ва тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб этиб келган. Шу боисдан араб тилида битилган бу асарга кўплаб шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Улардан Абдурауф Муновий Мисрий (ваф.1003)нинг “Шарҳи Шамоил”, Али ибн Султон Ҳаравий Қорий (ваф.1192)нинг “Жамъу ал-васоил фи шарҳи аш-шамоил”, Сулаймон ибн Умар ибн Мансур Жумалнинг “Ал-мавоҳиб ал-Муҳаммадия бишарҳи аш-шамоил ал-имом ат-Термизий” кабиларни келтириш мумкин.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: асарнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги ал-Азҳар кутубхонасида 144 ҳадис илми рақами остида сақланмоқда, Муҳаммад ибн Жасус Моликий (ваф.1182)нинг “Ал-фавоид ал-жалийла ал-баҳия ала “аш-шамоил ал-Муҳаммадия”” (бу асар 1927 йили нашр қилинган) ва ниҳоят ал-Азҳар университетининг шайхларидан Иброҳим Божурий (ваф.1277)нинг

“Ал-Мавоҳиб ал-Ладуния ала аш-шамоил Имом ат-Термизий” каби шарҳларни кўрсатиш мумкин.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Асар форс ва туркий тилларга ҳам кўплаб таржима қилинган. Жумладан, 1248 ҳижрий йили Ҳисомиддин Нақшбандий томонидан туркий тилга таржима қилинган. Асарнинг Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тарозий томонидан ўзбек тилига мухтасар таржимаси 1990 йили Имом Термизийнинг 1200 йиллик юбилеи муносабати билан Тошкентда қайта нашр этилган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: “Шамоил ал-Муҳаммадий”-нинг XVI асрга оид қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда. 1980 йили Тошкентда мазкур диний бошқарма буютмаси билан “аш-Шамоил ан-Набавия”нинг ушбу қўлёзмаси офсет ташқарисида нашр этилган. Бундан ташқари, “Шамоил ал-Муҳаммадий”нинг 1510 ва 1533 йилларда кўчирилган иккита қадимий қўлёзмаси ва XVII асрда асрда кўчирилган битта қўлёзмаси (СБР, IV №2976, 2979) инв.рақмлари остида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Ибн Исҳоқ қайси саҳобаларни кўришга муваффақ бўлган эди?
2. Ибн Исҳоқга таълим берган Мадинанинг машҳур олимларидан кимларни биласиз?
3. Ибн Исҳоқнинг машҳур “Ал-Мағозий” асари манбалари ҳақида маълумот беринг?
4. “Сийрат ибн Ҳишом” асарининг замонавий наشري илк бор қачон чоп этилди?

5. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси ҳақида маълумот беринг?

6. Имом Заҳабий яшаган давр ижтимоий муҳити қандай эди?

7. Имом Заҳабийнинг ақида илмига оид тасниф этган китоблари қандай номланар эди?

8. Мусо Муҳаммад Хоразмий қайси аббосий ҳукмдорларнинг бошқаруви даврида ижод этди?

9. Мусо Муҳаммад Хоразмийнинг асарлари ҳақида маълумот беринг?

10. Абу Абдуллоҳ ибн Мусо Муҳаммад Хоразмийнинг қолдирган илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш билан кимлар шуғулланди?

11. Исо Термизийнинг қандай машҳур асарларини биласиз?

12. Исо Термизий ҳақида хорижда қандай илмий тадқиқотлар олиб борилган?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Ибн Исҳоқнинг ал-Мағозийси бўйича илмий тўлиқ тадқиқот олиб борган олимлар

2. Имом аз-Заҳабийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси

3. Заҳабийнинг калом илмига қўшган ҳиссаси

4. Мусо Муҳаммад Хоразмийнинг дипломатик фаолияти

5. Мусо Муҳаммад Хоразмий илмий мероси ҳақида олиб борилган тадқиқотлар

6. Исо Термизийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти

7. “Шамоил ал-Муҳаммадий” асарининг тузилиши ва таркиби ҳақида

8. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Исо Термизийнинг қўлёзмалари ҳақида



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абдумалик инб Хишом ал-Маъофирий. Ас-Сийра ан-Набавийя. Иккинчи жилд. 3-4. – Т.: “Sharq” нашриёти, 2011. – 690 б.
2. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.
3. Носиров А. Хоразмийлар ҳақида маълумотлар тўплами. ЎЗР ФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.Р:13436.
4. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Таҳқиқ: Маҳмуд Иброҳим Зоир. Ат-тарих ас-сағир. Ж.І. – Байрут: Дар ал-маърифа, 1986. – Б. 6.
5. Хайруддин Зирклий. Аълам. Ж. II. – Байрут: Дар ал-илм лил малайин, 1998. – Б. 131.
6. Аҳмедов А. Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразми. Астрономические трактаты. (вступительная статья, перевод и комментарии). – Ташкент: Фан, 1983. – 141 с.
7. Великий ученый средневековья ал-Хорезми. (материалы юбилейной конференции ибн Мусы ал-Хорезми). – Ташкент: Фан, 1985. – 271 с.
8. Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразми. Математические трактаты. (ответственный редактор акад. С.Х.Сирождинов). – Ташкент: Фан, 1983. – 303 с.
9. Ўрта аср шарқ алломалари. Энциклопедияси. Таҳрир ҳайъати. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016. – 612 б.
10. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.
11. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1981. – 263 б.
12. Носир Муҳаммад. Турон давлатлар йилномаси. – Т.: “Meriyus” нашриёти, 2010. – 128 б.

IX. МОВАРОУННАҲР ТАРИХИГА ОИД АРАБ ТИЛИДАГИ ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (X-XI асрлар)

Режа:

1. Абу Жаъфар ат-Табарий
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий
4. Абу Абулҳай ибн Заҳҳок ал-Гардизий
5. Абулфазл Муҳаммад ал-Байҳақий

Таянч сўз ва иборалар: Абу Жаъфар ат-Табарий, “Ал-Жаририйя” мактаби, “Тарих ал-умам вал-мулук”, асарнинг Европа тилларига таржимаси, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар, “Тарихи Бухоро”, асарнинг форсий матни ҳақида, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, “Мафотиҳ ал-улум” асари ҳақида, Маҳмуд Гардизий, “Зайн ал-ахбор” муаллифнинг шоҳ асари сифатида, асарнинг манбалари, асарининг форсча матни, Абулфазл Муҳаммад ибн Ҳусайн Байҳақий, «Зийнат ул-китоб», “Тарихи Масъудий” асари, асарнинг форсий матни муаллифи, русча таржимаси.

1. Абу Жаъфар Ат-Табарий

Табарий яшаган давр: Абу Жаъфар ат-Табарий тарих-навис олим сифатда ҳам шуҳрат қозонишига сабаб кўплаб шаҳарларни айланиб чиқиши билан боғлиқ. Ўз даврида у халифаликнинг кўплаб шаҳарларида истиқомат қилди ва илм талабида қатор сафарларга чикди. Жумладан, Рай,

Басра, Куфа, Сурия, Хуросон, Шом (ҳозирги Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания) ва Мисрда умрининг аксарият қисмини ўтказди.

Табарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ғолиб ат-Табарий (ваф.310/923) Эроннинг Табаристон вилоятига қарашли Омул шаҳрида (224/836) йили маҳаллий мулкдорлар оиласида туғилган. Дастлабки таълимни ўз ватанида олган. Райда машҳур муҳаддис ва фақиҳлар қулида ўз билимини оширган. Сўнгра Бағдод, Басра, Куфага бориб, замонасининг машҳур уламоларига шогирд тушган. 867 йил Мисрга борганида етук олим сифатида эътироф этилган. Бағдодга қайтгач, “Ал-Жаририйя” мактабига асос солган. Умрининг кўп қисмини Бағдодда ўтказган ва шу ерда ҳижрий 310 йил шаввол ойида 86 ёшида вафот этган.

Асарлари: Абу Жаъфар ат-Табарий ўз даврининг кенг маълумотли кишиси бўлиб, фикҳ ва тарих илмларини мукаммал эгаллаган. Табарийдан бизгача йигирмадан зиёд мустақил китоб ёзиб қолдирган. Лекин уларнинг барчаси ҳам бизгача етиб келмаган. Қуйида унинг бир неча муҳим китобларини келтириб ўтамиз:

1. Тафсир ат-Табарий “Жомеъ ал-баён ан таъвили айил Қуръан” (“Қуръон оятлари мажмуавий изоҳларининг баёни”). Китоб аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг кўп жилдли ва катта эътиборли тафсирларидан бири ҳисобланади. Табарийни мусулмон дунёсига танитган ушбу китобидир.

2. Тарих ат-Табарий “Тарих ал-умам вал-мулук” (“Халқлар ва маликлар тарихи”). Асар тарихга оид бўлиб, Одам алайҳис салом яшаган даврдан бошланиб то муаллифнинг вафотигача бўлган катта тарихий воқеа-ҳодисаларни қамраб олганлиги билан эътиборли. Асарда жумладан, Эрон подшоҳлари, Рим ва Византия императорлари, халифалик ҳудудидаги юртлар, (хусусан, Хуросон ва Мо-

вароуннаҳр)нинг 915 йилгача бўлган тарихи ўз ифодасини топган. Асарда Туркистон халқларининг арабларга қарши кураши ва қўзғалонлари Бухоро, Вардона, Самарқанд ва Фарғонадаги жанглар, Абу Муслим ҳаракати, Муқанна Қўзғалони, Рофеъ ибн Лайс қўзғалони ва бошқа маълумотлар берилган. Асар етти йилда ёзилган бўлиб, ундаги тарихий маълумотлар иснодлари билан келтирилади.

3. “Таҳзиб ал-асар тафсил ал-маъоний ас-сабит ан Расулиллаҳ (салоллоҳу алайҳи васаллам) мин ал-аҳбор” (Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васалламдан келган тўғри хабарлар маъноларининг батафсил баёни). Китобнинг айрим парчалари баъзи давлатларда хусусан, уч қисми Туркияда, бир қисми Испанияда, бир бўлаги Англия (Оксфорд) да сақланмоқда. Муаллиф бу китобни охирига етказмай вафот этган.

4. “Ихтилоф ал-фуқаҳо” (“Фақиҳларда фикҳ масалаларининг хилма-хиллиги”). Китоб турли мактабларга хос бўлган фақиҳлар дунёқарашининг таҳлилига бағишланган. Асар уч минг саҳифадан иборат бўлиб, унда фикҳий масалалар баёнига кенг урғу берилган.

5. “Ихтиёр мин ақвол ал-фуқаҳо” (“Фақиҳларнинг сўзлари (раъйлари)дан танлаб олинганлари”). Бу китоб “Ихтилоф ал-фуқаҳо”нинг давоми сифатида келтирилган.

6. “Адаб ан-нуфус ал-жаййида ва-л-ахлоқ ан-нафиса”. (“Тўзал ахлоқ ва яхши нафснинг одоблари”). Асар тўрт жилддан иборат бўлиб, муаллиф китобни тугата олмай вафот этган.

7. “Адаб ал-қузот” (“Қозиларнинг одоби”). Матн минг саҳифадан иборат бўлиб, қозилик қонун-қоидалари ва қозилар одобига бағишланган.

8. “Адаб ал-маносик”. (“Ҳаж одоблари”). Ҳаж амалларини бажариш тартиб қоидалари ва одобларига бағишланган.

9. “Басту ал-қовл фи аҳкам аш-шариъа ал-ислом”. (“Ислом шариати ҳукмларининг қисқача баёни”). Имом Заҳабий ал-Фарғонийдан нақл қилиб айтадики, бу китоб ўн беш-йигирма минг саҳифа ўртасидадир.

10. “Ат-Тафсир фи маъолим ад-дин”. (“Дин белгиларининг шарҳи”). Ушбу китоб ақида масалаларига қаратилган бўлиб, унда мўътазила мазҳаби нотўри йўлда эканлиги исботлаб берилган.

“Китабу тарих ал-умам вал-мулк” асари ҳақида: Ушбу асар йирик қомусий олим Абу Жаъфар ат-Табарийга тегишли. Умумий тарихга бағишлаб ёзилган ушбу асар номланишида ҳам турфа хиллик кузатилади. Асар номи мутлақ “Тарихи Табарий” деб келганда, “Китабу тарих ал-умам вал-мулк” китоби тушунилади. Асар мукамаллиги ва далилий материалларга бойлиги билан бошқа асарлардан тамоман фарқ қилиб туради. Асарда оламнинг яралишидан то 912 йилларга қадар Арабистон, Рум (Кичик Осиё), Эрон ва Араб халифалиги асоратига тушиб қолган мамлакатларда шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳикоя қилинади. Воқеалар йилма-йил, хронологик тарзда баён этилган. Муаллиф асардан фойдаланишда кўп жиҳатдан қулайлик яратган. Табарий мазкур асарни яратишда яҳудий ва христианларнинг нақл-ривоятлари, Сосонийлар (224-651 й) солномаси “Хвадай намак” (“Подшоҳнома”), ал-Воқидийнинг (747-823 й) “Китоб ул-мағозий” (“Урушлар ҳақида китоб”), ал-Мадоинийнинг “Тарихи хулафо” (“Халифалар тарихи”), Ибн Тайфурнинг (819-893 й) “Тарихи Бағдод” (“Бағдод Тарихи”) каби асарлардан кенг фойдаланган. Лекин у кўп ҳолларда “Ҳадис илми” усулига кўра, айниқса асарнинг илмий тарихига бағишланган қисмларида бошқа манбалардан олинган далил ва маълумотларни айнан келтирган. Китобнинг қадимий тарихидан баҳс юритувчи қисмлари

ҳам маълум илмий аҳамиятга эга, чунки буларда бизгача етиб келмаган манбаларда (ривоятлар “Хвадай намак”, “Тарихи хулафо” ва бошқалар) мавжуд бўлган қимматли маълумотлар, лавҳалар сақланган.

Замондошлари: Имом Заҳабий Табарийнинг “Таҳзиб ал-асар тафсил ал-маъоний ас-сабит ан Расулиллаҳ (салол-лоҳу алайҳи васаллам) мин ал-ахбор” китоби ҳақида фикр юритиб: “Агар ушбу китоб муаллиф томонидан ниҳоясига етказилганда, тахминан юз жилдни ташкил қилган бўлар эди”, деб ёзганлар. Ибни Касир эса, “Энг яхши китоблардан бўлиб, агар тугатилганда шу китобнинг ўзи кифоя қиларди”, деган эди.

Шогирдлари: Аҳмад ибн Комил Абу Бакр, Абдулазиз ибн Муҳаммад Табарий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Фарғонийлар Табарийнинг етук шогирдларидан бўлган.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: “Тарихи ар-русул ва-л-мулук” мусулмон мамлакатлари, шунингдек, Мо-вароуннахрнинг VIII-IX аср тарихи бўйича асосий ва энг муътабар манбалардан бири бўлиб, тарих илмининг кейинги тараққиётига катта таъсир ўтказган. Мазкур асарнинг арабча икки хил (муфассал ва қисқартирилган) таҳрири бўлган, лекин бизгача унинг фақат қисқартирилган таҳрири етиб келган ва асар матни голландиялик шарқшунос М.Я.де Гук (1836-1909) тарафидан 1879-1901 йилларда 15 жилдда нашр этилган. Табарий асарининг форсий таҳрири ҳам мавжуд бўлиб, у Сомоний Солиҳ Мансур ибн Нухнинг (961-976 й) вазири, атоқли илм-фан ҳомийси ал-Балъамий (ваф. 974 й) томонидан 963 йили ёзилган. Балъамий таҳрири шунчаки оддий таржима бўлиб қолмай, балки асарнинг қайта ишланган ва айрим ҳолларда янги фактлар билан бойитилганидир. Биринчидан, қисқартирилган таҳририда учрамайдиган маълумотлар мавжуд бўлиб, уларни муаллиф Табарий асарининг тўла нусхасидан олинган. Иккин-

чидан, Балъамий таҳрири бошқа манбалар асосида янги маълумотлар билан тўлдирилган.

Табарийнинг мазкур асаридан айрим парчалар баъзи бир Европа тилларига таржима қилинган. Унинг тўла французча таржимаси Г.Зотенберг томонидан 1867-1874 йиллари Парижда нашр этилган. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси 1882 йил Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Асарнинг форсий ва туркий таржималари ҳам бўлиб, уларни мўътабар қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкент кутубхоналарида мавжуд. Балъамий таҳрирининг матни тўла тарзида Лакхнав, Канпурда (1874, 1896, 1916 йй) ва Техронда (1962, 1967 йй) чоп қилинган.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: “Тарихи ар-русул ва-л-мулук” асарининг қўлёзма нусхалари МДХ, Англия, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: “Тарихи ар-русул ва-л-мулук”-нинг Тошкентдаги нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти хазинасида араб тилидан тўртта мўътабар қўлёзмалари Баёний томонидан ўзбек, Муҳаммад Содик Қошғарий томонидан уйғур тилидаги қилинган таржималари мавжуд. Қисқартирилган русчаси таржимон В.И.Беляев томонидан 1987 йили Тошкентда “История Табари” номи билан чоп этилган.

2. Абу Иаср Аҳмад Ибн Муҳаммад Наршахий

Наршахийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закарийе ибн Хаттоб ибн Шарикан-Наршахий (899-959). X асрда яшаб ижод этган Бухоролик йирик тарихшунос олим.

билан атайди. VIII-X асрларда Бухорода ҳунармадчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, ҳар бир қишлоқ ўз маҳсули билан шўҳрат топган. Масалан, “Зандана” қишлоғида тўқиладиган ипак ва ип матолар “занданийча” номи билан бутун Шарқ оламига машҳур бўлган. Бухоро шаҳрининг ўзида “Байтут тироз” номи тўқимачилик корхонаси бўлиб, унинг маҳсулотлари Форс, Кермон, Ҳиндистон, Ироқ, Шом, Миср ва Рум каби ўлкаларга олиб борилган. Бухоро савдогарлари ниҳоятда бой табақа бўлиб, наршахий уларни “кашкашон” деб атайди. Савдо муносабатлари кенг ёйилганлиги сабабли Бухоро шаҳрига “Мадинатут тужжор” деб ном берилган.

Китобда Бухоро воҳасини суғорувчи анҳор, обод қишлоқлар, работ ва кўшклар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Бутун воҳа VIII-XII асрларда Кармана, Шопурком, Ҳарқонат Улё, Ҳарқонруд, Овхитфар, Сомжон, Банконруд, Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Кайфур, Руди Зар каби суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланган. Биргина Пойканд шаҳри атрофида мингдан ортиқ работ бўлган.

Бухоро воҳасини ташқи ҳужумлардан муҳофаза этиш мақсадида унинг барча деҳқончилик музофотлари бир неча юз фарсахга чўзилган мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу девор 782-831 йиллар мобайнида қурилиб битказилган ва у “Кампирак” номи билан юритилган.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китоби биргина Бухоро тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун қимматли асардир. Марказий Осиё халқларининг VIII-XII асрларга бағишланган илмий тадқиқотларда Наршахий маълумотлари ва унинг ҳаммуаллифи, таржимони ва муҳаррири Абу Наср Аҳмад Кубавийнинг қўшимчалари XIX асрдан кенг фойдаланиб келинмоқда, асарнинг нусхалари

дунё қўлёзма хазиналарида кўплаб учрайди. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти хазинасида асарнинг 20 дан зиёд нусхаси мавжуд.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Асарнинг форсий матни бир неча бор – 1892 йил Ч.Шефер томонидан Парижда, 1904 йил Мулло Султон томонидан Бухорода (Когон), 1939 йил Мударрис Ризаний томонидан Техронда нашр этилган. Асарнинг Н.Ликошин бажарган рус тилига таржимаси 1897 йил Тошкентда, Р.Фрайнинг илмий изоҳлар билан бойитилган инглизча таржимаси 1954 йил Кембрижда, Насруллоҳ Тарозийнинг араб тилига илмий изоҳли таржимаси Мисрда чоп этилган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: “Тарихи Бухоро”нинг бир неча қўлёзмалари солиштирилиб, тафовутлари қайд этилган илмий изоҳли ўзбек тилидаги таржимаси 1966 йил А.Расулов ва А.Ўринбоевлар томонидан (тарихий шахсларга изоҳлар Д.Юсупованики) “Фан” нашриётида нашр этилган.

3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ал-Хоразмий

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг туғилган санаси аниқланмаган. Ал-Хоразмийнинг ёшлиги Хоразм шаҳарлари: Хива, Замахшар ва Котда ўтди. У Хоразмда туғилган, яшаган, таълим олган ва айнан шу ерда илм-фаннинг кўплаб соҳаларида шуҳрат қозонган. Олим бир муддат Хуросонда ҳам истиқомат қилган. Абул Хасан Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Утбий (977-982) девонхонасида котиб, яъни вазир маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. Хизмат юзасидан Бухорога тез-тез келиб турган. Ал-Хоразмий 997 йилда вафот этган.

“Мафотиҳ ал-улум” асари ҳақида: Ал-Хоразмий қомусий олим бўлиб, бир қатор илмий ишлар яратди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган ягона асари – “Илмлар калити” (“Мафотиҳ ал-улум”) ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирларининг аксарият асарлари каби араб тилида ёзилган бўлиб, фан тараққиёти тарихи ва таснифи бўйича қимматли манбалардан бири ҳисобланади. Икки қисмдан иборат “Илмлар калити” асарида олим 15 та фан моҳияти ва мазмунини баён қилган. Биринчи қисмга қуйидаги фанлар киритилган: 1) фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги, 2) қалам яъни, ақидавий илоҳиёт, 3) грамматика, 4) иш юритиш, 5) шеърийят назарияси ва метрика, 6) тарих ёки хронологик фанлар. Иккинчисига қуйидагилар киритилган: 1) фалсафа, 2) мантиқ, 3) тиббиёт, 4) арифметика, 5) геометрия, 6) астрономия, 7) мусиқа, 8) механика, 9) кимё. Бу асар 976 ва 991 йиллар оралиғида яратилган.

Замондошлари: У машҳур амир кутубхонасида бўлган ва у ерда замонасининг машҳур олимлари билан суҳбатда бўлган. Айнан шу ерда ўзининг кичик замондоши Ибн Сино билан танишган бўлиши мумкин.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: Замонасининг барча фанлари тараққиётига муносиб ҳисса қўшган қомусий олим. Хусусан, фалсафада ўрта аср мутафаккирлари орасида биринчи бўлиб фанлар тараққиёти кўрсаткичи ҳисобланмиш фанлар таснифи муаммосига катта ҳисса қўшди. У мазкур фан соҳасини назарий жиҳатдан анча бойитди. Тарихда қадимги Яман, қадимги Юнонистон, Араб яриморолида жоҳилия даври тарихи бўйича янги маълумотларни келтирди. Адабиётда турли жанрлар ҳақида маълумот келтирди ва уларни тўлдирди. Филологияда ўз замонининг барча фанларига оид атамаларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли изоҳларини берди.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Ал-Хоразмийнинг 1163 йилги қўлёзмаси асосида голланд олими ван Флотен томонидан араб тилида чоп этилган ягона асари дунё олимлари эътиборини ўзига қаратди. Бу асар ўрта аср фан тараққиёти тарихи бўйича ноёб манба сифатида немис, инглиз, америкалик, араб, рус, ўзбек, эрон, ҳинд, малайзиялик, турк, француз олимлари томонидан ўрганилган. Ал-Хоразмий китоби ўрта аср Шарқининг йирик илмий асарларидан бири сифатида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб олимлари томонидан тан олинган. Хусусан, немис фан тарихчиси К.Броккельман мазкур асарни қўплаб фанлар хусусида маълумот берувчи ва ўша давр билимларининг қисқача таърифини яратиш талабига жавобан дунёга келган қомусий асар деб таъкидлайди. Бошқа бир йирик немис олими, фан тарихчиси, шарқшунос Э.Видеман ал-Хоразмийга биринчи мусулмон қомусини тузган олим сифатида юқори баҳо беради. Шарқ ал-кимёси, тиббиёти ва Яқин Шарқдаги бошқа табиий фанлар тадқиқотчиси, немис арабшуноси Ю.Руска “Илмлар калити”ни ал-кимё бўйича қимматли манба сифатида кўрсатади. Машҳур рус шарқшуноси И.Ю.Крачковский ал-Хоразмий асарини географик адабиёт учун қимматли маълумот берувчи муҳим манба деч эътироф этади. XX аср машҳур Ғарб фан тарихчиси Ж.Сартон Ал-Хоразмий ишини ўрта аср фан ва маданиятини ўрганиш бўйича бош манбалардан бири деб ҳисоблайди.

4. Маҳмуд Гардизий

Маҳмуд Гардизийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Унинг тўлиқ исми Абу Абулҳай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий, Ғазнига (Афғонистон) тобеъ бўлган ва унинг шарқий тарафида жойлашган Гардиз қишлоғида туғил-

ган. У ўз замонидаёқ шуҳрат топган олимдир. Бу эса унинг “Зайн ал-ахбор” номли асари туфайли бўлди. Китоб 1049-1050 йиллар орасида ёзиб тамомланган ва Ғазнавийлардан Султон Абдурашидга (1049-1053) тақдим этилган.

“Зайн ал-ахбор” асари ҳақида: “Зайн ал-ахбор” (“Та-рихлар беази”) номли китоб муаллифи XI асрнинг йирик тарихчиси Гардизийдир. “Зайн ал-ахбор”, асосан қадим замонлардан (исломдан аввал ўтган қадимги Эрон подшоҳлари замонидан) то 1041 йилгача, яъни Ғазнавийлардан Султон Мавдуд (1041-1050) билан Султон Муҳаммад (1030-1031 иккинчи марта 1041) ўртасида, яъни 1041 йили Диноварда бўлган урушгача Хуросонда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Асарда айниқса Хуросоннинг араб истилосидан 1041 йилгача бўлган тарихи бошқа асарларга нисбатан кенгроқ ёритилган.

Асарнинг манбалари: Гардизий ушбу асарини ёзишда ас-Салломийнинг “Китоб фи ахбор вулоти Хуросон”, ал-Жайҳонийнинг “Ажойиб ал-булдон”, шунингдек ибн Муқаффа, ибн Халлиқоннинг асарларидан ҳам унумли фойдаланган. “Зайн ал-ахбор” румликларнинг маданияти (дар маърифати румиён) турли халқларнинг диний маросимлари ва йил ҳисоблари, Мовароуннахрнинг туркий аҳолиси ва Ҳиндистон ҳақида, деган боблардан иборат. Асарнинг турли халқларнинг (мусулмон, яҳудийлар, христиан ва бошқаларнинг) диний маросимлари ва йил ҳисоблари ҳамда Ҳиндистон ҳақидаги боблари Абу Райҳон Беруний асарлари, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг туркий аҳолиси ҳақидаги боби эса қисман ибн Хурдодбех, Жайҳоний ва Ибн Муқаффа асарларига таяниб ёзилган.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Гардизийнинг “Зайн ал-ахбор” асари Хуросон ва Мовароуннахрни араблар истилосидан то XI асрнинг ўрталаригача бўлган сиёсий тарихини ўр-

ганишда муҳим ўрин тутди. “Зайн ал-ахбор” асарининг форсча матни эронлик Мирзо Муҳаммад Қазвиний 1937 йили, Муҳаммад Нозим 1928 йили ҳамда Саид Нафисий томонидан 1954 йили чоп этилган эди. 1969 йили Техронда асарнинг тўлиқ нашри амалга оширилди. Унинг туркий халқлар ҳақидаги боби рус тилида В.В.Бартольд томонидан 1900 йили нашр қилинган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Китобнинг Ўзбекистонга алоқадор қисми А.К.Арендс томонидан русчага қилинган таржимаси 1991 йили Л.М.Епифанова томонидан нашрга тайёрланиб, Тошкентда чоп этилди.

4. Абулфазл Муҳаммад Ибн Хусайн Ал-Байҳақий

Абулфазл Муҳаммад ибн Хусайн Байҳақийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: У Нишопур вилоятига қарашли Ҳарисобод қишлоғида бадавлат мансабдор оилада туғилган, асосан Нишопур шаҳрида таълим олиб, балоғатга етган. Абулфазл Байҳақий тахминан 1021 йили Ғазнавийлар давлатининг девони расоили - хорижий мамлакатлар билан алоқа юритувчи вазифасига қабул қилинди ва вазир Абу Наср Мишкон раҳбарлигида 19 йил ўша мансабда хизмат қилди. Абу Наср Мишкон вафотидан сўнг 1039 йили Байҳақий унинг ўрнига девон бошлиғи этиб тайинланди. 1041 йили Султон Масъуд ўлдирилгандан сўнг, у сарой хизматидан четлатилди ва фақат Султон Абдурашид 1050 йили ҳокимият тепасига келгач, яна ўз ўрнига тикланди. Абулфазл Байҳақий бу лавозимда 1059 йилгача, яъни Султон Фаррухзод (1053-1059) салтанатининг охиригача давлат хизматида бўлди. Кейин истефога чиқиб, китоб таснифи билан машғул бўлди. У 1077 йили вафот этган.

Асарлари: Абулфазл Байҳақий “Зийнат ул-китоб” (“Китоблар зийнати”), “Тарихи оли Маҳмуд” (“Маҳмуд хонадонининг тарихи”) ёки “Жомеъ фи тарихи оли Сабуктегин” (“Сабуктегин хонадони тарихидан ҳикоялар мажмуаси”) номли асарлари билан машҳур.

“Тарихи Масъудий” асари ҳақида: Анъанавий тарихий асарлардан яққол ажралиб турадиган “Тарихи Масъудий” (“Масъуд тарихи”) асарнинг муаллифи Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-котиб ал-Байҳақийдир (995-1077). “Тарихи Байҳақ” (“Байҳақ (вилояти) тарихи”) асар муаллифи Абулҳасан Али Байҳақий XII асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва кўпинча ибн Фундуқ номи билан машҳур бўлган олимнинг маълумотига қараганда, Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи оли Маҳмуд” асари ўттиз жилддан иборат бўлган. Лекин, бу улкан асарнинг фақат олтинчи жилди иккинчи қисми, 7, 8, 9-жилдлари ҳамда 10-жилдининг бир қисми етиб келган, холос. Бу қисмлар Султон Масъуд (1030-1041) даври тарихини ўз ичига олади ва “Тарихи Масъудий” номи билан маълум ва машҳур.

“Тарихи Масъудий” асарида бошқа тарихий китоблардан фарқли, му-аллиф ўзи кўрган ва ишончли кишилардан аниқлаган маълумотларни, шунингдек, ҳукумат маҳкамаларида сақланган расмий ҳужжатлар асосида ҳамда маиший тафсилотларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу хусусият асарнинг далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг кенг ва атрофлича баён этилиши ва ниҳоят зўр бадиий маҳорат билан ёзилганлиги, уни бошқа тарихий асарлардан алоҳида ажратиб туради. Китобда, Султон Масъуд даври Ғазнавийлар салтанатининг ижтимоий-сиёсий аҳволига кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, асарда Саффорийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар тарихига оид муҳим маълумотлар ҳам бор. Айниқса, Ғазнавийлар билан Хоразм, Салжуқийлар ҳамда Қорахонийлар давлати

ўртасида бўлган сиёсий муносабатлар етарлича ёритилган. Айниқса, Абу Райҳон Беруний ҳаёти тўғрисида тафсилотлар ва унинг бизгача етиб келмаган Хоразм тарихига оид асаридан лавҳалар биз учун жуда қимматлидир. Чунки муаррих улуғ ватандошимиз билан мулоқотда бўлган, уни яхши билган ва фикрларини қадрлаган.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: “Тарихи Масъудий” асарининг форсий матнини У. Морлей Калкуттада 1861 йили, Техронда эса Аҳмад Пешаворий 1886 йили, Саид Нафисий 1941-1954 йиллари, Ғани ва Фаёз 1945 йили чоп этганлар. Унинг арабча таржимаси Қоҳирада Яҳё Ҳашшоб ва Содик Нишот томонидан нашр этилган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: “Тарихи Масъудий” асарининг русча таржимаси тадқиқот ва зарур изохлар билан манбашунос олим А.К.Аренде томонидан Тошкентда 1962 йили ва Москвада 1969 йили эълон қилинди. Китобнинг X-XI аср тарихини ўрганувчилар учун манба сифатида аҳамияти жуда катта.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Абу Жаъфар Табарий илм талабида халифаликнинг қайси шаҳарларида бўлди?
2. Табарий асос солган мактаб ҳақида маълумот берилинг?
3. Абу Жаъфар Табарийнинг тафсир илмига оид қандай асари мавжуд?
4. “Тарихи Табарий” асари ва унинг ёзилиш услуби қандай?
5. Замондошларининг Табарий ҳақидаги қарашлари ҳақида сўзлаб берилинг?
6. Абу Бакр Муҳаммад Наршахий илмий мероси ҳақида нималарни биласиз?

7. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти қандай кечди?

8. Ал-Хоразмий ва унинг асари ҳақида хорижда қандай тадқиқотлар олиб борилди?

9. Гардизийнинг “Тарихлар беағи” асари ҳақида маълумот беринг?

10. Абул Фазл Байҳақийнинг саройдаги фаолияти қандай кечди?

11. “Тарихи Масъудий” асари қайси тарихий даврларни ўз ичига олган?

12. “Тарихи Масъудий”нинг русча таржимаси қачон ва ким томонидан амалга оширилган?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Абу Жаъфар Табарий ва унинг “Жаририя” мактаби ҳақида

2. Абу Жаъфар Табарий тасниф этган асарлар таҳлили

3. “Тарихи Табарий” асарида ёритилган мавзулар таҳлили

4. Абу Жаъфар Табарийнинг машҳур шогирдлари

5. “Тарихи Бухоро” асари ва унда кўтарилган мавзулар

6. Абу Бакр Муҳаммад Наршахий тарихнавис олим сифатида

7. “Зайн ал-ахбор” асари ва унинг муаллифи

8. “Тарихи Масъудий” ва унинг ёзилиши услуби



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Хайруддин Зиркий. *Ағлам. Ж. 2. – Байрут: Дар ал-илм лил малайин, 1998. – Б. 233.*

2. *Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр ағлам ан-нубала. Ж.7. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 602.*

3. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.9. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 301
4. Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. (Словесное искусство арабов в древности и раннем средневековье). – М.: “Наука”, 1977. – 289 с.
5. Ахмедов А. Мухаммад ибн Муса ал-Хоразми. Астрономические трактаты. (вступительная статья, перевод и комментарии). – Ташкент: Фан, 1983. – 141 с.
6. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1981. – 263 б.
7. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 104 б.
8. Ғозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума. – Т.: “Мухаррир” нашриёти, 2011. – 144 б.
9. Ўрта аср шарқ алломалари. Энциклопедияси. Таҳрир ҳайъати. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016. – 612 б.
10. Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Т.: “O'zbekiston” НМИУ, 2016. – 422 б.
11. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг таърихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.
12. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.

Х. XII АСРДА БИТИЛГАН МОВАРОУННАХР ТАРИХИГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛАРИ

Режа:

1. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий
2. Абул Қосим Маҳмуд Замахшарий
3. Абу Саъд Абдулкарим Самъоний
4. Фаҳриддин Розий

Таянч сўз ва иборалар: Абу Ҳафс Насафий, машҳур асарлари, “Китоб ал-қанд фи тарихи Самарканд”, асарнинг замонавий тадқиқотлари, Маҳмуд Замахшарий, олимнинг дипломатик фаолияти, фахрий унвонлари, кенг кўламли ижодкор, Абдулкарим Самъонийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, “Ал-Ансоб” асари ҳақида, Самъоний йирик аллома сифатида, тарих ва ҳадис илмларининг билимдони, асарнинг Эрон ва Мовароуннаҳрда яшаб ўтган машҳур кишилар қисми, асарнинг замонавий тадқиқотлари, жаҳон фондларидаги нусхалари, маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши, Фаҳриддин Розий ва унинг ижоди, Розий 146 та асар муаллифи, ўта мураккаб мутафаккир, фанлар таснифи методологияси, нақлий, фурубий, подшоҳлар учун қўлланма, асарнинг қадимий қўлёзмалари.

1. Абу Ҳафс Насафий

Абу Ҳафс Насафий яшаган давр: Насаф шаҳри Абу Ҳафс яшаган даврда илм-фан жиҳатидан Мовароуннаҳрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар – Самарқанд ва Бухородан кейинги ўринда турар эди.

Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти:

XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик тарихчи, тилшунос ва фақиҳ Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Лукмон ан-Насафий (1068-1142)дир. Нажмуддин Абу Ҳафс Насафий тарих, география, тилшунослик ва фикҳ илмларини мукаммал билган олим бўлиб, шу илмларга бағишланган бир қатор асарлари мавжуд.

Асарлари: У мусулмон қонуншунослигига оид “Манзумот ан-Насафия фил-хулофиёт” (“Келишмовчиликлар ҳақида Насафийнинг шеърий асари”), “Ақоид ан-Насафий” (“Ислом ақидаларига ан-Насафий шарҳи”) шариат йўл-йўриқлари ва “Қуръони карим” шарҳига бағишланган “Ал-явоқит фи-л-мавоқит” (“Қулай вақтлар хусусида ёқутлар”). “Заллат ал-қорий” (“Қориларнинг хатолари ҳақида”) ва тасаввуф хусусида “Рисолаи Нажмия” каби бир неча китоблар яратган. Олимнинг биз учун муҳим ҳисобланган асари “Китобул қанд фи тарихи Самарқанд” (“Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоб”)дир.

“Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд” асари ҳақида: “Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд” (“Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоб”) номли асар муаллифи Абу Ҳафс Умар Насафийдир. Олимнинг тарих фани учун “Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд” асарининг асл арабий матни бизгача етиб келмаган. Асарнинг бошқа бир номи “Китоб ал-қанд фи маърифати уламои Самарқанд” (“Самарқанд олимларининг таниш борасида қанд китоби”) деб аталган. “Китоб ал-қанд” ҳадис илмининг илм ар-рижол соҳасига тегишли тарихий-биографик жанрда яратилган. Асарда уламоларнинг исмлари ўзига хос тарзда алифбо тартиби билан берилган. Китобнинг қимматли томони шундаки, у бир қатор бизгача етиб келмаган манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни ҳам беради. Ушбу асарда

Ўрта Осиёнинг исломгача бўлган тарихи, унинг араблар томонидан забт этилиши, Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор осори атиқалари ҳақида қисқача маълумот ҳам келтирилган.

Асарнинг манбалари: биламизки, Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустаффирий (ваф.1041 й)нинг насаф тарихи бўйича ёзган асари бизгача етиб келмаган. Лекин Абу Хафс ўзининг “Китоб ал-қанд” асарида 169 ўринда ал-Мустаффирийдан ривоят қилади. Китобда қатор мана шундай муаллифлар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар учрайди. Бу каби жиҳатлар орқали илмда бизларгача етиб келган ва ҳали етарлича тадқиқ этилмаган яна кўплаб аждоларимиз илмий меросидан бохабар бўлишимиз имкони яратилади.

Замондошлари: “Китоб ал-қанд” ва “Китоб ал-ансоб” каби манбалардаги маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 мингдан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан мингдан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, 400 нафардан ортиғининг ҳаёти ва фаолияти Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан зиёди Хоразмда, шунингдек, Усрушана, Дабусийа, Кушонийа ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар. Бу келтирилган рақам кўринишидаги маълумотлар Насаф шаҳрининг Мовароуннаҳр миқёсидаги илмий-маданий аҳамиятини тўла тасдиқлайди¹.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: Китобни 1991 йил Назар Муҳаммад ал-Фарёбий чоп этди. Бу илмий тадқиқоти билан олим кенг китобхонлар оммасини мазкур асар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

¹ Буюк юрт алломалари, 191-192 бет.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари Россия, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Германия кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асарнинг XX аср бошларидагина топилиши илм-фан оламида муҳим илмий бурилиш ясади. Асарнинг нодир қўлёзмаси 1967 йил Истанбулнинг “Сулаймония кутубхонаси”дан топилди. Мазкур кутубхонанинг “Турҳан Валде” фондида инвN^о70 рақам остида сақланган.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: “Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд”нинг арабча асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Насафийнинг шогирди Абулфазл Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдумалик ибн Ҳайдар Самарқандий (XIII аср) ушбу асарнинг қисқартирилган форсча таҳририни яратган. В.В.Бартольднинг фикрича (Асарлар. VIII жилд. – М., 1973, 257 бет) Абулфазл Муҳаммад Самарқандий асарнинг форсча таҳририга Абулфазл Муҳаммад Самарқандий ал-Идрийсининг (ваф.1015) “Китоб комил ал-маърифат ар-рижол” (“Машҳур кишиларни таниш ҳақида мукаммал китоб”) номли асаридан ҳам айрим парчаларни олиб киритган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: “Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд”нинг XV аср охири XVI аср бошларида Сайд Аҳмад ибн Мирвали қаламига мансуб форсча таҳрири ҳам бор. “Қандияйи хурд” (“Кичик қандия”) номи билан машҳур бўлган бу асарнинг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ҳамда Германия, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони кутубхоналарида сақланмоқда.

“Қандияйи хурд” бир неча марта тошбосма усулида Самарқанд (1909), Тошкент ва Техронда (1955) чоп этилган; бир қисми В.Л.Вяткин (1869-1932) томонидан рус тилига таржима қилинган ва 1906 йили нашр этилган.

“Китоб ал-қанд”нинг яна бир форсча таҳрири олимлар томонидан аниқланди. Унинг муҳаррири самарқандлик нотаниш олим Абдулҳаким Самарқандий бўлиб, асар 1908 йили тошбосма усулида чоп этилган. Асар шарқшунос олим Комилхон Каттаев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва 1994 йили “Суғдиёна” нашриётида чоп этилган. Мазкур нусха ҳам Қусам ибн Аббос (Шоҳи Зинда) мазори ва у ерда дафн этилган улуғлар ҳақидаги маълумотлардан, Шоҳи Зинда мазорининг ҳосиятлари баёни билан бошланади ва Чокардиза, Ғотфар, Хожа Абди Дарун, Наводон чашмаси, Шовдор туманидаги мазор ҳақида маълумотлар берилади. Асарда муаллиф ўзидан аввал ўтган олимларнинг муқаддас қадамжоларга бағишлаб ёзган асарларида келтирилган маълумотларни такрорлайди. Асар ҳақида тарих фанлари номзоди, Ўзбнеистон халқаро ислом академияси, доценти Д.Раҳимжонов тадқиқот иши олиб борган.

2. Маҳмуд Замахшарий

Маҳмуд Замахшарий яшаган давр: Хоразм воҳаси азал-азалдан илм-фан ривожини учун катта ҳисса қўшиб келган алломалар юрти ҳисобланади. Айниқса, ўрта аср олимлари орасида хоразмийлар салмоқли ўринларда туради. Мана шундай олимлардан бири Маҳмуд Замахшарийдир.

Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Замахшарий 1075 йилнинг 18 мартини Замахшар (Хоразм) қишлоғида зиёли оилада туғилган. Бошланғич таълимни ўз отасидан олган. Унинг отаси болалигида ногирон бўлиб қолган боласининг муносиб билим ва тарбия олиши учун бор кучини сарфлади.

У маҳаллий мадрасада таълим олиб, кейинчалик илм йўлида Бухорога йўл олди. Ўша даврда мана шу муқаддас

шаҳарда шаклланган адабий муҳит ва таниқли уламолар даврасида илм сирларини ўрганди. Ўқишини тугатгач, хоразмшоҳлар саройида котиб ва ҳуқуқшунос сифатида хизмат қила бошлади.

Дипломатик фаолияти: Ҳали ҳаётлигида Замахшарий “Устоз ал-араб ва-л-ажам”, “Фахру Хоразм”, “Устоз ад-дунё”, “Каъба ал-удоба” фахрий унвонларига сазовор бўлган. Олимнинг араб тили тадқиқи ва тараққиётига қўшган ҳиссаси шу қадар буюк эдики, унинг араб замондошларидан бири» “Агарда шу туркий бўлмаганида, араблар ўз тилининг кўп сирларини билмаган бўлар эди” - деб айтган эди. Манбаларда келтирилишича, Шом (Сурия) подшоҳси Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” китобини ёд олган кишига беш минг кумуш танга ваъда қилган экан.

Тарихнавис олим: Маҳмуд Замахшарий – тилшунослик, лексикология, адабиётшунослик, география, тафсир, фикҳ, фалсафа ва тарих илмлари бўйича 60 дан ортиқ ишлар муаллифи. Сақланиб қолган 40 га яқин ишлари орасида адабиёт ва грамматика ҳамда лексикология фанларига бағишланганлари кўпчиликини ташкил этади. Унинг Қуръони каримга битилган шарҳлари “Ал-Кашшоф ан ҳақоик ит-танзийл” (“Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш”) илоҳий матнни илмий-танқидий ўрганувчи илк намуна ҳисобланади, зеро унда асосий эътибор филологик таҳлилга қаратилган. Бу асар “ал-Азҳар” университетида ўқув жараёнларида фойдаланилади. 1118 йилда Замахшарий оғир дардга чалинди. Бутунлай соғайгач, ҳаётини тўлалигича илмга бағишлади. Илм эгаллаш учун Марв, Нишопур, Исфажон, Шом, Бағдод ва Ҳижоз шаҳарларига борди. Олим Маккада беш йил яшади. Муаллиф Макка шаҳрини ўзининг иккинчи уйи ҳисоблайди. У ердалиқ чоғларида шаҳар амири Ҳамза ибн Ваҳҳос билан танишиб, доимий илмий суҳбатларда бирга бўлади. Ибн

Ваҳҳос ўз ўрнида Маҳмуд Замахшарийни мактаб, унинг илмий-ижодий фаолияти ва мударрислигига алоҳида ҳурмат билан қарайди. Мана шу давр ичида илмий фаолият билан шуғулланиб, бу йўлдаги самарали заҳматлари эвазига “Жоруллоҳ” – “Оллоҳнинг қўшниси” деган шарафли номга сазовор бўлди. Замахшарий 1144 йилнинг 14 апрелида ўз юрти Хоразмда вафот этди. Машҳур араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута XIV асрдаёқ унинг қабри устига мухташам макбара барпо этилганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Асарлари: Замахшарий ижодининг кенг қўламлиги ва унинг илм-фан йўлида қолдирган элликдан зиёд бой илмий-маънавий мероси турли фан соҳалари жумладан, тилшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик, мантиқ, аруз, одоб-ахлоқ, тарихнавислик, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ, қироат илми ва бошқаларга тегишлидир. Олимнинг энг муҳим ишлари қаторига қуйидагилар киради:

“Ал-Муфасссал фи синаъат ал-араб” - араб тили грамматикаси бўйича муфасссал китоб;

“Ал-Унмузаж” - араб тили грамматикаси бўйича қисқача китоб;

“Муқаддимат ул-адаб” (“Адаб илмига муқаддима”);

“Асос ал-балоғат” (“Нотиклик асослари”);

“Ал-Кашшоф ан ҳақоик ат-танзийл” (“Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш”);

“Ал-Аруз” (“Аруз ҳақидаги илм”) – аруз ҳақидаги рисола ва ҳоказо. Замахшарий араб тилшунослиги асосчиларидан бири саналади;

➤ араб грамматикасини баён этишнинг янгича усули асосчиси;

➤ дунёдаги биринчи кўп тилли луғат муаллифи (арабча-форсча, арабча-форсча-туркийча).

➤ ўзак сўзлар алифбоси тамойилига асосланган араб тили луғатларини яратишнинг янги усули асосчиси;

➤ У жаҳоннинг йирик тилларидан бири бўлмиш араб тилини ўрганишга тенгсиз ҳисса қўшди. Унинг хизматлари ва фаолияти натижасида Моварауннаҳр араб тили ва араб маданиятининг машҳур марказларидан бирига айланди.

“Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахёр” *асари ҳақида*: бу асар (“Эзгулар баҳори ва яхшилар изҳори”) деб номланиб, унда тарих, адабиёт ва бошқа фанларга оид ҳикоятлар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. Бу китоб 97 бобдан иборат бўлиб, нодир қўлёзма сифатида ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида сақланади.

Замондошлари: Машҳур араб тарихчиси Ибн ал-Қифтий у ҳақда бундай ёзган: “Аллоҳ раҳмат қилғур Замахшарий илму адаб, сарфу наҳв, луғатшунослик бобида бошқаларга намуна бўладиган беназир аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бор. У ўз асарида араб тилида ижод қилган ажамлилар орасида энг буюгидир”.

Ибн Халликон эса: “Замахшарий ҳазратлари тафсир, ҳадис, наҳв-сарф, луғат ва илмул баён бўйича буюк алломадир. Ҳеч бир муболағасиз, мазкур илмларда у ўз даврининг яғонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди”, деб ёзади.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Замахшарийнинг бир қатор асарлари, шу жумладан, “Муқаддимат ул-адаб” асари муаллиф ҳаётлигидаёқфорс, чиғатой, туркий ва мўғул тилларига таржима қилинган. 1706 йилда ушбу китоб турк, кейинчалик француз, немис ва бошқа жаҳон тилларига таржима қилинган. Турли йилларда у Германия, Австрия,

Франция, Россия, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда чоп этилган. 1850 йилда немис олими Ватзайстан бу ишнинг етгита машҳур қўлёзмаларининг батафсил қиёсий таҳлилини берди.

Бошқа машҳур немис шарқшуноси К.Броккельманнинг маълумотларига қараганда, бугун дунёнинг турли фондларида «Ал-Кашшоф»нинг 100 дан ортиқ қўлёзма нусхалари ва уларга битилган 20 дан ортиқ шарҳлари мавжуд. Маҳаллий олимларимиздан Зоҳиджон Исломов олим илмий мероси ва унинг машҳур “Муқаддиматул адаб” асари ҳақида илмий тадқиқот олиб борган.

3. Абдулкарим Самъоний

Абдулкарим Самъонийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: муаллиф тожул ислом, машҳур биограф, тарихчи, сайёҳ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий Самъоний ал-Марвазий ал-Ҳофиз бўлиб, у 506/1113 йил Марв шаҳрида, йирик қонуншунослар оиласида дунёга келган.

Дипломатик фаолияти: уч ёшида отаси Муҳаммад ибн Мансур у кишини Нишопурга олиб келган. Бир йил ўтиб, отаси вафот этди. Унинг тарбияси ва илм олиши амакилари қўлида қолди. 1155-1156 йиллардан ўз сафарини бошлаб, дастлаб Мовароуннаҳр шаҳарлари ва Хоразм бўйлаб сафар қилди, маълум муддат Марв, Нишопур, Исфажон, Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб ҳамда Қуддус шаҳарларида ҳаёт кечирди. Шунингдек, Ироқ, Шом, Ҳижоз ва Табаристонга бориб илм ўрганди. Мазкур шаҳарларда яшаши ва саёҳати давомида етти минг машойихдан таҳсил кўрди. Бу ададчалик тарихда ҳали ҳеч олим таҳсил кўрмаган эди. Олим шу йиллар орасида икки марта ҳаж амалларини ҳам адо этди.

Тарихнавис олим: Самъоний ёшлигидан Қуръони карим ва фикҳ илмларидан сабоқ олишига қарамасдан, уни кўпроқ насаб илми қизиқтирар эди. Шу қизиқишлари уни дунё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқишига сабаб бўлди. Байтул Макдис насронийлар қўлида бўлган вақтда уни зиёрат этган Абдулкарим Самъоний ўз илмларидан бошқаларни ҳам баҳраманд этишга улгурди. Бу ўринда алломанинг Марвдаги “Амидия” мадрасасида ҳадис, тасниф, тадрис (ўқитиш услуби), ваъз (нотиклик) илмларидан дарс берганлиги эътиборга молик. Абдулкарим Самъоний 562/1167 йили Марв шаҳрида вафот этган.

Асарлари: Самъоний йирик аллома, адиб, тарих ва ҳадис илмларининг билимдони бўлиб, кўп тарихий маълумотларни жамлай олган ҳамда кўплаб китоблар тасниф этган шахс сифатида шухрат қозонган. Қомусий билимлар соҳиби Самъоний асарларининг саноғи, Ибн Нажжоран-Насафий зикр этганидек, элликка яқиндир. Албатта уларнинг барчаси кунимизгача етиб келмаган. Шулардан “ал-Ансоб” ва йигирма жилдлик “Марв тарихи” номли асарлари алоҳида аҳамиятга молик. Бошқа асарлари тахминларга кўра, Чингиз босқини вақтида куйдирилган. Чунки, ўша даврда Марвдаги энг катта ва бой кутубхона билан бирга Самъонийлар хонадонига тегишли йирик кутубхонанинг ҳар иккисидан ўз вақтида Ёқут Ҳамавий фойдаланганини айтади. Кейин бу кутубхоналар ёндирилгани тахмин қилинади.

“Ал-Ансоб” асари ҳақида: “Насабнома” сўзи – келиб чиқиш, насл-насаб, сулола аجدод маъноларини билдиради. Мусулмон оламининг кўпайиши, араб халқларининг ажам халқлари билан қўшилиб кетиши насабларни ўрганиш ҳақидаги илмнинг ривожланишига замин яратган. Бу йўналишнинг асосчиси насаб илмининг имоми Ҳишом ибн Муҳаммад ибн Соиб ал-Килабий (ваф. 204/820) ҳисоблана-

ди. Килабийдан кейин ҳам бир неча “Насабнома” китоблари тасниф этилган. Шу анъананинг давомчиси “ал-Ансоб” асарининг муаллифи Самъонийдир.

Бизгача Самъонийнинг фақат “Китоб ал-ансоб” китоби етиб келган. Бу асар ўрта асрлар географияси, тарихи, адабиёти манзаралариги тиклашга ҳисса қўшувчи улкан солномадир. Ундан бир қатор шайхлар, муҳаддислар, муаррихлар ва адиблар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Илм-фан тарихида катта аҳамият касб этган ушбу асар исломиятдан то муаллиф замонигача мусулмон мамлакатларида, кўпроқ Эрон ва Мовароуннаҳрда ўтган машҳур кишилар ҳақида атрофлича маълумотлар берилади. Хусусан, асарда бухоролик, термизлик, самарқандлик, хоразмлик, кешлик, насафлик, шошлик, фаргоналик олимларнинг илмий-маънавий фаолиятлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Шунингдек, асарда Мовароуннаҳрнинг қадимий йирик шаҳарлари ва уларнинг тарихи, қўшни мамлакатлари хусусан, Хитой билан савдо-сотиқ ва маданий алоқалари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: Шарқда Котиб Чалабий Ғарбда Ҳожи Халифа номи билан машҳур бўлган Мустафо ибн Абдуллоҳ ал-Қустунтиний (1609-1657) томонидан таритиб берилган, 9512 муаллифнинг 14501 асари ҳақида маълумот келтирилган “Кашфуз зунун” асарида шундай ёзилади: “Саккиз жилддан иборат катта китоб “ал-Ансоб” насабномаларнинг мукаммалидир”.

Иззиддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Жазарий (ваф.603/1233) ушбу асарга баъзи маълумотларни қўшиб, унга “ал-Лубоб” деб ном қўйди. Китоб уч жилддан иборат бўлиб, 615/1219 йилда ёзиб тугатилди.

Насабнома анъаналарининг кейинги давомчиси Имом ас-Суютий “ал-Лубоб”га баъзи маълумотларни қўшди ва уни “Лубб ал-лубоб” деб атади. Имом ас-Суютий айтади:

“Мен Абдулкарим ас-Самъоний ва Али ал-Жазарий ёзиб қолдирмаган анча маълумотларни топишга мушарраф бўлдим. Уларнинг айримларини Ёкутнинг “Муъжамул булдон” (“Шаҳарлар қомуси”)дан олдим”, дейди.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: Асарнинг 915/1510 йилда хаттот Абдулмажид ибн Муҳаммад ал-Кирмоний ал-Аббосий томонидан гўзал хатда кўчирилган нусхаси Истанбулдаги “Кўпрули” кутубхонасида 482-К, 1010 рақами остида сақланади.

Китобнинг Россия ФА Шарқшунослик институти Санк-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида ОР-361 инвентар белгиси остида сақланаётган 470 варақдан иборат нусхаси, Британия музейидан жой олган, 255, 23-рақам остида сақланаётган, шунингдек, шарқшунос олим Д.С. Марголиус томонидан 1912 йилда нашр этилган нусхаси “ал-Ансоб”нинг қанчалик муҳим асар эканига далолат қилади.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: “Китоб ал-ансоб” асари Ибн Халликоннинг маълумотларига кўра саккиз жилддан иборат бўлган. Китобнинг тарихчи Ибн ал-Асир томонидан таҳрир этилган уч жилдлик мухтасар шакли сақланиб қолган холос. Қуръон, ҳадис, фикҳ илмлари билан шуҳрат қозонган мингдан зиёд фозил инсонлар тўғрисидаги ноёб маълумотлар ўз ифодасини топган “Насабнома” асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай, котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб ҳозиргача етиб келган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Абдулкарим Самъоний ва унинг “Насабнома” асари ҳақида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қимматли мулоҳазалар; китобнинг асосий манбалари, қўлёзма ва тошбосма нусхалари тўғрисидаги, шунингдек илмий маълумотлар Ш.С.Камолиддиновнинг “Китаб ал-ансаб” Абу Саъда Абдулкарима ибн Муҳаммада

ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии” (Т., “Фан”, 1993) монографиясида мавжуд.

Шунингдек, асарнинг 1408/1988 йилда Байрутнинг “Дор ал-жинон” матбаасида чоп этилган нашри асосида таржимонлар Абдулғафур Раззоқ Бухорий ва Комилжон Раҳимовлар 2003 йил Бухорода, 2017 йил Тошкентда нашр этдилар.

4. Фахриддин Розий

Фахриддин Розийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти:

Фахриддин Розий тахаллуси билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн ал-Ҳусайн 1148 йилда Райда туғилган. Фахриддин Розий машҳур муфасссир, калом олими ва диний таълимот намояндаси бўлиб, замонасининг ўткир воизларидан бири бўлган. У бир неча тилда ваъз қила олганлиги учун “Ибн Хатиб”, яъни моҳир воиз деб аталган. Рай ва Мароғада таҳсил олган. Шофеъий ва ашъарий мазҳаб олими сифатида ҳам фаолият юритган. Моддий қийинчиликлар туфайли ва илм олиш мақсадида бутун умрини изланишларда ўтказди, Марказий Осиё ва Эроннинг турли шаҳарларида бўлиб, у ерда машҳур олимлар, шоирлар, давлат арбоблари билан учрашди. Умрининг асосий қисмини Марказий Осиёнинг йирик маданий марказлари – Бухоро, Самарқанд, Хоразмда ўтказди. Бухорода у фалсафа, тарих ва адабиётни ўрганди, илмий баҳсларда иштирок этди, Хоразмшоҳлар саройида олими сифатида уч йил фаолият кўрсатди. Бундан ташқари Ғазнада (1185 йилгача) яшаган ва Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятида ҳам фаолият юритиб, кейинчалик Ҳиротга қайтган. Ҳиротда унинг учун махсус мадраса таъсис этилган, шайхул ислом лақаби билан машҳур бўлиб, узоқ вақт мударрислик қилган. У ўз даврининг ҳар томонлама билимга эга, зиёли кишиси эди. Умрининг сўнги йилларини Ҳиротда ўтказди.

Олимнинг ўзига яраша мухолифлари ҳам бўлиб, улар Розийни диний фалсафа, эътиқод ва ақида борасидаги қарашларини камситиб, ислом асосларига путур етказганлик ва динни бузганликда айблаганлар. Бу низоларнинг якуни 1209 йилда карромийлар ташвиқи билан олимнинг заҳарланишигача борди, шу сабаб билан Розий Ҳиротда 1210 йилда вафот этди. Хоразмда Фариддин Розийнинг турба – мақбараси кунимизгача сақланиб қолган.

Тарихнавис олим: Фаҳриддин Розий илмий ижодини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич: қадимги юнон мутафаккирлари таълимотига таяниб, Ал-Киндий, Закариё Розий ва Ибн Сино қарашларини ривожлантирди. Шу ўринда у Ибн Синонинг “Ал-ишорот ват танбиҳот” (“Ишоратлар ва танбеҳлар”) асарига шарҳ бўлган “Шарҳул ишорат” асари ижодининг илк даврига оиддир. У ўз олдига нафақат бир қатор муҳим ва долзарб масалаларни ечишни, балки уларни воқелик билан боғлашни мақсад қилиб қўйди. Фанлар таснифи муаммосини ишлаб чиқишда у ислом фанларга катта эътибор қаратди. Ўз таснифига биринчи бўлиб 61 та фанни киритиб, ҳар бирининг моҳиятини атрофлича очиб берди. Фаҳриддин ар-Розий биринчи навбатда исломнинг турли жабҳаларини ўрганувчи фанларни кўриб чиқди. Сўнг Ар-Розий табиий фанлар, ахлоқшунослик, сиёсатшунослик, бинокорликни ўз ичига олган назарий ва амалий фалсафани тарғиб этди. Барча фанларни муаллиф уч томондан тадқиқ этади: ташқи асосларига кўра, мураккаблигига кўра, тадқиқ этишга кўра. Улардан ҳар бири ўз навбатида уч қисмга бўлинади. Шу тариқа ар-Розий фанни батафсилроқ кўриб чиқишга ва унинг динни билишдаги аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилди. Таснифининг сўнгида у шахмат ҳақидаги илмни алоҳида кўрсатиб ўтдики, бу нарса фан таснифи билан шуғулланувчи биронта олим ишида учрамайди.

Асарлари: Фахриддин Розий 146 та асар муаллифи бўлиб, улар ислом фалсафасининг турли масалаларига бағишланган. Уларнинг ичида алоҳида муаммоларга бағишланганлари, шунингдек, ўзидан олдин яшаб ўтган мутафаккирлар асарларига ёзилган шарҳлар ҳам бор. Уларга қуйидагилар киради:

“Ат-Тафсирул кабир” (“Катта тафсир”)

“Илмлар мажмуаси” (“Жомеъул-улум”)

“Ар-Рисола ал-камолия фи-л-ҳақоик ал-илоҳия” (“Илоҳиёт ва метафизика бўйича рисола”).

“Шарҳул-ишорот ва ат-танбеҳот” (“Ибн Синонинг “Кўрсатмалар ва маслаҳатлар” китобига шарҳ”) – мазкур иккита китобда олимнинг борлиқ ҳақидаги фикрлари ва фалсафий қарашлари акс эттирилган.

“Таҳсил ал-ҳақ” (“Ҳақиқатни билиш рисоласи”)

“Ниҳоят ал-уқул” (“Ақл чегаралари”)

“Рисола фи ан-нафс” (“Нафс ҳақида рисола”) – мазкур асарларда олим билиш назарияси ва мантиққа оид қарашларини баён қилган.

“Илм ал-ахлоқ” (“Ахлоқ ҳақидаги фан”) – амалий фалсафанинг учта йўналишидан бирига бағишланган бўлиб, унда олим Шарқ фалсафаси ютуқлари ва ўз замонасидан келиб чиқиб шу соҳага оид қарашларини изчиллик билан баён қилади.

“Манзумоту аллома Фахриддин” (“Аллома Фахриддин мунозаралари”) асарда Мовароуннаҳр олимлари билан турли масалалар бўйича қилган мунозара ва баҳслари ўрин олган.

“Китоби муҳассал афкорил мутақаддимийн вал мута-аххирин” (“Қадимги ва кейинги замон олимлари фикрларидан ҳосилалар”).

“Мафотиҳул ғайб” (“Ғайб сирларини очувчи”).

“Маноқибул имомуш Шофеъий” (“Имом Шофеъий маноқиби”). Муаллифнинг мазҳаб масаларига бағишланган китоби.

“Китобул маҳсул” фикҳий масалаларга бағишланган асар.

“Чаҳордах рисола” (“Ўн тўрт рисола”) адабиётшуносликка бағишланган.

Шунингдек, унинг бир-қатор илми нужумга бағишланган асарлари унинг қомусий олим эканига далолат қилади.

“Илмлар мажмуаси” (“Жомеъул-улум”) асари ҳақида. Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш илтимосига биноан ёндафтарча – маълумотнома тарзида ёзилган бўлса-да, кейинчалик мазур матн ҳақиқий манба бўлиб бугунгача қомусий вазифани бажариб келмоқда. Ушбу асар мусулмон Шарқидаги 60 турли фан ҳақида қимматли маълумотни беради. Фанлар таснифи методологияси (усули) ва услублари, тарихийлик ва мантиқийликнинг уйғунлиги; фанларнинг келиб чиқиши (асл), фан соҳалари (зоҳирот), фанлар туташуви – оралиғидан келиб чиққан мантиқ қонунига кўра, оддийдан мураккабга (индуктив метод), умумийликдан хусусийликка (дедуктив метод); анализ ва синтез такрор услублари, илтиҳон олишгача бўлган асослар кўрсатиб берилади.

Муаллиф фанларни нақлий (калом, фикҳ, мазҳаб, тафсир ва ҳ.к) ва ақлий (тарих, грамматика, аруз, мантиқ, физика, алгебра, муסיқа, астрономия, сиёсат, давлат бошқаруви ва ҳ.к), фуруъий (бошқа фанлардан ҳосил бўлувчи) ва аслий (асосий) сингари қисмларга бўлади. Ҳар бир фан асослари учга бўлиниб, оддийдан мураккабга тамойил асосида тушунтирилади, оддий асослар (ал-усулуз зоҳирот), мураккаб асослар (ал-усулул мушқилот), такрорлаш учун саволлар (ал-имтиҳон). Бундан мазкур асарнинг подшоҳлар учун қўлланма сифатида ёзилганлиги кўриниб туради.

Замондошлари Фахриддин Розий ислом дунёсининг кўзга кўринган фавқулоддаги шахсларидан бири ва ўта мураккаб мутафаккир дея хотиралайдилар. Шунингдек, у ўта қизғин баҳс-муҳодалачи, айниқса мўътазила, ши-а-исмоилийлар билан кескин муҳодала қилган, асло қайтмаган, нотик, воиз, файласуф бўлганини таъкидлайдилар. Яна унинг фалсафада Форобий, Ибн Мискавайх ва Шайхур раис йўлларини давом эттирганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Асарнинг қўлёзмалари мазкур асарнинг қўлёзмалари Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида, Қоҳира, Париж, Дрезден шаҳарлари кутубхоналарида сақланиб келинмоқда.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Абу Ҳасф яшаган даврда Насаф илмий муҳити қандай эди?
2. Умар Насафийнинг қаламига оид асарлар номини айтинг?
3. “Китоб ал-қанд” асарида қандай мавзулар илгари сурилади?
4. “Китоб ал-қанд” асар ҳақидаги қандай замонавий тадқиқотларни биласиз?
5. Маҳмуд Замахшарий қандай фахрий унвонларга сазовор бўлган эди?
6. Маҳмуд Замахшарийнинг тилшуносликка оид қандай асарларини биласиз?
7. Маҳаллий олимларнинг Замахшарий ҳақидаги тадқиқотлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Абдулкарим Самъоний қайси шаҳарларда таҳсил кўрди?
9. “Китоб ал-ансоб” асари ва ундаги матн тузилиши ҳақида маълумот беринг?

10. Ал-Ансоб асарнинг манбашунослик учун аҳамияти қандай эканини илмий асослаб беринг?

11. Фахриддин Розий илмий мероси ҳақида нималарни биласиз?

12. Илмлар таснифига оид Фахриддин Розийнинг қандай асарини биласиз?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. “Китоб ал-қанд” асарининг манбалари
2. Хорижлик олимларнинг “Китоб ал-қанд” асари ҳақидаги тадқиқотлари
3. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий мероси
4. Маҳмуд Замахшарийнинг араб дунёсидаги эътибори
5. Абдулкарим Самъоний насаб илми олими сифатида
6. “Китоб ал-ансоби” асарининг замонавий нашрлари ҳақида
7. Фахриддин Розийнинг илмлар таснифидаги хизматлари
8. Фахриддин Розий мутафаккир олим сифатида



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуҳалимов Б. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. –235 б.

2. Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий. Татиммат ал-Йатима. – Т.: “Фан” нашриёти, 1990. – 204 б.

3. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: “Камалак” нашриёти, 1992. – 80 б.

4. Муниров Қ. Хоразимда тарихнавислик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – 192 б.

5. Носиров А. Хоразмийлар ҳақида маълумотлар тўплами. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.Р:13436.

6. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2005. – 384 б.

7. *Хайруддин Зиркий. Аълам. Ж. 2. – Байрут: Дар ал-илм лил малайин, 1998. – Б. 131.*

8. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Таҳқиқ: Маҳмуд Иброҳим Зоир. Ат-Тарих ас-сағир. Ж.1. – Байрут: Дар ал-маърифат, 1986. – Б. 6.

9. Ўрта аср Шарқ алломалари. Энциклопедияси. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2016. – Б. 297-298.

10. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

11. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.

XI. МОВАРОУННАҲР ТАРИХИГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (XIII-XIV асрлар)

Режа:

1. Саъдуддин Муҳаммад Авфий
2. Рашидуддин Фазлуллоҳ
3. Ибн Баттута
4. Фасих Хавофий

Таянч сўз ва иборалар: Саъдуддин Муҳаммад Авфий, таржимон ва тазкиранавис олим, Ҳиндистон сафари, “Лубоб ул-албоб” номли тазкира муаллифи сифатида, “Ал-фараж баъд аш-шиддат” асари, Хуросон бўйлаб саёҳат, “Жавоми ул-ҳикоят” асари, 299 шоир ва адиб ҳақида умумий маълумот, Рашидуддин Фазлуллоҳ, Рашидуддиннинг вазирлик йиллари, “Ал-мажмуот ар-Рашидия” асари, “Жомеъ ут-таворих” асари ҳақида, Ибн Баттута, “Саёҳатнома”, сайёҳ оғзидан ёзиб олиши, Баттутанинг Мовароуннаҳрдаги саёҳатчилик фаолияти, Ибн Баттута илмий мероси ҳақида тадқиқотлар, Фасих Хавофий, олимнинг дипломатик амалиётлари, “Мужмал-и Фасихий” асари, асар ҳақида хорижда олиб борилган тадқиқотлар.

1. Саъдуддин Муҳаммад Авфий

Саъдуддин Муҳаммад Авфий яшаган давр: XIII-XIV асрларга келиб, ижод аҳли фаолиятлари асосан қадимдан яратилиб келинган шоҳ асарларни таржима қилиш, уларга шарҳ ва ҳошиялар ёзиш билан чекланиб қолди. Араб тилида йирик асарлар яратиш ўрта асрларга нисбатан кескин

камайди. Эндиликда улар ўз ўрнини ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид “фатаво”, араб тили грамматикаси, қоида китоблари, тазкира, ҳикоя ва турли мавзудаги бошқа қўлланмаларга бўшатиб берди.

Саъдуддин Муҳаммад Авфийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Авфий XII асрнинг сўнги чораги ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаган адиб, таржимон ва тазкиранавис олимдир. Авфий 1172-1177 йиллар орасида Бухорода туғилган, асосий маълумотни она шаҳрида олган ва 1201 йили Самарқанд ҳокими Қорахоний Иброҳим IV ибн Ҳусайн (1178-1204) саройига таклиф этилган. Бу ерда кўпгина фозил кишилар, жумладан шайх Нажмуддин Кубро (1221 йили Урганжда мўғуллар қирғини вақтида ҳалок бўлган) ҳамда шайх Мажиддин Бағдодий (1216 йили хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг амри билан қатл этилган) билан учрашган. Авфий мўғуллар истилоси арафасида Ҳиндистон сафарига отланади. Ғазнага етганда Чингизхон (1206-1227) бошлиқ мўғул қўшинларининг Ўрта Осиёга бостириб киргани ҳақида хабар тарқалади. Олим Хуросон ва Мовароуннаҳрдан келган қочокларга қўшилиб Ҳиндистонга жўнади ва 1222 йили Панжобнинг Уч вилоятига келиб, бу ернинг ҳокими Носируддин Қабочанинг (1205-1227) хизматига кирди. Орадан кўп ўтмай, Авфий Гужоратга қози қилиб тайинланди. У 1227 йили Дехлига кўчиб келиб, Султон Шамсуддин Элтутмишнинг хизматига киради ва умрининг охиригача шу ерда кун кечиради. Нуриддин Муҳаммад Авфий Учда турган вақтида ўзининг “Лубоб ул-албоб” номли тазкирасини ёзди, Гужоратда эса, арабийнавис олим қози Мухсин Танухийнинг (940-994) “Ал-фараж баъд аш-шиддат” (“Офатдан сўнги овуниш”, 984 йили ёзилган) номли асарини араб тилидан форс тилига таржима қилди. “Жавоми ул-ҳикоят ва лавомиъ ар-ривоят” (“Ҳикоятлар мажмуаси ва ривоятлар шуъласи”) асарини ҳам ўша ерда ёза бошлади.

Дипломатик фаолияти: Олим 1205 йилдан бошлаб Мовароуннахр ва Хуросон бўйлаб кўп саёҳат қилган, дастлаб Нисо, Марв, Тус, Хирот ва Сеистонда бўлади. У Нишопурда ҳам яшаб, Хуросоннинг етук арабийнавис ва форснавис шоирлари билан яқиндан танишади. Хуллас, олим Хуросон шаҳарлари бўйлаб қилган саёҳати вақтида бўлажак тазкираси учун маълумотлар тўплайди.

Асарлари: Авфийнинг иккинчи муҳим асари “Жавоми ул-ҳикоят” бўлиб, 1227-1236 йиллар орасида ёзилган. Асар тўрт қисмдан, ҳар бир қисм эса, 25 бобдан иборат. У Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид 2113 та тарихий латифадан иборат. Биз учун асарнинг тўртинчи қисми алоҳида аҳамият касб этади. Унда Ўрта Осиёнинг қадим туркий халқлари ва Бухоро садрлари ҳақида муҳим маълумотлар бор. “Жавоми ул-ҳикоят” чоп қилинмаган. Айрим қисмлари И.Низомутдинов ва Т.Файзиевлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

“Лубоб ул-албоб” асари ҳақида: “Лубоб ул-албоб” (“Қалблар қалби”, 1222-1223 йиллари ёзилган) номли асарнинг муаллифи Саъдуддин Муҳаммад Авфий бўлиб, “Лубоб ул-албоб” тазкира жанрида ёзлиб, унда Ўзбекистон, Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, Ғазна ҳамда Ғарбий Ҳиндистонда X-XII асрларда яшаб ижод этган 299 шоир ва адиб ҳақида умумий маълумот берилади. Асар Уч вилоятининг ҳокими Разиуддин Абубакрнинг топшириғи билан ёзилган. “Лубоб ул-албоб”нинг форсий матни 1903 ва 1906 йиллари Э.Браун ва Мирза Муҳаммад Қазвиний тарафидан чоп этилган.

2. Рашидуддий Фазлуллоҳ

Рашидуддий Фазлуллоҳнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: машҳур қомусий олим, тарихчи, тилшунос, табиб ва

асоратига тушиб қолган мамлакатлар, Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг мўғул истилочисигача бўлган қисқача тарихи;

2. Шарқ мамлакатлари халқларининг исломдан аввалги тарихи, Араб халифалиги ва унинг таркибида ташкил топган Ғазнавийлар империяси, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати тарихи; Хитой, қадимги яхудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи;

3. Ер курраси ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати. Афсуски, асарнинг сўнги, учинчи қисми сақланмаган. Қўлёзма 1318 йили Рашидуддиннинг шахсий кутубхонаси талон-тарож қилинган вақтларда йўқолган бўлиши мумкин.

Мазкур асар турк ва мўғул халқларининг Чингизхонга қадар кечган тарихи Маҳмуд Кошғарий ва Алоуддин Отамалик Жувайний асарлари, Элхонийлар кутубхонасида сақланаётган “Олтин дафтар”, Чингизхон ва унинг ота-боболари тарихи, шунингдек, турк-мўғул халқлари тарихи ва ривоятларини яхши билган кишилар, Пўлод, Чжен-сян, Ғозонхон ва бошқаларнинг оғзаки ахборотлари, Ғарб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон халқлари тарихига оид қисмлари ўша вақтларда Эронга қелиб қолган франциялик икки католик роҳиб, икки хитойлик олим ва кашмирлик роҳибнинг иштирокида ёзилган. Тўпланган маълумотларни тартибга солиш ишларини муаллифнинг ёрдамчилари Абдулла Кошоний ҳамда Аҳмад Бухорийлар бажарганлар.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: “Жомеъ ут-таворих” асарининг турк-мўғул халқлари тарихи ёритилган қисми Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Китобнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Кавказ орти халқларининг XIII аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қисмлари ҳам ниҳоятда қимматли.

Асарнинг айрим қисмлари Катрмер (1836), Э.Блоше (1911), К.Ян 1941), И.Н.Березин (1858-1888) томонидан рус, француз ҳамда немис тилларига таржима қилинган ва форсча матни, сўз боши билан чоп қилган. Ундан ўзбек тилига қилинган иккита таржимаси бор. Улардан бири Шайбонийлардан Кўчкинчихоннинг (1510-1530) топшириғи билан Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий томонидан қилинган ва муқаддима, уч жилддан иборат. Бу таржиманинг ноёб қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2-тартиб рақами остида сақланмоқда. Иккинчи таржима эса, 1556 йили Нисо шаҳрида Солур бобо ибн Қул Али томонидан Урганч ҳокими Али Султоннинг (ваф.1572 й) буйруғи билан бажарилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Ашҳободда Туркменистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида сақланади. “Жомеъ ут-таворих” асарининг тўлиқ русча таржимаси 7 нафар муътабар қўлёзмалар асосида 1946-1960 йилларда Санкт-Петербургда амалга оширилган.

3. Ибн Баттута

Ибн Баттутанинг ҳаёти ва илмий фаолияти: инб Баттутанинг тўлиқ исми – Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Иухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим инб Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ал-Лаватий ат-Танжийдир. Келиб чиқиши лават (иловатин) номли барбар қабиласидан бўлиб, 703-1304 йили Танжа шаҳрида туғилган. Ибн Баттута вояга етган оила ўртаҳол шаҳар фуқаросига мансуб. Отаси – фақиҳ бўлса ҳам номи чиқмаган эди. Ибн Баттута кўпроқ фикҳ (ислом қонуншунослиги) билан қизиққан.

Саёҳати вақтида имкони бўлган жойда у йирик олим ва фақиҳлардан мударрислик ҳуқуқини берувчи ва қозилик мансабига йўл очувчи гувоҳномалар олган. Аммо анъанавий схоластик ҳамда аниқ фанлардан беҳабар эди. Ҳикояларида биронта шеърӣ асардан кўчирма ёки адиб ва олимлар асарларини эсламаслигидан ёзма адабиётдан ҳам унча хабардор бўлмагани равшан бўлади.

Ижодий услуб ва адабий тил соҳасида ўзида етарлича тажриба бўлмаганидан муҳаррир – Ибн Жузай ёрдамига муҳтож бўлган. Бу ҳолат эса, Ибн Баттута китобининг бутун руҳига ҳам таъсир этган. Ибн Жузай адабий услубда Ибн Баттутадан анча кучли ва комил эди. У расмий суҳандонликнинг барча белгиларини пухта эгаллаган сарой адиби бўлган эди.

Китобни сайёҳ оғзидан ёзиб олиш 1355 йилда, Ибн Жузайнинг таҳрир ишлари 1356 йил февралда тугалланди. У ихчам сўзбоши ёзиш, хотимани ишлаб чиқиш билан чегараланган ва бир неча шеърӣ матн ҳамда Ибн Жубайр (1145-1247) асарларидан парчалар олиб кўшган, кўпинча бир-бири билан боғланмай тарқоқ ҳикояларни мантиқий тартибда тизимлаштириб баён этган. Хуллас, у фақат таҳрир ишларини бажарган. Шундай қилиб “Саёҳатнома” Ибн Баттутанинг Осиё ва Африка мамлакатларидаги саргузаштлари ҳақида ҳикоя ва таассуротлари адабий ёзма-сидан иборат матн ҳисобланади.

Мовароуннаҳрдаги сайёҳатчилик фаолияти: Ибн Баттута 1338 йил январь ўрталарида Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудлари – Хоразмга келади. Пойтахт Урганчга етиб келган сайёҳ ўлканинг табиий бойликлари, савдо-сотиқ кўламини кўриб ҳайратга тушди. Хоразмда уч ҳафта турганидан кейин, Бухоро шахрига йўл олади. Ўн саккиз кунда Бухорога келган сайёҳ ўрта аср Бухороси ҳақида: “Мусулмон дунёсида энг донгдор шаҳарлардан бири эди...” деб

таъриф беради. Бундай таърифнинг ўтган замонда берилишининг сабаби ҳам бор. Чунки, Ибн Баттута келган вақтда Бухоронинг аҳволи ёқмаган. У қаҳр билан ёзади: “Бу шаҳар бир вақтлар Жайхуннинг у соҳилидаги шаҳарларнинг энг улуғи эди. Лаънати мўғул Тенгиз (Чингиз)... уни шу қадар ҳароб қилганки, масжиду мадрасалар, бозорларнинг деярлик барчаси вайрон бўлиб ётибди. Одамлари шу қадар таҳқирланганки, жоҳилликка, ёлғон даъволарга, мункирликка юз тутганларидан Хоразм ва бошқа юртларда уларнинг гувоҳлиги тан олинмайди. Ҳозир улар орасида билим – фандан хабардор ё унга қизиқувчи бирон кимса йўқ”.

Шу ўринда бир нарсa қизиқ. Ибн Баттутанинг замондоши Ибн Фазлуллоҳ ал-Умарий ҳам ўзининг “Китоб масалик ал-абсар ва мамолик ал-амсар” асарида Хоразм ва Мовароуннахрнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини анчагина мақтаб: “унинг кўп дон экинлари ва мевали дарахтларига эга, навлари ҳам турлича, пул муносабатлари яхши йўлга қўйилган, савдо-сотик ривож топган, нарх-наволари паст, одамлари меҳмондўст, карвонсаройлари жуда кўп, мадрасаларида илм яхши йўлга қўйилган” деб, яна қуйидагиларни ёзади: “Бу юртга бир мусофир келиб қолса, у ўртада талаш бўлиб, уни яхшироқ меҳмон қилишга мусобақа бошланади, ўзгалар пулни тўплашга уринса, булар сарфлашга зўр берадилар”. Яна Бухоро аҳолисини “фиқҳни билувчи, дини, эътиқоди мустаҳкам, яхши ахлоқли, очиқ юзли, меҳрибон ва оқибатли” деб, мақтаган Ибн Фазлуллоҳ ал-Умарийнинг бу таассуротлари юқорида зикр этилган марокашлик сайёҳнинг фикрларига мутлақо зид бўлиб чиқмоқда.

Бу ўринда ал-Умарий, Бухоронинг мудҳиш харобаларини ёки бот-бот босқинга учраб емирилиб туришини гўё кўрмагандай, бу шаҳарнинг гуллаб яшнашидангина гувоҳлик берувчи манбалардан кўчирмалар келтиради. Ибн Баттута эса, асосан ўз кўзи билан кўрган ҳолатинигина акс

эттиради. Эҳтимолки, унинг ғазабнок кайфияти унча ҳурмат билан кутиб олинмаганидан ҳам бўлиши мумкин.

Бухоро билан танишгандан кейин Ибн Баттута султон Тармаширин қасри жойлашган Нахшаб шаҳрига боради. У ердан мўғуллар босқинидан олдинги ҳашаматининг қолдиқларини ҳали ҳам сақлаган Самарқандга йўл олади.

Сайёҳ олим: китоб таҳсилга унчалик хоҳиши бўлмаган ва ўз билимларини кўп йиллик дарбадарликда, ўзига замондош бўлган олимлар билан бўлган мулоқотда жамғарган сайёҳ ўз хотирасини шунчалик ўткирлаштириб, баёнчилик касбида шундай маҳоратга эришган эдики, учратган олимларини, кўрган ажнабий юрт ва шаҳарларнинг қиёфаси ҳамда фазилатларини то умрининг охиригача ёдидан чиқармаган эди. Унинг фактик материалларга бой, бениҳоя тафсилотлар билан тўла ҳикоялари кўп вақт ишончсизлик ва гумонсирашларга сабаб бўлиши табиий эди. Айниқса, замондоши Ибн Халдун билан 1350 йили Фас шаҳри Маринийлар саройида ҳикоя қилган “ажойиб воқеалар”га билдирилган ишончсизлик сайёҳ Ибн Баттутага катта ижобий таъсир қилди. “Ҳурматли зотлар”нинг бундан кейинги таъналаридан эҳтиёт бўлиб, Ибн Баттута ўз таассуротларининг баёнида жуда пухта, аниқ ва эътиборли бўлишга қарор қилди.

Шу сабоқдан кейин ўз кузатишларини баён қилганда “ўз кўзим билан кўрганман”, “буни фалончининг оғзидан эшитганман” дея таъкидлайдиган бўлди. Масалан, у Ҳинд султони Муҳаммад Тўғлоқ ҳақида гапириб, бундай дейди: “Ҳиндистон султонларининг ишлари ҳақида эслаганларимнинг ҳаммасини асосан олий қози шайх Камолиддин ибн ал-Бурҳон Ғазнавийдан эшитганман, бу подшоҳ ҳақидаги маълумотларим эса – унинг мамлакатаида бўлганимда ўз кўзим билан кўрганларимдир”, дейди у.

Воқеаларни баён қилишда Ибн Баттута ўзи ҳақиқат деб ёзган маълумотларини аниқ далиллаш йўлидан боради,

ўзга ҳолларда эса масъулиятни ўзидан соқит қилиб, баъзи манбаларни эслатиш билан кифояланади. Бу фазилат Ибн Баттута китоби қимматини янада оширади.

Ибн Батутта ўз даврининг асл фарзанди бўлиб, у даврда инсоният олам ҳақидаги билимларини бениҳоя кенгайтиришга интиларди. У маънавий бой, қалби дарё одам бўлиб, чин мусулмон сифатида, авлиёларнинг кароматларига ишонар ва айни вақтда бошқа эътиқоддагиларнинг қарашларини ҳам тўғри тушунарди. Унинг таассуротлари жонли ҳикояларга асосланган эди.

“Саёҳатнома” асари ҳақида: Ибн Баттута томонидан қайд этилган барча маълумотлар асосан турли юртларда ўзи учратган олим ва уламолар суҳбатидан олинган. Асарнинг яратилиши тарихи “Саёҳатнома”ни Ибн Баттута тилидан ёзиб олган “муҳаррир” Ибн Жузай ал-Калбийнинг сўзбошисида баён этилган. Бу сўзбоши мундарижаси И.Ю. Крачковскийнинг “Араб географик адабиёти” асарида келтирилган ва таҳлил қилинган.

Китоб охирида иккита қайд борки, мазмунига кўра улар ал-Калбийнинг сўзбошисидаги маълумотларга мос келади. Биринчи қайд бундай: “Тухфат ан-нузар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-афсар” (“Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар тамошаси ҳақида тухфа”) деб аталган “Саёҳатнома” шу жойда тугайди. Унинг ёзилиши 756 йил зулҳижжа ойининг учинчи куни (1355 йил 9 декабрь) охирига етди. Иккинчи қайд ҳам китоб охирида, Абу Инонни шарафловчи сўзлар ва сайёҳга мадҳ – санолар айтилган жойда, юқорида кўчирилган парчалардан кейин келади: “Бу китобни тузиш ишлари 757 йил сафар ойида (1356 йил феввали) тамомланди”.

Сўзбоши ва Ибн Жузайнинг қайдларидан кўринадики, Ибн Баттута “Саёҳатнома”сига ўша давр талабларига биноан қофиядош сўзлардан иборат, анча сербезак ва жим-

юксак муваффақияти ҳисобланади, дейди В.В.Бартольд. Шу ўринда, географик адабиёт жанри-риҳланинг биринчи ёрқин намунаси Ибн Фадлоннинг “Волгага саёҳат” асарини келтириб ўтади.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари Муҳаммад ибн Фатҳуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Байлуний томонидан XVII аср охирида мухтасар, оммабоп ва матнга ўзининг шеърӣй муқаддимасини қўшиб, “ал-Мунтақи мин рихлат Ибн Баттута ат-Танжий ал-Андалусий” (“Ибн Баттута ат-Танжий ал-Андалусийнинг саёҳатномасидан парчалар”) номи билан нашр эттирди. Унинг мухтасар “парчалар”и нашр этилгандан кейин асар матни қўчирилмай қўйилди. Бизгача етиб келган ва қатор жаҳон фондларидан сақланаётган нусхалар ҳам айни ал-Байлуний мухтасарларидан ҳисобланади. Европа арабшунослиги ҳам Ибн Баттута билан мана шу ал-Байлуний нусхаси орқали танишганлар.

Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома”си биринчи бўлиб 1808 йил немис сайёҳи У. Зеетцен диққатини жалб этган. У қўл-ёзмани Гот кутубхонаси учун сотиб олган эди. Шу нусха асосида 1818 йил Ж.Г.Козегартен махсус тадқиқот эълон қилди ва “Саёҳатнома” матнининг Ҳиндистон, Хитой ва Суданга бағишланган уч бўлагини лотин тилига таржима қилиб нашр эттирди. 1819 йил Козегартеннинг шогирди Генрих Апец “Парчалар”нинг Малабар соҳиллари ва Малдив оролларига бағишланган яна бир қисмини нашр эттирди.

XX аср ўрталарига келиб, “Саёҳатнома”ни ўрганишда қатор тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Париж миллий кутубхонасида №967 рақам билан сақланаётган нусха Де Слэн ва Ш.Дефремерининг таъкидлашича, 1356 йилда тайёрланган Ибн Жузай дасхатидир. Фондда асар нусхаларининг яна №908, №909, №911, №910, №967 рақамлари

остида сақланаётган қатор қўлёзмалари мавжуд. Бу қўлёзмаларнинг ҳаммасини бир-бирига қиёслаб ўргангач, ноширлар асарнинг тўрт жилдди биринчи мукаммал арабча матнини тайёрлаб чоп (1853-1857) этдилар. Ҳар жилд махсус сўзбоши ва изоҳлар билан таъминланган. Бу нашр Ш.Дефремери ва Б.Сангинеттилар томонидан амалга оширилди.

Шарқда Париж нашрларидан фойдаланиб, 1870, 1904, 1964 йиллари Қоҳирада, 1962 йил Бағдодда, 1962 йил Байрутда чоп этилган.

Турк тилига қилинган таржималарнинг биринчиси уч жилдда Муҳаммад Шариф томонидан 1897-1901 йилларда амалга оширилган. Бу таржима такроран 1916 йил қайта нашр этилган.

Форс тилига қилинган таржималардан бири Техронда Муҳаммадали Муваҳҳид томонидан 1970 йил амалга оширилган. Бу таржима Дефремери ва Сангинеттиларнинг французча нашрлари асосида тайёрланган.

“Саёҳатнома”нинг Дашти Қипчоққа оид қисми татар тилига таржима қилингани ҳам эътиборлидир. Таржима араб тили билимдони Ризоуддин ибн Фахриддин қаламига мансуб бўлиб, 1917 йили Оренбургда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Совет шарқшунослигида “Саёҳатнома” асари 1974 йили В.Г.Милославский томонидан биринчи марта босилиб чиқди.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Ибн Баттута илмий мероси ҳақида тадқиқотлар олиб борган Ғарб шарқшуноси ва географик кашфиётлар ҳақидаги фундаментал асар муаллифи Рихард Хенниг сайёҳни “ислом динининг мутаассиб фидойиси” бўлган, “христиан мамлакатларига боришдан атай бош тортган” лиги ҳақида маълумот беради. Лекин бунга қўшилиш қийин. Бу мулоҳаза Европада исломга анъана-

вий салбий муносабатлар таъсирида юзага келган бўлиши мумкин. Шариат қозиси ва муҳаддислик касбидан келадиган даромадлардан ўз тирикчилик маблағи бўлмаган Ибн Баттутанинг бирон христиан мамлакатада ўзлигини кўрсатиши ва қўллаб қувватланиши мушкуллиги аниқ эди. Ахир у на ҳақиқий савдогар, на тиб илмидан хабардор, на бирон давлатнинг расмий вакили бўлган. Афтидан, унинг савдо-сотик қарвонсаройларида тунаш учун ҳам маблағи бўлмаган. Ислом илми эса унга мусулмон давлатларигагина йўл очган.

Шунингдек, “Ибн Баттутанинг диний мутаассиблиги, ислом билан боғлиқ нарсаларга бефарқ қарай олмаслиги баъзан берган маълумотларининг холислигига анча ҳалақит беради”, деган фикрга ҳам қўшилиш қийин. Бизнинг тушунчамиздаги холислик ўрта асрлардаги “холислик” билан тенг эмас. “Мутаассиблик”ка келса, сайёҳнинг эътиқодли мусулмон бўлганлиги шубҳасиз, аммо унинг мулоҳазаларида христиан ё бошқа бирор ғайридинга қарши айтган сўзини тополмайсиз, аниқроғи – уларни ҳеч қаерда тилга олмайди. Чингизхонга нисбатан қўллаган “лаънати” сифатига келсак, бу табиийки, жаҳонгирнинг шафқатсизлиги, ўзга халқлар бошига солган кулфатлари оқибатида айтилган сўздор. Мўғул ҳукмдорларининг бошқаларига, жумладан, мусулмон бўлмаганларига ҳам Ибн Баттута холис баҳо беради.

Р.Хенниг: “Ибн Баттута ҳар хил мишмишларни, ҳеч бир аҳамияти бўлмаган мўъжизавий ҳодисалар ҳақидаги ишониб бўлмайдиган ҳикояларни етказишга Марко Полодан кўра мойилроқ” дейиши ҳам тарихийликка зиддир. Биринчидан, “ҳар хил миш-мишлар” Марко Полонинг китобида ҳам оз эмас, балки Ибн Баттутадагидан ҳам кўпроқдир. Иккинчидан, биз учун “ҳеч бир аҳамияти бўлмаган” баъзи нарсалар Марко Поло учун ҳам, Ибн Баттута учун ҳам

гоят муҳим бўлиши мумкин. Бирон авлиёнинг “мўъжи-за”си уларга, масалан, ўша вақт қайси мамлакатда қандай танга зарб этилганидан кўра, эҳтимол, муҳимроқ бўлиб кўрингандир.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Ибн Баттутанинг “Саёҳат-нома”сининг Ўрта Осиёга тегишли қисми Б.Ғ.Ғафуровнинг “Тожиқлар” китобида, Я.Ғ.Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиши тарихи”, О.Д.Чеховичнинг “XIV аср Бухоро ҳужжатлари” номли китобларида манба сифатида фойдаланилади.

4. Фасиҳ Хавофий

Фасиҳ Хавофий яшаган давр: Фасиҳ Аҳмад Жалолиддин Муҳаммад Хавофий. Тарихнавис олим. Темур ва Темурийлар даврида яшаб ижод этган Шарқ алломаларидан бири.

Фасиҳ Хавофийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Фасиҳ Хавофий 1375 йилда Рай шаҳри (Хуросоннинг Хавоф вилояти маркази)да туғилган. Ҳирот шаҳрида улғайган ва таҳсил олган. Аввалиги Алоуддин Али Тархон, кейин Амир Темурнинг ўғли Шохрух ва Шохрухнинг ўғли Бойсунқур Мирзо саройларида юқори вазифаларда хизмат қилган ва йирик дипломатик амалиётларни бажарган. 1442 йил Ҳирот (Афғонистон)да вафот этган.

“Мужмал-и Фасиҳий” асари ҳақида: Фасиҳ Хавофий ягона асари – “Мажмаъут таворих” ёки “Мужмал-и Фасиҳий” (“Тарихий саналар йиғиндиси”) асари билан танилган. Ушбу асар тарихий воқеаларнинг хронологик тартибдаги баёнидан иборат бўлиб, биринчи мақола “Муқаддима” қисми Пайғамбар алайҳис саломнинг 53 ёшгача бўлган давлари жумладан, Маккадан Мадинага қилган ҳижратларига (622 й)га қадар бўлган тарихдан ҳикоя қилинади.

Асарнинг асосий ва катта қисми иккинчи мақола бўлиб, 622 йилдан 1442 йилгача бўлган воқеалар шарҳидан иборат. Унда Амир Темур ва темурийлар тарихи билан боғлиқ воқеаларни баён қилувчи “Фойда” деб аталувчи бўлим мавжуд. Айниқса асарнинг 1301-1442 йилларни ўз ичига олган қисми алоҳида аҳамиятга эга. Асарда ўша замонда яшаб ўтган давлат арбоблари, машҳур олимлар ва шоирлар тўғрисида ҳамда темурийлар давлатида амалга оширилган йирик бунёдкорлик ишлари, шунингдек, у ёки бу сулола тарихига доир асосий манбалар, жойларни ободонлаштириш, мамлакатда мавжуд солиқлар ва тўловлар турлари, узунлик ва оғирлик ўлчовлари, табиий офатлар, ўзаро урушлар тўғрисида маълумотлар берилган, энг асосийси воқеа-ҳодисаларнинг аниқ вақти кўрсатиб ўтилган.

Асарда яна 1337 йили Ҳирот вилоятларидан бири Хавофда, 1363 йили Ҳиротда, 1405 йили Нишопурда содир бўлган зилзилалар, 1350 йил Яздда, 1388 йил Табризда, 1406 йил Ҳирот шаҳрида содир бўлган очарчилик ва қаҳатчилик, 1345 йил Хоразмнинг Журжониясида (Кўҳна Урганчга яқин), 1346 йил Табризда, 1459 йил Озарбайжонда тарқалган вабо ҳақидаги маълумотларнинг берилиши бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар сифатида аҳамиятлидир.

Яна Амир Темур ва Чингизхон футуҳотлари даврида хароба бўлган Банокат мавзесидаги шаҳарни 1382 йилда қайтадан тиклаб, унга Шохрухия деб ном бергани, шунингдек, 1403 йилда Темурнинг Байлақон шаҳрини ҳам қайтадан тиклагани ва у шаҳарда Барлос каналини қаздириб сув келтиргани ҳақидаги маълумотлар бор. 1404 йили Шохрух фармони билан Ҳирот шаҳри ва унинг дарвозалари қайта тиклангани ҳам маълумот сифатида киритилган.

“Мужмал-и Фасиҳий” – тузилишига кўра хроникага яқин манбадир. У воқеа-ҳодисаларнинг вақти, йирик си-

ёсий арбоблар ва олимларнинг таржимаи ҳоллари ҳамда тавсифлари, шунингдек, сиёсий фактларни ўзида мужас-сам этгани билан аҳамиятлидир.

Замондошлари: Фасиҳ Хавофийнинг замондоши Котиб Туршизий Нишопурий унинг юксак шоирлик қобилияти тўғрисида ёзган бўлса, Исфизарий (1494 йилда вафот этган) ва Алишер Навоий уни буюк билим соҳиби ва истеъдодли шоир, деб эътироф этганлар.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: “Мужмал-и Фасиҳий” бизнинг давримизгача жуда кам нусхада етиб келган. Шундай асарнинг мавжудлиги ҳақида фақат XIX аср охирларидагина илмий адабиётларда қисқа маълумотлар келтирилган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари ҳозирда Лондон, Кембриж, Банкипур, Табриз, Санкт-Петербург, Бенгалия ва Тбилисида сақланади.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Асар ҳақида В.В.Бартольд, Э.Браун, В.Розен сингари олимлар эътиборини тортган эди. Китоб муқаддима, икки мақола ва хотимадан иборат бўлиб, муқаддимада Одам Атодан тортиб Муҳаммад алайҳис саломнинг таваллуд йилларигача бўлган тарихни ўз ичига олади. Фасиҳ Хавофий воқеаларни бетараф туриб ёритишга ҳаракат қилганлигини тадқиқотчилар бир неча бор қайд этиб ўтганлар. В.В.Бартольд ўзининг “Туркистон мўғул босқини даврида” (1900 йил) асарида “Мужмал-и Фасиҳий”ни монументал асар сифатида баҳолаб: “Шоҳрух даврида Фасиҳ Хавофий ўзининг сарой кирдикорларидан ҳоли бўлган “Мужмаи Фасиҳий” номли асарини яратди. Бу асар катта бир тарихий жараённи ўз ичига олган бўлиб, унда воқеалар йилма-йил, бирин-кетин баён этилган. Асар мухтасар бўлишига қарамай, жуда фойдалидир, у бизга Ўрта Осиё ва Эрон шаҳарлари ҳамда адиблари ҳақида янги маълумотлар беради” деган эди. “Қадимги даврлар-

дан XVIII аср охиригача бўлган Эрон тарихи” (Ленинград, 1958 йил) номли жамоавий асар муаллифлари эса: “Ушбу манба воқеалар хронологиясининг аниқлиги ҳамда XIV-XV асрларда яшаб ўтган шоирлар ва сиёсий арбобларнинг таржимаи ҳоли ва тавсифларини ўз ичига олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир» дея Фасиҳ Хавофий асарига юқори баҳо берадилар.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Саъдуддин Муҳаммад Авфийнинг ҳаётига оид манбалар ҳақида маълумот беринг?
2. “Лубоб ул-албоб” (“Қалблар қалби”) қандай усулда ёзилган манба?
3. Рашидуддин Фазлуллоҳ қандай ижод аҳлларидан эди?
4. Рашидуддин тарихий асарлари ҳақида маълумот беринг?
5. “Жомеъ ут-таворих” асарининг замонавий таржималари ҳақида маълумот беринг?
6. “Саёҳатнома” асарининг ёзилиши тарихнавислиги қандай кечган эди?
7. Ибн Баттута берган маълумотларнинг Мовароуннахр тарихи ва манбашунослигини ўрганишдаги аҳамияти?
8. “Саёҳатнома” асарини рус олимларидан кимлар ўрганди?
9. Фасиҳ Хавофий саройда қандай лавозимларда ишлаган эди?
10. “Мужмали Фасихий” асарини маҳаллий олимлардан кимлар ўрганди?
11. Хавофийнинг замондошлари олим ҳақида қандай фикрлар билдирган?
12. “Мужмали Фасихий” асарида воқеалар қандай тартибда ёритилган эди?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Саъдуддин Муҳаммад Авфийнинг ҳаёти ва илмий мероси
2. “Жавоми ул-ҳикоят” асарининг таркибий тузилиши
3. Рашидуддин Фазлуллоҳнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси
4. “Жомеъ ут-таворих” Фазлуллоҳнинг шоҳ асари сифатида
5. Инб Баттута ҳаёти ва илмий мероси
6. “Саёҳатнома” асарида Инб Баттутанинг кезган ҳудудлари
7. Фасиҳ Хавофий илмий мероси ҳақида
8. “Мужмали Фасихий” асарида кўтарилган мавзулар таҳлили



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т.: “Камалак” нашриёти, 1991. – 336 б.
2. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумот). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.
3. Иброҳимов Неъматулло. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: “Шарқ машъали” журнаliga илова “Шарқ баёзи”, 1993. – 102 б.
4. Сияру аъламин нубало / Имом Абу Абдуллоҳ Шамсуддун Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. – Т.: “Sharq”, 2015. – 480 б.
5. Ўрта аср шарқ алломалари. Энциклопедияси. Таҳрир ҳайъати. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016. – 612 б.
6. Хайруддин Зирклий. Аълам. Ж. 2. – Байрут: Дар ал-илм лил малайин, 1998. – Б. 131.

7. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

8. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.

9. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1981. – 263 б.

10. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.

ХII. ЎРТА АСРЛАРГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ТАЎЛИЛИ (XIV асрнинг иккинчи ярми XV аср)

Режа:

1. Низомуддин Шомий
2. Ибн Арабшоҳ
3. Ҳофизи Абру
4. Шарафуддин Али Яздий

Таянч сўз ва иборалар: Низомуддин Шомий, Амир Темур хизматида, воқеанавис ва воизлик фаолияти, Шомий Мирзо Умар хизматида, “Зафарнома” асари ва унинг манбалари, матндаги тарихий факт ва далиллар, соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар, Ибн Арабшоҳ, Арабшоҳ Самарқандда, Муҳаммад I нинг махсус котиби, “Ғурратус сияр фи дували т-турк ва-т-татар” асари, “Ажойибул мақдур фи ахбори Таймур” асари ҳақида, асардаги маълумотлар, Ҳофизи Абру, “Зубдат ут-таворих”, тарихчининг бошқа асарлари, “Зайли Зафарномаи Шомий” асари, Шарафуддин Али Яздий, ҳаёти ва илмий фаолияти, “Зафарнома” асари ҳақида, “дин ва давлат шарафи”, “Зафарнома”нинг жаҳон фондларидаги қадимий нусхалари.

1. Низомуддин Шомий

Низомуддин Шомий яшаган давр: Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлари, яъни Темур ва Темурийлар даврида яшаб ижод этган моҳир тарихчи, ёзма ёдгорликларнинг энг дастлабкиларидан бири – Амир Темур топишириғи билан ёзилган “Зафарнома” китобининг муаллифи.

Низомуддин Шомийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Мавлоно Низомуддин Шомий ёки мавлоно Низомуддин Шанбий, Шанби Ғозоний асли Табризнинг шимоли-ғарбий томонидан икки мил масофада жойлашган мавзеда туғилган тарихчи олим. Табриз шаҳри яқинидаги Шом шаҳарчасида (ёки Табриз шаҳри яқинидаги Шанби Ғозон шаҳарчасида) туғилган. Бошланғич маълумотни Табриз шаҳри (Жанубий Озарбайжон)да олди, кейин ўз билимларини такомиллаштириш учун Бағдодга сафар қилди. 1392 йилда Амир Темур қўшинлари Бағдод шаҳрига кириб келганида Шомий ҳам буюк ҳукмдорни шарафлаб кутиб олувчи аҳоли сафида бўлган. Шу пайтдан бошлаб Низомиддин Шомий ҳаёти ва ижодида янги босқич бошланди.

Дипломатик фаолияти: “Зафарнома” дебочасига Мирзо Умарга бағишланган кичик илова қўшилган. Низомуддин Шомий умрининг сўнги йилларида Мирзо Умар хизматида бўлиб, она юрти Табризда истиқомат қилган.

Тарихнавис олим: У 1393 йили Амир Темур хизматига қабул қилинган, 1404 йилгача у билан бўлиб, соҳибқироннинг ҳарбий юришларида воқеанавис ва воиз мансабида ишлаган. 1402 йили Амир Темур унга ўз тарихини аниқ ва содда тилда ёзишни буюрган. Низомуддин Шомий бу асарни 1402-1404 йиллар орасида тамомлаган. Асар жаҳонгирнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 йил)дан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Заҳматкаш олим умрининг охириги йилларида Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар хизматида ҳам бўлган. У 1411 йилда Табризда вафот этган. Низомуддин Шомий ҳаёти ва ижоди ҳақида ўз асаридан баъзи кичик-кичик лавҳалардан ташқари ўрта асрлар ёки ҳозирги замон манбаларида маълумотлар деярли учрамайди.

“Зафарнома” асари ҳақида: Низомуддин Шомийнинг “Зафарнома” асари содда тилда, равон услубда ёзилган,

далилий маълумотларга бой асардир. 1401 йилда Амир Темур унга ўз ҳукмронлиги тарихининг мураккаб услубий тузилишдан холи, яъни “оддий тил”даги солномасини яратиш вазифасини топширди. Шомийнинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати натижасида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини тўла ёритиб берувчи муҳташам тарихий асар – “Зафарнома” юзага келди. “Зафарнома” тарихий асар сифатида XIV-XV асрларда Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги давридаги Марказий Осиё, Олтин Ўрда хонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлар тарихига оид воқеаларни ўз ичига олган. Асар муқаддимасида Амир Темур тарих саҳнасига чиққан 1360 йилга қадар Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган чингизий ҳукмронлар ҳақида қисқача маълумот берилган. Сўнгра Амир Темурнинг XIV асрнинг иккинчи ярми - XV асрнинг бошида қилган юришларининг батафсил баёни келтирилган. Асар 1404 йил март ойида Амир Темурнинг Озарбайжонда Аррон Қорабоғида турганлигининг баёни билан якунланиб, унинг вафотигача бўлган бир йиллик воқеалар ёритилмай қолган. Лекин, Амир Темур ҳаёти мазкур асарда Шарафуддин Алига нисбатан бирмунча кам идеallasштирилган.

Асар Ўзбекистон, Қозоғистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV-XV аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Низомуддин Шомий “Зафарнома”сининг иккита таҳрири мавжуд:

1. 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтганда унга тақдим этилган нусха;

2. Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга (1404 йил 26 мартда Амир Темур “Ҳалокухон тахти”ни, яъни Ғарбий Эрон ҳамда Озарбайжонни инъом қилган) пайтида тақдим қилинган.

Асарнинг манбалари: Низомуддин Шомий ўз асарини ёзишда Ғиёсидин Али Яздийнинг “Рўзномаи ғазавоти Ҳиндустон”, Амир Темурнинг уйғур котиблари томонидан яратилган “Тарихи хоний” ва саройда битилган бошқа кундаликлардан фойдаланган. Энг асосийси, муаллифнинг ўзи кўриб шоҳиди бўлган ва бевосита иштирокига айланган маълумотлар йиғиндиси эди.

Асарда келган воқеаларнинг бошқа манбаларда қўлланиши: Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асаридаги тарихий воқеалар кейинги тарихнавис олимлар томонидан давом эттирилди. Жумладан, Темурийлардан Шохрух Мирзонинг тарихнависи Ҳофизи Абру “Мажмуа” (“Тўплам”) асарини ёзишда, Низомиддин Шомийнинг асарида фойдаланган. Масалан: воқеалар хронологиясини Шохрух Мирзо ҳукмронлик қилиб турган 1420 йилгача давом эттирган. Кейинроқ 1423 йили Шохрух Мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо (ваф.1433) фармони билан Ҳофизи Абру тўрт жилддан иборат “Мажмуату таворихи Султония” деб номланган асарини ёзишга киришган ва уни 1427 йил воқеаларининг баёни билан тугатган.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асаридаги тарихий факт ва далиллар соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид энг ишончли маълумотлар ҳисобланади. XV-XVI асрлардаёқ Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”, Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саздайн ва мажмаи баҳрайн” (“Икки буржнинг чиқиши ва икки денгизнинг бирлашиши”), Фасиҳ Ҳавофий “Мужмали Фасиҳий” (“Фасиҳий қонунлари”), Ҳотифий “Темурнома”, Мирхонд “Равзат ус-сафо” (“Мусаффолик боғи”), Хондамир “Ҳабиб ус-сияр” асарларида бу манбадан кенг фойдалангани ҳам шу фикрни тўла тасдиқлайди. Асар ўрта аср Шарқ тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: Низомиддин Шомий “Зафарнома”сининг фақат икки қўлёзма нусхаси сақланиб қолган. Аввалгиси Амир Темурга тақдим этилган қўлёзмадан 1425 йилда кўчирилган нусха бўлиб, у Истамбулдаги “Нури усмониди” масжиди кутубхонасида инв№3367 рақаи остида сақланади. Иккинчиси, Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар Баҳодир ибн Мироншоҳ (ваф.1409)га тақдим этган қўлёзмадан 1434 йил кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги Британия музейи кутубхонасида инв№23980 рақаи билан сақланади.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Асарнинг танқидий матни таниқли чехиялик олим Ф.Тауэр томонидан 1937 ва 1956 йиллари Прагада чоп этилган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари Истанбул, Лондон кутубхоналарида сақланади. Ўрта асрларнинг машҳур тарихчиси ва Амир Темурнинг биографи Шарафиддин Али Яздий (XV аср) ўз асарида Низомиддин Шомийни бетакрор муаррих сифатида таърифлайди ва у яратган Амир Темур фаолияти солнома-сининг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтади. Буларнинг барчаси ушбу асар мусулмон Шарқининг XIV аср иккинчи ярми ва XV бошларидаги сиёсий тарихини ўрганишнинг асосий манбаси сифатида муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

Маҳаллий тадқиқотчилар: “Зафарнома” буюк соҳибқирон фаолияти тўғрисидаги энг мукаммал ва давримизгача тўлиқ ва мукаммал сақланиб қолган ноёб нодир манба ҳисобланади. Асарнинг асосий қисми 1404 йилнинг март ойи охиридаги воқеаларгача бўлган даврни тўлалигича қамраб олган бўлиб, унинг ҳукмронлик даврига оид маълумотлардан иборат. Ушбу асарнинг юзага келишида Амир Темур томонидан шахсан тақдим этилган автобиография маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади. 1996 йили

Низомуддин Шомий “Зафарнома” асарини Ю.Ҳакимжонов томонидан амалга оширилган форсча таржимаси А.Ўринбоев томонидан таҳрир қилиниб нашр этилди.

2. Ибн Арабшоҳ

Ибн Арабшоҳ яшаган давр: тўлқ номи Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим (1388-1450). Амир Темур 1401 йилда Шом (Сурия)ни эгаллагач, Ибн Арабшоҳни қариндош-уруғлари билан бирга Самарқандга келтирган.

Ибн Арабшоҳнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Ибн Арабшоҳ Самарқандга Темур томонидан олиб келингандан кейин маҳаллий машҳур олимлардан таълим олиб, форс, мўғул, турк тилларини пухта ўрганган. У тарих, илоҳиёт ва адабиёт билан мунтазам шуғулланган.

Дипломатик фаолияти: Ибн Арабшоҳ Хоразм, Мўғулистон, Хитой ва Олтин Ўрда пойтахти сайройида бўлган. Қрим орқали Адрианополга келган ва 10 йил давомида турк султони Муҳаммад I нинг махсус котиби бўлган.

Тарихнавис олим: Ибн Арабшоҳ Ҳожа Тархон (Астрахон)да ҳуқуқ фани билан шуғулланиб, бу илм соҳасидан дарс берган.

Асарлари: Ибн Арабшоҳ бир неча тарихий китоблар ёзган. “Ғурратус сияр фи дувалит турк ва-т-татар” (“Турк ва татар халқлари давлатларидаги сийратлар сараси”) асари Олтин Ўрда ҳақидаги кўп маълумотларни ўз ичига олган. Аммо бу асар сақланиб қолмаган. Тарихчининг “Фуқоҳатул хулафо ва муфоқаҳатуз зурафо” (“Халифаларнинг ҳозиржавоблиги ва фаросатлиларнинг ҳазилкашлиги”) асари ҳам бор. Ибн Арабшоҳ таржимон сифатида Авфийнинг “Жавомиъул ҳикоят ва лавомиъур ривоёт” (“Ҳикоялар мажмуаси

ва ривоятлар жилваси”) ҳамда Абу Лайснинг “Тафсир”ини форс тилидан туркчага таржима қилган.

“Ажойибул мақдур фи ахбори Таймур” асари ҳақида:
 “Ажойибул мақдур фи ахбори Таймур” (“Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”) бу асар муаллифнинг шоҳ асари бўлиб, “Амир Темур тарихи” номи билан ўзбек тилида ҳам нашр этилган. Ибн Арабшоҳ Амир Темурга нисбатан душманлик руҳидаги муаллифлардан бири эди. Бу ҳол унинг асарида тўла акс этди. Шунга қарамай, Ибн Арабшоҳ асарида Темур давлати ва унга чегарадош мамлакатлар сиёсий, ҳўжалик ва маданий турмушни қўшимча равишда ойдинлаштириб берувчи кўпдан-кўп диққатга сазовор маълумотларни келтирган. Ибн Арабшоҳ Амир Темурга нақадар салбий назар билан қарамасин, ҳар ҳолда унинг шахсини муносиб баҳолаган: “Етмиш ёшли Темурнинг фикрлари ҳали ҳам қатъий, жисмоний жиҳатдан кучли ва қувватлидир... У истехзо ва сохталикини ёқтирмайди, бахтсиз ҳодиса рўй берганда ғамга ботмайди, доим сергак ва мардона туради, унинг олдида ҳамма итоатгўй бўлиб қолади ва ҳурмат бажо келтиради. У мард ва жасур одамларни ёқтиради... У масаланинг моҳиятини дарҳол найқаб оладиган моҳир баҳсчи эди. У фаросати билан ҳақгўй – ёлғончини дарров фарқлар эди, самимий маслаҳатчиларни сохта насихатгўйлардан фарқлар эди”.

3. Ҳофизи Абру

“Мажму ат-таворих” ёки “Зубдат ут-таворих” номли асар муаллифи Ҳофизи Абру номи билан машҳур бўлган йирик географ ва тарихчи олим. Унинг тўлиқ исми Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Хавофий. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, Ҳирот ҳудудидаги Хавофда туғилган, Ҳамадонда

тахсил кўрган ва 1430 йилда Занжонда вафот этган. Бошқа тарихий манбаларнинг маълумотларига қараганда, Ҳофизи Аbru Амир Темур ва Шохрух саройида истиқомат қилган ва ҳар иккала ҳукмдор билан яқин бўлган. Агар у Амир Темур билан фақат саройдагина яқин суҳбатдош бўлган бўлса, Шохрух билан унинг юришларида бирга қатнашган. Ҳофизи Аbru Шохрухнинг топшириғи билан иккита йирик асар ёзган.

Булардан бири 1414-1420 йиллар орасида тарихий-географик мазмунда араб тилида битилган китобидир. Ю.Е.Борщевскийнинг сўзларига қараганда, бу “Китоб ал-масолик вал-мамолик” деб аталиб, Ҳасан ибн Аҳмад Муҳаллабийнинг қаламига мансуб бўлган. Шохрух Мирзо 1414 йили Ҳофизи Абруга мазкур асарни форс тилига таржима қилиш ва бошқа манбалар асосида қайта ишлашни топширган. Демак, бу асар шунчаки компиляция бўлиб қолмай, балки янги далиллар билан бойитилган, диққатга сазовор асардир. Унда ҳар бир вилоятнинг географик ҳолатини тавсифлашдан ташқари, унинг қисқача сиёсий тарихи ҳам баён қилинган. Биз учун асарда Амударёнинг Каспий денгизига қўйилиши ҳақида, шунингдек Мовароуннахр ва унинг йирик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Хўжанд ва бошқалар ҳақида келтирилган маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Англия ва Россияда, Санкт-Петербург шаҳрида сақланмоқда. Ҳофизи Аbru Шохрухнинг кўрсатмаси билан ўзидан аввал ўтган тарихчилар Табарий, Рашидуддин ҳамда Низомуддин Шомий асарларига қўшимчалар (зайл) ҳам ёзган. 1412-1418 йиллар орасида ёзилган бу қўшимчалар “Мажмуа-йи Ҳофизи Аbru” деб аталади.

Табарий асарининг Балъамий таҳририга қилинган қўшимча халифа Муқтадир (908-932) замонидан то Мўътасим

(1242-1258) давригача халифаликка кирган мамлакатларда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади.

Рашидуддиннинг “Жомеъ ут-таворих”ига қилинган кўшимчага Куртлар (Картлар) сулоласидан чиққан подшоҳлар, Туға Темур, Амир Вали ибн Шайх Али Ҳинду, сарбадорлар ҳамда Амир Арғуншоҳ тарихи, яъни Эронда 1306-1393 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар киритилган.

Низомуддин Шомийнинг “Зафарнома”сига қилинган иловада эса Амир Темур ҳукмронлигининг сўнги даври ва Шохрух тарихи 1416 йилга қадар баён этилади. “Мажмуа”-нинг айрим қисмлари матни ва таржимасини Хонбобо Баёний 1938 йилда, Ф.Тауэр 1959 йили ва К.М.Маитра 1934 йили нашр эттирганлар.

Хофизи Абрунинг асосий катта тарихий асари «Мажму ат-таворих» бўлиб, уни муаррих Шохрухнинг ўғли Бойсунғур Мирзо (1433 йили вафот этган)нинг топшириғи билан 1423-1425 йиллари ёзилган. Мазкур асар тўрт қисмга бўлинган:

1. Исломдан аввал ўтган пайғамбарлар ва Эрон подшоҳлари;
2. Муҳаммад алайҳис салом ва араб халифалари (ал-Мухтасимгача);
3. Эроннинг Салжукийлар ва мўғуллар (Элхон Абу Сайд давригача) тарихи;
4. “Зубдат ут-тавориhi Бойсунқурий”.

Асарнинг охирги, тўртинчи қисми алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда Амир Темур тарихи, қайта ишланган ва бирмунча тўлдирилган. Унда Хуросон, қисман Мовароуннахрнинг 1427 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволи баён этилган. “Мажму ат-таворих” асарининг қўлёзмалари Тошкент, Туркия, Эрон, Германия, Англия, Франция ва бошқа хорижий мамлакатларда сақланмоқда.

Бошқа асарлари. “Зайли Зафарномаи Шомий”, “Зайли жомиъут таворих”, “Тарихи Ҳофизи Абру”, “Мажмуату таворихи Султония”, “Зубдату таворихи Бойсунғурий” асарларининг муаллифи.

“Зайли Зафарномаи Шомий” асари – Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” сига илова бўлиб, асардаги тарихий воқеалар баёнини 1405 йилгача давом эттирган. “Зайли жомиъут таворих” Рашидуддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъут таворих” асарининг давоми бўлиб, унда Эроннинг 1304-1470 йиллардаги тарихи акс эттирилган.

“Тарихи Ҳофизи Абру” номи билан машҳур тарихий-географик асарида – дунёнинг доира шаклидаги харитаси ва бошқа хариталар берилган. Бу хаританинг муҳим томонларидан бири – градус тўғри чизилганидир, уни географлар Ҳофиз Абрунинг шоҳ асари деб ҳисоблайдилар. Бу асарда ер юзидаги сувлар, тоғу тошлар, мамлакатлар ва улардаги шаҳар-қишлоқлар, шунингдек, Форс, Кермон, Хуросоннинг батафсил географияси ва тарихи ҳамда Мовароуннаҳр географияси баён этилган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Термиз каби шаҳрлар ҳамда Жайхун, Сайхун, Мурғоб ва бошқа дарёлар, мамлакатлар, вилоятларнинг кенглик ва узунликлари кўрсатиб ўтилган ва уларнинг масофа майдонларини ифодаловчи (фарсанг, ойлик йўл, кундалик йўл) анчагина сатрлар бор.

“Мажмуату таворихи Султония” асари – 1423-1427 йилларда ёзилган бўлиб, бу асарда Шохрух салтанати тарихи ёритилади.

“Зубдату таворихи Бойсунғурий” асарида тарихий воқеалар 1417 йилга қадар етказилган бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий маълумотлар ва муаллифнинг ўз даврига оид хабарлари кенг ўрин олган.

4. Шарафуддин Али Яздий

Шарафуддин Али Яздий яшаган давр: Шарафуддин Али Яздий Форс вилоятининг ҳокими Темурий Иброҳим Султон (1415-1435) саройида хизмат қилган. У илм-фан ҳомийси бўлмиш мазкур шахзоданигина эмас, балки Шохрухнинг ҳам ҳурмат-эътиборини қозонган эди. Шарафуддин Али Яздий 1442 йили Шохрухнинг набираси ва Султония, Қазвин, Рай ҳамда Қум ҳокими Султон Муҳаммад (1442-1446) нинг таклифи билан Қумга келди ва шахзода хизматига кирди. Султон Муҳаммад 1446 йили Шохрухнинг оғир касаллигидан фойдаланиб, исён кўтарди, Ҳамадон ҳамда Исфаҳонни босиб олди, Шерозни қамал қилди. Шохрух унга қарши қўшин тортди. Султон Муҳаммад Шохрух билан очиқ жанг қилишдан қўрқиб ортга чекинди. Шохрух Султон Муҳаммад билан яқин бўлган кишиларни, шунингдек, маҳаллий саййидлардан бирмунчасини исёнда иштирок этишда айблаб ҳибсга олди ва кўпларини ўлимга маҳкум қилди. Ўшанда ҳибсга олинганлар орасида Шарафуддин Али Яздий ҳам бор эди. Фақат Мирзо Абдулатифнинг (Улуғбекнинг тўнгич ўғли) аралашуви билан Шарафуддин Али Яздий жазодан қутулиб қолди. Шахзода уни Самарқандга, отаси ҳузурига жўнатиб юборди. Шарафуддин Али Яздий Самарқандда бир йил чамаси истиқомат қилиб, Улуғбекнинг илмий изланишларида иштирок этган. Шохрух вафотидан (1447) кейин 1449 йилда Шарафуддин Али Яздий Хуросонга қайтди ва Султон Муҳаммаднинг рухсати билан яна ўз ватани Тафтга қайтиб борди ва умрининг охириги қисмини узлатда кечирди. Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1447 йили Султон Муҳаммад яна Форсни эгаллади, Шохрух вафотидан сўнг (1447 йил 12 март) Хуросонни қўлга киритди, лекин 1451 йил иниси Абулқосим Бобурдан енгилди ва унинг амри билан қатл этилди.

Шарафуддин Али Яздийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Шарафуддин Али Яздийнинг ёшлик ва ўсмирлик вақтларида ўтказган фаолияти ҳақида етарлича маълумотлар учрамайди. Манбалардан етиб келганлари ҳам доим бир-бирини такрорлаб келган маълумотлардир. “Зафарнома” тарихий асари Али Яздийга оламшумул машҳурлик ва эътироф келтирди. Ушбу солнома Амир Темур ҳукмронлигининг тўлиқ ва батафсил тасвири сифатида қонуний асосда нафақат Ўрта Осиё, балки Олтин Ўрда, Эрон ва Афғонистоннинг XIV аср бошлари ва XV асрлар тарихи бўйича асосий манбалардан бири ҳисобланади. Али Яздийнинг адабиёт, тилшунослик, астрономия, мусиқа ва тасаввуфнинг назарий муаммолари соҳаларига қўшган ҳиссаси ҳам ниҳоятда юқори баҳоланади.

Тарихнавис олим: Ўз даврининг йирик тарихчиси Шарафуддин Али Яздий асли Эроннинг Язд вилоятидаги Тафт қишлоғидан бўлиб, турли фан соҳаларини пухта эгаллаган олимлардан бири эди. Шарафуддин Али Яздий тил услуби, шеърят назарияси, нужум илми, тарих, мусиқа, тасаввуфнинг назарий масалалари бўйича бир неча асарлар ёзган. “Шараф” таҳаллуси билан шеърлар битган. 1415-1419 йилларда Форс ҳукмдори темурийзода Иброҳим Султон хизматида бўлган ва у ерда Хуросон ҳукмдори – Амир Темурнинг ўғли Шохрух назарига тушган. Шохрухнинг фармойишига асосан Али Яздий таниқли ҳукмдор Юнусхоннинг шахсий тарбиячиси этиб тайинланган. 1419-1425 йилларда асосий асарларидан бири – буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг зафарли юришлари тасвирига бағишланган “Зафарнома”ни яратган. 1442-1446 йилларда Қазвин, Султония, Рай ва Қум (Эрон) ҳукмдори, Шохрухнинг набираси Султон Муҳаммад хизматида бўлган. 1447 йилда Самарқандга келган ва Мирзо Улуғбек ҳузурида бўлиб, унинг астрономик тадқиқотларида иштирок

этган. Шохрух ўлимидан сўнг (1447 йилда) туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб бориб, умрининг қолган қисмини шу ерда танҳолик ва таркидунёчиликда ўтказган. У 1454 йилда Тафтда вафот этган ва ўша ерда дафн этилган.

Асарлари: Шарафиддин Али Яздийдан 13 та илмий асар қолган бўлиб, улар орасида “Зафарнома” жуда машҳур бўлган. Муаллиф ислом илмлари билимдони, файласуф, тарихчи, астроном, илмлар таснифларидан бохабар олим, тил-адабиёт ихлосманди, кашфиётчи қолаверса, ўз даврининг қомусий олими сифатида катта шухрат қозона олган шахсдир. Масалан, биргина тарихга оид “Зафарнома” асарида муаллиф туркий қабилаларнинг келиб чиқиши, Чингизхоннинг тўрт улуси тарихи ҳамда XIV аср бошидаги Марказий Осиё ва қўшни давлатлардаги сиёсий ҳолатни тасвирлаб беради, минтақада маҳаллий тарқоқликнинг кучайиши ва ўзаро урушлар тарих майдонига Амир Темурнинг кириб келишига имкон берганини кўрсатади. Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрда марказлашган давлат ташкил этилиши тарихини Али Яздий ҳар томонлама ва тўлиқ тасвирлайди.

“Зафарнома” асари ҳақида: Шарафуддин Али Яздийнинг китоби “Зафарномаи Темурий”, “Фатҳномаи соҳибқироний”, “Тарихи жа-хонкушойи Темурий” ёки “Зафарнома” номлари билан машҳур. Шарафуддин Али Яздий асарининг қиймати шундаки, унда мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда, Элхонийлар давлати, Чиғатой улуси, шунингдек Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонидан то Темур давлатининг пайдо бўлишигача бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда ёритиб берилган. Асарнинг бу қисми “Тарихи жаҳонгир” ёки “Муқаддимаи Зафарнома” номи билан аталади.

“Зафарнома” асарининг асосий қисми, муаллифнинг дастлабки режаларига кўра, уч мақоладан иборат бўлиши,

3. Низимиддин Шомийнинг сарой тарихчиси сифатидаги фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

4. Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб қайси матнларни биласиз?

5. “Ажойибул мақдур фий ахбори Таймур” асарида Амир Темур шахсияти ҳақида қандай фикрлар билдирилган?

6. Хофиз Абрунинг “Зубдат ут-таворих” асари кимнинг талабига биноан ва нима сабабдан ёзилган эди?

7. Ибн Арабшоҳнинг таржимонлик фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

8. Муаррих ибн Арабшоҳ қайси ўзбек олими томонидан ўрганилди?

9. Шарафуддин Али Яздий ва Шохрух Мирзо ораларидаги муносабат қандай бўлган эди?

10. Яздий “Зафарнома”си яна қандай номларда қўлланади?

11. Ўзбек олимларидан кимлар “Зафарнома” асари ҳақида илмий тадқиқот олиб борганлар?

12. “Зафарнома” асарининг ўзбек тилидаги нашри ҳақида маълумот беринг?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Низомуддин Шомий илмий мероси.

2. “Зафарнома” асарининг тарихий аҳамияти ҳақида.

3. “Зафарнома” асарининг Европада ўрганилиши

4. “Ажойибул мақдур фий ахбори Таймур” асари ҳақида.

5. “Зубдат ут-таворих” асарида муаллиф танлаган услубий жиҳатлар таҳлили

6. “Зубдат ут-таворих” асарининг қадимий нусхалари ва уларнинг манбашунослик таҳлили

7. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг Шомий “Зафарнома”си билан фарқли жиҳатлари ҳақида.

8. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг манбалари.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абуғозий. Шажараий турк. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1992. – 192 б.

2. Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1996. – 128 б.

3. Равшанов П. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1991. – 352 б.

4. Тўхтиев И. Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари. – Т.: “Фан” нашриёти, 1992. – 44 б.

5. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2005. – 384 б.

6. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

7. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.

8. Ирпон Тўхтиев. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 112 б.

9. Носир Муҳаммад. Турон давлатлар йилномаси. – Т.: “Meriyus” нашриёти, 2010. – 128 б.

10. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.

11. Ўктам Мавлонов. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: “Akademīya” нашриёти, 2008. – 432 б.

ХIII. XV АСРДА ЁЗИЛГАН ТАРИХИЙ АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ

Режа:

1. Абдураззоқ Самарқандий
2. Мирмуҳаммад ал-Балхий, Мирхонд
3. Ғиёсиддин Хондамир
4. Камолиддин Биноий

Таянч сўз ва иборалар: Абдураззоқ Самарқандий, империя юраги, ички урушлар натижаси, Шоҳрух давлат бошқаруви, элчилик муносабатлари, “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” асари, Самарқандий Абулқосим Бобур хизматида, йил тартиби билан келтирилган воқеалар, Самарқандий асарнинг манбалари, асари ҳақида хорижги тадқиқотлар, Мирхонд яшаган давр, Мирхонд ва Алишер Навоий, “Ихлосия” хонақоҳи, Мирхонд “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва хулафо” муаллифи, асарнинг таркибий қисми, Асарнинг ислом академияси “Манбалар хазинаси” фондидаги нусхаси, Ғиёсиддин Хондамир, мўътабар ва сермаҳсул тарихчи сифатида, Дипломатик фаолияти, тарихчи шаҳзода Бадиуззамон Мирзо хизматида, Камолиддин Биноий, ҳаёти ва илмий фаолияти, олимнинг “Шайбонийнома” асари ҳақида.

1. Абдураззоқ Самарқандий

Абдураззоқ Самарқандий яшаган давр – XV аср Амир Темур юришлари (1370-1405) натижасида барпо қилинган улкан империянинг юраги Ўрта Осиё шаҳарларида илм-

фан ва маданиятнинг тараққий этишига таъсир кўрсатди. Абдураззоқ Самарқандий 1463 йилга қадар дастлаб Шохрух, сўнгра Абулқосим Бобур (1451-1457) ва бошқа Темурий шахзодаларнинг саройида хизмат қилган.

Амир Темур вафотидан кейин мамлакатда юзага келган ички урушлар натижасида темурийлар давлатининг ҳукмронлиги Шохрух (1409-1447) қўлига ўтди. Шохрух ҳам давлат бошқарувида отаси йўлини тутиб, давлат бошқарувини ўзининг яқинларига топширди. Жумладан, Мовароуннахрнинг маркази Самарқанд шахрини ўғли Муҳаммад Тарағай – Улуғбекка (1409-1449) топширди. Ўзи эса, 799/1379 йилдан бери ҳукмронлик қилиб келаётган маркази Ҳирот шахри бўлган Хуросонни бошқаришда давом этди.

Мамлакатдаги ички юксалиш ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига туртки бўлди. Айниқса, Амир Темур вафотидан кейин Хитой Шохрух бошқараётган Мовароуннахр ва Ҳирот билан дўстона алоқалар ўрнатишга киришди. Вазиятни тўғри фаҳмлаб, қўшни йирик мамлакатлар жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Рим (Кичик Осиё) ва баъзи Европа мамлакатлари билан дўстона сиёсий-иқтисодий, савдо-сотиқ алоқаларига жиддий эътибор қаратди.

Чунончи, Хитой билан бўлган алоқалар Амир Темурнинг ўлими муносабати билан Хитой подшоҳи Дой-Минг-хондан элчилар келиши ва ўз подшоҳларининг чуқур таъзияси ва тортиқлари билан 811/1409 йил 15 январдан бошланди. Кўп ўтмай, хижрий 815/1412 йилда яна Хитойдан элчилар келди. Шохрух уларни Боғи Зоғонда катта эҳтиром билан кутиб олди. Элчилар Хитой подшоҳининг Шохрух номига хитой, форс ва туркчада ёзилган дўстона муносабатини билдириб, мамлакати ерларида қўшни савдогарларнинг эмин эркин юришларига шароит туғдиришини таклиф

қилди. Ўз ўрнида Шохрух ҳам бу таклифни ижобий баҳолаб, хитой савдогарларининг хавф-хатарсиз келиб-кетишларини таъминлашини билдирувчи жавоб хатини ёзди.

Хитой билан кейинги элчилик муносабатлари 820/1417 йилда ҳам давом этиб, навбатдаги гуруҳ Ҳирот шаҳрига келди. Бу сафар Шохрух хитойлик элчиларга қўшиб, ўзининг ишончли кишиси сифатида Ардашер тавочини юборди.

Икки йирик давлат ўртасидаги элчилик муносабатлари 822/1419 йилда темурийзодалардан Ҳирот вазири Шохрухнинг ўғли Мирзо Бойсунғар томонидан тузилган Ғиёсуддин Наққош бошчилигидаги ҳайъат иштирокида амалга оширилди. Вазир уларга “ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоятларнинг сифати, шаҳар қоидалари, подшоҳларнинг улуғлиги, идора қилиш усуллари ва сиёсатлари, қурилишларининг ажойиботларига ...” оид ниманики кўрса, рўзнома тариқасида ёзиб боришни буюради. Элчилар 825/1422 йил 30 августда Хитойдан қайтиб Мирзо Бойсунғар уқтирган тарзда тузилган сафарнома-сини тақдим этади. Лекин бу сафарноманинг асл нусхаси етиб келмай, ундаги маълумотлар бизга фақат унинг замондоши Ҳофиз Абрунинг “Зубдатут таворих” ва Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаус саъдайн” асарларидан таниш холос.

Темурийлар давлати билан шундай савдо-иқтисодий алоқаларнинг Ҳиндистон билан ҳам олиб борилгани ҳақида Ҳофиз Абру ва Абдураззоқ Самарқандийлар ўз асарларида келтириб ўтганлар. Жумладан, Ҳиндистондан Ҳиротга 814/1411, 819/1416 ва 824/1421 йилларда элчилар келган. Ўз навбатида Шохрух саройидан Ҳиндистонга ҳам элчилар қатнаб турган. Шохрух ҳукмронлигининг кейинги (1438-1447) йилларида Шарқи-Шимолий Ҳиндистондаги давлатлар Бангол ва Жаунпур, Жанубий Ҳиндистондаги Коликут,

Вижааянагар давлатлари билан ҳам сиёсий алоқалар мавжуд бўлган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти – Ўз даврининг йирик дипломати ва тарихчи олими. Тўлиқ исми Камолуддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий (816/1413-1482) бўлиб, Ҳиротдаги бадавлат ва нуфузли хонадонларнинг бирига мансуб. Отаси Шохрух ҳузурида кози аскар ва имомлик лавозимида ишлаган. Абдураззоқ яхши ўқиб, фикҳ, тафсир, ҳадис, араб тили, ғазал ва тарих илмларини пухта эгаллаган ўз замонасининг етук олимларидан бири бўлиб етишди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи берган маълумотга қараганда, унинг учта акаси бўлган: Жамолуддин Абдулғаффор, Шарифуддин Абдуқаҳҳор ва Афифуддин Абдулвахҳоб. Отасининг Шохрух саройидаги мавқеи ва олимлик салоҳияти фарзандларига ҳам ўтганди. 867/1463 йили Абдураззоқ Самарқандий “бе-тоблиги” сабабли давлат ишларидан озод қилиниб, Ҳиротдаги Шохрух хонақосига шайхлик вазифасига тайинланади ва шу йили 3-жумодул аввал (24 январь) дан бошлаб, то умрининг охиригача шу хонақода шайхлик вазифасини ўтайди. У ҳижрий йил ҳисоби билан 71 (милодий – 69) ёшида 887/1482 йили Ҳиротда вафот этади. Алишер Навоийнинг маълумотича, у Ҳиротда имом Фаҳруддин Розийнинг мозори ёнига дафн этилган.

Дипломатик фаолияти: Шохрухнинг давлат бошқаруви даврида Абдураззоқ Самарқандий кўпроқ хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган дипломатик ёзишмаларни ҳозирлаш, шунингдек элчилик ишлари билан машғул бўлди. Унинг элчи сифатида қилган биринчи сафари уч йил давом этган узоқ Ҳиндистондир. Абдураззоқ Самарқандий Шохрухнинг буйруғи билан Жанубий Ҳиндистондан келган элчиликка жавобан 845/1442-848/1444 йилларда Ҳиндистон қитъасининг жанубида жойлашган Коликут бандари ва Вижааянагар давлатига бориб келади.

Абдураззоқ Самарқандий 1441 йили Жанубий Ҳиндистонга элчи қилиб юборилиб, 1444 йилнинг 27 декабрида Ҳиротга қайтиб келган. Мазкур элчилик Темурийлар давлатининг Ҳиндистон билан бўлган муносабатларини мустаҳкамлашда катта роль ўйнаган. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистон сафари вақтида кўрган билганларини тўплаб, хотира ёзиб қолдирган. Бу маълумот Темурийлар давлати билан Ҳиндистоннинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, айниқса, Ҳиндистоннинг ижтимоий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Абдураззоқ Самарқандий 1447 йили Шохрухнинг топшириғи билан Гилонга борди ва унинг ҳокими амир Муҳаммад билан музокаралар олиб борди. Ўша йили у Мисрга элчи қилиб тайинланди, лекин Шохрухнинг (1447 йил 12 март) вафоти туфайли бу таъриф амалга ошмай қолди.

Абдураззоқ Самарқандий Шохрухнинг вафотидан кейин бирин-кетин тахт алмашган темурийлар: Мирзо Абдулатиф (1449), Мирзо Абдулло (1450-1452), Мирзо Абдулқосим Бобир (1452-1457), Мирзо Абу Саъид (1451-1469) ва бошқалар ҳузурида сарой хизматида бўлади.

Самарқандий Абулқосим Бобур хизматида бўлган кезларида унинг ҳарбий юришлари масалан, 1458 йили Мозандарон ва 1454 йили Самарқанд устига қилган юришларида қатнашди. 1458 йили Ҳиротни эгаллаган Султон Абу Саъид Мирзо уни 1463 йили Шохрух хонақосига шайх қилиб тайинлади ва Абдураззоқ умрининг охиригача ўша манзилда истиқомат қилиб, асосан илмий иш билан машғул бўлди.

Асарлари:

“Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки дарёнинг қўшилиши”)

“Шарҳи Рисолайи Азудия” (Азизуддин рисоласига шарҳ) бу тарихий асар (1438 йили ёзилиб, Шохрухга тақ-

дим қилдиган) араб тили грамматикасига оид – юклама ва олмошларни тадқиқ этувчи китобига бағишланган шарҳ.

Тарихнавис олим: Абдураззоқ Самарқандий йирик тарихнавис олим сифатида ном қолдирди. У Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIV-XV асрлардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётидан шунингдек, Темурийлар давлатининг қўшни Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари тарихидан баҳс юритувчи “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” деб аталувчи асари билан машҳур бўлди. Китоб 1467-1470 йиллар орасида ёзиб тугатилган.

“Матлаъ ус-саъдайн” икки – дафтардан иборат:

1. Элхон Абу Саъид (1316-1335) давридан то Амир Темур вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтиргунча, яъни 1405 йилгача бўлган давр;

2. Шохрухнинг 1405 йил Ҳиротда Темурийлар империяси олий ҳукмдори деб эълон қилинишидан то Абу Саъиднинг 1469 йил ўлдирилишигача бўлган тарихи.

“Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” асари ҳақида: “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” тарихий асар сифатида асосан Темур ва Ҳусайн Бойқарогача бўлган темурийлар давридаги Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ва Олтин Ўрда хонлиги тарихига оид йил тартиби билан келтирилган воқеаларни ўз ичига олади. Асар икки жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди Чингизхон авлодидан бўлган Эрон ҳукмдори Абу Саъиднинг туғилиш йили (704/1304) дан бошланади ҳамда унинг ҳукмронлик (1316-1335) йиллардаги воқеаларни қисқача ёритиб, сўнг Абу Саъиднинг ўлими йили (1335)да туғилган Темурнинг ҳукмронлик даври тарихини тўла баён қилади ва унинг вафот этган йили (1405) билан охирига етади.

Иккинчи жилди эса Шохрух ўзини Темур империясининг тахт вориси деб эълон қилган йил (1405) йил воқеа-

лари билан бошланиб, темурийлардан бўлган Абу Саъид (1451-1469) даврини тўла қамрайди ва Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг (1469-1405) бошланғич йиллари: 875/1469-1470 даги воқеалар билан тамомланади. Шундай қилиб бу асар ҳижрий ҳисоби билан 171 (милодий йил ҳисоби билан 166) йил орасида бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўзида акс эттиради.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн” номли асари темурийлар даврига оид энг муҳим манбалардан биридир. Унинг ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилган қисмида Амир Темур вафотидан то Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги бошларигача бўлган даврдаги (1405-1470) темурийлар давлати ҳудуди, айниқса Хуросон ва Мовароуннаҳрда рўй берган асосий тарихий воқеалар солнома тарзида йилма-йил баён қилинган. Абдураззоқ Самарқандий ўша даврдаги маданий ҳаёт ва темурий ҳукмдор ҳамда маликаларнинг бунёдкорлик ҳаётини тасвирлашга катта аҳамият берган. Шунингдек, темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан дипломатик алоқаларини тасвирлаган. Асар XV аср Марказий Осиё тарихи ҳақида баҳс юритувчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Асарнинг манбалари: Абдураззоқ Самарқандий асарининг ўзи яшаган давргача бўлган қисмларини (1304-1430 йиллар воқеалари) ундан олдин ўтган Темур ва темурийлар даври машҳур тарихчилари Низомуддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шаҳобуддин Абдулло ибн Лутфулло (Ҳофизӣ Аbru)нинг “Зубдатут таворих” (Тарихларнинг сараси) ва тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” номли асарлари асосида ёзилган. “Зубдатут таворих”дан олинган қисмлар бу асарнинг асл тўла нусхаси бизгача етиб келмаганлиги ва Абдураззоқ Самарқандий орқалигина маълум эканлиги аҳамиятли. Аслик жиҳатидан “Матлаъ ус-саъ-

дайн ва мажмаъ ул-баҳрайн”нинг иккинчи жилди муаллифнинг ўзи кўриб-билиб ёзган 830/1426-875/1470 йиллар тарихи эътиборидан ишончлидир. Асарнинг 1427 йилгача даврни ўз ичига олган қисми компиляция бўлиб, Ҳофиз Абрунинг “Мажмуъ ат-таворих” китоби асосида ёзилган. Асарда воқеалар хронологик тартибда, йилма-йил баён қилинган. Бу ҳол китобдан фойдаланишга катта қулайликлар туғдиради.

Замондошлари: Ҳофиз Абру, Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (ваф.1494.Мирхонд), Гиёсуддин ибн Ҳумомуддин (ваф.1535. Хондамир).

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: асарда келтирилган маълумотлар юзасидан илмий ишлар босиб чиқариш асарининг мавжуд қўлёзма нусхаларини илмий таърифлаш жараёнида Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар йиғилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга қилган сафари баён этилган қисми ва икки дафтарнинг 1405-1427 йиллар воқеаларини жамлаган биринчи қисми тарихнавис олим Асомиддин Ўринбоев томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1960 ва 1969 йиллари чоп этилган. “Матлаъ ус-саъдайн” асарининг 1427-1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган иккинчи қисми, Эрон, Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг шу давр ичидаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” асарининг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе шунингдек, Англия, Франция, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг иккинчи дафтари Муҳаммад Шафеъ томонидан 1941 ва 1949 йиллари Лохурда чоп этилган.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар. Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаётига оид ҳозирги кунга қадар етиб келган маълумотларнинг тўлиғи 1843 йилда француз олими шарқшунос Э. Катрмер томонидан нашр этилган. Ундан бир оз аввал XVIII аср ўрталарида бошқа француз олими Ланглес асар ҳақида маълумот эълон қилган эди. Инглиз олими Н.М.Эллиот 1872 йилда ўзининг “Ҳиндистон тарихи” номли асарида олим ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган. В.В.Бартольд “Ислом энциклопедияси”га киритилган Абдураззоқ Самарқандийга оид мақоласида, А.Кримский “Эрон тарихи ва адабиёти...” номли асарида, И.Ю.Крачковский араб жуғрофиячиларига бағишланган тўпламида Абдураззоқ Самарқандийнинг таржимаи ҳолини ва унинг фаолиятини қисқача ёритадилар.

“Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” асарининг қўлёзма нусхаларини илмий таърифлаш асносида унинг муаллифи ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берилган Шарқ қўлёзмалари каталогларидан Вильям Морлейнинг 1854 йили Лондонда босилиб чиққан Британия ва Ирландия Осиё Қироллик жамияти кутубхонасида сақланган араб, форс тарихий қўлёзмалари каталогини, Чарль Ръёнинг 1879 йилда чиққан Британия музейидаги форс қўлёзмалари каталогини мисол келтириш мумкин.

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарнома-си рус сайёҳи Афанасий Никитиннинг “Уч денгиз оша саёҳат”идаги бир қанча жуғрофий номлар ва терминларни изоҳлашда аввало И.И.Срезневский, Петрешевскийлар томонидан кенг фойдаланилган. Академик И.Ю.Крачковский ўзининг Шарқ жуғрофий адабиёти ҳақидаги тўпламида Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” асарига ҳам юксак баҳо бериб, ундаги Ҳиндистон сафарномаси Абдураззоқдан 26 йил кейин Ҳин-

дистонга борган Афанасий Никитиннинг саёҳатномасига ўхшаш экани ҳақида маълумот берган. Бироқ бу европача услубда таълиф этилган асар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас.

Маҳаллий тадқиқотчилар: XV аср адабий форс-тожик тилида қофияли наср билан бир тарихий-бадий асар сифатида ёзилган бу сафарнома ўзбек тилига таржима қилинган. Таржимада сафарноманинг бадийлигини бузмасликка, муаллиф услубини сақлаб қолишга интиланган. Бундан ташқари, изоҳларда таржима учун асос қилиб олинган “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн”нинг 1949 йилда Лоҳурда Муҳаммад Шафи томонидан нашр этилган нусхаси билан ёрдамчи нусхалар – асарнинг Ленинградда С.Шчедрин кутубхонасида инв.С 443 рақам остида сақланаётган 1545 йилда кўчирилган нусхаси ва сафарнома матнининг 1843 йили М.Катрмен томонидан Парижда босиб чиқарилган нусхаси орасида кузатилган текстологик фарқлар кўрсатиб ўтилган. Китоб охиридаги иловада сафарноманинг шу уч нусхаси асосида тузилган матни келтирилган.

2. Мирмуҳаммад Ал-Балхий, Мирхонд

Мирхонд яшаган давр: Олимнинг тўлиқ номи Мир Муҳаммад ибн Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд ал-Балхий (Мирхонд). Муаррихнинг ота-боболари асли Бухородан бўлиб, фикҳ илмида замонасининг етук олимларидан бўлганлар. Улардан Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубий (ваф.тахм 1300 й) фикҳ илмида пешқадам олим бўлганлиги учун “Тоҷуш шарифа” номи билан танилган ва “Виқоятур ривоя фил масоилил Ҳидоя” (“Ҳидоя масалаларини ҳимоя қилувчи ривоятлар”) номли асар ёзган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий (ваф.1346 й) “Тоҷу шарифа соний” номи билан танилган ва “Шарҳул Виқоя”,

“Ан-ниҳоя Мухтасарул виқоя” номли фикҳий мазмундаги китоб ёзиб қолдирган. Отаси Саид Бурҳониддин Ховандшоҳ ҳам ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, Темурийлар ҳукмронлиги даврида Балхга кетиб қолган ва ўша ерда вафот этган. Мирхонд Балхда туғилган, лекин умрининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказган. Унинг набираси Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Мирхонд Алишер Навоий билан учрашгунча турли илмлар билан шуғулланган, аммо биронтасида мутаъйин эмас эди. Тарихчи Алишер Навоий билан учрашгач, шоир ўзининг “Ихлосия” хонақоҳидан унга алоҳида хона ажратиб, шахсий кутубхонасидаги китоблардан фойдаланишга ижозат бериб, олимни умумий тарихга оид катта асар ёзишга ундаган, уни бу соҳада доимо моддий қўллаб турган. Аммо Мирхонд улкан асарини мукаммал тугата олмай, еттинчи жилди ва жуғрофий илова материаллари йиғилган мусаввада ҳолида 1497 йил оғир касалликка чалиниб, ётиб қолди ва 1498 йилнинг 22 июн куни вафот этди. Унинг асарини набираси Ғиёсиддин Хондамир якунига етказди.

Асарда дунёнинг яралишидан то 1523 йилга қадар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилган. Асар муқаддима, хотима ва географик қўшимчалардан ташкил топган. Аллоҳга ҳамд, пайғамбар алайҳис саломга саловат айтгандан сўнг, асарнинг муқаддима қисми бошланади. 16 саҳифадан 7а саҳифагача асар фикҳисти жадвал ичида берилган. Матнлар жадвалга олинган бўлиб, қизил, кўк, қора ва тилла ранглардан фойдаланилган. Матн тўлиқ. Қўлёзмада нақшинкор унвон мавжуд бўлиб, унда оқ, қора, кўк, қизил, сариқ, бинафша ва тилла ранглардан истеъфода этилган. Муқова қалин картондан шарқона услубга кўра ясалиб, устига тўқ қизил рангли қоғоз қопланган. Таяки ва дастаки қисмлар яшил рангли қоғоздан ишланган. Тилчаси бор.

Тарихнавис олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти Мирхонд Ҷўрта аср тарих фанининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири. “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва хулафо”нинг муаллифи Мир Муҳаммад ал-Балхий бўлиб, Мирхонд (837/1434-903/1497) номи билан машҳур. Муаррихнинг ота-боболари асли Бухородан бўлиб, Мирхонднинг отаси Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ ҳам ўқимишли киши эди. Мирхонднинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам бўлишига қарамай, набираси Хондамир “Хулосатул ахбор” китобида бобоси ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Падарпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад йигитлик чоғларида турли илмларни таҳсил этиш ва нафис фазилатларни камолига етказиш йўлида тиришқоқлик ва зўр меҳнат қилди. Қисқа вақт ичида билимдонликда замон фозилларининг пешқадами бўлиб олди. У кўпроқ тарих илми-ни касб қилиб, жаҳон аҳволини ва осори-атиқаларини таҳқиқ қилишга киришди. Олийжаноб хотирани тез фурсат ичида бу фанни эгаллашдан фориғ қилди, аммо бу феълү атвори маишат аҳли билан қўшилишга йўл бермади, завқу шавққа берилмади... дарс бериш ва амру маъруфга иштиёқ унинг равшан хотирида асло кўринмади. Аммо (бу ҳол)... орзу ва омонликнинг қиблагоҳи, яъни олийжаноб султон (Ҳусайн) ҳазратларининг яқин дўсти (Мир Алишер Навоий)нинг ҳузурларига боргунича ва унинг ҳар турли навозиш, марҳамат, илтифот ҳамда мурувватларини топмагунларича давом этди”.

“Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва хулафо”асари ҳақида: “Равзат ус-сафо” асарининг I-VI жилдлари компиляция – бошқалар асаридаги маълумотлари асосида ёзилган бўлса-да, ўша манбаларнинг бизгача етиб келмаганлиги ёхуд ҳали қидириб топилмаганлиги боис, бу қисми катта илмий аҳамият касб этади. VI-жилднинг бир қисми ва VII-жилд янги маълумотлар ва муаллиф ўзи кўр-

ган, билган ва шоҳиди бўлган воқеалар баёнидан иборат экани аҳамиятга эга.

“Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва хулафо” номли форс тилида битилган (روضة الصفا في سيرة الانبياء والملوك والخلفاء) асарнинг таркибий қисми ҳақида.

Асар матни етти жилддан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1-жилд: Дунёнинг яратилишидан то Сосоний Яздигард III (632-651) давригача ўтган тарихий воқеалар ўрин эгаллаган;

2-жилд: Муҳаммад алайҳис салом ва биринчи тўрт халифа даврида бўлиб ўтган воқеалар;

3-жилд: Ўн икки имом тарихи, Уммавий ва Аббосий халифалари давлат бошқаруви ҳақидаги воқеалар;

4-жилд: Аббосийлар билан замондош бўлган сулолалар. (Эрон, Марказий Осиё ва Ҳиндистон);

5-жилд: Мўғуллар, Чингизхон, унинг авлоди, Эрон ва баъзи қўшни мамлакатлар ва улардан кейинги Темур давригача мавжуд бўлган сулолалар тарихи;

6-жилд: Амир Темур ва темурийзода Султон Абу Саъид ўлимигача (1469) бўлиб ўтган воқеалар;

7-жилд: Султон Ҳусайн Бойқаро ва фарзандларининг тарихи (1523) ва хотимадан иборат.

Асарнинг манбалари: “Равзат ас-сафо”(Соф жаннат боғи) ёки “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва хулафо” (Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида соф жаннат боғи) номи билан машҳур бўлган асар умумий тарихга оид. Манбаларда келтирилишича, I-VI жилдлари 903/1498 йилда ёзилган бўлса, VII-жилди 929/1523 йилда ёзиб тугатилган. Жуғрофий илова материаллари 907/1502 йил ёзилган. Ушбу кўрсаткичлардан келиб чиқадиган бўлсак, асар 1523 йилда ёзиб ниҳоясига етказилган.

Асарнинг бир нусхаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси фондида сақланиб келинмоқда. Қуйида бу қўлёзманинг қисқача илмий тавсифини келтирамиз: қўлёзма муқовасида нақшинкор ҳошия ва учта саҳҳоф тамғаси мавжуд. Тамғага: “Мир Одил ибн Мир Обидхожа Саҳҳоф: 1256(1840)”, деган сўзлар муҳрланган. Муқованинг ички қисмида ҳам яшил, сариқ ва тилла рангларда нақшинкор ҳошия мавжуд бўлиб, 3 та ромб шаклида саҳҳоф тамғаси босилган. Унда: “Мир Одил ибн Мир Обидхожа Саҳҳоф: 1271(1855)” номи қайд этилган. Тамғалардаги сана ва қайд маълумотлардан ушбу китоб турли даврларда бир неча одамнинг шахсий кутубхонасида сақлангани ҳамда бу асарнинг XIX асрда қандай нархларда баҳоланганини билиб олиш мумкин.

“Равзат ус-сафо” асарини яратишда Мирхонд 40 та муаллиф, яъни араб тилида ижод қилган 18 та ва форс тилида ижод қилган 22 та (СВР да 15 та араб ва 25 та форс манбалари дея кўрсатилган. Қаранг: СВР. История. Фан, 1998. С. 44.) олим ижодига мурожаат қилган. Бу асар замонавий тадқиқот даражасида яратилган тарихий ёдгорликдир.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: “Равзат ус-сафо” асарини умумий тарихга оид форс тилидаги машҳур китоблардан бири деб баҳолаш мумкин. Чунки, биргина Тошкент шаҳридаги ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли институтининг Асосий ва Ҳамид Сулаймонов фондларида унинг юздан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси Хоразмда Хива хонлари – Муҳаммад Раҳим I (1221/1806-1240/1825), Муҳаммад Амин (1262/1846-1271/1855) ва Муҳаммад Раҳим II (1282/1865-1328/1910) буйруғига биноан йиллар давомида таржимон, шоир ва тарихчи олим Мунис (ваф. 1244/1829) ва Огаҳий (ваф. 1291/1874) иштироки ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилган. Мунис 1819 йил Муҳаммад Раҳим I дан асар-

ни таржима қилиш тўғрисида фармон олади. Хоннинг илтимосига биноан “Сулаймон пайғамбар авлодлари” номли бобга қўшимчалар киритади. 1236/1821 йилда асарнинг биринчи жилд таржимаси якунланади. Иккинчи таржимон Огаҳийнинг таъкидлашича, Мунис биринчи жилдни якунлаб, иккинчи жилд таржимасини бошлайди. Аммо, 1244/1829 йилда ишини якунига етказа олмай вафот этади. 1260/1844 йилда Хиванинг бўлажак хони Муҳаммад Амин Огаҳийдан асарнинг иккинчи жилд таржимасини тугатишни сўрайди. Асарнинг қолган жилдлари Муҳаммад Юсуф Махдум, Муҳаммад Назар ва бир неча таржимонлар томонидан амалга оширилган.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбийё ва-л-мулук ва хулафо” асарининг қатор нусхалари бизгача етиб келган бўлиб, ҳозирги кунда улар дунёнинг қатор Шарқ қўлёзма фондларида сақланиб келинмоқда. Қуйидаги биз уларнинг айримларини келтириб ўтамиз: СБР, История. №5257, 1516, 1621, 1645/II, 4461, 3908, 5370, 10197, 11000, 11347, 11033, 3361, 1463, 769, 2928, 6189, 5375, 5656, 4174, 7445, 11896, 4213, 5152 ва бошқалар; СБР, V, № 3774-3489, СБР, VII, №7305, 7307, 7416/1, 3738, 3445, 7309, Blochet, I. 276, Dorn, 269, Ethe. I. 24, Flugel (p), II. 830, Rieu, I. 87, III. 1064, Storey. I. 92, 39-58, 3474-3490, 5613, КИНА. (п) I. №2090, ЛГУ. I. №5, Кан. Тадж ССР. №15-30, Семенов. №62, Тагирджанов. №5-29, Миклухо-Маклай. Указ. Соч., Щеглова, I. №46, 50. Тбилиси, №323-459, Мунзави. Указ.соч. С. 4163, Жуков. В.Д. Аннотация (рукоп).

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Китоб матни 1845-1848 йиллари Бомбей, 1853-1857, 1960 йиллари Техрон, 1874-1883-1891 йиллари Лакҳнав шаҳарларида чоп этилгани ҳам асарнинг юксак шуҳрати ва аҳамиятига далолатдир. Асардан айрим парчалар инглиз, француз, немис ва рус тилларига тар-

жима қилиниб, чоп этилган. Бу китоб ҳақида 1999 йилда шарқшунос Маҳмуд Ҳасаний рисола эълон қилган. Ғарб тадқиқотчиларидан Н.Д.Миклухо-Маклай ҳам асарнинг нусхалари борасида илмий тадқиқот амалга оширган. Мазкур қўлёзма асарнинг биринчи жилди бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан Сосоний Яздигард III (632-651) давригача ўтган тарихий воқеалар ўрин эгаллаган. 16 саҳифада “Бу китобнинг эгаси Саййид Мир Аловуддин ал-Ҳусайний ал-Алавий Имом Раббоний Ғавс Самадоний Соҳибул ансоб Саййид Амир Кабир Ҳазрат Саййид Амир Али Ҳамадоний авлодларидан. 1273 (1857). Қиймати китоб 12 ашрафий”, деган жумлалар мавжуд. Бундан ташқари, форс тилида бир неча байтлар битилган бўлиб, улар остида: “Хатти Абдулғафур Балхий”, “Хатти Маҳдум Балхий” деган ёзув ҳам бор. 76 саҳифада: “Равзатус-сафо китобининг нархи 12 тилло тайин этилган. 1271(1855) йилда сотиб олинган эди”, деган жумла мавжуд.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Асарнинг Ўзбекистон Халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва хулафо” асари № 344 рақам остида сақланади. Асар матни XIX асрда, шарқ қоғозига, форс тили настаълиқ хатида, 25 сатр этиб, жами 332 varaққа кўчирилган. Матнга кўра боб номлари ва таъна сўзлар қизил сиёҳга олинган. Муқова ва матн ўлчамлари: 17,5x31,5; 10,5x20,5 га тенг. Матн сўнгида колофон мавжуд, пойғирли. Ҳошияга қизил рангли жадвал чизилган. Кўшимча ва тузатишлар ҳам ҳошиядан ўрин олган.

Асарнинг бошланиши:

زیب فهرست نسخه مفاخر ا بسنای عالی مکان وزینت دیباجه
مجموعه...

Асарнинг охири:

بعد از ين شروع در قسم دويم از ين كتاب وايراد بندى از حكايات رسول الله صلى الله عليه وسلم واصحاب رضوان الله عليهم اجمعين...

86 саҳифада овал ва гулсимон муҳрлар мавжуд. Уларда: “Мир Аловуддин ибн халифа Мир Жалолиддин”, “Мир Жалолиддин ибн ... Мир Олим ибн Мир Закариё Саййидхожа ал-Хусайний ал-Алавий 1271” ва “Мирзо Ҳабибуллоҳ” деган ёзувлар битилган.

3. Гиёсиддин Хондамир

Гиёсиддин Хондамир яшаган давр: Темурийлар даври давлат тузилиши соҳасида илк бор Ҳумоюннинг давлат бошқарувини қайта қўриб чиқиш ва уни ислоҳ қилиш масалалари таҳлил қилинган. Асарда Ҳиротнинг батафсил тасвири, барча диққатга сазовор жойлари ва муаллифга замондош бўлган машҳур ҳиротликлар, шунингдек XV асрда яшаган амалдорлар, дин арбоблари, олимлар, шоирлар, ҳаттотлар, мусаввирлар, қўшиқчи ва машшоқларнинг қисқача таржимаи ҳоллари ёритилганлиги маданият тарихини ўрганишда муҳим аҳамитга эга.

Хондамирнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Гиёсиддин Хондамир ибн Ҳумомуддин ал-Ҳусайний (1475-1537). Машҳур тарихчи олим. Хондамир мўътабар ва сермахсул тарихчи ҳамда яхшигина ёзувчи ва шоир ҳамдир. Хондамир тахминан милодий 1475 йили Ҳиротда таваллуд топди. Болалигидан она томондан бобоси Мирхонд тарбиясида бўлди. Болалик ва ўсмирлик чоғларини ўша даврда кенг тарқалган билимлар: тафсир, тарих, тил-адабиётни ўқиб-ўрганиш билан ўтказди. Тарихнавис олим Хондамирни баъзилар Мирхонднинг тўғридан-тўғри ўғли деб хато хулосалар чиқариб олганлар. Асли ундай эмас, балки у қизининг ўғли, неварасидир. Унинг отаси Хожа Ҳумомиддин ибн Хожа Жалолиддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Ҳиро-

вий Бадахшон ҳокими Маҳмуд ибн Султон Абусаид Темурийнинг вазири бўлган. Онаси ўз замонасининг таниқли тарихчиси ва машҳур китоб “Равзатус сафо фи сияр ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳолларининг ям-яшил боғи”)нинг муаллифи Мирхонднинг қизи бўлиб, (мил. 1498 йилнинг 22 июнида) олтмиш олти ёшида Хиротда вафот этган ва Шайх Баҳоуддин Умар қабрининг ёнига дафн этилган.

Дипломатик фаолияти: Хондамир Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройига, жумладан унинг вазири Амир Алишер Навоийнинг ҳузурига йўл топади ва ушбу илмпарвар вазирнинг ҳомийлиги ва рағбати билан ўзининг “Маосирул мулук” (“Подшоҳларнинг улуғ ишлари”) китобини ёзади. Алишер бу ёш йигитдаги истеъдодни кўриб, ўша замонда Хуросондаги энг бой китоб хазиналаридан бўлган ўзининг катта кутубхонасини Хондамирнинг ихтиёрига топширади. Муаллиф кейинчалик Алишер Навоийнинг таржимаи ҳолини ўрганиб, ҳаёти ва фаолиятининг турли қирраларини ҳам ёритган. Шу билан бирга, маданият тарихи, айниқса, фан, адабиёт, санъат, мусиқа, қурилиш, шунингдек охириги теурий сулолаларининг ижтимоий-маданий тарихи ва хат (мактуб)нинг эпистоляр шакли қандай шаклланганлиги ҳақида қимматли маълумотлар берган.

Хондамир Алишер Навоий вафот (1501 йил) этгунига қадар хизматида бўлиб, шоирнинг жон таслим бераётган чоғида ҳам ёнида эди. Тарихчи ўша йили ўз хожасининг хулқ-атвори тўғрисидаги “Макоримул ахлоқ” китобини ёзди. Ўз даврида Алишер Навоий Хондамирнинг шеър ёзишдаги маҳоратини мақтаб, ҳатто “Накий” таҳаллуси билан ижод этганини эътироф этади.

Тарихнавис олим: Алишер Навоий вафотидан сўнг Хондамир Султон Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли шахзода Бадиуззамон Мирзонинг хизматига кириб, унинг вазири

сифатида умрининг охиригача фаолият кўрсатди. Ўз ўрнида Бадиуззамон ҳам Хондамирни ўз сирдоши сифатда қабул қилган эди. Бадиуззамон Мирзо энг масъулиятли топшириқларини унга буюрар, мана шундай ишлардан бири Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳужумига қарши туриш учун Қундуз ҳокими Амир Хусравшоҳнинг ҳарбий кўмагини истаб элчи сифатида жўнатиши бўлди. Лекин бу Хондамир бошлиқ элчилик ҳайъати бирор бир натижасиз қайтди. Чунки, Хусравшоҳнинг ўзи Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султон кўшинлари ҳужумига бас келолмаётгани сабабли Бадиуззамонга ёрдам беролмаслигини билдирган эди.

Ниҳоят, милодий 1508 йил Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротга ҳужум қилиб, Хуросондаги темурий шаҳзодаларни тўлиқ енгди. Хондамир 1511 йилга қадар Ҳиротда қолиб, давр нотинчлик воқеаларини тарих саҳифаларига муҳрлаб, “Ҳабибус сияр” асарини тасниф этди. Хондамир 1520 йилгача Бадиуззамоннинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзонинг хос маслаҳатчиси сифатида фаолият юритди. Хондамирнинг кейинги фаолияти яна Ҳирот билан боғланиб, 1521 йил Ҳирот ҳокими Амир Ғиёсиддин Муҳаммад ал-Хусайний ал-Қози уни тарихий асар битишга ундади. Унинг кўрсатмаси ва ҳомийлиги билан “Ҳабибус сияр”нинг биринчи жилди ёзиб тугатилди. Бироқ ўша йил яна сиёсий вазиятлар кескинлашиб, унинг ҳомийси Ғиёсиддин Ҳирот шаҳрида Хуросон ҳукмдори Амир Султоннинг буйруғига биноан қатл этилди. Ҳиротдаги бу қалтис вазият фақатгина Каримиддин Ҳабибуллоҳ Соважий ҳокимлиги замонида барқарорлашди. Бу ҳоким замон зўрликларидан зериккан Хондамир қалбида яна тарихий матнларини давом эттиришини истаб кўп илтифотлар кўрсатди. Натижада унинг бу китоби 1524 йили Соважий шахсига бағишлаб тугатилди.

1526 йил Хондамир Қандаҳор, 1528 йил Ҳиндистоннинг Агра шаҳарига сафар қилади. У Ҳиндистон подшоҳи Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан учрашади. 1530 йил Бобурнинг вафот этгунига қадар, Бенгалия ва Ганг дарёси соҳиллари бўйлаб қилинган ҳарбий юришларида қатнашади. Бобур вафотидан кейин унинг ўғли Ҳумоюн саройида хизмат қилиб, унга бағишланган “Қонуни Ҳумоюнӣ” асарини ёзди. Шу билан Хондамир “Амирул муаррихин” деган шарафли ном қозонади.

Хондамир 1537 йили Ҳиндистонда вафот этди. Унинг васиятига кўра, уни Деҳлидаги Низомиддин Авлиё ва Амир Хусрав Деҳлавийларнинг қабрлари ёнига дафн этилди.

Асарлари:

1. “Маъосирул мулук”. (“Ҳамаср подшоҳлар тарихи”). Алишер Навоӣга бағишланган бу асар шоирнинг илтимосига биноан ёзилган. Асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар тарихий кетма-кетликда, яъни хронологик тартибда баён этилган бўлиб, унда шоҳларнинг доно фикрлари ва мамлакат фаровонлиги йўлидаги ишлари, тартиб-қоидалари ҳақидаги ҳикоялар келтирилган. Асар уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб: Каюмарсдан Анушервонгача бўлган қадимги аҷам шоҳларининг қилган улў ишлари; Иккинчи боб: Одам алайҳис саломдан тортиб Бузургмехргача бўлган ҳақим ва донишмандларнинг қилган ишлари; Учинчи боб: Расулўллоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам ва нокиза имомларнинг қилган хизматларига оид масалаларга қаратилган. Ушбу боблардан кейин умавийлар, аббосийлар сулоласи, тоҳирийлар, сомонийлар, ғазнавийлар сулоласи вақиллари ва куртлар сулоласи ҳоқимларининг қилган улў ишлари тўғрисидаги бўлимлар келтирилади.

2. “Хулосатул ахбор фи баён ал-аҳвол ал-аҳёр”. (“Яхши кишиларнинг ҳаётлари тўғрисида қисқача маълумотлар”). Милодий 1499 йилда ёзилган бўлиб, умумий тарихга оид

Яна 5 та асарининг фақатгина номлари маълум холос: “Осору-л-мулк ва-л-анбиё” (“Подшоҳ ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоялар”), “Ахборул ахёр” (“Яхши инсонлар ҳақида хабарлар”), “Мунтахаби тарихи Вассоф” (“Вассоф тарихидан сайланма”), “Жавоҳирул ахбор” (“Хабарлар гавҳари”), “Ғаройибул асрор” (“Қизиқарли сирлар”) шулар жумласидандир.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: Қўлёзма асарларининг нусхалари Британия музейи (Лондон)да, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Истанбул (Туркия), Покистон, Франция, Саудия Арабистони, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Тошкентда сақланади.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Бугунги кунда Хондамирнинг бизгача етиб келган 8 асарида 3 таси инглиз ва рус тилларига, 3 таси ўзбек тилига таржима қилинган. Кембриж, Баннипур, Қобул, Бомбай, Техрон шаҳарларида 6 та асари форс тилидаги аслиятида нашр қилинган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Хондамирнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир қатор рисола ва бир фундаментал тадқиқот (Тошкент, 2006) яратилган. Хондамир Марказий Осиё тарихида эътироф этилган машҳур тарихчи, сермахсул адиб, шоир ва атоқли давлат арбоби сифатида тан олинган.

Камолиддин Биноий

Камолиддин Биноий яшаган давр: Ҳиротлик шоир ва тарихнавис олим (1453-1512). Хуросонда машҳур бўлган меъмор уста Муҳаммадхон Сабз оиласида таваллуд топган.

Камолиддин Биноийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Ёшлиги оғир пайтларда: Шоҳрух мирзо вафотидан (1447) кейин мамлакатда бошланиб кетган низолар ҳамда Шай-

бонийхон ва Қора қуюнли туркманлар хуружи пайтларида кечган. 1458 йили Қора қуюнлилар подшоҳси Жаҳоншоҳ (1438-1467) Хуросонга кириб Ҳиротни эгаллагандан кейин ҳиротлик 100 нафар ҳунармандни оиласи билан қўшиб, ўзи билан олиб кетган. Булар орасида уста Муҳаммадхон Сабз оиласи ҳам бор эди. Энди олти ёшга тўлган Камолиддин ҳам ўшанда ота-онаси билан кетиб, уч йил Шерозда истиқомат қилди. 1461 йил Биноийлар оиласи яна Ҳиротга қайтиб келади.

Тарихнавис олим: Алишер Навоий, Хондамир ва Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришларича, Камолиддин Биноий кенг маълумотли киши бўлиб, шеърят, иншо, илоҳиёт, мусиқа ва илмларини чуқур билган. Бундан ташқари, у меъморчилик санъатида ҳам замонасининг пешқадам кишиларидан ҳисобланган. Муҳаммад Сабз ва унинг ўғли қўли билан бунёд этилган бинолар мамлакатнинг бошқа шаҳарларида, шунингдек пойтахт Ҳиротда ҳам кўп бўлган. Масалан, 1481 йилда ҳозирги Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида (эски номи Хожа ҳайрон) халифа Али ибн Абу Толиб (656-661) мазори устига қурилган муҳташам мақбара ва бошқа бинолар шулар жумласидандир. Олим ва шоирнинг “Биноий” деб аталиши ҳам шундан бўлиши керак.

Камолиддин Биноий кўп вақт ўтмай Табризга кетиб қолди ва 1492 йилгача ўша юртда Султон Яқуб Оқ қуюнлу (1478-1490) саройида хизмат қилди. 1492 йили у яна она шаҳри Ҳиротга қайтди, лекин 1495 йили, айрим сабабларга кўра (ўзининг сўзларига қараганда, баъзи ҳасадгўйларнинг ифвоси сабабли), Самарқандга келиб қолади. У дастлаб хожа Убайдулла Аҳрорнинг тўнғич ўғли хожа Қутбиддин Яҳё, кейин Заҳририддин Муҳаммад Бобур, сўнгра 1501 йилдан то умрининг охиригача Шайбонийхон ҳузурида сарой шоири ва солномачи бўлиб хизмат қилади. 1507 йили Би-

ной Шайбонийхон билан бирга Ҳиротга келди ва 1510 йилгача ўша ерда ҳаёт кечирди. 1511 йили шаҳарга Исмоил Сафавий (1502-1524) қўшинлари яқинлашиши сабабли у яна Мовароуннахрга кетиб қолди ва Қарши шаҳрида кун кечирди. 1512 йили Қарши мудофачилари сафида туриб шаҳарни чор атрофдан қуршовга олган қизилбошларга қарши жанг қилди ва ўша урушда ҳалок бўлди.

“Шайбонийнома” асари ҳақида: Камолиддин Биноий айниқса, тарихшунос олим сифатида ном қолдирди. У “Шайбонийнома” номли қимматли тарихий асар муаллифидир. Мазкур асар Мовароуннахр ва Қозоғистоннинг XV асрнинг сўнги чораги XVI асрнинг бошларидаги тарихини баён қилган муҳим асарлар жумласига киради. Асар 1505-1507 йиллар орасида ёзилган. У 1450-1505 йиллар ортасида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, шунингдек, Хуросонда кечган ижтимоий-сиёсий воқеаларни қисқа тарзда, лекин аниқ қилиб баён этади. Асарнинг яна бир муҳим томони у географик (масалан, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган йирик ўрта аср шаҳарлари: Саброн, Сиғноқ, Арқуқ, Ўтрор, Туркистон, Ўзанд, Оққўрғон, Хоразмга қарашли Ургарч, Вазир, Булдумсоз, Адоқ ва бошқалар ҳақида), этнографик (масалан, Дашти Қипчоқ ўзбеклари, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни) фактларга бойдир. Бундан ташқари, асарда Шайбоний амир ва аскарларининг бебошликлари, уларни босиб олинган шаҳару қишлоқларининг халқига ўтказган зулми ҳақида ҳам ўта муҳим маълумотлар келтирилади.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: “Шайбонийнома”-нинг ўзбекча матни ҳали чоп этилмаган. Лекин, қўлёзманинг бизгача қатор нусхаси етиб келган. Фақат биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида ундан 7 нусха сақланган. Уларнинг бири (тартиб рақами: 844) энг кўҳна ва мўътабар нусха бўлиб,

Шайбонийхон ҳали ҳаётлик пайтида шахсий котиби Муҳаммад Муъмин Мирзо тарафидан кўчирилган. Унинг айрим жойлари Шайбонийхоннинг ўз қўли билан кўчирилган. Асарнинг яна бир эътиборли нусхаси (тартиб рақами: 3122) асарнинг хоразмлик машҳур тарихшунос ва таржимон Муҳаммад Юсуф Баёний тарафидан қилинган ўзбекча таржимасидир. Асардан айрим парчалари рус тилида илмий тўпламларда чоп этилган.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Абдураззоқ Самарқандий яшаган даврда илмий муҳит қандай эди?
2. Шохрух даврида Мовароуннаҳр ва Ҳирот ўрсатидаги алоқалар ҳақида нималарни биласиз?
3. Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи ҳақидаги берган маълумотида нималар дейилган эди?
4. Абдураззоқ Самарқандий Шохрухнинг вафотидан кейин бирин-кетин тахт алмашинган темурийлар ҳузуридаги қайси саройлар хизматида бўлди?
5. Алишер Навоий кимга ўзининг “Ихлосия” хонақоҳидан алоҳида хона ажратиб, ҳатто шахсий кутубхонасидаги китоблардан фойдаланишга ижозат берган эди ва нима учун?
6. Хондамир “Ҳулосатул ахбор” китобида бобоси ҳақида нималарни ёзади?
7. “Маъосирул мулк” китобидаги маълумотлар қандай тартибда берилган?
8. Ўз даврида Алишер Навоий Хондамирнинг шеър ёзишдаги маҳоратини мактаб, унга қандай таҳаллус берган эди?
9. Хондамир томонидан Алишер Навоийга бағишлаб ёзилган асар қайси?

10. Алишер Навоий, Хондамир ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришларича Камолиддин Биноий қандай тарихий шахс эди?

11. Камолиддин Биноийнинг Шохрух билан алоқалари қандай эди?

12. Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асарида кўтарилган мавзулар ҳақида маълумот беринг?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн” асарининг қўлёзма нусхалари.

2. “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн” тарихий асар сифатида.

3. Гиёсиддин Хондамир ибн Ҳумомуддин ал-Ҳусайний илмий мероси ҳақида.

4. “Маъосирул мулук”. (“Ҳамаср подшоҳлар тарихи”) асари ҳақида.

5. “Ҳабибус сияр фи ахбори афрод ал-башар”. (“Инсонлар қиссаларидан энг яхши таржимаи ҳоллар”) асари ҳақида.

6. Камолиддин Биноийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти.

7. Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асари муҳим манба сифатида.

8. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган “Шайбонийнома” асарининг қўлёзмалари ҳақида.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн ва мажмаи бахрайн. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – Асомиддин Ўринбоев, тарих фанлари доктори. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2008. – 234 б.

2. Ўринбоев. А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б. 9-27.
3. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2005. – 384 б.
4. Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. “Тарихи Рашидий”. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 703 б.
5. Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Ўз Р Тошкент Давлат Шарқшунослик институти. – Т.: “Нур полиграф”, 2009. – 354 б.
6. Макорим ул-ахлоқ: тарихий асар / Хондамир. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 208 б.
7. Аҳмедов Б. Темур тузклари. – Тошкент: 1991. – 144 б.
8. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.
9. Аҳмедов Бўрибой. Амир темур дарсликлари. – Т.: “Шарқ” нашриёти-матбаа кациядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – 141б.
10. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: “Нур” нашриёти, 1992. – 152 б.
11. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1981. – 263 б.

XIV. XVI АСРГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур
2. Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий
3. Ҳофиз Таниш Бухорий
4. Ҳофиз Кўҳакий

Таянч сўз ва иборалар: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умаршайх Мирзо, Бобурнинг ҳарбий юришлари, “Бобурнома” асари, Заҳириддиннинг дипломатик фаолияти, Бобур амалга оширган ислоҳотлар таҳлили, Бобур тарихнавис олим сифатида, адибнинг бошқа асарлари, Бобур ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар, маҳаллий тадқиқотчилар Бобур изидан, Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий, Султон Саидхон билан кечган воқеалар, “Тарихи Рашидий” асари, асарнинг туркий таржимаси, Европа олимлари адабиётларида Аёзий, Ҳофиз Таниш Бухорий, ҳаёти ва илмий фаолияти, бошқа асарлари ҳақида маълумот, “Абдуллонома”, Кўҳакий яшаган давр, Кўҳакий асарлари, олимнинг Ҳиндистонга сафари, Қорахўжа эътирофида Кўҳакий, олимнинг илмий ва маънавий мероси, Тошканд олимларининг ифтихори.

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаган давр: Бобур ҳали жуда ёш – ўн бирдан ошар-ошмас отаси Фарғона вилояти-

нинг ҳоками Умаршайх Мирзонинг фожиали вафотидан сўнг ўрнига тахт соҳиби бўлди. Бобоси Амир Темурнинг кенг ҳудудлардаги салтанатини қайта тиклаш, бу йўлда темурий шахзодалар бошини бир ёқадан чиқаришга интилиш Бобурнинг умри охиригача давом этди. У уч марта Самарқандни қўлга киритиб, атрофдан бошқа темурийзодалардан мадад келмаганлиги боис уни ташлаб чиқди.

Бобурнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Бобурни жаҳонга шуҳрат топтирган жиҳат унинг ҳарбий юришларидан кўра қисқа умри давомида келажак авлодларга қолдирган бой адабий, илмий тарихий меросидир. Айниқса унинг “Бобурнома” асари унга катта шуҳрат келтирди.

Дипломатик фаолияти: Темурийзода Султон Ҳусайн Бойқаро каби фақат ўзининг тинч-осойишталигини сақлаш, салтанатни мустаҳкам қўрғонлар, етук аскар, зобитлар билан таъминлаш, илм-фан адабиёт ва санъат ривожига юксак эътибор берибгина эмас, бобоси Амир Тумур вафотидан кейин унинг империяси тасарруфида бўлган юрт ва ерларни қайта эгаллаш, муқим, ягона давлатчилик сиёсатини юритиш, пароканда темурийзодаларни бу мақсад сари бирлаштиришдан иборат эди. Шу мақсади сари сиёсий тинчлик, муросасизлик, айниқса, Амир Темурдан қолган ҳудуд, бойлик сари олиб борган курашларни бир байроқ остида бирлаштиришни истади, бунга кўп жиҳатдан эришди ҳам, армон бўлиб қолган ниятлари ҳам бор эди. Ўз даврида Бобур қатор ислоҳотлар ўтказиб мамлакат иқтисодини ривожлантириш учун катта хизматлар кўрсата олди. У почта тизимини ихтиро этиб, давлат ва дипломатик ишларни қулай амалга ошириш йўлларини қидирган ва уни назарий жиҳатдан исботлаган, ҳаёти вақтидаёқ амалга татбиқ этишга киришган ва яна қанчадан-қанча ислоҳотларни амалга оширган, борган ерида ободончилик боғ-роғ барпо этган. Бобур ўша даврда ҳали мисли кўрил-

маган, биринчи тажрибаларни ўтаётган жанговар тўпни ихтиро қилишга киришади. “Бобурнома”да муаллиф тўп ясовчи Уста Алиқули билан жуда берилиб, сабр билан иш олиб боради, унинг тажрибалари натижасиз чиққанда ҳам Бобур уни қойиш, дағдаға қилиш ўрнига устага зарбоф чопон, ўймакор қилич, саман от инъом этиб, ишини яна давом эттиришини айтади. Бир оз муддат ўтиб, Уста Алиқули Бобур маслаҳати билан эришган тўпи билан 1680 метр узоқда бўлган душман кемасини аниқ нишонга оладики, бу иш бошида ихтирочи Заҳириддин Муҳаммад Бобур турган эди. Бир сўз билан айтганда Бобур Мовароуннаҳр цивилизациясини Шарқда тарқата олган буюк шахсдир.

Тарихнавис олим: Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, биолог, географ, диншунос олими сифатида, шариат аҳкомларини яхши билган, давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан.

Асарлари: Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530 й) ўзбек классик тарихи ва адабиётининг намоёндаларидан бири бўлиб, XV аср охири – XVI аср бошларида яшаб ижод этган. Ўзининг мураккаб ва қисқа ҳаётида анчагина асарлар яратган бўлса-да, уларнинг барчаси бизгача етиб келмаган. Бобурнинг ҳозиргача илм хазинасига келиб қўшилган асарлари унча тўлиқ бўлмаган бир девони, “Мухтасар” (“Аруз рисоласи”), ислом дини асослари ва ўша давр солиқ тизимини ёритувчи “Мубаййин” номли шеърый рисоласи, Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” номи билан аталган тасаввуфга оид китобининг форс тилидан ўзбек тилига назм йўли билан қилинган таржимаси, араб алифбосининг ўқилишини енгиллаштиришга интилган Бобур ихтиро этган ва “Хатти Бобурий” номи билан машҳур алфавит жадвали ҳамда “Бобурнома” асарларидан иборат.

“Бобурнома” асари ҳақида: Бобурдан қолган ижодий мероснинг энг муҳим ва энг йириги Ўрта Осиё, Афғонис-

тон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган ва ўша давр классик адабиёти ва тарихининг ёрқин намунаси бўлган “Бобурнома” асаридир. Асарнинг асл номи “Бобурия” бўлса-да, уни “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Воқеоти Бобурий” деб ҳам атайдилар, кейнчалик асар “Бобурнома” деган ном билан машхур бўлиб кетди.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: Бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, каби маълумоларни ўз ичига олганлиги, тил ва услубининг бетакрорлиги билан XVIII айниқса, XIX аср шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортган ва унинг қўлёзма нусхалари излана бошлаган ҳамда ғарб тилларига таржима қилишга киришилган эди.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: “Бобурнома”нинг мавжуд тўлиқ матни 1857 йилда турколог Н.И.Ильминский томонидан Қозон шаҳрида типография йўли билан муаллифнинг тўрт бетлик сўз бошиси билан босилган. Бу рус олимининг нашрга тайёрлаш ва дунёга тарқатишдаги хизматини алоҳида таъкидлаш керак.

Бу нашрдан кейин 1905 йилда инглиз олими А.Бевериж хоним “Бобурнома”нинг Ҳайдарободда топилган бир қўлёзмасини факсимилеси билан нашр этди. Бу нусханинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани номаълум. Бу ҳам тўлиқ матн бўлса-да, қозон босмасига нисбатан баъзи тушиб қолган жойлари ва айрим нуқсонлари бор. Умуман олганда, ҳар икки нусха ҳам айрим кичик нуқсонлардан ҳоли эмас. Лондон нусхасининг афзаллиги шундаки, унда Бевериж нусханинг айни ўзини бериб, тўғри илмий йўл танлаган. Китобнинг охирида шахс номлари, география ва қабила, улугъ номлари кўрсаткичи берилган. Унинг илмий савиясини янада оттириш мақсадида ўн бетлик инглиз тилидаги сўзбошиси ҳам илова қилинган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: юқорида зикр этилган икки нусхага асосланиб, 1948-1949 йилдарда тарихнавис олимларимиздан Порсо Шамсиев ва С.Мирзаевлар “Бобурнома” нинг икки қисмдан иборат тўлиқ матнини босиб чиқардилар. Бу нашр янги ўзбек алифбосида, киши ва географик номлар кўрсаткичи, тўлиқ луғат, баъзи бир қисқа изоҳ ва таржималар иловаси билан босилган эди. Шундан кейин 1960 йили яна “Бобурнома” нинг тўлиқ тексти қайта тайёрланиб нашр этилди. Албатта, бу нашрларни баъзи нуқсонлардан ҳоли дейиш тўғри эмас. Ноширлар қанчалик изланмасинлар, барибир асл матннинг фақатгина асар ижодкори, яъни муаллифи назарда тутган ўзига хос дақиқ жойларини илғаб олиш кейинги тадқиқотчилар учун анча мушкул кечади. Бу нашрларда ҳам шу каби жиҳатлар мустасно эмас. Улар жумладан қуйидагиларда намоён бўлади: Афғонистон ва Ҳиндистонга тегишли айрим жуғрофий номлар, ўша даврдаги кишиларнинг номлари, ўсимлик, ҳайвонот ва бошқа хил атамалар транскрипциясини тўғри ва айнан шундай деб бўлмайдди. Ноширлар масаланинг ана шу жиҳатларини ўзлари ҳам тан оладилар. Лекин бу матншуносларда учраши мумкин бўлган ҳолатдир.

2. Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий

Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий яшаган давр: тарихчи олим, адиб ва давлат арбоби. 1499 йил Бухорода таваллуд топиб, 1551 йили Кашмир қўзғалонида вафот этган. Шайбонийхон (1450-1510) буйруғи билан 1509 йили Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Ҳиротда қатл этилган. Шайбонийхоннинг тазйиқидан қўрққан Мирзо Ҳайдар отасининг дўстлари ва ўз тарбиячиси Муҳаммад Садр билан қочиб, аввал Бухорога, кейин у ердан Қоратегин орқали Бадахшонга – Қалъайи Зафарга боради. Мирзохон ибн Султон Махмуд Мирзо ибн

Султон Абу Саъид Мирзо Ҳайдарга ҳам ота, ҳам она қариндош бўлгани учун у ерда бир йил яшади. Бироқ Бадахшонга Шайбонийлар хавф солаётгани учун Мирзо Ҳайдарни холасининг ўғли, яъни Юнусхоннинг ўртанча қизи Қутлуғ Нигор хонимнинг фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур Қобулга чақиртириб олади ва саройдан уй-жой ажратиб беради. У ерда уч йил яшайди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдардан 17 ёш катта бўлган Бобур унга оталарча ғамхўрлик кўрсатади, тарбиялайди, илм ва ҳунар ўргатади. Бобур кўрсатган илтифотни тарихчи ўз асарида чуқур миннатдорчилик билан бир неча бор эслаб ўтади. Тахминан 1512 йилда Мирзо Ҳайдарнинг тоғаси Султон Аҳмадхон (1484-1504)нинг ўғли Султон Саидхон Қобулга келганида Бобурдан рухсат олиб, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарни Андижонга олиб кетади.

Мирзо Ҳайдар 1512 йили Султон Саидхоннинг ҳокимият учун курашларида қатнашади. Хон 1513 йил синглисини Мирзо Ҳайдарга никоҳлаб беради ва у ҳам отаси каби Кўрагонлик унвонига эга бўлади.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Шарқий Туркистонда 1465 йил ташкил топган Ёрканд хонлиги тахти учун Султон Саидхон ёнида туриб жанглarda иштирок этади. Султон Саидхон ғалаба қозониб, 1514 йилда Ёрканд хонлиги тахтига ўтиради. Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида бу ҳақдаги маълумотларни ҳам қайд этиб, 24 йил унинг хизматида бўлади. Хон саройида ўғли Абдурашид Султонни тарбиялаш, вазир, ҳарбий саркарда сифатида фаолият юритади.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар хоннинг барча ҳарбий сафарларида жумладан, Тибат, Балур, Кофиристон, Ладок, Бадахшон ва Кашмирга юришларида саркардалиқ қилади. Султон Саидхоннинг 1533 йил вафотидан кейин ўғли Абдурашид Султон билан ораларига совуқчилик тушади. Тибет сафаридан қайтаётган Мирзо Муҳаммад Ҳайдар энди йўлини Лохурга – Мирзо Бобурнинг ўғли Камрон Мирзо

ҳузурига, 1540 йили эса Аграга, Ҳумоюн Мирзо (1530-1550) хизматига борди. Унинг ҳам бир қатор ҳарбий юришларида қатнашиб, 1551 йил Кашмирда кўтарилган ғалаёнда унга қарши суиқасд қилинади.

Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Кўрагон ибн Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон таниқли тарихчи олим, истеъдодли лирик шоир ва давлат арбоби. У 1499 йили Тошкентда туғилган. Отаси Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон Шарқий Туркистоннинг Манглай суби, яъни офтобрўй деб аталган кун чиқиш қисмини Чингизхон давриданоқ бошқариб келган туркийлашган мўғул-турк дуғлот қабиласидан чиққан улусбеги Амир Бобдоғон ва Буложи (Пулодчи) авлодларидан эди. Мирзо Муҳаммад Ҳусайн 1493-1494 йилларда Мўғулистон хони Султон Маҳмудхоннинг (1487-1502) синглисига уйлангандан сўнг Кўрагонлик мансабига эришган. Хон уни 1494 йил Ўратепанинг ҳокими этиб тайинлади, у 1502 йилгача ҳокимлик қилди.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг онаси Хуб Нигор хоним эса, Чиғатой хонлиги емирилгандан сўнг ташкил топган Мўғулистонда 1456-1487 йилларда ҳукмронлик қилган Юнусхоннинг қизи эди.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар юксак билимли, кенг тафаккур, катта ҳаётий тажрибага эга, кўзга кўринган давлат арбоби, етук саркарда бўлибгина қолмай, балки истеъдодли тарихчи ва моҳир шоир ҳам эди.

Асарлари: “Тарихи Рашидий” олимни муаррих сифатида танитган бўлса, шоир сифатида Аёз, баъзан Аёзий таҳаллуסי билан “Жаҳоннома”, “Маҳмуднома” дostonлари ва қатор ғазал, рубоий, маснавий, қитъа, фардларни яратди. Аёзийнинг шеърлар тўплами – девони ҳам бўлгани, у Шарқий Туркистонда топилгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

“Жаҳоннома” 2650 мисрадан ташкил топган бўлиб, маснавий жанрида ёзилган. Достоннинг Аллоҳга, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис саломга ва чориёрларга бағишланган ҳамду саноли қасида қисми 60 мисра, достоннинг ёзилиши ҳақидаги муқаддима 160 мисра, муаллифнинг хиссиётларга бой хотимаси 32 мисра, достоннинг асосий мазмуни эса, 2396 мисрадан ташкил топган.

Мирзо Ҳайдар Аёзийнинг “Жаҳоннома” достони образлари гўзал ва мукаммал, тили нафис, ифодалаш воситалари ранг-баранг бўлган бадиий юксак асардир. Биз уни XVI асрда туркий халқларнинг чиғатойи тили деб аталган адабий тилида ёзилган адабиёти – достончилиги ривожига ҳисса қўшган асарлардан деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

“Тарихи Рашидий” асари ҳақида: “Тарихи Рашидий” XIV-XVI асрлар, Марказий Осиё, айниқса, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон халқларининг тарихи, маданий этник муносабатларини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади. Асар икки дафтардан ташкил топган бўлиб, биринчи дафтарда Шарқий Туркистон, Мўғулистоннинг Туғлуқ Темурхон (1347-1363)дан Абдурашидхон (1533-1560)гача бўлган давр тарихи ёритилган. Чиғатой авлодларига мансуб хонларнинг ҳаёти ва фаолияти акс этган. Иккинчи дафтар муаллифнинг деярли мемуар-кундалик дафтари ҳисобланади. Унда муаллиф Марказий Осиё мамлакатларида бўлган вақтларида кўрган, билган ва бевосита ўзи иштирок этган воқеаларни баён этади. Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Тибатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий аҳволи, жуғрофияси, халқаро муносабатлари тўғрисида янги маълумотлар келтиради.

Асарнинг биринчи фаслида Ҳазрат Одам алайҳис саломдан то Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломгача ўтган пайғамбарлар ва ажам подшоҳлари ҳақида қисқача маълумот берилади.

Асарнинг 2-7 фаслларида Темучин – Чингизхоннинг насаби, унинг авлоди Ўгадой (Ўла)қоон, Жўжихон, Чиғатойхон, Тўлдихон, Ғозонхонлар тўғрисида маълумот берилса, 8-фаслида мазкур асарнинг ёзилиши ва унинг “Тарихи Рашидий” деб аталиши сабаблари келтирилади.

Асарнинг 9-30 фаслларида Чиғатой давлатининг парчаланиши Туғлуқ Темурхон (1348-1363) бошчилигида Мўғулистон ва Амир Темур бошчилигида Мовароуннахр давлатининг шаклланиши, улар ўртасидаги сиёсий-ижтимоий муносабатга оид масалалар ўз аксини топган.

Асарнинг 31-47 фаслларида Мўғулистон хонлар Шермуҳаммад (1420-1427), Увайсхон (1418-1420, 1427-1429), Муҳаммадхон (1408-1416), Эсан Буғохон (1429-1462), Юнусхон (1468-1487), Дўстмуҳаммадхоннинг (1462-1468) ҳукмронлик даври, ўша даврдаги халқаро муносабатлари ҳақида ёзилган. Чиғатой давлатининг парчаланиши Туғлуқ Темурхон бошчилигида ва Амир Темур бошчилигида Мовароуннахр давлатининг шаклланиши, улар ўртасида муносабат масалалар ҳам ушбу фаслларда ўз аксини топган.

Асарнинг 48-61 фаслларида Шарқий Туркистонда 1465 йили ташкил топган Ёрканд хонлиги, унинг биринчи хони Абубакр Мирзо (1465-1514), унинг улус беклари Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, Сонсиз Мирзо ва Чиғатой авлодларидан Юнусхон, Султон Саидхон ва Темурийлар билан муносабатлари тўғрисида маълумот берилган.

Асарнинг 62-100 фаслларида Амир Темур авлодлари, жумладан Мирзо Султон Абу Саъид авлодлари Заҳириддин Бобуршоҳ, Мирзо Ҳусайн Кўрагон, Шайбонийхон ва унинг авлодлари орасида кечган ҳокимият курашлари, Шайбонийларнинг Мовароуннахр ва Хуросонни эгаллаши, Мирзо Ҳусайн Бойқаро даврида Хуросонда яшаб ижод этган олим, машоих, шоир, созанда ва хонанда, мусаввир, наққош, хаттот, заргар каби ва бошқа илму-хунар эгаларининг хизматлари ҳақида ноёб маълумотлар беради.

“Тарихи Рашидий” асарининг 100-фаслидан Шарқий Туркистон давлатининг шаклланиши, улар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларга оид масалалар ўз аксини топган.

Хуллас, икки дафтардан иборат бу китобда XIV-XVI асрларда Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар, ҳукмронлик қилган хонлар ва подшоҳлар хонадони тарихи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, шу жумладан давлатчилик тизими, халқаро муносабатлари, географик жойлашуви, этнографияси, этногенезига оид маълумотлар ўрин олган.

Замондошлари: “Тарихи Рашидий”да ўзидан олдин ва ўзи билан бир даврда Марказий Осиёда ўтган атоқли тарихчилар асарларидан фойдаланиб, ўзи кўрган-билган ва иштирок этган воқеалар ҳақида ёзилгани асарнинг кўп ўтмай Шарқ ва Ғарб тарихчи, шарқшунослари диққатини жалб эта олди.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: “Тарихи Рашидий” туркий таржимасининг тўлиқ ва тўлиқсиз кўчирилган жами ўнта қўлёзмаси бизгача етиб келган. Уларнинг еттitasi Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санк-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида D 120 (590 of), D 121 (590 oe), D 122 (590 od), D 138 (590 o), D 192, C 569 (590 oe), C 570 (590 od) тартиб рақамларида сақланмоқда.

Маҳаллий фондларда: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Кўрагон ибн Мирзо Муҳаммад Хусайн Кўрагон (1499-1551)нинг 1541-1546 йиллар Кашмирда форс тилида ёзилган машҳур “Тарихи Рашидий” асарининг битта туркий таржима нусхаси 10191/II рақамида сақланмоқда. “Тарихи Рашидий”нинг қатор форсий ва туркий тилдаги

қўлёзма нусхалари бўлишига қарамай, уларнинг танқидий матни ҳанузгача тадқиқ этилмаган.

“Тарихи Рашидий” асарининг форсчадан туркий тилга ўгирилган тўла ва чиройли таржима нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида 10191/II рақамида сақланмоқда. Мана шу қўлёзманинг матнини рус графикаси асосидаги ўзбекча транслитерация қилинган варианты нашрга тайёрланган.

Қўлёзмалар хазинасида 10191/II рақамида сақланаётган нусханинг муқаддимасида. “Тарихи Рашидий”нинг туркий тилга таржимаси Эмин Вонгнинг эвараси Мир Тохирнинг ўғли, Қашқар ҳокимбеги Зухриддин ҳокимбекнинг фармонига биноан Хожа Муҳаммад Шариф томонидан ҳижрий 1253 (1837-1838) йили амалга оширилган ва қўшимчалар ёзилган. Бунга Қашқар ҳокимининг “Тарихи Рашидий” форс тилида ёзилгани учун туркий халқлар бундан хабарсиз, уни туркий тилга ўгирмоқ лозим ва зарур, токи оддий авомдан то олим ва амалдор давлат арбобларигача ундан хабардор топсин, кўнгилларида шундан хабарсиз қолдим, деган шубҳа ва афсус пайдо бўлмасин, деб берган фармони ва уни бажариш вожиб бўлгани учун бу ишга қўл урганлигини таржимон ёзиб қолдирган.

Хожа Муҳаммад Шариф ўз олдидаги вазифасини жонфидолик билан юқори савияда бажарган. Таржиманинг ютуқларидан бири унда араб, форс тили унсурлари имконият борида кам ишлатилганлигида эди. Иккинчиси – матндаги форсча матнларни туркийлаштириб, уларнинг гўзаллиги, равлонлиги ва бадиийлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган, учинчидан, бу таржима “Тарихи Рашидий” асарининг тўла матнини қамраб олган. Таржимоннинг яна бир ютуғи унинг “Тарихи Рашидий” таржимасига илова сифатида қўшимча ёзганлигидадир. Таржимон Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг Марказий Осиё айниқса, Ўрта

Осиё, Шарқий Туркистон тарихини баён қилиб тўхтаган 1546 йиллар воқеаларини тарихчи сифатида давом эттириб, XIX асарининг 40- йилларигача тамомлайди.

“Тарихи Рашидий” туркий таржимасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири таржимоннинг асарга ижодий ёндашганидир. У тарихни Одам алайҳиссаломдан бошлаб, Чингизхон, унинг фарзандлари Ўқтой, Жўжи, Тўлди, Чигатой хоқонлар тарихи тўғрисида етти фасл қўшган. Бундан ташқари, “Тарихи Рашидий”га XVI асрдан XIX асрнинг 40-йилларигача бўлган даври тарихига бағишланган қўшимча илова ҳам ёзган. Илованинг ўзи бир тарихий асардир.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари ёзилгандан кейин бир аср ўтар-ўтмас Шарқ тарихчилари ва географлари ўз асарларини ёзишда ундан самарали фойдалана бошлаганлар. Натижада бу муҳим манбанинг кенг тарқалишига имкон яратган. XVI-XIX асрлар Марказий Осиёдаги Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Тибат, Афғонистон каби мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, тарихи, этнографияси ва географиясини ёритишда ўрта аср олимларидан Амин Аҳмад Розий, Ҳайдар ибн Али Розий, Ҳайдар Малик, Маҳмуд ибн Вали, Шоҳ Маҳмуд Чурос, Мулла Мирсолих, Ҳофиз Таниш Бухорий, Мулло Мусо ибн Мулло Исо Сайрабий, Муҳаммад Аълам каби ва бошқалар “Тарихи Рашидий” асаридан унумли фойдаланганлар.

Европа олимларидан В.Эрскине, Х.Эллиот, Е.Д.Росс, В.М.Таксон, Н.Илайес, Рене Гроссе, В.В.Бортольд, В.В.Вельяминов, А.Н.Кропаткин, В.И.Масальский, П.П.Иванов, В.Л.Вяткин, О.Ф.Акимускин, К.А.Пишулина, Л.Б.Ерзакович, А.Н.Бернштам, А.М.Мугинов, С.Н.Дмитриев, К.И.Петров, С.М.Абрамзон каби олимлар “Тарихи Рашидий” асаридан ўз тадқиқотларида манба сифатида фойдаланганлар.

“Тарихи Рашидий”нинг инглизча (1895, 1972, 1998 йиллар), хитойча (1985 й), русча (1996, 1999 й), қozoқча (2003 й), туркча (2006) ва уйғурча (2007) таржималари нашр этилган.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарининг ўзбек тилидаги нашри анча йиллардан бери ўз тадқиқотчиларини кутиб ётар эди. 1996 йил Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси “Фан” нашриёти чоп этган русча таржимасига Р.П.Жалилова ва Л.М.Епифановалар томонидан тузилган изоҳлардан имкон қадар фойдаланиб, асар матнининг ўзбек тилидаги нусхаси сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлари билан тарих фанлари номзоди Омонбек Ҳусайнбек ўғли Жалилов томонидан 2011 йил нашрга тайёрланиб, тарихнавис олимлар ва кенг қизиқувчилар оммасига етиб борди.

3. Ҳофиз Таниш Бухорий

Ҳофиз Таниш Бухорий яшаган давр: XVI асрда яшаб ўтган бухоролик шоир ва йирик тарихчи олим. 1549 йили нуфузли мансабдор хонадонидан дунёга келган. Вафоти тахминан 1630 йилдан кейин.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Ҳофиз Таниш Бухорийнинг отаси Мир Муҳаммад Бухорий Убайдуллахоннинг энг яқин ишончли кишиларидан бўлган. У Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган инсон эди. 1550 йил бошларида Кошғарга кетиб қолган ва орадан икки йил чамаси вақт ўтгач, ўша ерда вафот этган. Ҳофиз Таниш Бухорий Қулбобо Қўкалдошнинг тавсияси билан Абдуллахон II саройига хизмат учун қабул қилинган ва хоннинг шахсий тарихнависи этиб (1570 й) тайинланган. Умрининг охиригача шу лавозимда хизмат қилган.

Тарихнавис олим: Ҳофиз Таниш Бухорий ўз даврининг етук тарихчиси сифатида эътироф этилади. Муаллиф шоир

сифатида ҳам қалам тебратиб, “Мавлоно Нахлий” тахаллу-си билан шеърлар ҳам ёзган. 1560 йил Искандархон тахтга ўтирганида унга қасида бағишлаган. Шеърлари кўплаб тазкира ва баёзларда учрайди.

Асарлари: Хофиз Таниш Бухорий “Шарафномайи шоҳий” (“Подшоҳни шарафловчи китоб”) номли йирик асари билан тарих саҳифаларида ном қолдирган. Асар “Абдулланом” номи остида ҳам кенг танилган.

“Абдулланом” асари ҳақида: Муаллифнинг шоҳ асари “Абдулланом” номли китоб бўлиб, у шайбонийхонлардан Абдуллахон II га бағишланган. 1584-88 йилларда Бухорода форс тилида ёзилган. Муаллифнинг режасига кўра, асар муқаддима, икки қисм (мақола) ва хотимадан иборат бўлиши мўлжалланган. Бироқ асарни ёзиш жараёнида муаллифнинг режаси ўзгарган. 1-2 мақолалар қўшиб ёзилган, хотима эса муаллифнинг вафоти туфайли ёзилмай қолган. Асар муқаддимаси анъанага мувофиқ олий ҳукмдор (Абдуллахоннинг) шаънига ҳамду санолар, асарнинг ёзилиши сабаблари, Абдуллахоннинг – ота-боболари, қадимдан Марказий Осиёда истиқомат қилиб келган турк-мўғул қабилалари, Чигизхон ва унинг авлодлари ҳақида қисқача маълумот; биринчи мақолада Ўрта Осиёда 1533-1583 йиллар орасида содир бўлган воқеалар; иккинчи мақолада Ўрта Осиё, Қозоғистон ва қўшни хорижий мамлакатларда 1583 йилдан кейин юз берган воқеалар; хотимада эса, Абдуллахоннинг сифатлари, у билан замондош бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар, тарихчилар, вазирлар, амирлар, шунингдек, Абдуллахон замонида қурилган иншоатлар ҳақида маълумотлар берилган.

Хофиз Танишнинг замондоши шоир ва адабиётшунос олим Мутрибийнинг гувоҳлик беришига қараганда, “Абдулланом” асарининг охириги қисмини Абдуллахон II нинг топшириғи билан қози Поянда Зоминий (ваф.1602 й) ёзган. Лекин бу фикр бошқа манбалар билан тасдиқланмайди.

Асар Ўрта Осиё, Қozoғистон, қисман Афғонистон ва Эроннинг муаллиф яшаган асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан ҳикоя қилади. Асар XVI асрнинг 80-йиллари охирида ёзиб тамомланган.

Асарнинг манбалари: Муаллиф асарни ёзишда Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, шайхул ислом Сафиуддин Абубакр Абдуллоҳ Балхийнинг “Ҳазоили Балх”, Истахрийнинг “Китоб масоликул мамолик”, Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонкушой”, Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих”, Мирхонднинг “Равзатус сафо”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” ва Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларида келтирилган маълумотлардан кенг фойдаланган.

Асарнинг замонавий тадқиқотлари: асарнинг илмий-танқидий матни ҳали-ҳануз нашр қилинмаган. Матннинг баъзи парчалари рус тилидаги баъзи илмий тўпламларда эълон қилинган.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида инв.№2207, №3781 рақамлари остида сақланади. Шунингдек, асарнинг учта қўлёзмаси Санкт-Петербургда ҳам мавжуд.

Маҳаллий тадқиқотчилар: “Абдулланомани” асари 1942-1952 йилларда тошкентлик машҳур шарқшунос олимлар Содиқ Мирзаев ва охириги қисми Юнусжон Ҳакимжонов томонидан ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек тилига таржима қилиниб, 1-2 жилдлари зарур тузатишлар билан 1966 ва 1969 йиллари Б.Аҳмедов томонидан ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниб, 3-4 жилдлари тайёрланган ва сўзбошиси ҳамда изоҳлари билан биргаликда икки марта нашр этилган. Асарнинг рус тилидаги таржимаси ленинградлик шарқшунос олима М.Салоҳиддинова томонидан амалга

оширилиб, унинг фақат 1-2 қисмлари (1983-1989) йилларда факсимилеси билан нашрдан чиқарилган. Асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ матни 1990 ва 2000 йилларда Б.Аҳмедов томонидан нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

4. Ҳофиз Кўҳакий

Кўҳакий яшаган давр: Кўҳакий (ваф.XVI аср) Тошкент шаҳрининг ҳозирги Соғбон кўчасидаги ўз ҳовлисида қурдирган мадрасасида мударрислик қилган.

Кўҳакийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Баъзи маълумотларга қараганда, Кўҳакий Қафғол Шоший мақбарасига кираверишда ўнг тарафга дафн этилган. Ҳозирда Тошкент шаҳрида Кўҳакий яшаган маҳалла “Ҳофиз Кўйкий” деб аталади.

Дипломатик фаолияти: Кўҳакий тарих, география, этнография, ҳандаса, математика, фалсафа, мантик, фикҳ ва адабиёт соҳаларининг билимдони бўлган. Ироқ, Миср, Сурия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда илмий сафарда бўлган.

Тарихнавис олим: Кўҳакий Мирзо Улуғбек (1394-1449 й) нинг шогирди Али Қушчининг набираси, Паркентлик зиёли Мирзо Камолиддиннинг ўғли бўлиб, кейинчалик Тошкентга кўчиб келган. Унинг илмда камолот чўққисига чиққан даври Убайдуллахон ва Абдуллахон даврларига тўғри келади.

Асарлари: Олим 10 дан зиёд асарлар ёзган. Шулардан “Ар-рисолату фи фаннит тафсир ва-л-калом” (“Тафсир ва калом фанлари ҳақида рисола”) номли асари қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган. Яна Муҳаммад ибн Адноннинг икки жилдли “Тарихи Туркистон” номли асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва унга баъзи маълумотлар қўшиб бошқа ном билан атаган. Кўҳакий “Тарихи Тошканд”, Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи Мулла” номи

билан шуҳрат қозонган “Фавоиди зиёийя” номли шарҳига “аш-Шарҳу лил шарҳи одоб ал-мунозара” ҳошия, мавлоно Асомиддиннинг грамматикага оид “Мезонул адаб” асари-га “Ужолатул баён фи шарҳил мезон” (“Мезон шарҳининг тезкор баёни”) номли шарҳлар муаллифидир.

Асарнинг манбалари: Кўҳакий бу асарини ёзишда Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой” китобидан кенг фойдаланган.

Замондошлари: Кўҳакий ўз замонасининг илмли ва обрўли кишиларидан бўлганлиги сабабли Тошкентдан тўй муносабати билан (1528 й.) Ҳиндистонга Бобур ҳузурига юборилган. Бобур “Бобурнома”да бу ҳақда ёзади: “Улуғ ош тортилгандан кейин, хожа Мирсултонга ва ўғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва Мулло Форух бошлиқ Хожанинг мулозимларига ва ўзга элчиларга ҳам олтундин, кумушдин таркаш била инъомлар бўлди”. Шунингдек, ҳинд тарихчиси Абдулқодир Мулукшоҳ Бадавоний ўзининг “Мунтахабул таворих” номли тарихий асарида келтиришича, Кўҳакий икки марта Ҳиндистонга боради (1569 й), Акбар томонидан қабул қилинади ва илмий маҳорати учун катта тўхфалар олишга муяссар бўлади. Акбаршоҳ Кўҳакийни бобоси Бобурни кўрган киши сифатида улуғлаб, Деҳлидан бир кунлик йўлга чиқиб тантана билан кутиб олади.

Бадавоний ёзади: “У Ҳиндистондан Маккага боради ва у ердан Туркияга келади. Турк султони билан учрашади. Ҳинд диёрида топган иззат-обрўни у ерда ҳам топади. Вазирликка қилинган таклифни рад этиб, ўз диёри Мовароуннаҳрга (Тошкентга) қайтиб келади ва у ерда вафот этади”.

Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида “Тошкент диёридаги Ҳофиз Кўҳакий маҳалласидан мавлоно Кўҳакий ақлий ва нақлий билимларда таниқли олим бўлган. Абдурахмон Жомий Ҳиротийнинг араб тили грамматикасига

оид “Шарҳи Мулла” асарига хошия ёзган. Баҳс ва жадал илмининг қоидаларини аъло даражага етказгандир. Ҳофиз Кўҳакий Тошканд илм аҳлининг ифтихори бўлиб, Дашти Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Эрон ва Хурсонда кенг шуҳрат қозонган олимдир”, деб таърифланади.

Маҳаллий тадқиқотчилар: Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида унинг “Шарҳ одоб ал-мунозара” (“Одоб ва ахлоқ тўғрисида мунозара” китобига шарҳ) китобининг араб тилида кўчирилган нусхаси ва араб тилида ёзилган “Фавоиди зиёийя” (“Мунаввар фойдалар”) номли шарҳлари сақланмоқда. Мазкур институтнинг ходимлари сифатида фаолият юритган Қ.Муниров, А.Ирисов ва А.Носиров томонларидан олим ижоди ҳақида тадқиқотлар олиб борилган.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Нима учун Бобур умри охиригача Бобоси Амир Темурнинг салтанатини қайта тиклаш йўлида темурий шахзодалар бошини бир ёқадан чиқаришга интилиди?
2. Бобур неча бор Самарқандни қўлга кирита олди?
3. Заҳириддин Муҳаммад нима сабабдан бошқа темурийзодаларни бирлаштира олмади?
4. Нима учун “Бобурнома” асари Заҳириддинга ҳарбий юришларидан ҳам кўра кўпроқ шуҳрат келтирди?
5. Заҳириддин Муҳаммад ислохотлари ҳақида нималарни биласиз?
6. Бобурдан қолган ижодий мероснинг энг йириги “Бобурнома” асарида қандай мавзулар ҳақида сўз боради?
7. **Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий**нинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
8. “Тарихи Рашидий” асари ҳақида маълумот беринг?
9. “Тарихи Рашидий” асаридан унумли фойдаланган кейинги давр муаррихлари кимлар эди?

10. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” асари ҳақида нималарни биласиз?

11. Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Кўҳакий билан боғлиқ қандай маълумотлар берилган эди?

12. Ҳофиз Кўҳакий илмий мероси кимлар томонидан ўрганилган?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Заҳириддин Муҳаммаднинг бобоси Амир Темур салтанатини қайта тиклашдаги ҳаракатлари.

2. “Бобурнома” асари Заҳириддин Муҳаммаднинг шох асари сифатида.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт вақтидаёқ амалга татбиқ этишга улгурган ислохотлари ҳақида.

4. Ўзбек тарихнавис олимлари нигоҳида Бобур сиймоси.

5. Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий яшаган даврда илмий муҳит.

6. Ҳофиз Таниш Бухорий ўз даврининг етук тарихчиси сифатида.

7. Ҳофиз Кўҳакий асарлари ва уларнинг ўрганилиши.

8. Ҳофиз Кўҳакий яшаган давр илмий муҳити ҳақида.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. – Т.: Юлдузча, 1989. – 368 б.

3. Ирисов А, Носиров А, Низомиддинов И. Ўрта Осиёлик қирқ олим. –Тошкент: Фанлар академияси, 1961. – Б. 8-13.

4. Йўлдошев Б. Бобурпур. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2011. – 60 б.

5. Қаямов А.Ф. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Т.: “Фан” нашриёти, 1994. – 144 б.

6. Макорим ул-ахлоқ: тарихий асар / Хондамир. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 208 б.

7. Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Ўз Р Тошкент Давлат Шарқшунослик институти. – Т.: “Нур полиграф”, 2009. – 354 б.

8. Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. “Тарихи Рашидий”. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 703 б.

9. Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. –Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1996. – 128 б.

10. Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Т.: “O'zbekiston” НМИУ, 2016. – 422 б.

11. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (2-ки-тоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 120 б.

12. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (3-ки-тоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – 144 б.

XV. XVII-XVIII АСРЛАРДА ТАСНИФ ЭТИЛГАН ТАРИХИЙ МАНБАЛАР

Режа:

1. Абулғози Баҳодирхон
2. Муҳаммад Амин Бухорий
3. Муҳаммад Юсуф Мунший
4. Муҳаммад Тоҳир Балхий

Таянч сўз ва иборалар: Абдулғозий Баҳодирхон яшаган давр, Абулғозийнинг дипломатик фаолияти, “Шажараи турк”, “Жомеъ ут-таворих”, асарнинг қўлёзма нусхалари, Муҳаммад Амин Мирза Муҳаммад Замон Бухорий, сарой аҳлидан, “Муҳитут таворих” асарининг муаллифи, асарнинг манбалари, қимматли маълумотлар, замонимизгача етиб келган нусхалари, Муҳаммад Юсуф Мунший, “Тарихи Муқимхоний” асари, Шайбонийлар даври тарихи, Мовароуннаҳрнинг умумий аҳволдан ҳикоя қилинади, эски ўзбек тилига таржимаси, Муҳаммад Тоҳир Балхий, “Ажоиб ут-табақот”, Балх қалъасининг яна қайта тикланиши, Берунийнинг “Жавоҳирнома” сидан таъсирланиши.

1. Абулғози Баҳодирхон

Абдулғозий Баҳодирхон яшаган давр: Абулғози 1603 йилнинг 12 августида Урганч шаҳрида таваллуд топган. Ўша пайтларда Урганч давлат пойтахти эди. У Хива хони Арабмуҳаммадхон (1602-1621 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган)нинг тўртинчи фарзанди эди. Унинг онаси Меҳрибону хоним ҳам ҳукмрон сулола вакили эди. 1619

йилда отаси Абулғозини уйлантириб, улус сифатида унга Урганчнинг ярмини ҳадя қилди. Аммо, 1616 йилда бошланган урушлар сабабли, Абулғози узоқ вақт Хоразмдан ташқарида – Бухорода Имомқулихон (1611-1642) саройидан паноҳ топган. Акаси Исфандиёр хон этиб кўтарилгач (1624), Хоразмга қайтиб борди. Акаси уни Урганчга ҳоким этиб тайинлайди. Лекин орадан кўп ўтмай, Абулғозихон яна тожу тахт учун курашади, бу сафар Исфандиёрнинг ўзи билан кечган курашда мағлубиятга учрайди (1627 й). Орадан бир йил ўтгач, уни Турсунхон Тошкентга олиб кетади. Абулғози Тошкентда 1630 йилгача истиқомат қилади. Орадан кўп ўтмай, Хива туркманларининг таклифи билан яна Хоразмга қайтиб боради. Лекин бари бир ўз юртига сиғмайди. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас, Исфандиёрхон уни Нисо ва Дарун вилоятларига босқинчилик юриши уюштирганликда айблаб, хибсга олади ва Эронга шоҳ Сафи I (1629-1642) ҳузурига омонат тарзида жўнатади. Ўшанда Абулғози Исфахондаги Таборак қалъасига қамаб қўйилади. Абулғози шу тарзда ўн йил ҳаёт кечиради. 1639 йил ёз кунларининг бирида қамокдан қочиб, кўп машаққатлар билан икки йил туркманлар орасида, яна бир йил қалмоқлар орасида кун кечиради. 1642 йил ўз она юрти Хоразмга қайтиб боради. Исфандиёр вафотидан бир йил ўтиб, 1643 йил Орол ўзбеклари уни хон қилиб сайлайдилар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили Абулғози Хивадаги рақиблари устидан ғалаба қозониб, мамлакат тахтини эгаллайди.

Абдулғозий Баҳодирхоннинг ҳаёти ва илмий фаолияти: Абулғози йирик олим сифатида тарихда қолди. Унинг саломатлиги бир қадар ёмонлашгани сабаб, 1663 йили тожу тахтни ўғли Ануша (1664-1687)га топшириб, умрининг қолган қисмини илмга бағишлади. Абулғози 1664 йилнинг рамазон ойида вафот этди.

Дипломатик фаолияти: 1645 йилда хонлик тахтига ўтириб, 1663 йилга қадар Хоразмни бошқарди. Абулғози-хоннинг ҳукмронлик даври ҳокимиятнинг марказлашуви, Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлари ривожланганлиги, иқтисодий тараққиёти билан ажралиб туради. Абулғозихон иқтисодий ва маъмурий ислохотлар ўтказиб, йирик анҳорлар барпо этди. Абулғозихон доно сиёсатчи, дипломат ва лашкарбоши эди. У араб, форс ва мўғул тилларини яхши билган.

Асарлари: *Шажараи турк* («Туркийлар шажараси») ва «Шажараи турк ва мўғул» («Турк ва мўғул халқларининг шажараси») бундан ташқари «*Манофиъ ул-инсон*» («Инсонга фойдали нарсалар») асари ҳам тарихнавислар орасида машҳур. Абулғозихоннинг иккита тарихий асари Марказий Осиё халқлари тарихи, тили ва этнографияси бўйича қимматли манба ҳисобланади. Асарларининг асосий қисми ҳудуддаги турли халқлар орасида шу даврда машҳур бўлган оғзаки ривоятлар асосида ёзилганлиги уларнинг аҳамиятини янада оширади.

«Шажараи турк ва мўғул» («Турк ва мўғул халқларининг шажараси») асари Хоразм ва Ўзбекистоннинг XV-XVII асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим манба ролини ўтайди. Абулғози бу асарини тамомлай олмаган. Унинг охирига етмаслиги олимнинг вафоти билан боғлиқ. Китобнинг давоми ўғли Анушхоннинг топшириғи билан 1644-1663 йиллар орасида Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад исмли шахс томонидан ёзилган. Асар муқаддима ва 9 бобдан иборат:

Муқаддимада асосан, асарнинг ёзилиши тарихи хусусида сўз боради.

1. Боб. Одам алайҳссаломдан Мўғулхонгача ўтган турк хонлари ҳақида.

2. Боб. Мўғулхондан Чингизхонгача содир бўлган воқеалар ҳақида.

3. Боб. Чингизхоннинг туғилган вақтидан то вафотигача (1227 й) содир бўлган воқеалар ҳақида.

4. Боб. Ўғдайхон (1227-1241 й) ва унинг Мўғулистонда ҳукмронлик қилган авлодлари тарихи.

5. Боб. Чингизхон авлодларининг Мовароуннаҳрда 1227-1241 йилларда ҳукмронлик қилган авлодлари ҳақидаги тарихий воқеалар.

6. Боб. Тулуйхон (авлоди Хитойни XVI асргача идора қилган) ва унинг Эрон, Ироқ ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилган овлодлари ҳақида.

7. Боб. Жўжихон (ваф.1227 й) ва унинг дашти қипчоқни идора қилган авлодлари ҳақида.

8. Боб. Шайбонхон (XIII аср) ва унинг Мовароуннаҳр, Хоразм ва Қримда подшоҳлик қилган авлодлари ҳақида.

9. Боб. Шайбонхоннинг 1512 йилдан Хоразмни идора қилган авлодлари тарихи баён этилган.

Асарнинг сўнги боби ниҳоятда қимматли. Унда Хоразмнинг 1512-1664 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён қилинган. Шайбонийларнинг Оқ Ўрда тахтига дахлдор эканлиги, Кучимхон ва Дашти қипчоқ ўзбекларининг Сибир хонлиги, туркий халқлар орасида амалда бўлган “курэн” ва “қўш”нинг моҳияти, олий даражадаги шахсларга совға бериш тартиби ҳақидаги ва бошқа маълумотларнинг тарих ва этнография илмлари учун аҳамияти катта. Асарда Хоразмнинг ўрта аср шаҳарларидан Вазир, Тирсак, Янги шаҳар, Булдумсоз, Боғобод, Кот, Исми Маҳмуд ота, Чилик ва бошқалар, Амударё ўзанининг ўзгариши ҳақидаги, шунингдек Хоразмдаги ўзбек уруғлари, Хоразм ўзбеклари билан туркманлар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда муҳимдир.

“Шажараи турк” асари ҳақида: “Шажараи турк” – унда Ўрта Осиёнинг энг қадимги даврдан бошлаб 1663 йилгача бўлган тарихи ёритилган. Асар эронлик машҳур тарихчи

Рашидуддин (1247-1318)нинг “Жомеъ ут-таворих” асари таъсирида ёзилган. Асар 1661 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, туркман халқининг этник келиб чиқиши, оғзаки адабиёти ва тарихига бағишланган.

Манофиъ ул-инсон (“Инсонга фойдали нарсалар”). Тиббиёт (фармакология)га бағишланган асар бўлиб, унда Абулғозининг муаллифлиги тўла аниқланган эмас.

Асарнинг жаҳон фондларидаги нусхалари: “Шажараи турк ва мўғул” (“Турк ва мўғул халқларининг шажараси”) асрининг қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Унинг матни 1824 йил Қозонда, французча таржимаси билан бирга, икки жилдда, 1871-1874 йили Петербургда русча таржимаси билан 1906 йилда Қозонда Г.С.Саблуков нашри асосида чоп этилган.

Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: Абулғозихоннинг *Шажараи турк* асари XVIII асрдан бошлаб фаол ўрганилмоқда. У инглиз, лотин, немис, рус, турк, татар, француз тилларига таржима қилинган. Асар матни французча таржимаси билан машҳур туркийшунос олим П.Демезон томонидан нашр қилинган. Асар Туркия ва Россияда чоп этилган, шунингдек бошқа тилларга таржималари ҳам мавжуд. Рус тилида биринчи марта 1897 йил А.Г.Туманский (1851-1920 й.) тарафидан ва 1958 йил машғур туркшунос олим, академик А.Н.Коронов тарафидан сўзбоши, зарур изоҳлар ва катта ҳажмли тадқиқот қисми билан чоп этилган. Абулғозихон ҳаёти, фаолияти ва асарларига бағишлаб дунёнинг кўплаб тилларида адабиётлар чоп этилган.

2. Муҳаммад Амин Бухорий

XVII-XVIII аср бошларида яшаб ўтган бухоролик машҳур тарихчи олим. Тўлиқ исми: Муҳаммад Амин Мирза

Муҳаммад Замон Бухорий Суфёнийдир. Ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига оид маълумотлар кам. Асарида учрайдиган баъзи маълумотларга қараганда, у Абудулазизхон (1645-1680) ва Субҳонқулихон даврида саройда хон оиласи таъминотчиси (яроқчи) сифатида фаолият кўрсатган. У тахминан XVII асрнинг 40-йилларида туғилиб, 1700 йилдан кейин вафот этган. Муҳаммад Амин кенг маълумотли киши бўлиб, сарой аҳли ва илмли кишларига яқин бўлган. Олим яшаган замон, хусусан, XVIII асрнинг иккинчи ярмида ўзаро урушлар авжига чиққан, хусусан Балх билан Бухоро, шунингдек, Бухоро билан Хоразм ўртасида келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар кучайган бир давр эди. Бу ҳол ўз навбатида, зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ тараққиётига, шунингдек мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатгани аниқ.

Муҳаммад Амин Бухорийдан “Муҳитут таворих” номли йирик тарихий асар қолган. Асар умумий тарихга бағишланган бўлиб, унда оламнинг яратилишидан то XVII асргача кечган воқеа-ҳодисалар ўз аксини топган. Лекин унинг асосий қисми кўчирма бўлиб, фақат XVII асрга оид тарихий маълумотлар оригиналдир. Асарда бу воқеалар батафсил ёритилган. Муаллиф маълумотларни ёритишда хронологик услубдан фойдаланган.

“Муҳитут таворих” 37 та эътиборли манба асосида ёзилган. Асар кўпинча “Тарихи Субҳонқулихон”, “Туркистон тарихи” ва “Аштархонийлар тарихи” номи билан ҳам юритилади.

Асарда Бухоро амирлигининг сиёсий тарихи ва маданиятига оид қимматли маълумотлар кўп. Бундай маълумотларни асарнинг нафақат сўнги қисмида, балки унинг кўчирма қисмида ҳам учратиш мумкин. Унинг Темурийзода Мирзо Улуғбек ҳақида келтирган бир маълумоти эъти-

борга сазовордир. Биз унинг улў математик ва астроном олим эканлигини биламиз. Лекин “Муҳитут таворих”да унинг адабиёт ва муסיқа илмларидан ҳам яхши хабардор бўлганлиги ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Хусусан, у муסיқа илмида ҳам беназир киши бўлган. Муҳаммад Амин Бухорийнинг сўзларига қараганда, Улуғбек катта ва кичик ноғораларда ижро этиладиган “Булужий”, “Шодиёна”, “Ахлоқий”, “Табризий”, “Усули равон” ҳамда “Улусий” отлиғ куйлар ихтиро қилган экан.

Асар сўнгида Бухоро – Балх ва Бухоро амирлигининг Хива хонлиги билан XVII асрдаги ўзаро муносабатларидан ташқари Бухорода илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар бериб ўтган. 1709 йили Бухородаги халқ қўзғолонлари, Убайдуллохоннинг қатл этилиши каби маълумотларга ҳам тўхталиб ўтган. Масалан, асарда XVII асрда ўтган олимлар, расомлар, хаттотлар ҳақида, шунингдек Амин Бухорийнинг замондошлари, шоирлар, тарихнавислар, муҳандислар ва бошқа бир қатор олимларнинг таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотлар ҳам келтирилган. Истеъдодли расомлардан хожа Гадоий, Муқимхожа, Аваз Муҳаммадларнинг номлари фахр билан тилга олинади. Улардан Муқимхожа, нафақат истеъдодли мўйқалам соҳиби, балки замонасининг йирик муסיқашуноси ҳам бўлган.

“Муҳитут таворих”нинг замонимизгача бешта нусхаси етиб келган. Улардан иккитаси асарнинг тўлиқ матни нусхалари бўлиб, инв№7351 ва №835 рақамлари остида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Биттаси Санкт-Петербургда, Россия шарқшунослик институтида, яна бири Париж Миллий кутубхонасида сақланади. “Муҳитут таворих” асарининг бешинчи нусхаси 836 тартиб рақами билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади. У асар-

нинг хивалик Муҳаммад Рафиъ Охунд тарафидан 1906 йили ўзбекчага ўгирилган таржимасидир.

3. Муҳаммад Юсуф Мунший

XVII асрда яшаб ўтган йирик тарихчи олим. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам учрайди. Асарда келтирилган айрим маълумотларга қараганда, у асли Балхлик бўлган. Субҳонқулихон (1651-1681) йиллари Балх, (1680-1702 йиллари Бухоро хони ҳамда (1697-1707) йиллари Муҳаммад Муқимхон саройида мунший бўлиб хизмат қилган. Муҳаммад Юсуф Мунший юқорида зикр этилган Муҳаммад Муқимхонга бағишланган “Тарихи Муқимхоний” асари билан шуҳрат қозонган. Асар 1697-1704 йиллар орасида ёзилган бўлиб, Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларидан баҳс юритади. Муҳаммад Юсуф Мунший агар “жаҳон ҳодисаларининг кучли шамоли” унинг “ҳаёт ёлқинини ўчирмаса, йўқсизлик денгизининг тўлқинлари ўйноқи отини ўз гирдобига тортиб кетмаса” ушбу асарининг иккинчи қисмини ҳам ёзиш ниятида эканлигини айтади. Лекин “Тарихи Муқимхоний”нинг иккинчи китоби ёзилмай қолган. Фикримизча, бунга қандайдир кутилмаган ҳодиса, балки муаллифнинг бевақт вафот этганлиги сабаб бўлиши мумкин.

“Тарихи Муқимхоний” муқаддима ва уч бобдан иборат.

Муқаддима туркий халқларнинг афсонавий онаси Аланкува; Чингизхоннинг ота-боболари; мўғул қўшинлари томонидан Мавароуннаҳр, Балх ва Бадахшоннинг истило этилиши тарихи қисқача баён этилган.

Асарнинг биринчи бобида Шайбонийлар даврида Мавароуннаҳрнинг умумий аҳволдан ҳикоя қилинади.

“Тарихи Муқимхоний”нинг оригинал ва муҳим қисми унинг II-III бобларидир. Иккинчи бобда Балх ва қисман Бу-

хоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек Бухоро ва Балх хонликларининг Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Қошғар мамлакатлари билан бўлган сиёсий муносабатлари, учинчи бобда 1702-1704 йиллар воқеалари, хусусан, Бухоро билан Балх ўртасида бошланган қуроли қурашлар ўрин олган.

Асарда хонлар ва мулкдорлар зулми, меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асари қўлғезмалари кўплаб топилади. Уларнинг асосий қисми Россия Фанлар академияси ва хориждаги бир қатор мамлакатлар кутубхоналарида сақланиб келинмоқда.

Асарнинг айрим парчалари француз ва рус тилларида эълон қилинган. Асар 1861 йилда тўлалигича эски ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Асарнинг матни 1956 йил рус тилидаги таржимаси ҳам нашр этилган.

4. Муҳаммад Тоҳир Балхий

Муҳаммад Тоҳир Балхий (XVII аср). Балхлик тарихшунос ва географ олим. Ҳаёти ва фаолиятига оид аниқ маълумотлар йўқ. Тўлиқ исми: Саййид Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосим. Асар муқаддимасидан маълум бўлишича, у аштархонийлардан Нодир Муҳаммадхон (1606-1642 йиллари Балх хони) саройида, аниқроғи, унинг кутубхонасида китобдор (кутубхона мудири) бўлиб хизмат қилган. Ундан “Ажоиб ут-табақот” (“Ер табақаларининг ажоиботлари”) номли гео-космографик асар қолган. Асар Нодир Муҳаммадхоннинг топшириғига биноан 1648 йили ёзиб тамомланган.

Асарни ёзишда кўпроқ ал-Баттоний (852-929), ал-Беруний (“Қонуни Маъсудий”, “Жавҳаршунослик”), Абдулмалик Марварудий, Носируддин Тусий (1201-1274), Мавлоно Бурҳониддин, Наршахийларнинг асарларидан ҳам фойдаланган.

Асарнинг анчагина нусхалари, асосан безакли нусхалари бизгача етиб келган. Тасвирларнинг баъзилари Каъбанинг умумий кўриниши, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис салом ва рошидин халифалардан Абу Бакр ва Умарнинг қабрлари тасвири келтирилган. Асар нусхаларидан ўн учтаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади. Улардан ўн икkitаси муаллифнинг дастхати билан кўчирилган.

Асарнинг, учинчи қисми илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Унда Ўрта Осиё шаҳарларидан Балх, Андижон, Тошкент, Термиз ва бошқалар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Балх катта шаҳар. Хуросон таркибига киради. Тўртинчи иқлимдан. Уни қадимги Эрон подшоҳларидан Кайюмарс қурдирган, Тахмурас обод қилган, Лухросп қайтадан тиклаган ва уни мустаҳкам девор билан ўратган. Яна бошқа бир ривоятга қараганда, уни Қобил ибн Одам бино қилган... Бошқа ривоятга қараганда Айюб пайғамбар алайҳиссаломнинг амри билан бино қилинган. Учинчи ривоятга кўра, уни Минучеҳр ибн Ираж қурдирган.

“Тарихи Балх”да айтилишича, Балх қалъаси 22 марта бузилиб, қайтадан тикланган. Шаҳар сўнги марта Абу Муслим Марвозий тарафидан қайта қурилган. Ундан кейин шаҳарга ҳоким бўлган хон Абулмўъминхон унинг ғарбий ва жануб тарафлардаги деворларини қайтадан таъмирлатган. Узунлиги 20 минг қадам.

Шаҳар икки қисмдан иборат: Ташқи шаҳар, яъни катта шаҳар (шаҳри бирун) ва кичик шаҳар (яъни шаҳри дарун).

Ички шаҳарда арк жойлашган бўлиб, қадимдан ҳокимлар турадиган жой бўлган. Ҳозирги пайтда ҳам шундай. Унда масжид жойлашган бўлиб, у “меҳроби сангин” деб аталади.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, қачонки халифа Алининг, худо ундан рози бўлсин, мактуби олинганда, қаттиқ шамол туриб, унинг парчалари учиб кетган. Ҳожилар Каъба зиёратига борганларида у ерда қандайдир тошга кўзлари тушган. Унда ҳазрат Алининг ўша хатини кўришган. Бу тошни муқаддас ҳисоблашиб, уни Балхга олиб келганлар ва уни масжиднинг меҳробига ўрнатганлар. Яна бошқа ривоятда айтилишича, тошни қисмларга бўлганлар ва бир қисмини зикр этилган масжиднинг меҳробига қўйганлар, яна бирини шаҳри бируннинг жануб тарафида, ундан уч мил масофада жойлашган Нўҳ гунбадон масжидининг меҳробига ўрнатганлар. Маълумки, Нўҳ гунбадон масжиди, нурга чўмган ер бўлиб, ҳазрат Каъб ул-ахборнинг, Худо ундан рози бўлсин, дафн этилган еридир. Ўша ўринда бино этилган Нўҳ гунбадон масжиди чиройли ва мустаҳкам бинодир...

Айтишларича, Чингизхон Балхни забт этиш учун келганда, (Балхоб) дарёсининг сувини шаҳар тарафга буриб юборган ва масжид олти ой мобайнида сув остида қолган, лекин қолдиқлари шу кунгача сақланиб қолган...

Ўша тошнинг учинчи бўлагини шаҳарнинг кун чиқиш тарафида, ундан икки фарсах 100 зирах масофада қурилаётган Хожа Ҳайрон масжидининг меҳробига жойлаштирганлар. Кейинчалик бу ердан ҳазрат Али разияллоху анҳунинг қабри топилган. Ҳақиқий сулук соҳиби мавлоно Биноий, (у бинокорлик илмида ва бу фанда маълумот жиҳатдан жаҳонда тенги йўқ одам эдилар,) аввалги қурувчиларнинг хатти-ҳаракатини зое кетган, бино омонат қурилган деб, ҳижрий 886 йили, отаси билан биргаликда, ўша нурга чўмган мозорда пишиқ ғиштан олий бир иморат бунёд этган. Шу вақтдан бери қанча йиллар ўтишига қарамай, бинода бирон ўзгариш сезилмаган. Марҳум, Худо мағфират қилган ҳоқон Вали Муҳаммад Баҳодирхон Балх

ҳокими этиб тайинлангандан кейин (1601 йили), баландлиги ўттиз зиръа ва айланаси бир жарибга тенг бўлган бу бино теварагини шу қадар обод қилдики, таварак-атрофига Чин нақшхонасию, жаннат чорбоғига ўхшаш 18 та чаманзор қурдирди. Ушбу гўзал боғнинг шимол тарафига жаннат булоғига ўхшаш Ҳавз ҳам бино қилдирди...

Шаҳарнинг ташқари қисмида авлиёлар Қутби Хожа Абу Наср Порсонинг... файзли мозори жойлашган. Унинг айланаси тахминан 15 жариб келади. Ушбу муқаддас мақбаранинг кун ботиш тарафида иккита катта масжид бор. Чоршанба кунлари, намоз ўқилгандан кейин, ўша серфайз мазор атрофида доно кишилар, сўфийлар, олиму шоирлар зиёрат учун тўпланадилар. Сўфийлар бошларини қуйи солиб бир-бирлари билан пичирлаб сўзлашадилар, олимлар баҳслашадилар, шоирлар бир-бирлари билан ҳазил-мутоиба ва мушоира қиладилар. Буларнинг ҳаммаси кечгача давом этади.

Ва яна ўша ташқи шаҳарда жаноб Шақиқ Балхийнинг, нурга чўмган хожа Исҳоқ ва бошқа авлиёларнинг муқаддас мазорлари жойлашган.

Ва яна шаҳарнинг кун ботиш тарафида жаноб Султон Иброҳимнинг тўнғич ўғли Аҳмад Сақонинг нурга чўмган мозори бўлиб, ҳозирда ул мазор Хожа Рўшноийи деб аталади. Ўша қишлоқда мавлоно Хурд Азизон Ахсикатий ва мамлакатнинг нуфузли кишиларидан бири хонақоҳ қурдирган.

Ва яна ўша шаҳарнинг жануб тарафида жаноб хожа Султон Аҳмад Ҳазравия ва унинг хотини Фотиманинг... муқаддас мозори бор.

Ва яна шаҳарнинг кун чиқиш тарафида пайғамбаримизнинг биринчи саҳобаларидан жаноб хожа Уккоша розияллоҳу анҳунинг муқаддас мозори жойлашган...

Қубодиён. Мовароуннаҳр қишлоқларидан, тўртинчи иқлимга қарайди. Уни Кайқубод ибн Ирож бино қилдир-

ган. Айтишларича, Золнинг ўғли Рустам уни Эрондан олиб келиб ҳокимият тепасига ўтказган. Ушбу вилоят қадим замонларда Қубодобод деб аталган, Кейинчалик у Қубодиён деб ном олган. Шу кунларда Аллоҳнинг ердаги сояси аъло ҳазрат (Нодир Муҳаммад) хоннинг адолатпарварлиги ва саховати билан у шу қадар обод бўлдики, унга йўли тушган кимсанинг сояси боғу роғлар ва деворлар соясида бўлган. Об-ҳавоси соз, у ерда кўп навъ мевали дарахтлар ўсади. Хусусан, унинг анори шухрат қозонган. У ердагилар анорни бозорга олиб чиқиб сотмайдилар. Мева-чевани оғирлиги бир харвордан кам бўлса уни олмайдилар ҳам, сотмайдилар ҳам. Уни пулга сотиб олмайдилар, қанча керак бўлса пулсиз оладилар.

(Қубодиённинг) халқи мулойим ва меҳмондўст. Ҳар бир хонадон меҳмон учун алоҳида хона ажратган. Халқи илмга ўч, кўпчилик қишлоқларида мадраса ва мударрис бор...

Айнан шунга ўхшаш маълумотлар асарнинг Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларига бағишланган бўлимларда ҳам учрайди. Муҳаммад Тоҳирнинг 1621 йили Фарғонада юз берган ва олти ойгача давом этган ер силкиниши ҳамда унинг аҳволига етказган зарари ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир.

Муҳаммад Тоҳир асарининг аҳамиятли томони шундаки, унинг учинчи бобида қимматбаҳо тошлар (жавоҳир) ва қимматли маъданлар (филиззот) ҳақида ҳам бой маълумотлар келтирилган. Шунингдек “Ажойиб ут-табақот”да Берунийнинг “Жавоҳирнома”сидан алоҳида парчалар келтирилган. Тахминларга кўра, Муҳаммад Тоҳирнинг қўлида Беруний асарининг муфассал нусхаси бўлган.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Абдулғозий Баҳодирхон яшаган давр илмий муҳити ҳақида маълумот беринг?
2. Абдулғозийнинг акаси Исфандиёр хон билан ўзаро муносабатлар қандай эди?
3. Абдулғозий Баҳодирхон қувғинда қайси юртларни кезишга мажбур бўлди ва нима учун?
4. Абулғозихоннинг тожу тахт учун кечган кураши ҳақида маълумот беринг?
5. Абулғозихон қандай иқтисодий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказди?
6. “Шажараи турк” асари ҳақида нималарни биласиз?
7. “Шажараи турк” асарида Ўрта Осиё тарихининг қайси давлари ёритилган?
8. “Шажараи турк” асари ҳақида хорижда қандай илмий тадқиқотлар олиб борилган?
9. “Муҳитут таворих” асари ва унинг муаллифи ҳақида маълумот беринг?
10. Муҳаммад Юсуф Мунший ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотларни қаерларда учратамиз?
11. “Тарихи Муқимхоний” асари билан шуҳрат қозонган олим ва унинг фаолияти ҳақида сўзлаб беринг?
12. Муҳаммад Тоҳир Балхий ва унинг “Ажойиб ут-табақот” асари ҳақида маълумот беринг?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Абдулғозий Баҳодирхон ислоҳотлари.
2. Шажараи турк асарининг таркибий таҳлили.
3. Муҳаммад Амин Мирза Муҳаммад Замон Бухорий илмий мероси.
4. “Муҳитут таворих” асарининг манбашунослик таҳлили.

5. “Тарихи Муқимхоний” асарининг қўлёзмалари ҳақида.
6. Муҳаммад Тоҳир Балхий илмий мероси.
7. “Ажойб ут-табақот” асарининг таркибий таҳлили.
8. “Ажойб ут-табақот” манбашуносликдаги аҳамияти.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т.: “Камалак” нашриёти, 1991. – 336 б.
2. Абуғозий. Шажарайи турк. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1992. – 192 б.
3. Аҳмедов Бўрибой. Амир темур дарсликлари. – Т.: “Шарқ” нашриёти-матбаа кациядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – 141б.
4. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.
5. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь XVII-XIX асрлар. Фанлар академияси босмахонаси, 1962. – 344 б.
6. Қобилжон Тоҳиров. Абулғозий Баҳодирхон “Шажарайи тарокима”. – Самарқанд: “Суғдиёна” нашриёти, 1995. – 72 б.
7. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1993. – 352 б.
8. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.
9. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (2-ки-тоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 120 б.
10. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (3-ки-тоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – 144 б.

XVI. XIX-XX АСРЛАРГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший
2. Ибрат Тўрақўрғоний
3. Мирзо Содик Мунший
4. Мирзо Салимбек Салимий

Таянч сўз ва иборалар: Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший, назм, “Себзор”, қозилик фаолияти, “Ақ жар” области, “Туркистон генерал губернаторлиги”, ноширлик меҳнати, “Назми Мухтасар ал-Виқоя”, “Хатмий”, “гулдомла”, Исҳоқхон тўра Ибрат, Муҳаммад Сиддиқ мадрасаси, давр олимлари, илк ўзбек матбаачиси, шариат ва дин пешвоси, Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 13-апрелдаги қарори, “Назми Фикҳи Кайдоний”, Мирзо Муҳаммад Мунший, “Тарихи манзум”, Муҳаммад Ризо қушбеги, Хусайн Хоразмий, “Ахлоқи Азизий”, Мирзо Салимбек Салимий, Хутфар ва Самжон туманлари, Амир Абдулаҳад, Салимбекнинг тарихий, адабий ва диний асарлари.

1. Раҳимхўжа Ибн Алихўжа Эшон Шоший

Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший (1251/1835) йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан араб тили ва форс адабиётига қизиқиб, дастлабки таълимни ўз шаҳрида ўзлаштирган. Кейин Бухорода таҳсил кўриб мана шу ердаги мадрасаларнинг бирини хатм қилган.

Олим Қуръон илмлари, тафсир, ҳадис, илми адаб, фикҳ, сарф, наҳв, риёзат ва бошқа илмларга қизиққан. Айниқса, назм бобида ва уни машқ қилишда моҳир эди.

Раҳимхўжа Шоший Тошкент шахрининг “Себзор” даҳа-сида бир неча йиллар қозилик мансабида фаолият юритган. Маърифатпарвар бу инсоннинг хизматлари ўз даврида халқ орасида қадрланиб, ҳатто юксак хизматлари учун тужжор Орифхўжа, насл ва илм бобида мўътабар Саййид Карим Азимбоев ва “Ақ жар” области қирғиз улуғларидан Тилаев Мирзабой ўғли каби кишилар қатори Раҳимхўжа ҳам “Туркистон генерал губернаторлиги” тарафидан олтин медал билан тақдирланган.

Ноширлик борасида ҳам самарали меҳнат қилган Раҳимхўжа фаолияти давомида 1888 йили “Фузулий девони”, “Бадойиъ ал-Васат”, араб тили сарф илмига оид Ибн Хожибнинг “Кофия” асарини 1889, 1890, 1893, 1896 йиллар давомида тинмай нашр эттирган. Шунингдек, 1889 йил Муҳаммад Содик Кушуфнинг “Зубдатул масоил” номли ўзбек тилидаги асарни, 1892 йил “Бедил девони”ни, 1896 йили Муҳаммад Ваҳбий Адибнинг “Мифтаҳ ал-Жинон” номли асарининг форсчадан ўзбек тилига ўтирилган таржимасини, 1901 йил “Девони Хофиз”ни нашр эттирган.

Раҳимхўжа Эшон 1901 йил аввал Тошкентда, 1906 йили Самарқандда Масъуд ибн Юсуф Самарқандийнинг форсий тилда ёзган “Солату Масъудий” асарини ўзбек билига таржима қилиб нашр эттирган. Ушбу таржима кейинчалик олим вафотидан сўнг яна Тошкент шахридаги матбааларда 1910, 1911, 1917 йиллари бир неча юзлаб нусхаларда нашр этилган. Гарчи Раҳимхўжа бир қатор девон ва шеърларни босиб чоп эттирса-да, ҳозиргача адиб қаламига мансуб ижод намуналари “баёз”ларда учрамайди.

Раҳимхўжа Эшон Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасар ал-Виқоя” номли арабча фикҳ илмига йўналтириб ёзилган асарини ўзбек тилига назмий таржима қилди. Таржима 1887 йил уч ойда ёзиб тугатилган. Лекин бу таржимадан Раҳимхўжанинг кўнгли тўлмай, матн устида янада

чуқурроқ изланишлар олиб борганини қайд этади. Ниҳоят 54 ёшга етганида саккиз минг байтдан зиёд бўлган шеърый матн таржимасини тугатади.

Муаллиф “Назми Мухтасар ал-Виқоя” номи остидаги китобни таржима қилиб хайрли ва заҳматли бир ишни амалга оширди. Раҳимхўжа ўзига “Хатмий” тахаллуси билан ижод этишни ирода қилган. Олимга баъзилар “гулдомла”, “гул устоз” дея мурожаат қилганлар. Нима учун бундай номланганлиги манбаларда учрамади. Бизнингча бу ном унинг касбидан келиб чиққан бўлса керак. Чунки, биз уни шариат илмларини яхши билган олим, қози, имом, назм ва насрдан яхши хабардор, хаттот, ҳам ношир, ҳам муҳаррир, баъзан таржимон, баъзида эса, илм ҳомийси сифатида эслаб ўтдик. Бу касблар билан бир қаторда бизнингча у қўлёзма китобларга турли безак ва нақшлар ҳам (ҳозирги тил билан айтадиган бўлсак, дизайнер) ишлаган. Қадимда “гул” деб қўлёзмаларга бадиий безак берувчиларни шундай номланган. Мана шу эътибордан унга бу лақаб қўлланилган бўлиши мумкин. Яна бу ном олимнинг ташқи кўриниши яъни ҳусни билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Туркий назмнинг дастлабки нашри 1888 йилда Тошкент шаҳрида чоп этилган. Китобнинг кейинги нашрлари 1890, 1896 йилларда ҳам давом этиб, то 1904 ва ундан сўнг босилди. Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший 1908 йил 73 ёшида вафот этди.

“Назми Мухтасар ал-Виқоя” китоби ҳақида. Аввало шуни қайд этиш керакки, муаллиф ишлатган тил қарийб юз йилдан зиёд вақт илгари амалда кенг истеъмолда бўлган. Гарчи назмий таржима ўзбек тилида бўлса-да, унда форсча ва арабча сўзлардан ҳам кенг фойдаланилган.

“Мухтасар ал-Виқоя” асарининг назми ёзилгандан буён диний масалаларни тўлиқ қамраб олган ишончли манба сифатида уни ўқиб ундаги масалаларга амал қилувчиларнинг тобора ошиб боришини таъминлаб берди.

Назм бир неча бор Ўрта Осиё ва унга кўшни ўлкалар матбааларида кўп мартга чоп этилди. Бу матбаалар орасида Тошкент шаҳридаги Брейденбахъ, Лохтин, Порцев, Ильин каби ва бошқа матбаалар етакчилик қилади.

Китобнинг бу нашри аввалги нашрларга нисбатан беҳато ва гўзал хатда тошбосма усулида чоп этилган. Матн араб тили насх ёзувида, ҳарфлар ҳаракати берилмаган. Матн тагидан ингичка чизиқ тортилиб, унинг форс тилидаги маъноларининг изоҳли таржимаси берилади. Ҳам араб ҳам форс тилида берилган матнлар остидан икки устун шаклида уларнинг ўзбек тилидаги шеърӣ таржимаси келтирилади. Ўзбекча таржима устундан чиқиб ҳошияда ҳам давом эттирилади. Ўқувчи шеърӣ таржима орқали нафақат унда битилган фикҳӣ масала ва уларнинг ечимларини балки, араб, форс ҳамда қадим туркий тилдан ҳам етарлича хабардор бўлади. Чунки, арабий матн ўзбек тилидаги шеърға ўгирилганда калималарнинг таржимаси кўпчилик ўринларда сўзма-сўз берилади.

Назмга кўра, “Китоб ал-жиход” гарчи арабий матни берилса-да, туркий таржимаси туширилган. Лекин форс тилидаги матн ости таржима сақланиб қолган. Бунга ўша давр сиёсий-ижтимоӣ ҳолат тақозоси сабаб бўлган.

Назмда муаллифнинг ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббати акс этиб туради. Буни биз масалалар баёнини очиб берилишида бевосита гувоҳи бўламиз. Нозим ўзи яшаган давр қийинчиликларига сабр этиб, миллат ташвиши устида қайғуриб яшаган ноёб истеъдод эгаси сифатида омма орасида машҳурлик даражасига ета олди.

Мухтасар ал-Викоянинг бугунги кундаги аҳамияти. Фикҳшуносликда ўзига хос йўналиш яратган “Ҳидоя” асари соҳиби Бурҳониддин Марғиноний ҳам Самарқанд мадрасаларидан бирида таълим олгани ва кейинчалик ўзи мударрисларидан бирига айланиб қолиши диққатга сазовор.

Мадрасаларда асосан диний мазмундаги асарлар ўқитилиши сабабли ушбу йўналишга оид қўлёзмаларнинг кўплаб кўчирилган ва таржима этилганига гувоҳ бўламиз. Таржимонлик соҳасида Аббосийлар давридан оммалашиб келаётган китобат ва кутубхоначилик ишлари минтақамизда ҳам кенг тус олди. Аввалда қадимги юнон фани ва фалсафасига оид машҳур асарлар араб тилига ўгирилди. Кейинчалик Эрон ва ҳинд маданияти ютуқлари кенг ўзлаштирилди. Араб олимлари улар меросини ўрганиш билан чекланиб қолмай, ўзлари ҳам талай жаҳоншумул ихтиролар кашф этдилар.

Бу жараён Мовароуннаҳрда ҳам ўз тарихий босқичларига эга ҳолда ривож топди. Ўлкамизда дастлаб араб тилининг кенг қулоч ёзиши, бу тилда битилган манбаларнинг бизгача етиб келишига сабаб бўлган. Масалан, форс тилига муносабатнинг ижобийлиги, маҳаллий адибларнинг мазкур тилда ижод қилишларига, мутаржимлар араб ва форс тилининг дурдона асарларини ўзбек тилига ўгиришларига туртки берди. Жумладан, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Убайдуллоҳ ибн Масъуд қаламига мансуб “Мухтасар ал-Виқоя” асари, Мақсуд Хўжа ибн Мансур Хўжа “Мажмаъ ал- Мақсуд”, Масъуд ибн Маҳмуд Самарқандийнинг “Салоти Масъудий”, Муҳаммад Мирхонд Балхийнинг “Равзат ас-сафо” рисоласининг Мунис Хоразмий таржимаси, Лутфуллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” каби ва бошқа асарларнинг араб, форс ва туркий тилдаги таржималари кўплаб нусхаларда китобат қилинди.

“Мухтасар ал-Виқоя” нусхалари устида олиб борган изланишлар давомида мазкур асарнинг хорижда – Россия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Туркманистон, Тожикистон кутубхоналарида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Алишер Навоий номли Давлат музейи,

Фарғона вилоят Адабиёт музейи, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, “Махдум Восилий номидаги маънавий Мерос Маркази” китоб хазиналарида сақланаётган жами бир неча минг қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжудлигини кўрсатди. “Мухтасар ал-Виқоя” асарининг араб тилидаги матни Тошкент шаҳрида ҳам нашр этилган.

Бундан асарнинг ўлка илмий меросига ва унинг кейинги ривожига қўшган муносиб ҳиссасини билиб олиш мумкин. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида асарининг Республикамиз ҳудудларида китобат қилинган икки юздан ортиқ қўлёзмалари мавжудлиги аниқланди. Матнларни манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, китобат тарихи бўйича тадқиқ қилиш, ўзбек китобат тарихи, маданияти, манбашунослиги учун бекиёс маълумотлар беради. Мазкур қўлёзмаларни тўла ўрганиш ва хусусиятларини янада чуқурроқ таҳлил этиш манбашунос ва тарихчи мутахассислар олдидаги вазифалардан ҳисобланади.

Уларнинг бизгача кўплаб заҳираларда етиб келиши қадимдан ҳам эҳтиёжнинг юксак даражада эканига далолат қилади. Асар матнлари асосан омма, шахсий фондлар, мадраса, мактаб талабалари учун кўплаб нусхаларда кўчирилган ва кенг тарқалган китоблардир. Бу асарлар илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, маънавият тарихида муҳим мавқега эга бўлган китоблар сифатида доим тилга олинади. Улар минглаб нусхаларда қўлёзма усулида кўчирилди ва тошбосма ҳолатида чоп этилди, давр таълим тизими ва мадрасаларда талабалар учун узоқ йиллар хизмат қилди. Шубҳасиз улар орасида “Мухтасар ал-Виқоя” асари ҳам бор.

Бу эса, минтақада қадимдан китобга бўлган талабнинг юқорилигини кўрсатади. Кейинчалик бу адабиётларга таъянган ҳолда, янги-янги замонавий илмий-адабий, бадий-услубий асар ва қўлланмалар яратилди ва улар ҳозирги

кунгача маънавий мерос сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шундай экан, ўлка бой тарихи, таълим тизими, хусусан минтақа олий таълим муассасалари тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ ишдир. Мана шу нуқтаи назардан “Мухтасар ал-Виқоя” асари кўп асрлар давомида ислом ҳуқуқини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Асар кунимизда ҳам ўз илмий аҳамиятини асло йўқотган эмас. Асар матни ва унинг шарҳ, ҳошиялари кейинги ёзилган асарлар учун манба вазифасини ўтаб келаётгани ҳам фикримизни исботлайди.

Ҳозирги кунда баъзилар балки бундай таржималарга эҳтиёж бормикин деб ҳам фикр юритишлари мумкин. Дарҳақиқат, эҳтимол бу мулоҳаза тўғридир лекин, биз узоқ ўтмишга назар солсак илм занжирларининг узвий давом этиб келаётганига гувоҳ бўламиз. Балки бундай фикрлар ўша авлодларимизни ҳам қизиқтиргандир. Бироқ хоҳ матнларни кўчириш бўлсин, хоҳ таржима ишлари, хоҳ шарҳ, ҳошия, таълиқалар ёзиш бўлсин, уларни нашр этиш асло тўхтагани йўқ. Шундай экан, асарлар устида олиб борилган барча ишларнинг ўз мухлиси бор. Қолаверса, айнан мана шу йўсинда қилинган ишлар орқали аجدодлардан қолган бой илмий меросни ҳозирги тил нуқтаи назаридан қайта таржима қилишга имкон яратилади.

2. Исҳоқхон Тўра Ибрат

1862-1937 йилларда яшаб ижод этган мутафаккир адиб Исҳоқхон тўра Ибрат ибн Жунайдуллоҳ хўжа илмий-маънавий мероси ҳам тарихимизда муҳим ўрин тутди. Исҳоқхон тўра Ибрат дастлабки таълимни оилада олиб, кейинчалик Қўқон шаҳридаги Муҳаммад Сиддиқ мадрасасида давом эттирди. Ўз даврининг етук олимларидан сабоқ олиш билан бирга Нодим, Фурқат, Муқимий, Мир Аъзам, Завқий,

Иброҳим Даврон, Убайдуллоҳ Карим ўғли Гурбат, Ҳазиний, Хусрав, Васфий ва бошқа илмий муҳит намоёндалари билан доимий алоқада бўлди. Араб, форс, рус ва бошқа европа тилларини яхши ўзлаштиргани сабаб, уларда битилган тарихий, адабий ва замонавий асрларни мустақил ўрганди. Олимнинг уч ўғли бўлиб, улардан Ғиёс ва Аббослар аввал вафот этиб, Ротифхон исмли ўғли эса, педагогика фанлари доктори Улуғбек Долимов фикрига кўра 1993 йилнинг март ойида вафот этган. Ибрат Тўрақўрғонда қатор қурилиш бинолари, ҳаммом, маданий боғ, шахсий матбаа ва бошқа ишларга фаол ҳисса қўшди.

У атоқли шоир, маорифчи-педагог, тарихнавис, таржимон, хаттот, сайёҳ, тилшунос олим, илк ўзбек матбаачиси, шариат ва дин пешвоси сифатида фаолият кўрсатди. Бунга олимнинг “Илми Ибрат” шеърлар тўплами, “Луғати ситтати ал-сина” номли луғати, “Жомеъ ал-хутут” деб аталган тилшуносликка оид асари, “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият” каби илмий-тарихий, “Мезон аз-замон”, “Мушкилот ал-ғаройиб”, “Назми Фикҳи Кайдоний” каби диний-маърифий асарлари, “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Тужжор”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” газеталарда, “Ойна”, “ал-Ислоҳ”, “ал-Изоҳ” журналларида эълон қилинган ўнлаб илмий мақолалари гувоҳдир. Бу номлари зикр этилган асар, рисола ва туркум мақолаларнинг қўпчилиги кунимизгача етиб келган. Уларнинг айримлари Республика Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзма ва тошбосма китоблар фондида сақланади.

Ибратнинг қатор асар ва мақолалари минтақа олим ва тақдиротчилари томонидан атрофлича ўрганилган. Лекин, олим ижодининг ҳали очилмаган қирралари кўп. Олимнинг қатор асарлари орасида “Назми Фикҳи Кайдоний” асарини манбашунослик ва матншунослик йўналишида комплекс

тадқиқ этиш долзарб масалалари қаторидан жой олган. Албатта, бугун мамлакатимизда маънавий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни тиклаш, уларни асраб авайлаб келажак авлодларга етказиш ишларига эътибор кучайди. Натижада миллат руҳиятида ўз-ўзини англаш туйғуси янада жонланди, соғлом ва мусаффо эътиқодли аждодлар қолдирган нурли меросга ворис бўлиш иштиёқи уйғонди.

Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2016-йил 2-ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан сайловолди учрашувда бир қатор наманганлик тарихий шахслар қаторида Исҳоқхон тўра Ибрат ҳаёти ва фаолияти, унинг маънавий-маърифий ҳаётимизда тутган ўрнига ҳам кенг тўхтанилган эди. Учрашувда Президентимиз алломанинг тарихий аҳамиятга молик ишларини эътироф этиб, йиғилганларга шундай мурожаат қилди: “Тўрақўрғонда Ибрат домла ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей борлиги яхши, албатта. Лекин савол туғилади: бундай улуг зотнинг халқимиз учун қилган буюк хизматларини бутун мамлакат миқёсида ўқиб ўрганиш, меросини тарғиб қилиш, авлодларга етказиш учун шуни ўзи етарлими? Менимча, Тўрақўрғонда у кишига атаб замонавий боғ яратиб, ёдгорлик мажмуасини ташкил қилсак, буюк бобомиз олдидаги қарзимизни узган бўламиз”, деган эди. Масаланинг амалий натижаси ўлароқ Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 13-апрелдаги “Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Шу маънода, диний, тарихий ва адабий манбаларни қўлёзма нусхалар асосида нашр этиш, мукаммал изоҳлар бериш, илмий кўрсаткичлар билан асосланган илмий танқидий мантиларини тайёрлаш манбашунос ва матншуносларнинг олдида янги илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш вазифасини қўяди.

Исҳоқхон тўра Ибратнинг “Назми Фикҳи Кайдоний” асари мана шу тизимнинг муҳим ҳалқасини ташкил қилади. Олимнинг назмий жанрда тасниф этган китобининг асл матни Лутфуллоҳ Насафий (ваф.749/1349) қаламига мансуб “Фикҳи Кайдоний” асари таржимасидир. “Фикҳи Кайдоний” асарини назмга солган адиблардан бири Исҳоқхон тўра Ибрат Тўрақўрғоний бўлиб, у “Назми Фикҳи Кайдоний” номини олган. Асар матни ёзилганидан бошлаб, мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилиб келинди. Жумладан, матннинг ибодат масалаларига қаратилиши у тарқалган ҳудудларда соғлом эътиқоднинг шаклланишига сабаб бўлди.

Исҳоқхон тўра Ибратнинг “Назми Фикҳи Кайдоний” китоби матн таржимаси билан бирга 1908 йили Қозон шаҳридаги “Хусаинов” матбаасида чоп этилган. Бу шеърӣй рисола муқаддима, арабий матн ва унинг ўзбек тилидаги шеърӣй таржимаси тартибида тузилган. Таржима сўзма-сўз эмас, балки унга ўзига хос назмдаги шарҳ дейиш ҳам мумкин. Чунки, муаллиф асосий эътиборни умумий мазмунга қаратган. Унинг ҳажми 29 бетдан иборат. Китобнинг муқаддима қисми ҳамд ва наът калималари билан бошланиб, кейинги ўринларда рисоланинг битилиш сабаблари баён этилган. Ибрат асар назмига киришар экан, муқаддимада ўзини, Наманганнинг Тўрақўрғон мавзесидан чиққанини ҳамда ҳазрати султонга авлод эканини қайд этган.

“Назми Фикҳи Кайдоний” асари мавзу эътибори билан фикҳий асардир. Муаллиф анъанага кўра, арабча матн тагидаги назмий таржимани икки устун шаклида (ўнгдан чапга) ёзган. Унда ибодат вақтида бажариладиган ва тарк этиладиган амаллар саккиз турга бўлиб ўрганилади. Бу турларга фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ, муфсид амаллари киради. Муаллиф уларни икки гуруҳга ажратиб, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб ва мубоҳларни бу-

юрилган ва улар мусоллининг ихтиёри ва усиз содир бўлиши мумкинлигини айтса, ҳаром, макруҳ ва муфсидларни буюрилмаган амаллар эътибори билан уни тарк этишга ундайди. Улар орқали ҳар бир амалнинг ижобий ва салбий томонларини очиб беради.

“Назми Фикҳи Кайдоний” асари фикҳий мавзудаги мўътабар манбалардан эканига асосан уч жиҳат – арабий матннинг мавжудлиги, назмга ўтирилгани ва мавзулар сонининг чегаралангани асос бўлади. Масалаларнинг қўйилиши ва ечими ҳанафий мазҳаби фатволарига мувофиқ бўлгани учун назм Мовароуннаҳр ва унга қўшни ўлкаларга кенг тарқалди.

Исҳоқхон тўра Ибрат “Назми Фикҳи Кайдоний”нинг шеърий таржимасини амалга ошириб, хайрли ва заҳматли ишга қўл урган. Албатта олимнинг Куръон, ҳадис, ақида, фикҳ, тарих, адаб ва бошқа илмларни пухта ўзлаштиргани шубҳасиз. Чунки, қадим мумтоз фикҳий асарни назмий услубда таржима қилиш мутаржимдан жиддий масъулият ва юксак маҳорат талаб этади. Муаллиф бу каби мураккаб ишнинг натижасини теран англаб, олдига қўйган мақсадини моҳирлик билан якунига етказган.

Барча мумтоз аждодларимиз каби Ибрат шахси ва ижодий меросини ўрганиш алоҳида аҳамиятга молик. Дарҳақиқат, “Фикҳи Кайдоний”нинг назмий таржимаси Исҳоқхон тўра Ибратнинг йигирма йилдан ортиқ қозилик фаолияти даврига тўғри келди. Асли араб тилида битилган ушбу асарнинг аввал форс, кейинчалик туркий тилга қилинган таржималари омма орасида кенг тарқалди. Ҳатто, Исҳоқхон тўра каби олимлар асар матнини шеърий услубда ҳам очиб бердилар. Илмий изланишлар самараси ўлароқ Ибрат қаламига мансуб “Назми Фикҳи Кайдоний” номли китоб нашрга тайёрланиб, аллақачон ўқувчилар қўлига етиб борган.

3. Мирзо Содик Мунший

Мирзо Мухаммад Содик ибн Абдували Мунший Жондорий ал-Бухорий Бухоро яқинидаги Жондор тумани Хайробод қишлоғида туғилгани боис Жондорий тахаллуси билан юритилади. У Бухоро амиридан Дониёлбий (1758-1785), Шохмурод (1785-1799) ва Ҳайдар (1799-1826) даврларида саройда мунший ва кейинроқ сармунший лавозимларида фаолият юритган.

Мирзо Содик Муншийнинг туғилган санаси маълум эмас, бироқ Қарши туманида 1235/1819 йилда 70 ёшига яқинлашган пайтида вафот этилгани аниқланган.

Мирзо Содик Мунший ҳақида Бухоро тазкиранавислари ўз асарларида маълумот берганлар. Унинг ижодиёти Д.Каримова томонидан тақдиқ этилиб, марҳум шарқшунос олим Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллаев томонидан унинг бешта асари санаб ўтилган. Улар қуйидагилар:

☑ “Тарихи манзум” (Назмий тарих). Иккита нусхаси ЎзР ФА ШИ да сақланади (№2731/III, 3685/III).

☑ “Даҳмаи шохон” (Шохлар даҳаси). Бир қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ да сақланади (№40/I).

☑ “Қазоу қадар” (Қазо ва Қадар). Ушбу маснавийси ЎзР ФА ШИ да сақланади (№40/II).

☑ “Қасидаи шох Дарвоз” (Шох Дарвозга айтилган қасида). ЎзР ФА ШИ да икки нусхаси сақланади (№40/III, 3686/II).

☑ “Муншаот ва маншурот” (Иншо ва мактублар). ЎзР ФА ШИ да асарнинг учта босма нусхаси сақланади. (№302/II, 367/II, 299/I).

Шунингдек, Д.Каримова Мирзо Содик Муншийнинг яна иккита асари ҳақида айтиб ўтган. Улар қуйидагилар: “Рафъи тумани Оҳуғиру Хайробод” (Оҳуғир ва Хайробод

туманларига саёҳат), “Ошиқ шудани дарвеш ба духтаре” (Дарвешнинг бир қизга ошиқ бўлиши).

Мирзо Содик Муншийнинг адабий мероси 15 минг байтга яқинлиги айтилса-да, лекин бизга маълум қўлёзмаларда уларнинг адади 4670 байтни ташкил қилади. Унинг сақлаб қолган девони 345 та ғазал, 14 мухаммас, 59 рубоъий, ахлоқ мавзусидаги 20 қитъа, 2 қасида, 34 муаммо ва 20 фарддан иборат.

Мирзо Содик Мунший ахлоққа оид асари ҳам бўлган, лекин ҳозирча унинг форсча матни топилган эмас. Мазкур асар Қўнғирот сулоласидан Аллоҳқули Баҳодирхон (1825-1842) тавсиясига кўра Саййид Мағфур ал-Ҳусайний ал-Хоразмий аг-мулаққаб бил-Малул (XIX аср биринчи ярми) томонидан ўзбек тилига таржима қилинади. Китоб аввалида таржимоннинг 5 варақдан иборат муқаддимаси бўлиб, унда ёзилишича, асар таржимасига кўпроқ эркин ёндашилган. Шу сабабдан мустақил асар кўринишини олган. Шунинг учун асарга таржимон “Ахлоқи Хоний” деб ном қўяди: “Чун, бу талифга ҳазрати Хоннинг ҳумоюн ишоратлари сабаб эрди, “Ахлоқи Хоний” исми бирла мавсум бўлди”. Китобнинг таржима қилиш жараёнини вазир Муҳаммад Ризо қушбеги кузатиб боради ва таржимонни моддий таъминот билан тўла баҳраманд қилиб туради. Бу жараён таржима муқаддимасида ҳам алоҳида таъкидланган.

Мазкур таржимон 1308/1890 Хоразмда кўчирилган бир нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 13223 тартиб рақами билан сақланади. Тадқиқотчи Д.Каримова мазкур кўчирилган санани таржима қилинган сана сифатида кўрсатиб, таржимон номини эса Ҳусайн Хоразмий, таржима бағишланган ҳукмдорни эса Абулғози Баҳодирхон деб янглишган.

Таржима муқаддимасида таржимон томонидан Мирзо Содик Мунший уни Абдулазизхонга атаб ёзгани ва кито-

би номини “Ахлоқи Азизий” деб номлаганини қуйидагича ифодаланган:

“Ахлоқи Азизий”ки, салтанатпоноҳ Абдулазиз Баҳодирхоннинг ишорати бирла балогат қарин Мирзо Муҳаммад Содик Муншийнинг таъбизодасидин таълиф топмиш бўлғай...

Мирзо Содик Муншийнинг мазкур одоб-ахлоққа қаратилган асари ғоят қисқа лафзлардан тузилган, ҳикматли гаплардан таркиб топган. Шунинг учун таржимон уларни иложи борича изоҳлаб, кенгроқ шарҳлаб боришга мажбур бўлган. Таржимон бу ҳақида шундай ёзади:

“Эмди, азкиё аҳлидин умид улким, бу шарҳ қилинғон ахлоқ китоби била турк лафзи бирла билғон шархнинг фикралари орасида алфоз равишлариким мувофиқликлари тародуф зарифи била муяссар бўлур. Агар гоҳи анда хато воқеъ бўлган бўлса, маъзур тутғойлар. Нечунким, бу шарҳ қилинғон китобнинг мийноси ҳар муддаода икки фикраға мутараттаб қилмоқ бирла бўлмишким, ниҳоят эъжоз ва ғояти ийжоздин ҳам ўтмиш. Агар у икки фикрани таркиб ва тартиб юзидин қовлаштуруб маъни афроди олинса, ани турк лафзиға ҳох ийжой ва ҳох итнобиҳаддида бўлсун ўз мартабасиға кўра хуш ва фасиқ кўрингайким, ёбусувор ҳарчанд тавсанронлиқ қилса, бедов от бирла ҳам наврад бўла олмас ва душоб ҳар нечаким ҳаловатбахш эса аслдек ширин мундоқ қайда бўлғай”.

Мирзо Содик Мунший асари сўзбошисида инсонни яратилишидан мақсад нималиги ҳақида тўхталади. Сўнг-ра адолат, саховат ва футувват (жавонмардлик), шижоат, рифқу (мулойимлик) шафқат, дурбинлик, яъни узоқни кўра билиш, ҳар бир нарсани оқибатини ўйлаш каби инсоннинг зоҳирий ва ботиний хислатлари, дунёнинг бевафолиги, шариатнинг пок сақламоқ сингари ишларга эътиборли бўлиши ҳақидаги ўғитлар ва ниҳоят, донишманд-ҳаким-

ларнинг панд-насиҳатларидан намуналар берилган. Асар таржимаси охирида таржимоннинг хонға назмий илтижо ва насиҳатлари ўрин олган.

4. Мирзо Салимбек Салимий

Тарихчи ва шоир. Бухорода бой оилада 1850 йили туғилган. Шу ерда яхши маълумот олгач, 1871 йил Нарпай ва Зиёуддин вилояти ҳокимиға котиблик қилган. Россия билан Бухоро орасида муносабатлар ўрнатилгач, Тошкентга Бухоро амирининг савдр вакили, кейинчалик элчиси қилиб юборилади ва бу ерда 12 йил яшайди. Кейин Хутфар ва Самжон туманларига амалдар этиб тайинланади ва мирохўр мансабини олади. Амир Абдуоҳад (1885-1910) тахтга ўтиргандан кейин унинг элчилари қаторида Петербургга борали. Кейин беш йил Бухоро шаҳри миршаби лавозимида ишлаб, сўнг Яккабоғ вилоятиға ўтказилиб, тўрт йил ҳокимятни бошқаради. Кейин Бойсун вилоятиға, 1905 йилдан Шеробод вилоятиға ҳоким этилади. Бу ерда тўрт йил ҳокимлик қилади. Олимхон (1910-1920) даврида бош закотчилик қилиб, 1918 йили амир армиясига қўмондонлик қилади. 1920 йили Чоржўй вилоятиға ҳокимлик этилади, 29 август 1920 йил халқ инқилоби натижасида ағдарилиб, қамоққа олинди. Бир йилдан сўнг бўшатилиб, 1930 йил март ойида Бухорода вафот этган.

Салимбек бир қанча тарихий, адабий ва диний асарлар ёзиб қолдирган:

❖ “Кашкули Салимий ва тарихи мутақаддимин ва мутааххирин” (Салимий кашкули ва қадимги ва сўнги шохлар тарихи). Асар марказий Осиёда қадимги даврдан 1912 йилгача ҳукм сурган ҳукмдорлар Россия ва Туркиянинг қисқа тарихини ўз ичига олган. Бир қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ да сақланади (ашёвий рақами 4714).

❖ “Тухфат ал-аҳбоб фи-т-тазкират-ил-асҳоб” (Асҳоб шоирлар зикри ҳақида аҳбобларга тухфа). Бу асар Мулло Раҳматуллоҳ Бухорий Возих 1893 йили тузган тазкира бўлиб, Салимий унга то жаидларгача бўлган кейинги шоғирдларни ҳам қўшган. Китоб охирида юқорида эслатганимиз Мулло Шарафиддин Аъламнинг “Тарихи Саййид Роқим” ёки “Тарихи Касира” асари қўшиб нашр этилган.

❖ “Жомеъ гулзор” (Гулзор мажмуаси). Шеърӣй-ахлоқӣй асар. 1917 йили уни Салимбек ўзбек тилига ағдарган.

❖ “Дурр ал-воизин” (Воизлар дурдонаси). Араблардан олинган насихатомуз ҳикоялардан иборат.

❖ “Муҳбир ал-ҳикоёт” (Ҳикоялар хабарчиси). Бу ҳам насихатомуз ҳикоялардан иборат.

❖ “Тарихи Салимий” (Салимий тарихи). Бу Салимбекнинг энг муҳим асари бўлиб, Бухоро амирининг сўнги амирлари Музаффар (1860-1885), Абдулахад (1855-1910) ва Олимхон (1910-1920)лар давридаги 60 йиллик тарих ҳақида қимматли ва муфассал маълумотларни ўз ичига олган. Унда бошқа асарларда учрамайдиган бир қанча янги ва муҳим воқеалар берилган, Бухоро амирининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тарихи ёритилган. Бу асарнинг Салимий ўз қўли билан ва ўғли билан ёзган ягона қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ да мавжуд (ашёвий рақами 2016).



Мавзу бўйича саволлар:

1. Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший ижоди ҳақида сўзлаб беринг?
2. Ўз даврида Раҳимхўжа Шошийнинг хизматлари халқ орасида қандай қадрланди?
3. Адиб Раҳимхўжа Шошийнинг “Солату Масъудий” асарини ўзбек тилига таржимаси ва унинг нашри ҳақида маълумот беринг?

4. Раҳимхўжа қандай таҳаллуси билан ижод этган?
5. Адиб Раҳимхўжа Шоший қаламига мансуб илк туркий назм қачон амалга оширилди?
6. Назмий таржима қайси қўшни ўлка матбааларида чоп этилди?
7. Раҳимхўжа Шоший ўз даврининг қайси қайси етук олимларидан сабоқ олган эди?
8. Мирзо Муҳаммад Содик ибн Абдували Мунший қандай олим эди?
9. Мунший ҳақидаги маълумотларни қайси манбаларда учратамиз?
10. “Тарихи манзум” асари ҳақида нималарни биласиз?
11. Мирзо Салимбек Салимийнинг ижодий фаолияти қандай шароитда кечди?
12. Салимбек тарихий, адабий ва диний асарлари ҳақида маълумот беринг?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шошийнинг ҳаёти ва илмий мероси.
2. Раҳимхўжанинг ноширлик борасидаги меҳнати ҳақида.
3. Назми Фикҳи Кайдоний асарининг кодикологик таҳлили.
4. Тўрақўрғондаги Ибрат ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей ҳақида.
5. Мирзо Муҳаммад Содик ибн Абдували Мунший илмий мероси.
6. “Тарихи манзум” асарининг ўрганилиши ҳақида.
7. Мирзо Салимбек Салимий тарихчи олим сифатида.
8. Мирзо Салимбекнинг тарихий асарлари таҳлили.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.
2. Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя 1-жилд. – Т.: “Адолат” нашриёти, 2000. – 848 б.
3. Аждодларимиз маънавий меросидан. – Т.: “Фан” нашриёти, 2014. – Б 113-116.
4. Маҳмуд Хасаний. “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 48 б.
5. Рашид Зоҳид, Акрам Деҳқон. Мухтасар. –Т.: Чўлпон, 1994. – 336 б.
6. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.
7. Ўрта аср шарқ алломалари. Энциклопедияси. Таҳрир хайъати. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016. – 612 б.
8. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Кифоя (Шарҳи Мухтасари Виқоя). 1-Ж. –Т.: “Шарқ” нашриёт –матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2008. – Б. 60-63.
9. Мухтасар ал-Виқоя таржимаси. Мутаржим: домла Муҳаммад Солиҳий. – Қозон: Ака-ука Каримовлар, 1902. – 310 б.
10. Мухтасар ал-Виқоя таржимаси. Мутаржим: Шаҳобиддин ибн мулла Абдулазиз. – Қозон: Б.Л. Домбровский, 1896. – 357 б.

XVII. МАНБАШУНОСЛИКДА ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР: ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ МАСАЛАСИ

Режа:

1. Манбашуносликда илк ҳужжатларнинг манба сифатидаги аҳамияти
2. Марказий Осиё манбашунослигини ўрганишда ёзма ҳужжатлар
3. XIX-XX асрларга оид расмий ҳужжатлар таҳлили
4. Совет даврида Ўзбекистонда манбашунослик фани (XX аср 20-50 йй)

Таянч сўз ва иборалар: ҳужжатшуносликнинг илк ривожланиш босқичи, Ҳулафои рошидун даври, Умавийлар даври қозилиги, аббосийлар ҳукумати, ислом ҳукмрон бўлган ўлкаларда ҳужжатшунослик, қозилик маҳкамалари, ҳужжатшуносликка оид манбалар, ёзма ҳужжатлар, энг қадимий ҳужжатлар, маҳкама ҳужжатлари, ҳужжатларни расмийлаштириш, Муҳаммад Шайбоний, ҳужжатларнинг ҳудудий тақсимланиши, Расмий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Хива ҳужжатлари, Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлар, ҳужжатларни ўрганишда муаммолар, Мустабид тузум, ҳукмрон мафкура ва унинг сиёсати, миллий ғурур, Ўзбекистон мустақиллиги, “Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш”, тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг аҳамияти.

1. Манбашуносликда илк ҳужжатларнинг манба сифати аҳамияти

Исломда маҳкама-ҳуқуқ масалалари ҳар доим давлат-чилик ва жамиятдаги муносабатларнинг ривожланиш

даражаси билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳужжатшунослик билан боғлиқ фаолият ҳар бир даврда ўзига хос даражада ривожланиб борган.

Илк ўрта асрларга келиб Мовароуннаҳрда таълиф этилган ҳужжатларнинг илк ривожланиш босқичи Муҳаммад алайҳис саломнинг пайғамбарлик даврлари (610-632) билан боғланади. Кейинги босқичлар сифатида Хулафои рошидун (632-661), Умавийлар (661-750) ва Аббосийлар (750-1258) даврларини қамраб олади.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мадинада олиб борган фаолиятларида бевосита қозилик, мамлакат ижтимоий ҳаётига оид муҳим қоидалар қабул қилиш, ижросини таъминлаш, давлатни бошқариш каби ваколатлар ягона шахс, яъни Пайғамбаримиз томонидан амалга оширилган. Бу даврда ҳали қатор ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан қозига мурожаат қилиш тартиби, даъвогарнинг муаммо ва арзларини кўриб чиқиш ҳамда уни ҳал этиш билан боғлиқ муайян қоидалар ҳам ишлаб чиқилмаган эди.

Ислом давлатининг чегаралари кенгайган сари пойтахт, вилоят ва катта шаҳарларга волий (ҳоким) тайинланар экан, унга ижро этиш ваколоти билан бирга қозилик ишини олиб бориш вазифаси ҳам қўшиб берилган. Бундан кўринадики, давлат раҳбари ҳам волий, ҳам қози сифатида фаолият юритган. Мазкур амалдорлар сирасига Али ибн Абу Толиб (Яман), Муоз ибн Жабал (Яманнинг бир қисми), Муъқал ибн Ясор (Яманнинг иккинчи қисми), Абу Мусо ал-Ашъарий (Куфа), Аъло ибн ал-Ҳадрабий (Баҳрайн), Аттоб ибн Усайд (Макка) каби саҳоба розияллоҳу анҳумларни киритиш мумкин.

Илк ислом давлатчилиги даврида қозилик ишлари юритиладиган махсус маҳкамалар бўлмагани боис даъвогар қаерда мурожаат қилса, ўша ерда даъво кўрилган ва ҳал этилган. Бундан қабилачиликка асосланган анъаналар сақланиб

давом этиб келаётганини илғаш мумкин. Яъни шахсий, оилавий, икки киши орасидаги масалалар, ажримга ўхшаш даъволар тез ва содда тартибда, ҳеч қандай расмий ҳужжатларсиз фақатгина Қуръон ва Пайғамбаримиз кўрсатмаларига асосланиб ҳал этилаверган.

Бироқ жиддий низолар ечими, масалан, Муҳаммад алайҳис салом билан Мадинанинг туб аҳолиси (ансор), маккалик (муҳожир) мусулмонлар ва Мадина атрофидаги яҳудий қабилалар ўртасида тузилган “Мадина шартнома-си”нинг (Маншур ал-Мадина) 42-моддасига кўра шартномани имзоловчилар ўртасида юзага келган ҳар қандай низо Муҳаммад алайҳис салом томонларидан ҳал қилиниши лозим эди.

Ислом оламида бундай даъволар кам учраса-да, баъзи фақиҳлар томонидан алоҳида китоб шаклида тадқиқ этилган. Масалан, моликий мазҳабиға мансуб ибн Талаъ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Фараж (ваф.497/1104) ва ҳанафий мазҳабиға мансуб Заҳируддин Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Марғиноний (ваф.506/1113) “Ақзияту Расулиллаҳ” (“Расулуллоҳ чиқарган ҳукмлар”) номли асарини келтириш мумкин. Жумладан, Имом Бухорийнинг “Жомеъ ас-саҳиҳ” ва Имом Термизийнинг “Сунан” асарларида ҳам Муҳаммад алайҳис салом томонларидан кўриб, ҳал қилинган қатор даъволар қайд этиб қўйилган. Бу каби даъво ишлари давлат, инсон ҳаёти ва соғлиғи, шахс мулки ва давлатнинг мулкӣ муносабатлари, шунингдек оилавий муносабатлар, тижорат, жиноят, фуқаролик ва бошқа шу каби ишларга қаратилган эди.

Хулафои рошидун даврида қозилик ишлари худди Муҳаммад алайҳис салом даврларида бўлгани каби оддий ва содда йўлдан бориб даъволар тезлик билан ҳал этилган. Бу давр кучли давлатчилик сари илк қадамлар қўйила бошлагани билан аҳамиятли.

Халифа Умар розияллоҳу анҳу даврига келиб қозилик мансабига алоҳида шахслар таъйин этила бошланди. Жумладан, унинг ҳукмронлиги даврида Зайд ибн Собит ва Абу Дардолар Мадинада, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Шурайҳ ибн ал-Хорис ал-Киндий ва Убайда Салмонийлар Куфада, Убада ибн Сомит Ҳимс ва Қансаринда қози сифатида фаолият юритганлар. Халифа қозилик тизимини ижро этувчиларни ҳокимиятдан ажратган. Натижада бевосита халифа билан боғлиқлиги қозиларнинг обрўси кўтарилишига сабаб бўлган. Лекин бу каби ислохотлар мамлакатнинг барча ҳудудларида амалга оширилди, деб бўлмайди. Баъзи вилоятларда ҳамон волийларнинг ўзи қози сифатида ҳам фаолият юритар эдилар.

Халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу даврида ҳам қозилик амалиёти мустақил ва волийлар ёрдамида олиб борилган. Жумладан, Яъло ибн Умаййа Санъо шаҳрига ҳам қози, ҳам волий этиб тайинланган. Басрада Каъб ибн Сур қозилик лавозимидан бўшатишга, қозилик иши Басра волийсига юклатилган.

Халифа Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу даврига келиб пойтахт Куфада қозилик вазифасини халифанинг ўзи бажарган. Вилоятлардаги қозилар эса, вилоят волийси томонидан тайинланган.

Демак, қозиларни тайинлаш ҳар бир халифанинг ўз сиёсатидан келиб чиқиб амалга оширилган ва давр ўтган сайин муайян тизимларга солиб борилган. Илк ислом даврида қозилик давлат мансаби бўлгани учун давлат ҳисобидан уларга маош тўланган.

Хулафои рошидун даврининг илк босқичида қозилик ишлари ихтисослашмади. Лекин даъволар асосан уй ва масжидларда кўрилди. Жавобгар шахс ёки айбланувчиларнинг вақтинчалик ушлаб туриш, уларга соқчи тайинлаш масалалари такомиллаштирилиб, сижн (қамоқхона) лар ташкил қилинди.

Умавийлар даврига келиб қозиликнинг алоҳида ҳокимият сифатида шаклланишига олиб келди. Энди ҳоким ёки халифалар қозиларни тайин этиш, уларнинг амалий фаолиятларини кузатиб бориш ва чиқарган ҳукмларини текшириш, маҳкама қозиси ва ходимларига ойлик маош тайинлаш, ўз вазифасидан четлаштириш ҳамда мансабдор шахслар устидан қилинган шикоятларни бевосита кўриш каби масалалардагина қози ишларига аралашар эдилар. Умавийлар даври қозилари икки гуруҳга – пойтахт қозилари ва вилоят қозиларига бўлинганлар. Пойтахт қозилари шахсан халифа томонидан, вилоят қозилари эса, ҳокимлар томонидан тайинланган. Қозилик масалаларидаги ижобий ислохотлар асосан халифа Умар ибн Абдулазиз (717-720) ҳукмронлиги давридагина амалга оширилди. Тарихдан биламизки Умар ибн Абдулазиз ҳатто рошидунларнинг бешинчиси номини ҳам олган. У юритган ислохотлар умавийлар сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш, диний-ҳуқуқий масалаларни давлат миқёсида тадбиқ этишга қаратилгани билан характерли ҳисобланади. У олиб борган ислохотлар оддий халқ ва илм аҳллари орасида ижобий қабул қилинди. Бундан кўринадиги умавийлар даврида амалга оширилган самарали ва натижали ислохотларнинг аксари Умар ибн Абдулазизгагина қаратилган.

Умар ибн Абдулазиз қозиларни тайинлашда қўйидагиларга амал қилган, яъни: “Қозида беш хислат бўлса, у мукаммал бўлади: ўзидан олдингилар ҳақида илм, таъмадан сақланиш, томонларга нисбатан юмшоқлик, имомларга иқтидо қилиш ва аҳли илм билан маслаҳатлашиш”.

Умавийлар даврида биринчи марта қозилик ишлари қайд қилинадиган ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирни биринчи бўлиб, Муовия ибн Абу Суфён даврида Миср қозиси Сулайм ибн Итир ат-Тажибий амалга оширган. У қозилик ҳукмлари бўйича қайдларни амалга

оширишни қуйидаги воқеа сабабидан йўлга қўяди: қачонлардир мерос масаласидаги даъвода ютқазган киши ишни ўз фойдасига ҳал этишни кўзлаган ҳолда қайта даъво кўтаради. Даъвогарнинг қозини алдаган ҳолда ҳукмни ўз фойдасига ўзгартирмоқчи бўлгани Сулаймга аён бўлгач, у ўз котибига кўрилган барча ишларни ва чиқарилган ҳукмларни бирма-бир қайд этиб боришни буюради.

Умавийлар даврида қозилик маҳкамаларида бир қанча янги лавозимлар таъсис қилинди. Улар шароит тақозосидан келиб чиққан эди. Масалан: “Мунодий” – қозилик мажлисларида мунтазам иштирок этадиган лавозим бўлиб, унинг асосий вазифаси даъвогарларга қозининг келганини билдириш ва уни танитиш, ҳусуматчиларни қози мажлисига чақириш ва бошқа юмушлар кирган.

Даъволар кўпайиб борган сари одамларни тартиб асосида қозихонага киритиб, тинчликни таъминловчи “ҳожиб” лавозими юзага келди. Ҳожиблик вазифасини баъзан мунодийлар ҳам бажарган. Аксар ҳолларда ҳожиблик “жилвоз” (миршаб)ларга юклатилган. Жилвозлар шаҳар “шурта”сидан (миршаблик) қозихонада тартиб-интизом сақлаш мақсадида тайинланган ва уни қозининг ўзи ҳам қозихона миршаби сифатида мансабга тайин этиш ваколатига эга бўлган. Халифалик сарҳадлари кенгайиб, турли тилларда сўзлашувчиларнинг сони ортган сари маҳкамаларда “мутаржим”лик лавозимлари ҳам ташкил этилган.

Мана шу даврларда мансабдорлар томонидан ноқонуний ишларнинг кучайиши, сулола вакилларининг бошбошдоқчилиги, мусулмонлар орасидаги нозолар ва бошқа шу каби иллатларнинг авж олиши натижасида халифа ҳузурида “мазолим қозилик маҳкамаси” ташкил этилди. Бу маҳкамада асосан, мансабдор шахслар ва қозилар устидан қилинган шикоятлар кўрилган. Мазкур маҳкама умавий халифа Абдумалик ибн Марвон томонидан ташкил этил-

ган эди. Ибн Ҳабиб ал-Мовардийнинг хабар беришича, иш хусусида келган шикоятчиларни эшитиш учун маълум кун белгиланган ва халифа бирор масалада иккиланса ёки уни энг тўғри ҳал қилмоқчи бўлса, ўзининг хос қозиси Абу Идрис ал-Аздийга топширган.

Мовардий ўзининг “ал-Аҳком ас-султония” асарининг еттинчи бобини тўлиқ “мазолим” қозилик маҳкамалари фаолиятига бағишлаган. Унга кўра ўша давр қозихоналари бир хил тартиб-қоида асосида иш юритган. Жумладан, икки турдаги маҳқамада ҳам даъвони кўриш учун келтирилган далил ва исботлар бир хил талаб асосида кўрилган. Умар ибн Абдулазиз даврига келиб, “мазолим” маҳкамасида далиллар борасидаги қаттиққўлликдан воз кечилган. Шариат қонунлари бўйича етарли далил бўлмаса-да, озгина ишора билвосита далилларнинг борлиги ҳукм чиқариш учун асосли деб топилган. Буни бир қатор мансабдор шахслар ва улавийлар сулоласи етакчиларининг танобини тортиб қўйишга қаратилган сиёсат сифатида изоҳлаш мумкин. Демак, бу билан қозиликда икки хил тўхтам (даража) – биринчиси, қозилик иккинчиси, юқори босқичи – мазолим юзага келди. Чунки бу даврда қозиликда чиқарилган ҳукмлар устидан мазолим маҳкамасига шикоят қилиш (апелляция, қайта даъво) ҳуқуқи амалда бўлган.

Маҳқама қозилари ўз мажлисларида даъво ишларини кўриш ва иш юзасидан ҳукм чиқариш борасида эркин бўлишган. Чунки мамлакатда қозилик амалиётини олиб бориш бўйича халифа Умарнинг йўриқномасидан ташқари муайян қонун-қоида ва тартиб белгилаб берилмаган бўлиб, қози асосан, Қуръон, сунна, саҳобаларнинг қарашлари, аввалги қозилар чиқарган ҳукмлар ва урф асосида ҳукм чиқариши лозим бўлган. Бироқ қозининг ҳукм чиқариш борасидаги эркинлиги ўз мансабини суистеъмол қилишга олиб бормаслиги шарт қилинган. Ушбу борадаги ишларни

тартибга солиш мақсадида давлат раҳбарлари томонидан белгиланган масъул ва мулозим маҳкамалари қозилар амалий фаолиятини мунтазам равишда кузатиб борганлар.

Маҳкама қозиларининг илмий савияси ва манбалар билан ишлашдаги ўзига хос ёндашувлари уларнинг илмий фаолиятида яққол кўзга ташланган. Яъни бир даврнинг ўзида бир масала юзасидан бир қозининг чиқарган ҳукми ва адолати бошқасиникидан фарқ қила бошлаган. Бу ҳаракатлар қозилик фаолиятини олиб боришда ўз ёндашувларини маъқуллайдиган турли мактабларнинг юзага келишини таъминлаб берган. Жумладан, Мадинада ҳукм чиқариш борасида ёзилган манбалардан четга чиқмасликка ҳаракат қиладиган мактаб – аҳли ҳадис юзага келган бўлса, Ироқ, Хуросон ва Мовароуннаҳрда манбалардан ҳулоса чиқариб, уларга қиёсий ёндашув асосида, ҳукмларни янгилашга уринувчи мактаб – аҳли раъй майдонга чиқди. Шунга қарамасдан, қозиликда амалиёт эркин олиб борилган. Бу эса, қозининг ҳукумат сиёсати таъсиридан ҳоли тарзда адолатли ҳукм чиқаришга имконият яратган. Бироқ баъзи давлат раҳбарлари қозидан ўзаро маслаҳат асосида иш юритишни талаб этганлар.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий қозиларни султон суҳбатидан ўтказиб, кейин лавозимга тайинларшни илгари суради. Чунки, фосиқ ёки қозиликка ярамайдиган одамни таниш-билиш орқали қози бўлиши фитналарга сабаб бўлиши мумкин, деган. Зеро, фосиқлик, жоҳиллик ва илмсизлик билан чиқарилган ҳар қандай ҳукм адолатнинг оёқ ости бўлишига сабаб бўлган.

Ҳарбий соҳанинг ҳам кенгайиб бориши аскарлар орасида ички тартиб-интизомни сақлаш, ҳарбий жиноятларни адолатли ҳал этишни талаб этар эди. Шу боис мамлакат қўшини ҳузурида ҳарбий қозилик маҳкамалари жорий этилди.

Умавийлар даври қозилик маҳкамаларида ўтказилган ислохотлар натижаси ўлароқ, мамлакат қозилари зиммасига янги вазифалар юклатила бошлаган. Жумладан, жамиятда кўп кузатиладиган етимнинг молини ейиш, вақф мулклари ва байтул молни ноқонуний ишлатиш каби ишларга барҳам бериш мақсадида бу турдаги мулкларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳам қозиларга берилган. Масалан, қозиларга ҳозирги кунимиздаги прокурор вазифасини бажарувчи мансабдорларга бериладиган имтиёз ва вазифалар юклатилган. Юқоридаги ўтказилган ислохотларнинг барчаси қозилик маҳкамалари фаолиятини том маънодаги ҳуқуқини ҳимоя ва муҳофаза қилувчи орган сифатида шаклланишини таъминлаган.

Ислом тарихида аббосийларнинг ҳукумат тепасига келиш даври давлатчилик, ҳуқуқшунослик, тил ва адабиёт, исломий фанларнинг ривожланиши, мазҳабларнинг вужудга келиши, диний-ақидавий қарашларнинг сиёсийлашуви, араблар билан ислом эътиқодидаги бошқа халқлар ўртасидаги тенгликнинг таъминланиши бу давр цивилизациясида классик давр сифатида эътироф этилади.

Ўрта аср тарихида ислом ҳукмрон бўлган ўлкаларда қозилик маҳкамаларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни халифалик тахтига аббосийларнинг (ҳукм даври. 133-656/750-1258 йй.) чиқиши билан боғланади. Аббосийларнинг давлатчилик борасида амалга оширган қатор ислохотлари замирида умавийларнинг сўнги даврида заифлашган давлат тузилишини мустаҳкамлаш туради. Қозилик маҳкамаларини қайта такомиллаштириш борасида жарий этилган қатор вазифалар ҳам мазкур ислохотлар сирасига киради.

Халифа Абу Жаъфар Мансур (ҳукм даври. 750-754) қозиларни тайинлашга фақат халифа ҳақли деб ҳисоблаб, ҳокимларни бу ваколатдан маҳрум этди. Яна қозилар устидан турувчи мазолим маҳкамалари кенгайтирилиб, уларга махсус бинолар ажратилди.

Ҳорун ар-Рашид (ҳукм даври. 786-808) даврида қозилик расмий-ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Халифаликда “Қози ул-қузот” лавозими таъсис этилди. Айнан шу воқеа сабаб, қозилик маҳкамалари тизими тўла мустақилликка эришди.

Эндиликда қози ул-қузотларга маҳкамалардаги қозилик ишларини эркин бошқариш ваколати топширилган эди. Ибн Ҳалликоннинг таъкидлашича, мамлакат қози ул-қузоти Абу Юсуф биринчи бўлиб қозилар учун махсус кийим жорий этади. У қора салла ва тайласон (либос устидан елкага ташлаб кийиладиган кенг ва узун кийим) дан иборат бўлган. Қози ул-қузотнинг алоҳида девони ҳам бўлиб, унда ўз ходимлари билан фаолият юритган.

Дастлаб бутун халифаликда қози ул-қузотликка Бағдод шаҳридан тайинланган қози пойтахтнинг ўзидаги девонида мамлакат қозилари устидан назорат қилган. Кейинчалик бу лавозим мамлакат миқёсида қўлланила бошлаган. Халифаликдан ажралиб чиққан мустақил давлатларнинг алоҳида қози ул-қузотлари бўлган. Баъзи ҳолларда мамлакатлар бўйлаб ҳар бир мазҳаб бўйича алоҳида қози ул-қузотлар фаолият юритганлар. Фотимийларда эса, қози ул-қузот лавозимига фақат шиа мазҳабида бўлган фақиҳлар сайланган.

Аббосийлар даври мазолим маҳкамасида мажлис иштирокчиларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Мажлис раиси: халифа, бош вазир, қози ул-қузот
- Қўп шикоят тушган қози, ҳокимлар ёки шикоят эгалари
- Фақиҳлар ва сарой олимлари
- Мажлис ҳулосаларини ёзиб турувчи халифа котиблари
- Гувоҳлар

Ушбу кишилар тўлиқ йиғилсагина, мазолим маҳкамаси ўз ишини бошлай олган. Мазолим маҳкамаси ваколатлари қуйидаги синфларга бўлинган:

❖ Истишорий, яъни шариат аҳкомларининг тадбиқи этилишини назорат қилиш;

❖ Маъмурий, яъни амалдорлар ишларини назорат қилиш;

❖ Ҳуқуқий, яъни ҳокимлар ва халқ ўртасидаги низоларни ҳал қилиш;

Аббосийлар даврига келиб исломдаги барча мазҳаблар шаклланган бўлишига қарамай, мамлакат бош қозиси Абу Юсуф барча маҳкама қозиларини ҳанафий мазҳабидан тайинлаган. Кейинчалик минтақада турли мазҳабларнинг тарқалиши инobatга олиниб, ҳар бир мазҳаб бўйича алоҳида қозилар тайинланган.

Кейинчалик бош қози Абу Юсуф ислом тарихида илк бор бу соҳага асос солгани эътироф этилади. Унинг “Адаб ал-қози” асари кейинги даврларда яратилган манбаларга дастурул амал бўлиб хизмат қилди.

XIII асргача ёзилган “қозилик одоблари” йўналишидаги асарларда фақиҳлар эътиборини дастлаб, қозилик мақоми-ни белгилаб бериш, маҳкамалар фаолиятини ташкил этиш, маҳкама ходимларининг вазифаларини қайд этиш билан боғлиқ масалаларга қаратилган эди.

Бунда аввало, турли ҳолатларда жавобгарга қасам ичириш масаласи чуқур таҳлил этилган. Фақиҳлар иттифоқ қилган ҳолатда қасам ичиришни жавобгар (муддаъи ълайх), ҳужжатни эса даъвогар (муддаъи) келтиришини шарт қилганлар. Қасам ичириш арабий истилоҳда (йамин) деб аталиб, ислом дининг биринчи манбаси Қуръонни ушлаган ҳолда Аллоҳнинг номи билан жавобгарга нисбатан қилинаётган даъвонинг тўғрилиги ёки зиддига қасам ичилган. Қасам ичтириш (истихлоф) услуби қозининг ижтиҳодига қараб белгиланган. Агар жавобгар халқ орасида яхши хулқи билан танилган бўлса, унинг фақат Аллоҳнинг номи билан қасам ичиши кифоя қилган.

Ҳанафийликда қасам ичишни тарк этиш ҳолатлари фақат икки томон сулҳига рози бўлган ҳолдагина мумкин ҳисобланган. Жавобгарнинг сулҳдан бошқа ҳолатда қасам ичишдан бош тортиши қатор тадбирларни амалга оширишни талаб этган, яъни у бундай шароитда ўзининг айбсиз эканлигини исботлаш учун далил ва гувоҳлар келтириши лозим бўлган. Агар айбланаётган кимса ҳам қасамдан бош тортиб, ўзини оқловчи далил ёки гувоҳларини келтирмаса, ундай шароитда ҳукм қозининг жавобгарга нисбатан қаттиқ огоҳлантириш бериши ва уни уч кун ҳибсда ушлаб туриши билан якунланган. Юқоридаги тадбирлардан сўнг ҳам жавобгар бажариши лозим бўлган мажбуриятларни амалга оширмаса, қози қўрилган масалани даъвогарнинг фойдасига ҳал этиб берган.

2. Марказий Осиё манбашунослигини ўрганишда ёзма ҳужжатлар

Манбашунослик маънавий маданиятнинг бирор соҳасига нисбатан қўлланилар экан, унга кўра ёзма манбалар тузилиши мазмуни ва ҳажми ўлароқ тўрт тур – адабий манбалар, тарихий манбалар, илмий манбалар ҳамда ҳужжатларга бўлинишини айти ўтган эдик. Олдинги дарсларимизда биз тарихий, адабий ва илмий манбалар ҳақида сўз юритдик. Қуйида фақат ҳужжатшуносликка оид манбалар хусусидаги масалаларга эътиборингизни қаратамиз.

Ҳужжатлар – ёзма манбаларнинг тўртинчи гуруҳига мансуб ҳужжатлар ҳар қандай ёзма гувоҳномалардир. Бу гувоҳномалар асли ҳужжат мақомига эга бўлиб, улар давлатнинг олий ҳукмдори чиқарган фармон ва ёрлиқлардан тортиб, энг қуйи идораларнинг иш юритиш қогозларигача бўлган қатламни қамраб олади. Ҳужжатлар ўзининг мазмунига кўра, сиёсий-ижтимоий, маъмурий, ҳуқуқий, ҳар-

бий, молиявий, диний, хўжалик ва бошқа соҳаларга бўли-
нади. Марказий Осиё манбашунослигини ўрганишда ёзма
хужжатлар етакчи ўринда туради. Ҳозиргача аниқланган
хужжатларнинг энг қадимийлари Нисо шахридан топил-
ган бўлиб, “Парфия хужжатлари ёки Нисо хужжатлари” деб
аталади. У қадим парфиёний тилида ёзилган. Бу хужжатлар
милоддан аввалги 1 аср ва милодий биринчи асрга мансуб
бўлиб, беш мингдан ортиқ лойдан пиширилган лавҳача-
ларга битилган. Шундай қадимий хужжатлардан яна Муғ
тоғидан топилган суғд хужжатларидир. У ўз ичига саксон
хужжатни жамлаган бўлиб, аксари суғд тилида бўлса-да,
улар орасида баъзилари араб, қадимги хитой ва қадимги
туркий тилларида битилган. Улар тери, таёқ тахтачалар ва
қоғозларга ёзилган.

Яна шундай хужжатларнинг Тупроққалъадан топилган-
лари ҳам сақланиб қолган. Улар “Тупроққалъа хужжатлари”
номини олган. Бу хужжатлар VIII асрга мансуб қадимги
хоразмий тилида ёзилган. Бу ҳудуддан топилган хужжатлар
сони етмишга яқин бўлиб, аксари тери ва майда тахтача-
ларга ёзилган.

Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрга-
нишда илмий текшириш институт кутубхоналарида, давлат
тарих архивида, ўлкашунослик музейларида сақланаётган
расмий хужжат ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя катта.
Лекин уларни топиш, ўрганиш ва уз ўрнида фойдаланиш
ўта қийин бўлиб, тадқиқотчидан чуқур билим, махсус ма-
лака, қунт ва сабру матонат талаб қилади.

Ҳуқуқий хужжатларни ҳам, жамиятда катта нуфузга
эга бўлган шахслар ўртасида олиб борилган ёзишмаларни
ҳам бир жойдан, аниқроғи бир ёки икки асар ичидан, бир
музей, архив ва фонддан топиб бўлмайди. Уларни барча
музей, архив ва фондлардан, қўлёзма китоб ва чоп этилган
босма асарлардан қидириб топиш мумкин.

Ҳуқуқий ҳужжатлар - подшоҳ ва хонларнинг фармони, ёрлиқлар, иноятномалар, раҳномалар, васиқалар, вақфномалар ва бошқалар Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейларида, махсус илмий текшириш институтлари ва университетлар кутубхоналарида, шунингдек Давлат архивларида ҳамда шахсий коллекцияга олинган мажмуаларда сақланади. Аммо IX-XII асрга оид ҳужжатлар ҳали алоҳида тўпланиб ўрганилганича йўқ.

Мовароуннаҳр тарихида амалда бўлган маҳкама ҳужжатларига бағишланган манбаларни ўрганиш Ўзбекистон тарихининг манбашунослик, ҳуқуқ асослари ва тарихи билан боғлиқ жараёнларини ёритиш ҳамда тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Ўрта аср мусулмон ўлкаларининг ижтимоий ҳаётида ҳужжат юритиш тартиблари соддаликдан мураккабликка қараб ўзгариб борди. Ҳужжатларнинг тобора такомиллашиб боришида ҳанафий олимларининг хизмати катта бўлиб, улар ёзиб қолдирган манбаларда ҳужжатлар белгиланган тартиблар асосида расмийлаштирилгани кузатилади. Масалан, ҳужжатларнинг кириш қисми котиблар томонидан ёзилиб, унинг асосан қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратилиши шарт қилинган:

— даъвонинг вақти ўзгариши мумкин бўлганлиги боис, санага жой қолдирилган;

— ҳужжатга жавобгарнинг нутқини қайд этиш учун бўш жой қолдирилган;

— даъвогарнинг гувоҳлари бўлса, уларнинг исми, кунyasi, яшаш манзили, доимий ибодат қиладиган масжидининг номи тўлиқ ёзилган. Икки гувоҳ исмлари ёзилганда уларнинг орасида ҳам бўш жой қолдирилган. Мазкур ўринлар гувоҳларнинг қози мажлисида берган кўрсатмалари билан тўлдирилган. Котиб томонидан очиқ қолдирилган ўринлар қози томонидан тўлдирилган. Сўнг котиб бу ҳужжатга маҳкама муҳрини босиб, хошияси ёки устки қисмига

даъвогар ва жавобгарнинг исми, ижро куни санасини ёзиб қўйган. Бу турдаги маҳзарлар қозихона ҳужжатлари сақланадиган девон – *қиматра*га жойлаштирилган. Маҳкамада юритилган барча ҳужжатлар бир ой давомида *қиматра*да сақланган. Мазкур оралик ҳукм ижросини назорат қилиш ёки томонлардан бирининг ихтиёрига кўра ишни қайта кўриб чиқиш имконини берган. Бир ойлик муддат ўтгач, ҳужжатлар қози архивига тикиб борилган.

X-XIII асрларга оид ҳужжатларнинг юқори юридик савияда ёзилишида қозилик маҳкамаларида фаолият юритган котибларнинг алоҳида хизматлари бор. Тадқиқ қилинган манбаларнинг барчасида котиблик иши бўйича алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, у қозининг адолатли ҳукм чиқаришига масъул ва кузатиб турувчи шахс сифатида қаралган. Котибнинг маҳкамадаги жойи айнан, қозининг олдида бўлган. Қози учун маҳкама ишини юритиш ва ҳукм чиқариш, қарор қабул қилиш қанчалик муҳим ҳисобланса, бу ерда олиб борилган тадбирлар, мажлисларнинг расмийлаштирилиши, ҳужжат ишларининг тўғри ва аниқ юритилиши котиб зиммасига шунчалик масъулият юклаган. Ибн ʻАтторнинг фикрича, Андалусияда қозилик мажлисига номзоди кўрсатилган *котиб* шахсан, султон суҳбатидан ўтган ҳолатдагина мазкур вазифага тайин этилган.

Абу Наср Самарқандий ўз асарларида XII асрга келиб Самарқандда ҳужжатларни расмийлаштириш *инстанция* (босқичли) шаклида амалга оширилганлиги ҳақида хабар беради. Қози фақиҳлар кўрсатмасидан келиб чиқиб, намунавий услуб ва қоидаларга таянган ҳолда оғзаки тарзда қарор чиқарган. Котибнинг вазифаси қозининг қарорларини ҳужжат тузиш қоидаларига мувофиқ равишда ёзиб боришдан иборат бўлган.

Маждуддин Уструшанийнинг фикрича, қозилик девонининг асоси қарор эмас, балки у ерда тузиладиган ҳужжат-

лардир. Шу боисдан қозиликка номзод аввалдан котиблик лавозимида ишлаган бўлиши шарт.

Бурҳонуддин Маҳмуд илгари сурган қоидага мувофиқ қозилик девонида ҳужжатларни расмийлаштираётган котиб муайян бир мазҳаб бўйича фақиҳ бўлишлиги зарур бўлган.

Қозилик мажлисида кўрилган ҳужжатларнинг рўйхатини шакллантириш ишлари ҳам қозилик амалиётининг муҳим вазифаларидан ҳисобланган. Бундан ташқари, тузилган ҳужжатларнинг бир нусхаси қозининг жавонида узоқ муддат сақланган. Бу ўз навбатида, қозилик маҳкамасида расмий ҳужжатлар архивининг шаклланишини таъминлаган. Ўз даври учун хос бўлган бу турдаги қози архивининг мавжудлиги маҳкама фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши ва иш жараёнининг нисбатан енгиллашишига хизмат қилган. Шунингдек, кўрилган ишдаги ўхшашликларга таяниб, қози аввалги ҳужжатларда келтирилган ҳукмлардан тажриба сифатида фойдаланган.

Бурҳонуддин Маҳмуд ўзининг “*Муҳит*” асарида Самарқанддаги мадраса учун ажратилган вақф ҳужжати ҳақида гапириб, уни расмийлаштираётган қози ва котибни султоннинг ишончли вакиллари эканлигини таъкидлайди. Агар ажратилган вақф мулки бўйича қонунбузарлик рўй берган ҳолатларда ва вақф қилувчи вафот этиб кетган тақдирда ҳам қози девондаги ҳужжатнинг асл нусхасига асосланиб, вақф мулкини қонуний тиклаш ҳуқуқига эга бўлган. Бундай ҳолатларда қозининг қарор бериши султон ёки волийнинг аралашувисиз ҳам амалга оширилган.

Кўриниб турибдики, қози архивининг шакллантирилиши бир неча маънода иш унумдорлигини оширган, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олган, қозилик маҳкамаси фаолиятининг жуда кўплаб жабҳаларда ҳуқуқни қўллай олишга қодир муҳим ҳуқуқий-ижтимоий тизим эканлигини асослашга хизмат қилган.

Баъзи тарихий ҳужжатларда уч, тўрт муҳрнинг мавжуд бўлишлиги, унинг юридик кучини белгилаб берган. Қозилик девонидан чиқарилган ҳужжатда қози муҳри бўлган. Агар ҳужжатда кўрилган иш давлатга қарашли бошқа девонларнинг фаолиятига алоқадор бўлса, ҳужжат ушбу девон муҳри билан ҳам тасдиқлаб қўйилган. Кўрилган иш қайси шаҳар, қишлоқ ёки вилоятда бўлганлигини тасдиқлаш учун волий ёки ҳокимнинг муҳри ҳам керак бўлган. Баъзи ўринларда кўпгина котиблар халқ ичида ҳурматга эга бўлган фақиҳлар бўлгани боис, уларнинг султон томонидан берилган шахсий тасдиқловчи муҳрлари бўлган.

Исломдаги *маҳзар ва сижил* ҳужжатларини ҳозирги кун тили билан айтганда, документалистика (ҳужжатшунослик) ва дипломатика фанининг ўрганиш объектидир. Чунки мазкур фанлар ҳужжатларнинг ўрганилиш назарияси ва амалиётини кенг ёритиб беришга хизмат қилади.

Ислом дунёсида қозилик девонининг фаолиятига бағишланган биринчи манба Муҳаммад ибн Халаф Ваки' (ваф. 306/918 й.) томонидан ёзилган бўлиб, у Миср, Ироқ ва Сурия қозиларининг хронологик харитасини тузиб чиқди. Орадан эллик йил ўтиб, Мисрда Фотимийлар ҳукмронлиги даврида яшаган Муҳаммад Киндий (ваф. 362/972 й.) ўзининг "*Китобу-л-вулат ва китобу-л-қузот*" номли асарини қозилик фаолиятига бағишлади. Исломда қозилик маҳкамаларида кўрилган ишларни расмий қайд этиш Умавийларнинг илк даврида Миср қозиси бўлган Сулайм ибн 'Итир Тажибий томонидан амалга оширилди. Шу билан қозилик маҳкамаларида кўрилган ишларни қайд қилиш, гувоҳлар ва уларнинг кўрсатмалари ёзилган ҳужжатлар пайдо бўла бошлади.

Абу Ҳанифанинг издошларидан бири Муҳаммад ибн Саммо'а (ваф. 223/847 й.) Аббосийлар саройи Бағдод қозиси лавозимида фаолият олиб борди. У *маҳзар ва сижил* каби

махкама ҳужжатларини мустақил илм сифатида шаклланишига асос солди. У Абу Юсуфдан (ваф. 182/798 й.) сўнг қозиу-л-қузот мансабини эгаллаб, маҳкама ҳужжатларини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратди. Муҳаммад ибн Саммо‘а ислом тарихида биринчи бўлиб *“Китобу-лмаҳозир ва-ссижиллот”* асарини ёзган.

Мовароуннаҳрда ислом дини билан боғлиқ ёзма ҳужжатлар XI аср бошларида пайдо бўлди. Сомонийлар даврида Нишопурда яшаган ҳанафий олимларидан бири Маҳмуд ибн Музаффар ибн Маҳмуд Нишопурийнинг (ваф. 401/1011 й.) *“Арба‘ину-л-мустатоба”* (қирқта мақбул масала) номли асари Истанбул шаҳрида жойлашган Боязид кутубхонаси қўлёзмалар фондининг ҳадис бўлимида сақланаётганлиги маълум бўлди. 24 саҳифалик бу қўлёзма шартномалар тузиш илмига бағишланган. Унинг тадқиқотчилар назаридан четда қолишига сабаб, асарнинг ҳадис бўлимида сақланаётганлигида бўлиши ҳам мумкин.

Ислом ҳуқуқидаги шурут (нотариал шартномалар) сўзини ҳам дастлаб ҳанафийлик мазҳаби асосчиларидан Муҳаммад Шайбоний (ваф. 189/805 й.) ўзининг *“Сияру-л-кабир”* асарида илмий муомалага киритган. Шунинг учун шурут йўналишида асарлар ёзган кўплаб ҳанафий олимлар Муҳаммад Шайбонийдан қатор иқтибослар келтирганлар. Натижада XIII асргача ҳанафийлик мазҳабига доир асарлардаги ҳужжатлар шурут деб аталган. Қозилик маҳкамаларида расмийлаштирилган ҳужжатлар, *махзар* ва *сижил* номи билан юритилган.

X-XIII асрларга келиб ислом дунёсида бир қатор ҳуқуқий мактаблар пайдо бўлди. Тадқиқ этилган манбалар ислом тарихида ҳужжат тузиш анъана ва тажрибаларининг милодий XIII асрга қадар шаклланиб бўлганини тасдиқлайди. Қозилик девонлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжат матнларида асосан, Бухоро, Самарқанд, Балх, Марв, Ардабил, Бағдод, Дамашқ, Кардова, Гранада, Қоҳира каби

шаҳарлар номларининг зикр қилиниши исломдаги маҳкама ҳужжатлари асосан қуйидаги ҳудудларга тақсимлаб ўрганишга асос бўлади:

1. Мовароуннаҳр мактаби.
2. Хуросон мактаби.
3. Ироқ мактаби.
4. Шом мактаби.
5. Миср мактаби.
6. Андалусия мактаби.

Шундай қилиб, Марказий Осий манбашунослигини ўрганишда ёзма ҳужжатларнинг аҳамияти унинг илк давридан бошлаб кунимизгача бўлган катта даврни чегаралаб олган. Бу ҳужжатларни илмий жиҳатдан ўрганиш мамлакатимиз тарихининг ҳали очилмаган қирраларини кашф этиши, мавҳум ёки исбот этилмаган ўринларини янада бойитиши муқаррар.

3. XIX-XX асрларга оид расмий ҳужжатлар таҳлили

Расмий ҳужжатлар шаклидаги ёзма манбаларни ўрганиш илмий тадқиқот учун муҳимдир. Ҳужжатнинг матни, дасхати, ҳарфлар ва жумлаларнинг ёзилиш тартиби, уларнинг ички ва ташқи белгилари, мавзуларини ўрганиш, ҳужжатнинг асл нусха ёки кўчирмалигини, унинг ёзилган вақтини ҳамда унга кейин киритилган ўзгартиришларни аниқлаш ўрганилаётган объект ҳақида аниқроқ, батафсил маълумот олишга ёрдам беради. Расмий ҳужжатларни ўрганиш тарих фанининг ёрдамчи илм соҳаларидан бири бўлиб, ҳужжатлардаги қимматли маълумотлар бошқа ёзма манбалардаги тарих ва тарихда ўтган воқеа, ҳодисаларни ойдинлаштиришга, уларни тушунишга ва ҳатто қайта кўриб, янги фикр, мулоҳаза ва тасаввурга олиб келади.

Юртимизнинг кўп асрлик тарихига оид ёзма манбалар каторида юз ёки юз эллик мингдан зиёд ҳужжатларни ўрганиш, улардаги қимматли маълумотлардан фойдаланиб, тарихнинг қоронғу саҳифаларини ёритиш катта илмий аҳамиятга эга. Биз “ҳужжат” деган сўзнинг икки маъноси борлигини эслатмоқчимиз.

Биринчиси - ҳужжат, документ, акт маъносида бўлиб, ҳокимлар - подшоҳлар, амирлар, хонлар, йирик давлат амалдорлари ва қозилар номидан битилиб, уларнинг шахсий дастхати ва муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар. Булар жуда кам ҳолларда асл нусхада учрайди, аксарият ҳолларда эса, уларнинг нақл қилинган, қайта кўчирилган нусхалари сақланган.

Иккинчи маъноси - ўтмишдан қолган ҳоким, давлат идоралари, хусусий шахсларга тегишли мактублар, иншо-лар, арзнома ва қайдларни билдиради.

Юртимизда тарихимизга оид бой ҳужжатлар хазиналари мавжуд бўлиб, мутахассислар фикрича, уларда жами юз эллик мингдан зиёд ҳужжат сақланмоқда.

Ҳужжатларнинг энг бой хазинаси Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида бўлиб, уларнинг умумий сони юз мингдан кўпдир. Улар, асосан Қушбеги архиви, Бухоро амирлари, Хива хонлари, вилоятлар ҳокимлари девон ва маҳкамаларига тегишли ҳужжатлар, XV-XIX асрларга оид вақфномалардан иборат.

Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзма хазинасида тахминан ўн мингдан зиёд ҳужжат мавжуд бўлиб, улар асосан вақфномалар, ёрлиқлар, савдо битимлари, қарз ва сиқалари, ижарага оид тилхат, даъво аризалар ва бошқа турли мазмундаги расмий ҳужжатларни ташкил қилади. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиё ҳудудида яратилган. Жумладан, Самарканд, Бухоро, Хива ва бошқа шу каби вилоят-

лардаги музей ва архивларда ҳам бир неча минг ҳужжатлар сақланмоқда. Улар орасида ҳали рўйхатга олинмаганлари қанча?

1873 йили Хоразм Россия томонидан забт этилганидан сўнг Хива хони девонидаги ҳужжатлар мўътабар қўлёзмалар қаторида Санкт-Петербург шахрига олиб кетилган эди. Анча муддатдан сўнг, яъни 1936 йили шарқшунос олим П.П.Иванов Россия Миллий кутубхонаси собиқ М.Е. Салтиков Шчедрин номли Халқ Давлат кутубхонасида Хивада олиб кетилган ҳужжатларнинг бир қисми сақланаётганини аниқлади. Улар жами 137 та ҳужжат эди. Кейинчалик М.Ю.Йўлдошев Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида тўққизта ҳужжатни аниқлаб, уларни ўрганиб, нашр этди. Шундай қилиб, жами 155 та Хива ҳужжатлари чоп этилди. Мазмунига кўра уларни икки қисмга: кирим-чиқим қайдлари дафтарлари (Меҳтар, Қушбеги, Девонбегига тегишли) ва хон амалдорлари номлари қайд этилган дафтарларга ажратиш мумкин.

1967 йили Россия Миллий кутубхонасида яна уч мингдан кўпроқ Хива хонлари ҳужжатлари борлиги аниқланди ва 1962 йили аввал аниқланган ҳужжатлар билан бирга Тошкентдаги Ўзбекистан Давлат архивига келтирилди. Бу ҳужжатлар, асосан Хива хони номига ёзилган арзномалар, турли амалдорларга мурожаатнома, солиқ йиғини тўғрисида маълумотнома, юртда олиб борилган турли тадбирлар, канал қазиш, турли таъмир ишлари тўғрисида эди.

Хива ҳужжатларининг маълум қисми ЎЗР ФАнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида ҳам мавжуд. Бу ерда тўртта қозихона фаолиятини қайд этган дафтарлар бўлиб, уларда қозихоналарда амалга оширилган тадбирлар савдо, қарз, даъво, васият ва бошқалар тўғрисида маълумотлар битилган. Бу ҳужжатларда Хива хонлиги ҳудудига кирувчи Ҳазорасп, Қипчоқ, Манғит, Қа-

тағон, Қўнғирот, Шаҳобод, Тошовузларда амалга оширган ишларнинг зикри мавжуд. Бу дафтарларда 1893-1912 йилларда тузилган 28 205 та ҳужжат қайд этилган.

Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни О.Д.Чехович, П.П.Иванов, М.Йўлдошев, Э.Ю.Брегель, Т.Неъматов, А. Шайхова ва бошқа олимлар илмий жиҳатдан ўрганганлар. Аммо, уларнинг тадқиқотлари чуқур илмий ҳарактерга эга бўлса-да, асарлари анча вақт илгари чоп қилинган, ҳозирги кунда улар камёб нашрларга айланган.

Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни ўрганиш муаммолари О.Д.Чехович томонидан 1969 йили алоҳида мақолада ёритилиб, олима уларнинг ўзига маълум бўлган ўттиз тўрт тури борлигини қайд қилган бўлиб, уларнинг номларини келтирган. Улар қуйидагилар:

1. Омоннома - ҳарбий вазиятда тинч қўйиш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги ҳужжат;
2. Ариза - мурожаатнома билан таъминлаш;
3. Аҳднома - келишув;
4. Барот - солиқ олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;
5. Вақфнома - маълум мол-мулкни вақф қилиш, яъни хайрия ташкилотларига ўтказиш хусусидаги ҳужжат;
6. Васиятнома;
7. Васоа;
8. Васиқаи батот - савдо хусусидаги васиқа;
- 8.1. Васиқаи бахшиш - тухфа қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
9. Васиқаи жоиз - гаров тўғрисида ҳужжат;
10. Васиқаи ижоза - ижара тўғрисидаги ҳужжат;
11. Дафтар - солиқлар ҳақидаги ёки амалдорлар номлари ва маошлари қайд қилинган рўйхат;
12. Иноятномаи тухфа - олий мансабдор шахс томонидан берилган ҳужжат;

13. Истимолатнома - солиқни ундириш ҳақидаги буй-рук;

14. Кабола - савдо ҳақидаги (X-XVI асрларга оид) ҳужжат;

15. Махр - жанжал қайди;

16. Маншур - фармон;

17. Мисол - вилоятни бошқариш ҳуқуқини берадиган фармон;

18. Муборакнома - ҳоким девони буйруғи ёки у тўғридаги маълумот;

19. Нишон - маншур билан бир маънодаги ҳужжат;

20. Ривоят - муфтий томонидан баҳсли масала бўйича чиқарилган юридик қарор;

21. Сулҳнома - сулҳ тўғрисидаги шартнома;

22. Тилхат - қарз олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

23. Фатҳнома - ҳарбий ғалаба тўғрисидаги эълон;

24. Фатво - ривоят маъносида;

25. Фармон;

26. Хатти ваколат;

27. Хатти даъво, ариза;

28. Хатти никоҳ - никоҳ шартномаси;

29. Хатти тарака - мерос тақсимлаш ҳақидаги ҳужжат;

30. Хатти ибро - қарздан озод қилиш ёки даъводан воз кечиш тўғрисидаги ҳужжат;

31. Ҳукм - қоғози ёки ҳоким ҳужжати;

32. Ҳукмнома - ҳукум ҳужжати;

33. Ёрлиқ - хон томонидан лавозимга тайинлаш ҳақидаги ҳужжат.

34. Мажмуа - тўплам;

Муаллиф мақоласида ҳуқуқий ҳужжатлар (подшоҳ ва хонларнинг фармонлари, ёрлиқлар, иноятномалар, раҳномалар, васиқалар, вақфномалар) ҳақида тушунча берилиб,

айрим намуналар таржималари ҳамда расмий ёзишмалар характери, айрим мактублар мажмуаларининг қисқа мазмуни баён қилинган.

Ҳужжатларни ўрганиш кенг маънода тарих илми, хусусан манбашунослик соҳасининг вазифасига киради. Шунинг билан бирга ҳужжатларни алоҳида ўрганиш махсус илмий соҳа, йўналиш бўлиб, “дипломатика” деб ҳам аталади. Бу италянча сўз бўлиб, “букланган қоғоз” (“ҳужжат”) ни билдиради.

Мисол тариқасида “Хива қозилик ҳужжатлари (XIX-XX аср бошлари)” хусусида атрофлича тўхталмоқчимиз.

“Хива қозилик ҳужжатлари” давлат идоралари қайдига тушмаган 1992 йили Япон олими Тору Хорикава томонидан хивалик Алиакбаров Абдуҳамиднинг қизи Аклия Алиакбаровага тегишли бўлган ҳужжатлардир. Уларни япон олими сотиб олиб, Ўзбекистон Фанлар академиясиюшг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига совға қилган эди. Шундан сўнг, ушбу ҳужжатлар устида япон ва ўзбек олимлари А.Ў.Ўринбоев, Т.Хорикова, К.Исогай, Т.Файзиев, А.Жўраева бир неча йиллар давомида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, ниҳоят 2001 йили уни махсус каталог шаклида рус тилида нашр этдилар. Бу китобда 1713 расмий ҳужжат илмий тавсифланган, китоб охирига шахс номлари, жўғрофий номлар ва бошқа энг муҳим маълумотлар кўрсаткичи ва ўттизта ҳужжат фотонусхаси илова қилинган.

Ушбу ҳужжатларнинг аксарияти XIX асрга оид ва қисман XX аср бошларида тузилганлари ҳам бор. Айрим ҳужжатлар XVIII да яратилган бўлиб, энг қадимгиси 1762 йилда тузилган. Энг сўнги ҳужжатлар Шўро даврига оид бўлиб, 1924 йилда тузилган ва муҳрда «Хоразм Халқ жумҳуриятининг Хива қозилиги» муҳри билан тасдиқланган.

Ҳужжатлар орасида «ривоят» номи остида юридик, ҳуқуқий ажримлар ҳам бор. Уларда фикрий китобларга асосан хусусий мулк можаролари ажрим қилинган. Бундай ажримлар ушбу мажмуа ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, «ривоят» лар йирик фақиҳлардан бир нечтаси, муфтий, раислар томонидан ҳам тасдиқланган.

Ҳар бир ҳужжат тузиш учун маълум қонун-қоида, тартибига риоя қилинганини кўришимиз мумкин. Масалан, ҳужжатга дахлдор шахс номлари аниқ-тиниқ кўрсатилади, уларнинг жойи, ер чегараси, уй, дўкон тафсилотлари қайд этилиб, уларга қўшни жой номлари, гувоҳлар ва ҳужжатни тузувчи котиб номи битилади. Ҳужжат қози муҳри билан тасдиқланиб, тарихи ёзилади. Агар хошияга биронта қўшимча киритилса, у ҳам қози муҳри билан тасдиқланган.

Шундай қилиб, “Хива қозилик ҳужжатлари” мажмуаси Хива хонлигининг XIX аср ва XX аср бошидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ёритувчи бой маълумотларга эга.

4. Совет даврида Ўзбекистонда манбашунослик фани (XX аср 20-50 йй)

VIII асрдан то XX аср бошларигача Мовароуннаҳр, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом дини ва араб ёзувига асосланган маданий-маънавий ривожланиш ҳукм сурди. Бу маданиятни шартли тўрт даврга бўлиш мумкин:

- 1) IX-XII асрлардаги маданий юксалиш;
- 2) XIV-XV аср Темур ва темурийлар даврида маданий кўтарилиш;
- 3) XVI асрдан то XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган маданият;
- 4) XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида рус мустамлакачилиги давридаги маданий ҳаёт.

Туркистон ўлкасининг рус мустамлакачилиги ва шўро хукмронлиги даврида кечган воқеалари ҳам мазмун моҳиятига кўра, тадқиқот босқичлари сифатида мутахассислар томонидан тўрт даврга ажратилади:

1. 1917 йилгача ёзилган тадқиқотлар
2. 1920/1950 йиллар
3. 1950/1980 йиллар тарихшунослигига оид тадқиқотлар
4. 1980 йилдан то мустақилликка эришгунимизга қадар

ва мустақиллик йилларида ёзилган асар ва тадқиқотлар.

1917 йилнинг октябрь ойида большевикларнинг тўн-тариши туфайли Собиқ Иттифоқ халқлари, шу жумлада, Ўзбекистон халқи ҳам салкам 75 йил давом этган мустамлакачилик сиёсати ортида яшади. Бу жараённинг ўта мураккаб ва зиддиятли кечиши кўплаб қурбонлар берилишига, сиёсий ижтимоий таназзулга, маданий ва маънавий бурхонларга олиб келди.

Мустабид тузум Ўзбекистонни мустамлака сифатида сақлаб туриш учун уни хом ашё базасига ва маҳсулот бозорига айлантириш ҳолатини янада чуқурроқ илдиз отиши тарафдори эди. Бундай сиёсат оқибатида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши бир томонлама кечиб, асосан пахтачиликка ихтисослашиб қолди. Шу алфозда ўлка пахта яккахокимлиги қарор топди. Гарчи бу соҳада муайян ўзгаришларга эришилса-да, халқнинг ҳаёти тўлалигича хукмрон мафкура ва унинг сиёсатига қарам эди.

Тўғри ўша йилларда халқ оммасининг оғир меҳнати туфайли кўплаб завод ва фабрикалар қурилди, гектарлаб ерлар ўзлаштирилди, каналлар қазилди, қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси яратилди, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ҳажми тобора ортиб борди. Қатор илмий ва ўрта махсус ўқув юртлари очилди, улардан йиллар давомида қатор мутахассислар етишиб чиқа бошлади, шунингдек, қатор турар жойлар, аҳоли пунктлари, ҳукумат

бинолари ва маданий маърифий муассасалар барпо қилинди. Натижада халқнинг таълимий ва маданий савияси ортиди. Буларнинг барчасида ўзбек халқининг фидокорона меҳнати эвазига эришилган бўлса-да, улар аксинча, мустабид тузум даврида айтиш одат тусига кириб қолган “империянинг доно сиёсати” туфайли яратилди деган қарашлар мавжуд эди.

Юқоридаги ижобий фикрлар туфайли мустабид тузумнинг анча мафаатли томонлари ҳам бўлган эканку деган фикрлар туғилиши табиий. Лекин бу огир меҳнатлар эвазига барпо этилган моддий бойликлар ўзбек халқининг фаровонлиги учун ишлатилмади. Аксинча, бу моддий ва маънавий бойликларнинг барчаси ўзбек халқини камситиш, миллий ғурурини оёқ ости қилиш, ўзлигини унуттириш, коммунистик мафкурани эса, янада кучайтириш учун хизмат қилди. Бу ҳолатларни қатор мисоллар асосида кўришимиз мумкин.

Масалан Ўзбекистон ҳудудида қурилган корхона, завод фабрика ва бошқа ташкилотлар (айниқса, кимё комбинатлари) керагидан ортиқча ўзлаштирилиши сабаб, ўша аҳоли пунктларида турли касалликлар авж олиб, аҳоли сони камайди, айтиш ўша ерларда одамлар яшамай қўйди. (Масалан, Чирчиқ, Охангарон ва бошқа ҳудудлар).

Кейинги тақдири ҳақида қайғурмай ўзлаштирилган қуруқ ва суғориш ерларига тортилган каналлар, қурилган сув омборлари республиканинг экологик аҳволини янада мураккаблаштириб юборди. Бу ҳолат Орол денгизининг қуриб боришига олиб келди. Деҳқончилик ерларининг сифати ва ҳосилдорлик даражаси йилдан йилга камайиб кетди. Атрофдаги тоза ичимлик сувлари заҳарланди. Мустабид тузумнинг “экспериментлари”ни ва халқ бошига солган кулфатларни ҳамда зўравонлигу ғайри инсоний сиёсатни ҳеч қачон оқлаш мумкин эмас.

Мана шу даврга оид манбаларга қарайдиган бўлсак, Ўзбекистоннинг совет даврини (1917-1991) ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Тарихшунос олимларнинг саъйи ҳаракатлари эвазига ўша давр нуқтаи назаридан катта миқдордаги тарихий манбалар тўпланди. Лекин бу асарлар ўша давр ҳукумрон ғояси “ленинча” ва “марксча” услубда ёзилган ҳамда синфийлик ва партиявийликнинг асосий тамойиллари назаридан иборат эди. Шу боисдан улар бир томонлама, атайлаб бузилган манбалар ҳисобланиб, уларнинг фақат ўша давр учун, яъни коммунистик мафкурага хос деган хулосалар чиқарилган. Масалан, расмий манбаларни олсак, унда фақат давлат идораларининг ҳужжатлари ва партия тизими органларининг қарорларини тушунамиз. Давр расмий маълумотида уларнинг фақатгина маълум қисмлари чоп этилган. Лекин уларнинг асл ва тўлиқ шакллари турли махсус органлар назорати остида сақланиб, маълум даврларгача кўпчилик эътиборидан пинҳон тутилган. Уларни ўрганишда чоп этилган расмий манба ва мақолалардан фойдаланиш, уларни бошқа манбалар билан қиёсий солиштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳужжатлар орасида Шўро даври раҳбарлари ҳаёти ижодига оид маълумотлар уларнинг асарлари ишончли ва муҳим тарихий манба вазифасини ўтай олади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин тарихий ҳақиқатларнинг тикланиши учун, янгича ва холис ёндошув, совет даврида юзага келган “оқ доғларни” миллий мустақиллик мафкураси асосида ишлаб чиқариш учун шарт шароитлар қарор топди. Бу ўринда тарихий далил ва воқеаларга республика халқи манфаатларини ҳисобга олиш мезонлари асос қилиб олинди. Бу ёндошув Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил декабридаги “Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш” ва 1998 йил июлдаги “ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғри-

сида” ги қарорларида атрофлича баён этилган. Бунга кўра, совет даври Ўзбекистон тарихини ҳолисона ёритишга ҳаракат қилинган. Албатта, йирик саноатлашган марказларнинг қурилиши оддий халқнинг “фойдасига” ҳам хизмат қилган бўлиши мумкин.

- Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи...
- Чирчиқ кимё заводи...
- Тошкент трактор заводи...
- Агрегад заводи...
- Темир йўл...
- Чорбоғ геси...

Юқоридаги саноат объектлари ана шулар жумласидандир.

Ўтган XX асрнинг сўнги ўн йиллиги бошларида мустабид советлар давлатининг барҳам топиши нафақат собиқ иттифоқ халқлари ҳаётида, балки жаҳон миқёсида сиёсий вазиятни тубдан ўзгартирди. Собиқ иттифоқ таркибидан биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси ажралиб чиқди. Сўнгра Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари ташкил топди. Шу қаторда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро миқёсда чуқур эътироф этилган ўз тараққиёт йўлини танлаб, ундан оғишмай ривожлана борди.

Халқнинг асрий орзуси бўлган мустақиллик мустамлака даврида оёқости қилинган миллий, маънавий, илмий, ахлоқий-фалсафий, қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, илдизлари қадимий даврларга бориб тақалган тарихнавислигини ҳолисона ва чуқур ўрганиш имкониятини берди.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси қадим замонлардан то ҳанузгача кўплаб халқларнинг бошини муштараклик атрофида бирлаштириб келган. Шу сабабли, тарихга

оид хоҳ туркий, хоҳ форсий, хоҳ хитойи ёки ҳиндий, юноний, арабий, борингки, ҳар қандай ёзма манбага диққат қилинса, мазмуни ва берган маълумотларига кўра улар Марказий Осиё халқлари ўтмиши учун муштарак бўлиб чиқаверади. Бунинг туб моҳияти Марказий Осиёнинг қадим замонлардан бошлаб ягона тарихий маданий минтақа бўлиб келгани билан изоҳланади.

Марказий Осиё халқлари тарихини муштарак асосларга эга яхлит жараён сифатида ўрганиш бу минтақада милoddан аввалги I минг йиллик ўрталаридан бошлаб амал қилган маҳаллий алифбелари (нутқ товуш – ҳарф шартли чизма белги) ёзув тизимларини тадқиқ этиш, ўша ёзувлар билан битилган маълумотларни тарих масалаларини ҳал қилишга фаол жалб қилиш каби муҳим муаммоларни ўртага қўяди. Бинобарин, Марказий Осиё минтақасида қадимий ёзув маданиятининг ўчоғи сифатида ўнлаб алифбе тизимлари яратилган.

Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда манба-шунослик фани алоҳида ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳаққоний тарихни манбалар асосида, далил ва исботли тарзда ўрганиш муҳим методологик талаб сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Бинобарин, минтақа тарихи мустақилликка қадар советлар даври мафкураси тазйиқидан ноаён бўлиб келаётган эди. Халқимиз ўтмишининг энг ёрқин саҳифалари атайлаб бузиб кўрсатилар эди. Ҳатто мустақиллик шароитида ҳам дастлабки бир неча йил давомида, хусусан, ўзбек халқи тарихини ёритишда журъатсиз тебранишлар кузатилгани маълум.

Марказий Осиё минтақасида миллий тарихлар тарихшунослиги масаласи ҳам бугунги кунда бир қатор муаммоларни ўртага қўймоқда. Қўшни қардош халқлар тарихини яратиш жараёнида ҳаққоний тарихни тиклашга уриниш билан баробар айрим методологик нотўғри ёндашувлар

кўзга ташланмоқда. Буларнинг асосида айрим олинган халқларни, уларнинг давлатчилиги тарихини муболаға даражасида, ҳатто беш минг йиллик қадимий қилиб кўрсатиш, тарихий ҳудуд, маданий устунлик, ҳақидаги даъволар, айрим ўринларда мифологик тасаввурлар ва бошқа методологик оғишлар ётади.

Айни маънода айтиш мумкинки, Марказий Осиё халқлари тарихини манбашунослик билан боғлиқ ҳолда ўрганиш жиддий назарий тайёргарликка эга бўлган тарих масаласида ҳақни ноҳақдан ажрата биладиган, ёзма манба ва ёдгорликларни ўқий биладиган, уларни тўғри талқин қила оладиган мутахассислар тайёрлаш масаласига бориб тақалади.

Шундай экан, бугун биз ўз йўлимиздан оғишмай аجدодларимиздан қолган моддий ва маънавий меросимизни нафақат асраб-авайлашимиз, балки, уларни илмий ўрганиб ҳаётимиз учун тадбиқ қилишимиз зарур бўлади.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Муҳаммад алайҳис салом даврларида тузилган ҳужжатлардан намуналар келтиринг?
2. Хулафои рошидунлар даври ислохотларида ҳужжатшунослик масалалари қай тарзда амалга оширилган?
3. Умавийлар саройида қозиликка оид ҳужжатлар қандай расмийлаштирилган?
4. Ислом манбаларида маҳкамаларга оид ҳужжатларнинг қайси мактаблари мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилган?
5. “Шурут” номи билан ёзган маҳаллий асарлардан қайсиларини биласиз?
6. “Маҳзар” қозилик маҳкамасининг расмий қайд баённомаси сифатида қандай аҳамиятга эга эди?
7. Ҳужжатларнинг қандай турларини биласиз?

8. Ҳуқуқий нормалар амалиётда қандай қўлланилади?
9. Ҳужжатлар тузишда котиб вазифаси нималардан иборат бўлиши керак?
10. Ҳуқуқий нормалар амалиётда қандай қўлланилади?
11. “Кўчмас мулк” атамаси асосан қандай мулкларга нисбатан ишлатилган ва унинг ҳудудий чегаралари қандай аниқланган?
12. XX аср иккинчи ярмида ёзма мероснинг ўрганилиши қандай кечди?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Муҳаммад алайҳис салом даврларида тузилган ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти.
2. Ҳулафои рошидунлар ислоҳотларида ҳужжатшунослик масаласи.
3. Умавийлар саройида тузилган қозиликка оид ҳужжат тавсифи.
4. Ҳужжатшунослик фанининг аҳамияти ва бугунги кундаги ўрни.
5. Архившунослик билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, мейёрий ҳужжатлари ва унинг амалиётдаги татбиқи ҳақида.
6. Ҳужжатшуносликнинг бугунги кундаги долзарб масалалари ҳақида.
7. Ҳужжатларни ўқиш амалиёти ҳақида.
8. Совет даврида Ўзбекистонда манбаларни ўрганиш масаласи



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Бекмирзаев И.И. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар. – Тош-

кент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 332 б.

2. Аминов Ҳ.А, Султонов Ў.А. Колониал Туркистонда қозилар дафтари: Тошкент, 1887. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2016. – 336 б.

3. Саид ал-Жумайли. Қазо Расулulloҳ ва аҳкамуху. – Қоҳира, 1997. – 159.

4. Ашроф Манноъ ал-Қаттон. Авлийот ал-форук фил идора вал қазо. – Байрут, 1990. 1-2 Ж.

5. Маҳмуд аш-Шарбиний. Ал-Қазо фил ислам. – Қоҳира, 1999. – 223 б

6. Ибн Ҳабиб ал-Мовардий. “Ал-Аҳком ас-султония вал валоят ад-диния”. – Байрут, 1990. – 419 б.

7. Чехович О.Д. Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлари-ни ўрганиш муаммолари. – Т.:1969.

XVIII. МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ, ИЛМИЙ МУОМАЛАГА КИРИТИШ: МАТБААЧИЛИК ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Режа:

1. Манбалардан фойдаланиш, ўрганиш ва илмий муомалага киритиш масаласи
2. Марказий Осиёда матбаачиликнинг ташкил топиши ва шаклланиши
3. Европа матбаачилиги тарихидан

Таянч сўз ва иборалар: китоб босиш бўйича йирик марказлар, биринчи кашфиётчи, Ҳусайн Шамс Шарқ матбааси ҳақида, “Матбаачилик ва унинг тарихи” асарининг аҳамияти, Европада матбаа санъати, матбаачиликнинг Россияга кириб келиши, Қозонда биринчи татар босмахонаси, тошбосма усулда китоб чоп этиш, тош ва мих босма усули, Ўзбекистонда тошбосма усулда китоб нашр этиш, даврий матбуот, Исҳоқхон Ибрат Жунайдуллаев матбааси, илк ўзбек матбаачиларидан Ғ.Ҳ.Орифжонов шахсияти, манбаларнинг ўрганилиши, манбаларни илмий муомалага киритиш масаласи, манбалардан фойдаланиш, манбаларнинг ўзига хос жиҳатлари, Европада илк китоб босиш машинаси, Йоганн Гутенберг, матбаачилик иши, европа шаҳарларида матбаачилик,

1. Манбалардан фойдаланиш, ўрганиш ва илмий муомалага киритиш масаласи

Манбашунослик талабларидан бири шуки, ёзма манба-
ни фақат унинг бир ўзида келтирилган далил ва маълумот-

ларга қараб баҳолаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда келтирилган далил сохта, баён этилган воқеа эса сохталаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бирон асар ҳақида қатъий бир фикр айтишдан аввал уни ўзига ўхшаш бошқалари билан солиштириб кўриш, келтирилган далилларни бир-бири билан қиёслаш ва текшириш зарур.

Ёзма манбалар тўғрисида талабаларга маълумот беришда уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш жуда муҳим. Чунки ҳар бир манба, албатта бошқалардан қатор хусусиятлари билан, қайси воқеаларни баёни мавжудлиги билан, қай тарзда баён этилиши билан, қандай манфаатларни ифода этгани билан ўзаро фарқланиб туради. Асарнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда унинг қандай тарихий асарларга ўхшашлиги, улардан фарқи ҳамда қандай манбалардан фойдаланиб яратилганлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Манбанинг ўрганилиши ва тарихнавислиги махсус қўшимча тарихнавислик фанида қай даражада ёритилганлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бўлғуси мураббийлар ушбу манбалар устида мустақил тадқиқот олиб боришлари учун илмий асос яратилади. Манбанинг ўрганилиш тарихи махсус тарихнавислик ёрдамчи фанида тадқиқ этилса-да, манбашуносликда ҳам унинг тўғрисида ихчам маълумот бериш зарур бўлади. Бунда, асосан манбанинг қўлёзмалари қай даражада ўрганилгани, асарнинг асл матни, замонавий матбаа усулида-факсимиле, литографик ва терма тарзда чоп этилганми, ношир яъни нашрга тайёрловчи номи, нашрга ёзилган сўз боши, илова қилинган изоҳлар ва кўрсаткичлар мавжудлигини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Манбанинг ўрганилиш, тарихнавислиги якунида асардаги маълумотлар қандай махсус тадқиқотларда, дарслик ва қўлланмаларда ёритилганлиги баён этилади.

Бир академик соат давомида талабаларга ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотларни бериш камлик қилади, албатта. Чунки, бу маълумотларга қўшимча тарзда дарс режаси, камида ўнтага яқин асосий тушунчалар, кўпи билан ўн бешта атамалар, манба бўйича фойдаланилган асосий (5 та) ва қўшимча (10 тагача) махсус адабиётлар рўйхати талабаларга тавсия этилади. Яна дарс жараёнида кўргазмали қурол сифатида асар қўлёзмаси, нашрлари ва бошқа материаллардан, замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ иш. Дарс охирида ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар тавсия этилиши керак.

Ёзма манбадаги асар мазмунининг таҳлили, унинг тарих фани тараққиётига қўшган янгилиги, ҳиссасини белгилаш билан якунланади. Яъни, қайси воқеалар биринчи бор ёритилган. Аввалги ёритилган воқеалар баёни қай тарзда талқин этилган. Асарда баён этилган воқеалар юртимиз тараққиётига қандай таъсир этган. Шу каби масалалар асарнинг юртимиз тарихини ўрганишдаги илмий аҳамиятини очиб беришга хизмат қилади.

2. Марказий Осиёда матбаачиликнинг ташкил топиши ва шаклланиши

Туркистон ерларида тошбосма усулда китоб чоп этиш бошқа давлатларга нисбатан анча кейин бошланди. Тош ва мих босма ишидан Россия империяси қўшинлари ўлкани босиб олганидан сўнгина воқиф бўлганлар. Унгача ўлкага яқин қўшни бўлган Туркияда 1728 йилда очилган биринчи босмахона ва Қозонда нашр этилган китоблар савдогарлар орқали кириб келган. Бундан ташқари 1825 йил Табризда, 1832 йили Техронда фаолият кўрсата бошлаган матбаалар ҳам Туркистон матбаачи-ноширларини доим қизиқтириб келган. 1866 йилга келиб, Табризда 7 та, Техронда 10

та литография ишлай бошлаган эди. Бу мамлакатлардаги кашфиётлар литография усулида китоб босишнинг жадал ривожланишига туртки бўлган.

Ўзбекистонда тошбосма усулда китоб нашр этиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Дастлаб Хива хони Муҳаммад Раҳимхон, Наманганда Исҳоқхон Тўра Ибрат, шундан кейин Тошкент, Самарқанд, Бухоронинг Когон, Хўжанд ва бошқа шаҳарларида ҳам тошбосма шаклида китоб нашр этиш ишлари бошланди. Одатда хаттот кўчириб берган нусханий тошбосма йўли билан нашр этишда уларнинг сони кўпи билан беш юз ададдан ошмаган. Бу ҳолат хаттотнинг яна такрор кўчириб бериши билан давом этаверган.

1869 йил Туркистон генерал-губернатори Кауфман ҳарбий вазир Д.А.Милютиндан Тошкентда вақтли матбуот нашрини, яъни генерал-губернатор органи сифатида “Туркестанские ведомости” газетасини чоп этишга рухсат сўраб, Санкт-Петербургдан махсус полиграфия анжомлари, ҳарф турлари, бўртма босма машина ва бошқа ускуналар билан матбаачи-мутахассисларни олиб келиб босмахона имкониятларини кенгайтиришга, бир йўла газета нашри учун янги босмахона ташкил этишга киришади. Шу билан Марказий Осиёда бутунлай янги соҳа – полиграфия саноатига ва нашр ишлари ҳамда ўлкада босма маҳсулотлар бозорининг юзага келишига илк қадам қўйилади. Лекин у ерда ишлаш ҳали маҳаллий аҳолига насиб этмай, фақат рус ҳарбий аскарлари ишлаган.

Биринчи ўзбек мих босма “китоб-тақвими” ҳам ҳарбий округ штаби босмахонасининг маҳсули бўлиб, 1870 йил 10 майда маҳаллий халқ учун 500 нусхада чоп этилиб икки кунда тутаган. 1871 йилда қайта нашр этилган ўзбек тилидаги китоб-тақвими 187 бетдан иборат бўлиб, рус китобларига нисбатан анча мукамал ва полиграфия жараёнларининг ижро сифати юқори, китоб графикаси усуллари

қўлланиши ҳам ўша замон талабларига мос даражада эди. Бундан кўринадики, 1871 йилга келиб, ўзбек тили (араб алифбоси)да ҳарф терувчи матбаачи-мутахассислар билан бойитилиб, янги ҳарф турларига, матбаа техник анжомларига, муқовалаш ускуналарига ҳам эга бўлган. А.И.Добрословнинг баёнига кўра: “1907 йилда штаб идораси қошидаги босмахонанинг капитали етти минг рублни ташкил этган. бу даврга келиб, “Туркестанские ведомости” 2000-2500 нусхада, “Туркестанская туземная газета” 1700 нусхага етказилиб нашр этилган. 1909 йилга келиб газеталарнинг мундарижаси янада кенгайиб, ойлик маошлари ҳам ўсиб борган. Масалан: бош муҳаррир 1909 йили 1800 рубль олган бўлса, 1911 йилга келиб унинг маоши 4100 рублга кўтарилган”.

Шундай қилиб, Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман, кейинчалик унинг ўрнига келган С.М.Духовскийларнинг ташкил қилган матбуот ва матбаалари фаолияти (1865-1917 й.) М.П.Авшарованинг “Туркистон вақтли матбуоти 1870-1917 йил” (рус тилида Тошкент, 1960 й.) нашр этилган. Яна Зиё Саиднинг “Танланган асарлар” (Тошкент, 1974 й.) тадқиқотларига кўра, октябрь тўнтаридан аввал Туркистон ўлкасида катта-кичик жами 90 та тош мих ва типографиялар мавжуд бўлганлиги, улардан ташқари 100 дан ортиқ даврий матбуотни чоп этганликлари маълум бўлади. Миллатнинг илғор маданий маърифатпарварлари бўлмиш жадидларга эргашган, улар изидан борган ўзбек зиёлилари: тошкентлик Ғ.Ҳ.Орифжонов, наманганлик Исҳоқхон Ибрат Жунайдуллаев, Хоразм ва Қорақалпоқ матбаа-ноширчилигига асос солган, ўзбек тилида биринчи тошбосма китобини нашр этган Отажон-босма Абдалов кабилар бу соҳанинг фидоийлари эдилар.

Хуллас, ўлкамизда тошбосма усулда китоб нашр этиш, XX асрнинг йигирма бешинчи йилларигача давом этган.

Кейинги босқичда михбосма усулда китоб нашр этиш ом-малаша борди. Бу усул китоб нашр этишнинг самарадор-лиги аввалгисига қараганда анча ортишига сабаб бўлган. Бугунги кунга келиб бу усуллар билан китоб нашр этиш анъанаси йўқолиб, улар анча замонавийлашиб кетди. Ил-гариги тошбосма ва михбосма китобларни энди фақат шах-сий ёки давлат тасарруфидаги Шарқ қўлёзма фондларида-гина учратиш мумкин.

3. Европа матбаачилиги тарихидан

Дастлабки китоб чоп этиш машинаси Германияда Иоганн Гутенберг (1400-1468) томонидан 1445 йилда ихти-ро қилинган. Муаллиф етмиш фоиз қўрғошин, йигирма фоиз рух, беш фоиз сурма қоришмасидан иборат моддадан ҳарф турларини кашф этиб, ҳуқуқшунос Фуст билан бирга-ликда китоб чиқариш ҳақида шартнома тузади. Кашфиёт-чининг матбаасида Фустдан ташқари, мусахҳих Генрих Гунтери, хаттот Петр Шеффер, мусаввир Хирц, дурадгор Конрад Заспах, заргар Дюнне, шахсий хизматкори Ло-ренц Бейльдек ҳамда янги ҳунарни ўрганиш учун Антон ва Андреас Хельманлар илк матбаачилик ишини биргаликда бошлайдилар. Бу жараён метал матрисаларга қуйиш орқа-ли амалга оширилган, сўнг Европанинг бошқа шаҳарлари-га ҳам тезда тарқалган. Шундан кейин 1464 йилда Римда мана шундай китоб чоп этиш жиҳози ўрнатилган. 1470 йилга келиб, Франция, Нидерландия, Швецария, Испания ва Англяда китоб чоп этиш ишлари бўйича йирик марказ-лар вужудга келган. 1500 йилга келиб Европанинг қарийиб 250 шаҳарида катта-кичик босмахоналар фаолият юритган. Китоб чоп этишнинг кейинги тақдири тошбосма (литогра-фия) (1798 й.) ва текис босма машинаси (1811 й.)нинг ихти-ро қилиниши унинг биринчи кашфиётчиси немис шоири Алозий Зенефельдер номи билан боғлиқ. XX аср бошларида

китоб чоп этиш корхоналарида линотип, кейинроқ ротацион, офсет босма машиналар ишлатила бошлади.

Хусайн Шамсининг (“Матбаачилик ва унинг тарихи”) китобидаги маълумотга кўра, 1448-1500 йиллар мобайнида Италияда 74 та, Францияда 40 та, Германияда 75 та, Испанияда 32 та, Ирландияда 21 та, Англияда 4 та босмахона фаолият юритган. Умуман, матбаа ташкил топгандан бошлаб 1500 йилгача 246 шаҳарда жами 1099 та босмахона ташкил топиб улгурган эди. Бу рақамлар илк бор Конрад Геббер тадқиқотида келтирилган.

Европада матбаа санъатининг кашф этилиши билан хаттотлар ўз ҳунарларини ҳарф териш касбига ёки чоп этувчилик ишига ўзгартиришга ошиқмадилар. Шунга қарамай, матбаа фидоийлари ўз ҳунарларини кун сайин такомиллаштириб бордилар. Улар яратган китобларнинг кўп нусхалиги, оммабоплиги, тарғибот ва ташвиқот ишларида қўл келиши сабабли тезда тарихда ўз ўрнига эга бўлди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, дастлабки даврда матбаада босилиб чиққан китоблар саводсиз терилганлиги, такрорларининг кўплиги, китобхонларнинг талабларига етарлича жавоб бера олмаслиги сабабидан айрим норозиликларга ҳам дуч келган. Масалан, матндаги хатолар қўл билан тўғирланган. Кейинчалик XVI асрдан бошлаб, китобнинг камчилиги ва айрим хато ўринларидаги тузатишлар китобнинг охирида илова тарзида бериб борилган. Лекин, матбаачи мутахассислар босмахонада чоп этилган асарларни имкон борича қўлёзма китобларга ҳар жиҳатдан яқин, чиройли ва сифатли қилишга доим интилиб келдилар. Натижада босмахоналар ўртасида рақобат кучайиб, сифат даражалари ҳам ортиб бораверган.

Матбаачиликнинг Россияга кириб келиши Европадан роса юз йил кейинга тўғри келди. Москва матбаачилигининг вужудга келишида Польша, Черногория, Руминия,

Венеция, Чехия ва Литва матбааларининг таъсири кучли бўлган. Москва матбаачилиги Иван Грозний бошқарув даври Иван Фёдоров (ваф.1583) томонидан ташкил этилган. У дастлаб ўз ҳамкасби Пётр Мстиславец билан биргаликда ўз матбаа ишларини бошлайди. У матбаа соҳасини ривожлантириш мақсадида Краков, Львов, Литва, Польша, Осторг каби шаҳарларга қатнаб, босмахона учун зарур бўлган ашёларни олиб келади.

XVII асрнинг қирқинчи йилларига келиб, Москвада матбаачилик иши анча ривож топиб, китоб савдосига кенг йўл очилди. “Печатный двор” ўша давр талабига жавоб бермагани сабабли уни кенгайтириш ва хоналарини кўпайтириш ишлари бошланади. 1645 йил “Печатный двор”нинг олд томони Никольск кўчасига қаратилиб, унинг нақшинкор дарвозаси пештоқига XVI-XVII асрлар мобайнида матбаа ва давлат тамғаси ҳисобланиб келинган шер билан яккашоҳ тасвири ўрнатилади. 1814 йилга келиб “Печатный двор” архитектор Мирановский чизмаси бўйича қайта тикланиб, ҳозиргача фаолият юритиб келади.

1800 йилда Қозонда биринчи татар босмахонаси Қозон гимназияси ҳузурида ташкил топган ва унинг илк китоби – “Аттоғожи” (Татар алифбоси) бўлди. Босмахонанинг ўттиз йиллик фаолияти давомида у ерда 93 номдаги китоб нашр этилган. 1804 йилда “Қозон фуқаролар губернаторлиги”да, 1809 йилда “Қозон университети” ҳузурида матбаалар ташкил этилиб, уларда диний китоблар қаторида турли хил мавзулардаги жумладан, “Юсуф ҳақида қисса”, “Малика китоби”, “Қиссаи Тохир”, “Маърифатнома”, “Хўжа Насриддин” каби адабиётлар нашр этилган.

1855 йилга келиб Қозонда жами бешта матбаа фаолият юритиб, уларда илмий, адабий, ҳуқуқий, грамматик аҳамият касб этган ҳаммаси бўлиб 577 номдаги китоблар араб имлосида тошбосма усулида нашр этилган.

Кавказ ва Қрим матбаа тармоқлари араб имлосида босма маҳсулот нашр этишни 1870 йилнинг ўрталаридан (Боку, 1875 й.) ва 1880 йилнинг бошидан (Боғчасарой, 1883 й.) ўзлаштирадilar. Уларда нашр этилган китобларнинг тенг ярми литографик усулда чоп этилган.



Мавзу бўйича саволлар:

1. Литографик усулда китоб нашр этиш қачондан бошланди?
2. Ўрта Осиёда манбашунослик фани ривожига босқичларини айтинг?
3. Манбашуносликнинг ёрдамчи соҳалари қайси?
4. Европада манбашунослик ҳақида сўзлаб беринг?
5. Республикамиздаги мавжуд ёзма фондлар ҳақида маълумот беринг?
6. Жаҳондаги йирик фондлардан қайсиларини биласиз?
7. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди ҳақида сўзлаб беринг?
8. Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Манбалар хазинаси” фаолияти ҳақида маълумот беринг?
9. Фондларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни қандай?
10. Китобатчилик ишида асосий вазифаларни кимлар бажаради?
11. Ёзма манбаларнинг манбашуносликдаги аҳамияти қандай?
12. Марказий Осиёда сфрагистик белгилар ҳужжатларда қандай акс эттирилган?



Мустақил таълим топшириқлари:

1. Марказий Осиёда ёзилган манбашуносликка оид адабиётлар.

2. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган йирик ёзма фондлар ҳақида.

3. Аҳолидан ёзма китобларни олиш тартиби ҳақида.

4. Ўзбекистон Халқаро ислом академияси “Манбалар хазинаси”да сақланаётган манбашуносликка оид китоблар таҳлили.

5. Кодикологик таҳлилни амалга ошириш усуллари.

6. Манбаларни ўрганишдаги турлича ёндашувлар.

7. Манбаларнинг фан ривожланишидаги аҳамиятини аниқлаш.

8. Марказий Осиёда битилган туркий тиллардаги асарлар таҳлили.



Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 276 б.

2. Зуфаров Т. Хат таълими. – Т.: Meriyus, 2010. – 280 б.

3. Маҳмуд Ҳасаний., Алимулло Ҳабибуллаев. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент, 2012. – 135 б.

4. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан, 1971. – 197 б.

5. Муҳаммаджон Ҳакимов. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т.: “Davr Pres”, 2013. – 495 б.

6. Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – 142 б.

7. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 112 б.

8. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 384 б.

9. Глухов А. Асрлар қаъридан. (Жаҳондаги қадимий кутубхоналар ҳақида очерклар). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – 120 б.

10. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

11. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (2-ки-тоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 120 б.

12. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (3-ки-тоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – 144 б.

И Л О В А Л А Р

МАНБАШУНОСЛИККА ОИД КИТОБ ТАСНИФ ЭТГАН МУАЛЛИФЛАР ВА УЛАРНИНГ АСАРЛАРИ

1. АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД ҲОТИФИЙ ХАР-ЖАРДИЙ (1454-1521 й) тарихчи ва шоир. Абдуллоҳ Ҳотифий Абдурахмон Жомийнинг жияни (синглисининг ўғли). Асарлари: “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳафт манзар” (икки минг атрофида байтларни ўз ичига олган), “Шоҳ Исмоил Шохномаси”, “Темурнома” (Зафарнома) Султон Хусайн Бойқарога бағишлаб, Амир Темур зафарларини мадҳ этувчи тарихий достон. Асар қўлёзмалари қатор жаҳон фондларида сақланади.

2. АҲМАД ИБН САЪДУДДИН ЎЗГАНДИЙ НАМАН-ГОНИЙ (X аср). Тарихчи ва адиб. Олимнинг “Тазкираи Буғрохон” номли асари машҳур. Бу асар увайсия тариқати муридларидан бўлган биринчи қорахоний Абдулкарим Сотуқ Буғрохонга бағишланган. Асарда Увайсия тариқатининг шайхлари таржимаи ҳоли акс эттирилган. 30 бобдан иборат бўлган ушбу асарнинг 7 бобида Буғрохон таржимаи ҳоли келтирилган. Матн кейинчалик Муҳаммад Ниёз Қошғарий томонидан туркий тилга таржима қилинган. Асарнинг форсий қўлёзмасидан таржима қилинган туркий тилдаги 5 та қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик қўлёзмалар институти хазинасида сақланиб келинади. Асар миллий давлатчилигимизда муҳим ўрин тутган қорахонийлар давлатининг қурилиши, сулоалари, Сотуқ Буғрохон шахсияти, авлиё Бурҳониддин Қиличнинг тасаввуфдаги ўрни, Бобур ва Бобурийлар билан боғлиқ тарихий воқеаларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

3. АБУ МУҲАММАД ИБН АБДУЖАББОР УТБІЙ (961-1036 й). Тарихчи олим. Утбий Рай шахридаги бадавлат ва нуфузли оилада таваллуд топган. Ёшлигидан Хуросонда яшаган. Сомонийларнинг Хуросондаги ноиби Абу Али Симжурий, сўнгра Хуросонда сургунликда яшаган зиёрийлар ҳукмдори Қобус ибн Вушмагир шахсий котиби, Ғазнавийлар (Сабуктегин Маҳмуд ва Масъуд Ғазнавий) саройида йирик амалдор бўлган. Утбий султон Маҳмуд Ғазнавийнинг элчиси сифатида Ғарчистон вилоятига борган ва Бодҳизнинг шарқий қисмидаги Ганж рустак вилоятида соҳиби барид бўлиб турган. Муаррих Саолибийнинг ёзишича, Утбий араб тилида “Тарихи Яминий”, “Латоифул куттоб” (“Китобларнинг латиф сўзлари”) ва бошқа тарихий асарлар ёзиб қолдирган. “Тарихи Яминий” асари Субуктегин ва Маҳмуд Ғазнавий даврида Ғазнавийлар давлати таркибига кирган Хуросон, Хоразм ва қисман Мовароуннахрнинг 975-1021 йиллардаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олган. Мазкур асар “Яминуд давла” (“Давлатнинг ўнг қўли”) унвонига сазовор бўлган султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишлангани учун ҳам “Тарихи Яминий” деб номланган. Асарда Қорахонийларнинг Мовароуннахрга ҳужуми (922-996 й) ҳақида нодир маълумотлар мавжуд. Бу асар ўрта асрлар тарихшунослигига хос – сажъ услубида ёзилган. Асарнинг араб тилидаги матни Дехли (1847 й), Булоқ (1874 й), Лоҳур (1883 й)да чоп этилган. Асарнинг форс тилидаги таржимаси Техронда уч марта (1856, 1955, 1966 й) йилларда, инлизча таржимаси Лондонда (1858 й) босилган. Ундан айрим парчалар француз, немис, рус ва ўзбек тилларига таржима этилган.

4. ЖАЪФАР ИБН АБУ АЛИ САМАРҚАНДИЙ (ваф. 1040). Тарихчи, адиб, муҳаддис ва фақих. Деххудонинг “Луғатнома”сида ёзилишича, аллома бир муддат Марв ва Сарахсда истиқомат қилган. Бошланғич таълимни шу ерда

олгач Бухорода яшаган ва у ернинг етук олимларидан таълим олган. Умрининг охирида Насаф шахрида яшаб, шу ерда 1040 йил вафот этган. Унинг нисбасидаги самарқандий унинг Самарқанд шахрида ҳам яшаганига далолат қилади. Асарлари тарих, адабиёт ва фикҳий мавзуларга қатарилган бўлиб, жумладан, “Китоби тарихи Самарқанд”, “Китоби тарихи Насаф ва Кеш”, “Китобуш шеър ва-ш-шуаро” (“Шеър ва шоирлар ҳақида китоб”), “Китобул вафо”, “Китоб далоилин нубувва” (“Пайғамбарлик далиллари китоби”), “Китобуд даъавот” (“Тарғиботлар китоби”), “Китоб хутабун набий” (“Пайғамбар хутбалари китоби”) каби асарларни тасниф этган. Отаси: Абу Али Муҳаммад ибн Мустағфирий (318/930–372/982) илм олишда устози бўлган. Бобоси: Абу Бакр Муътаз ибн Муҳаммад ибн Мустағфир, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Розий Сарахсда Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад Сарахсий, Найсабурда Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад Астрободий, Бухорода Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Ғунжор, Марвда Иброҳим ибн Ҳайсам Муҳаммад ибн Кушмиҳанийдан таълим олган. Шогирдлари: ўз ўғли Абу Зарр отасидан кейин Насаф хатиби бўлган. Шунингдек, Абу Муҳаммад Абдулазиз Нахшабий (ваф.1065 й), “Ал-ансоб” соҳиби Самъонийнинг катта бобоси Қози Абу Мансур Самъоний, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад Самарқандий, Абу Али Ҳасан ибн Абдумалик ва бошқалардир.

5. ИМОМ АБУЛФАЗЛ МУҲАММАД ИБН АБДУЖАЛИЛ ИБН АБДУМАЛИК ИБН АЛИ ИБН ҲАЙДАР САМАРҚАНДИЙ. (XII асрда яшаган). Тарихчи ва таржимон бўлиб, Самарқандда туғилган. Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий Самарқандийнинг шогирди бўлган. Шогирд устозининг “Китобул қанд фи тарихи Самарқанд” (“Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоби”) номли араб тилидаги асарнинг форс-тожик тилидаги қисқартмасини ёзган ва уни “Қандийяи хўрд” (“Кичик

қандия”) деб номлаган. Бу қисқатма икки қисмдан иборат бўлиб, аввалги қисмда Самарқанд тарихи ва ундаги қабристонлар тасвирланган. Бу қисмда муаллиф фойдаланган манбалар сифатида “Тарихи Самарқанд”, “Баёнул маориф”, “Тажрибаном”, “Қисаси нишопуриён” асарлари ҳақида ҳам сўз боради. Кейин “Зикри пирони Ҳиндистон” (“Ҳиндистон пирларини эслаш”) номли боб бошланиб, фойдаланилган манбалар кўрсатилади. Қисқартманинг мазмунига қараб, исломгача бўлган ярим афсона маълумотлар, араб истилоси ва унга қарши кураш, Самарқанднинг қурилиши, суғорилиш тизими, суғориладиган ерлардан олинadиган солиқларни билиб олиш мумкин. Асарда Самарқанд ва унинг атрофида яшаган азиз авлиёларнинг таржималари ҳақида, Самарқанд мазорлари ва уларни зиёрат қилиш одоблари баёнига ҳам кенг ўрин берилган. “Қандийяи хўрд”нинг қимматли жиҳати, унда Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар қарийиб минг йиллар илгари суғориш тизими ҳақида маълумотлар, Самарқанд мазорлари тавсиф этилган қисмида Самарқанд атрофидаги қишлоқларнинг бошқа асарларда учрамайдиган номлари келтирилган. “Қандийяи хўрд”нинг қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида, Тожикистон ФА ва Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланмоқда. Китоб Самарқандда 1327/1909 йили, Техронда 1334/1953 йили тошбосма усулида нашр этилган.

6. АМИН АҲМАД РОЗИЙ (XVI аср охири –XVII аср бошларида яшаган). Тарихчи ва адиб. Тарихчи Ҳиндистонда Акбаршоҳ (1542-1594) даврида яшаган, унга атаб (1594 й) “Ҳафт иқлим” (“Етти иқлим”) номли китоб ёзган. Ушбу асарда Шарқ олимлари одатига биноан Розий дунёни етти иқлимга бўлиб, ҳар қайси иқлим, йирик шаҳар ва қишлоқлар ҳақида тарихий ва географик маълумот ҳамда шу иқлимдан етишиб чиққан машҳур олимлар, шоирлар ва

таниқли кишилар ҳақида маълумот берган. Асарнинг бир қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида сақланади.

7. ШИҲОБУДДИН МУҲАММАД ИБН АҲМАД ИБН АЛИ ИБН МУҲАММАД НАСАВИЙ. Тарихчи. Насавий 1220-1224 йилларда мўғуллар истилосига қарши кураш олиб борган ва Жалолоддин Мангубердининг шахсий қотиби бўлган ҳамда унинг ҳарбий юришларида доимий қатнашган. 1241 йил араб тилида “Сийратус султон Жулолиддин Мангуберди” (“Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти тафсилоти”) номли асарини ёзиб тугатган. Асарда Мовароуннахрнинг босиб олиниши билан боғлиқ воқеалар баён этилган. Китобда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд. Асар XIII аср охирларида форс тилига таржима қилиниб Техронда, унинг араб тилидаги нусхаси Париж, Қоҳирада, рус тилидаги таржимаси Бокуда, ўзбек тилидаги таржимаси эса, Тошкентда 1999 йил нашр этилган.

8. МАСЪУД ИБН УСМОН КЎҲИСТОНИЙ (XVI асрда яшган). Тарихчи. Кўҳистоний дастлаб шайбонийлардан Абулхайрхоннинг ўғли Суюнчхўжахоннинг (1531 й) вафотидан кейин Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхоннинг (1540-51 йй) бош муншийси бўлган. Форс тилида “Тарихи Абулхайрхоний” номли асар ёзган. Унда Абулхайрхон ҳукмронлиги даврида шайбоний ва манғит улусларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Ўзбек улусининг ташкил топиши ва унинг қўшни ҳудудларга уюштирган ҳарбий юришлари баён этилган. Асар Дашти Қипчоқдаги кўчманчи туркий уруғларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унда ўзбек улусининг темурийлар билан бўлган муносабатлари (XV аср ўрталари), уларнинг темурий султонлар (Абу Сайид, Муҳаммад Жўки, Султон Ҳусайн ва бошқалар билан) ўрталаридаги ўзаро урушларда

қуролли аралашуви ва XV асрнинг бошида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шайбонийлар томонидан босиб олинishi ҳақида маълумотлар мавжуд. Асарда 30 га яқин туркий уруғ номлари келтирилган ва шайбонийларнинг қўшин тузилиши, жумладан, чап (жаванғир) ва ўнг (баронғир) қанотлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Асар нусхалари Санкт-Петербург ва Лондон кутубхоналарида мавжуд.

9. АЛОУДДИН ОТАМАЛИК ИБН БАҲОУДДИН МУҲАММАД ЖУВАЙНИЙ (1226-1283 й). Тарихчи ва давлат арбоби. Жувайний ёшлигидан араб, форс, мўғул, уйғур тилларини мукаммал билган. Хуросондаги мўғул ҳукмдорлари Қирқўз, Аргун оға ва Хулоку девонида хизмат қилган. 1247-1253 йилларда Қорақурум (Пекин)га борган. Элхонларнинг Бағдоддаги ноиби (1259-83 йиллар орасида, танаффуслар билан) вазифасида хизмат қилган. Жувайний Мўғулистон, Ўрта Осиё ҳамда Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳс этувчи “Тарихи Жаҳонкушой” номли асари билан шухрат қозонди. Асар уч қисмдан иборат бўлиб: 1. Мўғуллар; уларнинг Чингизхон давридаги истилочилик юришларидан то Гуякхон даври (1246-48 й) гача, шунингдек, Жўжихон, Чигатой ва улар авлодларининг тарихи; 2. Хоразмшоҳлар ва Хуросоннинг мўғул ҳукмдорлари давридаги (1258 й) тарих; 3. Хулокухоннинг Эронни забт этиши (1256-58 й) шунингдек, исмоилийлар давлати тарихи батафсил баён этилган. Ўрта Осиё тарихи учун асарнинг 1-2 қисмлари алоҳида қимматга эга.

10. АБУБАКР АҲМАД ИБН ЯХЪЁ ЖАБИР АЛ-БАЛАЗУРИЙ “Китоб футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг забт этилиши”) ва “Китоб ал-ансоб ао-шариф” (“Шарофатли кишиларнинг насаблари ҳақида китоб”) номли асарларнинг муаллифи ҳисобланади. IX асрда ўтган йирик географ ва тарихчи олими Балазурий (ваф. 892 й.) машҳур муаррих Мадоинийнинг шогирди бўлиб, тўлиқ исми Абубакр Аҳмад

ибн Яхъё Жабир ал-Балазурий, асли эронлик Аббосийлардан ал-Мутаваккил (847-861 й.) ва ал-Мустаъин (862-866 й.) саройида фаолият юритган. Олимнинг “Китоб футуҳ ал-булдон” асари араб фатҳи тарихи бўйича мўтабар манбалардан биридир. Асарда араблар мустамлакасига тушиб қолган мамлакатлар, уларнинг диққатга сазовор шаҳарлари ва осори атиқалари, халқи, пул муомаласи, ундириладиган солиқлар, шунингдек араб тилининг жорий қилиниши ҳақида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Шунингдек, халифа Усмон (644-656 й.)нинг Хуросондаги ноиб Абдуллоҳ ибн Амр даврида Мовароуннаҳрга уюштирилган ҳарбий ҳаракатлар ёритилади. “Китоб футуҳ ал-булдон” асарининг бизгача қисқартирилган таҳриригина етиб келган. Асарнинг араб тилидаги матни Де Гье томонидан 1866 йил Лейденда чоп этилган. Унинг инглизча таржимаси (таржимонлар Хитти ва Мурготтен) ҳам бор. Балазурий асарининг тўлиқ нусхаси Ёқут ва Ибн ал-Асир асарлари учун манба бўлиб хизмат қилган.

11. ИБН АЛ-ФАҚИХ “Китоб ахбор ул-булдон” (“Мамлакатлар ҳақида хабарлар”) асари билан машҳур бўлган тарихчи олим. Унинг тўлиқ исми Абубакр Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳамадонийдир. Ушбу асаридан (тахминан 903 йили ёзилган) маълум бўлишича, у халифалардан Мўътазид (892-902 й.) ва Муктафий (902-908 й.)лар билан замондош бўлган. “Китоб ал-фихрист” муаллифининг сўзларига қараганда, Ибн ал-Фақиҳ ўз замонасининг атоқли адибларидан бўлиб, нақл-ривоят ва адабиётни яхши билган. Муаллиф ўз асарини тасниф этишда Ибн Фазлон, Абу Дулаф, Жоҳиз, Алмадоиний, Балозурий, Ибн Қутайба асарларидан унумли фойдаланган. Асарда қитъалар ва денгизларни, Хитой, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Византияни тавсиф қилган. Ўрта Осиёнинг шаҳар ва вилоятлари тарихи, географияси, туркий халқлар таърифи ва уларнинг жойлашиши

тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. “Китоб ахбор ул-булдон”нинг Али ибн Жаъфар Шайзорий тарафидан бажарилган (1022 й.) қисқа таҳрири Де Гье томонидан 1885 йили Лейденда чоп этилган. Ушбу мўътабар қўлёзма асарнинг иккинчи қисми, 1923 йили Машҳаддаги (Эрон) Имом Ризо масжиди кутубхонасидан топилган. Асарда Хуросон ва Мовароуннахрнинг иқтисодий ва тарихий географиясига оид диққатга сазовор маълумотлар мавжуд.

12. ИБН ХУРДАДБЕҲ ёки Абулқосим Убайдуллоҳ Хурдадбех (820 тахм. 913 й.) асли эронлик бўлиб, у олий мартабали мансабдор хонадонига мансуб. Отаси IX аср бошларида Табаристон ҳокими бўлган, Дайлам вилоятини бўйсундириб, халифанинг диққат эътиборини қозонган. Ибн Хурдадбех Бағдодда таълим олган. У халифа Мўътамид (870-892 й.) даврида юқори мартабали давлат лавозимларида фаолият юритган. Ибн Хурдадбех адаб, тарих, географияга оид ўнга яқин асар таълиф этган. Улар орасида “Китоб масолик ул-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) номли асари ҳам бўлиб, у 846 йили ёзиб тамомланган. Асарнинг қисқартирилган таҳрири бизгача етиб келган ва М. Де Гье тарафидан 1889 йили чоп қилинган. Русча таржимаси (таржимон Ноила Велиханова) 1986 йили Бокуда чоп этилган. Китобда араб халифалиги қўл остидаги мамлакатлар, шаҳар хариталари, аҳолидан ундириладиган солиқлар ва уларнинг миқдори ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

13. АЛ-КИНДИЙ Абу Юсуф Ёкуб ибн Исҳоқ ибн ас-Сабох, (801-867 й.) - ўрта аср машҳур мутафаккири, биринчи араб файласуфи, йирик қомусий олим. Киндийнинг каламига “Таърифлар ва нарсаларнинг баёни ҳақида”, “Инсон билимларининг таснифи”, “Фанлар моҳияти ва уларнинг таснифи”, “Арасту китобларининг миқдори ва фалсафани ўрганиш учун зарур нарсалар ҳақида”, “Биринчи фалса-

фа ҳақида”, “Бешта моҳият тўғрисида ёзилган китоб” каби қатор асарлар мансуб. Киндий фалсафасида ўз даврининг асосий фалсафий ғоялари жамланган. Киндийнинг фалсафий қарашларида борлиқ, табиат, оламнинг яратилиши, шакл ва материя, замон ва макон ва унинг билиш жараёнидаги ўрни каби муаммолар ўз ифодасини топган. Унинг қарашларида борлиқ масаласи етакчи мавқега эга.

14. АЛ-ФАРҶОНИЙ АҲМАД ИБН МУҲАММАД Фарғона водийсида туғилган, тахминан 816 йили вафот этган. Ал-Хоразмий билан бир вақтда, Бағдоддаги “Байтул ҳикма” илмий марказида илмий ишлар билан шуғулланган. Китоблари Европа ўрта асрлар университетларида астрономиядан асосий дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланилади. Мутафаккирнинг исм-насаби “Ал-Фарғоний”ни лотинчасига “Альфраганус” деб атаганлар. Ал-Фарғоний шу ном билан дунёга машҳурдир.

15. БЕРУНИЙ Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (973-1048) машҳур қомусий олим ва йирик мутафаккир. Хоразмнинг Қиёт шаҳрида туғилган. Беруний илм-фаннинг барча соҳаларида самарали ижод этиб, 162 та китоб ва рисоалар ёзгани тахмин қилинади. Шулардан атига 28 таси бизгача етиб келган. Алломанинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия», “Маъдан-шунослик”, “Маъсуд қонуни”, “Фармакогнозия”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”, унинг Ибн Сино билан савол-жавоблари ва бошқалар турли тилларга таржима қилиниб нашр этилган.

16. ФАЗЛУЛЛОҲ ИБН РЎЗБЕҲОН ИСФАҲОНИЙ (1457-1521 й). Унинг отаси Жамолуддин Рўзбехон йирик илоҳиёт ва фикҳ олими, сардорлар табақасидан бўлган. Фазлуллоҳ Шероз ва Исфаҳон мадрасаларида таҳсил кўрган. Ғижоз ва Макка (1482 й)да ҳам таълим олган. Оқ қўюнлилар вакили султон Яъқуб Фазлуллоҳни Табризга чақириб, саройдаги

юқори лавозимни топширган. Султон Абулфатҳ Мирзо Бойсунғур, темурийлардан Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Бухоро ҳокими Убайдуллоҳон саройларида юқори лавозимларда ишлаган. Умрининг қолган қисмини Бухоро ва Карманада ўтказган. Фазлуллоҳнинг “Тарихи оламорои Аминий” (1490 й) асарида султон Яъқуб ва бошқа оқ қўюнлилар ҳамда темурий шаҳзода Халил султоннинг уларга қарши олиб борган курашлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирган. “Сулукул мулк” (1514 й) асарида Бухоро ҳокими султон Убайдуллоҳонга бағишланган бўлиб, унда шариат йўл-йўриқлари асосида давлатни бошқариш масалаларига тўхталиб ўтилган. Фазлуллоҳнинг “Меҳмонномаи Бухоро” (1509 й) номли йирик тарихий асарида Туркистоннинг XV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошларига оид тарихи баён этилган бўлиб, у муқаддима, 59 боб ва хотимадан иборат. Шайбонийхоннинг 1508-09 йил қиш мавсумида қозоқ султонлари Жаниш Султон ва унинг ўғли Аҳмад Султон, шунингдек, Бурундукхон устига қилган ҳарбий юриши, ўзбек ва қозоқ хонларининг келиб чиқиш этник тарихи, урф-одат ва анъаналари, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ва қозоқ улусининг жуғрофий ҳолати асарда ўз аксини топган.

17. ҲАМДУЛЛОҲ ҚАЗВИНИЙ “Тарихи гузида” (“Сайланган тарих”) асари муаллифи бўлиб, у XIII аср сўнги чораги ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик географ ва тарихшунос олимдир. Унинг тўлиқ исми Ҳамдуллоҳ ибн Абубакр ибн Аҳмад ибн Наср Мусгавфий Қазвиний бўлиб, келиб чақишига кўра араб ва 1281 йили Эрон Озарбайжонининг Қазвин шаҳрида туғилган. Ҳамдуллоҳ Қазвиний Рашидуддин даврида Қазвин, Абҳар ва Занжон вилоятларининг молия ишларини бошқарган. Рашидуддин қатл этилгандан сўнг, унинг ўғли Ғиёсуддин Муҳаммад (1327-1336 йилларда Элхоний Абу Саъиднинг вазири бўлган)нинг хизматида бўлган. Тарихчи 1350 йили вафот

этган. Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг “Зафарнома”, “Тарихи гузида” ҳамда “Нузхатул-қулуб” номли асарлар муаллифидир. “Тарихи гузида” умумий тарих йўналишида ёзилган асар бўлиб, унда қадим замонлардан то 1330 йилгача Эрон ва қисман, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Ҳамдуллоҳ Қазвиний вафотидан кейин ўғли Зайнуддин томонидан асар давом эттирилган ва унга 1392 йилгача Эронда бўлиб ўтган воқеалар ҳам қўшилган. Китобнинг асосий қисми ҳожи Ғиёсуддин Муҳаммадга бағишланган. Асар муқаддима ва олти бобдан иборат: Пайғамбарлар ва авлиёлар; Исломдан аввал ўтган Эрон подшоҳлари; Муҳаммад алайҳис салом, рошидинлар, умавийлар, аббосийлар тарихи; Аббосийлар даврида Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавиилар Ғурийлар, Дайламиийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, мўғуллар ва бошқа сулолалар тарихи; Исломиёт даври шайхлар, олимлар ва шоирлари; Қазвин шаҳрининг тарихи ёритилган. “Тарихи гузида” Эрон, Ўрта Осиё ҳамда Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи ярмидаги тарихни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Китоб 1910 йили инглиз шарқшуноси Э.Браун томонидан матн ва қисқартирилган инглизча таржимасини ҳамда 1960 йили Абдулҳусайн Давоий асар матнини нашр қилган.

18. ФАХРУДДИН АБУ СУЛАЙМОН ДОВУД ИБН АБУЛ-ФАЗЛ МУҲАММАД БАНОКАТИЙ (ваф.1330) Олим “Равзату ли-л-албоб” ёки “Равзату ли-л-албоб фи таворих ал-акобир вал-ансоб” (“Акобир ва асил (кишилар) тарихи хусусида оқиллар боғи”) номли асарнинг муаллифи. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср биринчи Чорагида ўтган шоир ва йирик тарихчи олим. Қўпроқ Банокатий номи билан машҳур. Банокат Тошкентнинг эски шаҳар номларидан бири бўлиб, у Илоқ, яъни Оҳангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшилиш жойи яқинида жойлашган қадимий шаҳар,

1392 йилидан бошлаб Шоҳрухия номи билан аталган. Тарихчи мана шу шаҳарда туғилган. Элхон Ғозонхон ҳамда Ўлжойтухон саройида хизмат қилган ва 1301 йили маликуш шуаро (шоирлар подшоҳи) унвонига сазовор бўлган. Лекин, Банокатий кўпроқ жаҳон тарихини ўз ичига олган “Равзату ли-л-албоб” номли асари билан машҳур бўлди. Банокатийнинг мазкур асари Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи чорагидаги тарихи, географик ҳолати ва аҳолисининг турмушини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади. Асар 1317 йилда ёзиб тугатилган. У муқаддима ва тўққиз қисмдан иборат: 1. Одам Атодан то Мусога-ча ўтган даврда яшаган пайғамбарлар; 2. Қадимий Эрон подшоҳлари; 3. Муҳаммад пайғамбар, ҳулафойи Рошидин, Имомлар, Умавий ҳамда Аббосий халифалари бошқаруви даври; 4. Аббосийлар билан ҳамаср бўлган сулолалар (Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқалар); 5. Яҳудий пайғамбарлари ва подшоҳлари; 6. Насронийлар ва Оврупо мамлакатларининг жуғрофий ҳолати; 7. Ҳиндистон тарихи, ҳиндларнинг дини ва эътиқоди; 8. Хитойлар ва хитойнинг жуғрофий ҳолати; 9. Мўғуллар тарихи ва уларнинг истилочилик юришлари. “Равзату ли-л-албоб” XVII асрдан буён илмий жамоатчиликнинг диққат эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари лотин, турк, инглиз ҳамда француз тилларига таржима қилиниб чоп этилган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Санкт-Петербург, Қозон, Душанбе ва хорижий мамлакатлар кутубхоналарида мавжуд. Китобдан Алишер Навоий ўзининг тарихий асарларини яратишда фойдаланган.

19. АБДУЛЛА НАСРУЛЛОҲИЙ (XV-XVI асрда ижод этган тарихнавис олим) “Зубдат ул-асар” номли асар унинг қаламига мансуб. Умумий тарих йўналишида ёзилган ушбу асар қадим замонлардан то 1525 йилларгача мусулмон мамлакатларида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўз ичига олган.

20. МУҲАММАД СОЛИҲ (1455-1535). “Шайбонийнома” асарининг муаллифи. Асарда Шайбонийхоннинг олиб борган урушлари назмда баён этилади.

21. МИРЗА ОЛИМ ИБН МИРЗА РАҲИМ ТОШҚАНДИЙ “Ансоб ас-солатин ва таворих ал-хавоқин” (Султонлар ша-жараси ва хоқонлар тарихи) номли асар унинг қаламига мансуб тарихий асар бўлиб, XIX аср сўнгида ёзиб тугатилган. Унда Фарғонанинг XV-XIX асрлар орасидаги тарихий воқеалар баён этилган.

22. ҲУДУДУЛ ОЛАМ Форс тилида ёзилган (982) биринчи жуғрофий ҳарактердаги асар. Китобнинг тўлиқ номи “Худудул олам мин ал-Машриқ иллал Мағриб”дир (“Шарқдан Ғарбга қараб жойлашган мамлакатларнинг чегаралари”). Асар муаллифи номаълум. У Гузноно (Афғонистоннинг шимодий қисмида жойлашган қадимий вилоят) ҳокимларидан (фаруғинийлар) бирига атаб ёзилган. Китобнинг ягона қўлёзма нусхаси шарқшунос А.Г.Туманский (1861-1920) томонидан 1892 йилда Бухорода топилган. “Худуд ул-олам” асари муқаддима ва 59 бобдан иборат. Унинг 1-7 бобларида ернинг тузилиши, денгиз, орол, тоғ, дарё, чўлу биёбонлар ҳамда дунёнинг инсон яшайдиган тўртдан бир қисми рубъи маскун ва унда истиқомат қилувчи халқлар, рубъи маскуннинг мамлакат ҳамда вилоятларига тақсимланиши ҳақида умумий мулоҳаза юритилади. 8-59- бобларида Шарқдан Ғарбга қараб жойлашган мамлакатлар, уларнинг халқи, ўша мамлакатларда ишлаб чиқариладиган асосий матолар, айрим заминларда эса савдо-сотиқнинг умумий аҳволи хусусида сўз боради. “Худуд ул-олам” асарида Ўзбекистоннинг шаҳарлари, аҳолиси ва уларнинг машғулотлари ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз. Асарнинг матни айнан (фотоматни) факсимилеси, кириш ва зарур изоҳлар билан бирга, 1930 йили В.В.Бартольд томонидан, инглизча таржимаси эса (тадқиқот ва изоҳлар билан бирга)

1937 йили В.Ф.Минорский томонидан нашр этилган. Унинг форсча матни икки марта (М.Сотудэ ва Саййид Жалолуддин Техроний томонидан) Эронда чоп этилган. 1983 йили асарнинг тожикча нашри амалга оширилган. Ушбу китоб форс тилидаги илк тарихий-жуғрофий манба сифатида жуда қимматли асар ҳисобланади.

23. ФАХРИДДИН МУБОРАКШОҲ МАВАРРУДИЙ “Тарихи Муборакшоҳ” (“Муборакшоҳ тарихи”) асарининг муаллифи бўлиб, у XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII аср бошларида яшаган йирик тарихчи олим. Фахриддин Муборакшоҳ ёки Фаҳри мудир номи билан машҳур бўлган. Ўз асари дебочаси, шунингдек, Ибн Ал-Асир ва “Ҳафт иқлим” муаллифининг келтирган маълумотларига қараганда, отаси ҳам, ўзи ҳам Ғурийлардан Шаҳобиддин (ёки Муъизиддин) Муҳаммад (1173-1206) ҳамда Ғиёсуддин Маҳмуд (1206-1212) саройида хизмат қилиб, замонасининг кенг маълумотли кишиларидан ҳисобланган. Фахриддин Муборакшоҳ 1206 йилда ўзининг машҳур “Тарихи Муборакшоҳ” асарини тамомлаб, Лоҳурда Ғиёсуддин Маҳмудга тақдим этиш билан унинг эътиборини қозонган. Муаллифнинг сўзларига қараганда, асар 13 йилда тамомланган. “Тарихи Муборакшоҳ” асари 136 қисм (шажара)дан иборат бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбар, ҳулафойи рошидин (Абубакр, Умар, Усмон, Али), ансорлар, муҳожир саҳобалар, Ғассонийлар яъни Сурия ҳукмдорлари, Яман подшоҳлари, исломдан аввал ўтган шоирлар, саҳобалар орасидан чиққан шоирлар, Ажам подшоҳлари (Пешдодийлар, Каънийлар, Ашкониийлар, Сосониийлар), Умавийлар, Аббосийлар, Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомониийлар, Ғазнавийлар ва ниҳоят Ғурийлар тарихи баён этилган. Ушбу асарнинг биз учун қиммати шундаки, унда Туркистоннинг сарҳадлари ва унда ишлаб чиқариладиган мол ва матолар, уларнинг хорижий мамлакатларда эътибор қозонган навлари, турк қабила

ва уруғлари, уларнинг тили ва маданияти, ёзувлари, урф-одатлари ҳақида бой далилий маълумотлар келтирилган. “Тарихи Муборақшоҳ” асарининг ягона мўътабар қўлёзмаси Англиянинг Оксфорд шаҳридаги Бодли кутубхонасида сақланмоқда. Китобнинг Ғурийлар ва туркий халқлар тарихига оид қисми матнини инглиз шарқшуноси Денисон Росс 1927 йилида чоп қилган.

24. МУЖМАЛ АТ-ТАВОРИХ ВАЛ ҚИСАС (“Тарихлар ва қиссалар мажмуаси”) Муаллифи номаълум бўлган бу асар ихчам тарзда ёзилган умумий тарихга оид китобдир. Унда қадим замонлардан (исломиятдан аввал ўтган Эрон подшоҳлари замонидан то ўғузлар тарафидан Султон Санжарнинг асир олинishi (1153) ва Нишопурнинг вайрон этилишигача бўлган давр ичида Эронда ва қисман Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳикоя қилинади. Асар 1153 йилдан кейин яратилган. Китобнинг илмий қиммати шундаки, унда туркий халқлар, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар, туркларнинг ватанларидан бири Иссиққўл ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар келтирилган. “Мужмал ат-таворих ва қисас”нинг ягона қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасининг қадимий форсий китоблар фондида, 62-рақам остида сақланмоқда. Унинг матни 1939 йилда эронлик Малик уш-шуаро Баҳор томонидан чоп этилган.

25. НИЗОМУЛМУЛК. Тарихнавис олим: Муаллиф Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий. (1018-1092) бўлиб, Салжуқий ҳукмдорлар Султон Алп Арслон 1063-1073) ҳамда Султон Маликшоҳ I ларнинг бош вазири бўлган ва бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган. У салтанатдаги тарқоқликка барҳам бериш, марказий давлат тузумини мустаҳкамлаш, давлатнинг молиявий ишларини тартибга солиш учун ҳаракат қилган. Шунинг учун ўнта мамлакатни тартибга солувчи, яъни Низомул-

мулк номи берилган. Низомулмулк Бағдодда “Низомия” деб аталган мусулмон ҳуқуқ-ақоид мактабига асос солган. Тарихчи “Сияр ал-мулук” асари билан кенг танилган. “Сияр ал-мулук” (“Подшоҳларнинг турмуши”) асарининг бошқа номи “Сиёсатнома” дир. Китоб 1092 йили ёзиб тугалланган. У 51 бобдан иборат бўлиб, унда давлат тизими, молиявий ҳисоб-китоб ишлари, қўшин тузулиши, мансаблар ва уларга амалдорларни тайинлаш тартиби, амалдорлар фаолияти муаммолари хусусида фикр юритилади. Асарда Ўзбекистон тарихига оид муҳим ва қимматли маълумотлар бор. Сомонийлар даврида турк ғуломларини давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, Туркистон хонлари Қорахонийлар саройида хизмат қилувчи ходимларнинг маиший аҳволи, Сомонийлар хизматида бўлган амирлар унвонлари, Хоразмшоҳ Олтинтош (1017-1032) билан Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг вазири Аҳмад ибн Ҳасан ўртасидаги ёзишмалар ана шулар жумласидандир. Асарда, бундан ташқари, карматлар, ботинийлар ҳаракати, Муқанна қўзғолони ҳақида ҳам айрим диққатга сазовор маълумотлар мавжуд. Муаллиф ва унинг асари ҳақида хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар: “Сиёсатнома”нинг форсчаси 1931, 1956 йиллари, французчаси 1893 йили, инглизчаси 1960 йили ҳамда русчаси 1949 йили Б. Д. Заходер томонидан чоп қилинган. Китоб ўзбек тилига ҳам таржима қилинган ва босиб чиқарилган.

26. ИБН АСИР. Машҳур тарихчи ва насл-насаб илмининг билимдони Иззуддин Али ибн Муҳаммад ибн Асир ал-Жазарий 555 йили Дажла дарёсининг ғарбий соҳили ибн Умар оролчасида таваллуд топган ва шу ерда ўсиб улғайган. Кейинчалик оиласи билан Ироқнинг Мувсил шаҳрига кўчиб келган. Ибн Асир ҳижрий 630 йил 25 шаъбон ойида Мувсил шаҳрида вафот этган. Тарихнавис олим: Ибн Асир Абул Фазл Хатиб Тусий, Абул Фараж Яхё Сақафий, Мусал-

лам ибн Али каби олимлардан таълим олган. Кейинчалик илм талабида Бағдод, Шом, Қуддус каби юртларга сафар қилган ва у ерда кўплаб олимлар билан учрашган.

27. НАЖМУДДИН АҲМАД ИБН УМАР. Унинг асл исми Нажмуддин Аҳмад ибн Умар ибн Али бўлиб, асли самарқандликдир. Отаси бир вақтлар Салжукий Алп Арслон хизматида бўлган. Бўлғуси олим Х асрнинг 90- йилларида туғилган, 1116-1119 йиллари Султон Санжар (1118-1157) саройида Нишопурда ҳаёт кечирган. Сўнгра Гур ва Бомиёнда (Афғонистоннинг марказий қисмида жойлашган вилоятлар) ҳукм сурган Шансабийлар хизматига кириб, умрининг охиригача ўша ерда яшаган. “Мажмаъ ул-ғаройиб” (“Ажойиботлар мажмуаси”) илмий, этик-дидактик мавзуда ёзилган асар бўлиб, «Чор мақола» номи билан ҳам аталади. “Чор мақола” 1156-1157 йилларда битилган бўлиб, тўрт қисмдан иборат:

- Дабир (котиб)лар ва дабирлик ҳақида;
- Шеърят илми ва шоирларнинг қадр-қиммати ҳақида;
- Сайёралар ҳақидаги илм ва мунажжимлик ҳақида;
- Тибб (медицина) ва табиблик хусусида.

Биринчи қисмда қорахитойлар билан Султон Санжар ўртасидаги 1141 йилнинг 9 сентябрида Самарқанд атрофида бўлган уруш, Қорахитойлар билан Хоразм, шунингдек Султон Маҳмуд Ғазнавий билан Мовароуннаҳр ҳукмдори Қорахоний Буграҳон Муҳаммад (1033-1056 йиллар атрофида вафот этган) ўртасидаги сиёсий муносабатлар, қорахитойлар истилоси арафасида Бухоро садрларининг умумий аҳволи ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар келтирилган. “Чор мақола”нинг иккинчи қисмида ҳам муҳим маълумотларни уч-ратамиз. Машҳур форсийзабон шоирлар Рудакий (тахм.860-941), Фарухий (ваф.1038), Фирдавсий (тахм.940-1020-1030 йиллар ораси)ларнинг ҳаётига

оид, шунингдек, Бодҳизнинг табиий шароити, масалан у ерда бўлган 1000 га яқин кориз, узумнинг 120 та нави, қорахонийлар даврида Мовароуннахрнинг адабий ва маданий ҳаётига оид ахборотлар шулар жумласидандир.

Учинчи қисмда Абу Райҳон Беруний ва Умар Ҳайёмнинг (тахм. 1048-1123) ҳаёти (Низомий Арузий Самарқандий у билан яқиндан таниш бўлган) билан боғлиқ маълумотлар берилган.

Тўртинчи қисмда ўзбекистонлик буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг (980-1037) Бухоро ва Хоразмдаги илмий фаолияти билан боғлиқ маълумотларни учратамиз. «Чор мақола»нинг форсий матни 1910 ва 1955-1957 йилларда эронлик шарқшунос олимлар Мирзо Муҳаммад Қазвиний ҳамда Муҳаммад Муъин томонидан чоп қилинган. Асар инглиз тилига 1921 йили ва 1963 йили рус тилига таржима қилинган. Низомий Арузий Самарқандийнинг ушбу асари Ўзбекистоннинг X-XI асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний уни ўзбек тилига таржима қилиб чоп эттирган.

28. ИБН ХАЛДУН. Ибн Халдун Ибн Рушднинг издоши бўлиб, 1349-1375 йилларда Тунис, Фус, Ғарнота, Бужжойа (Жазоир) ҳукмдорлари саройида юқори лавозимларда ишлаган. 1382 йил Мисрга келиб мударрислик қилган, умрининг охирида моликийлар мазҳаби қозиси бўлган. Ибн Халдун Дамашқ шаҳрининг Амир Темурга топширилиши шартлари ҳақида музокара олиб борган делегация таркибида бор эди. Шу тариқа Ибн Халдун Амир Темур билан шахсан суҳбатлашишга муваффақ бўлган. Ибн Халдуннинг хабар беришича, Амир Темур ундан Мағриб мамлакатлари, унинг манзиллари ва шаҳарларини батафсил баён қилиб беришни сўраган. Ибн Халдун Амир Темур ташқи сиёсий фаолиятига салбий назар билан қарашидан қатъий назар,

соҳибқирон шахсига муносиб баҳо берган. Ибн Халдун Амир Темурнинг ҳарбий соҳадаги теран фикрлашидан ҳайратга тушган, уни “баҳс-мунозараларни яхши кўрадиган ўтқир заковатли ва теран зеҳнли инсон”, деб таърифлаган. Амир Темурнинг умуман туркий халқларнинг жаҳон тарихида ўйнаган ролига юксак баҳо берган. Олимнинг ҳозиргача маълум бўлган “Китабул ибар ва девонул мубтадиъ вал-ахбар” (“Ибратли мисоллар, бошланғич девон ва хабарлар китоби”) асари кунимизгача етиб келган. Асарда Ибн Халдун жамият тараққиёти хусусида ўз фикрларини ҳамда Шарқ мусулмон халқлари (хусусан, Мағриб) тарихини баён қилган. У кишилар ҳаёт тарзидаги тафовутларни, асосан, географик ва бошқа моддий омилларга боғлиқ деб ҳисоблаган. Асарда Ибн Халдун ўз тарихий ижтимоий назариясини баён қилиб, ахлоқ ва ижтимоий муассасалар кишилар турмуши билан боғлиқлигини ҳамда жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. Ибн Халдун тарихий-ижтимоий тараққиётнинг моддий тамойилларга асосланиши ҳақида фикр юритган. Шунингдек, мазкур асарида Ибн Халдун усули фикҳ шариат илмлари ичра энг улуғи эканлигини таъкидлаб шундай дейди: “Усули фикҳ шариат илмлари ичра энг улуғидир, чунки унда ҳукм ва таклифлар ҳамда шаръий далилларнинг асл ўзаги олинади”, дейди.

29. МУЛЛА ШОДИЙ. “Фатхнома”. Асарда (1451-1501) йилларда Мовароуннаҳрги ижтимоий сиёсий воқеалар ёритилган.

30. ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ. “Дастур ал-мулк” ва “Онис ал-фуқаро” (XVII) асарлари муаллифи. Асар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутати. Унда Бухоро хонлигининг XVII аср 70-90 йиллардаги ижтимоий сиёсий аҳвол шунингдек, Бухоро ва Хива ўртасидаги муносабатлар баёни акс эттирилган.

31. МИР МУҲАММАД АМИН БУХОРИЙ XVII асрнинг тарихнавис олими. “Убайдуллонома” асари билан машҳур. Муаллиф Аштархонийлардан Субҳонқулихон ва Убайдуллахон даврида сарой хизматида бўлиб, муншийлик лавозимида фаолият юритган. Асарда Бухоро хонлигининг (1702-1716) йиллардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид маълумотлар берилган.

32. МУЛЛА ШАРОФУДДИН АЪЛАМ. XVII аср охири XVIII аср биринчи чорагида яшаб ўтган тарихчи олим. “Тарихи Касира” асари билан танилган. Асарда ўша давр машҳур шахсларнинг ҳаёти ва мамлакатда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳамда бунёд этилган бино, иншоат, бозорлардан таркиб топган муҳим ишлар ҳақида сўз боради. У Амир Темур таваллуди (1336 й.) дан то XVIII асрнинг ўрталаригача кечган воқеа-ҳодисаларни ўз ичига қамраб олган.

33. АБДУРАҲМОН ДАВЛАТ “Тарихи Абулфайзхон” асарининг муаллифи. Олимнинг туғулган ва вафот йиллари аниқ эмас. У Убайдуллахон ва Абулфайзхон (1711-1747) даврида сарой аҳлларида бўлиб, мунажжим, шоир ва тарихчи сифатида фаолият юритган.

34. ХОЖИ МИР МУҲАММАД САЛИМ Муаллиф “Силсила ас-солатин” асари билан танилган. Унинг ушбу тарихий асарида XV-XVIII асрлар тарихнавислиги ҳақида бахс юритилади.

ГЛОССАРИЙ

МАВЛО – тушунчаси икки хил маънода қўлланилади. Биринчиси қул озод қилган кишига, иккинчи маъноси эса, бировнинг мусулмон бўлишига сабабчи бўлган шахсга нисбатан қўлланилади. “Мавло” тушунчаси ислом динининг мусулмонларни ўзаро бирлаштириш ва инсонлар орасидаги бирдамликни мустаҳкамлаш учун жорий қилинган қонунлардан бири саналади.

ҲОФИЗ – ҳадис илмига оид истилоҳ бўлиб, унинг таърифи борасида икки хил қараш мавжуд. Биринчи таърифга кўра, ҳофиз муҳаддис демакдир. Муҳаддис ҳадис илми билан шуғулланадиган, ривоят ва ровийларнинг ҳолатларидан яхши хабардор бўлган шахсга нисбатан қўлланилади. Иккинчи таърифга кўра, ҳофиз муҳаддисдан бир поғона юқори турадиган ва ҳадис борасида биладиган маълумотлари билмаган маълумотларидан кўп бўлган шахсдир.

ГЕРМЕНЕВТИКА – (юнон. *hermeneia* - талқин этувчи) тил ҳақидаги фан йўналиши бўлиб, унда тушуниш, ижтимоий борлиқни англаш шарт деб қаралади. Тор маънода герменевтика билимнинг маълум бир тармоқларида мавжуд матнларни талқин қилиш усулларининг йииндиси деб қаралади. Масалан, филология, ҳуқуқшунослик диншунослик ва бошқалар. Герменевтика фалсафадаги оқимлардан бири ҳам бўлиб, унга матнларни талқин қилиш назарияси ва санъати деб қаралади.

ФАН – дунё ҳақидаги объектив билимлар системасидир. Тарихий тараққиёт жараёнида фан жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучига айланиб боради. Фан табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимларни ҳосил қилишдан то уларни татбиқ қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига ола-

ди. Киши организми атроф-муҳит, бепаён олам сирлари ва ривожланиш механизмларини ўрганиб, улардан жамият равнақи учун фойдаланишдаги илм-фан соҳасидир. Кенг маънода фаннинг вазифаси - воқеликни назарий акс эттиришдир.

ДАВОТ – ёзув асбобларидан бири; сиёҳ қуйиб қўйиладиган идиш, сиёҳдон. Давот метал, ёғоч, суяк, сопол, шиша ва чинни ҳом-ашёларидан ишланган.

СИХПАР – Жайранинг думи, ёзув қуроли сифатида ишлатилади. Қуруқ сиёҳни давогга солиб, устидан бир оз сув қуйгач, сихпар билан арилиштирилган. Сиёҳ тингач, ёзиш учун фойдаланилган.

ЛОС – пилла тортганда ажралиб чиқадиган калта-калта ипак толалари, хом ипакнинг чиқиндиларидир. У сиёҳдонга сиёҳни қуюқ сақлаш ва қаламни юмшоқ ботириш учун солиб қўйилади. Хаттотликда баъзан лос ўрнида лифадан (хурмо дарахтининг пўстлоғидан тайёрланадиган ип) ҳам фойдаланилади.

САВАҒИЧ ҚАЛАМ – хат ёзишни ўрганаётганларга тайёрлаб берилган қалам. У пиган шимувчи новдалан ҳозирги қалам узунлигида, аммо ундан бир оз йўғонроқ бўлган. Бу савағич қаламда етарлича тажриба орттирган хат ўрганувиси кейин қамиш қаламда ёзишга ўтган.

ҚАЛАМҚАТ – мол ёки кийикнинг шоҳидан махсус ишланган иш қуроли бўлиб, кесиш вақтида қаламнинг учи-га қўйиладиган асбоб.

ЖУЗЪГИР – қогоз ва бошқа ёзувлар, ҳали муқовага олинмаган қўлёзма варақлари солиб қўйиладиган чармдан ишланган анжом, уни “жуздон” деб ҳам юритилади.

ГЕВЕН – ўсимлик тури бўлиб, фақат Туркиянинг маълум бир ҳудудларидагина ўсади. Унинг ёрдамида бўёқ сувдан осон ажратиб олинади. Чунки унда сув билан қоришиб кетмаслик ва қоришмани сув юқорисида сақлаш хусусияти мавжуд.

ЁРЛИҚ – мамлакат ҳаётида амалга ошириладиган бирор муҳим воқеа-ҳодиса (қўшин тўплаш, йўл қуриш, ариқ қазиш ва ҳоказо)ни халққа маълум қилиш учун махсус мансабдорга ҳукмдор томонидан берилган ёзма буйруқ. Унинг яна бир маъноси, амирлар ва бошқа нуфузли кишиларга амал, унвон, ер-мулк ва турли имтиёз берилганлиги ҳақида подшоҳ, хон, умуман мамлакат ҳукмдорининг муҳри босилган расмий ҳужжат ёки фармонидир.

ВАСИҚА – яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида XX аср бошларигача мол-мулк сотиб олганлик тўғрисидаги расмий ҳужжат. Васиқалар асосан кўчмас мулкка (ер, сув ва хўжалик биноларига) доимий ёки вақтинчалик эгалик қилиш учун тузилган. Васиқа фақат бир нусхада ёзилиб, ҳар икки томон (сотувчи ва олувчи) ҳамда гувоҳлар имзо чекканлар, унга қози ҳам имзо қўйиб, ўз муҳри билан тасдиқлаган. Тарихнинг турли даврларида тузилган васиқалар бизгача етиб келган.

ВАҚФНОМА – давлат ҳукмдори, шунингдек, айрим мулкдорлар томонидан масжид, мадраса, хонақоҳ, авлиёларнинг мозорлари ва шу кабилар ихтиёрига вақтинча ёки доимий фойдаланиш учун берилган, яъни вақф қилинган ер-сув, мол-мулк, хўжалик бинолари ҳақидаги расмий ҳужжат. Турли даврларга оид вақфномаларнинг тузилиши қуйидагича бўлган: Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ҳамду сано айтилгач, ҳужжатнинг ҳуқуқий моҳияти ёритилади, вақфга кирувчи ер-сувнинг чегараси, хўжалик бинолари ва мол-мулкнинг рўйхати берилади ҳамда улардан фойдаланиш шартлари кўрсатилади. Ҳужжат охирида вақф қилувчининг имзо ва муҳри босилиб, қозихонада тасдиқланади.

ҚОЗИ ДАФТАРИ – мусулмонлар орасида шариат қонунлари асосида ҳукм ва ижро ишларини олиб боровчи мансабдорнинг дафтари (ҳужжати). Қозилар бу дафтарга асосан дин, оила, мерос ва жиноий ишлар масалалари бўйича

хукм чиқарганлар. Дафтарга шунингдек, васийлик, мерос, насл-насаб, шажараном ва шу каби маълумот ҳужжатларини гувоҳлар иштирокида расмийлаштириб, тасдиқлаб берганлар.

ДИПЛОМАТИКА – тарихий манбашуносликнинг махсус соҳаси бўлиб, ҳуқуқий қонунда белгиланган ҳужжатларнинг мазмунини ўрганади. Бу атама лотинча “diplomum” сўзидан олинган бўлиб, “иккиланган, иккилик” деган маъноларни беради. Актлар, ҳужжатлар, вақфлар, ҳукмдорларнинг фармойишлари, қозихона ҳужжатлари, давлат иш юритиш ҳужжатлари, васиқалар, машҳур шахсларнинг мактублари ва бошқалар дипломатика фанининг объекти ҳисобланади. Дипломатика термини XIV–XV асрларда муомалага киритилган. Дастлаб айрим ҳужжатларга нисбатан қўлланилган бўлса, XVIII асрга келиб, барча турдаги ҳужжатларни ўрганиш ҳам “дипломатика” деб юритили бошланди. Ўзбекистонда бу йўналишда О.Д.Чехович, Б.Казаков, шунингдек, қадимги турк ҳужжатлари бўйича Қ.Содиқов ва бошқалар самарали илмий изланиш олиб борганлар.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

Расмий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016-йил 7-декабр. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 32 б.

Ўзбек тилидаги адабиётлар:

1. Абдулла Носиров. Тошкент олимлари ва шоирлари. ЎЗР ФА ШИ Қўлёзма. Р:13407. III-Жилд. – В. 466.

2. Абдулмалик ин Ҳишом ал-Маъофирий. Ас-Сира ан-Набавийа. Биринчи жилд 1-2. – Т.: “Sharq” нашриёти, 2011. – 616 б.

3. Абдулмалик ин Ҳишом ал-Маъофирий. АС-Сира ан-Набавийа. Иккинчи жилд. 3-4. – Т.: “Sharq” нашриёти, 2011. – 616 б.

4. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиқлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – 256 б.

5. Абдумажид Мадраимов. Гавҳар Фузаилова. Манба-шунослик. – Т.: “Фан” нашриёти, 2007. – 295 б.

6. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – Асомиддин Ўринбоев, тарих фанлари доктори. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2008. – Б. 3-34.

7. Абдуҳалимов Б. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 235 б.

8. Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-Набавия. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1993. – 112 б.

9. Абу Лайс Самарқандий. Бўстонул орифин. Араб тилидан: Бекназар Муҳаммадшукур ва Масъудхон Маҳдихон ўғли таржимаси. – Т.: “Movarounnahr” нашриёти, 2013. – 260 б.

10. Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий. Татиммат ал-Йатима. – Т.: “Фан” нашриёти, 1990. – 204 б.

11. Абу Тохирхожа. Самария. – Т.: “Камалак” нашриёти, 1991. – 336 б.

12. Абуғозий. Шажараий турк. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1992. – 192 б.

13. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: “Камалак” нашриёти, 1992. – 80 б.

14. Алишер Навоий. (Мукаммал асарлар тўплами). Насойим ул-муҳаббат. Жилд 17. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2001. – 518 б.

15. Ал-фақиҳ Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. Ал-Азкор мин калами саййидил аброр. (Яхшилар саййидининг каломидан зикрлар) биринчи китоб. – Т.: “Мовароуннахр” нашриёти, 2003. – 228 б.

16. Аминов Ҳ. А. Муҳаммад Раҳимхон II. Феруз кутубхонаси фехристи. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2010. – 384 б.

17. Аҳмедов А. Хоразмий асари изидан. Фан ва турмуш // 12/1986. – Б. 8-9.

18. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – 208 б.

19. Аҳмедов Б. Темур тузклари. – Тошкент: 1991. – 144 б.

20. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: “Нур” нашриёти, 1992. – 152 б.

21. Аҳмедов Бўрибой. Амир темур дарсликлари. – Т.: “Шарқ” нашриёти-матбаа кациядорлик компанияси бош тахририяти, 2001. – 141б.

22. Бекмирзаев И. И. Бурҳониддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиғи. – Т.: “Ta’lim Nashriyoti”, 2011. – 200 б.

23. Бекмирзаев И.И. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлилий ёндашувлар. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 332 б.

24. Бобохонов А.Ҳ. Асрдан ошган зиё масканлари. – Т.: “O’zbekiston”, 2011. – 218 б.

25. Босворт К. Э. Мусулмон сулолалари. – Т.: “Фан” нашриёти, 2007. – 271 б.

26. Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. (био-библиографик маълумотнома). – Т.: Чўлпон нашриёти, 2003. – 107 б.

27. Бурутхон Алихўжав. Хожа Аҳрор тарихи. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти, 1994. – 96 б.

28. Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя 1-жилд. – Т.: “Адолат” нашриёти, 2000. – 848 б.

29. Глухов А. Асрлар қаъридан. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 33-36.

30. Гулбадан Бегим. Ҳумоюннома. – Т.: ЎзР ФА нашриёти, 1959. – 200 б.

31. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1980. – 248 б.

32. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. Нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. – Т.: Юлдузча, 1989. – 368 б.

33. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь XVII-XIX асрлар. Фанлар академияси босмаҳонаси, 1962. – 344 б.

34. Иброҳимов Неъматулло. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: “Шарқ машъали” журналіга илова “Шарқ баёзи”, 1993. – 102 б.

35. Ирисов А, Носиров А, Низомиддинов И. Ўрта Осиёлик қирқ олим. – Тошкент: Фанлар академияси, 1961. – 112 б.

36. Ирпон Тўхтиев. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 222 б.

37. Исқохов М. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнафислик изланишлари 2. – Т.: “Тошкент давлат шарқшунослик институти”, 2010. – 496 б.

38. Йўлдошев Б. Бобурпур. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2011. – 60 б.

39. Йўлдошхўжаев Ҳ, Қаюмова И. Ўзбекистон Уламолари. – Т.: “Monaounnahr”, 2015. – Б. 51.

40. Кайковус. Қобуснома. – Т.: “Истиқлол” нашриёти, 1994. – 173 б.

41. Қаюмов А Ф. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Т.: “Фан” нашриёти, 1994. – 144 б.

42. Қобилжон Тоҳиров. Абулғозий Баҳодирхон “Шажарайи тарокима”. – Самарқанд: “Сугдиёна” нашриёти, 1995. – 72 б.

43. Макорим ул-ахлоқ: тарихий асар / Хондамир. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 208 б.

44. Мақсдхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд ёки Мустасар ул-Викоянинг ўзбекча шарҳи. – Т.: “Адолат” нашриёти, 1996. – 640 б.

45. Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. ЎзР Тошкент Давлат Шарқшунослик институти. – Т.: “Нур полиграф”, 2009. – 354 б.

46. Масъудхон Исмоилов., Абдулла Шаропов. Тарих аталари луғати. – Т.: “Akademnashr” нашриёти, 2013. – 560 б.

47. Маҳмуд Хасаний. “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 48 б.

48. Маҳмудов Ж. Манбаларда паҳлавон Маҳмуд Пурорвалий зикри. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007. – 167 б.

49. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – 408 б.

50. Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. “Тарихи Рашидий”. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 703 б.

51. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1993. – 352 б.

52. Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – 128 б.

53. Муниров Қ. Амир Хусрав Дехлавий асарларининг ЎзР ФА ШИ тўпламидаги қўлёмлари. – Т.: “Фан” нашриёти, 1975. – 54 б.

54. Муниров Қ. Хоразимда тарихнавислик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – 192 б.

55. Муҳаммад Али. Сарбадорлар.(икки китобдан иборат роман). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – 457 б.

56. Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф Абдулбоқи Имомхон ўғли Абдулбосит Қамбар. Мухтасарул-Викоя. – Т.: Мовароуннаҳр, 1991. – 188 б.

57. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1983. – 470 б.

58. Муҳаммад Раҳим ўғли Муҳаммад Салим Бухорий. Дурратул – ваъзийн. (воъизлар сочган дурлар). Биринчи қисим. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2012. – 160 б.

59. Муҳаммаджон Ҳакимов. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т.: “Davr Press” нашриёти, 2013. – 496 б.

60. Неъматулло Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи нашриёти, 1993. – 103 б.

61. Нодирхон Ҳасан. Туркияда яссавийшунослик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 56 б.

62. Нодирхон Ҳасан. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”. – Т.: Akademnashr, 2012. – 301 б.

63. Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1996. – 128 б.

64. Носир Муҳаммад. Турон давлатлар йилномаси. – Т.: “Meriyus” нашриёти, 2010. – 128 б.

65. Носиров А. Хоразмийлар ҳақида маълумотлар тўплами. ЎЗР ФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.Р:13436.

66. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузӣ. Қиссаси Рабғузӣ. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти, 1990. – 234 б.

67. Равшан Худайберганоӣ. Истахрийнинг “Китаб ма-салик ал-мамалик” асаридаги хариталар. – Т.: “Наврӯз”, 2019. – 292 б.

68. Равшанов П. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1991. – 352 б.

69. Рашид Зоҳид, Акрам Дехқон. Мухтасар. – Т.: Чўлпон, 1994. – 336 б.

70. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1993. – 207 б.

71. Сияру аъламин нубало / Имом Абу Абдуллоҳ Шамсуддун Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. – Т.: “Sharq”, 2015. – 480 б.

72. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1997. – 416 б.

73. Турғун Файзиев. Мирзо Улуғбек авлодлари. – Т.: Ёзувчи, 1994. – 40 б.

74. Тўхтиев И. Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари. – Т.: “Фан” нашриёти, 1992. – 44 б.

75. Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2016. – 422 б.

76. Ўктам Мавлонов. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: “Akademiya” нашриёти, 2008. – 432 б.

77. Ўринбоев. А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б. 9-27.

78. Ўрта аср Шарқ алломалари. Энциклопедияси. Таҳрир хайъати. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016. – 612 б.

79. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума. – Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2011. – 144 б.

80. Ҳайруллаев М.М. Ал-Хоразмий. – Буюк энциклопедик олим. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983. – 32 б.

81. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 104 б.

82. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (2-китоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 120 б.

83. Ҳайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар (3-китоб). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – 144 б.

84. Ҳамидлла Аминов. Увайс Қараний. – Т.: “Ноширлик ёғдуси” нашриёти, 2011. – 140 б.

85. Ҳамидулла Караматов. Куръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Ўз РФА “Фан”, 1993. – Б. 13-14.

86. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1981. – 263 б.

87. Ҳерман Вамберди. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 96 б.

88. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2005. – 384 б.

89. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя (Шарҳи Мухтасари Виқоя). 1-Ж. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2008. – 363 б.

90. Шарафиддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 156 б.

91. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2006. – 384 б.

92. Эркинов А, Полвонов Н, Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси фехристи. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2010. – Б. 208.

93. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китоб ат-таъвилот» асари. тарих фанлари номзоди дисс.... – Т.: 2003.

94. У. Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: 2001. – Б. 215-216.

95. С. Оқилов. Абу-л-Муъийн ан-Насафий ва унинг Мотуридийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (Табсирату-л-адилла асари асосида). Дис... автореферати. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 28 б.

96. Мовароуннахр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари. Муаллифлар жамоаси. Маъсул муҳаррир ва лойиҳа раҳбари т.ф.н. И.Усмонов. – Т.: “Movarounnahr” нашриёти, 2011. – Б. 6-24

Араб тилидаги адабиётлар:

1. Ал-Мотуридий. Таъвилот аҳлис-сунна / Маждий Бо-саллум таҳрири остида. 10 жилдли. – Байрут, 2005.
2. Доктор Маҳмуд ат-Таҳҳон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. – Ар-Риёд: Мактаба ал-маъориф, 1996. – Б. 17.
3. Доктор Тақиюддин ан-Надавий ал-Музоҳирий. Ал-Имом ал-Бухорий. – Дамашқ: Дар ал-қалам, 1994. – Б. 20.
4. Ибн Нудайм. Фихрист. – Байрут: Кутуб ал-илмия, 2010. – Б. 45.
5. Иброҳим Жумъа. Тоттовур китабати куфий. Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1969. – 96 б.
6. Имом Абу Исо ат-Термизий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1995. Ж. 5. Б. 199-200.
7. Имом ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Байрут. Дор ибн Касир, 1987. Ж. 4. Б. 123-400.
8. Имом ад-Доримий. Сунан ад-Доримий. / Муҳаммад Абдулазиз ал-Холидий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. Ж. 2. Б. 320-351.
9. Комил Салмон Жабурий. Мавсуа ал-хотти ал-аробий, хотту ал-куфий. – Ливан, Байрут: Дор ал-мактаба ал-ҳилал, 1999. – Б. 25.
10. Маҳмуд Жалвий Муғрий. Мавсуат дийваний. – Қувайт: Аш-Шувайх, 1997. – Б. 99.
11. Мухтасар ал-Виқоя таржимаси. Мутаржим: домла Муҳаммад Солиҳий. – Қозон: Ака-ука Каримовлар, 1902. – 310 б.
12. Мухтасар ал-Виқоя таржимаси. Мутаржим: Шаҳобиддин ибн мулла Абдулазиз. – Қозон: Б.Л. Домбровский, 1896. – 357 б.
13. Мухтасар ал-Виқоя фий масоил ал-Ҳидоя лил алломати Садр аш-Шариъа. –Т.: Ильин, 1900. – 764 б.

14. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Таҳқиқ: Маҳмуд Иброҳим Зоир. Ат-Тарих ас-сағир. Ж.1. – Байрут: Дар ал-маърифа, 1986. – Б. 6.

15. Муҳаммад Тохир ибн Абдулқодир Курдий ал-Маккий. Тариху ал-хотти ал-аробий ва адабиҳи. – Миср: Сакакиний, 1939. – Б. 104-105.

16. Назми Мухтасари туркий мин танзимот. Ахқорул ибод Раҳим Хўжа ибн Али Хўжа Эшон Шоший. – Тошкент: Лохтин, 1888. – 585 б.

17. Ножий Абу Ҳайён. Рисолат ул-китаба. – Дамашқ: Нашр ал-кутуб, 1951. – Б. 54.

18. Ножий Зайниддин Мусарриф. Мусаввир ал-хот ал-аробий. – Бағдод: Сурур, 1968. – Б. 216.

19. Нохид Абдураззоқ Дафтар. Хотти ал-аробий. – Қоҳира: Дор ат-Турос, 1985. – Б. 153.

20. Фавзий Солим Афибий. Китабату хат ал-аробий ва татоввуруху. – Қувайт: Дор ал-мактаба ал-ҳилал, 1980. – Б. 530.

21. Хайруддин Зирклий. Аълам. Ж. 2. – Байрут: Дар ал-илм лил малайин, 1998. – Б. 131.

22. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.10. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 174-175.

23. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.7. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 602.

24. Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.9. – Байрут: Дар ал-фикр, 1991. – Б. 291.

25. Муҳаммад аз-Зухайлий. Ал-Қазо фил ислам. – Дамашқ: Дор ал-мактабий, 1998. – 110 б.

26. Арнус Муҳаммад ибн Муҳаммад. Тарих ал-қазо фил ислам. – Қоҳира: Ал-матбаа ал-мисриййа ал-ҳадиса ал-аҳлиййа, 1934. – 428 б.

27. Саид ал-Жумайли. Қазо Расулуллоҳ ва аҳкамуху. – Қоҳира: Марказул китаб лин-нашр, 1997. – 159 б.

28. Ашроф Манноъ ал-Қаттон. Авлийот ал-форуқ фил идора вал қазо. – Байрут: Муассаса ал-кутуб ас-сақофия, 1990. 1-2 Ж.

29. Маҳмуд аш-Шарбиний. Ал-Қазо фил ислам. – Қоҳира: Ал-матбаа ал-мисрийя ал-ҳадиса ал-аҳлийя, 1999. – 223 б.

30. Ибн Ҳабиб ал-Мовардий. “Ал-Аҳком ас-султония вал валоят ад-диния”. – Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий, 1990. – 419 б.

Хорижий адабиётлар:

1. Ahmet Ozel. Hanefi Fikih Alimleri. – Ankara: Turkey diyanet vakfi yayinlari, 2006. – 275 s.

2. Akif Aydin. M. Turk Hukuk Tarihi. – Istanbul: Beta basim, 1995. – 240 s.

3. Али-заде Айдын Ариф огли. Хроника мусульманских государство. – М.: УМАА, 2007. – 445 с.

4. Ахмедов А. Мухаммад ибн Муса ал-Хоразми. Астрономические трактаты. (вступительная статья, перевод и комментарии). – Ташкент: Фан, 1983. – 141 с.

5. Бабажанов Б.М. Кокандское ханство: Власть, политика, религия. – Ташкент;Токио: Yangi nashr, 2010. – 744 с.

6. Бернал Дж. Наука истории общества (перев.с англ: А.М. Вязьминой., Н.М. Макаровой., Е.Г. Панфилова). – М.: Издательства иностранной литературы, 1956. – 743 с.

7. Великий ученый средневековья ал-Хорезми. (материалы юбилейной конференции ибн Мусы ал-Хорезми). – Ташкент: Фан, 1985. – 271 с.

8. Дмитриева Л.В. Каталог тюркских рукописей института востоковедения Российской академии наук. – М.: “Восточная литература”, 2002. – 616 с.

9. История Узбекистана. Коллектив. Том III. (XVI – первая половина XIX века). – Т.: Фан, 1993. – 475 с.

10. Каталог рукописей государственного музея литературы им. Алишера Навои. Ответств ред: Саидбек Хасанов. I.Том. – Т.: “Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi”, 2006. – 256 с.

11. Каталог фонда института рукописей. Ответственный ред: Каюмов А.П. I.Том. – Т.: “Фан”, 1989. – 412 с.

12. Каталог фонда института рукописей. Ответственный ред: Каюмов А.П. II.Том. – Т.: “Фан”, 1988. – 386 с.

13. Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-Салатин ва таварих ал-хавакин (Генеалогия султанов и история хаканов). (Авторы проекта: Вохидов Ш., Эркинов А.) – Ташкент: 2007. – 255 с.

14. Мухаммад ибн Муса ал-Хоразми. Математические трактаты. (ответсвенный редактор акад. С.Х.Сирождинов). –Ташкент: Фан, 1983. – 303 с.

15. Султанов Т.И. Чингиз-хан и Чингизиды. Судьба и власть. – М.: Издательство АСТ, 2007. – 446 с.

16. Фильштинский И.М. Арабская литература в сердные века. (Словесное искусство арабов в древности и раннем средневековье). – М.: “Наука”, 1977. – 289 с.

17. Ян В.Г. Чингиз-хан. – Нукус: “Каракалпакстан”, 1977. – 336 с.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
-------------	---

I. МАНБАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ: ИЛМИЙ АМАЛИЙ ҲАМДА НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ.....

1. Манбашуносликка кириш	6
2. Манбашуносликнинг вазифаси	10
3. Амалий-назарий манбашунослик	12
4. Манбашуносликнинг бугунги кундаги аҳамияти	15

II. МАНБАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА СОҲА МУТАХАС- СИСЛАРИНИНГ ЎРНИ. АМАЛИЙ ИШ, ТАЖРИБА ВА АНЪАНАВИЙЛИК.....

1. Манбаларни ўрганишда маҳаллий олимларнинг ёндашувлари.....	18
2. Манбаларни илмий ўрганиш ва ўргатишдаги маса- лалар таҳлили	22
3. Шарқ манбаларини аниқлаш ва илмий тадқиқотга тортиш	25
4. Манбаларга дастлабки ишлов бериш: туркумлаш ва соҳаларга ажратиш	26

III. МАНБАЛАРНИ АНИҚЛАШ, ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ВА СОҲАЛАР БЎЙИЧА ТУРКУМЛАШДА ЁЗУВ НАМУНАЛАРИ

1. Манбаларни аниқлашда ёзувнинг илк намуналари ва уларнинг аҳамияти	31
2. Милоддан аввалги қароргоҳларда оромий ёзуви.....	36
3. Ўрта Осиёда кенг тарқалган илк ёзувлар таҳлили	40
4. Ёзувнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида турлича қарашлар.....	47

**IV. ҚАДИМ ШАРҚ МАНБАЛАРНИ МАНБАШУНОСЛИК
ЖИҲАТИДАН ТАВСИФ ЭТИШ: ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ
ЎЗМА ВА БОСМА НУСХАЛАРИ..... 53**

1. Қуръони каримнинг китобат қилиб йиғилиши...53
2. Рошидинлар даврида Қуръони каримнинг саҳифа-
ларга жамланиши..... 57
3. Қуръони каримнинг қадимий ўзма нусхалари:
тарқалиши ва трансформацияси..... 62
4. Қуръони каримнинг тошбосма нусхалари
ҳақида 72

**V. ЎЗМА МАНБАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ИЛМИЙ
ТАВСИФ ЭТИШДА МУҲИМ ОМИЛЛАР 82**

1. Қўлёзма китоб тайёрлаш ва уларни безашда
шарқона услуб 82
2. Манбаларнинг илмий тавсифи ҳақида умумий
тушунчалар 86
3. Араб алифбосига асосланган хат турлари
ҳақида 90
4. Ҳусни хатда кўчириш анъаналарининг шаклла-
ниши 102

**VI. ШАРҚ ТИЛЛАРИДА ЁЗИЛГАН МАНБАШУНОС-
ЛИККА ОИД АСАРЛАР ҲАҚИДА 112**

1. Араб тилида ёзилган дастлабки манбалар..... 112
2. Форс тилининг ислом дини манбаларини ётириш-
даги ўрни 116
3. Туркий тилда яратилган асарлар ва уларнинг муал-
лифлари 119
4. Шарқ тилларида ёзилган манбаларнинг тарқалиши
географиясига оид маълумотлар 126

**VII. ШАРҚ МАНБАШУНОСЛИГИДА ИЛК ТАСНИФ
ЭТИЛГАН МАНБАЛАР ҲАҚИДА..... 137**

1. Мовароуннаҳрда битилган тафсир илмига оид
манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида..... 137

2. Манбашуносликда ҳадисга оид манбалар таҳлили	149
3. Фикҳий асарларнинг манбашуносликда тутган ўрни	156
4. Ҳанафийликка оид фатаво китобларининг манбашунослик таҳлили	169

VIII. МОВАРОУННАҲР ТАРИХИГА ОИД АРАБ ТИЛИДАГИ ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (VIII-IX асрлар)

1. Муҳаммад ибн Исҳоқ	178
2. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Аз-Заҳабий	185
3. Абу Абдуллоҳ Ибн Мусо Муҳаммад Хоразмий ...	191
4. Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо Термизий	196

IX. МОВАРОУННАҲР ТАРИХИГА ОИД АРАБ ТИЛИДАГИ ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (X-XI асрлар)

1. Абу Жаъфар Ат-Табарий	202
2. Абу Наср Аҳмад Ибн Муҳаммад Наршахий	207
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ал-Хоразмий	211
4. Маҳмуд Гардизий	213
4. Абулфазл Муҳаммад Ибн Ҳусайн Ал-Байҳақий	215

X. XII АСРДА БИТИЛГАН МОВАРОУННАҲР ТАРИХИГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛАРИ

1. Абу Ҳафс Насафий	220
2. Маҳмуд Замахшарий	224
3. Абдулкарим Самъоний	228
4. Фахриддин Розий	232

XI. МОВАРОУННАҲР ТАРИХИГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (XIII-XIV асрлар)

1. Саъдуддин Муҳаммад Авфий	239
2. Рашидуддий Фазлуллоҳ	241

3. Ибн Баттута.....	245
4. Фасих Ҳавофий	255

XII. ЎРТА АСРЛАРГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (XIV асрнинг иккинчи ярми XV аср).....

1. Низомуддин Шомий	261
2. Ибн Арабшоҳ.....	266
3. Ҳофизи Абру.....	267
4. Шарафуддин Али Яздий.....	271

XIII. XV АСРДА ЁЗИЛГАН ТАРИХИЙ АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ

1. Абдураззоқ Самарқандий	278
2. Мирмуҳаммад Ал-Балхий, Мирхонд.....	287
3. Гиёсиддин Хондамир	294
Камолиддин Биноий	300

XIV. XVI АСРГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР

ТАҲЛИЛИ

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.....	306
2. Мирза Муҳаммад Ҳайдар Аёзий	310
3. Ҳофиз Таниш Бухорий	318
4. Ҳофиз Кўҳакий.....	321

XV. XVII-XVIII АСРЛАРДА ТАСНИФ ЭТИЛГАН ТАРИХИЙ МАНБАЛАР.....

1. Абулғози Баҳодирхон	326
2. Муҳаммад Амин Бухорий	330
3. Муҳаммад Юсуф Мунший	333
4. Муҳаммад Тоҳир Балхий.....	334

XVI. XIX-XX АСРЛАРГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ.....

1. Раҳимхўжа Ибн Алихўжа Эшон Шоший.....	341
2. Исҳоқхон Тўра Иброт.....	347
3. Мирзо Содик Мунший.....	352
4. Мирзо Салимбек Салимий.....	355

**ХVII. МАНБАШУНОСЛИКДА ТАРИХИЙ
ХУЖЖАТЛАР: ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ИШ
ЮРИТИШ МАСАЛАСИ 359**

1. Манбашуносликда илк ҳужжатларнинг манба сифати аҳамияти 359
2. Марказий Осиё манбашунослигини ўрганишда ёзма ҳужжатлар 370
3. XIX-XX асрларга оид расмий ҳужжатлар таҳлили 377
4. Совет даврида Ўзбекистонда манбашунослик фани (XX аср 20-50 йй) 383

**ХVIII. МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ, ИЛМИЙ
МУОМАЛАГА КИРИТИШ: МАТБААЧИЛИК ВА УНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ 392**

1. Манбалардан фойдаланиш, ўрганиш ва илмий муомалага киритиш масаласи..... 392
2. Марказий Осиёда матбаачиликнинг ташкил топиши ва шаклланиши 394
3. Европа матбаачилиги тарихидан 397

И Л О В А Л А Р 403

Манбашуносликка оид китоб тасниф этган муаллифлар ва уларнинг асарлари 403

Г Л О С С А Р И Й 423

**ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ 427**

- Расмий адабиётлар: 427
- Ўзбек тилидаги адабиётлар: 427
- Хорижий адабиётлар: 437

МАНБАШУНОСЛИК

Мазкур дарсликда манбашуносликнинг умумий тушунчалари, фаннинг амалий ва назарий масалалари, атамалар ва уларни қўллаш, ёзма китоблар тузиш амалиёти, ўрта аср Мовароуннаҳр тарихи, Марказий Осиёда ёзилган тарихий манбашуносликка оид асарлар ҳамда уларнинг муаллифлари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, китобда Шарқ оламининг ёзма манбалари, матн тарихи ва уларнинг таҳлили, манбаларни танлаш, оммалашган тарихий асарларга оид бошқа масалалар тадқиқ этилган. Дарсликнинг илова қисмидан машҳур ўрта аср тарихнавис олимларининг асарлари ҳақида мухтасар маълумотлар ва баъзи изоҳталаб сўзлар учун глоссарийлар ўрин олган.

Ушбу дарслик Шарқ оламининг тарихий манбашунослиги, матншунослиги, тарихшунослиги, ислом тарихи ихтисосликлари бўйича таълим олаётган бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда Мовароуннаҳр ва унга қўшни мамлакатлар тарихи билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-602-557



9 789943 602557